

Ушбу ўқув қўлланма ЮСАЙДнинг «Тадбиркорликни  
ривожлантириш /ПРАГМА корпорация/» лойиҳаси  
томонидан молиялаштирилган

Қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2005 йил  
1 январь ҳолатига юридик кучга эга бўлган ва расмий равишда чоп этилган  
меъёрий ва қонуний ҳужжатлардан фойдаланилди.

**Ирина Завалишина- ўқув қўлланма муаллифи**

Қўлланма Мўмин АДИЛОВ томонидан ўзбек тилига таржима қилинди.

Ушбу қўлланмани тайёрлашда қатнашганлар:  
Ирина Подольская, Наталья Шмакова, Мўмин Адилов, Ирина  
Индина, Зоя Тучкова ва Леонид Тагунов.

## МУНДАРИЖА

### I. Қисм. СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

#### 1. «Солиқ» ва «солиқ тизими» тушунчаларининг иқтисодий моҳияти

- 1.1. Солиқларнинг иқтисодий тушунчаси ва уларнинг зарурийлиги
- 1.2. Солиққа тортиш асослари
- 1.3. Солиқларнинг таснифлаш
- 1.4. Солиқлар функцияси

#### 2. Солиқ тизими тузилишининг асосий принциплари

- 2.1. Солиққа тортиш принциплари
- 2.2. Солиқлар ва бюджет жараёни
- 2.3. Солиққа тортишнинг ҳозирги кундаги муаммолари ва тенденциялари

#### 3. Ўзбекистон Республикаси солиқ ҳуқуқи ва солиқ қонунчилиги

- 3.1. Солиқ ҳуқуқи характеристикаси ва асосий принциплари

### II. Қисм. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ

#### I. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ва солиқ тизими

2. Солиқ мажбурияти
3. Солиқ соҳасида ҳуқуқий муносабатдагиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
4. Солиқ назорати
5. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

### III. Қисм. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

#### 1. Умумий тартибда солиққа тортиш тизими

- 1.1. Қўшилган қиймат солиғи
- 1.2. Акциз солиғи
- 1.3. Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқ
- 1.4. Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ
- 1.5. Мол-мулк солиғи
- 1.6. Ер солиғи
- 1.7. Бошқа умумдавлат солиқлари
- 1.8. Бошқа мақаллий солиқ ва йиғимлар

#### 2. Норезидентларни солиққа тортиш

- 2.1. Норезидент юридик шахсларни солиққа тортиш
- 2.2. Жисмоний шахс – норезидентларни солиққа тортиш

#### 3. Махсус солиқ тартиблари

- 3.1. Микрофирма ва кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими
- 3.2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш
- 3.3. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ягона ер солиғи
- 3.4. Қатъий солиқ белгиланган алоҳида турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни солиққа тортиш

**3.5. Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш билан шуғулланувчи юридик шахсларни солиққа тортиш**

3.6. Кончилик саноати тармоқлари корхоналарини устама фойда солиғи бўйича солиққа тортиш

#### **4. Божхона тўловлари**

4.1. Олиб кириладиган товарларнинг божхонадаги нархи ва божхона тўловлари

4.2. Божхона божи

4.3. Импорт қилинадиган товарларга нисбатан ҚҚС

4.4. Импорт акциз товарлари бўйича акциз солиғи

#### **5. Барча юридик шахслар томонидан тўланадиган тўловлар**

5.1. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий бадаллар ва ажратмалар

5.2. Сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқатдаги ҳажмидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар

5.3. Йўл жамғармасига ажратмалар

5.4. Мактаб таълимини ривожлантириш учун мажбурий тўловлар

5.5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари

### **IV. ҚИСМ.**

**Мустақил ишлаш учун тест саволлари**

**Фойдаланиш учун ва қўшимча адабиётлар рўйхати**

# I. Қисм. СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## 1. «СОЛИҚ» ВА «СОЛИҚ СИСТЕМАСИ» ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИАТИ

### 1.1. СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИНГ ЗАРУРИЙЛИГИ

Солиқлар узоқ давр мобайнида жамият томонидан яратилган маҳсулотнинг бир қисмини давлат хазинасини тўлдириш учун ундириладиган асосий манба сифатида маълум. Шу билан бирга, солиққа тортиш эса иқтисодий маданиятнинг бир элементи сифатида давлатларнинг бозор иқтисодиётига ўтган ёки ўтмаганлигига қарамасдан туриб уларнинг ҳаммасига хосдир. Шунинг учун солиққа тортишни инсониятнинг ривожланишидан ажратмаган ҳолда кўриб, унинг ноёб бир ихтироси сифатида тан олиш лозим. Швейцария иқтисодчиси С.Фишернинг фикрича *солиқлар - бу жамиятнинг цивилизация учун тўловидир.*

Солиқлар – қадимги молиявий туркумлардан биридир. «Солиқ» тушунчаси ўзининг илдизлари билан асрлар ичра маълум бўлиб, давлат хазинасига ундириладиган ҳар хил (мағлуб бўлган давлатнинг тўловлари, контрибуция, доменлар, яъни фойда келтирувчи давлат мулки, ер ва ўрмонлар, давлат ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқиб кетишдаги бож тўловлари ва бошқалар) тушумлар кўринишида бўлган. Қадимда давлатни молиялаштириш механизмлари пайдо бўлаётган бир даврда, солиқлар давлатнинг пайдо бўлиши ва ундаги жамиятнинг синфларга бўлинишида муҳим иқтисодий муносабат сифатида юзага келган. Инглиз иқтисодчиси С.Паркинсоннинг фикрича: «Солиққа тортиш дунё каби қадимий бўлиб, унинг бошланғич шакллари маҳаллий қабила бошлиқларининг дарё бошларини, икки дарёнинг кесишган ёки тоғдан ўтиш жойларини тўсиб, ундан фойдаланганлик ёки савдогар ва сайёҳлардан ушбу ердан ўтганлик учун тўловлар ундирган даврларда пайдо бўлган».

Солиқларнинг ҳозирги кундаги ўрни эса ҳуқуқий онг, иқтисод, давлат назорат тизимининг юқори даражадаги ривожланиши натижасида пайдо бўлган. Вольтернинг сўзлари бўйича: *солиқ тўлаш бу - ўзининг мулкани бир қисмини қолган қисмини сақлаш учун бериш демакдир.*

Солиқ тўғрисидаги тушунча асрлар давомида ўзгариб борган. Солиққа тортиш назариясининг ривожланиши ва такомиллашиб бориши билан «солиқ» тушунчасига нисбатан қараш эволюцион равишда ўзгарган. Олимлар ва жамоат арбоблари солиқ тушунчасига фақатгина иқтисодий қарашдангина эмас, балки унга юридик нуқтаи назаридан ҳам таъриф беришга уринганлар.

Масалан, 200 йил аввал яшаб ўтган инглиз иқтисодчиси А.Смит солиққа қуйидагича таъриф берган: *солиқ – бу давлат томонидан қиймати ва тўлаш тартиби қонуний қилиб ўрнатилган юк демакдир.*

Ўша даврда солиқ назариясида солиқнинг асосан фискал функцияси ҳукмронлик қилган. 1819 йил инглиз иқтисодчиси Д.Рикардонинг Жамоалар Палатасидаги машҳур нутқида айтган таниқли жумласи, яъни «Энг яхши солиқ – бу кам тўланадиган солиқдир»-дегани ҳаммага маълумдир.

XIX асрнинг биринчи ярмида швейцариялик иқтисодчи Ж.Сисмонди солиқ назариясини «роҳатланиш назарияси» деб атаган. *Солиқ бу жабрланиш ва шу билан бирга роҳатдир, агарда шу қилинган жабр ҳисобига давлат томонидан кўрсатилган хизмат натижасида фойда олинса. Фуқаролар солиқларга давлат томонидан уларнинг ўзлари ва мулкларини ҳимоялашда кўрсатаётган хизмати учун тўланаётган мукофот пули деб қарашлари лозим.*

XX асрнинг бошларида италиялик иқтисодчи Ф.Нитти давлатнинг солиқлар таъсирида миллий бозорини ривожланишдаги ролини аниқлаб берувчи таърифни берди. *Жамоадан ажратиб бўлмайдиган хизматлар борки, улар масалан, ички хотиржамлик ва ташиқи ҳимоя, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, жамоат гигиенаси, ҳудуд ҳимояси бўлиши мумкин. Бундай бўлинмайдиган махсус кўрсатилган хизматларга алоҳида – алоҳида бож ундиришининг иложи бўлмаганлиги учун, бундай харажатларни қоплаш учун солиқлар ундирилади. Шундай қилиб, солиқнинг таърифи: «Солиқ бу фуқаролар бойлигининг улар томонидан давлатга ва маҳаллий органларга ўзларининг жамоа талабларини қондириш учун тўлайдиган бир қисмидир».*

Кейинчалик иқтисодчи олимлар томонидан ва солиққа тортиш амалиётидан келиб чиқиб, солиқлар фақат бюджетни маблағ билан тўлдирувчи фискал қурол эмаслиги, балки ҳукумат кўлидаги иқтисодий сиёсатни юритишдаги муҳим манбалигини, унинг ёрдамида иқтисодий ва ижтимоий ислоҳатлар ўтказиш бўйича фойдаланишдаги асосий қуроллиги исботланди. Масалан, XX асрнинг ўрталарида баъзи бир давлатлар солиқ ундиришни қисқартириш билан ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан талабни кучайтиришни, бунинг натижасида иқтисодий ўсишни оширишни, тадбиркорларни эса инвестицияга қизиқтиришни таклиф этганлар. Шу билан бирга эса, ҳукумат раҳбарлари баъзи бир турдаги солиқларни ошириб, инфляцияни қисқартиришга ва иқтисодий жараённи уйғунлаштиришга ҳаракат қилганлар. Тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришда янги технологияларни ва ишни ташкил этишда хўжалик юритишнинг илғор усуллари кўллашлари мақсадида иқтисодчилар ишлаб чиқаришда юқори

кўрсаткичларга эришган корхона ва ташкилотларга солиқлар бўйича имтиёзлар беришни таклиф этганлар.

Ҳозирги кундаги солиқнинг таърифини беришда *солиққа тортишнинг мажбурий характерга эга эканлигини, фуқаронинг ундан оладиган фойдаси билан солиқ ўртасида ҳеч қандай боғланиш йўқлигига урғу бериб таъриф берилмоқда.*

Солиқ ундиришни ҳуқуқий томондан кўриб чиқадиган бўлсак, у солиқ тўловчининг хусусий мулкининг бир қисмини давлат хазинасига бериш демакдир. Яъни бу деган сўз, солиқ фақат иқтисодий тушунча бўлибгина қолмай, шу билан бирга ҳуқуқий категориядир, шунинг учун солиқ табиатини тушунишнинг қийин томони ҳам, уни бир вақтнинг ўзида борлиқнинг ҳақиқатда иқтисодий, хўжалик ва сиёсий томонларини ўз ичига олганлигидадир.

Солиқ тушунчасига кўпдан кўп таърифлар берилган бўлиб, уларнинг ҳеч қайси бири идеал деб топилмаган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида эса солиққа ҳеч қандай таъриф берилмаган. Бунда мисол учун Россия Федерациясининг солиқ кодексидан солиққа берилган таърифни келтириш мумкин (8-модда):

*«Солиқ бу мажбурий, якка тартибда беғараз тўланиши лозим бўлган, ташкилот ва фуқаролардан уларга қарашли бўлган хўжаликда юритиладиган ва оператив бошқарувидаги пул маблағларини бир қисмини давлат ёки муниципал тузилмаларнинг молиявий фаолиятини юритиши учун ундириладиган маблағдир».*

«Солиқ» тушунчаси ҳар хил юридик характерга эга бўлган тушунчаларни ўз ичига олади:

- 1) солиқлар қонуний равишда ҳуқумат томонидан белгиланиши;
- 2) уни ўрнатишда бир томонламалик (ва мажбурийлик) хусусиятига эга бўлиши;
- 3) якка тартибда беғараз (қайтариб берилмайдиган маблағ) тўланиши;
- 4) солиқ тўловчига бир томонлама мажбурийликни белгиланиши, шу вақтнинг ўзида давлатга эса ҳеч қандай мажбурият белгиланмаслиги;
- 5) солиқларни қайтариб бермаслик шарти билан ундирилиши;
- 6) солиқларни ундиришдан мақсад давлатнинг умуман харажатларини қоплаш бўлиб, улар маълум бир мақсадга қараб ундирилмайди.
- 7) Солиқ тўлаш – бу мулкчилик шаклини ўзгаришидир.

Солиқлар йиғимлар, божлар ва тўловлардан фарқли ўлароқ умумий характерга эга ва доимий равишда ундирилади. Солиқларнинг иқтисодий маъноси хўжалик фаолиятини юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан яратилган маҳсулотнинг маълум бир қисмини давлат ўзининг вазифаларини бажариши учун олиб қўйиши билан боғлиқ.

Солиқ ўзининг хусусияти бўйича йиғим ва божлардан фарқ қилади, Ўзбекистон қонунчилигида «солиқ», «бож», «йиғим» тушунчаларига уларни бир биридан фарқ қилувчи таъриф келтирилмаган. Россия Федерациясининг Солиқ кодексида, масалан, «йиғим»га қуйидагича таъриф берилган.

**Йиғим** деганда мажбурий тўланиши лозим бўлган давлат органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, бошқа ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган юридик аҳамиятга молик хатти-ҳаракатлар амалга оширилишининг шартларидан бири бўлиб ҳисобланадиган, юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган мажбурий бадал тушунилади, бунга муайян ҳуқуқларни тақдим этиш ёки рухсатномалар (лицензиялар) бериш ҳам киради.

У одатда аниқ мақсадга эга бўлган бадал бўлиб, у давлат томонидан кўрсатилган маълум бир хизмат учун ундирилади. Йиғимлар аниқ мақсадга йўналтирилганлигини уларнинг номларидан ҳам ажратиб олиш мумкин (масалан, йўл йиғими). Йиғим баъзи ҳолатларда аниқ мақсадга йўналтирилмаган бўлиши мумкин, масалан, фаолият туридан ундириладиган бадал ёки ушбу фаолият тури билан шуғулланиш учун ундириладиган бадал.

Йиғим кўпгина ҳолатларда бир маротаба ундирилади. Масалан, жисмоний ва юридик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим.

**Бож** бу юридик ва жисмоний шахслардан махсус ваколат берилган органлар томонидан маълум бир ҳолатни белгилаш ёки юридик кучга эга бўлган ҳужжатни бериш учун тўланадиган тўлов. Давлат божлари божхона-чегаравий ва давлат ичида ундириладиган божларга бўлинади.

*Божхона божи* – божхона органлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларни товар-моддий бойликларни давлат чегарасидан олиб киргани ёки олиб чиққани учун ундириладиган тўловга айтилади. Божхонада божхона божидан ташқари ҳар хил кўринишдаги божхона тўловлари ва йиғимлар ундирилади.

*Давлат ичида ундириладиган бож* – юридик ва жисмоний шахслардан ҳуқуқий кучга эга бўлган ҳужжатни (ҳаракатни) тасдиқлаб берилганлиги учун ундириладиган тўловга айтилади.

Бож ва йиғимларни тўлашда махсус мақсад ёки махсус манфаат кўзланган бўлади. Бож ва йиғимлар махсус органлар томонидан маълум бир хизмат кўрсатилганлиги учун ва ушбу хизматнинг зарурияти пайдо бўлгандагина ундирилади.

Бож ва йиғимлар одатда мажбурий пуллик тўловдан иборат бўлиб, уларни индивидуал равишда ҳуқуқий хизмат кўрсатилганда ундирилади. Шунинг учун бож ва йиғимнинг қийматлари кўрсатилган хизматнинг тури ва ўлчамига қараб аниқ суммаларда белгиланади (масалан, мулкни рўйхатга олинганда ундириладиган давлат божи).

Юқорилардагидан ташқари ҳар хил турдаги «тўловлар» ҳам мавжуд. Уларни ҳамма тўловчилар ҳам тўлайвермайди, бундай тўловларни одатда фаолияти давомида ўзига қарашли бўлмаган хусусий мулкдан

фойдаланилганда (масалан, бирон бир активдан ёки хукукдан фойдаланганда) ундирилади.

Бундан ташқари, шундай мажбурий тўловлар мавжудки, уларни ҳамма ҳам тўлайвермайди, мисол учун корхона фаолиятида ўзига қарашли бўлмаган мулкдан фойдаланган ҳолатларда (масалан, баъзи бир актив ёки хукуклардан фойдаланилганда).

Махсус тўловлардан бири бу **божхона тўловлари**.

Импорт қилинган маҳсулотнинг нарҳини белгилашда божхона божи ва солиқлар тўғридан тўғри унга таъсир қиладиган қуроллардан биридир.

Одатда, кўпгина давлатлар олиб кириладиган моллар учун божхона божларини божхона чегарасида ундириб, солиқ ва йиғимларни эса давлат ичида молни сотиш ёки ундан фойдаланиш вақтида ундирадilar.

Солиқ ва божхона божлари орасидаги фарқ шундан иборатки, божхона божи чет эл молларини олиб кириш учун божхона чегарасини кесиб ўтиш даврида ундирилса, солиқ эса, бир вақтнинг ўзида, чет эл молларидан ҳамда миллий саноатимизда ишлаб чиқарилган моллар учун ҳам ундирилади.

Божхонада молларни расмийлаштириш муносабати билан ундириладиган солиқ ва йиғимлар солиқ йиғишнинг чет эл молини чегарада кутиб олишнинг бир усули сифатида қўлланилади. Буларга яна божхонада расмийлаштириш, молларни божхона омборхоналарида сақлаш учун ундириладиган ва бошқа турдаги божхона йиғимлари ҳам киради. Ушбу йиғимлар товарни импорт қиладиган вақтда божхона декларациясини расмийлаштирган шахс томонидан тўланади. Миллий товарларимиз учун ўрнатилган солиқлар ичида буларга эквивалент бўлган солиқлар мавжуд эмас.

## 1.2. СОЛИҚҚА ТОРТИШ АСОСЛАРИ

**Давлат солиқ тизимини** давлат томонидан ўрнатилган барча солиқлар, йиғимлар ва бошқа бюджетга ундириладиган мажбурий тўловлар мажмуаси, уларнинг шакли ва тузилиш методлари ташкил этади.

Солиқ системаси етарли даражада мураккаб бўлиб, у кўпгина солиқ турлари, ҳар хил турдаги солиқ тўловчилар, солиқни ундиришни ташкил этиш усуллари ва солиқ имтиёзларидан иборат.

Аммо, солиқлар ҳар хил бўлишига қарамасдан уларни боғлаб турувчи элементлари мавжуд. Солиқ элементларига қуйидагилар киради: солиққа тортиш субъекти, солиқ объекти, солиқ базасини ҳисобга олиш усули, солиқ ставкаси, солиқни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари, ундириш усуллари, ҳисобот топшириш даври, солиқ бўйича имтиёзлар ва ҳ.к.

Солиққа тортиш <b>субъекти</b> (солиқ тўловчи) – қонунга қўра солиқлар, йиғимлар ва тўловларни хукукий жиҳатдан тўлаш мажбурияти юклатилган
---



юримдик ва жисмоний шахслардир.

Ўз мулкига, хўжалик юрителишида ёки оператив бошқарувида алохида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот **юримдик шахс** ҳисобланади, ундан ташқари улар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

**Жисмоний шахслар** деганда солиққа тортиш объектига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.

Солиқ тўловчи ва давлат ўртасида иқтисодий муносабатлари *доимий турар жойи (резидентлик)* принципига қараб аниқланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилида бошланадиган ёки тугайдиган ўн икки ойгача бўлган исталган давр мобайнида 183 кун ёки ундан кўпроқ муддатда Ўзбекистонда турган жисмоний шахс *Ўзбекистон Республикасининг резиденти* деб қаралади.

Ўзбекистонда *таъсис этилган ёки рўйхатдан ўтказилган* юримдик шахс, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатдан ўтган, бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашган юримдик шахс *Ўзбекистон Республикасининг резиденти* ҳисобланади.

**Солиққа тортиш объекти** ёки солиққа тортиш билан боғлиқ объект деганда солиқ тўловчининг солиқ ҳисобланадиган ва солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган даромади ва мол-мулкига айтилади.

Бошқача сўз билан айтганда, солиққа тортиш объекти бўлиб (солиқ тўловчининг ҳаракати ёки унинг мулкий ҳолати) шундай **юримдик бир ҳолатга** айтиладики, уларнинг мавжудлиги солиқ тортиш бўйича мажбуриятларни келтириб чиқаради. Уларга қуйидагилар кириши мумкин: Товар (иш, хизмат)ларнинг сотилишига доир оборотлар, мол-мулкка эгалик ҳуқуқи, олди-сотди операциясини бажариш, қимматбаҳо қоғозлардан даромад олиш ва ҳ.к.лар. Солиққа тортиш объекти бўлмаган солиқ тўловчининг солиқ бўйича мажбурияти бўлмайди.

Назарий жиҳатдан солиққа тортиш объектларини қуйидаги кўринишларга бўлиш мумкин:

- *мулкий эгалик* (мол-мулкка эгалик ҳуқуқи) ва *мулкка эга бўлмаслик* (мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи);
- *субъектнинг* (олди-сотди, товар олиб кириш) *ҳаракати (фаолияти)*;
- *хўжалик фаолиятининг натижаси* (даромад, фойда).

Солиққа тортиш объекти ва солиққа тортиш билан боғлиқ объект ҳар бир солиқ ва бошқа бюджетга ундириладиган мажбурий тўловлар бўйича Солиқ кодексига асосан аниқланади. Масалан, қўшимча қиймат солиғининг солиқ солиш объекти бўлиб, солиқ солиш обороти ва солиқ солиш импорти ҳисобланади.

Солиқ базаси солиқ солиш объектнинг қийматига оид, жисмий ёки бошқа тавсифидан иборат бўлиб, унга асосланган ҳолда бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа тўловларнинг суммалари аниқланади.

Масалан, қўшимча қиймат солиғининг солиқ базаси пул кўринишида белгиланса, ер солиғининг солиқ базаси эса ер участкасининг майдонига қараб гектарларда ёки квадрат метрларда белгиланади.

Солиқ базаси таннарх кўрсаткичи (даромад суммаси) ва жисмий кўрсаткичи (қатъий солиқ ставкаси асосида солиққа тортилганда) билан фарқланади.

Солиқ мажбуриятини пайдо бўлиш вақтини тўғри аниқлаш учун **солиқ базасини ташкил этиш усули** катта аҳамиятга эга бўлади. Бунда асосан икки усул қўлланилади – касса ва ҳисоблаб ёзиш усуллари.

**Касса усулида** даромад солиқ тўловчига аниқ давр ичида тушган суммага тўғри келади, харажат деганда эса реал тўланган суммалар ҳисобга олинади. Даромад ҳисоблашнинг касса усули одатда чакана савдода қўлланилади, чунки у ерда сотиш вақти тўлаш вақтига мос келади.

**Ҳисоблаб ёзиш усулида** ушбу солиқ даврида олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган барча даромадлар, уларнинг ҳақиқатда олинган ёки олинмаганлигидан қатъий назар, ҳисобга олинади, харажатлар эса жорий даврда мулкӣ мажбуриятлар суммаси пайдо бўлиши билан ҳосил бўлади. Бунда мажбуриятлар бўйича тўловлар амалга оширилганлиги аҳамиятга эга бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига биноан солиқ ҳисоблашда (бухгалтерия юритишда эса Миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларига биноан) ҳисоблаб ёзиш усули қўлланилади.

Солиқ даври деганда Солиқ кодексига асосан бюджетга тўланиши лозим бўлган айрим солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга нисбатан қўлланиладиган, тугаши билан солиқ базаси белгиланадиган ва тўланиши керак бўлган солиқ ва мажбурий тўловларнинг суммаси ҳисобланадиган даврга айтилади.

Бундай тушунчанинг бўлишлигига асосий сабаб, кўпгина солиққа тортиш объектларининг (даромад олиш, товар реализация қилиш) маълум бир давр мобайнида қайтирилиш хусусияти мавжуд. Солиқ даври тушунчаси

бир неча бор солиққа тортиш масаласи билан ҳам боғланган. Бундан ташқари, солиқ даври резидентликни даврий факторини аниқлашда ҳам асос бўлиб хизмат қилади. У солиқ тўловчининг унга хос доирадаги мажбуриятларини аниқлашда ва бошқаларда асос бўлади.

Одатда солиқ даври бўлиб календар йили тушунилади.

«**Солиқ даври**» тушунчаси ҳисобот даври тушунчасидан фарқ қилади. Баъзи бир ҳолатларда улар мос келиши мумкин, масалан, кичик ва қўшма корхоналарнинг ҳисоботларида. Баъзи ҳолатларда бир солиқ даврининг ичида бир неча бор ҳисобот топширилиши мумкин, масалан, ҳар хил солиқлар бўйича ҳисоботлар (ҚҚС, акциз солиғи, ягона солиқ ва бошқалар).

**Солиқ ставкаси** бу солиқ ҳисобланадиган солиқ базасининг бирлик ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёрини ифодалайди.

Бошқача қилиб айтганда, солиқ ставкаси бу солиққа тортиш меъёридир.

Солиқ ставкаси қатъий ёки процент кўринишида бўлиши мумкин. Масалан, қўшимча қиймат солиғининг солиқ ставкаси - солиқ солиш обороти ва импорт оборотининг – 20% қисмини ташкил этади (бу процент ставкаси). Қатъий солиқ ставкасига ер солиғининг ставкаси мисол бўла олади. Бунда солиқ солиш бирлигига (ер участкасининг майдони) қатъий солиқ суммаси тўғри келади.

«**Солиққа тортиш усули**» тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, у солиқ базасининг ўзгаришига қараб солиқ ставкасининг ўзгариш тартибини белгилайди. Одатда, тажрибада солиқ ставкасини белгилашда қуйидаги тўртта усулдан фойдаланилади:

- тенг – ҳамма солиқ тўловчиларга тенг солиқ суммаси белгиланади (ушбу солиқ тури одатда йиғимга тегишли);

- *пропорционал* – ҳамма солиқ тўловчилар учун тенг солиқ ставкаси қўлланилади (ҚҚС, акциз, даромад (фойда) солиғи);

- *прогрессив* – солиқ базасининг ортиши билан солиқ ставкаси ҳам ортади (жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи);

- *регрессив* – солиқ базасининг ортиши билан солиқ ставкаси камаяди (экспортерларнинг даромадларидан ундириладиган солиқ экспортнинг умумий сотилган маҳсулотга нисбатан ортиши даромад солиғи ставкасини камайишига олиб келади).

Солиққа тортишнинг *прогрессив* ва *пропорционал* усулларини ўзаро муносабатидан солиқнинг *ижтимоий-сиёсий* табиати келиб чиқади. Буни шундай тушунтириш мумкин, солиқ ҳар доим солиқ тўловчини ҳуқуқини поймол қилиш ва хусусий мулкни олиш билан амалга оширилганлиги учун ҳар қандай солиқ тизими аҳолининг маълум қатламларининг жамиятда тутган ўринларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг манфаатларини ҳисобга олади.

Пропорционал солиққа тортиш одатда жамиятнинг бой қатламлари томонидан илгари сурилиб, буни улар тенглик ва одиллик тамойилларига асосланиш деб тушунтирадилар. Прогрессив солиқ назариясини эса жамиятни ижтимоий томонга қайта қуришга ён босганлар қўллаб қувватлайдилар. Уларнинг фикрича, бундай солиққа тортиш энг одил бўлиб, тенгсизликни камайтириш билан бирга, у даромадни қайта тақсимланишига таъсир этади.

Регрессив солиққа тортиш одатда давлатлар томонидан иқтисодийнинг устувор йўналишини ривожлантириш мақсадида қўлланилади.

Бунда солиқни тўлаш тартибига риоя қилиш, яъни солиқни бюджетга ундирилишида меъёрий белгиланган усуллар ва тартиблардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлади.

Солиқ тўлашнинг уч хил асосий усуллари мавжуд:

- **декларация асосида солиқ тўлаш** (даромад олингандан сўнг солиқ тўлаш), яъни солиқ тўловчига белгиланган муддатларда солиқ органига ўзининг солиқ мажбуриятлари бўйича расмий равишда ариза бериши лозим. Бундай ҳолатларда солиқни тўлаш мажбурияти солиқ тўловчининг ўзига юклатилади;

- **солиқ ундиришнинг даромадни тўлов манбаида ундириш усули** (даромад олгунга қадар солиқ ундириш), яъни тўлов манбаида солиқ автоматик равишда ушланади ва бюджетга ўтказиб берилади. Солиқни ушлаш ва бюджетга ўтказиш бўйича жавобгарлик тўлов манбаига юклатилади (масалан, дивиденд ва фоизларни тўланаётган вақтда).

- **солиқ ундиришнинг кадастр усули** – солиқ суммаси мулкдан олиниши мумкин бўлган ўртача даромадни ташқи белгиларидан келиб чиқиб аниқланади. Бунда қатъий ҳисобланган солиқ суммаси белгиланади (масалан, мол-мулк солиғи).

Одатда, солиқ мажбуриятларини бажариш (барча юқорида келтирилган ҳаракатлар) солиқ тўловчи томонидан, агарда Солиқ кодексида бошқа тартиб ўрнатилмаган бўлса, мустақил равишда амалга оширилади.

Солиқнинг асосий элементлари бўлмиш солиқ имтиёзларга тўхталсак. Солиқ имтиёзлардан асосий мақсад солиқ тўловчининг солиқ бўйича мажбуриятларини қискартиришдир (камдан кам ҳолатларда уларга тўлаш муддатларини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади).

<p><b>Имтиёз</b> деганда солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа тўловчилар билан қиёслаганда солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар берилиши, шу жумладан солиқ (йиғим) тўламаслик ёхуд кам ҳажмда тўлаш имконияти тушунилади.</p>
--

Ҳар хил солиқлар бўйича имтиёзлар аввалдан иқтисодиётнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўлланилган. Мисол учун, XIY аср Амир Темур даврида имтиёзлар янги ер участкаларини ўзлаштириш мақсадида қўлланилган. Амир Темур томонидан қуйидаги система ишлаб чиқилган: янги суғорилмайдиган ерларга экин экиб, у ерларни экишга мослаштирган деҳқонга биринчи йили олган даромадини солиқлардан тўлиқ озод қилинган, иккинчи йили ўзи қанча тўлай олса шунчасини тўлаган, учинчи йилдан бошлаб эса умумий белгиланган тартибда солиқ тўлай бошлаган.

Имтиёзларни белгилаш билан ҳукумат давлат ривожланиши нуқтаи назаридан лозим бўлган ишлаб чиқариш ва устувор йўналишдаги тармоқларни белгилаб беради. Аммо, бир тармоқ ичида индивидуал корхона ёки ташкилотга имтиёз бериш эса бозор муносабатлари ва солиқ сиёсатига қарама-қаршидир. Имтиёз беришнинг бундай усули солиқ тўлашнинг мажбурийлиги тушунчасига тескари бўлиб, солиқ тизимининг емирилишига олиб келади.

Солиқ имтиёзлари имтиёзнинг **субъектга** (конкрет солиқ тўловчига имтиёз бериш) ва **объектга** (солиқ солиш базасидан конкрет объект чиқарилиб ташланиши) берилишига қараб иккига бўлинади.

Солиқ имтиёзлари бухгалтерия ҳисобида кўрсатилишига қараб уч тоифага бўлинади:

- 1) доимий имтиёзлар (мақсадсиз);
- 2) вақтинчалик имтиёзлар (мақсадсиз);
- 3) мақсадли имтиёзлар (имтиёзлар доимий равишда ҳамда вақтинчалик равишда берилиши мумкин).

Доимий мақсадсиз бериладиган имтиёзлар ҳеч қандай шартларсиз берилди ва бухгалтерия ҳисобида кўрсатилмайди. Бундай имтиёзлар корхонанинг молиявий ҳисоботида таъсир қилмайди.

Вақтинчалик мақсадсиз берилган имтиёзлар маълум бир вақт оралиғига берилди ва унга кўпгина ҳолатларда қуйидаги чегараловчи шартлар қўйилади: имтиёз олган корхона имтиёз даври тугагандан сўнг кам деганда яна бир йил давомида фаолият юритиши лозим (ёки бошқа шартлар), акс ҳолда қўлланилган имтиёз ноқонуний деб топилади.

Шунинг учун бундай имтиёзлар баланسدан ташқари 013 «Вақтинчалик солиқ имтиёзлари» сметида юритилади.

Имтиёз ҳисобига солиққа тортишдан озод бўлган сумма баланسدан ташқари «Вақтинчалик солиқ имтиёзлари» скетининг дебетидида ҳисобга олиниб, имтиёз даври тугагандан сўнг ушбу скетининг кредитига ўтказилиб ҳисобдан чиқарилади.

Бундай маблағ ҳисобдан чиқарилгандан сўнг у ҳақидаги маълумот имтиёз берилган давр тугагундан сўнг яна корхонада беш йил давомида сақланиши лозим.

Шу билан бирга, ушбу вақтинчалик берилган имтиёз корхонанинг балансига ва молиявий натижалари ҳисоботига таъсир этмайди.

Мақсадли имтиёзлар юқоридагининг аксидир. Агарда солиқ имтиёзи берилиш натижасида озод бўлган суммалар маълум бир мақсадли вазибаларни бажаришга йўналтириш шarti билан берилган бўлса, у ҳолда мажбурий тўловлар ва солиқлар молиявий натижалар Ҳисоботида (2-сонли шакл) кўрсатилади, бинобарин, улар корхонанинг молиявий натижаларини шаклланишига таъсир этади.

Яъни бундай ҳолатларда солиққа тортиш базасидан озод қилинган маблағлар қатъий белгиланган мақсадларга ишлатилиши лозим, бунинг учун солиқлар ҳисобланиши керак, аммо улар бюджетга ўтказилиш ўрнига корхонанинг мақсадли молиялаштириш счетларида ҳисобга олинади.

Ҳозирги кунда солиққа тортиш объектига қараб, имтиёзларни уч хил гуруҳга бўлиш мумкин: чиқариб ташлаш, чегирма ва солиқ кредити.

Солиқ имтиёзи сифатидаги **чиқариб ташлаш** у ёки бошқа солиқнинг айрим солиққа тортиш объектларини (предметларини) солиққа тортишдан ҳоли қилишга йўналтирилган. Масалан, 1941-1945 йиллар уруш қатнашчилари ва партизанларига қарашли уй- жой, бино ва иншоотлар жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғидан озод.

**Чегирма** – бу солиқ базасини камайтиришга қаратилган имтиёз. Масалан, агарда юридик шахс даромад (фойда) солиғи бўйича солиққа тортиш базаси давлат ва жамият томонидан рағбатлантирувчи экология, соғламлаштириш ва бошқа ҳайрия жамғармаларига, маданият ташкилотларига, халқ таълимига, жисмоний тарбияга ва спортга ва бошқаларга йўналтирилган суммага қисқартирилади,

**Солиқ кредити** бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини ёки солиқ ставкасини камайтиришга йўналтирилган (одатда **оклад суммаси** ёки **солиқ оклади** деб аташади). Солиқ кредити доимий ёки вақтинчалик беришга асосланган бўлади.


Солиқ кредитлари берилиш шаклига қараб қуйидаги турларга бўлинади.

1. **Солиқ ставкасини пасайтириш.** Масалан, янги ташкил этилган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот, сотиш ва тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчиларидан ташқари) ташкил этилган (рўйхатдан ўтказилган) пайтдан эътиборан биринчи йили белгиланган ставканинг 25 фоизи ва иккинчи йили 50 фоизи миқдорида солиқ тўлайдилар. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғини белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.

2. **Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси (оклад суммасини) қисқартириш.** Масалан, ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи суммаси қуйидаги тарзда: белгиланган меъёрдан

ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига даромад (фойда) солиғи 1 фоиз камайтирилади.

Маълум бир даврга солиқ тўлашдан тўлиқ озод бўлган ҳолатларда солиқ таътиллари деб аталади.



3. **Солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш.** Ўзбекистонда бундай солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқини бериш асосан божхона органларига рухсат этилган (ҚҚС, бож, баъзи ҳолатларда истисно кўринишида – акциз солиғи). Бундай имтиёз берилган ҳолатларда, масалан, ҚҚС бўйича берилганда, қўшимча равишда 50% қайта молиялаш ставкаси миқдорида тўлов ундирилади.

4. **Аввал тўланган солиқларни ёки маълум қисмини қайтариш** (солиқ амнистияси). Ўзбекистонда бундай имтиёз одатда қўлланилмайди.

5. **Аввал тўланган солиқларни ҳисобга олиш.** Ушбу имтиёз икки ёклама солиққа тортишдан қочиш мақсадида қўлланилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ташқарисида тўланган даромад (фойда) солиғи республика ҳудудида солиқ тўлашда ҳисобга олинади. Бунда республика ҳудудида тўланиши лозим бўлган даромад (фойда) солиғи миқдори Ўзбекистон Республикаси ташқарисида олинган даромадга нисбатан ҳисобланадиган солиқ суммасидан ошмайди.

6. **Инвестиция солиқ кредити** - солиқ мажбурияти бўйича тўлаш муддатини ўзгартириш имконияти берилди, агарда солиқ тўловчида белгиланган тартибдаги асос бўлса, у ҳолда солиқ тўловларини камайтирилган ҳолда маълум бир вақт ичида босқичма-босқич тўлаши мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида солиқ кредити тушунчаси келтирилмаган. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 13 май «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПФ-1467 сонли Фармонида унинг берилиш тартиби келтирилган. Унга асосан экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга солиқ имтиёзлари берилади. Фармонда уларга бюджетга тўланадиган фойдадан олинадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва ер солиғи юзасидан тўловлар икки йилгача бўлган муддатга кечиктириш бўйича солиқ кредити олиш ҳуқуқи берилган. Солиқ кредитидан фойдаланганлиги учун солиқ тўловчидан фоиз кўринишида тўлов ундирилади, унинг қиймати ҳисобланган (кечиктирилган) жами солиқ суммасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасининг 30% миқдоридан бўлиб, у ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 санасигача бюджетга тўлаб борилади.

Чет давлатларда **инвестиция солиқ кредити** тушунчаси умуман бошқа маънога эга. Бундай имтиёз ўзининг маъноси билан хусусий бизнесни давлат томонидан молиялаштириш бўлиб, у эскириб қолган асбоб ускуналарни алмаштириш ва янги технологияни олиб киришни рағбатлантириш мақсадида бериладиган солиқ чегирмалари кўринишида берилади. Асбоб ускунанинг нархига фоиз кўринишида ҳисобланган солиқ солиққа тортиладиган даромаддан эмас, балки тўғридан тўғри солиқнинг ўзидан айириб ташланади, бу эса ўз вақтида янги сотиб олинадиган ишлаб чиқариш асбоб ускуналарининг нархини чегирма қийматига камайтиришга олиб келади.

Чет давлатларда **тезлаштирилган амортизацияни** қўллаш бўйича имтиёз ҳам мавжуд. Корхоналарга ҳақиқий эскиришга нисбатан анча катта бўлган қийматдаги суммага амортизация қилишга рухсат этилади, шу билан бирга ошиқча амортизация ажратмалари солиққа тортиладиган фойда суммасини камайтиради. Бундай имтиёз биринчи мартаба АҚШда 1954 й. устувор йўналишдаги соҳаларда қўлланилган.

Мавзунинг якунида шуни айтиб ўтиш лозимки, агарда солиқ тўловчига уч хил турдаги (гуруҳдаги) имтиёз берилган бўлса, уларни қуйидаги кетма-кетликда қўллаш лозим: 1) аввал чиқариб ташлаш кўринишидаги имтиёзлар қўлланилади, 2) сўнг чегирма кўринишидаги имтиёзлар; 3) ва шундан сўнг – солиқ кредити имтиёзлари.


## 1.5. СОЛИҚЛАРНИ ТАСНИФЛАШ

Солиқларни ҳар хил белгисига қараб бир неча хил кўринишда таснифлаш мумкин.



Солиққа тортиш объектнинг тўловчи билан давлатнинг ўзаро муносабатларига қараб **бевосита** ва **билвосита** солиқларга бўлинади. Булардан биринчиси моддий бойликни сотиб олиш ва тўплаш жараёнида ундирилса, иккинчиси уни сарф қилиш жараёнида ундирилади. Бевосита солиқлар жисмоний ва юридик шахсларнинг даромадларидан ундирилади, билвосита солиқлар эса солиқ системасининг бошқа бўғинига кўчирилган бўлиб, унда солиқ юки охириги фойдаланувчига – харидорга кўчирилган.

Бевосита солиқлар тўғридан тўғри солиқ субъекти томонидан тўланиб, кўпгина ҳолатларда унинг тўлов қобилиятига қараб ундирилади. Бунга мисол сифатида даромад солиғини, мол-мулк солиғини, яъни солиқ тўловчининг даромадидан ёки мулкдан ундириладиган солиқларни олиш мумкин.



Бевосита солиқлар **шахсий** ва **реал** солиқларга бўлинади.

Шахсий солиқлар солиқ тўловчининг молиявий ҳолатини ва тўлов қобилиятини ҳисобга олган ҳолда унинг ҳақиқатда топган даромадидан ундирилади.

Реал солиқлар тўловчининг молиявий ҳолатини ҳисобга олмаган ҳолда, унинг фаолиятини ёки товарларини, яъни мол-мулкни сотиш, сотиб олиш ёки фойдаланишни (эгаллик қилишни) солиққа тортади. Шу билан биргаликда, реал солиқлар тўловчининг тўлов ҳолатини ҳисобга олмайди. Буларга асосан мулк солиқлари (мол-мулк ва ер солиқлари) киради.

Билвосита солиқлар **якка билвосита**, бунда одатда қатъий, маълум гуруҳдаги товарлар солиққа тортилади (маълум бир турдаги акциз товарлари), **универсал билвосита**, бунда имтиёзи борларидан ташқари

ҳамма товарлар, ишлар ва хизматларга қўйилган солиқларга ва **божхона божларига** бўлинади.

Агарда бевосита солиқларнинг охириги тўловчиси сифатида даромад олувчи бўлса, билвосита солиқларнинг тўловчиси бўлиб товар истеъмолчилари ҳисобланади. Бунда билвосита солиқ товарнинг нархига устама сифатида қўйилади.

Солиқларни ўрнатиш ва янгиларини киритиш даражасига қараб ва уларни фойдаланишига қараб **умумдавлат** ва **маҳаллий** солиқларга бўлинади. Умумдавлат солиқлари (масалан, даромад солиғи, ҚҚС ва бошқалар) – давлат бюджетига тушади, маҳаллий солиқлар эса ҳудудий бюджетларига (масалан, мол-мулк, ер солиқлари ва бошқалар) тушади. Маҳаллий солиқларни киритишдан асосий мақсад шаҳар, туман ва бошқа административ-ҳудудий бирликларнинг маҳаллий бюджетларни даромад қисмини маблағ билан таъминлашдан иборат.

Солиқларни солиққа тортиш субъектига қараб ҳам бўлиш мумкин: **жисмоний ва юридик шахслардан ундириладиган солиқлар**. Кўпгина солиқлар (масалан, даромад солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ва бошқалар) иккала субъектлар учун умумий, аммо баъзи солиқлар мавжудки, улар (масалан, ҚҚС, экология солиғи, республикада ишлаб чиқарилган акциз товарлари учун акциз солиғи ва бошқалар) фақат юридик шахслардан ундирилади.

Бухгалтерия ҳисобида юритилишига қараб солиқлар қуйидагича бўлинади:


- **ҳаражатга қўшиладиганлар** (ер солиғи, мол-мулк солиғи);
- **махсулотнинг нархига қўшиладиган** (ҚҚС, акциз);
- **фойда ҳисобидан тўланадиган** (фойда солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи);
- **ишчи ва хизматчиларнинг даромадларидан ушлаб қолинадиган** (даромад солиғи).

Икки «солиққа тортиш субъекти» ва «солиққа тортиш объекти» элементларнинг боғлиқлик характеридан келиб чиқиб солиқларни қуйидагича бўлиш мумкин:

- **резидентлик принципига** қараб тузилган солиқлар (даромад солиғи);
- **ҳудудий принципига** қараб тузилган солиқлар (қўшилган қиймат солиғи).

«Резидентлик» принципидаги солиқларда солиқ субъекти солиққа тортиладиган объектни аниқлайди, «ҳудудий» принципдаги солиқда эса бунинг тескараси.

Ҳамма солиқлар иқтисодий моҳиятига қараб уч гуруҳга бўлинади:



**I – истеъмолга қўлланиладиган (билвосита) солиқлар, II – даромадга қўлланиладиган солиқлар, III – мулкка қўлланиладиган солиқлар.**

I-гурух солиқлар - **истеъмолга қўлланиладиган солиқлар** (билвосита) нарх ва баҳо устига қўшимча равишда қўйилиб, солиқ тўловчининг даромади ва мол-мулкига тўғридан-тўғри боғлиқ эмас.

Бундай гуруҳдаги солиқлар одатда қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, импорт божхона божлари, шу билан бирга Ўзбекистонда қўлланилмайдиган айланма солиқ ва сотувдан ундириладиган солиқлар киради. Аммо, шунини айтиш лозимки, республика солиқ қонунчилигида яна битта солиқ тури борки, уни ҳам билвосита солиқлар туркумига киритиш мумкин. Бу жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ. Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексига бу солиқ маҳаллий солиқлар туркумига киритилган.

Ушбу истеъмол солиқларини бюджетга тўлаш мажбурияти корхоналарда асосан товарларни (ишлар, хизматлар) сотгандан сўнг пайдо бўлади. Бунга истисно сифатида импорт божхона божлари бўла олади, чунки уларни бюджетга тўлаш мажбурияти импорт қилинган молларни божхонада расмийлаштириш вақтида пайдо бўлади.

Билвосита солиқларнинг асосий маъноси шундан иборатки давлат товар (ишлар, хизматлар) сотувчига маълум бир суммани товар (ишлар, хизматлар) нархи устига қўшимча равишда қўйишни ва уни истеъмолчидан ундириб бюджетга тўлашни мажбурлайди. Натижада солиқ тўловчи сифатида ҳуқуқий жихатдан товар (ишлар, хизматлар) сотувчи бўлса ҳамки, ваҳоланки солиқни тўловчи бўлиб товарни сотиб олувчи, яъни истеъмолчи ҳисобланади, чунки солиқ суммаси товар нархининг устига қўйилган.

Шундай қилиб, нарх-навони белгилаш механизми орқали солиқ юкини солиқ тўловчи бўлмиш сотувчидан, уни сотиб олувчининг елкасига ўтказилади. Шунинг учун бундай солиқларни истеъмол солиғи ёки

«харажатга ўрнатилган солиқлар» деб ҳам, шу вақтнинг ўзида, бевосита солиқларни эса - сотиб олиш ёки даромад солиқлари деб аташади.

II-гурӯх солиқларнинг номларидан кўриниб турибдики, улар юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадларидан ундирилади, яъни улар тўғридан тўғри солиқ тўловчининг даромадига ва унинг тўлов қобилиятига боғлиқ бўлади. Корхона ва фуқароларнинг даромадларидан ундириладиган даромад солиғи бюджет даромадида билвосита солиқлардан сўнг асосий қисмини ташкил этади. Бевосита солиқлар резидентлик принципларига асосланган. Солиқ қонунчилигига биноан Ўзбекистондаги (баъзи бир махсус тартиб ўрнатилган солиқ тўловчилардан ташқари) барча юридик шахслар даромад (фойда) солиғи тўловчиси бўлиб ҳисобланадилар.

Корхоналардан ундириладиган даромад (фойда) солиғининг асосий вазифаси уларда самарали инвестиция сиёсатини юритишга, шу билан бирга хўжалик субъектларининг ҳуқуқий жиҳатдан капиталларини ўсиб боришига олиб келишдир. Ушбу солиқларнинг фискал функцияси иккинчи даражали бўлиб ҳисобланади.

Кўпгина давлатларда юридик шахсларнинг жами, яъни ҳамма манбалардан оладиган даромадлари, прогрессив солиққа тортилади. Ўзбекистонда прогрессив солиққа тортиш фақат жисмоний шахсларнинг даромадларига қўлланилади.

III-гурӯх солиқларга асосан мол-мулк ва ер солиқлари киради. Улар ҳам солиқ тўловчининг даромади билан боғлиқ бўлади. Бунда солиқ тўловчининг даромади бор деб фараз қилинади.

Бозор муносабатлари ривожланиш шароитда **мулкий солиқларнинг** аҳамияти анча ошади.

Бир томондан қараганда, ушбу солиқлар объектнинг ташқи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ундирилади ва субъектнинг даромадига боғлиқ бўлмайди. Бошқа томондан эса, охириги йилларда, мулкий солиқлар солиқ тўловчининг даромад солиғига қўшимча равишда қўлланилмоқда, ваҳоланки тўғридан-тўғри бўлмасда, солиқ тўловчининг даромадини ҳисобга олмоқда.

Мулкий солиқларнинг шахсий характерга эга бўлаётганлиги бозор муносабатларининг ривожлангани сари яққол кўринмоқда. Мантиқий жиҳатдан аввал тўлов манбаида ушлаб қолинмаган даромадлар бориб бориб муайян мол-мулкка (масалан, ҳашаматли уй-жой, катта ер участкаси ва бошқалар) айланади, шунинг учун бозор муносабатлари ривожланган давлатларда катта даромадга эга бўлган шахсларга нисбатан солиқ юки ошириб борилади.

Мулк солиғини баъзида «санитар» солиқ ҳам деб аташади, чунки улар кўчмас ва кўчар мол-мулкдан қанчалик самарали фойдаланишдан қатъий назар ундирилади. Давлат томонидан мулкка нисбатан юқори ставкадаги солиқни қўллаш мулк эгасининг мулкка нисбатан эҳтиётлик билан муносабатда бўлишини ривожлантиради ва фойдаланилмаётган асбоб-

ускуналар, транспорт воситаси ва ер участкаларидан сотиб қутилишларига сабаб бўлади. Ўзбекистонда мулк солиғи тўловчиси мулк ва ер участкасидан фойдаланишидан қатъий назар мол-мулк ва ер солиқларини тўлайди.

Мулкый солиқлар маҳаллий бюджетнинг асосий қисмини ташкил этган бўлганлиги учун унга нисбатан маҳаллий хокимиятларнинг эътибори юқори эканлигини тушуниш мумкин.

Ўзбекистон солиқ қонунчилигида яна бир неча солиқлар борки (булар – экология солиғи, ер ости бойликлари ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар ва бошқа қатор маҳаллий солиқлар), уларни юқорида келтирилган биронта гуруҳга киритиш мумкин эмас, одатда уларни «бошқа солиқ»лар қаторига киритилади.

Солиқларни бошқа принципларга асосан ҳам таснифлаш мумкин. Тарихдан шундай ҳолатлар маълумки, унда ҳар хил ғайриодатий ва бошқа турдаги солиқлар қўлланилган. «Пулдан хид келмайди» деган афоризм ҳам солиқлар билан боғлиқ. Ушбу иборани биринчи бор Рим императори Тит Флавий Веспасиан (9-79 г.г.) айтган бўлиб, у ҳожатхоналарга ҳам солиқ киритган. Шунинг учун нимага бундай солиқни ундирасан деган саволга император юқорида келтирилган ибора билан жавоб берган.

Шундай қилиб, солиқларнинг ҳар хил табиатидан ва уларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, солиққа тортиш масаласига ҳар хил ёндошишлар бўлади, бу эса ўз вақтида солиқларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қанчалик кўп қирралик ва кўп хил маънога эга эканлигини кўрсатади.

#### **1.4. СОЛИҚЛАР ФУНКЦИЯСИ**

Солиқларнинг асосий моҳиятини уларнинг функциялари, яъни солиқларнинг жамият ва давлатнинг ривожланишига таъсир этувчи асосий йўналтирувчи куч эканлигини очиқ беради.

Солиқлар бозор иқтисодиётига ўтган ҳар бир давлатда тўғридан-тўғри бюджет муносабатларига ва шу билан биргалликда имтиёз, жарима системалари орқали эса товар (хизмат) ишлаб чиқарувчиларга таъсир этувчи асосий куч сифатида ишлатилади.


Солиқлар орқали давлат ўзининг бир неча муоммоларини ҳал қилади, жумладан:

- жамиятнинг мавжуд эҳтиёжлари ва уни қондириш учун зарур бўлган ресурслар ўртасидаги тенгликка эришилади;
- табиат бойликларидан унумли фойдаланиш учун жарималар ва бошқа турдаги чегаралар қўйиш йўли билан табиатга зарарли бўлган ишлаб чиқаришларни тарқалмаслигига эришилади;
- иқтисодий, ижтимоий ва бошқа кўпгина турдаги жамиятнинг муаммолари ҳал қилинади.

Солиқлар қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Фискал.
2. Ижтимоий (қайта тақсимлаш).
3. Изга солиб турувчи.
4. Назорат қилувчи.
5. Жамловчи.

Тарихий жиҳатдан солиқларнинг биринчи бўлиб **фискал функцияси** кўрилади, чунки солиқлар ёрдамида давлат бюджетига маблағ тушиши таъминланади. Бу функция асосий функциялардан бири бўлиб, унинг ҳисобига давлат бюджетнинг даромад қисми шакллантирилади. Ушбу функция товар-пул муомалалари ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида давлат даромадларини ошишини аниқлаб беради. Солиқнинг бошқа функцияларини фискал функциясининг ҳосиласи деб аташ мумкин.



Солиқларнинг **ижтимоий (қайта тақсимлаш) функцияси** ҳар хил даромадга эга бўлган аҳолини солиққа тортиш натижасида ҳосил бўлган жамият даромадларини ҳар хил тоифадаги аҳоли ўртасида қайта тақсимлашни ўз ичига олади.

Ушбу функция ёрдамида жамиятнинг бой қатламига солиқ юкини ошириш ҳисобига аҳолининг иқтисодий заиф ва ҳимояланмаган қатламларини маблағ билан таъминланади. Солиқларнинг ижтимоий функциясига жисмоний шахсларнинг даромадларини прогрессив шкалада солиққа тортиш, жамиятнинг ижтимоий заиф қатламларига даромад солиғидан берилган имтиёз, қимматбаҳо буюмларга акциз солиғини қўллаш ва бошқалар мисол бўла олади. Кўпгина давлатларда жисмоний шахсларни даромадларини солиққа тортишда Ўзбекистон каби ёндошилади ва кўп даромад олганларга нисбатан юқори ставкада солиққа тортиш қўлланилади. Баъзи бир ижтимоий йўналишдаги давлатларда (Швеция, Норвегия, Швейцария) расмий даражада *солиқлар бу юқори даромад оладиган аҳоли қатламларининг камроқ даромад олувчи қисмига ижтимоий мўтадиллик учун тўлайдиган тўловлари* деб тан оладилар.

Буюк инглиз иқтисодчиси Д.Кейнснинг фикрича, *жамиятда солиқлар фақат иқтисодий муносабатларни изга солиб туриш учун мавжуд*. Солиқларнинг кейинги функцияси – **изга солиб турувчи** функцияси давлатнинг иқтисодий фаолиятини ривожлантириш даврида

келиб чиқади. У мақсадли равишда ҳукуматнинг дастурлари асосида халқ хўжалигининг ривожланишига таъсир этади. Бунда давлат солиқларнинг шакли, солиқ ставкаларининг ўзгариши, ундириш усуллари, имтиёзлар ва чегирмалардан фойдаланиб, тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ажратиб олади. Ушбу солиқларни изга солиб турувчи функцияси ёрдамида давлат ишлаб чиқаришга, унинг натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотга таъсир этади, бундан ташқари, фаолият турлари ва ишлаб чиқаришнинг жамият учун фойдали бўлганларини рағбатлантиради. Кўпгина давлатлар учун булар қуйидаги соҳаларни, яъни кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини боса оладиган товарлар ишлаб чиқариш, илмий техника ривожланишини рағбатлантириш, транспорт ва бошқаларни ривожлантиришдан иборатдир.

Изга солиб турувчи функциянинг асосий маъноси бу истеъмол учун йўналтирилган ресурсларни солиққа тортиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун йўналтириладиган ресурсларни солиқдан озод қилишдир.

Ушбу функция учта ташкил этувчидан иборат:

*Рағбатлантирувчи* – корхоналар ва баъзи фаолият турларига имтиёз бериш орқали давлат учун устувор, жамият учун керакли ва муҳим йўналишларни (масалан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, ёки товарларни эркин конвертациядаги валютага сотиш) аниқлаш;

*Чегараловчи (рағбатлантирмаслик)* – давлат томонидан солиқ ставкаларини кўтариш билан жамият учун фойдасиз деб топилган ишлаб чиқаришни, жараёнларни ва баъзи фаолият турларини чегаралаш (масалан, кимор ўйинлар, баъзи бир товарларни импорт қилиш);

*Қайта ишлаб чиқариш* – ишлатиб юборилган маблағларни ўрнини қоплаш (маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришда ва янгилашда ишлатилган ҳолатлар учун имтиёз бериш).

Навбатдаги функция – **назорат қилиш** функцияси бўлиб, у бюджетга ундиралаётган солиқ тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш билан бирга, уларни молиявий ресурсларга бўлган талаблар билан таққослайди. Ушбу функция орқали солиқ сиёсатини бюджет сиёсатига мослаб олиб бориш зарурияти аниқланади.

XX асрнинг охирларида бозор иқтисодиётининг давлат механизмларини тартибга солишда солиқнинг яна бир янги хусусиятига, яъни ташқи савдо ва ташқи иқтисодиётни тартибга солиш билан боғлиқ бўлган *интеграллаштирувчи* (жамловчи) функциясига эга бўлди.

Бу функция давлатлар хўжаликларининг ривожланиши натижасида миллий иқтисодиётнинг ўзаро муносабати ва дунё хўжалик ҳаётида ҳар томонлама интеграция жараёнларини кучайишида намоён бўлди. *Солиқлар ўзаро қўшни, хўжалик ва сиёсий манфаатлари билан боғлиқ бўлган давлат*

*учун ягона иқтисодий майдонни ташиқил этишида асосий восита сифатида хизмат қилмоқда.*

Юқорида келтирилган солиқ функциялари бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар бир-биридан алоҳида ҳолда мавжуд бўлмайди, баъзи ҳолларда эса бир-бирига қарама-қарши ҳам чиқади. Масалан, фискал функция ижтимоий функцияга қарама-қарши чиқади, чунки ижтимоий функция солиқларни бюджетга тушумини камайтиради. Солиқларнинг изга солиб турувчи функцияси ёрдамида давлат маълум бир фаолият туридаги тадбиркорларга яхши фаолият юритишлари учун шарт-шароит яратиб беради. Аммо, эсдан чиқариш керак эмас-ки, худди шу даврнинг ўзида бундай ўзгаришлар натижасида бошқа фаолият туридаги тадбиркорлар учун эса солиқ юки ортади ва бу билан эркин рақобат, адолат принциплари бузилади.

Солиқ функцияларидан оқилона фойдаланиш ҳозирги кундаги қонунчиликни мақсадга мувофиқлиги билан аниқланади. Аммо, одатда солиқнинг фискал функцияси доимий равишда бажарилишининг шартлиги билан, изга солиб турувчи функцияси эса ўзгартириб турувчанлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун солиқ функцияларининг оптимал кўринишини аниқлашга интилиб, уни қўллаш натижасида солиқ тўловчиларнинг иқтисодий манфаатларини рад этмаган ҳолда, бюджетни тўлдиришда ўзаро келишувларга эришиш лозим бўлади.

## **2. СОЛИҚ ТИЗИМИ ТУЗИЛИШИНING АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**

### **2.1. СОЛИҚҚА ТОРТИШ ПРИНЦИПЛАРИ**

Солиқ тизими ҳар хил давлатларда бир биридан фарқ қилади, бу табиий ҳолат, чунки солиқ системалари турли иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий шароитлардан келиб чиқиб тузилган ва тузилмоқда. Аммо, ихтиёрий солиқ тизими умумий бўлган талабларга (принципларга, қоидаларга) жавоб бериши шарт.

Солиқ принциплари булар солиқ қонунчилиги соҳасида қўлланиладиган асосий ғоя ва тартиблардир. Қадим замонлардан маълумки, бундай идеал принциплар кўпроқ фалсафий қарашлар сифатида кўрилиб, булар - адолатлик, тенг ҳуқуқлик, қулайлик, арзонлик принциплари бўлиб, булар ҳар бир инсонга тушунарлидир. Бу ғоявий принципларни шариат қоидаларига таққослаш мумкин бўлиб, ҳар бир инсон уларга асосланган ҳолда яшаши лозим. Шунинг учун ҳар бир давлат ўзининг солиқ тизимини тузишда, унинг юқорида келтирилган асосий ғояларни ўз ичига олишига аҳамият бериши лозим. Аммо, ҳар бир инсон ҳаётда шариат қоидаларига риоя эта олмагандек, ҳар қандай давлат ҳам солиқ тизимининг асоси бўлган



юқорида келтирилган ғояларга ҳар доим ҳам риоя эта олмайди, бунинг учун жамият иқтисодиётнинг зарурий ривожланиш йўлини босиб ўтиши зарур.

Солиққа тортиш тизимида иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкил этиш принципларини ажратиш мумкин.

Солиққа тортишнинг иқтисодий принциплари биринчи бор инглиз классик иқтисодчиси Адам Смит томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу принциплар давлат ва даврга боғлиқ бўлмаган ҳолда, солиққа хос бўлган объектив иқтисодий категория бўлганлиги учун уларни фундаментал ёки классик деб аташади. А.Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари бўйича изланишлар» китобида солиққа тортишнинг бешта асосий принципларини келтирган: 1) хўжалик юритишнинг мустақиллиги ва эркинлиги; 2) адолатлилик принципи; 3) аниқлилик принципи; 4) қулайлилик принципи; 5) тежамлилик принципи.

Жамиятнинг икки юз йиллик ривожланиш даврида А.Смитнинг принциплар тизимига қисман ўзгартириш киритилди ва ҳозирги кунда уларни қисқагина қуйидагича таърифлаш мумкин:

### ***1. Адолатлилик (тенглик) принципи.***

Солиқ юки бир хилда тақсимланиши лозим. Ушбу принципга асосан ҳар қандай солиқ тўловчи давлат харажатларини қоплашда ўзининг даромадига ва қобилятига қараб қатнашиши керак. Яъни фуқаролар давлатга топган даромадларига яраша солиқ тўлашлари шарт.



Адолатлилик ва тенглик принципи солиқ тизимини тузишда асосий бўлиб хизмат қилади. Уни амалга ошириш икки йўналишда олиб борилади:

- «Олинган манфаат» концепцияси – топилган фойда принципига асосланади;
- «хайр-эҳсон қилиш» концепцияси - тўлай олишлик принципига асосланади.

Биринчи ёндошишга асосан солиқ тизими адолатлилик ҳисобланади, қачонки солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар уларга давлат томонидан кўрсатган хизматларига яраша оладиган фойдаларига мос келса, яъни бунда солиқ тизимининг адолатлиги давлатнинг харажатлар структурасига боғлиқ бўлади.

Кейинги ёндошиш «тўлаш қобилияти» принципига асосланиб, унда солиқ муаммоси давлат харажатлари сиёсатидан мустақил равишда кўрилади, бунда ҳар бир солиқ тўловчининг қанча солиқ тўлаши унинг тўлаш қобилиятидан келиб чиққан ҳолда, давлатнинг даромадларга бўлган талабни қондиргунга қадар ундирилади.

Юқорида келтирилган иккала ёндошиш ҳам қониқарли бўлиб, тажрибада энгил амалга оширилади деб бўлмайди, уларнинг иккаласини ҳам афзаллик ва ҳам камчилик томонлари мавжуд, шунинг учун ҳар қандай солиқ тизими иккала ёндошишнинг элементларини ўз ичига олади.

## **2. Ўлчамлилик принципи.**

Ушбу принцип бюджетни тўлдириш билан солиқ тўловчини нотўғри солиққа тортиш ўртасидаги муносабатларни боғлаб туради. Бу принцип солиқ тўловчининг манфаатлари билан давлат ғазнаси ўртасидаги иқтисодий мувозанатни белгилайди. Ушбу принципга асосан қонун чиқарувчининг асосий вазифаси иқтисодий таклифлар асосида шундай солиқ тартибини ўрнатиши керакки, унинг натижасида солиқ тўловчининг иқтисодий фаоллиги сўндирилмасдан туриб, бюджетни зарур бўлган даражадаги маблағ билан таъминлашдан иборат бўлиши лозим. XIV-асрда Амир Темур шундай ёзган: «Солиқларни йиғишда аҳолини солиқлар билан қийнаб ва вилоятларнинг маблағлардан маҳрум қилишдан ўзимизни тийишимиз лозим, чунки халқнинг қашшоқланиши давлат ғазнасини бўшашига олиб келади, ғазнанинг бўшлиги ўз вақтида қуролли кучларни тарқалиб кетишига ва натижада ҳукуматни кучсизланишига олиб келади».

Солиққа тортишнинг шартли нуқтасига, яъни давлат бюджетига миллий маҳсулот ишлаб чиқиш ҳиссасидан ундириладиган қисмига айтилади, у солиқ тўловчи ва давлат ғазнаси учун оптимал бўлиши лозим. Бу нуқта «*солиқ чегараси*» деб аталади. Шартли нуқтанинг у ёки бу томонга сурилиб кетиши сиёсий можароларга, солиқ тўловчиларнинг ҳукуматга қулоқ солмаслигига, капиталнинг ташқарига чиқиб кетишига, унинг солиқ тўлашдан қочишига, аҳоли миграциясига ва бошқа шу каби қарама-қаршилиқларга олиб келади.

Одатда фавқулотда ҳолатлардагина (масалан, уруш ёки табиий офат таъсирида катта талафот кўриш) солиқ чегараси кўтарилиши мумкин.

## **3. Аниқлилик принципи (максимал равишда солиқ тўловчининг манфаатларини ва имкониятларини ҳисобга олиш).**

Ушбу принципга асосан солиқ тўлашнинг муддати ва тартиби аввалдан солиқ тўловчига аниқ ва маълум бўлиши лозим. Бу принципнинг яна бир томони солиқ тўловчига солиқ қонунчилигидаги барча ўзгаришлар бўйича маълумот берилиб бориши ва уларни ўз вақтида билишлари лозим. Ушбу принцип солиқ ҳисоблаш ва тўлашнинг оддий усулларини талаб этади.

## **4. Тежамлилик принципи.**

Солиқ йиғиш учун кетадиган сарф-харажат минимал бўлиши лозим, яъни «ҳар бир солиқ шундай тузилиши лозимки, у солиқ тўловчининг

чўнтагидан олинганда, шунчалик оз сарф ҳаражат қилиш билан бирга давлат кассага тушган суммадан кўп бўлмаслиги лозим» (А.Смит). Ушбу принцип қуйидагини англатади, яъни баъзи бир солиқларни йиғиш учун кетган сарф-ҳаражатлар йиғилган суммадан бир неча баробар оз бўлиши лозимдир.

Солиқ сиёсатидан кутилган мақсадлар ҳар хил бўлиши мумкин, улар бир-бирлари билан мос келмасликлари ҳам мумкин, агарда улар орасида қарама-қаршилик пайдо бўлган бўлса, вақтинчалик келишиш лозим бўлади. Масалан, тенглик принципига асосан фуқароларнинг мулкӣ ҳолатларига қараб солиқ тўловчиларнинг қобилиятларини ҳисобга олишни, уларнинг молиявий потенциалларидан келиб чиқиб солиққа тортишни кўзда тутилади. Аммо, бу ҳолатга ҳар доим ҳам риоя этилмайди, чунки риоя қилинмаслигининг асосий сабаби баъзи тоифадаги касб эгалари ва мансабдор шахслар (масалан, ИИБ, Миллий хавфсизлик хизмати ходимларига даромад солиғидан имтиёз берилган) солиқ тўлашдан озод қилинганлар.

Солиққа тортишнинг **юридик принциплари** ёки солиқ ҳуқуқи принциплари, ҳуқуқӣ давлат қуриш ғояси билан боғлиқ, бу мавзу 2.1. бандда ёритилган.

Солиққа тортишнинг **ташкӣлий принциплари** – бу давлат солиқ органи системаларининг тузилиши ва унинг структуравӣ элементларининг ўзаро муносабатларига асосланган тартибдир. Ҳар хил давлатларда солиқ тизимининг тузилиши бўйича ўзларининг махсус принципларни ишлаб чиққан бўлишлари мумкин, масалан, *Россия Федерациясида субъектларининг тенг ҳуқуқлилик мақомига асосланилади*. Аммо, бундан ташқари, ҳамма солиқ системалари учун ягона принциплар ҳам мавжуд, улар қуйидагилардан иборат.

#### ***Солиқ тизимининг ягоналик принципи.***

Ушбу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган бўлиб, унинг 123-моддасига асосан: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади», бу эса ўз вақтида минтақавӣ янги солиқларни мустақил равишда киритишга рухсат этмайди, натижада товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларини эркин кўчиб юришига олиб келади.

#### ***Ҳаракатчанлик (эластик) принципи.***

Ушбу принципнинг асосида, давлат эҳтиёжларидан келиб чиқиб, солиқ юки ва солиқ муносабатларига оператив ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон ҳудудига товар олиб келиш йўли билан юртимиз товар ишлаб чиқарувчиларига ва, умуман, давлат иқтисодиётига зарар келтирилиши мумкин ва бундай ҳолатларда уни ҳимоя қилиш ташқаридан олиб келинаётган товарларга нисбатан божхона божларини жорий қилиш зарур бўлади.

#### ***Мўтадиллик принципи.***

Ушбу принципга асосан солиқ тизими бир неча йиллар давомида, солиқ ислоҳоти амалга оширилгунга қадар, мўътадил ўзгармаслиги лозим. Бунда солиқ ислоҳоти фақат истисно ҳолатларда ва аниқ белгиланган тартибда ўтказилиши керак. Кўпгина чет давлатларда анча йиллардан бери солиқ қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаган, улар фақат янги молиявий йилдан кучга кириш тажрибаси қўлланиб келинмоқда.

Бу принцип фақат солиқ тўловчиларнинг манфаатларигина ҳимоя қилиб қолмайди. Одатда, солиқ ислоҳоти бюджетга солиқ тушумларини қисқариб кетишига олиб келади ва буни мувозанатга олиб келиш учун эса одатда бир неча йиллар керак бўлади.

### ***Солиқлар сонинининг кўплиги принципи.***

Ушбу принцип ўз ичига давлат томонидан юритиладиган солиқ сиёсатининг бир неча қирраларини олади, улардан асосийси солиқ тизими турли хилдаги солиқлар ва солиққа тортиш объектларининг мажмуасидан иборат бўлишидир. Бундай ҳар хил турдаги солиқларнинг аралашмаси шундай солиқ тизимини ташкил этиши лозимки, у солиқ юкини солиқ тўловчилар орасида тўғри тақсимланиш талабига жавоб бериши керак бўлади.

Бу принципнинг бошқа томони «бюджетнинг битта солиқ»қа қараб қолмаслигидадир, яъни бундай ҳолатда, агарда тўсатдан иқтисодиётда ёки сиёсий вазиятда ўзгариш содир бўлса, бюджетнинг даромад қисмини йиғишнинг иложи бўлмай қолиши мумкин бўлади.

**Ягона солиқ назариясини** ижтимоий сиёсат реформаторлари ўзларига қурол қилиб олганлар. Бу назария кўпроқ солиқ саволларидан кўра ижтимоий-сиёсий саволларни кўради. Ушбу назария тарафдорларининг фикрича ягона солиқни киритиш кўпгина кулфатлардан қутқаради деб кўрсатганлар. Уларнинг фикрича, агарда ягона солиқ киритилса, камбағалчилик йўқолади, иш ҳақи ортади ва саноатнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш ривожланади деб талқин қиладилар. Аммо, ҳар хил давлатларнинг солиққа тортиш тажрибаси бундай ёндошишнинг бир неча бор нотўғри эканлигини исботлади.

Кўп солиқларнинг бир вақтда жорий қилиниши давлат томонидан бир текисда солиқ сиёсатини олиб боришига, солиқ тўловчининг тўлаш қобилиятини ўрганиб, уларнинг солиқ юкларини тенглаштирган ҳолда психологик томондан билдирмасдан, даромад олишнинг ҳар хил усулларини кўллаб, истеъмол қилиш ва маблағ йиғилишига таъсир этиб боради.

Бундан ташқари, кўп солиқлар принципида солиқларнинг бир-бирини тўлдириб туриш эффекти мавжуд, бунга асосан агарда бирон бир солиқ тури бўйича сунъий оптималлаштириш қўлланилса, бу эса ўз вақтида ҳоҳлаймизми йўқми бошқа солиқлардан тушумнинг кўпайишига олиб келади.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, солиқ тизими унумли бўлиши учун у кўп солиқлар тизимини ўз ичига олиши лозим, чунки биттагина солиқнинг

мавжудлиги солиқ тизимининг ҳаракатчанлик (эластик) принципининг бузилишига олиб келади. Масалан, бошқа солиқларни, хусусан божхона божларининг бекор қилиниши, давлатнинг ўзида ишлаб чиқарилган молларга нисбатан протекционизм сиёсатини бекор қилинишига олиб келади.

Ягона солиқнинг ижобий томонларини, яъни уни ҳисоблаш ва йиғиб олишнинг содда эканлигини, ҳисобга олган ҳолда, барча давлатлар бу назариянинг утопик эканлигини ва тажрибада умуман қўллаш мумкинмаслигини тан олишмоқда. Аммо, бу тизим бошқа солиққа тортиш системалари билан биргаликда олиб борилса, унинг ижобий томонлари борлигини ҳам кўриш мумкин.

Ягона солиққа тортиш тизими ғояси қисман Ўзбекистон солиқ тизимида ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (СК) 8 моддасига асосан «Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўланишини назарда тутувчи солиқ солиш тизими қўлланилиши мумкин».

### **2.3. СОЛИҚЛАР ВА БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ**

Солиқлар давлатнинг барча йўналишдаги фаолияти учун зарур бўлган асосий молия манбалардан бири бўлиб, у ҳукуматнинг устувор йўналишларини ривожлантириш бўйича амалга оширишдаги асосий куролидир. Давлат иқтисодиётини солиқлар орқали тартибга солиш бу давлат бюджетини ташкил этишнинг усули бўлса, солиққа тортиш йўли билан эса жамиатдаги у ёки бу жараёнларини ривожланишига таъсир этиш мумкин бўлади. Шундай қилиб, давлатнинг мавжудлиги бу солиқлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади, чунки солиқ тушумлари давлатнинг истисодий мустақиллигининг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Солиқлар заёмлар билан биргаликда ҳар қандай давлатнинг мавжудлигини ҳал қилувчи асосий манбадир. Давлат бюджетдаги солиқлар ва заёмларнинг юки орасидаги ўзаро муносабат унинг тўлай олишлик қобилияти ва дунё ҳамжамиятидаги ўрнини белгилаб беради. Солиқ тушумлари етарли даражада бўлмаганда давлат бошқа давлатларга кредит беришларини сўраб мурожаат этади, ёки аҳоли ўртасида давлат заёмларини (ички қарз олиш) тарқатади, ёки чет эллик инвесторларга махсус қимматбаҳо қоғозлар (ташқи қарз олиш) чиқариб сотади.

Дунёда ҳеч ким солиқ тўлашни ҳоҳламайди, аммо ҳеч қайси давлат солиқларсиз яшай олмайди. К.Маркс солиқларнинг давлат учун аҳамиятини қуйидагича таърифлаган: «Солиқ – она кўкраги бўлиб, у ҳукуматни эмизади ... Солиқлар – хусусий мулк, оила, тартиб ва дин билан бирга келадиган бешинчи худодир»

Солиқ муносабатлари умумдавлат даражасида даромадлар тизимини яратиш муносабати билан вужудга келадиган объектив ҳолатдир. Солиқларсиз давлатнинг ўзи ҳам бўлмайди.

Солиққа тортишнинг ўзи иқтисодий табиатга эга бўлишига қарамасдан, унга мафкуранинг таъсири ҳам бўлган. Агарда капитализм учун солиқлар ҳукумат аппаратини боқиш ва жамиятнинг баъзи бир талабларини қондириш учун керак бўлса, социализмда эса солиқлар «коммунистик қурилиш манфаатини кўзлаб миллий бойликнинг режали бўлиш ва қайта бўлиш учун керак бўлган бир воситадир» (Катта совет энциклопедияси). Баъзи давлатларда эса солиқлар умуман йўқ. Масалан, Шимолий Кореянинг Конституциясида қуйидагилар ёзилган: «Давлат солиқлар тизимини эски жамиятнинг вориси сифатида бутунлайин чиқариб ташлайди».

Аммо, солиққа тортишдан мақсад қандай бўлишидан қатъий назар солиқлардан, коммунизм иқтисодиётининг асосчиси К.Маркснинг фикрига асосан, асосий мақсад эскича қолаверади, яъни «Солиқлар давлатнинг иқтисодий мавжудлигини белгилаб беради». Таниқли француз жамоа арбоби П.Ж.Прудоннинг таърифича: «Умуман, солиқлар масаласи бу давлат масаласи деганидир».

Давлатнинг солиқ сиёсати илмий асосга, иқтисодий ўсиш мақсадига асосланган, ҳукумат ва бошқарув органларининг ишлаб чиқаришни таъминлаш ва жамият бойлигини оширишга қаратилган тактик ва стратегик ҳукуқий ҳаракатидир. Солиқ сиёсатини юритишдан мақсад фақат солиқ тўловчилардан солиқ тўловларини тўғри тартибда ундириш бўлибгина қолмай, балки солиққа тортиш натижасида улардаги ҳар томонлама хўжалик-иқтисодий муносабатларни баҳолаш ҳамдир. Демак, солиқ сиёсати бу қонунни автоматик равишда бажаришгина бўлиб қолмасдан, балки уни ривожлантириш ҳамдир.

Иқтисодчи олимлар давлат солиқ сиёсатини уч турга бўладилар:

*Биринчи турдаги* – максимал солиқ ундирувчилар сиёсати, улар «мумкин бўлган барчасини ол» принципига асосланганлар. Бундай ҳолатда давлат учун «солиқ қопқони» ўрнатилган, яъни солиқларни кўтариш билан давлат даромадлари баробир ортмайди.

*Иккинчи турдаги* – ақлли солиқлар сиёсати, бундай сиёсатдан яхши солиқ иқлими таъминланади ва натижада тадбиркорликнинг ривожланишига олиб келади.

*Учинчи турдаги* – шундай солиқ сиёсати бўлиб, унда солиқ ундириш даражаси юқори бўлиши билан бирга ижтимоий ҳимоя ҳам юқори бўлади.

Иқтисоди ривожланган давлатларда юқорида келтирилган солиқ сиёсатларидан бир вақтнинг ўзида бир нечтаси қўлланилиши мумкин. Ўзбекистон учун эса бир вақтда биринчи ва учинчи турдаги солиқ сиёсатлари қўлланилмоқда.

Кўпгина давлатларда бюджетнинг асосий қисмини солиқлар ташкил этади. Масалан, Францияда давлат бюджетининг 95 %, АҚШда – 90%, Германияда – 80%, Россияда 93% ва Ўзбекистонда ўртача 96 фоизини солиқлар ташкил этади.

## 2000-2002 ЙИЛЛАРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАД ҚИСМИНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ

ДАРОМАДЛАР	2000 йил		2001 йил		2002 йил I ярми	
	даромад якунига%да		даромад якунига%да		даромад якунига%да	
	конс. бюджет	дав. бюджет	конс. бюджет	дав. бюджет	конс. Бюджет	дав. бюджет
I. Мақсадли жамғармаларсиз даромадлар	75,5	100	74,2	100	73,8	100
шу жумладан:						
1. Бевосита солиқлар	21	27,8	21,1	28,5	20,3	27,3
1.1. Юридик шахслар фойдасидан солиқ	9,7	12,8	8,4	11,3	7,4	10
1.2. Кичик корхоналардан ягона солиқ	1,4	1,9	1,7	2,2	1,7	2,2
1.3. Ж/ш тадб. фаолиятдан даромад солиғи	1,2	1,6	1,6	2,1	1,6	2,2
1.4. Жисмоний шахслар даромадидан солиқ	8,7	11,8	9,5	12,8	9,6	13
2. Билвосита солиқлар	41,1	54,4	38,4	51,8	41,9	56,8
2.1. ҚҚС	18,4	24,4	18,8	25,3	19,5	26,4
2.2. Акцизлар	20,8	27,5	17,8	24	19,6	26,6
2.3. Божхона божлари	0,9	1,2	1	1,4	1,3	1,7
2.4. Рес. худудига олиб кел. товарлар учун йигим	1	1,3	0,8	1,1	0,5	0,6
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	7,6	10	6,9	9,3	5,8	7,9
3.1. Мол-мулк солиғи	2,4	3,2	2,3	3	1,6	2,2
3.2. Ер солиғи	2,4	3,1	2,2	2,9	1,5	2
3.3. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ	0,9	1,1	0,5	0,7	0,6	0,9
3.4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,3	0,5	0,3	0,4	0,2	0,3
3.5. Экология солиғи	1,6	20,1	1,6	2,2	1,8	2,5
4. Ижт. инфратузилмани ривожлантириш солиғи	1,1	1,4	1	1,3	1,6	2,1
5. Бошқа солиқ ва даромадлар	4,8	6,4	6,8	9,2	4,2	5,7
II. Мақсадли жамғармалар даромадлари	24,5	32,4	25,8	34,7	26,2	
<b>ЖАМИ ДАРОМАДЛАР*)</b>	<b>100</b>		<b>100</b>		<b>100</b>	

\*) Маълумотлар «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси 2002 йил 34-35-сонидан келтирилди.

Юқоридаги келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, давлат даромадларининг кўп қисми билвосита солиқлар ҳисобига ҳосил бўлган. 2001 йил уларнинг бюджетдаги улуши 51,8 фоизни ташкил этган. Умуман охириги йилларда билвосита солиқларнинг бюджет тушумларидаги роли йилдан йилга ортиб бормоқда, яъни бу дегани солиқ юки юридик шахслардан жисмоний шахсларга ўтказилмоқда.

Акциз солиғининг бюджет даромад қисмини ташкил этишдаги роли жуда ҳам юқори. Охириги йилларда у тахминан 24-27,5 фоизни ташкил этади. Акциз солиғи бўйича солиққа тортишни қайтадан кўриб чиқилиши лозим, чунки ривожланган давлатларда унинг роли анча паст бўлиб, у бюджетнинг тахминан 10-13 фоизини ташкил этади, бунда акциз солиғига асосан инсон ҳаётига зарарли бўлган товарлар ва қимматбаҳо буюмларгина солиққа тортилади.

Юридик шахслардан ундириладиган даромад (фойда) солиғининг улуши йилдан йилга камайиб бормоқда ва 2002 йил I-ярим йиллигида 10 фоизни ташкил этган, холос. Бундай ҳолат, аналитиклар фикрича, асосий

солиқ тўловчи корхоналар учун солиқ юкининг камайганлигидан эмас, балки солиқдан қочиш ҳолатлари кўпайиб кетганлигидан, шу билан бирга шахсан имтиёзлар олиш ҳолатлари кўпайиб кетганлигидандир (М.Комилова, Ш.қодирова «Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни либеризация қилиш шароитида солиқ тизимининг ривожланиши», Экономическое обозрение, № 7 2002 й.). Жисмоний шахсларнинг даромадларидан ундириладиган солиққа келсак, унинг бюджет тушумидаги улуши аста секин ортиб бормоқда ва 2002 йил I-ярим йилликдаги улуши 13 фоизни ташкил этган.

Умуман айтиш мумкинки, ҳозирги кундаги мавжуд солиқ соҳасидаги асосий йўналиш бу солиқ юкини ишлаб чиқаришдан олиб уни истеъмолга ўтказишдан иборат. Солиқлардаги бундай ўзгариш давлат бюджетининг даромад қисмини мустаҳкамлайди, чунки билвосита солиқлар бюджетнинг энг стабил манбаидир. Бошқа томондан, давлатнинг билвосита солиқларга таяниши унинг инвестиция сиёсатида бўлган муносабати пассив эканлигини ва солиқ юкининг асосий қисмини жисмоний шахсларга ўтказиб юбораётганлигини кўрсатади.

### **2.3. СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ МУАММОЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида кўпгина ривожланган чет эл давлатларида солиқ реформалари ўтказилди. Ушбу бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг тажрибаси солиқ системаларининг ривожланиши учун умумий бўлган қоидаларни аниқлашга имкон берди.

50-70 йиллар давомида *хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш* универсал солиқ таянчи асосида, жумладан инвесторларга, ер ости бойликларини қазиб чиқариш корхоналарига, транспорт, авиасозлик соҳаларига, маҳсулотни ва хизматни экспорт қилган корхоналарга, илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширганларга солиқ имтиёзлари бериш йўли билан олиб борилди.

80 йилларнинг бошларида кўпгина давлатларда даромад солиғини қайтадан кўриб чиқиш ҳолатлари кузатилди. Ўзгаришларнинг асосий йўналиши – солиққа тортиш базаларини кенгайтириш ва имтиёзларни олиб ташлаш билан бирга солиқ ставкаларини тушириш бўлди. Худди шунингдек, Ўзбекистонда ҳам даромад (фойда) солиғи бўйича шунга ўхшаш сиёсат олиб борилди, бу эса ўз вақтида ушбу солиқнинг республика бюджетидagi улуши камлиги билан боғлиқ (агарда билвосита солиқлар билан таққосласак).

*Билвосита солиқлар бўйича ислохот* божхона божларини камайтириш, акциз йиғимларининг даражасини тушуриш, қўшилган қиймат солиғининг универсал кўринишга олиб келиш ва унинг ролини ошириш (ушбу солиқ 70-80 йиллар айланма солиғи ўрнига кириб кела бошлади) билан боғлиқ бўлди.



Ўзбекистонда ҳам ҚҚСнинг бюджетни ташкил этишдаги ролини ошириш бўйича доимий ва мақсадга мувофиқ ишлар олиб борилаётгани сезилиб турибди, янги субъектларни қўшилиши (маълумки, 2002 йил 1 январдан улгуржи савдо билан шуғулланувчилар ҳам солиқ тўловчилар қаторига қўшилди) ҳисобига солиққа тортиш базаси кенгаймоқда. Аммо, шу билан биргаликда акциз солиғи ва божхона божларининг солиқ базалари ҳам кенгайтирилиб, солиқ юки оширилмоқда. Бунга жисмоний ва юридик шахсларга киритилган янги божхона божлари, божхона божлари бўйича бекор қилинган кўпгина имтиёзлар, солиқ ставкаларининг кўтарилиши мисол бўла олади.

Ўтказилган солиқ ислохотлари натижасида қуйидаги икки кўринишдаги ўзгаришларни келтириш мумкин:

1. бир гуруҳ давлатлар (АҚШ, Англия, Япония ва бошқалар) бевосита солиққа тортишни ўзгартиришга аҳамият берганлар;

2. кейинги давлатлар Европа иттифоқи (ЕИ) аъзолари асосий эътиборни билвосита солиққа тортишга қаратдилар.

Ўзбекистонни бемалол иккинчи гуруҳга киритиш мумкин, чунки билвосита солиқларнинг давлат бюджетидаги улуши 50%дан ортиқ.

Ривожланган давлатларда ўтказилган солиқ тизимидаги ўзгариш жараёнларини ўрганиб қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

XX асрнинг 80 йилларида ўтказилган солиқ ислохотлари иқтисодий ўсиш сиёсатининг амалга оширилишининг асосий ташкил этувчиси бўлди. 70 йиллар иккинчи ярми 80 йиллар бошида инфляция кучайиб келаётган бир вақтда иқтисодчи олимлар прогрессив солиққа тортиш ҳозирги замонда ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатишини хулоса қилдилар ва уни исботлаб бердилар. Солиқ ставкасининг юқори эканлиги ҳақидаги саволга ечимни Америка иқтисодчиси А.Лаффер топди, у бюджет даромадларини солиқ ставкаси даражасига боғлиқ эканлигини математик йўл билан исботлади. Унга асосан солиқ ставкаларини кўтариш асосида бюджет даромадларини ошириш маълум бир поғонагача боради, ундан сўнг солиқ тушумларини ошириш ўрнига уларни камайтириб юборади. А.Лаффернинг фикрича, юқори ставкадаги солиқлар меҳнат ва капитални ушлаб туришга таъсир кўрсатади. Ушбу мулоҳазалар 80 йилларда АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси, Франция ва бошқа давлатларда солиқ ислохотларини ўтказиш даврида ҳисобга олинди.

Даромад солиғи бўйича асосий ислохотлар натижасида солиққа тортишда даромаддан олинган солиқнинг умумий даражаси жисмоний шахсларда, ҳамда юридик шахсларда ҳам камайтирилган, даромад ва корпорацияларнинг фойда солиқларининг прогрессив ставкаси даражаси пасайтирилган. Солиқ тизимларининг ривожланишида янги киритилган билвосита солиқлар катта аҳамиятга эга бўлди.

XX асрнинг ўрталарида ишлаб чиқаришни ва илмий-техника инвестицияларини қўллаб қувватлаш мақсадида ривожланган бозор

иқтисодидаги давлатларда кетма-кет ишлаб чиқарувчиларга нисбатан солиқ юкини камайтириш сиёсати олиб борилди ва инвестицияларга бериладиган солиқ имтиёзлари тизими қайта кўриб чиқилди. Бундай ўзгаришлар натижасида ҳосил бўладиган бюджетдаги камомад билвосита (биринчи галда ҚҚС) солиқларининг ставкаларини кўтариш ва солиққа тортиш базаларини кенгайтириш ҳисобига қопланди. Давлат ишлаб чиқарувчига солиқ ставкаларини пасайтириб, бюджетни ҚҚС ва бошқа билвосита солиқлар ҳисобига тўлдириб, у шу билан бирга давлат миллий капиталини қайта инвестиция қилиш ва хусусий ташаббусни қўллаб қувватлаш бўйича механизм ишлаб чиқди.

XX аср охиридаги тажриба ҚҚСни жорий этиш бозор иқтисодини қайта қуриш тизимидаги янги самарали йўналиш деб қарашга имкон беради. ҚҚС бундай аҳамиятга эга эканлиги унинг кўп йўналишдаги функцияларга эгаллиги, яъни: ушбу солиқ юқори даражадаги фискал функцияни бажариш билан бирга даромад солиғини қайта кўриб чиқишга ва солиқ системаларини давлатлараро бир бири билан қўшилиб кетишига кўмаклашди.

Интернационаллаштириш жараёнларининг ва давлатларнинг хўжалик фаолиятларининг бир-бирига боғлиқлигини ортисининг яққол мисоли сифатида давлатларнинг Европа иттифоқи (ЕИ) ичида ўзаро иқтисодий муносабатларини мужассамланиши мисол бўла олади, бу эса ўз вақтида Европа худудида, ва умуман бутун дунё миқёсида муҳим иқтисодий ва сиёсий омиллардан бири ҳисобланади. ЕИ давлатлари орасида миллий солиқ тизимларининг бир-бирларига яқинлаштириш ва бир хил асосга олиб келиш сиёсати кучли интеграция жараёнлари бошланишига сабаб бўлди.

Урушдан кейинги давр Ғарбий Европада солиқ тизимларини бир хил асосга олиб келиш жараёнлари билан боғлиқ бўлди. Узоқ муддатга мўлжалланган дастур қатор тадбирларни амалга ошириш, тизимларни бир-бирига яқинлаштириш билан боғлиқ бўлди, сўнг ЕИ ичида божхонада солиққа тортишни бекор қилиш ишлари амалга оширилди. 1951 йил ЕИ худудига кирган давлатлар ичида қора металлургия ва тошкўмир қазиб олиш саноати маҳсулотларига божхона божларини қўллаш бекор қилинди. Бошқа давлатлар учун эса ягона тариф сиёсати қўлланилди. Кейинчалик ЕИ давлатлари ичида божхона иттифоқини ташкил этиш бўйича фаол ишлар олиб борилди, унинг охириги тасдиқлаш ишлари 1996 йил 1 январда ниҳоясига етди. Ҳозирги кунда ЕИга аъзо давлатлар ичида ўзаро товар айирбошлашда божхона божи қўлланилмайди, бошқа давлатлардан олиб келинган товарлар учун ягона тариф қўлланилади.

ЕИ давлатлари ичида биргаликда солиққа тортиш соҳасидаги сиёсатни юритишда муҳим ўринни истеъмол ва баъзи бир бевосита солиқларни бир-бирига яқинлаштиришга аҳамият берилди. Жумладан, 1958 йилда кучга кирган ЕИни ташкил этиш ҳақидаги Шартномага асосан айланма солиқни (ҚҚСни) ва билвосита солиқларни ҳам бир-бирига тенглаштирилди, шу

билан бирга бевосита солиқларни яқинлаштириш бўйича фаол иш юритиш сиёсатини олиб бориш кўрсатилган.

Кўшилган қиймат солиғи ЕИ давлатларига бошқа давлатлар (хусусан АҚШ) билан бозорларни эгаллаш учун олиб борилган курашда муҳим қурол бўлиб хизмат қилди, чунки ДСБ (Бутун дунё савдо бирлашмаси) белгилаб берган қоидага биноан, солиқ суммасини улар экспорт қилаётган товар ва хизматларнинг нархидаги қийматга камайтиришлари мумкин бўлади.

Юқорида келтирилган мавзуга яқин ясаб куйидагиларни келтириш мумкин, солиққа тортиш соҳасида фаолият юритаётган олим ва назарийчиларнинг ҳатти ҳаракатларига қарамасдан инсоният ҳанузгача ягона идеал солиқ тизимини ўйлаб топгани йўқ. Иқтисодиёт соҳасида фан ҳанузгача солиқ бўйича кўпгина саволларга аниқ жавоб бера олмайди, чунки қарийб барча ривожланган давлатларда ўтказилаётган солиқ ислохотлари уларнинг доимий солиқ тўловчи учун одил ва давлат учун самарали бўлган солиққа тортиш тизимини излаш жараёнида эканликларини кўрсатади. Одил солиққа тортиш – барча давлат ва жамиятнинг орзуси, аммо ҳеч қандай давлат унга ета олмаган. Француз иқтисодчиларининг ёрқин намоёнчаси Ш.Монтескьенинг таъкидлашича «Давлатни бошқараётганлардан шунчалик ақл ва заковат талаб этиладикки, улар ўз фуқароларининг даромадларидан қанчасини давлат фойдасига олишни ва қанча қисмини уларга қолдиришни тўғри аниқлай билишлари лозим».

### **3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ХУҚУҚИ ВА СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ**

#### **3.1. СОЛИҚ ХУҚУҚИ ТАВСИФИ ВА АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**

Солиқ хуқуқининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият демократлашиши, хуқуқий давлат куриш ғояси билан боғлиқ. Солиқ хуқуқининг асосий вазифаси солиқ тўловчини давлат томонидан унинг мулкига бўлган доимий равишда, ваҳоланки хуқуқи бўлмаса ҳам, эгаллик қилиш ҳоҳишидан ҳимоя қилиш, шу билан бирга солиқ тўловчи ва давлат манфаатларини баробар қилиб олиб боришдан иборат.

**Солиқ ҳуқуқи** ҳуқуқий меъёрларининг мажмуаси бўлиб, у давлат солиқ структурасини аниқлайди, солиқ тизимини белгилаб беради, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш жараёнида ҳосил бўладиган муносабатларни тартибга солиб туради.

**Солиқ ҳуқуқи предмети** – давлат, солиқ тўловчи ва бошқа шахслар ўртасида солиқларни белгилаш, янгисини киритиш ва ундириш жараёнида ҳосил бўладиган муносабатлар. Солиқ муносабатлари ҳар доим юридик ва жисмоний шахслардан уларнинг даромадларини бир қисмини давлат ғазнасига ундиришга боғлиқ, бунда ундириш ишларида қандай усулдан фойдаланиш эса солиқ ҳуқуқининг усулига боғлиқ.

**Солиқ ҳуқуқи усуллари** – ҳуқуқнинг жамиятдаги муносабатларига таъсир этиш усуллариининг мажмуалари ва турлари. Уни мулкӣ - ҳукмдорлик деб изоҳлаш мумкин, чунки давлат томонидан бюджетни маблағ билан таъминлашда меъёрларни танлашга руҳсат этилмайди.

Солиқ ҳуқуқи соҳаси учта ташкил этувчидан иборат:

- 1) солиқ структураси;
- 2) солиқ тизими;
- 3) солиқ мажбурияти.

**Солиқ структураси** – давлат органлари тизимиси бўлиб, давлат номидан солиқ бўйича фаолият юритувчи, яъни солиқларни белгилашда ва уларни давлат даромадига ундиришни таъминлашдаги давлат фаолиятини амалга оширувчи органлар.

Солиқ соҳасида ҳуқуқни таъминлаб турувчи органларга қуйидагилар киради:

- 1) Олий Мажлис, тўғридан тўғри солиқларни қабул қилувчи орган;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Фармойишлар қабул қилади;
- 3) Вазирлар Маҳкамаси, ўзининг хизмат доирасида солиққа тортиш соҳасида фаолият юритади, солиқ қонунчилиги тизимига кирувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади;
- 4) солиқ хизмати органлари, Молия вазирлиги давлат номидан, ёки ўзининг номидан, фақат давлат манфаатини кўзлаб ва унинг топшириғига биноан солиқ соҳасида катта ҳажмдаги ишларни бажаради;
- 5) маҳаллий ижроия органлари ва вакиллари, ўзларининг хизмат доираларида солиққа тортиш соҳасида фаолият юритадилар, асосан маҳаллий солиқларга тааллуқли (масалан, ер солиғи бўйича имтиёз бериш, мол-мулк ва ер солиқларини ундириш ва бошқалар).
- 6) Бошқа давлат органлари, солиқ қонунчилиги кўзда тутган ва унга асосланган ҳолда ўз фаолиятларини юритадилар.

**Солиқ тизими** – давлат томонидан ўрнатилган усулларга асосланган ҳолда бюджетга ундириладиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар мажмуаси.

**Солиқ мажбурияти** - солиқ тўловчи томонидан солиқ тўловларини тўлаш бўйича бир томонламалик мажбурият («Солиқ мажбурияти» бўлимига қаранг).

Солиқ ҳуқуқини намоён бўлишини ва мавжудлигини солиқ қонунчилиги орқали кўриш мумкин.

**Солиқ қонунчилиги** - меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи бўлиб, улар солиқ соҳасида жамоа муносабатларини тартибга солиб туради.

1998 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида солиқ муносабатларини тартибга солиб турувчи асосий ҳужжат бўлиб, 1997 йил 24 апрелда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Солиқ кодекси ҳисобланади. Солиқ кодексида келтирилган тартибга мувофиқ бюджетга ундириладиган барча солиқлар ва мажбурий тўловлар белгиланиши, киритилиши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши унга (Солиқ Кодексига) асосан амалга оширилади.

Солиқ Кодекси назарда тутишича, *Ўзбекистон Республикаси солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари Солиқ Кодекسدан, солиқлар ҳамда йиғимлар соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидан иборатдир.*

Солиқ муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиб туришнинг асосий принциплари ёки солиққа тортишнинг **юридик принциплари** – солиқ ҳуқуқи принциплари бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

**Баробар солиқ юки (бетарафлилик) принципи** ҳар бир шахс белгиланган солиқларни тўлаши шарт ва солиқ тўловчиларнинг барчаси солиқ қонунчилиги олдида тенг. Шунинг билан биргаликда, қандайдир камситиш мақсадида қўшимча равишда солиқлар киритиш ва юқори ставкалар белгилаш рухсат этилмайди. Солиқ ва йиғимлар солиқ тўловчининг сиёсий қарашларига, эътиқодига, динига ва бошқа турдаги қарашларига қараб ҳар хил кўринишда белгиланиши мумкин эмас. Ушбу принцип Ўзбекистон Республикаси солиқ системаси асосида ётибди (ЎЗР. Солиқ кодекси 4-модда).

**Солиқларни қонунлар орқали белгилаш принципи** Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига мувофиқ, қонун билан белгиланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳар бир солиқ тўловчининг бурчи ва мажбурияти.

Конституциявий меъёрларга солиқларни тўлаш мажбуриятини, солиқларни, йиғимларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўрнатиш қоидалари


бўйича талабларни ўз ичига олади. Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар қонуний қилиб ўрнатилган бўлиши шарт.

**Қонуний** қилиб ўрнатиш деганда қуйидагилар тушунилади:

- биринчидан, Конституцияга мувофиқ солиқларни фақат қонун кўринишида (яъни унинг солиқ бўлишлиги учун зарур бўлган барча элементларини ўз ичига олган ҳолда) ўрнатиш лозим;

- иккинчидан, уларни қатъий, қонунда белгиланган тартиб асосида, яъни қонун билан юклатилган органлар томонидан ва қонуний йўл билан қабул қилиниши. Давлат номидан солиқни белгилаш бўйича қонунни қабул қилиш субъекти бўлиб қонунни қабул қилувчи (Олий Мажлис) ҳисобланади.

Олий Мажлис томонидан қонунни қабул қилиш билан биргаликда, ушбу қонунни ижро этувчисини, яъни давлат номидан қонуний томонидан солиқларни ундириш билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган органни аниқлаб беради.



***Солиқ қонунларининг орқага қайтиш кучига эга эмаслиги тўғрисидаги принцип.***

Ушбу принципга асосан солиқ тўловлари қийматларини ўзгартиришга олиб келган (янги қабул қилинган) қонун унинг қабул қилингунига қадар

мавжуд бўлган муносабатларга таъсир этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонун ҳужжатларида ушбу принцип ЎЗР. СКнинг 3-моддасида қуйидагича келтирилган:

Солиқ солиш бу ҳаракат содир этилган пайтда муомалада бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки бартараф этувчи қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга. Шу билан бирга, солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгилайдиган ёки кучайтирадиган қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас.

Бу қуйидагини англатади: агар солиқ қонунчилигида янги солиқлар (йиғимлар) белгилайдиган, солиқ ставкаси қийматини кўтарадиган, солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига доир ҳуқуқбузарлик бўйича жавобгарликни белгилайдиган ёки кучайтирадиган, солиқ тўловчиларга янги мажбуриятни белгилайдиган ёки унинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ҳужжат қабул қилинса, ушбу ҳуқуқбузарлик қайси даврда аниқланишидан қатъи назар, бундай ҳужжатдаги тартиб ҳужжат қабул қилингунга қадар содир этилган ҳуқуқбузарликка қўлланилмайди.

Агарда солиқ тўловчи аввалги қонун қўлланилган даврда солиқ бўйича ҳуқуқбузарлик содир этган ва ўша даврда ҳуқуқбузарлик деб топилган, аммо янги қабул қилинган қонунга биноан бундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик бекор қилинган бўлса, у ҳолда солиқ тўловчи жавобгарликка тортилмайди, чунки бундан буён бундай ҳаракат ҳуқуқбузарлик деб топилмайди.

***Солиқ қонунларининг солиқ соҳасига кирмаган қонунларидан устунлик принципи.***

Ушбу принципга асосан, агар солиқ соҳасига кирмаган қонунларда солиққа қаршли меъёрлар мавжуд бўлса, у ҳолда солиқ қонунчилигидаги меъёрларга мос келишлиги тасдиқланган ҳолатдагина ишлатиш мумкин. Агар бундай меъёрлар орасида фарқ мавжуд бўлса, у ҳолда солиқ қонунчилигидаги тартиб қўлланилади.

ЎЗР. СК 2-моддасига биноан «Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидан ўрин олган нормалари Солиқ Кодексига мувофиқ бўлиши лозим».

Солиқ соҳасига кирмаган қонунларга солиқ муносабатларини тартибга солувчи меъёрларни киритиш мумкин эмас, Солиқ Кодексда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

***Солиқ қонунчилигида барча солиқ элементларининг мавжудлик принципи.***

Ушбу принципда камида битта солиқ элементи йўқ бўлса, бундай ҳолатда солиқ тўловчи солиқ тўламаслиги ёки ўзига қулай бўлган ҳолатда тўлаши мумкинлиги кўзда тутилади. Бу принцип Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида акс эттирилмаган.

***Солиқ қонунчилигини талқин қилишда хусусий мулк эгасининг презумпция принципи.***

Ушбу принцип солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кафил ролини ўйнайди ва солиқ қонунчилигини талқин қилишда йўқотиш мумкин бўлмаган шубҳа, қарама-қаршилик ва тушунмовчилик ҳолатлари учраса, бундай ҳолатлар солиқ тўловчининг фойдасига ҳал бўлиши кераклигини билдиради. Бу принцип энг муҳим принциплардан бири бўлиб, у барча демократик давлатларнинг солиқ қонунчилигида мавжуд, бундан асосий мақсад тенгсиз бўлган (давлат - солиқ тўловчи) томонларнинг солиқ қонунчилигидаги ҳуқуқий муносабатларини салгина бўлса ҳам компенсация қилиш мумкин бўлишиги учун киритилган. Бу принцип Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида мавжуд эмас.

**Халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлиги принципи.**

Ўзбекистон Республикаси, бошқа кўпгина давлатлар каби, миллий қонун ҳужжатларига нисбатан халқаро ҳуқуқнинг устунлиги ўрнатилган, бу дегани, *агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Солиқ Кодексидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, уларга халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.* Шундай қилиб, солиқ қонунчилиги меъёрлари Ўзбекистон Республикаси билан тузилган халқаро шартномалар талабига жавоб бермаса, у ҳолда бундай солиқ муносабатларига нисбатан халқаро шартномалар қўлланилади (ЎЗР. СК 2-модда).

**Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномаларига** – Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлати (давлатлари) ёки халқаро ташкилотлари билан битта ёки бир неча бир бирига боғланган ҳужжатларда ўз аксини топган ҳамда унинг аниқ номидан қатъи назар ёзма равишда ва халқаро ҳуқуқни тартибга солиб турувчи халқаро битимга айтилади.

**Халқаро шартномалар кўринишлари** – Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари чет эллар ва халқаро ташкилотлар билан қуйидагилар номидан тузилади:

- 1) Ўзбекистон Республикаси (Давлатлараро шартномалар);
- 2) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ҳукуматлараро шартномалар);
- 3) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва бошқа марказий ижрои органлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентига тўғридан тўғри бўйсунадиган давлат органлари (ташкилотлараро шартномалар).

Ҳозирги пайтда солиққа тортиш масалаларида халқаро шартномаларининг энг кўп тарқалгани иккиёқлама ҳукуматлараро шартномаси, яъни иккиёқлама солиққа тортишни бекор қилиш ва солиқ тўлашдан қочишни олдини олиш Битими (Конвенцияси) ҳисобланади. Масалан, *бунга Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари ҳукуматлари ўртасидаги даромад ва фойдадан ундириладиган солиқларни тўлашда икки*



*ёқлама солиққа тортишни бекор қилиш ва солиқ тўлашдан қочишни олдини олиш Конвенцияси (24.12.96 й.) мисол бўла олади.*

Халқаро икки ёқлама солиққа тортиш ҳолатини битта солиқ тўловчининг бир хил давр ичидаги икки ва ундан ортиқ давлатларда битта объектга нисбатан олинган даромадларини солиққа тортиш билан таққослаш мумкин.

ЎзР. Солиқ кодексининг 15-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган даромад (фойда) солиғи суммалари Ўзбекистон Республикасида солиқ тўлаш вақтида «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳисобга олинади». Яъни агарда бундай шартнома тузилмаган бўлса, солиқ тўловчи икки мартаба солиқ тўлашига тўғри келади.

Солиқ ҳуқуқи кўпгина бошқа соҳа ҳуқуқлари, биринчи галда, фуқаролик ҳуқуқи билан ўзаро муносабатда бўлади. Фуқаролик қонун ҳужжатлари мулкӣ ҳамда у билан боғлиқ номулкӣ муносабатларни тартибга солади. Умумий қоидаларга мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқи солиқ муносабатларига қўлланилмайди, яъни **«бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсунишга асосланган мулкӣ муносабатларга, шу жумладан солиқ, молиявий ва бошқа маъмурий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»** (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 2-модда).

### Мисоллар

1. Ўзбекистон ҳудудига чет эллардан олиб келинаётган автомобиллар учун ундирилаётган божхона божининг суммаси жуда юқори.

**Савол:** нима учун, ва бу ерда солиққа тортишнинг қайси функцияси қўлланилган?

2. Ҳар хил турдаги аҳолининг мулкӣ эгалик ҳолатларида катта фарқ мавжуд.

**Савол:** ушбу ҳолатни юмшатиш (мулкӣ эгалик ҳолатларини бири-бирига яқинлаштириш) учун қандай усулларни таклиф этган бўлар эдингиз?

3. Ўзбекистоннинг кўпгина аҳолиси мол-мулк солиғи тўловчисидир.

**Савол:** бу қандай солиқ, ушбу солиқни киритишда солиққа тортишнинг қандай принциплари ҳисобга олинган, қандайлари ҳисобга олинмаган?

## II. Қисм. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ

### II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ҳар бир шахснинг белгиланган солиқлар ва йиғимларни бюджетга тўлаши шартлиги, адолатли солиққа тортиш, солиқ тизимининг ягоналиги ва солиқ қонунчилигининг ошкоралик принципларига асосланади.

Солиқ қонунчилигидаги принципларнинг аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигидаги тартиб Солиқ Кодексида келтирилган солиққа тортиш принципларига қарама-қарши чиқа олмайди.

Солиқ солиш - юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъи назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади.

Солиққа тортишнинг *мажбурийлиги ҳақидаги* принципга асосан солиқ тўловчи солиқ қонун ҳужжатларида белгиланган солиқларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда тўлаш бўйича мажбуриятларини бажариши шарт.

*Адолатлилик принцига* асосан, Ўзбекистон Республикасида солиққа тортиш ҳамма учун умумий ва мажбурий, шу билан бирга, солиқ имтиёзларини белгилаш *ижтимоий адолат принципларига* мос бўлиши керак.

Солиқ тизимининг *ягоналик принцига* асосан Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими бутун республика ҳудудида барча солиқ тўловчилар учун ягонадир.

*Солиқ қонунчилигининг ошкоралик принцига* асосан солиққа тортиш саволларини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши шарт.

Ўзбекистон Республикаси “Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасига асосан ушбу қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳисобланади.

Қуйидагилар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади:

- а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари;
- г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;
- д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

е) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;

ж) Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишини тугатади, агарда янги қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда аввалги мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган тартибга ёки унинг бир қисми (қисмлари)га қарама-қарши бўлса, ёки аввалги чоп этилган ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг бир қисми (қисмлари)ни ўрнига бошқаси чоп этилса.

Кўпгина давлатларнинг ҳуқуқи асосида ётган икки қуйидаги принциплар (Рим ҳуқуқи номи принциплари билан таниқли) мавжуд:

1. Кейинги ҳужжат (битта масала бўйича) аввалги ҳужжатни бекор қилади.
2. Тор масалани ўз ичига олган ҳужжат (махсус қонун) кенг масалаларни ўз ичига олган ҳужжатни сиқиб чиқаради.

Шуни таъкидлаш лозимки, тажрибада ушбу принципларни ҳар доим ҳам бир хилда қўлланилмайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қўлланилаётган асосий солиқларнинг турлари дунё тажрибасида кўп тарқалган солиқ тўловлари туркумларига киради. Буларга даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акциз, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқалар киради.

Ўзбекистонда қўлланиладиган солиқларни билвосита ва бевосита солиқлар туркумларига ажратиб таърифлаш ҳам дунё тажрибасидан олинган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва йиғимлар Олий Мажлис томонидан белгиланади ва бекор қилинади. Солиқ ва йиғимлар бўйича имтиёзлар ҳам Олий мажлис ёки вакил қилиб тайинланган давлат органи томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумий тартибдаги солиққа тортиш тартиби, баъзи бир гуруҳ солиқ тўловчиларга алоҳидаги (махсус) солиқ тартиби қўлланилади.

Умумий тартибдаги солиққа тортиш тартиби ўз ичига умумдавлат ва маҳаллий солиқ ва йиғимларни олади.

**Умумдавлат** солиқларига қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;

- 5) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 6) экология солиғи;
- 7) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

**Маҳаллий** солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради:

- 1) мол-мулк солиғи;
- 2) ер солиғи;
- 3) ободонлаштириш ва инфратузилмаларни ривожлантириш солиғи;
- 4) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;
- 5) савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;
- б) юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.

Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Мол-мулк ва ер солиқлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан жорий этилади ва республиканинг бутун ҳудудида ундирилади. Бу солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қолган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этилади. Бу маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг энг юқори миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Янги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан мувофиқлаштирилиши лозим.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Алоҳидаги (махсус) солиқ тартиби қуйидаги тоифадаги корхоналарга нисбатан қўлланилади:

1. Микрофирмалар ва кичик корхоналар (савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналари бундан мустасно) учун ягона солиқ тўланишини назарда тутувчи солиқ солиш тизими қўлланилиши мумкин. Акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқараётган ва қазилма бойликларни қазиб олиш билан шуғулланадиганлар микрофирмалар ва кичик корхоналар белгиланган тартибда, мос равишда, акциз ва ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқларини тўлаганлари тақдирда, ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин.

2. Микрофирмалар ва кичик корхоналар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан рўйхати белгиланган фаолиятларнинг айрим турларини амалга оширганлари тақдирда, солиқнинг қатъий белгиланган суммасини тўлайдилар.

3. Савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналари, ҳамда микрофирмалар ва кичик корхоналар ялпи тушумдан бюджетга ягона солиқ, шу билан бирга мол-мулк солиғини тўлайдилар.

4. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқарган тақдирларида акциз солиғини тўласалар, амалдаги барча умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар ўрнига ягона ер солиғи тўлайдилар.

5. Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар бюджетга ялпи тушумдан ягона солиқ тўлайдилар.

6. Кончилик саноати тармоқларининг айрим корхоналари учун устама фойда солиғи тўланиши кўзда тутилган.

Солиққа тортишдаги мавжуд солиқ ва йиғимларнинг ставкаларидаги ўзгаришлар одатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси бюджетининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари башорати ва ... йилги давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорига биноан аввалги йилнинг охирида қабул қилинади ва солиқ тўловчиларга оммавий ва махсус нашрлар ёрдамига етказилади.

Ўзбекистон солиқ қонунчилигидаги мавжуд яхши томонлари билан бирга унинг баъзи бир камчиликлари ҳам мавжуд.

Ўзбекистон солиқ тизими назарий концепция ва тажриба йўқлиги шароитида вужудга келганлиги муносабати билан баъзи бир камчиликлар мавжуд:

- солиққа тортишда қатъий солиқ ставкаларининг қўлланилиши;
- ханузгача солиқ соҳасидаги қонунлар барқарор эмас;
- солиққа тортишнинг юқори даражадалиги.

Даромад (фойда) солиғи ставкасини туширилган бир вақтда мол-мулк, ер, акциз ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар доимий равишда ортиб борилаётганини кўриш мумкин. Аммо кўпгина корхоналарнинг даромадлари кам бўлиб, уларга даромад солиғи ставкасининг пасайтирилиши уларнинг молиявий ҳолатларига катта таъсир этмайди, шу билан бирга ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва бошқа турдаги солиқларни ҳар қандай ҳолатда ҳам тўлашлари шарт.

А.Китаин, Д.Музаффаров, Я.Файзуллаев, А.Шараватова, Б.Орифжонова, А.Қориевалар томонидан иқтисодий изланишлар Марказида қилинган «Солиққа тортишнинг трансакция чиқимлари» номли маърузада «даромад солиғининг солиққа тортиш базасидан чегириб ташланадиган ҳаражатлар таркибини чегаралашни бекор қилиниши, инвестиция товарларига тезлаштирилган амортизацияни қўлланилишини жорий этиш даромад солиғи ставкасини пасайтирилганига нисбатан анча афзал»лиги кўрсатиб ўтилган. Муаллифларнинг фикрича, юқоридагилар солиқ юқини камайтириш билан бирга (худди даромад солиғи бўйича солиқ ставкасини пасайтирилгани каби), ишлаб чиқарувчилар учун инвестиция жараёнларини тезлаштиришга, солиқ

қонунчилигини ошкораликка ва соддалаштиришга, корхоналарнинг молиявий қарор қабул қилишларида катта эркинликка олиб келади.

Барча харажатлар учун тўланадиган солиқнинг, яъни экология солиғининг мавжудлиги (шу билан бир вақтнинг ўзида ҳақиқатда табиий муҳитни ифлослантирганлик учун тўлов, яъни корхоналар томонидан ифлослантирувчи моддаларни табиий муҳитга чиқариб ташлаганлик, оқизганлик ҳамда чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўлов мавжудлиги) савол туғдиради.

Ер ости бойликлари ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ундириладиган солиқларни солиқ деб ҳам атаб бўлмайди, чунки солиқлар одатда, ёки истеъмолга, ёки мулкка қўйилади. Буларни тўғрироғи тўловлар деб аталса, мантиққа тўғри келган бўлар эди, чунки сув ҳам, ер ости бойлиги ҳам солиқ тўловчига тегишли эмас, у давлат мулки. Худди шунингдек, ер солиғи бўйича ҳам юқоридагиларни айтиб ўтиш мумкин.

Даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиққа тортиш базасидан чегириб ташлайдиган харажатлар доирасини кенгайтириш лозим, агарда улар тадбиркор фаолиятини юритиш учун керак бўлса, бунга масалан, рекламага кетадиган харажатлар, хизмат сафари, вакиллик харажатлари (меъёр даражасини чиқариб ташлаган ҳолда), тезлаштирилган амортизация ва бошқалар. Корхоналарнинг ўзи харажатларини минималлаштиришга кизиқадилар ва ўзларига зарар қилган ҳолда харажат қисмларини ошириб юбормайдилар.

Солиқлар бўйича бериладиган хусусий имтиёзлар муаммосига алоҳида тўхталсак. «Солиққа тортишнинг трансакция чиқимлари» маърузасига мувофиқ «... камситишга олиб келувчи солиқ имтиёзларидан воз кечишимиз лозим, бунда иқтисодиётнинг баъзи бир алоҳида секторларига (масалан, енгил саноат), шу билан бирга алоҳида ёки бир гуруҳдаги корхоналарга (масалан, инвестиция дастурига киритилган чет эл инвестицияси билан тузилган корхоналарга ва бошқаларга) имтиёз бериш иқтисодиётнинг битта соҳасида фаолият юритаётган бир ишлаб чиқарувчиларни бошқаларининг олдида юқори қўйиш билан баробар бўлади». Қўшилган қиймат солиғи бўйича берилган имтиёзлар эса ўз вақтида товар баҳосини аниқлаш жараёнининг бузилишига олиб келади.

Дунё тажрибасининг халқ хўжалигини юритишда солиқлар муаммоси энг қийин ва бир бирига қарама-қаршилиқларга бой бўлган муаммоларни келтириб чиқаради. Солиққа тортишнинг биронта ҳам мақсадга мувофиқ шакли йўқ-ки, у бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарувчиларнинг барча талабларига жавоб берса, ва унинг бойлик орттиришига қаршилиқ кўрсатмаса. Акс ҳолда баъзи бир солиқлар фақат солиқ номи билан юритилар ва улар ҳақиқатда хўжалиқлар оборотидан молиявий ресурсларни мажбурий (директив йўл билан) олиш билан баробар бўлиб қолар эди (бунга охириги вақтда савдо-сотик билан шуғулланувчи корхоналарга ялпи тушумдан

ундириладиган ягона солиқнинг аввал киритилиши ва маълум вақтдан сўнг бекор қилиниши мисол бўла олади).

Агарда солиқ тизимининг ислоҳотлари бўйича илғор ғарб давлатларининг (АҚШ, Германия, Англия) амалга оширган ишларини намуна қилиб оладиган бўлсак, солиқ тизимида қуйидаги принципдаги ислоҳотларни ўтказиш лозим:

1. Юқори даражадаги солиқ ставкаларини иложи борича пасайтириш лозим, чунки иқтисодий соҳадаги изланишларнинг кўрсатишича, барча солиқ ҳисоботларида беркитиб ёзиш ҳолатлари солиқ ставкаларининг юқорилигидан келиб чиқади.

2. Солиқдан қочиш асосан прогрессив шкаладаги солиқ ставкаларининг қўлланилиши ва капитални ҳар хил ставкаларда солиққа тортиш билан боғлиқ. Мутахассисларнинг фикрича, энг юқоридаги солиқ ставкаларининг даражасини пасайтириш солиқ тўлашдан қочишга бўлган кизиқишни камайтирар эди.

3. Солиқ системасини «яхши», яъни аввалдан ҳаммага маълум бўлган ва тўланадиган солиқлардан тузиш лозим. Тушумдан ундириладиган солиқлар мавжудлиги адолатдан эмас. Уларни қўлланилиши ҳар хил давлатларда чегараланган (билвосита солиқлар бундан мустасно).

4. Солиқ бўйича ислоҳотлар солиқ тўловчиларга тушунарли бўлиши лозим. Шунинг учун, солиқ ислоҳотларининг асосий принципларидан бири кенг солиқ тўловчилар орасида тушунтириш ишларининг олиб борилиши ва очиқ ойдинлик принципига асосланган бўлиши лозим.

5. Амалга оширилиши мумкин бўлган солиқ ислоҳотларини солиқ тўловчи олдиндан билиши лозим. Кўпгина ҳолатларда, тадбиркорлар капиталларини жойлаштириб, молиявий ва олди-сотди бўйича шартномаларини тузилгандан сўнг, ёки молиявий йил давомида солиқ ислоҳотлари бўйича қонунга ўзгартиришлар киритилгандан сўнггина билдилар. Бундай ислоҳотлар натижасида фақат бизнес соҳасидаги фойдани йўқотиш билан бирга, ундириладиган солиқ суммалари ҳам бюджетга тушмайди.

Юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олиш солиқ тўловчилар томонидан молиявий маблағларни тақсимлашда, солиқларни режалаш жараёнини тўғри башорат қилиш имкониятини беради. Солиқ қонунчилигининг ўзгарувчанлиги ва молиявий йил ўртасида солиқ йўриқномаларининг бир неча бор ўзгартирилиши, кўпгина тушунтириш хатларининг чоп этилиши эса ўз вақтида солиқ соҳасида режалаштириш ишларини имконини бермайди. Бундай ўзгартиришлар натижасида корхона томонидан топган даромадининг кўпгина қисмини солиқ мажбуриятларини қоплаш учун юборилишига тўғри келади, бу эса ўз вақтида унинг учун зарур бўлган айланма маблағларни тўплаш имкониятини бермайди.

## 2. СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИ

**Солиқ мажбурияти** – солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўловчининг давлат олдидаги мажбурияти бўлиб, унга асосан солиқ тўловчи солиқ органида *рўйхатдан ўтиши*, солиққа тортиш ва *солиққа тортиш билан боғлиқ объектларни аниқлаши*, бюджетга тўланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларини ҳисоблаши, *солиқ бўйича ҳисоботларни тузиши*, белгиланган муддатларга тақдим этиши ва солиқ ва бошқа тўловларни бюджетга *тўлаши* белгилаб берилади.

Давлат солиқ органи кўринишида солиқ тўловчидан унга юклатилган вазифаларни тўлиқ бажарилишини талаб қилиши, агарда бажарилмай қолганда ёки тўлиқ бажарилганмаганда Солиқ кодексида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширтириш ва мажбурий бажартириш усулларини қўллаш ҳуқуқига эга.

Шундай қилиб, солиқ тўловчилар солиқ мажбуриятларини бажаришлари учун қуйидагиларни амалга оширишлари лозим (СК 12-модда):

1) белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларида рўйхатдан ўтиш, почта манзили ўзгарган тақдирда эса (нотижорат ташкилотлар қайта рўйхатдан ўтганда ҳам) , бу ҳақда солиқ органига ўн кунлик муддат ичида ёзма равишда хабар бериш;

2) солиқлар ва йиғимларнинг тегишли суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш;

3) бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритиш;

4) молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиш;

5) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни, шунингдек солиқлар ва йиғимлар юзасидан имтиёзлар ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ органларига тақдим этиш;

6) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш масалаларини текшириш учун солиқ органларининг мансабдор шахсларини даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақланиши билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришига рухсат бериш;

7) солиқ органларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш.

Солиқ тўловчилар Солиқ кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз зиммаларига юклатилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажарадилар.

Солиқ тўловчи томонидан солиқ мажбуриятларига кирувчи барча ташкил этувчиларни бажариш билан бирга, қонунчилик мажбуриятини бажарилишини унинг охириги ҳаракати, яъни ҳисобланган солиқ суммасини



белгиланган тартибда ва ўз муддатида тўланиши билан боғлайди.

Солиқ мажбурияти (яъни солиқ тўланиши):

- 1) юридик шахслар томонидан – пул ўтказиш йўли билан;
- 2) жисмоний шахслар томонидан – нақд тўлаш ва пул ўтказиш йўли билан бажарилиши мумкин.

Солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятини пул ўтказиш йўли билан амалга оширган ҳолатда мажбурият бажарилган дейилиши учун солиқ суммаси ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тўлов топшириқномасининг давлат солиқ инспекциясига банкдан ёки банк операцияларини бажариш рухсат этилган ташкилотдан келиб тушганда, яъни пулнинг ўтказилган куни кўрсатилган белгидаги сана ҳисобланади.

Солиқ мажбуриятининг нақд пул тўлаш йўли билан амалга оширилганда солиқ тўловчи пул маблағини банк ёки рухсат этилган ташкилотга кирим қилинган сана мажбурият бажарилган кун деб ҳисобланади.

Бюджетга ундирилиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлар сўмларда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўрсатилган баъзи ҳолатлардагина солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни чет эл валютасида тўлаш рухсат этилади.

Солиқ кодекси ва меъёрий ҳужжатларга асосан бюджетга ундириладиган ҳар бир солиқ ва мажбурий тўлов турлари бўйича **солиқ мажбуриятларини бажариш муддатлари** белгиланади. Бунда тўлаш муддати ҳолатнинг ҳақиқатда ёки ҳуқуқий ҳаракат бошланиши белгиланган куннинг кейинги кунидан бошланади. Тўлаш муддатининг тугатилиши эса Солиқ кодексида белгиланган охириги кун ҳисобланади. Агарда тўлаш муддатининг охириги куни иш кунига тўғри келмаса, у ҳолда муддат кейинги охириги иш кунига тўғри келади.

Масалан, солиқ тўловчи томонидан қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобот (тўлов) рўйхатдан ўтган солиқ органига ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15 кунидан кечиктирмай ва йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириш муддатида тақдим этиши лозим.

*Агарда солиқ мажбуриятини амалда бажарилишида солиқ тўловчида солиқ бўйича қарзлари мавжуд бўлса, у ҳолда (солиқ қарзларини тугатиш) тўлов қўйидаги тартибда амалга оширилади: биринчи галда солиқ бўйича боқимандалар, иккинчи галда – ҳисобланган пеня, ва охириги бўлиб – ҳисобланган жарималар тўланади.*

**Муддатида бажарилмаган солиқ мажбуриятларини бажартириш усуллари.**

Солиқ тўловчи томонидан солиқ мажбуриятларини муддатида бажарилмаган ҳолатларда қўйидаги усуллар қўлланилади:

- 1) бюджетга тўланмай қолган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисобланиши;
- 2) банк ҳисобварақларида харажат операцияларини тўхтатиб қўйиш;

- 3) солиқ тўловчининг солиқ қарзлари ҳисобига унинг мол-мулкидан фойдаланишини чеклаб қўйиш.

**Пеня** – муддатида тўланмаган солиқ мажбуриятидаги суммага солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳисобланадиган жаримнинг қиймати.

Муддатида тўланмаган солиқ бўйича боқимандаларини ундиришда қўлланилган солиқ мажбуриятларини бажаришдаги мажбурий чораларини ҳамда бошқа солиқ қонунчилигини бузилиши бўйича жавобгарлик чоралари қўлланилишидан қатъи назар пеня суммалари ҳисобланади ва ундирилади. Солиқ ва мажбурий тўловлар тўлаш муддати тугаганидан кейинги кундан бошлаб муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун боқиманда суммасига пеня қўшилиб боради, бунда бюджетга тўланган кун ҳам ҳисобга олинади. Ҳар бир тўланмаган кун учун 2002 йилдан бошлаб 0,07 фоиз миқдорда пеня ҳисобланади.

**М а с а л а н:** тўланмаган тўлов суммаси 100 000 сўмни ташкил этади, тўлаш муддатидан 50 кун ўтказиб юборилган. Пеняни ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:  $0,07\% \times 100\,000 \times 50 = 3\,500$  сўм.

Қорхонани банкрот деб эълон қилиниши (қарор қабул қилинган кундан бошлаб) ёки мажбуран тугатилиши ҳақида суднинг қарори қабул қилинганда (қарор кучга кирган кундан бошлаб) солиқ тўловчининг ҳосил бўлган боқиманда суммасига пеня ҳисобланмайди.

Жисмоний шахсда ҳосил бўлган боқиманда суммасига суднинг жисмоний шахс бедарак йўқолганлиги ҳақидаги қарор қабул қилингандан бошлаб, то ушбу қарор бекор қилингунга қадар пеня ҳисобланмайди.

Солиқ тўловчи солиқлар ва йиғимларни ортиқча суммада тўлаган тақдирда, агар унинг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаса, бу суммалар солиқ тўловчига унинг ёзма аризасига кўра солиқ хизмати органи томонидан 30- кун ичида қайтариб берилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Солиқ бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ҳолатда унинг бажарилишини таъминлашнинг иккинчи усули **банк ҳисобварақларида харажат операцияларини тўхтатиб қўйишдир.** «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган ҳисобварақлари тўғрисида»ги Йўриқномага (ЎЗР. АВ 2001 йил 10 ноябр 1080-сонли) мувофиқ «Ҳисобварақ бўйича операциялар фақат ҳисобварақ эгасининг фармойишига кўра ёки ҳисобварақдаги пул маблағлари суриштирувчи, терговчи қарори бўйича ёхуд суд ажримига кўра хатланганда, шунингдек қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолда пул маблағлари фақат қарор ёки ажримда кўрсатилган суммага хатланади».

“Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги: «юримдик ҳамда жисмоний шахслар ҳужжатлар асосида (ҳисоб-китобли) текширув

Ўтказилишини ёки давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёки солиққа тортиш объектини сақлаб туриш билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришини рад этса, солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ молиявий ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бошқа ҳужжатларни солиқ хизмати органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига тақдим этмаса (ёки тақдим этишни рад қилса), бундай юридик шахсларнинг, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит муассасаларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш» ҳуқуқларига эга. Бундан ташқари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган молиявий ҳисоботлар, ҳисоблар ва декларацияларни тақдим этмаслик ҳам шунинг қаторига киради.

Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича қарзлар, шунингдек уларни ўз вақтида тўламаганлик учун пенялар, жарималар ва Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигини бузганлик учун бошқа хил санкциялар давлат солиқ органи томонидан инкассо топшириғи бериш йўли билан сўзсиз ундириб олинади.

Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ қарздор корхонанинг банклардаги счётида пул маблағлари бўлмаган тақдирда қарзлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг **мол-мулкидан ундириб олинади** (ЎЗР ВМ 1996 йил 8 ноябр 387-сонли қарори), бунда ЎЗР ВМ 12.03.2003 й. 133-сон Қарорига биноан киритилган ўзгартиришлар ҳисобга олинган.

Юқорида номи келтирилган Қарорга мувофиқ солиқ органи топшириқ ёки қисман бажарилмаганлиги тўғрисида банк белгиси қўйилган инкассо топшириғи олган кундан бошлаб бир сутка давомида курьер орқали ёки буюртма хабар билан, топширилганлиги тўғрисида хабардор қилган ҳолда, муддатида тўланмаган солиқларни ва жарима санкцияларини тўлаш ҳақида қарздор корхонага ёзма талабнома юборади.

Солиқ органининг ёзма талабномасида мазкур талабнома хабарнома олинган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида бажарилмаган тақдирда солиқлар қарздор корхона мол-мулки ҳисобидан ундириб олиниши тўғрисида хабар қилиниши лозим.

Солиқ органининг муддатида тўланмаган солиқлар ва жарима санкцияларини тўлаш тўғрисидаги ёзма талабномаси олингандан (топширилгандан) сўнг ўн кун мобайнида қарздор корхона томонидан қондирилмаслиги ёки жавобсиз қолдирилиши қарзни қарздор корхонанинг

мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисидаги талаблар билан хўжалик судига ариза бериш учун асос ҳисобланади.

Хўжалик суди солиқ органи томонидан тақдим этилган ариза қондирилгандан сўнг ундиришни қарздор корхонанинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Хўжалик судининг қарори асосида қарзни қарздор корхонанинг мол-мулкидан ундириб олиш суд ижрочилари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Солиқ мажбуриятларининг тугатилишига қуйидагилар асос бўла олади.

Юридик шахсларнинг солиқ мажбуриятлари тугатилади:

- 1) тўлиқ тугатилгандан сўнг;
- 2) қўшилиш (қўшилган юридик корхонага нисбатан), бўлиниш ва ўзгартирилиш йўллари билан тўлиқ қайта ташкил этилгандан сўнг.

Жисмоний шахсларда солиқ мажбуриятлари:

- 1) вафот этиши муносабати билан;
- 2) суднинг ўлганлиги ҳақидаги қарори кучга кириши муносабати билан тугатилади.

### 3. СОЛИҚ СОҲАСИДА ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТДАГИЛАРНИНГ ЎЗГАРИШ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида **солиқ соҳасида ҳуқуқий муносабатлар**, яъни бюджетга ундириладиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўрнатиш, киритиш, ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари ҳамда солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчи ва давлат ўртасидаги муносабатлар ҳукмдорлик муносабатларидир.

Солиқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати ҳақида»ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигидаги бошқа ҳужжатлар билан тартибга солиб турилади.

Солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш, солиқ мажбуриятларини бажариш борасидаги солиқ соҳасида ҳуқуқий муносабатларда давлат, солиқ тўловчи ва маълум ҳолатларда солиқ тўловчи бўлмаган солиққа тортиш муносабати билан қатнашувчи субъектлар (банклар) қатнашадилар.

Давлатни ўрнини солиқ хизмати органи босади.

Давлат солиқ хизмати органлари қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармалари, вилоятлар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг давлат солиқ инспекциялари киради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибида ҳудудий бўлинмаларга эга бўлган: хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат ҳамда ҳужжат асосидаги текширув ва тафтишни амалга оширувчи махсус назорат-тафтиш бўлинмаси, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида тартиб ва ходимлар билан ишлаш махсус бўлинмаси тузилган.

Иқтисодиёт ва солиққа оид жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, давлатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ЎзР ВМ 2001 йил 6 июл «Иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 291-сонли Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тузилмасидаги Солиқ соҳасидаги қонун бузилишларига қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари тугатилиб, бўшайдиган штат янги ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти (ҳозирги вақтда Прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти) ва унинг жойлардаги бўлинмалари таркибига берилди.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Давлат солиқ хизмати ҳақида»ги Қонунга, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига амал қиладилар.

*Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда маҳаллий органларидан мустақил тарзда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.*

*Давлат солиқ хизмати органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.*

Давлат солиқ хизмати органлари юридик шахслар ҳисобланади, республика бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи битилган муҳрга эга бўлади.

Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

- солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришларида ёрдам кўрсатиш;

- солиқ сиёсатининг рўёбга чиқарилишида бевосита қатнашиш;

- солиққа тортиладиган объектлар ва субъектларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш;

- солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш.

### **Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқлари**

Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) *солиқ тўловчиларнинг* (шу жумладан, солиқ тўловчи билан боғлиқ бўлган субъектларнинг) молиявий ҳужжатлари, шартномалари (контрактлари), режалари, сметалари, даромадлар ҳақидаги декларациялари солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларини, шунингдек экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ *ҳужжатларини текшириш*, текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур тушунтиришлар, маълумотномалар ва ахборотлар олиш;

2) *юрidik ва жисмоний шахслардан солиқ тўловчиларнинг* фаолиятига тааллуқли ахборотлар, маълумотномалар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш;

3) *белгиланган тартибда:*

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўяётган юрidik ва жисмоний шахслардан даромадни (фойдани) ва солиққа тортиладиган бошқа объектлар яширилганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни, шунингдек ҳуқуқбузарлик предметларини олиб қўйиш;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузаётган жисмоний шахслардан лицензияларини, патентлари ёки рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини олиб қўйиб, сўнгра қонун бузилганлигига доир материалларни мазкур фаолият билан шуғулланишга рухсат берган органларга топшириш;

4) *кассаларни ва товар-моддий бойликлар ҳамда ҳужжатлар сақланадиган жойларни муҳраб қўйиш*, товарлар, буюмлар, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг намуналарини, шунингдек ҳужжатларни олиб қўйиш ва уларни текширишга, тадқиқ қилишга ва экспертизага юбориш;

5) *савдо, товарларни бериш ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига, шунингдек нақд пул тушумининг банкка вақтида топширилишига риоя этилишини текшириш*;

б) юрidik ва жисмоний шахсларнинг қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёхуд солиққа тортиш объектларини сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш бинолари, омборхоналар, савдо ва бошқа биноларни ҳамда жойларни (шу жумладан алоҳида режимдаги корхоналарни) текшириш, бажарилган ишларни,

кўрсатилган хизматларни текширув тариқасида ўлчаш ва товар-моддий бойликларни рўйхат қилиш.

Солиқ хизмати органларининг солиқлар бўйича текшириш ўтказётган мансабдор шахслари мазкур бинолар ёки жойларга киритилмаган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари ўзларида мавжуд бўлган ахборотлар (шу жумладан, солиқ тўловчининг харажатлари ҳақидаги ахборотлар) асосида ёки бошқа шунга ўхшаган солиқ тўловчиларга солинадиган солиқларни назарда тутган ҳолда солиқлар суммасини мустақил равишда белгилашга ҳақлидирлар;

7) *юридик ва жисмоний шахслардан қонун ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланган ҳолларни бартараф этишни талаб қилиш;*

8) *юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳужжатлар асосида (ҳисоб-китобли) текширув ўтказилишини ёки давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёки солиққа тортиш объектини сақлаб туриш билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришини рад этса, солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ молиявий ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бошқа ҳужжатларни солиқ хизмати органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига тақдим этмаса (ёки тақдим этишни рад қилса), бундай юридик шахсларнинг, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит муассасаларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш;*

9) *қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:*

солиқларга оид қонунбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўллаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш.

10) *солиқлар борасида қонунбузарлик фактлари бўйича товар-моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда мусодара қилиш;*

11) *солиқлар бўйича боқимандаларни, шунингдек жарима суммаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ сўзсиз ундириб олиш;*

12) *юридик ва жисмоний шахсларнинг ғайриқонуний равишда олган маблағларини давлат даромадига ундириш ҳақида уларга нисбатан судда даъво қўзғатиш;*

13) *тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишни белгиланган тартибда мувофиқлаштириш, назорат қилувчи органлар хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш юзасидан амалга ошираётган ишларни тўхтатиш ҳақида таклифлар киритиш.*

Давлат солиқ хизмати органлари ушбу Қонунда ва бошқа қонуний ҳужжатларда кўзда тутилган бундан бошқа ҳам ҳуқуқларга эга.

### **Давлат солиқ хизмати органларининг мажбуриятлари**

Давлат солиқ хизмати органлари:

1) *солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан давлат назоратини амалга оширишлари, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;*

2) *юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишлари;*

3) *солиққа тортиладиган субъектлар ва объектлар, ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинishi, шунингдек жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибига риоя этишлари устидан назоратни таъминлашлари;*

4) *солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича йўриқнома материаллар, услубий кўрсатмалар ва қўлланмалар ишлаб чиқиш ва нашр этишлари;*

5) *солиқлар бўйича текширувлар ўтказилаётган вақтда солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиришлари;*

6) *солиқ тўловчиларга ўтказилган текширувлар натижаларини маълум қилишлари;*

7) *солиқ тўловчиларга солиқ ҳақидаги қонунлар ва норматив ҳужжатларни ўз вақтида етказишлари;*

8) *солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш фактларини тўплаш, таҳлил этиш ва баҳолашлари ҳамда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга йўл очиб бераётган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритишлари;*

9) *ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг узоқ муддатли ва жорий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишлари;*

10) *солиқларга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа ахборотларни текширишлари;*

11) *юридик ва жисмоний шахсларга улар солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинганликлари тўғрисидаги ҳужжатларни, рўйхатдан ўтказиш (идентификация) тартиб рақамларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда беришлари;*

12) *давлат даромадига ўтказилган мол-мулкнинг реализация қилинишидан олинган пул маблағларининг давлат даромадига тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан назорат олиб боришлари, шунингдек давлат органларига безараз ўтказилган мол-мулк ҳисобини олиб боришлари;*



13) масалани ҳал этиш давлат солиқ хизмати органларининг ваколат доирасидан чиққан ҳолларда қонун ҳужжатларини бузиш фактларига оид материалларни прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати органларига ва судга оширишлари;

14) юридик ва жисмоний шахслар валюта ҳамда экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибига риоя этишларини ўз ваколатлари доирасида назорат қилишлари;

15) қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчиларга тааллуқли маълумотларнинг махфийлигига риоя этишлари;

16) ўзларига бўйсунадиган бўлинмалар фаолиятини назорат қилиш.

Давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажарадилар.

Агарда солиқ соҳасида текшириш даврида **қонунбузарлик** ҳолатлари кўриниб турган, яъни бюджетга қасдан солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолатлари, ҳамда аввалдан корхонани ёлғон банкрот ҳолатига олиб келгани аниқланса, бундай материалларни солиқ органлари тегишли ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига юборишлари шарт.

Солиқ муносабатларидаги давлатнинг манфаатлари, яъни баъзи бир солиқ турларини ҳисоблаш ва ундиришда солиқ хизмати органларидан ташқари ўзларининг хизмат доираларида божхона ва маҳаллий ижроия органлар амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигига мувофиқ **Божхона органларига** солиқ ундиришдаги ҳуқуқий муносабатларда давлат манфаатларини ҳимоя қилишда қуйидагилар юклатилган:

1) Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасида товарларни кўчириб ўтишда бюджетга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларини ундириш ишларини амалга оширади;

2) Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасида товарларни кўчириш билан боғлиқ бўлгандаги бюджетга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришда ўзларинининг хизмат доирасида (солиқ қонунчилигини бажарилишини текшириш) солиқ бўйича текширув ишларини амалга оширадилар. Божхона органлари солиқ муносабатлари бўйича ўзларига юклатилган ишларни амалга оширишда доим солиқ хизмати органлари билан биргаликда юритадилар.

**Маҳаллий ижроия органлари** солиқ тўловчилар томонидан тўладиган мол-мулк солиғи, ер солиғи ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга йиғишда қатнашишлари мумкин. Яъни маҳаллий ижроия органлари ихтиёрий солиқларни йиғишда эмас, балки Солиқ кодекси билан белгиланган ва маҳаллий бюджетга ундириладиган солиқларни йиғишдагина қатнашадилар.

Маҳаллий ижроия ва солиқ хизмати органлари ушбу солиқларни йиғишда биргаликда иш олиб борадилар.

Солиқ ҳуқуқий муносабатларининг иккинчи томони бўлиб, солиқ мажбуриятларини бажарувчи - солиқ тўловчи гавдаланади.

**Солиқ тўловчи** – бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўловчи бўлган шахс.

Солиқ тўловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга (ЎзР СК 11-модда):

1) солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш;

2) ушбу Кодексада ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;

3) бюджетга ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва йиғимлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш;

4) солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш;

5) солиқ органлари ўтказган текширув материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш, текширувларнинг натижаларидан норози бўлган тақдирда солиқ органига ўзининг ёзма эътирозларини ўн кунлик муддат ичида тақдим этиш;

6) солиқ органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ органларига ёки судга шикоят қилиш;

7) солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш.

Солиқ тўловчилар ушбу Кодексада ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эгадир.

Солиқ тўловчининг мажбуриятлари 2-бобда кўриб чиқилган.

#### 4. СОЛИҚ НАЗОРАТИ

Солиқ назорати - солиқ хизмати органларининг солиқ қонунчилигини бажарилиши назорат қилиш, солиқ, пенсия ва бошқа мажбурий тўловларнинг (жумладан, пенсия ажратмаларини) бюджет ва бюджетдан ташқари (жумладан, Пенсия жамғармасига) тўлиқ ва ўз вақтида ундирилишини таъминлашдан иборат.

Божхона органлари ўзларининг хизмат доиралари чегарасида Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасида товарларни кўчириш билан боғлиқ бўлгандаги бюджетга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва божхона қонунчилигига асосланган ҳолда солиқ назоратини ўрнатадилар.

Солиқ назорати қуйидаги кўринишларда амалга оширилади:

- 1) солиқ тўловчини рўйхатга олиш;
  - 2) солиққа тортиш объектларини ва солиққа тортишга боғлиқ бўлган объектларни ҳисобга олиш;
  - 3) бюджет тушумларини ҳисобини юритиш;
  - 4) солиқ назорати;
  - 5) камерал назорат (хўжалик фаолиятини юритувчи субъектнинг бухгалтерия ва бошқа ҳисоботларини жойига чиқмасдан туриб текшириш);
  - 6) солиқ тўловчиларнинг молиявий - хўжалик фаолиятларини мониторинг қилиш;
  - 7) қатъий эслаш қобилиятига эга бўлган назорат-касса машиналарини қўлланилиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш;
  - 8) алоҳида акциз товарларига акциз маркаларини ёпиштирилишини текшириш ва акциз постларини ўрнатиш;
  - 9) давлат фойдасига мусодара қилинган мол-мулкларни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш;
  - 10) ўзларига бўйсунадиган бўлинмалар фаолиятини назорат қилиш.
- Солиқ назоратининг асосий қўлланиладиган шаклларида баъзи бирларини кўриб чиқсак.

#### **Солиқ тўловчини рўйхатга олиш.**

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари ВМ 2003 йил 20 август «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги 357-сонли Низомга келтирилган тартибга биноан олиб борилади

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларни ҳисобга қўйиш билан бир вақтда "бирйўла" принципи бўйича амалга оширилади, бунда уларнинг ҳужжатларини расмийлаштирган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишнинг ариза берилган санадан бошлаб рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилгунгача умумий муддати техник шартларни ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш билан боғлиқ ишларнинг мураккаблиги ва сермехнатлиги даражасига қараб 7 иш кунидан бир ойгача доирада белгиланади.

2003 йил 1 октябрда ҳокимиятларда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари ташкил этилди ва ўз фаолиятини бошлади. Уларнинг вазифаларини тадбиркорлик субъектларини давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш билан бирга уларнинг тадбиркорлик фаолиятларида фойдаланадиган объектларни куриш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни, шу жумладан муҳандислик коммуникацияларига (газ билан таъминлаш, энергия билан таъминлаш, сув билан таъминлаш, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси) уланиш учун техник шартларни ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида расмийлаштириш, тадбиркорлик фаолияти

учун турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказишни расмийлаштириш бўйича ишларни амалга ошириб беради. Янги ташкил этилаётган корхоналар учун юқорида келтирилган рухсатномаларни олиш уларни рўйхатдан ўтказиш билан мос равишда олиб борилади.

Давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтказиш:

- аудиторлик ва суғурта ташкилотлари, биржалар, шунингдек хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган бозорлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган бозорлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар - Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармалари томонидан;

- барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар, юқорида кўрсатилганлардан ташқари - туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринлардаги матнда Инспекция деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъекти томонидан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида ва вилоятлар адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун:

- хорижий инвесторлар томонидан устав фонди тўлиқ шаклланган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун - энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари, шунингдек 500 АҚШ доллари;

- устав фонди тўлиқ хорижий инвесторлар томонидан шакллантирилладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун - 2000 АҚШ доллари;

- суғурта ва аудиторлик ташкилотлари, биржалар ва бозорлар учун - энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида давлат божи тўланади.

Тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун Инспекцияларда рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилади, уларнинг ставкалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимиятлари вакиллик органлари томонидан белгиланади. Рўйхатдан ўтказиш йиғимларининг чекланган ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

Таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун белгиланган давлат божининг (рўйхатдан ўтказиш йиғимининг) 50 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

Агар киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тадбиркорлик субъектининг фақат почта манзили ўзгаришига тегишли бўлса, давлат божи (рўйхатдан ўтказиш йиғими) ундирилмайди.

Солиқ органи ҳар бир солиқ тўловчига **идентификация рақами** беради.

Солиқ тўловчи солиқ қонунчилигига мувофиқ фойдаланиладиган барча ҳужжатларда ўзининг солиқ тўловчи тариқасидаги идентификация рақамини кўрсатиши шарт.

Солиқ органи солиқ тўловчига юборадиган унинг солиқ мажбуриятларига тааллуқли барча хабарномаларида солиқ тўловчининг идентификация рақамини кўрсатади.

### **Солиқ назорати.**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан давлат назоратини ўрнатиш қуйидагича амалга оширилади:

Текширув, шу билан бирга тафтиш, муқобил текширув, назорат тартибида текшириш, режадан ташқари текшириш ва қисқа муддатли текширув;

Статистик ва бошқа маълумотларни таҳлил қилиш;

ўзларига бўйсунадиган органлар фаолиятини инспекция қилиш.


Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ қуйидаги текширув турлари мавжуд.



**Текшириш** - хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши.

**Тафтиш** - молия ва солиқ масалалари бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқ, давлат статистика органларига ҳамда банкларга тақдим

этиладиган ҳисобга олиш ва ҳисобот ишларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерлик, молия ва бошқа ҳужжатларини текшириш.

**Муқобил текшириш** - операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув;

**Назорат тартибда текшириш** - хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

**Қисқа муддатли текшириш** - назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик фаолиятини юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган фаолиятини бир кун давомида текшириш.

Ўзбекистон Республикасида назорат органларининг хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши (бундан кейин - Кенгаш) томонидан амалга оширилади ва уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича қарорлари барча учун мажбурийдир.

#### **Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилар:**

Назорат қилувчи органларнинг хўжалик фаолиятидаги субъектларни текширув ишларини ўтказиш бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

*хўжалик фаолиятидаги субъектларининг текшириш ишларини, комплекс текшириш ва тафтишларини мувофиқлаштириш*, ҳамда назорат қилувчи органларнинг иш фаолиятидаги такрорийликни олдини олиш;

*назорат қилувчи органларнинг текширишлар ўтказиш* бўйича мувофиқлаштириш режаларига риоя қилишларини текшириш ва режадан ташқари текширув ишларини махсус белгиланган орган билан келишувлар асосида ўтказилишини таъминлаш.

Кенгаш фаолиятини ташкил этиш бўйича тартиб қонунчиликка асосан аниқланади.

Хўжалик фаолиятини юритувчи юридик шахсларни фаолиятини назорат қилиш органлари томонидан (қуйида келтирилган ҳолатлардан ташқари) текширишлар, жумладан тафтиш ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

*назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма;*

*назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарган буйруғи ёхуд Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг текшириш, шу жумладан тафтиш ўтказиш тўғрисидаги ҳамда текшириш мақсади, уни ўтказиш санаси ва текширишни амалга ошириш топширилган мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилган*

**қарорлари;**

*белгиланган тартибдаги махсус гувоҳноманинг мавжудлиги;  
хўжалик фаолиятини юритувчи субъектларнинг фаолиятини  
Прокуратура, Ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари  
томонидан хўжалик юритувчи субъектларни текшириш учун қўзғатилган  
жиноий иш мавжудлиги асос бўлади.*

*Бунда мазкур субъектларнинг фақат қўзғатилган жиноий иш билан  
боғлиқ бўлган фаолияти текширилиши мумкин, бу ҳақда текширишни  
тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилиши лозим.*

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг текширишларини ўтказиш  
назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика  
кенгашининг қарорига биноан режа асосидаги тартибда назорат органлари  
томонидан **йилига кўпи билан бир марта амалга** оширилади.

Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўла  
ҳажмда тўлаб турадиган, бошқа меъёр ва қоидаларга риоя этадиган,  
аудиторларнинг ҳар йиллик тегишли хулосаларига эга бўлган хўжалик  
юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат органлари томонидан  
ҳар **икки йилда кўпи билан бир марта амалга** оширилади.

Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар  
фаолиятини текшириш муддати ўттиз тақвимий кундан ошмаслиги керак.  
Истисно ҳолларда, Кенгаш қарори билан бу муддат узайтирилиши мумкин.

#### **Режадан ташқари текширувлар.**

Текшириладиган объектнинг номи, текшириш ўтказиш мақсади,  
муддатлари ва унинг ўтказилишини асословчи сабаблар кўрсатилган Назорат  
органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг  
режадан ташқари текширишлар ўтказиш тўғрисидаги қарори, шунингдек  
текширишни амалга оширувчи тегишли назорат органининг мансабдор  
шахслари таркиби кўрсатилган буйруғи хўжалик юритувчи субъект  
фаолиятини режадан ташқари текширишини ўтказиш учун асос бўлиб  
ҳисобланади.

Режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан  
қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

*агар текширувни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси  
Ҳукумати қароридан келиб чиққанда;*

*назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан  
қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча  
маълумотлар келиб тушганда;*

*фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда;*

*санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни  
давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли  
вужудга келганда.*

ЎЗР. ВМнинг 2002 йил 6 май «Жисмоний шахслар томонидан  
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга

солиш тўғрисида» ги 154-сонли Қарорининг 6-бандига мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хузуридаги Бош прокуратура хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишган ҳолда **режадан ташқари** қуйидагиларни **текшириш** ҳуқуқи берилди:

импорт қилувчи жисмоний шахсларда тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигини. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда товар мусодара қилишни;

алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари сотувчи улгуржи ва чакана савдо субъектларида, шунингдек умумий овқатланиш субъектларида алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари белгиланган тартибга мувофиқ сотилишини.

ЎзР. ВМ 2002 йил 5 августдаги 280-сонли Қарорининг 2-бандига мувофиқ Давлат солиқ хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг мансабдор шахсларига Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишган ҳолда улгуржи ва чакана савдода, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида савдо ва нақд тушумни топшириш қоидаларига риоя қилинишини **режадан ташқари тезкор текширишларни** амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

**Хўжалик юритувчи субъектларини уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш.**

Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш тегишли назорат қилувчи (ёнғинга қарши, санитария, ветеринария, энергетика назорати ва бошқа) органлар томонидан, қоида тариқасида, бир марта ўтказиладиган комплекс текширув давомида амалга оширилади.

Комплекс текширувлар Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси тасдиқлаган режалар асосида ўтказилади.

**Муқобил текширишлар.**

Хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишларни ўтказиш жинорий ишлар бўйича тергов давомида фақат Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига кўра ёки назорат органлари томонидан махсус ваколатли органнинг қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

*Хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишларни ўтказиш фақат уларнинг текшириш объекти билан ўзаро муносабатлари доирасидагина йўл қўйилади.*



### **Назорат тартибида текшириш.**

Назорат тартибида текшириш назорат қилувчи органлар томонидан Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси билан келишилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади. Унинг ўтказилишидан асосий мақсад аввалги текширувларда аниқланган камчиликларни бартараф этилганлигини назорат қилишдир.

Текширишлар ўтказиш учун мутахассис, аудиторлар (аудиторлик фирмалари) жалб қилинган ҳолда экспертизалар (аудиторлик текширишлар) ўтказиш бўйича сарф-харажатлар фақат ушбу текширишларни тайинлаган назорат органлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мутахассислар ва/ёки аудиторлар (аудиторлик фирмалари) жалб қилинганда назорат органи ҳамда мутахассислар ва/ёки аудиторлар (аудиторлик фирмаси) ўртасида тузилган шартнома нусхаси албатта тақдим қилиниши лозим. Шартномада мутахассис ва/ёки аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва мансаби албатта кўсатилган бўлиши керак.

Юқоридаги келтирилган шартнома тузишнинг зарурий шarti бўлиб мутахассис ва/ёки аудитор (аудиторлик фирмаси)нинг эксперт ва/ёки аудиторлик хулосасининг тўғрилиги ва унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги учун *эксперт ва/ёки аудиторнинг жавобгарлиги ҳисобланади.*

«Хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида» Низомга (2001 йил 8 май 917-1-сонли) мувофиқ текширишни амалга оширувчи мансабдор шахслар текшириш бошланишидан олдин хўжалик юритувчи субъект раҳбарини(якка тадбиркорни) текшириш мақсади ва шартлари билан таништириши, қонунчилик билан белгиланган ҳужжатларни тақдим этиши, **текширишларни рўйхатга олиш Китобига тегишли ёзувлар киритиши лозим.**

Текширишларни рўйхатга олиш китоби мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан юритилади. Текшириш бошланишидан олдин хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тадбиркор) назорат органининг мансабдор шахсига Текширишларни рўйхатга олиш китобини тегишли устунларини тўлдириш учун тақдим этади.

Назорат органининг ваколатли шахси Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришдан бош тортса, хўжалик юритувчи субъект текшириш ўтказишга йўл қўймасликка ҳақлидир.

Текширишларни рўйхатга олиш Китобини тўлдириш қуйида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

(хўжалик юритувчи субъектнинг жойлашган жой (почта рақами))

(солиқ тўловчининг идентификация рақами)

1	2	3	4	5	6
№	Назорат ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг номи	текширувчининг исми, фамилияси, отасининг исми ва гувоҳнома рақами	мутахассис, аудитор исми, фамилияси, отасининг исми (шахсини тасдиқловчи ҳужжат, ли-цензия берилган сана ва рақами)	текшириш ўтказиш учун асос; жиний иш рақами	текшириш тури ва мақсади

7	8	9	10	11	12
текшириш ўтказиш учун белгиланган муддатлар	текширишни бошлаш ва тугатиш сани ва вақти	Текширишни аниқ давом этган вақти	талаб қилинган ҳужжатлар	текшириш жараёнида қўрилган чоралар	хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг (якка тадбиркорни фикри)

### **Хўжалик юритувчи субъектнинг Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш қоидалари.**

1. Текширувчи орган 2-7 устунларни, текширилувчи (хўжалик юритувчи субъект) 8-12 устунларни тўлдириши шарт.

2. Иккинчи устунда назорат органининг тўлиқ расмий номи, унинг почта манзили, раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, у бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

3. Учинчи устунда текширувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, гувоҳнома (шу жумладан махсус) рақами, гувоҳномани берган орган номи, гувоҳноманинг амал қилиш муддати кўрсатилади.

4. Тўртинчи устунда мутахассис, аудитор (аудиторлик фирмаси) таклиф этилган бўлса, уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, шахсини тасдиқловчи гувоҳнома рақами, лицензия рақами, лицензия берган орган номи ва лицензиянинг амал қилиш муддати кўрсатилади.

5. Бешинчи устунда текшириш ўтказиш режа-жадвалини тасдиқлаган орган номи ва уни тасдиқлаган санаси; буйруқни чиқарган мансабдор шахсининг Ф.И. отасининг исми, буйруқни тасдиқлаш рақами ва санаси; жиний иш қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарган мансабдор шахсининг Ф.И. отасининг исми, қарорнинг санаси, шунингдек жиний ишнинг рақами.

6. Олтинчи устунда текшириш турининг тўлиқ номи ва мақсади (бир марталик текшириш, тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибда текшириш) кўрсатилади. Текшириш турининг номи текшириш ўтказиш режа-жадвалида ва буйруқда кўрсатилган турга мувофиқ бўлиши лозим.

7. Еттинчи устунда текшириш ўтказиш муддати кўрсатилади. У текшириш ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан ошмаслиги лозим.

8. Саккизинчи устунда ҳар куни текшириш ўтказишни бошлаш ва тугатиш вақти, санаси кўрсатилади. Ушбу устунда зарур ҳолларда назорат органлари мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектнинг ички тартибида белгиланган иш вақтидан кейинги фаолияти ҳақида махсус белгилар қўйилади.

9. Тўққизинчи устунда текширишнинг аниқ давом этган календарь муддати кўрсатилади.

10. Ўнинчи устунда талаб қилинган ҳужжатларнинг тўлиқ номи кўрсатилади. Ушбу устунда талаб қилинган ҳужжатлар тавсифи текшириш ўтказиш режа-жадвали ҳамда буйруқда кўрсатилган текшириш тури ва мақсадларига мос келмаган ҳолда махсус белгилар қўйилади.

11. Ўн биринчи устунда назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан хўжалик юритувчи субъектга нисбатан кўрилган чоралар кўрсатилади (ишлаб чиқаришни тўхтатиш, омборни ёки корхонани тўлиқ муҳрлаш, пул маблағларидан ва/ёки хом-ашёдан фойдаланишни тақиқлаш, молия ва бошқа ҳужжатларни олиб қўйиш ва бошқалар).

12. Ўн иккинчи устунда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг (якка тадбиркорнинг) "Розиман", "Рози эмасман", "Эътирозлар билан розиман" шаклидаги фикри кўрсатилади. "Рози эмасман" шакли кўрсатилган ҳолда хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тадбиркор) бунинг асосланган сабабларни кўрсатади. "Эътирозлар билан розиман" шакли кўрсатилган ҳолда асосланган эътирозлар келтиради.

Текширишларни рўйхатга олиш китобида ўчириб ёзиш ва бўйлаш тақиқланади. Тўғрилашлар хато ёзувлар ўчирилиб, керакли маълумотлар устидан қайта ёзиш ёки қўлда устидан ёзиш йўли билан амалга оширилиши лозим. Ҳар бир бундай тўғрилаш текшириш раҳбари-мансабдор шахс ва хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тадбиркор) имзоси билан тасдиқланади.

Текширишларни рўйхатга олиш китоби рақамланган ва варақлар сони кўрсатилиб, хўжалик юритувчи субъектнинг (якка тадбиркор учун агар у мавжуд бўлса) муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолиятлари текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиш;

текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик;

назорат қилувчи органларнинг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларни бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаганидан сўнг ўн кун муддат ичида текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхасини олиш;

қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш объектларига киритишга, текширувчиларга ўз вазифаларини бажаришлари учун қўмаклашишга мажбурдирлар.

*Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.*

Агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўришлари мумкин.

*Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик ҳолати мавжудлигидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа қонуний фаолиятига аралашши ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмас.*

*Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ноқонуний қарорлари ёки бошқа ҳаракатлари натижасида хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.*

*Хўжалик фаолияти юритувчи товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзоси бўлса, у ҳолда уларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятлари бўйича барча текширишлар Палата ёки унинг вакилининг мажбурий иштирокида амалга оширилади.*

**Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш.**

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан бевосита судга ёки бўйсуниб тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкин.

Шикоятни бериш назорат қилувчи орган мансабдор шахсининг ҳаракатларини тўхтатиб қўймайди. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан қилинган шикоятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Солиқ бўйича текширув ўтказиш даврида солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш рухсат этилмайди.

Солиқ текширувлари ўтказишда солиқ хизмати органи мансабдор шахслари томонидан солиқ тўловчининг ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноий –процессуал кодексига асосланган ҳолда олиб қўйилиши мумкин.

Солиқ текширувлари якунида солиқ хизмати органи мансабдор шахс томонидан солиқ текшируви бўйича далолатнома тузилади. *Солиқ текшируви далолатномаси қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:*

1. солиқ текширувини ўтказилиш жойи ва далолатнома тузилган сана;
2. текшириш тури;
3. солиқ текширувида қатнашган солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг исми, фамилияси, отасининг исми, лавозими;
4. солиқ тўловчининг тўлиқ номи ёки унинг исми, фамилияси, отасининг исми;
5. солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) жойлашган жойи, банк реквизитлари ҳамда унинг идентификация рақами;
6. солиқ тўловчи томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ва бухгалтерия ҳисобини юритишга жавобгар шахс, корхона раҳбари ва жавобгар шахсларнинг исми, фамилияси, отасининг исми;
7. аввалги текширув ва унда қўрилган чоралар, солиқ қонунчилигини бузилиши натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотлар;
8. текширилаётган солиқ даври, солиқ тўловчи томонидан текшириш жараёнида тақдим этилган ҳужжатлар ҳақида маълумот;
9. солиқ қонунчилигини бузилиши бўйича тўлиқ маълумот, ушбу маълумот солиқ қонунчилигининг тегишли меъёрий ҳужжатларига кўрсатма берилган ҳолда келтирилиши лозим;
10. солиқ текшируви хулосаси.

Солиқ текширувининг якуний куни деганда, солиқ тўловчига текшириш натижасида тузилган далолатномани топшириш куни тушунилади.

Агарда солиқ текшируви натижасида солиқ қонунчилигининг бузилиши бўйича камчилик аниқланмаса, у ҳолда солиқ текшируви далолатномасида тегишли белги қўйилади.

Солиқ текшируви далолатномасига солиқ хизмати органи мансабдор шахси томонидан солиқ текшируви давомида фойдаланилган ҳужжатлар, унинг томонидан амалга оширилган ҳисоб-китоблар ва бошқа маълумотлар илова қилинади.

Солиқ текшируви далолатномаси камида икки нусхада тузилади ва текширув ўтказган солиқ хизмати органи мансабдор шахслари томонидан имзоланади.

Солиқ органининг далолатномаси махсус «солиқ текширувлари ва эслатмаларини рўйхатга олиш китоби»да рўйхатга олинади. Ушбу китоб

рақамланган ва варақлар сони кўрсатилиб, солиқ органи хизматининг мухри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Солиқ текшируви далолатномасининг битта нусхаси солиқ тўловчига тақдим этилади. Солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасини олиш вақтида унинг олганлиги ҳақида белги қўйиши лозим.

Агарда солиқ тўловчи (солиқ органининг ҳужжатли текширувига қадар) мустақил равишда ўзининг хатосини, яъни унинг натижасида бюджетга ундирилиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг суммаси кам қилиб тўланганлиги аниқланса, у ҳолда у белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоботига ва солиқлар ҳамда тўловларнинг ҳисобига ўзгартириш киритиши лозим. Бундай ҳолда ЎзР. СКнинг 135-моддасида келтирилган молиявий жарималар қўлланилмайди. Аммо солиқ тўловчи солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида бюджетга тўламаганлиги учун пеня ҳисоблаб тўлаши шарт.

### **Назорат-касса машиналарининг қўлланилиши.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истеъмолчи билан савдо-сотик операцияси ва хизмат кўрсатишда нақд пул, банк карточкалари тўловлари, чеклар ёрдамида ҳисоб-китоблари амалга оширилганда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш ва истеъмолчиларга назорат чекини бериш билан амалга оширилади.

Жисмоний шахслар томонидан турғун точкаларда импорт истеъмол молларини чакана савдо –сотиғи билан шуғулланганларида ҳам назорат-касса машиналарини мажбурий қўллашлари шарти билан рухсатнома берилди.

1995 йил 1 январдан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги “Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 621-сон Қарорига мувофиқ савдо-сотик билан шуғулланувчи барча корхона, ташкилот ва муассасаларда мулкчилик шаклидан қатъи назар аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга ошириш чоғида назорат-касса машиналаридан (НКМ) фойдалана бошладилар.

Ушбу ВМ Қарорига асосан аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тўғрисида Тартиби ишлаб чиқилди (1995 йил 15 феврал 124-сон билан АВ рўйхатга олинган).

Тартибда баъзи корхона, ташкилот, муассаса ва юридик шахс кўринишини ташкил этмасдан фаолият юритаётган жисмоний шахсларга аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини махсус кўринишда юритишларини ҳисобга олиб **НКМларни қўллагандан амалга ошириш рухсат этилган.**

Уларга аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда квитанциялар ёзадиган, талон, чипта ёки шуларга тенглаштирилган чекларни берувчи корхона, ташкилот, муассаса ва жисмоний шахслар киради.

Бундай квитанция, талон ва чипталар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган қатъий ҳисобланган шаклдаги ҳужжатлардир. Корхона, ташкилот, муассасалар ва жисмоний шахсларнинг газета ва журналларни сотишда, цистерналардан, идишлардан, лотоклардан, кўл араларидан ҳамда сабзот ва полиз ўсимликлари билан ёйма майда чакана савдо қилишда НКМ лари қўлланилмайди.

Бунга яна ўзининг томорқасида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилиш, самолёт ва поездларда (вагон ресторанлар бундан истисно) маҳсулотларни сотиш, жойига чиқиб лоток ва автотранспорт воситаларда савдо қилишлар ҳам киради.

Турғун бўлмаган ҳолатда маиший хизмат кўрсатилганда, 1-2 киши иштирокида темирчилик ва касаначилик маҳсулотларини ясаб сотилганда НКМлари қўлланилмайди. Булар аҳоли билан савдо қилишда назорат – касса машиналарини қўллагандан фаолият юритувчи корхоналарнинг баъзи бирлари, холос. **Аммо, уларнинг ҳаммаси кирим ордерлари, квитанция, талон ва бошқа кўринишдаги тўлов ҳужжатларини тўлдиришлари шарт.**

Республикада фойдаланиш учун рухсат этилган НКМларнинг моделлари уларни татбиқ қилиш бўйича Давлат Идоралараро комиссия томонидан аниқланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун рухсат этилган назорат – касса машиналари ягона Давлат реестрига киритилади. Хўжалик субъекти НКМни албатта белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва фаолият юритадиган ҳудуд давлат солиқ инспекциясида ҳисобга қўйиши лозим. Солиқ органига ҳисобга қўйилмаган касса аппаратини аҳоли билан олди-сотди ишларида фойдаланиш қатъиян ман этилади.

НКМ орқали ўтган касса чеки товарнинг сотиб олинганлигини ёки хизмат (ишнинг) бажарилганлигини белгиловчи ҳужжат ҳисобланади. Чекда товар (хизматлар, ишлар) нархи кўрсатилади, тўланган сана ва касса аппарати номери келтирилади. **Товарни касса ёки товар чекларини бермасдан сотиш қатъиян ман этилади.**

## **5. СОЛИҚ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК**

### **УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 135 моддасига асосан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчига нисбатан қуйидаги миқдорда молиявий жазо чоралари қўлланилади:

1) юридик шахсларнинг (шу жумладан норезидентларнинг) (резидент тижорат ташкилотларини истисно этганда) солиқ органида **рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши** қуйидаги миқдорда жарима солишга олиб келади:

агар фаолият ўттиз кунгача амалга оширилган бўлса - энг кам иш ҳақининг **50-баравари миқдорида**, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) **10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда**;

агар фаолият ўттиз кундан ортиқ муддатда амалга оширилган бўлса - энг кам иш ҳақининг **100-баравари миқдорида**, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) **50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда**;

2) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг солиқ органида **рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши** энг кам иш ҳақининг **5-баравари миқдорида** жарима солишга олиб келади;

3) **даромад (фойда) яширилган тақдирда** солиқ тўловчидан яширилган даромаднинг (фойданинг) **бутун суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима** ундирилади. Солиқ солинадиган бошқа объектлар яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган солиқ солиш объекти учун олиннадиган солиқ суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади.

Солиқ тўловчи юқоридаги хатти-ҳаракатларни молиявий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида такроран содир этган тақдирда ундан тегишли сумма ва яна шу сумманинг икки баравари миқдорида жарима ундирилади;

4) **солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган декларациялар, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этганлик** учун солиқ тўловчидан тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тегишли **сумманинг 1% миқдорида**, *бироқ тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чегириб ташилган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли тўлов суммасининг 10%дан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади*;

5) **бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бузилишига олиб келадиган тарзда бузган ҳолда юритганлик** учун солиқ тўловчидан кўшимча ҳисоблаб чиқарилган сумманинг **10 фоизи** миқдорида жарима ундирилади;

6) фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун шу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шунча миқдорда жарима ундирилади;

Лицензиялаштириш фаолиятига фуқароларнинг қонуний, ҳуқуқий манфаатларига ва саломатликларига путур етказиши мумкин бўлган, жамиятнинг хавфсизлигини таъминлаш учун лицензиялаштиришдан бошқа усуллар мавжуд бўлмаган ҳолатлардаги фаолият турлари киради.

Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон Қарорига 1-иловасида келтирилган.

7) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ҳисоб-китобда акс эттирмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш операцияларини ўтказганлиги учун



улардан ана шу товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати миқдорида жарима ундирилади;

8) **солиқлар ва йиғимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,07 фоиз** миқдорида пеня ундирилади, тўлов куни ҳам шунга киради. Пеня ундириш солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди;

9) **ҳисобварақ-фактураларни:**

товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинаётганда *белгиланган тартибни бузган* ҳолда расмийлаштирганлик учун, агар бу қонунбузарлик қўшилган қиймат солиғи тушмаслигига олиб келган бўлса, маҳсулот етказиб берувчидан реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) қийматининг **10 фоизи** миқдорида жарима ундирилади, ушбу банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

*қўшилган қиймат солиғи тўловчи бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинаётганда ҳисобварақ-фактураларда қўшилган қиймат солиғини акс эттирган тарзда расмийлаштирганлик учун маҳсулот етказиб берувчилардан ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммаси ҳамда худди шу суммага тенг миқдорда жарима ундирилади.*

Бунда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харидорлари қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан қайта ҳисоб-китоб қилмайдилар ва уларга нисбатан жарима жазоси қўлланилмайди (ЎЗР. Қонуни 03.12.2004й. 714-II-сонли).

10) **ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирмаганлик ёки ҳисобварақ-фактураларни белгиланмаган шаклда расмийлаштирганлик учун** (солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва қонун ҳужжатларига мувофиқ назарда тутилиши шарт бўлган ҳолларда бошқа реквизитлари кўрсатилмаганлиги ёки нотўғри кўрсатилганлиги) ҳар бир нотўғри тузилган ҳужжат учун энг кам иш ҳақининг **10-баравари** миқдорида жарима ундирилади;

11) **ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ўлчамдаги ер майдонларидан фойдаланганлик учун** қуйидаги миқдорда жарима ундирилади: юридик шахслар учун ер солиғига тенг сумманинг **2- баравари** миқдорида, жисмоний шахслар учун **1,5 баравари** миқдорида.

12) **назорат-касса машиналарини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик**, шунингдек харидорга квитанция ёзиб бериш, талонлар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чекларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик учун:

• юридик шахслардан энг кам иш ҳақининг **100 баравари** миқдорида, ўша қилмишлар молиявий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида

такроран содир этилган тақдирда эса энг кам иш ҳақининг **200 баравари** миқдорида;

•якка тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг **100 баравари** миқдорида жарима ундирилади;

13) **техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик**, фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик учун юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг **200 баравари** миқдорида, ўша қилмишлар такроран содир этилганда эса энг кам иш ҳақининг **500 баравари** миқдорида жарима ундирилади;

14) дехқон (озиқ-овқат) бозорларидаги стационар савдо шохобчаларидан ташқарида ноозиқ-овқат истеъмол товарларини реализация қилганлик учун якка тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг **100 баравари** миқдорида жарима ундирилади;

15) **реализация қилинган товарлар (хизматлар) учун олинган пул тушуми суммасини даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш рўйхатларига кирим қилмаган** ҳолда савдони амалга оширганлик ва пуллик хизматлар кўрсатганлик учун якка тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг **10 баравари** миқдорида, ўша қилмишлар такроран содир этилганда эса энг кам иш ҳақининг **50 баравари** миқдорида жарима ундирилади;

16) стационар савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари орқали аҳоли билан пул ҳисоб-китоблари амалга ошириляётганда нақд пул тушумини яширган тақдирда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлардан яширилган нақд пул тушуми миқдорида жарима ундирилади;

«Нақд пул тушумини яшириш» деганда «Нақд пул тушумини яширишга йўл қўйган корхона ва ташкилотларга нисбатан жазо жарималарини қўллаш тартиби тўғрисида» ги Низомнинг (2001 йил 28 сентябр 1070-сон билан ЎзР. АВ рўйхатдан ўтган) 2 – бандига асосан олинган нақд пул маблағларини белгиланган муддатларда хизмат кўрсатувчи банкка ўтказмаслик ҳамда тегишли равишда бухгалтерияга оид ва бошқа хужжатлар билан расмийлаштирилмаган товарлар ва маҳсулотнинг сотиш жойларида мавжудлиги тушунилади.

*Хўжалик субъектлари томонидан аҳоли билан нақд пулга ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишда назорат-касса машиналаридан фойдаланиш қоидаларини бузган ҳолатларда уларга молиявий жарималардан ташқари маъмурий жавобгарликка ҳам тортиладилар.*

*Маъмурий жавобгарликка хўжалик субъектларига чакана савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш учун берилган рухсатномаларни муддатидан аввал тўхтатиб қўйиш ёки рухсатномани бекор қилиш киради. ВМ 2001 йил 22 июн 264-сонли Қарорининг 3-бандига мувофиқ белгиланган савдо қилиш қоидалари бузилган, назорат-касса машиналаридан фойдаланилмаган ва нақд пул маблағлари банк кассаларига ўз вақтида топширилмаган ҳолларда*

шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари солиқ органларининг тақдимномасига кўра чакана савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш учун берилган рухсатномаларнинг амал қилишини бир ойгача муддатга тўхтатиб қўяди, қоидабузарлик такроран содир этилган тақдирда эса рухсатнома бекор қилинади. Солиқ органлари назорат-касса машиналаридан фойдаланмаганлик ҳолларини аниқланганда 5 кун ичида чакана савдо қилиш ва пуллик хизматлар кўрсатишига берилган рухсатномаларнинг амал қилишини бир ойгача тўхтатиб туриш ёки рухсатномани бекор қилиш тўғрисида (такрорий қонунбузарликлар аниқланганда) шаҳар ва туманлар ҳокимиятларига тақдимнома юбордилар.

17) **истеъмол товарларини улгуржи савдо қилишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун** юридик шахслардан (ишлаб чиқарувчи корхоналардан ва улгуржи етказиб берувчилардан) мазкур фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шунча миқдорда жарима ундирилади.

Истеъмол товарлари билан савдо қилиш тартиби ЎзР. ВМ 1999 йил 19 март «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 125-сонли Қарорида келтирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 октябр 483-сонли Қарорида юридик ва жисмоний шахслар томонидан **фойда (даромад)ни қасдан яшириш ва солиқ тўлашдан бош тортишнинг** белгилари келтирилган, ушбу қонунбузарликлар аниқланган тақдирда солиқ тўловчи яширилган даромаднинг (фойданинг) бутун суммаси ва яна шунча сумма миқдоридан жарима ундириш бўйича жавобгарликка тортилади (ЎзР. СК 135-модда).

Улар жами ўнта.

1. **Ҳужжатларни сохталаштириш (тузатиш, ноқонуний тўғрилаш).**
2. **Қалбаки бошланғич бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланиш.**
3. **Фойдаланилмаган моддий харажатларни ишлаб чиқариш ҳисобига қўшиб ҳисобдан чиқариш.**
4. **Корхонада ишламайдиган, лекин ҳисобда турадиган ходимларга иш ҳақи ёзиш йўли билан меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини ошириш.**
5. **Сотишдан олинган тушумни ҳисобот давридан кейинги даврга ўтказиш (сотиш ҳажмини ва даромадни қасдан камайтириш).**
6. **Моддий, ёқилғи-энергетика ресурслари харажатларини ва амортизация (эскириш) миқдорини сунъий равишда ошириш ёки норматив (лимит)ларни нотўғри қўллаш.**
7. **Ҳужжатларни йўқ қилиш ёки уларни тақдим этишни рад этиш.**
8. **Сотиш жойларида бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар билан тегишли равишда расмийлаштирилмаган маҳсулот (товар)ларнинг мавжуд бўлиши.**
9. **Давлат рўйхатидан ўтмасдан ва солиқ органларида ҳисобга турмасдан хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини юритиш.**
10. **Давлат солиқ хизматининг ёзма билдиришномаси мавжуд**

**бўлгани ҳолда икки ва ундан ортиқ манбалардан даромад олувчи жисмоний шахслар томонидан даромадлари ҳақида декларация тақдим этмаслик.**

Ушбу Карорнинг 9 бандида белгилаб қўйилган:

яшириб қолинган ёки камайтириб кўрсатилган фойда (даромад)нинг барча суммасини ва шу миқдордаги жаримани ундириб олиш тарзидаги молиявий жазолар солиқ органлари томонидан ҳужжатлар бўйича текшириш яқунлари ва солиқ тўлашдан бош тортиш ёки фойда (даромад)ни яшириш (камайтириб кўрсатиш) ҳолатлари мавжуд бўлгандагина қўлланилади;

солиққа тортиладиган базани ҳисоблаб чиқаришда солиқ қонунчилигининг бузилишига ҳисоб-китобларни бузиб кўрсатиш сифатида қаралади ва молиявий жазолар, шу жумладан, пеня, солиқ солинадиган базага **ҳисоблаб қўшилган** суммага нисбатан қўлланилади.

Юқорида келтирилган маъмурий жавобгарликлар билан бирга бир қатор меъёрий ҳужжатлар мавжудки, уларда ҳам солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий жарималар ва бошқа кўринишдаги жавобгарликлар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича тартиблар ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 29 мартдаги «Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш тўғрисида»ги Фармойишига биноан:

- агарда савдо ва савдо-воситачилик корхоналари уч ой, бошқа хўжалик фаолиятини юритувчи – юридик шахслар- олти ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ пул операцияларини банк ҳисобварақлари орқали амалга оширмаган ҳолларда тижорат банклари:

уларнинг банк ҳисобварақлари бўйича кейинги операциялари ўтказишни тўхтатиб қўяди (бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқларни ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ўтказиш бундан мустасно);

хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатилган санадан бошлаб уч кун муддатда юридик шахс фаолиятини бундан буён давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса тайёрлаш учун у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ хизмати органига ахборот беради.

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва маҳаллий ҳокимият органлари давлат солиқ хизмати органларининг тақдимномасига биноан, молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ пул операцияларини банк ҳисобварақлари орқали амалга оширмаётган юридик шахсларни белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектлар реестридан чиқарадилар.

- хўжалик юритувчи субъект ўзининг юридик манзилгоҳи ўзгаргани ҳақида рўйхатга олувчи органга ва солиқ хизмати органига ўн кун муддат ичида маълум қилмаган тақдирда хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсларига солиқ органлари томонидан энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача маъмурий жарима солинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабр

490-сонли Қарорига биноан «2002 йил 1 июлдан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда устав сармояси (жамғармаси)ни шакллантирмаган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар қонун ҳужжатларида белгиланган барча солиқлар ва тўловларни тўлиқ ҳажмда, бутун фаолияти даврида имтиёзлар қўлланмаган ҳолда тўлайдилар».

ВМ 280-сонли Қарорига ва Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2002 йил 10 август 4-1-Г-сонли махсус қарорига мувофиқ текширув ишларини ўтказиш рухсатномаси мавжуд бўлган солиқ органи ходимларига инкассация қилинадиган объекларда 2002 август ойидан бошлаб банкларнинг ва инкассация гуруҳларининг берган маълумотларига асосланган ҳолда НКМ ишлатилиши бўйича қисқа муддатли текширувлар ўтказишлари рухсат этилди.

2002 йил давомида ҳукумат томонидан савдо-сотик ва умумий овқатланиш корхоналарини соддалаштирилган кўринишда солиққа тортиш, шунинг билан бирга импорт қилинган товарларни олиб кириш ва реализация қилиш бўйича бир неча янги қарорларини қабул қилиниши билан буларни бажарилишини таъминлаш мақсадида қўшимча жарималар белгилади.

- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига товар-хом ашё биржаларида республикага истеъмол товарлари олиб келинишини назарда тутувчи битишувлар асосида товар олиб кирилиши аниқланган тақдирда кўрсатиб ўтилган товарларни белгиланган тартибда мусодара қилишга рухсат берилди (ВМҚ 257-сон, 19.07.2002 й.);

- Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан белгиланган савдо қоидаларига сўзсиз риоя этилиши таъминланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, бунда товарларни нақд пулга улгуржи сотишга йўл қўймасликка, назорат-касса машиналари мавжудлигига, нақд пул маблағлари ўз вақтида инкассо қилинишига алоҳида эътибор бериш юклатилди. Айбдор шахсларга нисбатан жиноий жазога тортишгача қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилиши белгилаб қўйилди.

ВМ 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига хўжалик юритувчи субъектларга истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўпол равишда бузилиш ҳолатлари, яъни истеъмолчига товар (ишлар, хизматлар) қиймати кўрсатилган, товарнинг харид қилинганлигини ёки ишларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи касса, товар чеклари ва бошқа ҳужжатларни бермасдан товарлар сотиш ёки хизматлар кўрсатиш, яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки яроқлилик муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиш ва сотиш, истеъмолчининг ҳуқуқларини поймол қилган ҳолатларни бартараф этиш бўйича кўрсатмаларни ўз вақтида бажарилмаганлиги аниқланганда

мувофиқлаштирувчи кенгашнинг олдиндан ёзма кўрсатма бермасдан энг кам иш ҳақининг 100 минимал қийматида жарима солишига рухсат берилди. Бундай жарималарни қўмита ўзи текшириш ўтказиш натижасида аниқлаган камчиликлари ва истеъмолчиларнинг аризаларини мониторинг ўтказиш натижасида қўллаши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрь «Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида»ги 511-сонли Қарорига мувофиқ электр энергия истеъмолчиларининг тўлов муддатларини бузганликлари учун жавобгарлик белгиланди. Масалан, 2005 йил 1 январдан бошлаб солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида тўламаганлиги учун жавобгарликка тортишнинг белгиланган тартиби истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган тўловларга йўл қўйган юридик шахсларга татбиқ этилади.

Жавобгарлик мавзусининг якунида қуйидагиларни қўшиш мумкин, солиқ тўловчи солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бир неча марта бузган тақдирда ҳар бир қонунбузарликка нисбатан алоҳида-алоҳида молиявий жазо чоралари қўлланилади. Агар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун молиявий жазога тортилган шахс жазони ижро этиш тугаган кундан эътиборан бир йил мобайнида солиқ бўйича тақроран қоидабузарлик содир этмаган бўлса, у жазога тортилмаган ҳисобланади.

#### **Даъво қилиш муддати**

Солиқ тўловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва жарималар суммасини бюджетдан қайтариб олиш учун даъво қилиш муддати фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ уч йил қилиб белгиланади.

Солиқлар, йиғимлар ва жарималарни бюджетга тўлаш ва ундиришга доир эътирозларни тақдим этиш учун даъво қилиш муддати қуйидагича белгиланади (ЎЗР. Солиқ кодекси 124-модда):

даромадлар тўғрисида декларациялар тўлдирган, молиявий ҳисоботларни тақдим этган солиқ тўловчиларга нисбатан - **уч йил**;

солиқ суммаси 20 фоиздан кўпроқ камайтириб кўрсатилганлиги (яширилганлиги) аниқланганда - **беш йил**.

Даъво қилиш муддатининг ўтиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб турилади, тугатилади ва тикланади.

### **Мисоллар**

**1.** Корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти текширилганда 1998 йил сотувдан тушган маблағни 1999 йил қирим қилинганлиги аниқланди.

**Савол:** ушбу қонунбузарлик ҳозирги кундаги қонунга асосан даромадни қасдан яшириш белгисига тўғри келадими ёки йўқми?

2. Солиқ органи ходимлари дўконни текшириш даврида сотувдан тушган тушум касса апаратыга кирим қилинмаганлиги аниқлашди.

**Савол:** Ушбу савдо корхонаси қандай жавобгарликка тортилади?

3. Корхона ўзининг юридик адресини ўзгартирди.

**Савол:** бундай ҳолатда корхона қандай амалларни бажариши лозим ва қандай муддатларда?

## III ҚИСМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ТИЗИМИ

### 2. УМУМИЙ ТАРТИБДА СОЛИҚҚА

#### ТОРТИШ ТИЗИМИ

##### 1.1. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ

###### **Ўзбекистонда ҚҚС жорий қилинишининг иқтисодий сабаблари**

Барча билвосита солиқлар каби ҚҚС ҳам асосан солиқларнинг фискал функциясини бажаради, унинг жорий қилишдан асосий мақсад давлат бюджетини маблағ билан тўлдириш билан боғлиқ бўлган. ҚҚС солиқ тушумларини нарх-навонинг ўсиши билан тўғридан тўғри боғлаб турганлиги учун у бюджет маблағларини инфляция бўлишлигидан сақлаб қолувчи воситалардан бири ҳисобланади.

Бундай ҳолатда солиққа солиш объекти бўлиб товарнинг ёки хизматнинг сотиш нархи хизмат қилади. ҚҚС солиққа солиш тизимида ҳар бир ишлаб чиқарувчи (сотиб олувчи) ўзининг харидоридан (буртмачисидан) қонунда кўзда тутилган солиқ суммасини ундиради ва аввал хом-ашё сотиб олишда солиқнинг тўланган қисми мавжуд бўлса, уни чегириб ташлаб, қолган қисмини бюджетга тўлайди. Солиқларни таснифлаш жиҳати бўйича солиққа тортиш объектини баҳолаш даражасидан келиб чиқиб, ҚҚС реал солиқлар туркумига киради. *Ушбу солиқни тўлаш олди-сотди жараёнидан келиб чиқади ва солиққа тортиш субъектининг молиявий ҳолатини ҳисобга олмайди.*

ҚҚС Ўзбекистонда қўллана бошлашининг асосий сабаби ушбу солиқ бўйича дунё ҳамжамиятининг бу борадаги тажрибаси бўлди. Ривожланган давлатларнинг тажрибаси билвосита солиқлар ривожланиб бориб, ягона қўлланиладиган солиққа, яъни ушбу давлатларда бир текисда тақсимланадиган қўшилган қиймат солиғига айланишини кўрсатди, шу билан бир вақтнинг ўзида, бирон бир товарлар гуруҳини сотилишига ҳалақит қилмайди ва халқ хўжалигидаги молия тақсимланишини ўзгартирмайди.

ҚҚС биринчи бор 1954 йил Францияда иқтисодчи М.Лоре таклифига мувофиқ жорий қилинган ва қисқа муддат ичида кўпгина давлатларда қўлланила бошланди. ҚҚС Ўзбекистонда қўлланилиш даврига келиб 43 та давлатда, шу жумладан барча Европа иттифоқи (ЕИ) давлатларида, қўлланилган.

1992 йилдан бошлаб ҚҚС мустақил Ўзбекистоннинг солиқ тизимида ажралмас қисмига айланди.

Бюджетга ундирилиши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлашнинг тўрт хил усули мавжуд:

- бевосита аддитив ёки бухгалтерия усули;
- билвосита аддитив;



- бевосита чигириш усули;
- билвосита чегириш усули, ёки ҳисобварақ бўйича ҳисобга олиш усули (ЕИ томонидан биринчи қабул қилинган усул).

Агарда шартли равишда солиқ ставкасини **R** деб белгиласак, у ҳолда юқорида келтирилган усуллар бўйича солиқни ҳисоблаш қуйидаги формулалар кўринишида бўлади:

- 1)  $R(v + m) = \text{ҚҚС}$ ,  
бу ерда:  $(v + m)$  - қўшилган нарх;
- 2)  $Rv + Rm = \text{ҚҚС}$ ,

Бунда қўшилган нарх  $(v + m)$  иш ҳақидан  $v$  ва  $m$  даромаддан иборат деб ҳисобланади.

- 3)  $R(V - I) = \text{ҚҚС}$ ,  
бунда:  $V$  – тушум,  $I$  – харажат

- 4)  $Rv - Ri = \text{ҚҚС}$ ,  
буни бошқача кўринишда қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\text{ҚҚС}_{\text{даромадлар бўйича}} - \text{ҚҚС}_{\text{харажатлар бўйича}} = \text{ҚҚС}_{\text{бюджетга}}$$

Дунёда тўртинчи усул энг кўп тарқалган усулдир. Уни фойдаланишда қўшилган нархни аниқлашнинг ҳожати бўлмайди. Ушбу усул ҚҚСни ҳисоблашда олди-сотди даврида тўғридан-тўғри солиқ ставкасини қўллаш имкониятини беради, бу эса ўз вақтида, техник ва ҳуқуқий характерга эга бўлган афзалликни беради. **Қўшилган қиймат солиғининг суммаси**

**кўрсатилган ҳисобварақ-фактурасининг мавжудлиги эса олди-сотдининг асосий ва принципиал вақтини белгилаб, фирманинг ушбу солиқ мажбурияти ҳақида маълумотни беради.** Шунинг учун ҳам ҳисобварақ-фактуранинг тўлдирилиши бўйича қатъий қоидаларга бўйсуниб талаб этилади.

Қўшилган қиймат солиғи бошқа солиқларга нисбатан жуда кўп афзалликларга эга. Улар қуйидагилардан иборат:

- ҚҚС маҳсулотнинг сотув нархига қўшилмай унинг устига қўйилиб, харидор томонидан тўлаб берилади, бу эса ўз вақтида ишлаб чиқаришнинг харажатларига ва рентабеллигига таъсир этмайди;
- солиққа тортиш объекти маҳсулотнинг бутун ишлаб чиқариш жараёнида ягона солиқ ставкасида аниқланиши маҳсулот сотишнинг охириги босқичида солиқ суммасини йиғилиб қолишидан сақлайди ва солиққа тортиш жараёнида қайта-қайта ҳисобланишнинг олдини олади;
- солиқ ундириш тизимининг соддалиги солиқ органи учун ҳамда солиқ тўловчилар учун ҳам қулайлик яратади. ҚҚСни ҳисоблаш жараёни ўз-

ўзини текшириш жараёни деса ҳам бўлади, чунки кейинги сотиб олувчи аввалги таъминотчини ҳисобварақ-фактурасида тўланган солиқ суммасини белгилашда тўғри қўйилишини текшириб боради.

- қўшилган қиймат солиғи тармоқ ва корхоналарнинг иқтисодий фаолият турларидан, капитал жамғармасидан, ишлаб чиқариш туридан, катта-кичиклигидан қатъи назар бир хилда солиққа тортиш даражаси қўлланилади;

- кўпгина давлатларда корхонанинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини четга экспорт қилувчи фирма-экспортерларга уларни қўллаб қувватлаш мақсадида экспорт қилинган маҳсулот сотув нархига кирган қўшилган қиймат солиғини бир қисмини давлат томонидан қайтариб берилади. ҚҚСнинг ҳисоблаш тизими эса экспорт қилинаётган маҳсулотни фирма томонидан ишлаб чиқариш учун кетган реал харажатларини ҳисоблаб чиқариш имкониятини беради. Маҳсулотлар импорт қилинаётганда ҚҚС протекция сиёсатини юритиш учун қўлланилади. Демак, ҚҚСни ташқи иқтисодий муносабатларни тартибга солиб туриш учун фойдаланиш мумкин;

- қўшилган қиймат солиғининг ҳужжатларда алоҳида кўрсатилиб ёзилишлиги уни тўлашдан қочиш ҳолатларни қийинлаштиради;

- ҚҚС бозор иқтисодиётини солиқлар ёрдамида тартибга солишда даромад (фойда) солиғи ставкасини пасайтирилиши натижасида бюджетнинг даромад қисмидаги йўқотишларни қоплаш учун тактик восита сифатида ишлатилади;

- ҚҚС ҳар турдаги давлатларнинг ягона солиқ сиёсатини юритиши ёрдамида интеграция функциясини ҳам бажаради. Масалан, ЕИ давлатларининг солиқ сиёсатидан кўриниб турибдики, ҚҚС уларнинг бюджетдаги асосий манбаи бўлиши билан бирга миллий иқтисодиётларини яқинлашишига олиб келмоқда.

*Қўшилган қиймат солиғи камчиликлари.*

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҚҚСнинг камчилик томонлари кўрина бошлайди, улар фақатгина харидорларгагина эмас, балки ишлаб чиқарувчиларга ҳам таъсир этади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: ҚҚСнинг ҳақиқий тўлаш вақти (моддий бойликлар, хизматлар ва ишларни сотиб олиш вақтида) баъзи ҳолатларда солиққа тортиладиган маҳсулотнинг сотиш вақтидан анча аввал келади. Солиқ ҳисобини юритишда ҳисоблаб ёзиш усулини қўлланилиши вазиятни янада оғирлаштиради. Чунки ҳисоблаб ёзиш усулида товарни сотиш вақти корхона ҳисоб рақамига пул маблағининг келиб тушгани эмас, балки товарнинг омборхонадан ортиб юборилган вақтига тўғри келади, шунинг учун корхона ҳисоб рақамига сотилган товар учун пул маблағи тушишидан қатъий назар ҚҚС суммасини бюджетга тўлаши шарт. Агарда, фараз қилайлик, сотилган товар учун пул маблағлари тушди ҳам дейлик, у ҳолда сотувчи учун ҳисобга киритиладиган ҚҚС суммаси ўзининг қиймати билан аввал тўланган суммага нисбатан анча оз суммани ташкил этади (агарда инфляцияни ҳисобга олсак). Ҳисоблаб ёзиш

усулида корхона ўзининг маблағларини ҚҚСни тўлаш учун йўналтириши ҳисобига айланма пул маблағларидан маҳрум бўлади. Бунда ушбу маблағларнинг чеккада бўлиш вақти корхона ҳисоб рақамига сотилган товар учун пул маблағларининг келиб тушиш вақти билан боғлиқ бўлади.

•Бизнинг республикада ҚҚС базасига фақат қўшилган қийматгина эмас, балки унга умуман даҳли бўлмаган элементлар ҳам киради. Масалан, Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ акциз товарларини республика ҳудудига импорт қилинганда ҚҚС солиққа тортиш базасига тўланган акциз солиғи ва божхона божи ҳам киради. Шундай қилиб, ушбу ҳолатдан икки маротаба эмас, балки уч маротаба солиққа тортиш кўриниб турибди.

•ҚҚСнинг юқори ставкаларининг қўлланилиши аҳолининг сотиб олиш қобилиятини камайтиради ва ишлаб чиқарувчи учун эса товар сотиш бозорини қисқартиради. ҚҚСнинг юқори қийматда белгиланиши эса товар ишлаб чиқарувчи томонидан минимал фойдани режалаштирган тақдирда ҳам, сотиб олувчиларнинг имкониятлари чегараланган бўлганлиги учун товарларни тез ва ўз вақтида сотиш имкониятини бермайди. ҚҚСнинг тартибга солиб турувчи имкониятлари ривожланган бозор иқтисодиёти ва бозор учун хос бўлган рақобатнинг мавжудлигида намоён бўлади.

#### **ҚҚС бўйича асосий тушунчалар: Солиқ тўловчилар, солиқ солиш объекти.**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан қўшилган қиймат солиғи ишлаб чиқарилган товарларни (ишларни, хизматларни), Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган товарларни (ишларни, хизматларни) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бажарилган (кўрсатилган) ишларни (хизматларни) реализация қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратувчилар солиқ тўловчи ҳисобланадилар.

Ўзбекистонда ҚҚСни ҳисоблашда ҳисобга киритиш усули қўлланилганлиги сабабли, солиққа тортиш айланмалари бўйича давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган ҚҚС икки ҚҚСнинг айирмасидан аниқланади. Бунда, биринчиси, сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун келиб тушган қўшимча қиймат солиғи йиғиндилари ва, иккинчидан, сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўланган қўшимча қиймат солиғи йиғиндиларидан иборат бўлган ҚҚСларининг айирмаларидир.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (65-79-моддалар) ва ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 апрелда рўйхатга олинган 1238-сонли Йўриқномасида берилган.

Импорт бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002

йил 15 апрелда рўйхатга олинган 1124-сонли) Йўриқнома ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда рўйхатга олинган 1123-сонли) Йўриқнома билан белгиланади.


**Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари:**

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида *тадбиркорлик фаолиятини юритаётган юридик шахслар солиқ тўловчилар* бўлиб ҳисобланадилар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиққа тортишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахслар (ягона солиқни тўлашга ўтган кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, қатъий солиқ тўловчилар ва ягона ер солиғини тўлашга ўтган қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилари) бундан мустасно.

- *Чет элдан товар (ишлар, хизматлар) импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар.*

**Қўшилган қиймат солиғи солиш объекти:**

- 1) товарлар (хизматлар, ишлар)нинг сотилиши бўйича айланмалар;
- 2) товарларнинг импорти ҳамда ЎзР. ҳудудида бажарилган (кўрсатилган) ишлар (хизматлар) импорти айланмалари.



Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚС ҳисоблаш тартибини кўриб чиқсак, бунда солиққа солиш обороти реализация бўйича айланмалар бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚС ҳисоблаш тартибини қўриб чиқсак, бунда солиққа солиш обороти реализация бўйича айланмалар бўлади.

Товарнинг **реализацияси бўйича айланмалар** деганда, одатда, ўзи ишлаб чиқарган ҳамда четдан сотиб олинган барча товарларга бўлган эгалик ҳуқуқини (товарни сотиш) бошқага бериш тушунилади.

Солиқ солиш мақсадида истеъмол қилишга мўлжалланган ва ўзининг қийматига эга бўлган ҳар бир нарса (товар, маҳсулот, қўчмас мулк, шу жумладан, бинолар ва иншоотлар, шунингдек, электр ва иссиқлик энергияси, газ, сув ва шу кабилар) товар ҳисобланади.

Қонунчиликда «реализация» сўзига аниқ таъриф берилмаганлиги учун, солиққа тортиш мақсадида, реализация деганда барча корхона ҳисобидан чиқарилган мулклар, шу жумладан, бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларига қўйилган мулклар тушунилади.

**Ишларнинг реализациясида** бажарилган қурилиш-монтаж, таъмирлаш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, технологик, лойиҳа-қидирув, реставрация қилиш ва бошқа ишлар қиймати солиққа солиш объекти ҳисобланади.

**Хизматларнинг реализациясидаги айланмаларга** қуйидагилар киради:

• йўловчилар ва юк транспорти, шу жумладан, газ, нефть, нефть маҳсулотлари, электр ва иссиқлик энергиясини ташиш (узатиш)га доир хизматлар, товарларни юклаб жўнатиш, юкни тушириш, қайта юклаш, сақлашга доир хизматлар;

- мол-мулк ва қўчмас мулк объектларини ижарага бериш хизматлари;
- воситачилик хизматлари;
- алоқа, маиший, уй-жой коммунал хизматлар;
- реклама хизматлари;
- маълумотларни қайта ишлаш ва ахборот таъминотига доир хизматлар;
- бошқа хизматлар.

Солиққа тортиладиган айланмаларга (реализациясига тенглаштирилган) қуйидагилар ҳам киради:

• товарлар, ишлар ва хизматларнинг, шу жумладан, ўзи ишлаб чиқарган товарларнинг сотилиши бўйича, корxonанинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, шу жумладан, ўз ходимларига уларнинг истеъмол қилишлари учун корхона ичидаги айланмалар;

• товарлар (ишлар, хизматлар)нинг бошқа корхоналар ёки жисмоний шахсларга, шу жумладан, корхона ходимларига бепул ёки товарнинг ҳақини қисман тўлаб берилишига доир айланмалар;

• гаровдаги буюмларнинг сотилиши, шу жумладан, гаровни тутиб турувчига уларнинг гаров мажбуриятларини таъминламаганидаги берилишига доир айланмалар.

Аввалдан тўланган суммалар (қабул қилиб олинган аванс) солиққа тортиш объектига киритилмайди.

Лотерея билетларини сотишда лотерея ташкилотчилари ҚҚС бўйича алоҳида солиққа тортиш тартибида бўлганликлари учун уларга ҳам солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланмайди.

Бунда корхоналар (қўшилган қиймат солиғи тўловчилар) томонидан лотереялар ташкилотчисига кўрсатиладиган лотерея билетларининг сотилиши (тарқатилиши)га оид хизматлари қўшилган қиймат солиғига умумий белгиланган тартибда тортилади.

#### **Солиқ солинадиган айланмани аниқлаш ва тўғрилаш.**

Реализация бўйича солиқ солинадиган айланма миқдори сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати асосида қўлланиладиган нархлар ва тарифлардан келиб чиқиб, уларга қўшилган қиймат солиғини қўшмасдан аниқланади.

*Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган айланмани аниқлашда акцизлар суммаси ҳам унга киритилади.*

ҚҚС бўйича солиққа тортиш оборотини аниқлаш бўйича бир неча ҳолатларни кўрсак.

**Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг текинга берилишида** солиқ солинадиган айланма миқдори солиқ тўловчида бериш пайтида вужудга келган нархлар даражасидан келиб чиқиб, уларга қўшилган қиймат солиғини қўшмасдан, бироқ бундай товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқарилиши (харид қилиниши) бўйича амалда таркиб топган харажатлардан кам бўлмаган миқдорда аниқланади.

**Товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилишида уларни берувчи корхона солиқ тўловчи ҳисобланади.**

Мисол.

*Текинга 150 минг сўмлик товар берилган.*

*Ушбу суммага 20% ҚҚС ҳисобланади, яъни 30 минг сўм ва бюджетга тўланиши лозим (бунда тегишли бўлган чигирмаларни ҳисобга олиш лозим).*

Асосий воситалар ва номоддий активларни бепул берилишида солиқ солинадиган айланма миқдори, уни берилишда шаклланган нархлар ва қолдиқ қиймати орасидаги фарқ кўринишида аниқланади.

*Шундай қилиб, агарда асосий восита ва номоддий активлар қолдиқ қийматида бепул берилса, солиқ солинадиган айланма бўлмайди.*

*Товарлар (ишлар, хизматлар)ни бепул берилганда ҳам худди сотилгандаги каби ҳисобварақ-фактура ёзилиши шарт.*

Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг амалдаги таннархи (ёки сотиб олиш нархи ва сотиб олиш харажатлари)дан паст нархларда сотилишини амалга оширадиган корхоналар учун солиқ солиш мақсадида корхонада сотиш пайтида қарор топган нархдан, *бирок*:

- товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда - товарлар (ишлар, хизматлар)нинг амалдаги ишлаб чиқариш таннаридан;

- савдо, таъминот-тайёрлаш фаолиятини амалга оширганда - олинган нархи ва товар харид қилинишига боғлиқ харажатлардан паст бўлмаган нарх қабул қилинади.

Мисол.

*Шартномага асосан корхона маҳсулотини ҚҚСни (20 минг сўм) ҳисобга олган ҳолда 120 минг сўмга сотди.*

*Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи 110 минг сўмни ташкил этади, бундай ҳолатда ҚҚС  $110 \times 20\% = 22$  минг сўмга нисбатан ҳисоблаш лозим. Улар орасидаги фарқ  $(22 - 20) = 2$  минг сўм сотиб олувчидан олинмайди, у товарни сотган корхона ҳисобидан қопланади.*

**Иш ҳақини қонунларда белгиланган тартибда товарлар (шу жумладан, ўзи ишлаб чиқарган) билан натура шаклида тўлайдиган ёки уларни ўз ходимларига касса орқали таннархидан паст нархлар бўйича сотадиган корхоналар учун солиқ солинадиган айланма юқорида келтирилган усулда аниқланади.**

Мисол.

*Корхона маҳсулотни ўзининг ишчисига 15 минг сўмдан сотади, ваҳоланки, маҳсулотнинг таннархи 20 минг сўмни ташкил этади. Бундай ҳолатда ҚҚС 20 минг сўмга ҳисобланиб, солиқ суммаси 4 минг сўмни ташкил этади.*

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига биноан 2002 йил 1 апрелдан бошлаб мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотларнинг **иш ҳақини товарлар билан натура шаклида тўлаши таъқиқланган**, бунда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган, ходимларнинг ёзма аризасига кўра шартномавий нархларда бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бундан мустасно.

**Корхона ичида ўзи ишлаб чиқарган, корхонанинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган** товарлар (ишлар, хизматлар)дан фойдаланилишда уларнинг ишлаб чиқаришдаги таннархи солиқ солинадиган айланмани белгилаш учун асос қилиб қабул қилинади.

Мисол.

*Тўқимачилик корхонаси ўз кучи билан тиккан чойшабларни ўзининг соғломлаштириш марказига бермоқда. Агар чойшабнинг таннархи мисол учун 10000 сўмни ташкил этса, ушбу сумма солиққа тортиш обороти ҳисобланади. Чойшабларни соғломлаштириш марказига бериш вақтида корхона ҚҚСни  $20\% \times 10000 = 2000$  сўмни бюджетга ўтказиши лозим. Соғломлаштириш марказида чойшаблар ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 12000 сўмга ҳисобга олинади..*

Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлмаган бундай ҳолатларнинг барчасида ҚҚС ҳисобланади. Бунда оддий мантиқ мавжуд: харидор

томонидан тўланиши лозим бўлган, аммо ҚҚСни ўз ичига олган ва даромад олишга мўлжалланган маҳсулот текинга берилган. Бунда корхона ўзи даромад олишдан кечиб маҳсулотни текинга бериб юбормоқда, аммо давлат бу ерда ўзининг асосий манбаи, яъни қўшимча қиймат солиғини тушишидан маҳрум бўлмоқда. Агарда корхона барча маҳсулотини текинга тарқатган тақдирда ҳам давлат бюджети ютқизиши керак эмас, шунинг учун корхона худди маҳсулотни сотгани каби тўланиши лозим бўлган ҚҚС керакли меъёрда бюджетга ўтказиб бериши шарт.

**қайта ишлов учун берилган хом ашё ва материаллардан** товарларни тайёрлашда уларни ишлаш қиймати (шу жумладан, харажатлар ва фойда), акциз тўланадиган товарлар бўйича эса - акцизни ҳисобга олинган ҳолдаги ишлов бериш қиймати солиқ солинадиган айланма ҳисобланади.

*Мисол.*

*Корхона 350 минг сўмлик давал хом-ашёни (сабзавот ва ҳўл мева) қайта ишлаш учун олган. Уни қайта ишлов бериш нархи 200 минг сўм.*

*Бу ҳолатда хом-ашё корхонанинг хусусий мулки эмас, чунки корхона уни сотиб олгани йўқ, шунинг учун балансдан ташқари ҳисобга олинishi лозим. Солиққа тортиш объекти бўлиб, хом ашёни қайта ишлаш учун кетадиган – 200 минг сўм ва шу сумма учун ҚҚС  $200 \times 20\% = 40$  минг сўм ҳисобланиб, унга ҳисобварақ-фактура ёзилади.*

**Қайтариладиган идишлар**, шу жумладан, гаров қийматига эга шиша идишлар қиймати солиқ солинадиган айланмага киритилмайди, бундай идишларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотилиши бундан мустасно.

**Узоқ давом этадиган ишлаб чиқариш циклига эга корхоналар** (қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ташкилотлар) учун *бажарилган ва буюртмачи тасдиқлаган*, шартномавий нархлар асосида уларнинг ишлар (хизматлар)ни бажариш жараёнида бутловчи қисмларга нархларнинг, транспорт ва бошқа турдаги хизматларга тарифларнинг ошиши (пасайиши) туфайли юз берган ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўлаш учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган ишлар (хизматлар) қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

*Яъни агарда пудратчи буюрмачининг материалларидан қурилишда фойдаланса, у ҳолда пудратчида - материаллар сотиб олинган ва буюрмачида- ҳисобдан (реализация) чиқарилган деб кўрсатилади.*

Қурилиш ишларини пудратчи ёки ёрдамчи пудратчи ташкилотлар бажарганида унга қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб ёзиш билан берилган (сотилган) пудратчи (ёрдамчи пудратчи) материалларининг ва буюртмачи материалларининг қиймати киритилган ҳолда бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади. Бунда моддий ресурслар бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга киритилади, агарда



пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ушбу солиқ тўловчилари бўлсалар.

Пудратчи ташкилотлар ёрдамчи пудратчи ташкилотларга моддий-техника ресурсларини (қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур материаллар, конструкциялар, буюмлар, намунавий асбоб-ускуналар, аппаратуралар, стандартлаштирилмаган технологик ва энергетик асбоб-ускуналар, шу жумладан махсус материалларни) бир объект қурилиши доирасида сотганида, уларга қўшилган қиймат солиғини киритмасдан, қўлланадиган нарх ва тарифлардан келиб чиққан ҳолда сотиладиган моддий-техника ресурсларининг қиймати солиқ солинадиган айланма ҳисобланади.

Марказлаштирилган манбалар (бюджет пул маблағлари ва ҳукумат қарорлари билан белгиланадиган бошқа манбалар) ҳисобидан молияланадиган объектларни “батамом битказиш” усулида қуриш чоғида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича харажатлар объект фойдаланишга топширилишига қадар пудратчининг балансида қайд этилади ва пудратчида қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган айланмага киритилмайди. *Яъни бундай ҳолатларда қурилиш бўйича бутун иш ҳажми тугумагунга қадар оралиқ далолатномалари тузилмайди ва тугалланмаган қурилишнинг харажатлардаги ҚҚС бўйича айланма оборотларини эса пудратчи ўзининг ҳисобига қурилиш якунигача кирита олмайди.*

Тугалланмаган қурилиш бўйича харажатлар пудратчида объектни лойиҳада назарда тутилган ишларнинг барча ҳажмини бажариш (шу жумладан махсус ва ишга тушириш-созлаш ишлари, объектни технологик ва муҳандислик ускуналари билан бутлаш) бўйича фойдаланишга топшириш далолатномасига кўра қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган айланмага киритилиши керак.

Бунда, пудратчида тугалланмаган қурилиш харажатлари бўйича ҳисобга киритиладиган қўшилган қиймат солиғининг суммаси бўлиб, ушбу харажатлар солиқ солинадиган айланмага киритилиши чоғида, олинган ҳисобварақ-фактуралар бўйича солиқ суммаси ҳисобланади.

*Ўз эҳтиёжлари учун ўзининг кучи билан бажарилган қурилиш-монтаж ишларига қўшилган қиймат солиғи солинмайди. Моддий ресурслар, ёқилғи, бажарилган ишларга доир қўшилган қиймат солиғи суммаси объектнинг қурилишига олиб бориш ҳисобига чиқарилади.*

**Товарларини тайёрловчи, сақловчи-сотувчи ва бошқа олди-сотди билан шуғулланувчи корхоналар** (қўшилган қиймат солиғи тўловчиси ҳисобланувчи), нархлар ўртасидаги фарқ, устамалар ва қўшимча ҳақлар шаклида даромад олувчи тайёрлаш, таъминот-сотиш ва бошқа корхоналар учун солиқ солинувчи айланма миқдори харидорларга сотиладиган товарлар қиймати асосида, уларга қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда қўлланадиган нархлардан келиб чиқиб аниқланади.

*Мисол.*

*Масалан, ҚҚС тўловчи корхона консерва маҳсулотларини (ҚҚС ҳисобга*

олмаган ҳолда 50 минг сўм) олди -сотди билан шугулланади ва сотишида (65 минг сўм) нархга сотади. У ҳолда солиққа тортиладиган оборот  $20\% \times 65,0 = 13$  минг сўмни ташкил этади, бунда маҳсулотни сотиш нархи ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 78 минг сўм (65+13).

Товарларни консигнация шартномалари бўйича сотувчи ташкилотлар учун солиққа тортилувчи оборот миқдори харидорларга сотиладиган товарлар қиймати асосида уларга қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда қўлланадиган нархлардан келиб чиқиб белгиланади.

Яъни консигнация шартномалари асосида сотиш учун олинган товарларнинг айланма оборотлари товарларни сотиб олувчилар учун сотилган нарх асосида корхона худди ўзининг товарларини сотгандаги каби аниқланади.

Молия Вазирлигининг 1999 йил 21 январ 607-сонли хатига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларига биноан консигнация шартномаси – бу консигнант ва консигнатор ўртасидаги шартнома бўлиб, консигнант сифатида юридик ёки жисмоний шахс бўлиши мумкин, у ўз вақтида консигнаторга товарларни сотишни ташкил этиш бўйича топшириқ беради, бунда товарга бўлган эгалик ҳуқуқи консигнантда қолади. Консигнатор сифатида юридик ёки жисмоний шахс бўлиши мумкин, у маълум бир рағбатлантириш учун ўзига товарни сотиш бўйича мажбуриятни олади. Яъни консигнация шартномаси воситачилик шартномасининг хусусий бир шакли бўлиб, ундан фарқ қиладиган томони, консигнация товари - бу консигнатор томонидан **импорт бўйича** олинган товар бўлади.

**Товарларни воситачилик шартномалари бўйича сотадиган воситачилик ташкилотлари учун солиқ солинадиган оборот миқдори воситачилик учун рағбатлантириш ҳақи суммаси асосида** белгиланади.

*Мисол.*

Воситачилик корхонаси таъминотчи корхона билан шартнома тузиб, унинг маҳсулотини сотиб олувчини излайди. Бунинг учун таъминотчи корхона воситачи корхонага 240 минг сўм воситачилик учун тақдирловчи маблағ тўлайди.

ҚҚС тўловчи учун солиқ суммаси ушбу сумманинг ичида ўтиради, шунинг учун  $ҚҚС = 240/120 \times 20\% = 40$  минг сўмни ташкил этади.

**Банклар учун** назарда тутилган имтиёзлар (куйида келтирилган) бериладиганларидан ташқари, хизматлар қиймати солиқ солинадиган оборот ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғи суммасининг ҳисобга киритилиши кўзда тутилмаган **асосий воситалар ва номоддий активларнинг** сотилиши чоғида солиқ солинадиган айланма миқдори сотиш баҳоси билан қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқ кўринишида белгиланади.

*Мисол.*

Корхона қолдиқ суммаси 40 минг сўм бўлган станокни 100 минг сўмга

сотди. У ҳолда улар орасидаги фарқ  $(100 - 40) = 60$  минг сўм ўз ичига ҚҚСни олади. Бунда  $ҚҚС = 60/120 \% \times 20 \% = 10$  минг сўм.

Бу ерда шуни эслатиш лозимки, корхона асосий воситалар ва номоддий активларни қолдиқ қийматида ёки ундан паст нархда сотса, у ҳолда солиққа тортиш объекти мавжуд бўлмайди, шунинг учун солиқ ҳисобланмайди ва бюджетга ҳам тўланмайди.

Аммо, асосий воситанинг қолдиқ қиймати мавжуд бўлмаса, яъни тўлиқлайин амортизация қилинган ҳолат бўлса ва улар текинга баҳоланган нархда берилса, у ҳолда ушбу суммага (баҳоланган нарх) ҚҚС ҳисобланади.

Агарда битта системага кирувчи корхоналар (мустақил балансга эга бўлса) юқори ташкилотнинг буйруғига асосан бир-бирларига асосий воситалар текинга беришса, у ҳолда бундай оборотга ҚҚС ҳисобланмайди.

Асосий воситаларни ҳар хил вариантдаги сотилиш ҳолатларини кўриб чиқамиз:

1) агар асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисоботда ҚҚС ҳисобга олиниб акс эттирилишича 120,0 минг сўмни, эскириш - 50,0 минг сўмни, қолдиқ қиймати 70,0 минг сўмни  $(120,0 - 50,0)$  ва сотиш нархи - 200,0 минг сўмни ташкил этса, солиқ солинадиган айланма миқдори  $(200,0 - 70,0) = 130,0$  минг сўмни ташкил этади. ҚҚС суммаси эса  $(130 \times 20 : 120) = 21,66$  минг сўмни ташкил этади, у бюджетга тўланиши лозим;

2) агар асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисоботда ҚҚС ҳисобга олиниб акс эттирилишича 120,0 минг сўмни, эскириш - 50,0 минг сўмни, қолдиқ қиймати 70,0 минг сўмни  $(120,0 - 50,0)$  ва сотиш нархи - 70,0 минг сўмни ташкил этса, солиқ солинадиган айланма миқдори  $(70,0 - 70,0) = 00,0$  минг сўмни ташкил этади. ҚҚС суммаси ҳам  $(00,0 \times 20 : 120) = 00,0$  минг сўмни ташкил этади, яъни солиқ солинадиган айланма йўқ;

3) агар асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисоботда ҚҚС ҳисобга олиниб акс эттирилишича 120,0 минг сўмни, эскириш - 50,0 минг сўмни, қолдиқ қиймати 70,0 минг сўмни  $(120,0 - 50,0)$  ва сотиш нархи - 50,0 минг сўмни ташкил этса, унда бу мисолда ҳам солиқ солинадиган айланма йўқ, чунки сотиш нархи қолдиқ қийматидан кам.

Займларни ҚҚСга тортиш саволига алоҳида тўхталиб ўтсак. Молия Вазирлиги (№04-02-05/1698) ва ДСҚнинг(№98-3) 1998 йил 24 мартдаги биргаликдаги «Займларни қўшилган қиймат солиғига тортиш ҳақида»ги хатига мурожаат қилсак, ваҳоланки хат Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтмаган бўлса ҳам.

«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ займ сифатида пул маблағлари ёки оилавий қимматбаҳо буюмлар берилиши мумкин.

Томонлар займ сифатида қандай буюм ишлатишлигига қараб, пул маблағларини ҳисобини юритиш ҳисобварақларида (5010, 5110, 5210), ёки қимматбаҳо товар-моддий бойликларини ҳисобини юритиш ҳисобварақларда (0100, 1000, 2900 ва бошқалар) юритилади.

Буюмни займ сифатида бериш бу займ эгасининг балансидан буюм ёки пул маблағларини чиқариб ташлаб, уни займ олувчининг тегишли ҳисобварақларига кирим қилиш билан боғлиқ. Займ қайтарилганда эса займ берувчининг балансига аввал у томонидан берилган худди ўша буюм ёки пул маблағлари эмас, балки бошқа, қиймат жиҳатдан тенг ёки сифат жиҳатдан бир хил мулк берилиши мумкин.

Қўшилган қиймат солиғининг солиқ солиш объектига сотув ҳисобварақларида кўрсатиладиган товарлар (хизматлар, ишлар)нинг сотилиши натижасида тушган тушум эканлигини ҳисобга олсак, у ҳолда займни пул маблағи кўринишида берилганда займ берувчида ҳамда займ олувчида ҚҚС бўйича солиқ солиш объекти бўлмайди.

Займ бериш шартномасининг муддати даврида бериладиган фоизлар «Даромадлар ва зарарлар» ҳисобварақда (ҳозирги кунда «фоиз кўринишидаги даромадлар» ҳисобварақда) юритилади ва у реализациядан ташқари операциялар кўринишидаги даромад бўлиб, даромад (фойда) солиғининг солиқ солиш объектига киради.

Агарда займ шартномаси буюм кўринишида бўлса, у ҳолда буюмни займга беришда эгалик ҳуқуқи займ олувчига ўтади ва бундай операция учун бухгалтерия ҳисобида займ берувчининг балансидан ушбу буюм учириб ташланиб, займ олувчининг балансидан акс эттирилади.

Қўшилган қиймат солиғининг солиқ солиш объектига сотув ҳисобварақларида кўрсатиладиган товарлар (хизматлар, ишлар)нинг сотилиши натижасида тушган тушум эканлигини ҳисобга олсак, у ҳолда займни буюм кўринишида берилганда займ берувчида ҳамда займ олувчида ҚҚС бўйича солиқ солиш объекти бўлади».

*Шундай қилиб, юқорида келтирилган хатга мувофиқ, займни буюм (товар-моддий бойлик) кўринишида берилганда ҳам ҳамда займни қайтариб олинганда ҳам займ берувчи ва займ олувчиларда ҚҚС солиқ солиш объекти пайдо бўлади.*

*Агарда бу займ бериш ва қайтариб олиш ҳолатларини биргаликда кўрадиган бўлсак, солиқ тўловчига ҚҚС бўйича ҳеч қандай оғирлик юкланмайди, чунки аввал у солиқ суммасини бюджетга тўлайди, займ қайтариб берилганда эса – худди шу суммани ҳисобга киритади (займ олувчида ҳам худди шунинг ўзи, аммо бошқача кетма-кетликда, яъни унинг тескариси).*

**Қуйидагилар солиқ солинадиган айланма миқдорига киритилмайди:**

1. Корхонанинг бир таркибий бирликлари томонидан ушбу корхона бошқа таркибий бирликларининг саноат-ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сотилган маҳсулотлар, ярим тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва хизматларга доир айланмалар. *Бу ерда ички ишлаб чиқариш айланмаси амалга оширилиб, тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) корхона ташқарисига чиқмайди, корхона ичида охириги ишлов берилгунга қадар фойдаланилади ва*

шундан сўнг харидорга сотилади. Масалан, тўқимачилик комбинати ишдан газлама ишлаб чиқаради ва ундан сўнг ранг берувчи цехга юборилади. Корхонада тикув машиналари мавжуд бўлиб, унда бўялган газламадан тайёр маҳсулот тикилади. Бунда газламани тикув цехига берилганда ҚҚС ҳисобланмайди, чунки маҳсулотга охирги ишлов берилмаган. ҚҚСни тайёр маҳсулотни сотувга олиб чиқилган ҳолатда ҳисоблаш лозим.

Агарда газлама тикув цехига берилмасдан, сотувга чиқарилганда, ҚҚС умумий белгиланган тартибда ҳисобланган бўлар эди.

Бунда корхонанинг таркибий бирликлари деганда банк муассасасида ҳисоб-рақамга эга бўлмаган, шунингдек асосий корхона балансида турадиган таркибий бирликлар тушунилади.

Агарда юқорида келтирилган каби операциялар алоҳида балансга ва ҳисоб-рақамга эга бўлган бўлинмалар (филиаллар) билан амалга оширилса, у ҳолда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш лозим, чунки бундай бўлинмалар солиққа тортиш мақсадида алоҳида юридик шахс ҳисобланади ва мустақил солиқ тўловчи деб қаралади.

2) Корхона тугатилганида унинг мол-мулки таъсисчилар (хўжалик юритувчи ва ўртоқчилик жамияти аъзолари) ўртасида тақсимланиши бўйича айланмалар.

Мабодо тугатилган корхона мол-мулки бошқа шахсларга сотиладиган бўлса, бу қоида унга тегишли бўлмайди.

Агарда корхонанинг мол-мулки унинг таъсисчилари орасида тақсимланса, бу мол-мулкни сотишга кирмайди ва бунга ҚҚС ҳисобланмайди. Агарда биронта таъсисчи мол-мулкни тақсимланиши даврида сотишни хоҳласа ва унинг ўрнига пул маблағи олса, унда бу оддий мол-мулкни сотишга киради ва бундай ҳолатларда ҚҚС бўйича солиққа тортиш базаси ҳосил бўлади.

3) Асосий воситалар ва номоддий активларни корхона устав жамғармасига улуш сифатида берилиши бўйича айланмалар (МВ ва ДСК Қарори, АВ 12.10.2004 й. 1238-сон билан рўйхатга олинган).

### **Солиқ солинадиган айланманинг тўғрилаш.**

Харидорлар ҳисоб-китоб ва йўлда юриш ҳужжатлари ҳақини тўлаганларидан сўнг товарларни қайтарган, шунингдек буюртмачилар илгари ҳақи тўланган ишлар ёки хизматлардан воз кечган тақдирда, **даъво қилишнинг бир йиллик муддатига риоя қилингани ҳолда** товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш бўйича айланмаларга шундай операциялар бўйича **қўшилган қиймат солиғи суммаси миқдоридан ўзгариш киритилади.**

Агар кафолатли хизмат муддати белгиланган товарлар ушбу муддат доирасида уларни тайёрлаган корхонага қайтарилса, бундай товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга олиниши ёки қайтарилиши харидорларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатларига **дастлабки ҳақ тўлаши ва солиқнинг бюджетга тушиш муддатидан қатъи назар амалга оширилади.**

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи (сотувчи) аввал ишлаб чиқарилган товар учун харидорга белгиланган тартибда ҳисобварақ-фактура берганлигини ҳисобга олсак, товарни қайтариб олиб келинганда маҳсулот ишлаб чиқарувчи (сотувчи) белгиланган ҳужжатларга (таққослаш далолатномаси, юк қоғози) асосланган ҳолда қуйидагиларни амалга оширади:

- товар тўлиқ қайтариб олинса – аввал тақдим этилган ҳисобварақ-фактура бекор қилинади;

- қисман қайтарилса – аввал тақдим этилган ҳисобварақ-фактура ўрнига (бунда аввалги ҳисобварақ-фактура бекор қилинади) харидорга янги ҳисобварақ-фактура тақдим этилади. Ушбу ҳисобварақ-фактура солиқ айланмасини ўзгартиришга асос бўлади.

Янги ҳисобварақ-фактура ишлаб чиқарувчи (сотувчи) учун тўланган ҚҚСни товар (ишлар, хизматлар) сотиш бўйича солиқ айланмасини ўзгартиришга, харидор учун эса (агар ҚҚС тўловчиси бўлса) ҳисобга киритилган ҚҚСни - ўзгартиришга асос бўлади.

Ҳисобга киритилган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзгартириш ушбу ҳолат содир этилган солиқ даври учун амалга оширилади.

### **ҚҚС бўйича имтиёзлар**

Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар кўп бўлиб, уларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

- молиявий хизмат кўрсатишлар (пул маблағлари билан операциялар, чет эл валютасини айлантириш, ссуда бериш ва ҳ.к.) билан боғлиқ бўлган имтиёзлар;

- ижтимоий йўналишдаги имтиёзлар, буларга кўпгина гуруҳдаги имтиёзлар (маориф, медицина, физкультура ва спорт, болаларни мактабгача бўлган муассасаларда ва дам олиш лагерларида сақлаш, ногиронлар учун асбоб-ускуна ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатиш, аҳолига уй-жой коммунал ва эксплуатация хизматлари, шахсий уй-жой қуриш учун қурилиш материаллари, диний ташкилотларнинг хизматлари, шаҳар транспорти хизматлари ва бошқалар) киради;

- бож, йиғимлар ва лицензия тўловлари ундириладиган хизматлар бўйича имтиёзлар;

- давлат томонидан катта аҳамиятга эга бўлган йўналишлар бўйича фаолият ва соҳа турларига (илмий-текшириш ва инновацион ишлар, давлат мулкани хусусийлаштириш, лизинг, гастрол-концерт фаолияти ва ҳ.к.лар) берилган имтиёзлар;

- бошқа имтиёзлар.

Қўшилган қиймат солиғидан қуйидагилар озод қилинади:

- 1) *сугурта қилиш ва қайта сугурта қилишга доир операциялар, шу жумладан сугурта бўйича воситачилар ва агентлар амалга оширадиган бундай операциялар билан боғлиқ хизматлар;*

- 2) *ссудаларни бериш ва ўтказиш бўйича операциялар;*

Ссудаларни бериш ва ўтказишга (узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредит) банк миждозлари хужжатларини тайёрлаш (ТИАни тайёрлаш учун шартнома бўлмаган ҳолда), кредитни расмийлаштириш учун хужжатлар пакетини кўриб чиқиш (аризани кўриб чиқиш, кредитни тўлай олиш қобилиятини баҳолаш, кредитнинг баҳосини (фоизини) аниқлаш, кредит шартномасини тайёрлаш ва тузиш), ссуда ҳисобварағи ва кредит линиясини очиш, кредитга (кредитлашга) хизмат кўрсатиш, ссудаларнинг мақсадли ижро этилишини назорат қилиш киради;

*3) пул омонатлари, жорий ҳисобварақлар, тўловлар, ўтказмалар, чеклар ва бошқа қимматли қоғозларга тегишли операциялар.*

Пул омонатларига дахлдор операцияларга жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобварақларига ўтказиш, қўйилмалардан қўйилмаларга суммаларни ўтказиш ва уларни расмийлаштириш; Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ўтказиш киради.

Жорий ҳисобварақларга дахлдор операцияларга банк ҳисобварақларини очиш, миждознинг аризаси бўйича ҳисобварақлар тартибини ўзгартириш ва ҳисобварақларни қайта расмийлаштириш: сақлаш, ҳисобварақларга пул ўтказиш ва ҳисобварақлардан пул бериш бўйича операциялар, қабул қилиш, қайта ҳисоблаш бўйича операциялар, ҳисобварақларни ёпиш, миждознинг талабига кўра жорий ҳисобварақлар бўйича операцияларни амалга ошириш ва ҳисобварақнинг ҳолати тўғрисида кўчирма-маълумотномалар бериш киради.

Тўловлар, ўтказмалар, чеклар ва бошқа қимматли қоғозларга дахлдор операцияларга инкассони ижро этиш, ўтказмалар, корреспондент банкка инкассога қўйилган хужжатларни юбориш ёки қайтариш, экспорт қилинадиган хужжатлаштирилган инкассо бўйича хужжатларни қабул қилиш, текшириш ва жўнатиш, инкассо топшириғи шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш, тўловдан озод бўлган хужжатларни бериш, хужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича операциялар, кафолатли-акцептли операциялар, чеклар билан операциялар (нақд пулни чет эл банклари чекларига алмаштириш ва аксинча, топшириқ бўйича чеклар инкассоси, чекларни жорий ҳисобвараққа киритиш, сўмли чекли дафтарчаларга хизмат кўрсатиш (берилган чек дафтарчасини ҳисобга қўйиш реализация ҳисобланмайди, балки миждознинг жорий ҳисобварақларидан чеклар ёрдамида миждоз томонидан нақд пул олиш учун тўловларни ўтказиш бўйича тўлов бўлиб ҳисобланади) киради;

*4) хорижий валюта ва қонуний тўлов воситалари бўлган пуллар муомаласига тааллуқли операциялар, нумизматик мақсадларда фойдаланиладиганларидан ташқари.*

Қонуний тўлов воситаси ҳисобланган чет эл валютасининг муомаласига тааллуқли бўлган операцияларга қонуний тўлов воситаси ҳисобланган нақд чет эл валютаси билан операциялар (валютани қабул қилиш, бериш, алмаштириш, сотиб олиш, майдалаш, эскирган валютани инкассо қилиш,

нақд валютани олиб чиқиб кетишга рухсат бериш), чет эл валюталари билан конверсион операциялар, ушбу операцияларни ва валюта курсларини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатларни бериш билан бирга, экспорт-импорт шартномаларини ҳисобга олиш ва хизмат кўрсатиш операциялари (шартноманинг тўғри расмийлаштирилганлигини ва уни шартнома бўйича тўловларни ўтказиш учун ҳисобга қўйилганлигини текшириш; корхоналарнинг ҳисобварақларига тушумларнинг ўз вақтида тўлиқ тушишларини назорат қилиш, валюта тушумларини шартнома бўйича мажбурий сотилишини амалга ошириш; шериклар томонидан мажбуриятлар тўлиқ бажарилганда ҳисобдан чиқариш); SWIFT, TELEKS, REUTER махсус телекоммуникацион банк тизимлари орқали тўловлар ва ўтказишлар амалга ошириладиган операциялар; қоплаш шarti билан ўтказиладиган кафолатли операциялар (кафолатларни авизо қилиш ва бериш, кўрсатилган суммадан бериш ва кафолатларни тасдиқлаш, кафолатлаш шартларини ўзгартириш, сўровларни тайёрлаш ва банкларга жўнатиш); кредит карточкалари (VISA, IAPA, Priorite Pass ва ҳ.к.) бўйича тўлов ўтказишларга хизмат кўрсатиш (пул маблағларини чиқариш, алмаштириш, ҳисобга киритиш, ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш) киради.

Қонуний тўлов воситаси бўлган пул муомаласига тааллуқли бўлган операцияларга қонуний тўлов воситаси бўлган, пул маблағларига мулк ҳуқуқини алмаштиришга олиб келувчи нақд пул ҳажми билан, жумладан пулдан тўлов сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган операциялар киради.

*Инкассацияга доир хизматлар пуллар муомаласига тааллуқли операцияларга кирмайди;*

*5) қимматли қоғозлар муомаласига тегишли операциялар, уларнинг тайёрланиши ва сақланишига доир операциялардан таиқари.*

Қимматли қоғозлар муомаласига тегишли операциялар деганда қимматли қоғозларнинг олди-сотдисига тегишли операциялар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган, қимматли қоғозлар эгасининг алмашинишига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар тушунилади;

*б) махсус ваколат берилган органлар томонидан бажариладиган ва давлат божси, йиғимлар ундириладиган хатти-ҳаракатлар.*

Мазкур имтиёз лицензия (рухсатнома), рўйхатдан ўтказиш ва патентларга оид божлар ва йиғимларнинг ҳамма турларига, шунингдек, давлат бошқарув органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, бошқа ваколатли органлар юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқларни беришда ундирадиган божлар ва йиғимларга нисбатан қўлланилади;

*7) болаларнинг мактабгача тарбия муассасаларида сақланиши, касаллар ва қарияларни парвариш қилишга доир хизматлар;*

*8) дафн қилиш бюрolari ва қабристонларнинг маросим хизматлари;*

*9) интеллектуал мулк объектларини харид қилиш ҳуқуқи учун патент божлари, рўйхат йиғимлари ва рухсатнома тўловлари;*



10) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқариш ва ногиронларга ортопедик протез қўйиш хизматларини кўрсатишга ихтисослашган корхоналарнинг маҳсулотлари, даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари маҳсулотлари;

11) почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркаланган откриткалар ва конвертларнинг сотилиши;

12) алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақаларни тўлаш бўйича хизматлари;

13) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги Фан ва технологиялар марказининг илмий-техника дастурлари доирасида давлат контрактлари бўйича бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари.

Мазкур имтиёзни олиш учун асос бўлиб давлат буюртмалари бўйича ИТТМК қошидаги Фан ва технологиялар марказининг (ИТД) илмий-техника дастурлари доирасидаги илмий-тадқиқот, конструкторлик-технологик ва инновация ишларини (ИТТКИ) бажариш;

- ИТТМК қошидаги Фан ва технологиялар маркази билан вазирликлар ва идоралар тузган фундаментал тадқиқотлар дастурлари (ФТД), давлат илмий-техник дастурлари (ДИТД), инновация ишлари дастурлари (ИИД), халқаро (давлатлараро) илмий-техник дастурлари (ХИТД)ни бажариш;

- ИТТМК қошидаги Фан ва технологиялар маркази билан аниқ лойиҳа ижрочилар тузган фундаментал (ФТД), амалий тадқиқот (ДИТД), инновация ишлари дастури (ИИД), халқаро (давлатлараро) илмий-техник дастурлари (ХИТД) доирасида бажариладиган контракти ҳисобланади.

Бунда ИТД, ФТД, ДИТД, ИИД, ХИТД бўйича ИТТКИ ижрочилари учун вазирликлар, идоралар ва ижрочилар ўртасидаги ИТТМК қошидаги Фан ва технологиялар марказининг вазирликлар ва идоралар билан ушбу дастурлар бўйича тузган контракти доирасида тузилган контракт (шартнома) юқорида кўрсатилган имтиёзни олиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

ИТД, ФТД, ДИТД, ИИД, ХИТД дастурлари бўйича қўшимча ижрочилар ИТТМК қошидаги Фан ва технологиялар марказининг хулосасини олганидан сўнг қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилинади;

14) шаҳар йўловчи транспортининг хизматлари (такси, шу жумладан йўналишлар оралигида қатнайдиган таксидан ташқари), шунингдек умумий йўналишдаги темир йўл ва автомобиль транспортида (такси, шу жумладан йўналишлар оралигида қатнайдиган таксидан ташқари) шаҳар атрофида йўловчиларни ташишга доир хизматлар.

Мазкур имтиёз шаҳар йўловчи транспортининг йўловчиларни ташиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртманомалари бўйича ишчи ва хизматчиларни ишдан ва ишга ташиш билан, турли тадбирларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ кўрсатилган хизматлари бўйича, шу жумладан,

йўловчиларнинг умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида шаҳар атрофи йўналишларида ташишлар бўйича хизматлар кўрсатилишидан олинган даромадлар бўйича берилади;

*15) аҳолига кўрсатиладиган уй-жой-коммунал ва фойдаланишга доир хизматлар.*

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган уй-жой-коммунал хизматларга водопровод-канализация, иссиқлик, газ, электр энергетика хўжаликлари, санитария-тозалаш, лифт хўжаликлари, умумий фойдаланишдаги антенналарни ўрнатиш ва фойдаланишга доир хўжаликлар, техник рўйхатдан ўтказиш бюрларининг уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни сақлаб туришга доир бевосита аҳоли томонидан ҳақи тўланадиган хизматлари киради.

Мазкур имтиёз, шунингдек, аҳоли номидан иш юритадиган ва юқорида санаб ўтилган хўжаликлар билан уларнинг аҳолига кўрсатган хизматлари учун ҳисоб-китобларни амалга оширадиган уй-жойлардан фойдаланиш бошқармалари (УФБ) ёки ширкатларга ҳам тегишли бўлади;

*16) халқ таълими соҳасидаги ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ хизматлар, шунингдек олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги таълим учун ҳақ.*

Халқ таълими соҳасидаги ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ хизматлар деганда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг таълим бериш фаолияти соҳасида кўрсатадиган хизматлари тушунилади.

Таълим муассасалари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширганида, шу жумладан, мол-мулкни ижарага берганда, сотиб олган асбоб-ускуналар, товарларни сотиш, воситачилик ва бошқа хизматлар билан шуғулланганда қўшилган қиймат солиғи умумий белгиланган тартибда тўланади;

*17) сақлаш билан шуғулланувчи ваколатли давлат органига қимматбаҳо металлларни сотишдан олинган айланмалари;*

*18) диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг удум ва маросимларни ўтказишга доир тадбирлари.*

Кўрсатилган бирлашмаларнинг маросимлар учун ва диний мақсаддаги буюмларни тайёрлаши ва сотиши ҳам қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади;

*19) тиббий, санаторий-курорт ва соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари, болалар дам олиш лагерларининг асосий фаолиятига доир хизматлари.*

**Тиббий хизматларга** соғлиқни сақлаш муассасалари, стоматология, гомеопатия поликлиникалари, косметология шифохоналари, тиш-протез қўйиш бўлимлари ва кабинетлари, наркология амбулаториялари, ҳайдовчиларнинг тиббий комиссиялари, дезинфекция станциялари, санитария-эпидемияларга қарши йўналишдаги лаборатория ва бўлинмалари ҳамда бошқа тиббий-санитария йўналишдаги муассасалар кўрсатадиган тиббий ёрдам ва санитария хизмати **киради**.

Ветеринария хизматлари тиббий хизматларга кирмайди.

**Санаторий-курорт ва соғломлаштириш хизматларига** санаторий-курорт ва соғломлаштириш ташкилотларининг йўлланмалар (курсовка) қийматига қўшиладиган хизматлари **киради**.

Санаторий-курорт ва соғломлаштириш ташкилотларининг дам олувчиларга кўрсатадиган йўлланмалар (курсовка) қийматидан ортиқ бўлган хизматларига ҳам қўшилган қиймат солиғи солинмайди.

**Туристик-экскурсия хизматларига** туристик-экскурсия ташкилотларининг, туристик хизматлар кўрсатишда йўлланма (ваучер) қийматига қўшиладиган, тур таркибига кирадиган ва ҳақиқатда кўрсатилганини тасдиқлайдиган хизматлар мажмуи **киради**.

Туристик хизматлар мажмуига "Туристик хизматларни тақдим этиш шартномаси"да белгилангандек, транспорт хизмати кўрсатиш, яшаш, овқатланиш хизматлари, экскурсия хизмати кўрсатиш, маданий, жисмоний дастур ва бошқа хизматларни ташкиллаштиришни ўз ичига олади.

Мазкур имтиёз ушбу ташкилотлардан туристларга қўшимча хизматлар кўрсатилганда, шартномада белгилангандек ортиқча туристик-экскурсия хизматларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Мазкур имтиёз туристик-экскурсия фаолияти билан боғлиқ бўлмаган пуллик хизматларга тегишли бўлмайди.

**Жисмоний тарбия ва спорт муассасалари хизматларига** спорт иншоотларида ўтказиладиган мусобақалар, байрамлар, спорт-томоша тадбирлари, тақвимий ва матчлардаги учрашувлар, спорт турлари бўйича ўқув гуруҳлари ва командалар, мактаблар, соғломлаштириш, умумий жисмоний тайёргарлик, саломатлик, чиниқиш, сузиш, соғломлаштирувчи югуриш ва юриш йўналишига эга, атлетика, ритмик ва даволаниш гимнастикаси ва шу каби клубларда бажариладиган жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказиш, спорт иншоотларига тащриф буюрувчиларга тақдим қилинадиган, патталар (абонементлар) қийматида назарда тутилган спорт-техника ускуналари, тренажерлар, инвентарь, кийим-бошларни беришга доир ва бошқа хизматлар **киради**;

*20) хусусийлаштириладиган давлат мол-мулки қиймати;*

*21) гидрометеорология ва аэрология ишлари;*

*22) геология ва топография ишлари;*

*23) наشريётлар, газета ва журналлар тахририятлари, матбаа ва китоб савдоси корхоналари, телерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятга доир маҳсулотлари ва хизматлари.*

Нашриётлар, газета ва журналлар тахририятлари ва матбаа корхоналарининг асосий фаолиятига босма маҳсулотлар (китоблар, газеталар, журналлар, маълумот берувчи тўпламлар, рисоалар, альбомлар, плакатлар, буклетлар, открыткалар, дафтарлар, расм ва чизмачилик дафтарлари, бланклар ва бошқа босма маҳсулотлар)ни тайёрлаш ва нашр

қилиш, макетлаш, компьютер графикаси, саҳифалаш, оригинал макетларни тайёрлаш, нашрларга реклама мурожаатларини қабул қилиш, расмийлаштириш ва жойлаштириш, рангасвирлаштириш, юридик ва жисмоний шахсларни ахборот билан таъминлаш, уни йиғиш ва қайта ишлаш, матнларни таржима қилиш бўйича ишлар, магнитли ва қоғозли ташувчиларда, почта тизими ва Интернет воситасида сотиш билан боғлиқ фаолиятлар, шунингдек қонунларда кўзда тутилган бошқа турдаги матбаа корхоналари киритилади.

Бунда, агар маълум бир фаолият (рекламани қабул қилиш, ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва сотиш) босма маҳсулотни тайёрлаш, нашр қилиш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлмаган алоҳида ва узил-кесил ишлар кўринишида амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда мазкур фаолиятдан олинган даромадларга нисбатан қўшилган қиймат солиғи юзасидан бериладиган имтиёзлар қўлланилмайди (масалан, рекламанинг телевидение, ташқи воситалар ва ҳоказоларда унинг жойлаштирилиши учун қабул қилиниши).

Нашриётлар, газета ва журналлар таҳририятлари, матбаа корхоналарининг асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган фаолияти (мол-мулкнинг ижарага берилиши, олди-сотди, воситачилик ва бошқалар) умумий белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғига тортилиши лозим.

Нашриётлар, газета ва журналлар таҳририятлари, матбаа корхоналари улар томонидан асосий фаолиятнинг амалга оширилиши чоғида амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда тегишли рўйхатдан ўтказилишлари ва/ёки қонунчиликда кўзда тутилган лицензияга эга бўлишлари шарт.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фаолиятни амалга оширувчи, бироқ нашриётлар, газета ва журналлар таҳририятлари, матбаа корхоналари бўлиб ҳисобланмайдиган корхоналарга нисбатан қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз қўлланилмайди;

*24) ваколатли давлат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган экологик экспертиза хизматлари;*

*25) давлат тилини ўқитишга ва давлат тилида иш юритишни ўргатишга оид хизматлар;*

*26) экспорт қилинадиган товарларни, ташиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш бўйича хизматлар.*

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига экспорт қилинадиган юкларни ташиш ва хизмат кўрсатишга доир хизматларга бундай юклар учун халқаро ташиш ҳужжатларини расмийлаштиришда уларнинг экспедиция қилиниши, ортилиши, туширилиши ва қайта юкланиши бўйича хизматлар киради.

*27) ишловчилар умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил этган ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмасининг мулкида бўлган, товарларни (четдан келтириладиган ва ақиз товарлари бундан мустасно) ишларни ва хизматларни (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов бундан мустасно) ишлаб чиқадиган ва сотадиган юридик шахслар;*

28) *ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари хизматлари;*

29) *фаолиятнинг ушбу тури билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган гастроль-концерт фаолияти;*

30) *китоб маҳсулотларини, ўқувчилар ўқув қуроллари ва кўргазмали ўқув қуролларини, дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи сотувчилар;*

32) *мол-мулкни лизингга беришдан лизинг тўловлари.*

МВ, ДСҚ, Божхона қўмиталарининг қарорларига (24.05.2004й.да АВ 1366-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ *халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташиқлотлари иштирокидаги лойиҳалар доирасидаги қатнашувчиларнинг фаолияти давомида ЎзР. худудида сотиб олинадиган товарлар ҚҚС га тортилмади.*

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарадиган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи бўйича белгиланган тартибга мувофиқ ҳисоб-китоб қилмайдиган солиқ имтиёзига эга корхоналар, чораклик ва бир йиллик молия ҳисоботини топшириш учун белгиланган муддатларда имтиёздан фойдаланганлик тўғрисида маълумотнома тақдим этадилар.

*Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган, шунингдек, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқарувчи корхоналар моддий ресурслар (ишлар, хизматлар)ни қўшилган қиймат солиғи билан сотиб олсалар, у ҳолда сотиб олинган моддий ресурслар (ишлар, хизматлар)га доир қўшилган қиймат солиғи **ишлаб чиқариш харажатларига ёки давр харажатларига киритадилар.***

*Савдо, таъминот-сотиш ва тайёрлаш корхоналари қўшилган қиймат солиғини **харид қилинган товар қийматига** киритадилар.*

*Масалан, полиграфия корхонаси ҚҚС билан қозғоз сотиб олади. Ушбу корхона бюджетга ҚҚСни тўлашдан озод қилинган бўлганлиги учун қозғоз сотиб олишда тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга кирита олмайди ва уни маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига олиб боради. Шундай қилиб, ушбу қозғоздан ишлаб чиқилган маҳсулотнинг нархи ҚҚС тўловчиси бўлган корхона ишлаб чиқарган худди шундай маҳсулотнинг нархидан юқори бўлади, чунки бу корхона қозғоз сотиб олишда тўлаган ҚҚСни қийматини ҳисобга кирита олади.*

Шунга ўхшаш сотиб олинган моддий ресурслар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаларини ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига, савдо, таъминот-сотиш ва тайёрлаш корхоналари бўйича - харид қилинган қийматга киритиш тартиби амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқ солишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахсларга (ягона солиқ ва ягона ер солиғи тўловчиларига, хусусий тадбиркорларга ва ҳ.к.)

нисбатан ҳам қўлланилади.

*Масалан, ягона солиқ тўловчи корхона ишлаб чиқариши учун сотиб олинган маҳсулотлардаги қўшимча қиймат солиғини ҳисобга кирита олмайди, ҚҚСни алоҳида ажрата олмайди ва уни маҳсулотнинг ишлаб чиқариши таннархига олиб боради.*

Агар корхона қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган фаолият тури билан бир қаторда бундай солиққа тортиладиган фаолиятни ҳам амалга оширадиган бўлса, унда у фаолиятнинг бундай турлари бўйича **харажатлар ва натижаларнинг алоҳида ҳисобини юритиши керак.**

Агар корхона етказиб берилиши қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва бундай солиққа тортилмайдиган бир хилдаги маҳсулотни ишлаб чиқарадиган бўлса, унда бундай ҳолда харажатларнинг ажратиб кўрсатилиши **солиқ солинадиган айланманинг жами айланма суммасидаги салмоғига қараб амалга оширилади.**

*Мисол:*

*Ҳисобот даври учун корхона 200000 сўмлик, қўшилган қиймат солиғисиз сотиш айланмасига эга бўлиб, шу жумладан солиққа тортиладиган айланмаси 170000 сўм, солиққа тортилмайдиган (солиқдан озод қилинган) айланмаси 30000 сўм;*

*Жами сотиш суммасидаги солиққа тортиладиган айланма суммаси салмоғи 85% ни ташкил этади (170000 : 200000 x 100).*

*Агар ҳисобот даврида олинган ҳисобварақ-фактуралардаги қўшилган қиймат солиғи суммаси 35000 сўмни ташкил этгудек бўлса, у ҳолда ушбу сумманинг 85 фоизи ҳисобга олинади, яъни 29750 сўми (35000 x 85/100).*

*Қолган 5250 сўмлик (35000 - 29750) тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси ишлаб чиқариши (муомала) харажатларига киритилади.*

ҚҚСдан имтиёзга эга бўлган корхоналар ишлаб чиқаришда ишлатадиган моддий ресурсларни сотиб олишда тўланган ҚҚСни «ҳисобга кирита» олмайди ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини, демак, охир оқибат, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг, яъни товарнинг нархини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 25 июнда 1155-сон билан рўйхатдан ўтган **«Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида»**ги Низомга асосан ҚҚС солиғини тўлашда берилган имтиёз натижасида бўшаган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтиришни назорат қилиш қўйидагича амалга оширилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш вақтида ҳисобварақ-фактура ёзилади, унда солиқ солиш айланмаси бўйича ҚҚС ажратиб кўрсатилади. Товар-материал бойликларни сотиб олишда тўланган ҚҚС ҳисобга олинади. Улар орасидаги фарқ, яъни корхона томонидан бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси мақсадли фойдаланиш учун очилган ҳисобварақга олиб борилади.

Солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланганлигини тасдиқлаш учун хўжалик субъектлари ҳар йили молиявий ҳисобот билан бирга солиқ органларига куйида келтирилган шаклдаги иловага биноан солиқлар, божхона ва бюджетга мажбурий тўловларни тўлашдан озод этилиши натижасида бўшаган маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоб-китобларни тақдим қиладилар.

Агар имтиёз берилган давр тугагунича солиқ солишдан озод этилиши натижасида ёки импорт қилинган товарларни сотиш (реализация қилиш) оқибатида бўшаган маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланган ҳолларда, мақсадсиз фойдаланилган маблағлар суммаси, шунингдек ўз эҳтиёжлари учун келтирилган мол-мулкни сотиши (реализацияси) бўйича ҳисобланган божхона тўловлари санкциялари қўлланилган ва пенялар ҳисобланган ҳолда бюджет ҳисобига ундирилади.

*Солиқлар, божхона ва бюджетга мажбурий тўловлардан озод этиш натижасида бўшаган маблағлардан фойдаланиш тўғрисида ҲИСОБ-КИТОБ (мақсадли тушумлар ҳисоби счётида акс эттириладиган)*

(ҳисобот даври)

Тўловларнинг номи	Сумма	Асос, имтиёз даври
Жами суммага		
Берилган мақсадларга йўналтирилган маблағлар		
- жами		
Жумладан, куйидаги мақсадларга:		

Хўжалик субъектлари ҳисоботларни ўз вақтида ва тўғри тақдим этилишига жавобгардирлар.

Хўжалик субъектлари томонидан ҳисоботлар тақдим этилмаса ёки ўз вақтида тақдим этилмаса, у ҳолда улар УзР. Солиқ кодексининг 135 моддасига асосан молиявий жаримага тортиладилар.

*Мисол.*

*Қўшилган қиймат солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшаган маблағларни материал-техника базасини кучайтиришга ишлатиши лозим бўлган бюджет ташкилоти январ ойида 3500 минг сўмлик хизмат кўрсатди. Ушбу суммага ҚҚС 20% ҳисобланади ва у 700 минг сўмга тенг. ҚҚС ҳисобга олган ҳолда 4200 сўмга ҳисобварақ-фактура ёзилади. Январ ойида корхона томонидан товар-материал бойликларни сотиб олишида 230 сўм ҚҚС тўланган. Демак, тўланган ва ундирилган (700 – 230) ҚҚСлар орасидаги фарқ 470 минг сўм бюджетга тўланмайди ва мақсадли фойдаланиш учун йўналтириладиган ҳисобга туширилади.*

*Имтиёз берилган давр тугагандан сўнг, солиққа тортишдан озод қилиш натижасида тушган ва шу давр ичида ишлатилмай қолган суммалар резерв капитални ҳисобга олувчи ҳисоб рақамнинг кредитига олиб борилади.*

### **ҚҚС солиқ ставкаси ва уни қўллаш механизми**

**Ўзбекистон ҳудудида қўшилган қиймат солиғи қуйидаги ставка бўйича тўланади.**

ҚҚС ставкаси	Солиқ солиш объекти
20 %	солиқ солиш айланмалари импорт айланмалари
Ноль ставкали	<p>1) эркин алмаштириладиган валютада товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти, ҳукуматлараро битимларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларига олиб кириш қўшилган ҳолда.</p> <p>2) божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича эркин конвертация қилинадиган валютада бажариладиган ишларга (кўрсатиладиган хизматларга);</p> <p>3) <i>Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет мамлакатларнинг юкларини ташиши, ортиши, тушириши, қайта ортиши (транзит ташишлар) бўйича хизматлар.</i></p> <p>Чет мамлакатлар юкларини транзит ташишларга юкларнинг транзитини амалга ошириш учун хорижий шахслар билан бевосита шартномалар ёки халқаро транспорт битимлари ва божхона органларининг кўрсатилган транзит юкларнинг амалда олиб келингани ва олиб чиқиб кетилиши ҳақидаги белгилари мавжуд бўлганида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет мамлакатлар транзит юкларининг ташилиши ва хизмат кўрсатишга доир хизматлар киради;</p> <p>4) аҳолига сув, иссиқлик ва газ билан таъминлашда кўрсатилган коммунал хизмат;</p> <p>5) қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материалларига;</p> <p>6) чет эл дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун, шунингдек, мазкур ваколатхоналарнинг дипломатия ва маъмурий-техник ходимларининг, улар билан бирга яшовчи оила аъзоларининг, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиб ҳисобланмасалар ва республикада доимий яшамасалар, чет эл тарафи томонидан ўзаро мувофиқлик тамойилининг қўлланилиши шарти билан шахсий фойдаланиш учун сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар).</p>

Қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Сққс = Сай \times Н : 100;$$

бунда: **Сққс** - истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси; **Сай** -



солиққа тортиладиган айланма, **Н** - қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Товарлар (ишлар, хизматлар) қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида - солиқ қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Сққс = Тқ \times Н : (Н + 100); (2),$$

бунда: **Тқ** - қўшилган қиймат солиғи билан ҳисобга олинган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати.

*Яъни товарнинг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қатъий нархи 360 минг сўм бўлса, у ҳолда ҚҚС суммаси  $360 \times 20\% / 120 = 60$  минг сўм.*

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган ёки қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотадиган корхоналар эркин (шартномавий) нарх ва тарифга қўшилган қиймат солиғи суммасини қўшмайдилар.

### **Ноль даражали ставка бўйича солиқ солиш**

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ноль даражали ставка олти хил ҳолатда қўлланилади. Иккита охирида келтирилган ҳолатнинг тартиби алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади:

- «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материалларига нисбатан қўшимча қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставкаси қўллаш Тартиби» (01.06.1998й. 441-сон билан АВ рўйхатдан ўтган);

- «Ўзбекистон республикасида аккредитация қилинган дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставкасини қўллаш Тартиби» (30.09.1999 й. 826-сон билан АВ рўйхатдан ўтган).

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилинганда ноль даражали ставканинг қўлланилиши 1238-сонли Йўриқномада келтирилган.

### **Товарларни экспорт қилишдаги, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажарилган (кўрсатилган) ишлар (хизматлар) учун ҚҚС**

Дунё тажрибасига асосан экспорт учун сотилган товарларга ҚҚСнинг ноль ставкаси «тайинланган мамлакат» принципига асосан қўлланилади. Бунда экспорт қилинган товарлар солиққа тортилмасдан, импорт қилинган товарлар ушбу мамлакатнинг миллий солиқ қонунчилигига биноан солиққа тортилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳозирги кун қонунчилигига асосан товарлар (ишлар, хизматлар) экспорт қилинганда қуйидаги тартиб кўзда тутилади:

эркин алмаштириладиган валютада товарлар, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажарилган (кўрсатилган) ишлар (хизматлар) экспорти, ҳукуматлараро битимларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларига экспорт қилувчи корхонага нисбатан ноль ставка қўлланилади.

Товарларни экспорт қилишда асосий бўлиб уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетиши ҳисобланади. Бунда экспорт қилинган товарлар учун нол ставкадаги солиқ қўлланилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- шартнома (ёки белгиланган тартибда тасдиқланган шартноманинг нусхаси);
- божхонада товарни расмийлаштириш билан шуғулланган божхона органининг белгиси қўйилган юк божхона декларацияси;
- чет эллик шахснинг экспорт қилинган товарлар учун тўлаганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари ва банк кўчирмалари;
- товарнинг тайинланган мамлакатга юборилганлиги ҳақида товарни кузатувчи ҳужжатлар.

ЎзР. ҳудудидан ташқарида бажарилган (кўрсатилган) ишлар (хизматлар) экспортининг нол ставкадаги солиққа тортилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилиши лозим:

- чет эллик шахслар билан шартномалар;
- Ишни (хизматни) сотувчи ва сотиб олувчилар томонидан имзоланган далолатнома, маълумотнома ёки бошқа ҳужжатлар;
- бажарилган иш (хизмат) учун чет эллик шахс томонидан тўлаганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари.

Тўғридан-тўғри аэропортларда кўрсатиладиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳаво бўшлиғида чет давлатлар ҳаво кемаларига кўрсатиладиган хизматлар ҳамда аэронавигация хизматлари учун, агарда уларга эркин конвертацияланувчи валютада хизмат ҳақи тўланса, бундай хизматлар экспорт қилинган хизматларга тенглаштирилади ва уларга қўшилган қиймат солиғи «нол» ставкадаги солиқ ставкаси қўлланилади.

Экспорт қилинган товарларни ҚҚС бўйича солиққа тортиш масаласи Ўзбекистоннинг бошқа баъзи бир давлатлар билан давлатлараро билвосита солиқларни ундириш принциплари бўйича шартномалар тузилган бўлиб, аммо ратификация (тасдиқланмаган) қилинмаган (масалан, Қозоғистон билан) бўлганлиги учун қийинчиликлар туғдиради ва бундай ҳолатларда (миллий валютага реализация қилинганда) имтиёзни қўллашнинг иложи бўлмайди.

Ҳозирги кунда Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи қуйидаги давлатлар билан товар (ишлар, хизматлар)ларни экспорт қилган ҳолатларда билвосита солиқларни ундириш принциплари бўйича шартномалар тузилган:

Қирғизистон, Озарбайжон, Молдова, Россия Федерацияси. Шартномада келишилган давлатлар божхона ҳудудларига товарлар (ишлар, хизматлар) экспорт қилинганда нол ставкадаги ҚҚСни қўллаш кўзда тутилган.

*Корхоналар ноль даражали ставка бўйича солиққа тортиладиган маҳсулотларга қўшилган қиймат солигини "0" ставкаси бўйича ҳисоблайдилар ва ишлаб чиқаришда ишлатиладиган моддий ресурслар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиши учун қабул қиладилар.*

**Нол ставка**, бу товарлар, хизматлар ва ишларнинг қийматларидаги қўшилган қиймат солиғи умуман йўқ, яъни нолга тенг дегани.

ҚҚС солиғидан озод бўлган оборотлардан (имтиёзи мавжуд ҳолатлардан) фарқли ҚҚС ноль даражали ставкаси қўлланилганда ҚҚС товарнинг таннархига олиб борилмасдан, ҳисобга киритилади, агарда товарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетганлиги ва корхона ҳисоб рақамига экспортдан валюта тушумининг келиб тушганлиги ҳужжатлар асосида тасдиғини топса.

Агарда ҳисобот даврида ҳисобга киритилиши лозим бўлган ҚҚС суммасидан нол ставкада ҳисобланиши лозим бўлган ҚҚСнинг суммаси қиймати жиҳатидан кўп бўлса, у ҳолда бундай ошиқча сумма (мусбат сальдо) солиқ тўловчининг бошқа солиқ ва тўловлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, унга қонунда белгиланган тартибда қайтариб берилади.

ҚҚСнинг қоплаш Тартиби 2003 йил 13 май (30-сонли баённома) Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга ундириладиган тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган «Хўжалик юритувчи субъектларига қўшилган қиймат солиғи бўйича юзага келган манфий фарқни қоплаш тўғрисида»ги (АВ томонидан 06.06.2003 й. 1246-сон билан тасдиқланган) Низом асосида олиб борилади.

Манфий кўринишда ҳосил бўлган ҚҚСни қоплаш бўйича ташаббусни ҳисобот даврида (ойлик) ҚҚСдан манфий кўринишдаги фарқ пайдо бўлган корхоналар оладилар.

Қоплаш бўйича ишлар ҳар ойда биринчи галда манфий фарқ миқдорида (ёки унинг қисмида) корхонанинг бошқа солиқ ва йиғимларнинг мавжуд қарз суммаларини қоплашга йўналтириш билан амалга оширилади.

*Мисол.*

*Корхонанинг эркин валютага сотилган маҳсулотининг миллий валютага ўтказилгандаги тушумининг қиймати 900 минг сўмни ташкил этди. Жорий давр учун қабул қилиб олинган ҳисобварақ- фактуралардаги ҚҚС 55 минг сўмни ташкил этди. Бундай ҳолатда ноль даражали ставкани қўлланилиши, яъни сотиш даврида ҚҚС ҳисобланмайди, товар ишлаб чиқариши учун сотиб олинган материал ресурслар учун тўланган ҚҚС – 55 минг сўм ҳисобга киритилади (бюджетдан қайтариб берилади).*

## **Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасини белгилаш тартиби**

Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган айланмалар бўйича ҳисобланган солиқ суммаси билан ҳисобга киритиладиган солиқ суммалари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Мазкур тартиб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлиб ҳисобланадиган барча корхона ва ташкилотларга татбиқ этилади.

Қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисоблашни қуйидаги формула кўринишида ифодалаш мумкин:

$$\begin{array}{rcccl} \text{ҚҚС} & = & \text{ҚҚС} & - & \text{ҚҚС} \\ \text{бюджет} & & \text{тўлиқ} & & \text{ҳисобга киритилган} \end{array}$$

ҚҚСни бундай ҳисоблаш усули «Билвосита инвойсли» ёки ҳисобварақлар бўйича ҳисобга киритиш деб аталади ва дунё тажрибасида энг кенг қўлланиладиган усуллардан бирига киради.

Юқорида келтирилган формуладан кўриниб турибдики, ҚҚС«ҳисобга киритилган» ҳар доим ҳам мавжуд бўлмайди, балки фақат шу даврда (ёки кейинги даврларда) ичида ҳақиқатда ҚҚС«тўлиқ» мавжуд бўлсагина (ноль ставкали бўлмаган ҳолатларда) бўлади.

Бошқача сўз билан айтганда, агарда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) даромад олиш учун (тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш мақсадида) ва солиқ солиш обороти учун ишлатилмаса, у ҳолда ҚҚС – «тўлиқ» мавжуд бўлмайди, яъни ҚҚСни ҳисобга киритишга асос бўлмайди (қуйида келтирилган схемага қаранг).

Юқоридагидан қуйидаги қоида келиб чиқади, яъни ўз эҳтиёжи учун ишлатиладиган асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олишда ўзининг сотиб олинган нархига **қўшимча равишда уни сотиб олишда тўланган қўшилган қиймат солиғи** ҳам киритилади.

*Масалан, ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадида ҚҚС ҳисобга олган ҳолда 480 минг сўмга принтер сотиб олинган. Принтер асосий воситаларга кирганлиги учун (сотиб юбориш учун мўлжаланилмаган, демак корхона унинг охирги истеъмолчиси бўлади), ҳисобга олишда тўлиқ 480 минг сўм билан олинади ва уни сотиб олишда тўланган ҚҚС ҳисобга киритилмайди.*

### **Ҳисобга киритиладиган қўшилган қиймат солиғи**

Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини ҳисоблашда қўшилган қиймат солиғини ҳисобот даврида товар (иш, хизмат)ларни сотиб олувчи ҳақиқатда товарларни, ишларни ва хизматларни сотиб олиш

натijasида тўланган (тўланиши лозим бўлган), агарда улар солиқ солинадиган айланма мақсадида фойдаланилган ёки фойдаланиладиган бўлса, ҳамда, қуйидаги шартларни бажарса ҳисобга киритиш ҳуқуқига эга:

1. Товар (ишлар, хизматлар)нинг **харидори**, ҳақиқатдан ҳам **ҚҚС тўловчиси**;

2. Сотувчи томонидан **ҳисобварақ-фактураси тақдим** этилган ва у ерда ҳақиқатда ҚҚС алоҳида кўрсатилган;

3. Товар импорт қилинган ҳолатда – **ҚҚС бюджетга тўланган**;

4. Норезидентлар томонидан ишлар ва хизматлар бажариб берилганда, ҚҚС ҳақиқатда **бюджетга тўланган**;

Импорт қилиш чоғида қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича муддатларнинг узайтирилиши ёки бўлиб-бўлиб тўлаш рухсат этилган ҳолларда (божхона қонунчилигига ёки ҳукумат қарорига мувофиқ) ҳисобга киритиладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси бўлиб солиқнинг **ҳақиқатда тўланган суммаси** ҳисобланади.

Ҳисобот даври мобайнида хўжалик юритувчи субъектлар шартнома шартларига кўра хорижий валютага эквивалент ёзилган ҳисобварақ-фактуралар бўйича келиб тушган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобга киритиладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида - ҳисобварақ-фактура ёзилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича қайта ҳисобланган сўмлардаги солиқ суммаси ҳисобланади.

Импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича божхона юк декларацияси (БЮД), шунингдек божхона декларацияси қиймати (БДҚ), божхона қийматининг тузатилиши (БКТ) (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар далолатномалари) ва қўшилган қиймат солиғининг амалда тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари ҳисобга олиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Импорт қилинган товарлар бўйича ҳисобга киритиладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси бўлиб импорт қилувчи баёнот берган божхона қийматидан келиб чиқиб белгиланган тартибга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган, сотиш чоғида солиқ солинадиган айланма учун фойдаланиладиган солиқ суммаси ҳисобланади.

Агар қўшилган қиймат солиғи олиб кириш чоғида импорт қилувчи баёнот берган божхона қийматидан эмас, балки божхона тўловларини тўлаш учун божхона органлари ҳисоблаб чиқарган ҳисоб-китоб асосидаги божхона қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилса, божхона расмийлаштируви чоғида ҳақиқатда тўланган солиқ билан ҳисобга киритиладиган солиқ ўртасидаги фарқ импорт қилинган товарларнинг харид қийматига киритилади.

*Мисол:*

*Импорт қилувчи томонидан олиб кириладиган товарга доир баёнот берилган божхона қиймати 100 млн сўмни ташкил этади, товар импорти*

чогида божхона тўловларини тўлаш учун ҳисоб-китоб асосидаги божхона қийматини божхона органлари 200 млн сўм миқдорида белгилаган. Божхона расмийлаштируви чогида божхона тўловларининг ҳисобланган суммалари: божхона божси (30%) - 60 млн сўм, акциз (20%) - 40 млн сўм, ҚҚС (20%) - 60 млн сўм,  $(200+60+40) \times 20/100$ ).

Ҳисобга киритиладиган ҚҚС суммаси - 40 млн сўм (100 (импортчи баёноот берган божхона қиймати) + 60 (божхона божси) + 40 (акциз)  $\times 20/100$ ).

20 млн сўм (60-40) суммаси кўринишидаги фарқ импорт қилинган товарнинг харид қийматида киритилади.

**Қуйидагилар бўйича солиқ суммаси ҳисобга киритилмайди:**

а) қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган, шунингдек, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқарувчи корхоналар иш фаолияти давомида фойдаланадиган сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

б) солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

Бунга, масалан, корхона балансида турган болалар боғчасини таъмирлаш учун ишлатилган материаллар киради.

Бунга мол-мулкни ким бўлишидан қатъи назар текинга (ваҳоланки бу ҳам тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин) бериш кирмайди, чунки текинга бериш ҳолати ҚҚС бўйича солиқ солиш оборотида киради, шунинг учун мол-мулкни текинга бериш вақтида тўланган ҚҚС ҳисобга киритилади.

в) харид қилинган, ҳисобда дастлабки қиймати бўйича акс эттириладиган асосий воситалар ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган номоддий активлар бўйича;

г) корхонанинг устав жамғармасига улуш сифатида киритилган товарлар (ишлар, хизматлар) ва моддий ресурслар бўйича, агарда улар кейинчалик сотилганида, солиққа тортиладиган ва тортилмайдиган айланмалар бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган фаолиятда ишлатилса.

Бунда корхонанинг устав жамғармасига улуш сифатида киритилган импорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси, агарда ушбу товарлар (ишлар, хизматлар) кейинчалик сотилганда ёки солиққа тортиладиган айланмалар бўйича ишлатилганда, умумий белгиланган тартибда ҳисобга киритилади.

Корхона устав жамғармасига чет эллик таъсисчисининг улуши мол-мулк сифатида киритилса, у ҳолда унинг улуши божхонада расмийлаштириш даврида ҚҚС тўланади ва ушбу тўланган ҚҚС корхона учун ҳисобга киритишга рухсат этилади.

Агарда таъсисчи сифатида ўзбек томони бўладиган бўлса, у ҳолда у ҳеч қандай ҚҚС тўламайди, шунинг учун ҳеч қандай сумма ҳисобга киритилмайди.

д) агар харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобот ойида ҳисобга киритилган бўлса, кейинги даврларда эса ушбу моддий ресурслар тадбиркорлик фаолиятида ва солиқ тўловчининг солиқ солинадиган муддатда етказиб беришлари учун ҳам фойдаланилмаган бўлса, у ҳолда ушбу (кейинги) даврларда солиқ солинадиган айланма ва ҚҚС ҳисоблашнинг 1-3-бандларида кўрсатилган ҳисобга олиш учун қабул қилинган солиқ суммалари тузатилиши амалга оширилади.

*Масалан, товар-моддий бойликларнинг бузилиш ҳолатларида ва уларни ҳисобдан чиқаришда, солиқ солиш айланмасида, яъни ҚҚС ҳисоблашнинг 5-бандида кўрсатилган ҳисобга олиш учун қабул қилинган солиқ суммаларида тузатиш қилиш лозим.*

Умуман бундай саволларни ҳал қилишда, яъни товарларни (ишлар, хизматлар) харид қилиш даврида тўланган ҚҚСни ҳисобга киритиш ёки киритмасликда, ушбу товарлар (ишлар, хизматлар) нима мақсадда харид қилинганлигига боғлиқ, агарда улар даромад олиш учун харид қилинган бўлса, албатта ҚҚС ҳисобга киритилади. Шунинг учун товар сотиб олиш даврида тўланган ҚҚСни сотувчи бюджетга тўлаган бўлади, агарда харидор ушбу товарни даромад олиш учун ишлатиб, унинг устига қўшимча қиймат қўйса, аввал товар сотиб олиш даврида тўланган ҚҚС ҳисобга киритилади. Агарда корхона сотиб олинган товарни (ишлар, хизматлар) даромад олиш учун ишлатмаса, юқорида келтирилган товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқарилгани каби, унинг устига қўшимча қиймат қўшилмайди, шунинг учун бундай ҳолатларда тўланган ҚҚС ҳисобга киритилмайди.

Мазкур қоида ягона солиқ (кичик корхоналар), ягона ер солиғи, ялпи тушумдан ягона солиқ тўловчи юридик шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Бунда айтилган солиқларни тўлашга ўтгунга қадар қўшилган қиймат солиғи бўйича манфий сальдоси бор, юқорида айтилган юридик шахслар, қўшилган қиймат солиғи бўйича охириги ҳисоб-китоб 5-бандида бу суммага тузатиш киритадилар ва уни ишлаб чиқариш (муомала) харажатлари, савдо, таъминот-сотиш ва тайёрлаш корхоналари эса товарларни харид қилинган қиймат - ҳисобига ҳисобдан чиқарадилар.

*Масалан, таъминот-сотиш корхонаси (ҚҚС тўловчиси) 2003 йил сентябр ойида 12000 минг сўмлик (ҚҚС ичида ўтирибди) товар сотиб олди ва тўланган 2000 минг сўм ( $12000/120\% \times 20\%$ ) ҚҚСни ҳисобга киритди. Сентябрь ойида сотиб олган товарнинг 4000 минг сўмлик қисми сотилди, қолган 6000 минг сўмлиги сотилмасдан қолди. 1 октябрдан корхона соддалаштирилган солиқ солиш системасига ўтди ва товарнинг қолган қисмини қўшимча қиймат солигисиз сотди. Бундай ҳолатда корхона аввал ҳисобга киритилган товарнинг 1 октябрдан кейин сотилган қисмидаги ҚҚСни ҳисоб-китоб 1-бандида бу суммага тузатиш қилади ва қайтадан топширади. Бу сумма  $20\% \times 6000 = 1200$  минг сўмни ташкил этади ва, агарда, корхона томонидан ҚҚС ошиқча тўланган қисми мавжуд бўлмаса,*

*бюджетга тўлаб қўйилиши шарт.*

Корхона бир вақтнинг ўзида қўшилган қиймат солиғига тортиладиган, ҳамда солиқдан озод қилинган айланмаларга эга бўлса, қўшилган қиймат солиғига тортиладиган етказиб беришларга тўғри келадиган солиқ суммасигина қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга киритиш учун қабул қилинади.

Бундай тартибдан истисно тариқасида, коммунал хўжалик корхоналари аҳолига ёки истеъмолчи-корхоналарга кўрсатадиган коммунал хизматларидан қатъи назар, қўшилган қиймат солиғини фақат ижобий сальдо мавжуд бўлганида, яъни кўрсатилган хизматлар учун олинган қўшилган қиймат солиғи тушумлари умуман фаолият бўйича фойдаланилган моддий ресурслар учун етказиб берувчиларга тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасидан ортиқ бўлганида қўшилган қиймат солиғини тўлайдилар. Бунда мазкур корхоналар аҳолига хизматларни кўрсатишда фойдаланилган моддий ресурслар учун етказиб берувчиларга тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини ишлаб чиқариш ҳаражатларига киритмайди, балки ҳисобга олиш учун қабул қилади.

Худди шундай тартиб “Ўзкоммунхизмат” агентлигининг газ билан таъминлайдиган корхоналарига ҳам татбиқ этилади. Бунда газ билан таъминлайдиган корхоналар томонидан аҳолига сотиладиган газнинг қийматига қўшилган қиймат солиғи солинмайди.

Умуман ҳисобот даврида корхона бўйича қўшилган қиймат солиғи бўйича манфий сальдо вужудга келганида, у ҳозирги ҳисобот давридаги коммунал хизматларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришга доир ҳаражатларга (давр ҳаражатларига) киритилади.

## **Ортиқча тўланган ҚҚС**

Агар бундан олдинги ҳисобот даври учун ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ҳисобот даври учун ҳисобланган солиқ суммасидан ортиқ бўлган суммаси вужудга келса, унда кўрсатилган ортиқча сумма ҳисобот давридан кейинги давр учун ҳисобга олинади.

Ортиқча тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси, солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзлар мавжуд бўлмаган тақдирда, бўлғуси тўловлар ҳисобига киритилади ёки солиқ тўловчига ёзма аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кун ичида қайтарилади.

## **Ҳисобварақ – фактураси ва уларни тўлдириш тартиби**

1998 йил 1 январдан барча корхона ва ташкилотлар учун (кичик ва ўрта бизнес, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш корхоналарига ҳам, шу билан бирга қонунда белгиланган тартибда ҚҚСдан озод бўлганлари ҳам)



товарларни сотишда, хизмат кўрсатганда ва иш бажарганда ҳисобварақ – фактурасини тўлдириш шарт қилиб белгиланди.

Ҳисобварақ-фактура товарларнинг юклаб жўнатилиши, ишларнинг бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши санасидан кечиктирмасдан ёзилади.

Бунда аввалдан тўланган ортилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун ҳисобварақ-фактураси тўлдирилмайди.

Ҳисобварақ-фактурада кўрсатилиши лозим:

- 1) ҳисобварақ-фактуранинг тартиб рақами ва ёзилган санаси;
- 2) ҳисобварақ-фактура илова қилинадиган, юклаб жўнатиладиган товарлар ҳужжатлари (шартномалар) рақами ва санаси;
- 3) солиқ тўловчи ва харидорнинг номи, манзили ва СТИРи, халқ хўжалиги тармоқлари таснифномаси (ХХТУТ) бўйича тармоқ коди;
- 4) комиссия шартномаси асосида ёзиладиган ҳисобварақ-фактуралар бўйича, ҳисобварақ-фактура юк жўнатувчининг қўшимча реквизитлари билан тўлдирилади, бунда ҳам номи, манзили ва СТИРи, халқ хўжалиги тармоқлари таснифномаси (ХХТУТ) бўйича тармоқ коди кўрсатилади.

Жадвалли шаклни тўлдиришда қуйидагиларни қайд этиш керак:

1-устунда - товарлар номи (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар баёни);

2-устунда - мазкур товар бўйича қабул қилинган ўлчов бирлиги (дона, килограмм, метр ва шу кабилар) ва ишлар, хизматлар бўйича ўлчов бирлиги;

3-устунда - ҳисобварақ бўйича юклаб жўнатиладиган товарнинг миқдори (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳажми), у юзасидан қабул қилинган ўлчов birlikларидан келиб чиқиб;

4-устунда - товарнинг шартнома (контракт) бўйича ўлчов бирлигида ҚҚСсиз нархи;

5-устунда - ушбу номдаги товар жами сонининг ҚҚСсиз қиймати (3-устун х 4-устун);

*агар ҳисобварақ-фактура бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар)га ёзиб бериладиган бўлса, унда бу ишлар (хизматлар)нинг қиймати ҚҚСсиз кўрсатилади ва 2, 3, 4-устунлар тўлдирилмайди;*

*агар корхона акцизланадиган маҳсулот ишлаб чиқарса, ҳисобварақ-фактурага қўшимча устун киритилади, унда акциз ставкаси ва суммаси акс эттирилади;*

6-устунда - қўшилган қиймат солиғи ставкаси (20 ёки 0 фоиз); **агар товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚСдан озод қилиш мавжуд бўлса, оддий чизик тартиб қўйилади;**

7-устунда ушбу товар (иш, хизмат) бўйича тегишли ставкаларга кўра ҳисобланган ҚҚС суммаси; **агар товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚСдан озод қилиш мавжуд бўлса, оддий чизик тартиб қўйилади.**

*Амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиққа тортишининг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахслар 6 ва 7-устунларда қўшилган қиймат солиғи суммаларини кўрсатмайдилар ва "Қўшилган қиймат солиғи суммасисиз"*

штампини қўядилар (ёки ёзиб қўядилар) ва 8-устунни тўлдирмайдилар.

8-устунда - товар (иш, хизмат) ҳар бир турининг ҚҚС қўшилган қиймати (ёки солиқдан озод қилинадиган ёки ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиганлари бўйича - ҚҚСсиз) кўрсатилади, амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқ солишининг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахслар 8-устунни тўлдирмайдилар.

Ҳисобварақ-фактуранинг якунловчи сатрида 5, 7 ва 8-устунлар бўйича суммалар жамланади.

Ҳисобварақ-фактура раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланади ва корхона муҳри билан тасдиқланади.

Бунда, агар хўжалик юритувчи субъектлар, товарларни етказиб беришга ҳисобварақ-фактураларни ёзишдан ташқари, "ишончнома бўйича олингани" тўғрисида белги қўйилган юкхатларни тўлдирсалар, ҳисобварақ-фактурада мазкур белгилар тўлдирилмайди. Уларнинг ҳақиқатда олинганлиги далолатномалар, маълумотномалар ёки бошқа шундай ҳужжатлар билан тасдиқланадиган бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар бўйича ҳам мазкур белгилар тўлдирилмайди.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ йил \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ -сонли.  
Товарни юклаб жўнатиш ҳужжатларига «\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ йи  
№ \_\_\_\_\_ -сонли  
**ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА**

Етказиб берувчи
_____
<b>Манзили</b>
_____
_____
_____
<b>Телефони</b>
_____
_____
<b>Ҳисоб-китоб варағи №</b>
_____
_____да
_____
_____

Харидор
_____
<b>Манзили</b>
_____
_____
_____
_____
<b>Телефони</b>
_____
_____
<b>Ҳисоб-китоб варағи №</b>
_____
<b>да</b>
_____
_____
<b>аҳри</b>

ахри Етказиб берувчининг идентификация рақами (СТИР)
ОКОНХ бўйича коди

Етказиб берувчининг идентификация рақами (СТИР)
ОКОНХ бўйича коди

Товар (иш,хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	с	Н	Етказиб қиймати	ҚҚС		Етказиб бериш ҳисобга олинган қий
					Ставкиси	Суммаси	
1							8
Жами тўлашга							

Раҳбар \_\_\_\_\_ Олдим

(Харидорнинг ёки  
ваколатли вакилнинг  
имзоси)

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ й.

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 200

М. Ў.  
ишончнома бўйича

даги

№ \_\_\_\_\_ -сонли

Товарни бериб юбордим \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (етказиб берувчи масъул шахс имзоси)  
(олувчининг Ф. И. О.)

Қўшилган қиймат солиғига тортилмайдиган товарларни сотувчи, ишларни бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи корхоналар, шунингдек, қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларга эга корхоналар ҳисобварақ-фактурада қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатишмайди ва "қўшилган қиймат солиғисиз" деган белгили муҳр қўяди (ёки ёзувни ёзиб қўяди).

Ҳисобварақ-фактура Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги - сўмда ёзилади.

Тузилган шартномалар шартларига кўра товарлари, хизматлари нархи (тарифлар) хорижий валютага эквивалентликда белгиланадиган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақ-фактураларни хорижий валютага

эквивалентликда ёзиб, Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги - ҳисобварақ-фактура ёзилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича қайта ҳисобланган сўмларда акс эттирадilar.

Ҳисобварақ-фактура етказиб берувчи корхона (пудратчи, ижрочи) томонидан харидор корхона (буюртмачи) номига камида икки нусхада ёзилади, уларнинг бир нусхаси товарларнинг юклаб жўнатилиши (ишларнинг бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши) санасидан кечиктирмасдан етказиб берувчи томонидан харидорга тақдим қилинади ва харидорга қўшилган қиймат солиғи суммасини белгиланган тартибда ҳисобга киритиш (қоплаш) учун ҳуқуқ беради.

Ҳисобварақ-фактуранинг иккинчи нусхаси етказиб берувчида қолади.

Ҳисобварақ-фактуралар ҳисобварақларнинг келиб тушиши ва тақдим этилиши рўйхатдан ўтказиладиган дафтарда мажбурий тартибда ҳисобга олиниши лозим, яъни Ҳисобварақ-фактураларни ҳисобини юритиш учун иккита китоб очилиши лозим:

- Харидорларга (буюртмачиларга) қўйилган;
- Мол етказиб берувчилардан (пудратчилардан) олинган.

Импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича божхона юк декларацияси (БЮД), шунингдек божхона декларацияси қиймати (БДҚ), божхона қийматининг тузатилиши (БКТ) (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар далолатномалари) ва қўшилган қиймат солиғининг амалда тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари ҳисобварақ-фактура ҳисобланади.

Экспорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактура бўлиб божхона юк декларацияси ҳисобланади.

Бевосита аҳолига пуллик хизматлар (ишлар)ни кўрсатадиган корхоналар учун товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишда касса чеки ёки хизматлар кўрсатилиши (ишлар бажарилиши)ни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ҳисобварақ-фактура ҳисобланади. Бунда бу ҳужжатларда қўшилган қиймат солиғи ажралиб туриши лозим.

Ўз маҳсулотларини (товарларини, ишларини, хизматларини) узлуксиз етказиб берадиган корхоналар бўйича ҳисобварақ-фактуралар истеъмолчиларга ҳисобварақни расмийлаштириш билан бир вақтда, лекин бир ойда бир мартадан кам бўлмаган тарзда ёзилади. Бунда ҳисобварақ-фактураларнинг ёзилиши маҳсулот сотилган ҳисобот даврида амалга оширилади.

Одатда, ҳисобварақ-фактурасида ҳар бир товарлар (ишлар, хизматлар)нинг тури бўйича солиқ солиш айланмаси алоҳида кўрсатилади.

Баъзида ҳаммаси учун битта суммани кўрсатиш руҳсат этилади, агарда ушбу ҳисобварақ-фактурасига сотилган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг рўйхати келтирилган ҳужжат илова қилинса. Бундай ҳолда ҳисобварақ – фактурасида ушбу ҳужжатнинг тартиб рақами. санаси ва номи келтирилган кўрсатма бўлиши шарт.

**Банклар учун**, кўшилган қиймат солиғидан озод қилинган операциялар бажарилганда, ҳисобварақ-фактура бўлиб миждоз шахсий ҳисобварақидан кўчирма ҳисобланади.

Лизингга берувчиларнинг лизинг операциялар ҳисобварақлари бўйича - ҳисобварақ-фактура бўлиб объектнинг лизингга бериш далолатномаси ҳисобланади. Бунда ҳар бир лизинг тўлови мос равишда алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади (лизинг шартномасининг асосий қисми бўлган лизинг тўловлари тўлаш мундарижаси, ҳисобварақ, лизинг олувчига лизинг тўловларини тўлаши учун кўйилган эслатма ва ҳ.к.), шунинг учун ҳисобварақ-фактура қўшимча равишда ёзилмайди.

Агарда шартномада лизингга берувчи томонидан қўшимча кўшилган қиймат солиғига тортиладиган хизматлар кўзда тутилган бўлса, у ҳолда бундай хизматлар учун ҳисобварақ-фактураси белгиланган тартибда ёзилади.

Кўшилган қиймат солиғидан озод қилинган **суғурта хизматларини кўрсатишда**, ҳисобварақ-фактура ўрнига бирламчи ҳужжат бўлиб қуйидаги ҳужжатлар:

суғурта корхоналари учун - суғурта полиси;

суғурта агентлари учун - суғурта полиси ва шартнома топшириғи (агентлик битими);

суғурта брокерлари учун - суғурта полиси ва шартнома топшириғи ҳисобланади.

**Ишлар** (қурилиш, таъмирлаш-қурилиш, лойиҳа-қидирув, илмий-тадқиқот ва бошқа ишлар) **бажариш ёки хизматлар** (транспортга доир, мол-мулкни ижарага бериш, алоқа хизматлари ва бошқалар) **кўрсатиш** билан шуғулланадиган корхоналар ҳам ҳисобварақ-фактура ёзиши керак.

Агар ишлар бажарадиган корхоналарда буюртмачига имзо чекиш учун тақдим этилган ҳужжатда ёки бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисобварақ-фактурада ҳисобварақ-фактуранинг белгиланган шаклида акс эттирилган барча мажбурий реквизитлар бирга ушбу ҳужжатда «ҚҚС суммаси» – ҚҚС тўловчилари учун, ёки ёзув (босма) билан «ҚҚСсиз» - ҚҚС тўловчиси бўлмаганлар учун кўрсатилган бўлса, бундай корхоналар қўшимча равишда ҳисобварақ-фактура ёзмаслиги керак. Бунда, “бажарилган ишлар (қўрилган харажатлар) қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисобварақ-фактура” ҳисобварақ-фактура ҳисобланади.

**Ишлар** (қурилиш, таъмирлаш-қурилиш, лойиҳа-қидирув, илмий-тадқиқот ва бошқа ишлар) **бажариш ёки хизматлар** (транспортга доир, мол-мулкни ижарага бериш, алоқа хизматлари ва бошқалар) **кўрсатиш** билан шуғулланадиган корхоналар ҳисобварақ-фактура ёзиш чоғида белгиланган шаклга мувофиқ, ишлар (хизматлар) ижрочиси ҳамда буюртмачи сифатида барча реквизитларни тўлдиришлари керак.

Юқорида айтилган корхоналар томонидан жадвал шакли тўлдирилганида қуйидагилар акс эттирилиши керак:

1-устунда: товарлар (ишлар, хизматлар) номи - бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) тавсифланади;

2-устунда - пул ифодасида ўлчов бирлиги кўрсатилади;

3-“Микдори” ва 4-“Нархи” устунлари тўлдирилмайди;

5-“Етказиб бериш қиймати” устунида бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажми қўшилган қиймат солиғисиз кўрсатилади;

6-устунда ҚҚС ставкаси кўрсатилади;

7-устунда ҚҚС суммаси кўрсатилади;

8-устунда бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажми қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда кўрсатилади.

Агар ишлар бажараётган, хизматлар кўрсатаётган юридик шахс ягона солиқ тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтса, 6 ва 7-устунларда қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатмайди ҳамда **“Қўшилган қиймат солиғисиз” штампини қўяди (ёки ёзиб қўяди) ва 8-устунни тўлдирмайди.**

**Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиш чоғида** ҳисобварақ-фактуранинг жадвал шаклини тўлдириш умумий тартибдагидан фарқ қилади ва қуйидагича тўлдирилади:

1-устун "Товарлар (ишлар, хизматлар) номи"да - асосий воситалар ёки номоддий активларнинг номи кўрсатилади;

2-устун "Ўлчов бирлиги"да - ўлчов бирлиги кўрсатилади;

3-устун "Микдори" - тўлдирилмайди;

4-устун "Нархи"да - асосий воситалар ёки номоддий активларнинг қолдиқ қиймати кўрсатилади;

5-устун "Етказиб бериш қиймати"да - сотиш нархи кўрсатилади;

6 ва 7-устунлар "ҚҚС"да - солиқ ставкаси ва солиқ солинадиган айланма ҳажмидан ҳисоблаб чиқарилган сумма кўрсатилади. Бунда 7-устун, агар солиқ солинадиган айланма мавжуд бўлганда, тўлдирилади.

Агар солиқ солинадиган айланма бўлмаса, яъни 4-устун суммаси 5-устунда кўрсатилган суммадан катта ёки унга тенг бўлса, 7-устун тўлдирилмайди;

8-устун "ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда етказиб бериш қиймати"да сотиш нархи кўрсатилади.

Бунда 8-устун, агар 5-устунда кўрсатилган нарх 4-устунда кўрсатилган суммадан катта бўлса, тўлдирилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар текинга берилганида ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш юқорида баён этилган тартибга ўхшаш тарзда амалга оширилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) сотувчи, шу билан бирга асосий воситалар ва номоддий активлар сотган корхоналар улар ҚҚСни тўлашда алоҳида ҳисоб юритиб, ҳисобварақ-фактурасида сотилган товарлардан ва асосий восита ва номоддий активдан тушган пул маблағларини 6,10,12-устунларда «Ортилган товар (ишлар, хизматлар) қиймати» алоҳида қатор билан (қаср

чизиғи билан) кўрсатилади.

### **Солиқни тўлаш ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатлари**

Корхоналар қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобларни ўсиб борувчи яқун билан солиқ юзасидан рўйхатдан ўтган жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмасдан ва йил яқунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботни топшириш муддатида тақдим этади.

Корхоналар солиқни қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш учун белгиланган кунгача (ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмасдан), тегишли давр (ой) учун сотишга доир амалдаги айланма (ҳисобга киритилган ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) асосида тўлайди.

Корхона солиқлар ва йиғимлар суммаларини ортиқча тўлагани ва солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмагани тақдирда бундай суммалар бўлғуси тўловлар ҳисобига ўтказилади ёки тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кун муддатда корхонага қайтарилади.

### **Бюджетга ундирилиши лозим бўлган ҚҚС суммасини ҳисоблаш**

Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобларни ўсиб борувчи яқун билан қуйидаги шаклда тақдим этилади.

#### **Қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>сатр</b>	<b>сумма</b>
<b>1</b>		<b>3</b>
Ҳисобот даврида олинган ҳисобварақ-фактуралар бўйича ҳақиқатда келиб тушган хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, ёқилғи, ишлар, хизматларнинг қиймати (ҚҚСни ҳисобга олмасдан)	1	
-шу жумладан импорт қилинганлари	2	
Улардан солиқ солинадиган айланма учун фойдаланилади, шу жумладан ноль ставкаси бўйича айланма, жами	3	
-шу жумладан экспорт маҳсулоти бўйича солиқ солинадиган айланма учун	4	
Ҳисобга қабул қилинадиган ҚҚС суммаси	5	
Юқлаб жўнатилган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати, ҚҚСни ҳисобга олмасдан, улардан жами:	6	
-қўшилган қиймат солиғига тортилмаганлари (имтиёзлар бўйича маълумотнома илова қилинади)	7	
-ноль ставкаси бўйича солиқ солинадиганлари	8	
-шу жумладан экспортга етказиб беришлари бўйича	9	
-қўшилган қиймат солиғига амалдаги ставкаси бўйича	10	

тортиладиганлари		
ҚҚС ставкаси	11	
Юклар жўнатилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳисоблаб ёзилган ҚҚС суммаси (10-сатр x 11-сатр)	12	
Ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси (12-сатр-5-сатр)	13	
Олдинги ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблаб чиқарилган қўшилган қиймат солиғи суммаси (олдинги ҳисоб-китобнинг 12-сатри)	14	
Қўшилган қиймат солиғи суммаси (13-сатр-14 сатр) қўшимча --- тўлашга	15	
-камайтиришга	16	

Юқорида келтирилганидек, бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган айланмалар бўйича ҳисобланган солиқ суммаси билан ҳисобга киритиладиган солиқ суммалари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Шунинг учун бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини ҳисоблашда иккита кўрсаткични аниқлаш лозим - солиқ солинадиган айланмалар бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ва ҳисобга киритиладиган солиқ суммалари.

*ҚҚС ҳисоблаш бўйича шаклни тўлдиришга мисол.*

*Корхона ҳисобот даврининг январдан то март ойига қадар қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлган:*

- корхонага солиқ солиши айланмасида ишлатиши мумкин бўлган ҳисобварақ-фактураси бўйича олинган хом-ашёлар, бажарилган ишлар, хизматлар қиймати - 7500 м.с.;

- амалдаги ставка билан ҚҚСга тортиладиган ортиб юборилган товарлар қиймати – 32000 м.с.;

- аввалги ойда (феврал) ҳисобланган ҚҚС суммаси – 3100 м.с.

- март ойида тўланган 15 минг сўмлик носоз материал қайтариб берилган, ваҳоланки унинг ҚҚС суммаси ҳисобга киритилган эди.

1238-сонли Йўриқномага биноан «агар харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобот ойида ҳисобга киритилган бўлса, кейинги даврларда эса ушбу моддий ресурслар тадбиркорлик фаолиятида ва солиқ тўловчининг солиқ солинадиган етказиб беришлари учун ҳам фойдаланилмаган бўлса, у ҳолда ушбу (кейинги) даврларда оборот ва "Қўшилган қиймат солиғи" ҳисоб-китоби 3-5-бандидаги солиқ оборотлари ва суммалари тузатилиши амалга оширилади».

Шунинг учун, жорий даврда ҳисобга киритилган суммани камайтириш лозим,  $(20\% \times 15) = 3$  м. с. материални қайтариш билан боғлиқ бўлган сумма.

1-устун (худди шунингдек 3-устун) да юқоридаги суммага тўғриланса,  $(7500 - 15) = 7485$  м.с.

5-устун мос равишда ўзгаради –  $(20\% \times 7500) - 3 = 1497$  т.с.



6-устунда «Юклар жўнатилган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати – жами» 32000 м.с. ва 10-устунга - шу билан бирга у ерда «қўшилган қиймат солиғига амалдаги ставкалар бўйича тортиладиган»ни ёзамиз.

12-устун ортилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҚҚС суммаси, яъни  $(20\% \times 32000) = 6400$  м.с.

Жорий январ ойидан то март ойигача бўлган давр учун тўланадиган ҚҚС суммаси  $(6400 - 1497) = 4903$  м.с.ни ташкил этади ва у сумма 13-устунга ёзилади.

Аввалги даврда (январ –феврал) 3100 минг сўмга (14-устун) тенг қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган эди, бу деган сўз бюджетга тўланган эди. Демак, бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшимча сумма:  $(4903 - 3100) = 1803$  м.с.ни ташкил этади ва у 15-устунга ёзиб қўйилади.

Ушбу мисолда келтирилган ҳисоб шаклининг қолган устунлари тўлдирилмасдан қолдирилади (чизиқча чизиб қўйилади).

### **Импорт қилинадиган ишлар ва хизматларга ҚҚС**

Тузилган шартномалар (контрактлар)га мувофиқ республика ҳудудига импорт қилинадиган ишлар ва хизматлар **қўшилган қиймат солиғи солинадиган объект ҳисобланади.**

Импорт қилинадиган ишлар ва хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш ва тўлаш 3 бобнинг III «Божхона тўловлари» - қисмида келтирилган.

Импорт қилинадиган ишлар (хизматлар) 2002 йил 25 апрелдан бошлаб «Ўзбекистон ҳудудига импорт қилинган ишлар (хизматлар) бўйича қўшимча қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги (Адлия вазирлигида 15.04.2002й. 1123-сон билан рўйхатга олинган) йўриқномага асосан олиб борилади..

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ишлар, хизматларни импорт қилувчи юридик шахслар ана шу импорт қилинадиган ишлар, хизматларга қўшилган қиймат солиғи **тўловчилари ҳисобланади.**

Импорт қилинадиган ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$C_{\text{ққс}} = C \times H / 100,$$

бу ерда:  $C_{\text{ққс}}$  - қўшилган қиймат солиғи суммаси;

$C$  - далолатнома, маълумотнома ёки бошқа ҳужжатларга кўра тасдиқланадиган, импорт қилинадиган ишлар, хизматлар қиймати;

$H$  - қўшилган қиймат солиғининг фоизлардаги ставкаси.

*Импорт қилинган ишлар (хизматлар) ҚҚСни ҳисоблаш қоидалари.*

- Агарда Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган норезидент томонидан кўрсатилган хизмат, бажарилган

иш Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида реализация қилинса ва уларнинг харидори сифатида Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлса, у ҳолда ушбу бажарилган ишлар, хизматлар солиқ солиш оборотига киради ва улар қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортилиши лозим.

*Яъни, агар ишлар (хизматлар) Ўзбекистон ҳудудида норезидент томонидан амалга оширилса, уларнинг бажарган ишларининг қиймати солиқ солиш обороти ҳисобланади.*

- Норезидент томонидан амалга оширилган иш (хизмат) учун солиқ солиш обороти норезидентга иш (хизмат)и учун тўланиши ва тўлов манбаида ушлаб қолиниши лозим бўлган солиқ суммаларидан иборат бўлади.

- Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқланган солиқ солиш оборотига ҚҚС (20 фоизлик) ставкасини қўллаш билан аниқланади.

- Қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланган солиқ суммаси иш (хизмат) бажарилган кундан бошлаб 5 кун ичида бюджетга тўланиши лозим. Агарда бажарилган иш (хизмат) ҚҚС озод бўлса, у ҳолда ҚҚС тўланмайди.

- Импорт қилинган иш (хизмат) учун тўланган қўшилган қиймат солиғининг тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати бюджет билан ўзаро ҳисоб-китобида ҚҚС тўловчисига уни ҳисобга киритишида асос бўлади.

ҚҚС тўловчиси бўлмаган солиқ тўловчилар эса тўланган қўшилган қиймат солиғини импорт қилинган иш (хизмат) учун тўланган қиймат билан харажатга олиб борадилар.

*Мисол.*

*Норезидент томонидан корхонага 800 минг сўмлик консалтинг хизмати кўрсатилди. Бундай ҳолатда корхона учун ҚҚС солиқ ставкаси 20% бўлганда 160 минг сўмни ташкил этади ва бу бюджетга тўланиши лозим (бу ерда тўлов манбаида солиққа тортиши қондаси қўлланилади). Ушбу суммани корхона ҳисобга киритиши ҳуқуқига эга. Норезидентга олинган даромадидан (800 минг сўмдан) тўлов манбаида даромад солиғини ушлаб қолиб, қолган қисми ўтказиб берилади.*

*Қўшимча қилиб айтиши лозимки, хизматни норезидентдан олиши вақтида Ўзбекистон резиденти қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаса ҳам (масалан, ягона солиқ тўловчи, ялпи тушум солиғи тўловчиси ва ҳ.к.) солиқни ҳисоблаши (ва бюджетга тўланиши) шарт. Яъни ишлар (хизматлар)ни импорт қилиши худди товарларни импорт қилгани каби ҚҚС тўловчиси бўлиши-бўлмасликларидан қатъи назар божхонада барча корхоналар ҚҚС тўлашлари шарт.*

### **Импорт қилинадиган ишлар ва хизматларга қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар**

а) Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган шартномалар (битимлар) бўйича халқаро ва ҳукуматга қарашли хорижий молиявий ва иқтисодий ташкилотлари берган қарзлар ва грантлар ҳисобига юридик

шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлмаган юридик шахслар, томонидан олиб кирилатган ишлар, хизматлар;

Бажарилган ишлар, хизматлар далили тасдиқланган кундаги Марказий банк курси бўйича қайта ҳисобланган ишлар, хизматлар қийматидан келиб чиққан ҳолда амалда ишлар бажарилганини, хизматлар кўрсатилганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида импорт қилинадиган ишлар ва хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи миллий валюта (сўм)да ҳисоблаб чиқарилади. Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи тўлови ана шу ишлар, хизматларни импорт қилувчи шахс ёзиб берган ҳамда унда "импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси тўлови" деган ёзув битилган тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилади. Тўлов топшириқномаси иш (хизмат)ни олган шахс томонидан ёзилади.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи амалда ишлар, хизматлар бажарилган кундан бошлаб **5 кун ичида** бюджетга тўланади.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматларга қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби ишлар, хизматлар импорти амалга оширилган ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан, ойлар бўйича рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ органига тақдим этилади.

*Қўшилган қиймат солиғи фақатгина миллий валюта - сўмда тўланади.*

## Масалалар

### 1-Масала

ҚҚС тўловчи корхона 1200 минг сўмга қўшилган қиймат солиғи билан 400 кг бўёқ сотиб олган. Сотиб олган бўёқдан:

- 50 кг сифати ёмон бўлганлиги учун сотувчига қайтариб берилган;
- 100 кг текинга болалар боғчасига берилган;
- 20 кг корхона клубини таъмирлаш учун ишлатилган;
- 180 кг ишлаб чиқариш учун ишлатилган.

**Савол:** Корхона ҚҚС қайси қисмини ҳисобга киритиш ҳуқуқига эга?

### Ечим:

Корхона томонидан тўланган ҚҚС суммаси =  $1200/120\% \times 20\% = 200$  м.с.

1 кг бўёқнинг тоза (ҚҚС сиз) нархи =  $(1200 - 200)/400 \text{ кг} = 2,5 \text{ м.с.}$

1 кг бўёқнинг ҚҚС =  $20\% \times 2,5 = 0,5 \text{ т.с.}$

Агарда барча сотиб олинган бўёқ тадбиркорлик мақсадида (ёки солиқ солиш айланмаси учун) ишлатилганда (ишлатиши фараз қилинганда) эди, у ҳолда корхона барча тўланган 200 минг сўм ҚҚСни ҳисобга киритиши мумкин бўлар эди.

Аммо, 50 кг бўёқ қайтариб берилган  $(50 \times 0,5) = 25$  минг сўм ҚҚС тўғрилаш лозим, агарда корхона барча тўланган ҚҚСни ҳисобга киритган бўлса.

Текинга берилган бўёқ солиш оборотига кирадиган бўлгани учун унинг учун тўланган ҚҚСни ҳисобга киритиш мумкин.

Корхона клубини таъмирлаш учун ишлатилган бўёққа тўланган ҚҚС =  $20 \text{ кг} \times 0,5 = 10$  минг сўм ҳисобга киритилмайди. Ишлатилган бўёқ ҚҚС билан бирга ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Шундай қилиб, ҳисобга киритиш мумкин бўлган ҚҚС суммаси =  $200 - 25 - 10 = 165$  минг сўм.

**2. Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхона ҳуқуқий хизмат кўрсатилиши учун Англиянинг юридик корхонаси билан шартнома тузди.**

Англия юридик корхонаси 8000 долларга ҳуқуқий хизмат кўрсатди, хизмат кўрсатилганлик ҳақидаги далолатнома имзоланаётган вақтда Ўзбекистонда долларнинг курси 1 доллар учун 631 сўмни ташкил этган.

**Савол.** Импорт қилинган хизмат учун ҚҚСни ҳисобланг.

**Ечим.**

Кўрсатилган ҳуқуқий хизмат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган бўлганлиги учун импорт қилинган хизматнинг қиймати ҚҚС тортилади.

ҚҚС қуйидагича аниқланади:

$20\% \times (8000 \times 631 \text{ сўм/долл.}) = 1\,009\,600$  сўм. Ҳисобланган ҚҚС суммаси ўзбекистонлик корхона томонидан бюджетга хизмат кўрсатилган кундан 5 кун ичида ўтказилиши лозим.

**Мустақил ечиш учун масалалар.**

**1. ҚҚС тўловчиси бўлган қайта ишлаш корхонаси жорий йилда қуйидаги кўрсаткичларга эга.**

- Маҳсулотни сотишдан тушган тушум – 2400 м.с.

бунда қайтариб берилиши лозим бўлган идишнинг нархи – 150 м.с.

- текинга таннархи бўйича 100 минг сўмлик маҳсулот берилган.

- Олинган жарима суммаси – 30 м.с.

- Банкдан олинган процентлар – 12 м.с.

- 200 минг сўмга корхона томонидан номоддий активлар сотилган (бошланғич нархи – 600 м.с., тўпланган амортизация – 420 м.с.);

- ноликвид хом-ашё захираларини сотишдан тушган тушум – 96 м.с., уларнинг таннархи – 85 м.с.;

ҳисобварақ-фактурада олинган ҚҚС:

- хом-ашё учун – 480 м.с.;

- ишлаб чиқариш иншоотларини ижарага беришдан – 150 м.с.;

- уяли алоқадан – 60 м.с.

**Савол:** Жорий даврда бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи неча суммага тенг?

**2. ҚҚС тўловчи корхона кўрпа тикиб чиқаради.**

Битта кўрпанинг таннархи – 5 минг сўм. ҚҚСсиз битта кўрпанинг сотиш нархи – 9 минг сўм.

2004 йил жорий даврда сотилган кўрпалар:

- 300 та – ички бозорда;

- 500 та – эркин валютага экспорт қилинган (9 минг сўмга эквивалент бўлган нархда).

Бундан ташқари 10 таси болалар боғчасига текинга берилган.

40 та – корхона ишчи-хизматчиларга 4 минг сўмдан сотилган.

5 та – бош бухгалтернинг туғилган кунида (юбилей) ҳадя қилинган.

**Савол:** Сотув айланмалари бўйича ҳисобланган ҚҚСни аниқланг.

## 1.2. Акциз солиғи

Солиқ психологияси нуқтаи назаридан барча солиқлар истеъмол предмети ҳисобланади, акцизлар ҳам шулар жумласига киради ва қуйидаги афзалликларга эга. Товарнинг нархида ўтирганлиги учун улар кўзга кўринмайди, солиқнинг катта-кичиклигини билмаган сотиб олувчи унинг нархида солиқ ўтирганлигини билмай туриб товарни сотиб олади. Бу одатда билвосита солиқ бўлиб, уни яхшиси кўринмас деб аташ мақсадга мувофиқ бўлур эди. Солиқ ундиришнинг бу усули ҳукуматнинг энг яхши кўрган усулидир.

Акцизлар – товарлар учун қўйиладиган билвосита солиқларнинг бир тури бўлиб, қўшилган қиймат солиғидан фарқли маълум бир чегараланган тур ва гуруҳдаги маҳсулотларнинг нархига ёки кўрсатилаётган хизматларнинг тарифига қўшилади. «Акциз» сўзи француз тилидан келиб чиққан бўлиб, чопиб ташлаш маъносини билдиради. Бу ердан ушбу тўловнинг ўзига хос хусусиятлари келиб чиқади. Акцизлар товар нархига қўшилади ва ҳукуматга унинг қийматидан бир қисмини олишга ёки кесиб олишга имкон беради. Устига қўйилган қўшимча нарх маҳсулот ишлаб чиқаришнинг унумдорлигини ёки бирон бир алоҳида хусусиятларини билдирмайди, балки акциз товарларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг алоҳида шароитларидан келиб чиқиб белгиланади.

Акцизларнинг асосий ажратиб турадиган хусусиятлари қуйидагилар:

- Акцизлар кўпгина ҳолатларда бирон бир товарни ишлаб чиқариш учун кетган харажатга нисбатан унга бўлган талабнинг юқорилиги ва доимийлиги натижасида, унинг сотилиш нархи анча юқори бўлганда пайдо бўлади, масалан, ароқ, тамаки, кофе (Ўзбекистон шароитида пахта ёғи

ҳам киради). Ўз ҳукумат акцизлар ёрдамида товар қийматида ўтирган ўзига хос ишлаб чиқариш ва реализация шароитлари бўлган, аммо товарнинг унумлилигини ва истеъмол хусусиятларини акс эттирмайдиган қисмларини ундириб олади. Агарда ҳукумат ушбу хусусиятларини акциз солиғи ёрдамида ундирмаса, у ҳолда акциз товарларини ишлаб чиқарувчилар ўзлари бунга яраша хизмат кўрсатмаган ҳолда юқори даромадга эга бўладилар.

- Акцизлар жамият томонидан истеъмол қилиш кераксиз деб топилган товарларга – спиртлик ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ва бензинга қўйилади. Шундай қилиб, акцизлар истеъмолни меъёрга солиб турувчи бир асбоб сифатида хизмат қилади. Улар ёрдамида ҳукумат бир томондан инсон саломатлигига, жамият ва атроф муҳитга зарар келтирадиган товарларни (тамаки, вино, ароқ маҳсулотлари ва ҳ.қ.) сотилишини ушлаб турса, иккинчи томондан, ушбу товарларни сотиш натижасида жамиятда етказиладиган зарарларни молиявий қоплаш учун маблағ ундиради. Ўз ҳукуматнинг бундай тутган йўли эса ўз вақтида аҳоли томонидан адолатлик деб ҳисобланади, чунки алкоголь ичувчилар, чекувчилар, автомобил ёрдамида атроф-муҳитни захарловчилар қанчалик кўп истеъмол қилсалар, шунчалик кўп солиқ тўлайдилар, бу эса давлат бюджетини маблағ билан таъминлашига олиб келади.


- Барча билвосита солиқлар каби акциз ҳам солиқнинг фискал функциясини тўлиқ бажаради, яъни бюджетни жуда ҳам яхши маблағ билан таъминлайди. Аввал қимматбаҳо буюмлар ёки катта даромад келтирадиган фаолият турлари акциз солиғига тортилган эди. Аҳолининг кўпгина қисмининг даромад топиш даражаси юқори бўла бошлагандан буён акциз солиғига тортиладиган товарларнинг турлари ҳам кўпайди.

- Акцизлар табиий монополистларнинг нарх белгилашларидаги жараёнда ҳам фойдаланилади (шунинг билан жорий қонунчилигимизда акциз товарлар қаторига газ ва нефтнинг киришини тушунтириш мумкин бўлади).

Акциз солиғига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва ЎзР. ҳудудига импорт қилинган товарлар тортилади. Акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва улар қуйидагича:

- товар нархига нисбатан фоизларда белгиланади – адвалор ставка;
- товарнинг натурал кўринишидаги ҳар бир ўлчамига мутлоқ суммада белгиланади – қатъий ставка.

Бу ерда эслатиб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда кўпгина ривожланган давлатлардан фарқли биринчи ўринда инсон ҳаётида зарур бўлган пахта ёғи, гуруч, совун ва бошқа кўпгина товарларга нисбатан ҳам акциз солиғи қўлланилади. Бунда акциз солиғи бўйича солиққа тортишнинг асосий, яъни нархларнинг ўсиши билан ушбу товарларга нисбатан бўлган талаб ўзгармайдиган ва асосан қимматбаҳо буюмга нисбатан ёки инсон соғлиғи ва жамият учун зарарли бўлган товарларга нисбатангина солиқ солиш принциплари бузилган.



### ***Республикада ишлаб чиқарилган товарларга акциз солиғи ҳисоблаш хусусиятлари***

Республикада ишлаб чиқарилган товарларга акциз солиғи ҳисоблашда «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ишлаб чиқарилган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага (АВда 2004 йил 15 мартда 1325-сон билан рўйхатдан ўтган) асосан олиб борилади.

Ушбу йўриқномага асосан:

Акциз солиғи қўшимча қиймат солиғини солиш базасида ва нархда ҳисобга олинган билвосита солиқ кўринишида бюджетга тўланадиган (ундириладиган) соф даромаднинг қисмини ўзида акс эттиради.

**Акциз солиғи тўловчилари деб** мулкчилик шаклидан қатъи назар акциз солиғи тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи юридик шахслар ҳисобланади. Солиқ солиш мақсадларида юридик шахслар деганда ўзининг мулкчилигида, хўжалик юрисишида ёки тезкор бошқарувида мулкка эга бўлган, шунингдек ўзининг мажбуриятлари бўйича ушбу мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб счётига эга бўлган алоҳида бўлинмалар тушунилади.

Акцизланадиган товарлар учун **солиқ солиш объекти бўлиб:**

- **қатъий солиқ ставкалари белгиланган маҳсулотлар бўйича** - сотилган маҳсулотлар ҳажмига нисбатан натурадаги ифодаси.

Бу гуруҳга **алкогол ичимликлари, тамаки маҳсулотлари, ўсимлик ёғи** киради.

- **бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича** - келишилган нархларда (ўз ичига акциз солиғи суммасини олган), қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда юклаб жўнатилган товарнинг қиймати ҳисобланади.

Текинга бериладиган акцизланадиган товар ҳам солиқ солиш объекти

ҳисобланади. Бунда солиққа тортиш объектига қуйидагилар киради:

- алкоғолли маҳсулотлар, этил спирти, пиво, вино, вино материаллар бўйича - уларга нисбатан қатъий солиқ ставкалари белгиланган сотилган алкоғолли маҳсулотлар ҳажмининг натурадаги ифодаси;

- бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича - солиқ тўловчида товарни топшириш пайтида шаклланган, лекин ушбу акцизланадиган товарни ишлаб чиқаришда ҳақиқатда амалга оширилган харажатлардан кам бўлмаган ҳисобкитоб (улгуржи) нархлари даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган қиймат солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Берилган хом-ашёсидан ишлаб чиқарилган маҳсулот учун акциз солиғини ҳисоблаш маҳсулотларни реализация қилгандаги акциз солиғи обороти қуйидагича аниқланади:

- қатъий солиқ ставкалари белгиланган маҳсулотларга – тайёр маҳсулотнинг табиий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда;

- бошқа маҳсулотлар бўйича – тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган ишларнинг ва берилган хом-ашёнинг қийматларидан келиб чиқиб белгиланади.

Бундай ҳолатда акциз солиғи тўловчиси бўлиб, акцизланган товарларни сотувчи корхона ҳисобланади.

Акциз маркалари билан маркаланган товарлар бўйича акциз солиғи умумўрнатилган тартиб бўйича ҳисобланади. Акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиғи тўлови ҳисобига киритилмайди, у давр харажатларига олиб борилади.

*Акциз солиғининг суммаси қуйидаги формулага асосан ҳисобланади.*

1. Акциз солиғининг қатъий солиқ ставкалари белгиланган ҳолатларда, жумладан:

1.1. Сувсиз этил спиртининг 1 литри учун акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган маҳсулот бўйича маҳсулот бирлигига алкоғолли маҳсулот (спирти кам вино, шампан виносидан ташқари)

$$(M \times A) / 100,$$

**бунда:** **M** - тайёр маҳсулот таркибидаги спирт ўткирлиги, фоизларда (ундан спирт тайёрланган хом ашё туридан қатъи назар); **A** - акциз солиғининг қатъий ставкаси, ўлчов бирлигига сўмларда.

1.2. Тайёр маҳсулот бирлигига акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган маҳсулот бўйича (спирти кам вино, шампан виноси, пиво, вино маҳсулотлари, этил спирти, ҳамда тамаки маҳсулотлари ва ўсимлик мойи)

$$\Phi \times A,$$

**бунда:** **Φ** - тегишли ўлчов бирликларида сотилган маҳсулотнинг табиий ҳажми; **A** - акциз солиғининг қатъий ставкаси, ўлчов бирлигига сўмларда.



2. Бошқа фоиз (адвалор) кўринишидаги ставкалар белгиланган акцизланадиган маҳсулотлар бўйича акциз солиғининг суммаси қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$(O \times A) / 100,$$

бунда: **O** - ўз ичига акциз солиғини оладиган нарх, ҚҚСсиз; **A** - акциз солиғи ставкаси, фоизларда.

Акциз солиғи суммасининг ҳисоб-китоби учун акцизни ўз ичига оладиган нарх қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$O = (C \times 100) / 100 - A,$$

бу ерда: **O** - ҚҚСсиз акциз солиғини ўз ичига оладиган нарх; **C** - корхонанинг ҳисоб-китоб (улгуржи) нархи (меъёрий харажатлар ва фойда меъёри); **A** - акциз солиғи ставкаси.

*Ставкалари фоизларда белгиланган акцизланадиган маҳсулот бўйича акциз солиғининг ҳисоб-китобига шартли Мисол*

1.	Маҳсулот бирлигининг таннархи	сўм	1 500,0
2.	Зарурий фойда	сўм	100,0
3.	Маҳсулотнинг ҳисоб-китоб (улгуржи) нархи (1-сатр + 2-сатр)	сўм	1 600,0
4.	Акциз солиғи ставкаси	%	20
5.	Акциз солиғи билан маҳсулотнинг нархи (ҚҚСсиз) (3-сатр x 100) / (100 - 4-сатр)	сўм	2 000,0
6.	Акциз солиғининг суммаси (5-сатр - 3-сатр)	сўм	400,0

### **Алоҳида товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаш хусусиятлари**

Алкоғолли маҳсулот бўйича

Алкоғолли маҳсулот бўйича белгиланган тартибга мувофиқ бюджетга тўланадиган акциз солиғи суммаси белгиланган ставкалар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси билан “Ўзмеваабзавотузумсаноат-холдинг” ХК махсус ҳисобварағига ўтказиладиган солиқ суммаси ўртасидаги айирма сифатида белгиланади.

Алкоголли маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар уларга хизмат кўрсатадиган банкда “Ўзмеvasабзавотузумсаноат-холдинг” ХКга ўтказиладиган, белгиланган ставка бўйича ҳисоблаб чиқилган акциз солиғини тўлашга доир махсус ҳисобварақ очадилар, бу солиқ корхонанинг кўрсатилган ҳисобварағига ҳар ўн кунда, акциз солиғини тўлаш муддатларидан кечиктирмай ўтказилади.

“Ўзмеvasабзавотузумсаноат-холдинг” ХКга тегишли бўлган акциз солиғи суммаси, башарти корхона алкоголли маҳсулотга доир акциз солиғи бўйича тўловларнинг белгиланган прогнозларини бажарган ва унда кўрсатилган солиқ тури бўйича боқимандалар мавжуд бўлмаса, компаниянинг махсус ҳисобварағига йўналтирилади.

*Алкоголли маҳсулот бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғи ҳисоб-китобига Мисол (1 л. учун)*

N		Коньяк	Ароқ	Қувватлан тирилмага н вино
1.	Тайёр маҳсулот таркибида бўлган спирт ҳажми (%)	42	40	
2.	Акциз солиғи ставкаси			
а)	<i>(суvsиз этил спиртининг 1 литрига сўмда)</i>	4 000,0	2 660,0	-
б)	<i>(тайёр маҳсулотнинг 1 литрига сўмда)</i>	-	-	273,9
3.	Ҳисоблаб ёзилган акциз солиғининг суммаси			
а)	<i>(1-сатр x 2а-сатр / 100) (тайёр маҳсулотнинг 1 литри учун сўмда)</i>	1 680,0	1 064,0	
б)	<i>(2б-сатр) (тайёр маҳсулотнинг 1 литри учун сўмда)</i>	-	-	273,9
4.	"Ўзмеvasабзавотузумсаноат-холдинг" ХК махсус ҳисобварағига йўналтириладиган акциз солиғининг ставкаси			
а)	<i>(суvsиз этил спиртининг 1 литрига сўмда)</i>	60,0	60,0	-
б)	<i>(тайёр маҳсулотнинг 1 литрига сўмда)</i>	-	-	12,0
5.	"Ўзмеvasабзавотузумсаноат-холдинг" ХК махсус ҳисобварағига йўналтириладиган акциз солиғининг ставкаси			
а)	<i>(1-сатр x 4а-сатр / 100) (тайёр маҳсулотнинг 1 литри учун сўмда)</i>	25,2	24,0	-
б)	<i>(4б-сатр) (тайёр маҳсулотнинг 1 литри учун сўмда)</i>	-	-	12,0
6.	Бюджетга тўланадиган акциз солиғининг суммаси			
а)	<i>(3а-сатр - 5а-сатр) (тайёр маҳсулотнинг 1 литри учун сўмда)</i>	1 654,8	1 040,0	-
б)	<i>(3б-сатр - 5б-сатр) (тайёр маҳсулотнинг 1 литри учун сўмда)</i>	-	-	261,9

**Изоҳ.** Масалан, 10 минг дал ароқ сотилганида акциз солигининг ҳисоблаб ёзилган суммаси (спирт бўйича акциз солигини ҳисобга олмасдан) қуйидаги миқдорни ташкил этади:  $1064 \times 100000 = 106,4$  млн сўм, шу жумладан ундан:

“Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” ХК махсус ҳисобварағига ўтказиладигани:  $(24,0 \times 100000) = 2,4$  млн сўм;

бюджетга тўланадигани:  $(1040 \times 100000) = 104$  млн сўм.

### **Ўсимлик (пахта) ёғи бўйича**

Белгиланган тартибга мувофиқ озиқ-овқатда ишлатиладиган ўсимлик (пахта) ёғи бўйича, бундан саломас ва “Ўзбекистон” ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ мустасно, бюджетга тўланадиган акциз солигининг суммаси бўлиб умумбелгиланган ставка бўйича ҳисоблаб чиқилган солиқ суммаси билан махсус ҳисобвараққа ўтказиладиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Бунда акциз солиғи суммаси, корхона томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилган ва ўсимлик (пахта) ёғи бўйича акциз солиғига доир боқимандалар мавжуд бўлмаган тақдирда, махсус ҳисобвараққа йўналтирилади.

Тозаланган ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарадиган корхоналар уларга хизмат кўрсатадиган банкда белгиланган миқдорда ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғини тўлаш бўйича алоҳида ҳисобварақ очадилар, у корхонанинг кўрсатилган ҳисобварағига ҳар ўн кунда, акциз солиғини тўлаш муддатларидан кечиктирмай ўтказилади.

Акциз солиғи бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилган ва унга доир боқиманда бўлмаган тақдирда корхонанинг махсус ҳисобварағида тўпланган сумма далолатнома асосида ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилмаган ёки акциз солиғи бўйича боқиманда бўлмаган тақдирда етишмаётган сумма далолатнома асосида корхона ҳисобварағида тўпланган сумма ҳисобига бюджетга ундирилади, тўпланган сумманинг қолган қисми эса махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг махсус ҳисобварақларида тўпланган пул маблағлари қатъиян мақсадга кўра ишлатилади, яъни махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 6-кунидан кечиктирмай, махсус ҳисобварақда тўпланган маблағлар конвертацияга йўналтирилади. Конвертацияланган маблағлар икки банк кунни мобайнида ҳукумат кафолати билан жалб этилган кредитларни қайтаришга йўналтирилиши керак. Солиқ

солишдан бўшатиб олинган маблағлардан мақсадга кўра фойдаланилмаганда корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

### Акциз солиғини ҳисобга олиш

Унга доир акциз солиғи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўланган хом ашёдан (маҳсулотдан) акцизланадиган товар ишлаб чиқарилган тақдирда, хом ашё (маҳсулот) бўйича тўланган акциз солиғи суммаси ишлаб чиқариш ҳаражатларига киритилмайди, балки тайёр маҳсулотнинг сотилган ҳажми бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғи суммасини аниқлаш чоғида ҳисобга олиниши керак.

Ҳисобга олинадиган акциз солиғи суммаси устидан назоратни амалга ошириш учун акцизланадиган хом ашё (маҳсулот) етказиб берувчилар ҳисобварақ-фактураларда юклаб жўнатилган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи суммасини ажратиб кўрсатишлари керак.

Агар харид қилинаётган акцизланадиган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи суммаси ҳисобварақ-фактурада ажратиб кўрсатилмаган бўлса, у ҳисоб-китоб йўли билан ҳисоблаб чиқарилмайди ва тайёр маҳсулот бўйича ҳисобга олинмайди.

Кейинчалик ҳисобга олинадиган, харид қилинадиган акцизланадиган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи суммаси алоҳида очиладиган “Харид қилинадиган акцизланадиган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи” (4400 ҳисобварақлар туркумига кирувчи «Бюджетга аванс тўловларини ҳисобга олиш ҳисобварағи») ҳисобварағида ҳисобга олинади ва бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағининг дебетига сотилган маҳсулот (солиқ солинадиган айланма) ҳажмига тўғри келадиган ҳиссада ҳисобдан чиқарилади.

Бензин, дизель ёқилғиси ва авиакеросин ишлаб чиқариш чоғида нефть ва газ конденсати бўйича ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси ҳисобга олинмайди.

#### Алкоғолли маҳсулот бўйича ҳисобга киритишга Мисол (“Юбилей” ароғи)

1.	Ароқ таркибидаги спиртнинг ҳажми (%)	40
2.	Ароққа доир акциз солиғининг ставкаси ( <i>сувсиз этил спиртининг 1 литрига сўмда</i> )	2 660
	а) шу жумладан “Ўзмеваабзавотузумсаноат-холдинг” ХК махсус ҳисобварағига йўналтириладиган акциз солиғининг суммаси	60
3.	Акциз солиғининг суммаси: ( <i>1 дал ароқ учун сўмда</i> )	
	а) тайёр маҳсулотга ҳисоблаб ёзилган ( $2\text{-сатр} \times 1\text{-сатр} / 100 \times 10$ )	10 640
	б) “Ўзмеваабзавотузумсаноат-холдинг” ХК махсус ҳисобварағига йўналтириладиган ( $2\text{а-сатр} \times 1\text{-сатр} / 100 \times 10$ )	240

4.	Этил спирти учун акциз солиғининг ставкаси (1 дал спирт учун сўмда)	8 510
5.	Ҳисобга киритиладиган 1 дал тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун фойдаланган спиртга доир акциз солиғининг суммаси (4-сатр x 1-сатр / 100) (1 дал ароқ учун сўмда)	3 404
6.	Бюджетга тўланадиган ароқ бўйича акциз солиғининг суммаси (3а-сатр - 3б-сатр - 5-сатр) (1 дал тайёр маҳсулот учун сўмда)	6 996

2004 йил 1 январдан белгиланди:

- этил спиртини акциз солиғига тортишнинг ягона тизими жорий қилинди, унда этил спиртининг барча истеъмолчиларга сотишда унга акциз солиғининг саноқ бирлигига қатъий белгиланган қийматдаги суммаларини (сўмларда) ҳисоблаш кўзда тутилган. Бунда акциз солиғининг корхона томонидан тўланган қисми – акцизланган товар ишлаб чиқарувчиларга тайёр маҳсулот учун акциз солиғини ҳисоблашда спиртнинг нархида ўтирган акциз солиғининг қиймати ҳисобга киритилади. Худди шундай ставка ва ҳисобга киритиш тартиби спиртни ўзи ишлаб чиқарган ва истеъмол учун фойдаланадиган корхоналарга ҳам қўлланилади.

- винобоп материаллар ва пиво учун акциз солиғини ҳисоблашда унинг ставкаси саноқ бирлигига қатъий белгиланган қийматдаги суммаларида (сўмларда) олиш белгиланди. Бунда винобоп материаллар барча истеъмолчиларга, жумладан вино ишлаб чиқариш учун "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" ХК ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли корхоналарга акциз солиғини ҳисоблаган ҳолда сотилади. Ушбу корхоналар тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришларида тўланган акциз солиғини ҳисобга киритишлари мумкин бўлади.

2005 йил 1 январдан республикада ишлаб чиқарилган истеъмол ва техник ўсимлик (пахта) ёғлари, тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғининг қатъий белгиланган ставкаси қўлланила бошланди. Бундан ташқари, республикада ишлаб чиқарилган атир совун, гуруч, гилам, нефть ва газ конденсатлари учун акциз солиғи бекор қилинди.

### **Акциз солиғи бўйича имтиёзлар**

Қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:

а) акцизланадиган товарларни экспортга етказиб бериш, бундан рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган айрим товарлар мустасно;

б) саломас ва "Ўзбекистон" ёғини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган пахта ёғини етказиб бериш;

в) халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимининг эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган махсус мебель.

Имтиёзлар тақдим этиш мақсадида махсус мебель деганда:

- давлат ва нодавлат таълим ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун;
- бўйсунишдаги таъминот-сотиш ташкилотларига таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини жиҳозлаш учун сотиладиган мебель тушунилади.

Мазкур мебелни бошқа истеъмолчиларга сотилганда унга умумбелгиланган тартибда акциз солиғи ундирилади.

Ушбу имтиёз таълим ва тиббиёт муассасаларини махсус мебеллар билан таъминлаш учун сотиб олиш мақсадида улар билан контракт (шартнома) мавжуд бўлгандагина берилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябр «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчи ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 390-сонли Қарорига мувофиқ ноозик-овқат истеъмол товарлари (тамаки маҳсулотлари ва заргарлик буюмлари, кир совун ва атир совун, шунингдек бензиндан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар, бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг ассортиментини кенгайтиришга ва рақобатбардошлигини оширишга мақсадли йўналтирилган тақдирда, бюджетга акциз солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

### Акциз солиғи ставкаси

Акцизланган товарлар бўйича акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва қуйидагича бўлиши мумкин:

- Товар нархи нисбатан фоизларда белгиланади – **адвалор ставка**;
- Товарнинг натурал кўринишидаги ҳар бир ўлчамига абсолют суммада белгиланади – **қатъий ставка**.

### Ўзбекистон Республикасида 2005 й. учун ишлаб чиқариладиган акцизланадиган товарлардан акциз солиғи Ставкалари

Товарлар номи	Солиқ ставкаси	
	акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда сотиш нархларида товарлар қиймати: нисбатан фоизлард	бир ўлчов бирлигига сўмларда
1. Ароқ ва ҳажмий таркибида этил спирти 30 фоиздан ортиқ бўлган бошқа алкоғолли маҳсулотлар (1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун)(1)		2660*

2.Коньяк (бренди) (1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун) (1)		4000*
3.Кучли винолар ва ҳажмий таркибида 10%дан 30%гача этил спирти узум ва мева-сабзавотдан тайёрланган винолар ҳамда бошқа алког. ичимликлар (1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун) (1)		1312,5*
4.Ҳажмий таркибида спирт 10 фоизгача бўлган кучсиз алког. ичимликлар (1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун) (1)		1860
5.Спирт қўшилмаган винолар (1 литр тайёр маҳсулот учун) (1)		273,9*
6.Шампан виноси (1 шишаси учун) (1)		182*
7.Этил спирти, "Ўзмева-сабзавот-узум-саноат-холдинг" ХК корхоналар истеъмоли учун ишлаб чиқарган этил спирти 1 дал учун		1410
8.Винобоп материаллар (1 л тайёр маҳсулот учун)		
оқ спирт қўшилмаган		110
қизил спирт қўшилмаган		130
кучайтирилган		100
9.Пиво, ҳажмий таркибида этил спирти (алкоголи) бўлган (1л маҳсулот учун) фоизларда (1):		
4,5 гача (киради)		80
4,5 дан юқори – 6,0 гача (киради)		100
6,0 дан юқори		170
10. Ўсимлик (пахта) ёғи		
Истеъмол (саломас ва "Ўзбекистон" ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатилмайдиган ёғдан ташқари) 1 тоннасига		495000**
Техник (истеъмол маҳсулотларига қўшиб бўлмайдиган чучуклик сони 0,3 мг КОН/г дан ошиқ бўлган) 1 тоннасига		329000
12. Кир совун ва атир совун	20	
13. Фильтрли сигареталар (1000 донаси учун) (1):		
- юмшоқ ўрамда		4175
- қаттиқ ўрамда		5206
14. Фильтр-сиз сигареталар, папирослар (1000 донаси учун)		1476
15. Заргарлик буюмлари (2)		
16. Пахта толаси (2)		
17. "ЎзДЭУавто" ҚК автомобиллари (3)	22,5***	
18. Кумушдан ишланган пичоқ ва санчқилар	10***	
19. Нефть маҳсулотлари (4):		
- автомобиль бензини А-72, А-76	45	
- бензин Аи-93, А-92, Аи-95	45	
- дизель ёқилғиси	40	
- авиакеросин	20	
20. Табиий газ, аҳолига сотиладигани бундан мустасно (4)	19	
23. Биллур буюмлар, шу жумладан биллур ёритиш асбоблари	5***	
24. Мебель (ҳалқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизими эҳтиёжлари учун махсус мебеллар бундан мустасно)	5***	
25. Видео ва аудиоаппаратура	5***	

*\*) акциз солиғи суммаси белгиланган тўлов прогнозлари бажарилганлиги ҳамда бюджетга тўловлар бўйича боқиманда мавжуд бўлмаган тақдирда "Ўзмева-сабзавот-узум-саноат-холдинг" ХК махсус ҳисобрақамига қуйидаги қийматларда йўналтирилади:*

*-ҳажмий таркибида этил спирти 10%гача, 10%дан 30%гача, 30% юқори ва ундан ортиқ бўлган алког. ичимликлар, шунингдек сув қўшилмаган бир литр спиртга ундирилмайдиган, коньяк (бренди)га белгиланган ставкадан 60 сўм миқдоридан;*

- 1 бут. шампан виноси ва 1 литр спирт қўшилмаган винодан белгиланган ставка суммасидан 12 сўм.

\*\*\*) ставкаси 1 тоннасига 440550 сўмгачаси давлат бюджетига ундирилади, қолган қисми (54450 сўм) – «Ёғмойтамакисаноат» ассоциациясининг ҳисобрақамига ўтказилади, агарда акциз солиғи суммаси белгиланган тўлов прогнозлари бажарилганлиги ҳамда бюджетга тўловлар бўйича боқиманда мавжуд бўлмаса.

#### **Изоҳ:**

1) Қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан нархларнинг ўзгариши ҳамда сотиладиган маҳсулот ҳажмидан келиб чиққан ҳолда йил давомида қайта кўриб чиқилади.

2) Пахта толаси, заргарлик буюмларига акциз солиғи ставкалари ҳамда акциз солиғини тўлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

3) "ЎзДЭУавто" АЖ автомобилларига акциз солиғини тўловчилар ва уни тўлаш тартибини Молия вазирлиги ЎЗР Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда белгилайди.

4) Ставкалар ўртача ҳисобланган миқдорда келтирилган, акциз солиғини тўловчиларга доир ставкаларнинг аниқ ҳажми ва тўлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ЎЗР Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда белгилайди.

#### **Акциз солиғини тўлаш**

Тўловчилар томонидан сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

- жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;

- жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;

- кейинги ойнинг 3-кунидан кечиктирмай - ҳисобот ойининг қолган кунлари учун.

Товарга илова қилинадиган ҳужжатларда кўрсатилган маҳсулот юклаб жўнатилган кун сотиш куни бўлиб ҳисобланади.

Ўн кунлик тўловлар бўйича акциз солиғининг келиб тушган суммаси Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларида бир вақтда солиқни "Ҳисоблаб ёзиш" ва "Тўлаш" устунларида акс эттирилади.

Солиқ тўловчи солиқ хизматининг ўзи рўйхатдан ўтган тегишли органига акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобни ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-кунига қадар, унга солиқ солинмайдиган айланмалар суммаларининг маълумотномасини илова қилган ҳолда тақдим этади.



Ҳисобот даври мобайнида ўн кунлик тўловлар билан киритилган акциз солиғи суммалари тегишли ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасида ҳисобга олиниши керак.

### **Мисол**

Кир совуни бўйича тўланиши лозим бўлган акциз солиғини ҳисобланг, агарда корхонанинг бир дона кир совун ишлаб чиқариши учун барча харажатлари - 180 сўмни, фойда меъёри – 25%ни, акциз солиғи ставкаси – 20%ни ташкил этса.

#### **Ечим**

Бир дона кир совуннинг ҳисобланган нархи (харажат плус фойда):

$$180 + 25\% \times 180 = 225 \text{ сўм.}$$

$$\text{Солиққа тортиладиган оборот} = 100 \times 225 : 100 - 20 = 281,25 \text{ сўм.}$$

$$\text{Акциз солиғи суммаси} = 20\% \times 281,25 = 56,25 \text{ сўм.}$$

### **Мустақил ечиш учун мисол**

20 минг бутилка (0,5 литрдан) ароқни сотишда акциз солиғи суммасини ҳисобланг, агарда ароқдаги спиртнинг ҳажми 41%ни ташкил этса.

## **1.4. ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАДИ (ФОЙДАСИ)ГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ**

Ўзбекистон Республикасида юридик шахслардан ундириладиган даромад (foyda) солиғи бўйича солиққа тортиш системанинг ривожланишини 1991 йилдан шу кунга қадар назар ташлайдиган бўлсак қуйидагиларни кузатиш мумкин бўлади:

- умумий тартибда барча солиқ тўловчилар учун даромадларни ҳисобга олиш усули жорий қилинди;
- солиқ ставкаси 38 фоиздан то 15 фоизгача туширилди;
- солиқ тўловчилар мустақил равишда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиққа тортиш усуллари қўллаш ҳуқуқига эга бўлдилар;
- чет эллик юридик шахсларни солиққа тортиш тартиби аниқланди, бунда уларни резидентлик ва доимий муассаса хусусиятларига қараб бўлиб чиқилди;
- «Солиқ тўловчининг идентификация рақами», «лизинг», «шубҳали қарзлар» ва шунга ўхшаш кўпгина тушунчалар киритилди.

## Даромад (фойда) солиғи тўловчилари

Юридик шахслар даромадларидан ундириладиган солиқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, “Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида” ги (№1109, 2002 йил 13 март) йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

**Молия йилида солиқ солинадиган даромад (фойда)га эга бўлган юридик шахслар даромад (фойда) солиғи тўловчилар ҳисобланади.**

Ушбу солиқнинг тўловчиси бўлиб, чет эллик юридик шахслар ва солиқ солишнинг махсус тартибига ўтган хўжалик юритувчи субъектлар, ҳисобланмайдилар. Буларга қуйидагилар киради:

- ягона солиқ тўловчиси бўлган микрофирма ва кичик корхоналар;
- савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш корхоналари, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, фақат қатъий белгиланган солиқ тўлаш ўрнатилган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар, ҳамда лотереялар, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ялпи тушумдан ундириладиган ягона солиқ тизимига ўтган юридик шахслар – асосий фаолиятлари бўйича.

Солиққа тортиш мақсадида ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган барча корхона ва ташкилотлар (уларнинг бўлинмалари ҳам) юридик шахс ҳисобланади, ундан ташқари улар мустақил баланс ва ҳисоб рақамларига эга бўлишлари керак.

**Юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари** Ўзбекистон Республикасида ҳамда ундан ташқарида кўрсатган фаолият манбаларидан олинган даромадлари (фойда) бўйича солиқ солинади.

*Ўзбекистонда таъсис этилган ёки рўйхатга олинган, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатга олинган, бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашган юридик шахс Ўзбекистон Республикасининг резиденти ҳисобланади.*

**Даромад (фойда)ни солиқ солиш объекти:**

Солиқ кодекси ва "Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги (бундан буён – харажатлар таркиби ҳақидаги Низом) Низомга мувофиқ жами даромад билан чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган, ушбу Низомнинг 1,2-сонли Иловаларида келтирилган харажатлар суммасига тузатишлар киритиш натижасида аниқланган даромад даромад (фойда) солиғи объекти ҳисобланади.

Солиқ солиш объектини (ССО) қуйидаги формула кўринишида келтириш мумкин:

$$ССО = \text{Даромадлар} - \text{Харажатлар} + \text{Ил. 1} \pm \text{Ил. 2} - \text{Имтиёзлар.}$$

Муайян мақсаддаги вазифаларни ҳал этиш ва биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган бадаллар, пайлар ва устав фондига (сармоясига) бошқа мақсадли молиявий қўйилмалар ушбу муайян мақсаддаги вазифаларни ҳал этиш учун махсус ташкил этилган юридик шахснинг даромади ҳисобланмайди ва солиқ солиш объекти бўлмайди.

### Юридик шахслар йиллик жами даромадларининг таркиби ва структураси

Жами даромад таркибига юклаб жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс томонидан олиниши лозим бўлган (олган) ёки текинга олинган пул ёхуд бошқа маблағлар киради.


Жами даромадларга қуйидагилар киритилади:

1) **маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан келадиган тушум;**

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан келадиган тушум деганда:

- **юклаб жўнатилган маҳсулот учун тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларида кўрсатилган суммалар;**
- **буюртмачи томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаларида кўрсатилган суммалар;**
- **хизматлар кўрсатилиши фактини тасдиқлайдиган ҳужжатларда кўрсатилган суммалар тушунилади.**

Даромадлар (фойда) солиғини тўловчилар ҳисобланадиган *харид қилувчи, тайёрловчи ва сотувчи ташкилотлар* учун солиққа тортиш мақсадларида сотишдан олинган тушум деганда **сотилган товарларнинг сотиш нархи билан харид нархи ўртасидаги фарқ** тушунилади.



- кечиш натижасида;
- олинган жарималар,
- пенялар, неустойкалар;
- бошқалар.
- бериш;
- инвестицияларни
- қайта баҳолаш;
- бошқалар.

Воситачилик фаолиятдан даромад оладиган (комиссион ҳақлар, фоизлар сифатида) корхоналар учун тушум деганда солиқ солинадиган даврда амалга оширилган **барча битимлар бўйича олинган воситачилик ҳақлар (фоизлар)** суммаси тушунилади.

Даромаднинг тан олиш муддати 2-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига асосан аниқланади.

Сотувдан тушган даромадни ҳисоботда кўрсатишнинг ҳуқуқий томонининг бошланғич нуқтаси бу мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқини бошқасига берилиши билан боғлиқ ва, одатда, сотиш натижасида олинадиган даромад товарни ортиб юбориш вақтида пайдо бўлади.

Агарда товарнинг сотиш нархига унинг сотилгандан сўнг кўрсатиладиган хизмат нархлари ҳам киритилган бўлса, у ҳолда хизматдан тушадиган даромад кечиктирилган бўлиши ва асосий фаолиятдан олинадиган даромад сифатида эса кўрсатилган хизмат даврини тан олиниши лозим бўлади.

Масалан, ксерокснинг сотилиш нархи 600,0 минг сўмни ташкил этади. Ушбу нархга келишилган олди-сотди шартномасига асосан ксероксга бир йил давомида сотувдан сўнг кўрсатиладиган хизмат учун тўланадиган 120,0 минг сўм (ҳар ойда 10,0 минг сўмдан) ҳам киради. Бундай ҳолатда ксерокснинг сотув нархи унинг сотилиш вақтидаги даромади сифатида, яъни 480,0 минг сўмгина тан олинади, қолган сумма даромад сифатида эса хизмат кўрсатилишидан тушиш вақтида тан олинади.

**2. Асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активларни сотишдан келадиган даромад.**

Корхонанинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкни сотишдан келадиган даромадни белгилаш чоғида солиқ солиш мақсади учун ушбу фондлар ва мол-мулкнинг **сотилиш ва қолдиқ қийматлари ўртасидаги фарқ (ошиб кетган ҳолат) ҳисобга олинади.**

Бунда мол-мулкнинг қолдиқ қиймати асосий фондлар, моддий активлар, арзон ва тез эскирувчан буюмларга нисбатан қўлланилади.

Агар активларнинг фақат бир қисми сотилса, у ҳолда сотиш санасидаги активлар қиймати қолган ва сотилган қисмлар ўртасида тақсимланади.

*Активлар бепул асосда ёки пасайтирилган қиймат бўйича топширилганда* топширувчи шахс активларининг қиймати шаклланган харажатлардан келиб чиқиб, олаётган шахс даромадлари эса - кирим қилинган баҳолаш қиймати бўйича, лекин топширилаётган активлар таннархидан паст бўлмаган тарзда, белгиланади.

*Масалан, қолдиқ қиймати 340 минг сўм бўлган компьютер текинга берилган. Ушбу техникани олган шахс учун даромад ҳисобланади ва даромад суммаси 340 минг сўмни ташкил этади (топириллаётган активнинг таннаридан наст бўлмаган тарзда).*

*Компьютерни текинга беришида унинг қолдиқ нархидан кўрилган зарар уни берган корхона учун даромад (фойда) солиғи базасини камайтирмайди.*

Шуни таъкидлаш лозимки, Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга мувофиқ кўшилган капитал акцияларни номинал қийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинмаган эмиссия даромадини акс эттириб, у даромад кўринишида ҳисобга олинмасдан, балки кўшилган капитал ҳисобварағида ҳисобга олинади.

### **3) фоизлар кўринишидаги даромадлар;**

Депозит қўйилмалар, қарз мажбуриятлари ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича олинмаган даромадлар фоизлар жумласига киритилади.

Займ, ссуда ва бошқа турдаги хизматлар учун олган тақдирловчи сумма солиқ тўловчининг даромади ҳисобланади ва тўлов манбаида 15% ставкада солиққа тортилади.

*Фоиз кўринишидаги даромадларни акс эттиришида, шуни эсдан чиқариш керак эмас-ки, бунда асосий принцип бўлиб ҳисоблаш принципи бўлади, шунинг учун пул кўринишини олинмаган ёки йўқми барибир даромадни кўрсатиш лозим бўлади.*

Резидент бўлган банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари томонидан фоиз кўринишидаги даромадлар олганларида тўлов манбаида солиққа тортилмайди, шунинг учун резидентнинг - банк ва бошқа молия-кредит ташкилотининг ўзида белгиланган тартибда солиққа тортилади.

### **4) дивидендлар;**

Акциялар бўйича ва хўжалик юритувчи субъектларнинг устав сармоясидаги улушбай қатнашувидан олинмаган даромадлар солиқ солиш мақсадлари учун дивидендлар ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадида дивидендлар даромад сифатида кўрилиб, тўлов манбаида 15% ставкада солиққа тортилиши лозим.

Агарда юридик шахс дивиденд кўринишида олган даромадини даромад тўлаган юридик шахснинг устав жамғармасига йўналтирса, бундай даромад солиққа тортилмайди.

Юридик шахс – резидент, Ўзбекистон ҳудудида тўлов жойида аввал солиққа тортилган дивиденд ва процентлар олса, ва у ҳақида, яъни **тўлов манбаида солиққа тортилганлиги ҳақида, исботловчи ҳужжатлари бўлса**, у жами даромадларидан чиқариб ташлаш ҳуқуқига эгадирлар.

### **5) бепул олинган мол-мулк;**

Агар маблағларни бепул топириш тизим ичида корхоналар ўртасида юз берса, бунда тизим деганда вазирлик, концерн, трест ва ҳоказолар тушунилади ва бу маблағлар тақсимлаш баланси бўйича, юқори ташкилот буйруғига кўра олинган бўлса, *улар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.*

### **б) мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромад;**

Бу ерда ҳам жорий ижара, ҳамда узоқ муддатли молиявий ижара (лизинг) солиққа тортиш объектига киради.

Лизинг (молиявий ижара) ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради. Бунда лизинг шартномаси қўйидаги шартлардан бирига мувофиқ бўлиши керак:

лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг 80%дан ортиқ бўлса ёки лизинг объектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20%дан кам бўлса;

лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг олувчи лизинг объектини унинг бозор қийматидан паст нархда эвазини тўлаб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кунидаги лизинг объекти қиймати асос бўлади;

лизинг шартномаси амал қиладиган давр учун лизинг тўловларининг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90% ортиқ бўлса.

Бунда, ер участкалари ва бошқа табиий объектлар, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин эмас.

Лизинг тўловининг барча суммаси лизинг берувчига даромад бўла олмайди, ундан фақат молиявий даромадигина, яъни фоиз ставкаси даромад бўлиб ҳисобланади.

#### **7) роялти;**

Роялтига - муаллифлик ҳуқуқи, “ноу-хау”, компьютерда дастурий маҳсуллар, патент, чизмалар, нусхалар, товар белгиси, саноат, савдо ва илмий-текшириш ускуналари ва бошқа мулк турларидан фойдаланганлик учун тўланадиган компенсация тўловлари киради.

*Масалан, корхона “Кока-кола” фирмасининг товар белгисини ишлатганлиги учун товар белгиси эгасига (фирмага) олинган даромадидан (ёки олинган фойдасидан) маълум фоиз тўлаб туради. Товар белгиси эгаси бундай ҳолатда роялти кўринишидаги даромадни олган бўлиб ҳисобланади.*

**8) текин молиявий ёрдам (давлат бюджетидан субсидиялар бундан мустасно);**

Бу ерда текинга берилган молиявий ёрдам **вақтинчалик** кўринишда бўлиб, бундай ёрдам қайтариб бериш шарти билан берилса, у ҳолда ёрдам олувчининг бундай даромади солиққа тортилмайди.

**9) даъво муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;**

Товар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олишда, шу билан бирга ишчиларга иш ҳақи ҳисобланганда ва бошқа тўловлар бўйича мажбурият пайдо бўлган даврдан 3 йил муддат ўтса, у ҳолда бундай тўловлар гумонли деб қаралади ва солиқ тўловчининг даромадига қўшилади.

*Мисол.*

*Корхона сотувчи олдидан 2001 йил сентябр ойида берилган 3400 минг сўмлик товар учун кредитор қарзи мавжуд эди. Ушбу кредитор қарзининг пайдо бўлган даврдан уч йил муддат, яъни даъво қилиш муддати ўтгандан сўнг, 2004 йил корхона 3400 минг сўмни ўзининг даромадига қўшиши шарт.*

**10) илгари чегирилган харажатлар, зарарлар ёки шубҳали қарзларни қоплаш кўринишида олинган даромадлар;**

Бундай даромадларга қуйидагилар киради:

- аввал чегирмага олиб борилган ва кейинги солиқ даврларида қопланган шубҳали деб тан олинган талаб қилинаётган суммалар;
- аввал чегирмага олиб борилган харажатларни (зарарларни) қоплаш учун олинган ихтиёрий компенсациялар (қопламалар).

Олинган компенсация қопланган солиқ даври учун даромад бўлиб ҳисобланади.

*Мисол.*

*1998 йил январда ортиб юборилган товар учун сотиб олувчи корхонадан дебитор қарзи бор эди. Қарз ҳосил бўлган кундан уч йил ўтгандан сўнг даъво қилиш муддати тугади ва корхона ушбу қарз суммани 2001 йил зарарига олиб борди. Аммо, 2002 йил сотиб олувчи аввалги қарзини қоплади, шунинг учун тўланган сумма корхонанинг жами даромадига **илгари чегирилган харажатлар, зарарлар ёки шубҳали қарзларни қоплаш кўринишида олинган даромадлар сифатида қўшилади.***

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан сотилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун тўланиши лозим бўлган маблағга талаб пайдо бўлган кундан уч йилдан сўнг ҳам бажарилмаса, бундай талаблар шубҳали талаблар деб аталади. Бундан ташқари сотилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун тўланиши лозим бўлган маблағга талаб солиқ тўловчининг (қарздорнинг)-дебиторни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда банкрот деб топилса, у ҳолда ҳам пайдо бўлган талаб –шубҳали талаб деб қаралади.

Солиқ тўловчининг шубҳали талабларини чегирмага олиб бориш учун қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

1) чегирмага олиб борилган даврда бухгалтерия ҳисобида кўрсатилган бўлишлиги;

2) ҳисобварақ-фактураларининг белгиланган тартибда расмийлаштирилган бўлишлиги;

3) банкрот бўлган дебиторнинг ҳақиқатда банкрот бўлганлигини тасдиқловчи суднинг қарори бўлишлиги.

**11) валюта ҳисобварақлари бўйича курсдаги мусбат фарқ;**

Бу ерда чет эл валютада қилинган операциялар натижасида ҳосил бўладиган фарқ тушунилади. Бундай фарқ ушбу операцияни амалга оширилган кун билан бу операция бўйича ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилган кунда бухгалтерия ҳисобида операцияни сўмдаги кўрсатишида ёзилиш вақтида ҳосил бўлади.

“Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида”ги (2004 йил 17 сентябр 1411-сонли) Низомга мувофиқ *хўжалик субъектларининг балансларидаги чет эл валютаси бандлари бўйича операцияларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки випискасига асосан курс бўйича фарқларини ҳар ойда қуйидаги ҳисобварақларда олиб бориб ёзилади:*

**"Келгуси давр даромадлари"** ҳисобварағига – **жамғариш усули** фойдаланилганда;

**"Фойда ва зарарлар"** ҳисобварағига – **бевосита киритиш усулидан** фойдаланилганда.

Корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсатига қараб керакли усул танланади.

Хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсати тақвимий йил давомида ўзгартирмаслиги керак, бундан 1-сонли БХМСнинг «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» 56-бандида кўзда тутилган ҳолатлар истисно:

- субъект қайта ташкил этилганда (қўшилганда, ажралиб чиққанда, бирлашганда);

- мулк эгалари алмашганда;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларида ёки Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий тизимда ўзгаришлар бўлганда;

- бухгалтерия ҳисобининг янги усуллари ишлаб чиқилганда.

Жамғариш усулидан бевосита киритиш усулига ўтаётганда илгари баланснинг валюта моддаларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида жамғарилган курс фарқлари ҳисоб сиёсати қабул қилинган тақвимий йилнинг охирига қадар ҳар ойда (тенг равишда) хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолиятининг натижаларига ҳисобдан чиқарилади.

Баланснинг валюта моддаларини ҳар ой қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган ва илгари тўпланган ижобий курс фарқлари (жамғариш усулига асосан) қуйидаги тартибда молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади:

- чет эл валютасидаги дебиторлик қарзлари бўйича уларнинг қопланиши (ёки ҳисобдан чиқарилиши) бўйича;

- бошқа ҳолларда баланснинг тегишли валюта моддалари бўйича хўжалик операцияларини амалга оширилиш жараёни (меъёри) бўйича.

Баланснинг валюта моддаларини сўмга нисбатан қайта баҳолашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг **ҳисобот ойининг охиригача** бўлган курс олинади.

*Масалан, корхонанинг валюта ҳисоб рақамида 20 минг долл. бор.*



Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг курси аввалги ойнинг охириг кунига 1 долл. 900 сўмни, ҳисобот ойининг охириг кунига эса 1 долл. 910 сўмни ташкил этган.

Шундай қилиб, ҳисобот ойига курслар орасидаги фарқ:  
 $(910 - 900) \times 20000 = 200000$  сўм.

Курслар орасидаги фарқ валюта моддаларини қайта баҳолашдан аввалги ва кейинги қийматларини таққослаш йўли билан аниқланади.

**Баланснинг валюта моддаларига қуйидагилар киради:**

- **Кассадаги, банкдаги депозит ва ссуда ҳисобварақларидаги валюта маблағлари, аккредитивлари, валютадаги ссуда қарзлари;**
- **Чет эл валютасидаги пул ҳужжатлари;**
- **Чет эл валютасидаги қисқа муддатли ва узоқ муддатли қимматбаҳо қоғозлар;**
- **Чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари олинган кредит ва займлар;**

Қуйидагилар қайта баҳоланмайди:

- чет эл валютасига сотиб олинган хўжалик юритувчи субъектнинг мулклари (асосий воситалар, номоддий активлар, қимматбаҳо товар-моддий бойликлар, арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар);

- устав капитали (фонди) миқдори ва хўжалик юритувчи субъект, шунингдек чет эл инвестицияларига эга бўлган корхоналар таъсисчилари (қатнашчилари)нинг улуш нисбатлари.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, корхонанинг устав капитали (фонди)ни шакллантиришда таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санасидаги ва ҳақиқатда устав капитали (фонди)га валютадаги бадалларни киритиш санасидаги Марказий банк **курслари ўртасида** вужудга келадиган курс фарқи қўшилган капитал ҳисобварағида акс эттирилади ва хўжалик юритувчи субъектнинг даромади деб ҳисобланмайди.

Республика ҳудудида хўжалик фаолият юритмаётган чет эл ваколатхоналарининг валюта ҳисобварақларидаги чет эл валютасини ҳисобот даврининг охириг санасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича қайта ҳисобланганда ҳосил бўлган **курслар ўртасидаги фарқ** уларнинг даромади сифатида кўрилмайди.

Шунингдек, агарда нодавлат нотижорат ташкилотлар грант асосида мақсадли молиялаштириш маблағини чет эл валютаси кўринишида олсалар, бундай ҳолатларда курслар орасидаги фарқ мақсадли молиялаштириш суммасини кўпайишига (камайишига) олиб борилади.

## **12) фавқулодда даромадлар;**

Фавқулотдаги даромадлар, худди шунингдек фавқулотдаги зарарлар, учта мезонга жавоб бериши лозим:

- Ноёб ҳолат (фақат аҳамиятли) бўлиши шарт;
- Корхонанинг одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлиши керак эмас;
- Корхона раҳбариятининг қарорига боғлиқ бўлмаслиги керак.

Юқорида келтирилган асосий мезонларни ҳисобга олиш билан бирга, қуйидагиларни таъкидлаш лозим, мезонлар кўпгина ҳолатларда қайси даромадлар (зарарлар) фавқулотда (ғайриодатий) деган саволга тўлиқ жавоб бера олмайди. На солиқ, на бухгалтерия ҳисобида қонуний томондан ушбу савол ҳал қилинмаган, ваҳоланки, халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларида бундай ҳолатлар аниқ кўрсатиб ўтилган. Фавқулотдаги зарар кўриш моддаларига, масалан, қуйидагилар киради: мол-мулкни мусодара қилиш, йирик бахтсиз ҳодиса содир бўлиши, қонун ва меъёрий ҳужжатларга чегараловчи ҳолатларни киритиш натижасида ва бошқалар.

### **13) бошқа даромадлар.**

Масалан, бу ҳолатга Солиқ кодексига (37 мод.) асосан товар-моддий захираларни **қўшимча баҳолаш натижасидаги даромад** суммаси товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) реализация қилинишига қараб, солиқ солинадиган даромад (фойда) таркибига киритилиши мисол бўлиши мумкин.

**Бошқа даромадлар туркумига юкланган ёки қарздор томонидан тан олинган жарима, пеня ва бошқа санкциялар киради (бундан бюджетдан қайтарилганлари мустасно), ҳамда асоссиз равишда аввал тўланган жарималар, агарда бундай суммалар чегирмага олиб борилмаган бўлса.**

Юридик шахслар томонидан шартномадаги жавобгарлик шартлари ҳамда белгиланган қоидалар ва мажбуриятларнинг бузилганлиги учун ундириладиган (қарздор сифатида аниқланган ҳолатда тўланиши шарт бўлса) барча турдаги неустойкалар, жарималар олувчи томон учун даромад бўлади, уни тўловчи томон эса соф даромади ҳисобидан қоплайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда солиққа тортиш ҳамда бухгалтерия ҳисобининг асосий принципи бу **ҳисобга олиш принципи** бўлгани учун даромад пул маблағларини қачон келиб тушушидан қатъи назар ҳисобга олинади.

Бошқа даромадларга яна **ҳисобот даврида аниқланган ўтган йилдаги даромадни** ҳам киритиш мумкин. Бу ерда, хусусан, ўтган йили кўрсатилган хизматлар ва моддий бойликлар учун ҳисоб-китоб амалга оширилмаган, аммо олинган ва ишлатиб бўлинган ҳолда келиб тушган маблағлар; харидорлардан ва буюртмачилардан ўтган йили сотилган маҳсулотлар ва шунга ўхшаш хўжалик операциялари учун келиб тушган суммалар тушунилади.

Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йилда йўл қўйилган, аҳамиятга эга бўлмаган хатолик натижасидаги даромади ўша йилнинг мусбат тузатишлар сифатида қабул қилинади.

*Масалан, амортизация ҳисоблашдаги хатолик.*

Ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан

бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан рента даромади, хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сифатидаги даромадлар ҳам бошқа даромадларга киради.

Бунга яна **идиш билан бўлган операциялар натижасида олинган даромадлар** ҳам киради. Улар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- идишнинг янги сотиб олишдаги прејскурант нархи билан унинг сотиб олувчининг идишни қайтариб топширгандаги нархлари орасидаги фарқ;

- маҳсулотни сотувчиси томонидан гаровга қўйилган идишни нархи кирим қилиш вақтидаги гаровга қўйилган нархи билан унинг ҳақиқий таннархи (ёки сотиб олувчининг идишни қайтариб топширгандаги қоплаш нархи) орасидаги фарқ;

- идиш ва идиш маҳсулотларини идиш йиғувчи ташкилотларга (сотиб олиш нархига нисбатан юқори нархларда) топшириш вақтидаги нархлари орасидаги фарқи;

- маҳсулот сотувчига кўп айланмадаги идишларни эскириши ва таъмирланиши учун кетадиган харажатларни қоплашдаги фарқ.

Товар-моддий захираларни қўшимча баҳолашдан олинган даромад суммаси товарларнинг (ишлар, хизматлар) сотилиб боришига қараб солиқ солинадиган даромад таркибига киритилади.

Ушбу мақсад учун юридик шахсни ташкил этмасдан биргаликдаги фаолият (оддий ширкат шартномаси бўйича) унинг иштирокчилари шартномалари асосида амалга оширилади.

Биргаликдаги фаолият шартномаси бўйича шериклар (иштирокчилар) деб номланадиган икки ва ундан ортиқ шахс ўз улушларини бирлаштириш ҳамда умумхўжалик ва қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа мақсадларга эришиш учун биргаликда ҳаракат қилиш мажбуриятини олади.

Шартнома иштирокчилари томонидан юридик шахсни ташкил этмасдан биргаликдаги фаолият учун бирлаштирилган юридик шахслар мол-мулки ҳар бир иштирокчининг балансида ҳисобга олиниши керак, зиммасига шартнома иштирокчиларининг умумий ишларини юритиш юкланган иштирокчи томонидан умумий ишлар ва ҳисоб юритилади, агар шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса.

Юридик шахсни ташкил этмасдан бир неча корхонанинг биргаликдаги фаолияти натижасида олинган даромад (фойда) улар ўртасида тузилган шартномалар асосида солиқ солинишига қадар биргаликдаги фаолият иштирокчилари ўртасида тақсимланади.

Юридик шахс ҳисобланган биргаликдаги фаолиятнинг ҳар бир иштирокчиси томонидан олинган даромад (фойда) тақсимланганидан кейин жами даромадга киритилади ва умумбелгиланган тартибда солиқ солинади.

**Ўзаро алоқадор юридик шахсларга  
солиққа тортиш даромад (фойда)ларига ўзгартиш киритиш**

Агар ўзаро алоқадор юридик шахслар ўзларининг тижорат ва молиявий муносабатларида ўзаро алоқадор бўлмаган юридик шахслар ўртасида қўлланилиши мумкин бўлган нархлардан фарқ қиладиган нархларни қўлласалар, ўзаро алоқадор бўлмаган юридик шахслар ўртасида қўлланилиши мумкин бўлган нархлардан солиқ органлари солиқ солиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишлари мумкин.

*Ҳозирги кунда бундай тартиб ишлаб чиқилмаган.*

Яъни, агарда корхона ўзаро алоқадор шахслар билан муносабатда бўлса, солиқ органи операциялардаги нархларни бозордаги нархларга нисбатан мос келишлигини текшириш ҳуқуқига эга, ва мос келмаган ҳолатларда, солиққа солиш мақсадида ушбу операциялар бўйича қўшимча солиқ ҳисоблайдилар.

2004 йил 1 январдан бошлаб ЎЗР. СК 127-моддасига мувофиқ, ўзаро алоқадор юридик шахслар, шу жумладан чет эллик юридик шахслар қуйидагилардан иборат:

- унитар (шўъба) корхоналар ва уларни таъсис этган юридик шахслар;
- биргина юридик шахс томонидан таъсис этилган юридик шахслар;
- биргина жисмоний шахс томонидан ёки ўзаро қариндош ёхуд қайин-бўйин ва қуда-анда жисмоний шахслар томонидан таъсис этилган юридик шахслар.

Эр (хотин), унинг тўғри ва ён шажара бўйича қариндошлари, опа-сингиллари, ака-укалари ва уларнинг болалари, неваралари, чеваралари ҳамда эваралари, хотиннинг (эрнинг) ота-онаси, опа-сингиллари ва ака-укалари ушбу модда мақсадига кўра ўзаро қариндош ёки қайин-бўйин ва қуда-анда жисмоний шахслар ҳисобланади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишни ҳақиқатдаги таннархдан паст нархлар бўйича амалга оширадиган ташкилотлар (корхоналар) бўйича, солиқ солиш чоғида, зарарлар суммаси солиқ солинадиган базани камайтиради.

*Масалан, сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи – 250 минг сўм, сотиш нархи – 230 минг сўм. Операция натижасида зарар – 20 минг сўмни ташкил этади, бу эса ўз вақтида даромад (фойда) солигининг солиқ солиш базасини камайтирмайди - худди зарар йўқдек, яъни ушбу сумма солиққа тортилади.*

Корхоналарнинг хорижий валютада олинган даромади (фойдаси)га Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида олинган тушум билан жамланган ҳолда тўлиқ ҳажмда солиқ солиниши керак. Бунда хорижий валютада олинган даромад (фойда) юклаб жўнатилган маҳсулот учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган кунда амал қилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида қайтадан ҳисоб-китоб қилинади.

Куйидагини таъкидлаш жоиз, агар товарларни (ишлар, хизматлар) сотиш натижасида ундирилган тушум корхонанинг асосий фаолияти билан боғлиқ ва у озми-кўпми доимий характерга эга бўлса, у ҳолда бундай тушумни молиявий натижалар тўғрисидаги Ҳисоботининг биринчи сатрида кўрсатилиши (бу ҳақда яна тўхталамиз) лозим.

Бундан бошқа ихтиёрий даромад (тушум) тушишлиги бошқа фаолиятнинг пайдо бўлганлигини билдирмайди, бундай даромадлар корхонанинг асосий фаолиятига боғлиқ бўлмаган бошқа даромадлар туркумига киради.

Операцион даромадлари деб аталмиш даромадлар гуруҳи ҳам мавжуд, унга асосан бир маротабалик операциялар, масалан, мол-мулкларини сотишдан олинган, ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар, кечиб юборилган кредитор ва дебитор қарзлар ва бошқа турдаги корхонанинг асосий фаолиятига боғлиқ бўлмаган бир маротабалик топилган даромадлари киради. Бунда асосий воситалар ва бошқа активлар сотилганда тушган барча тушум жами даромадга киритилмасдан, фақат сотув нархи билан ҳақиқатдаги таннархи (яъни, асосий воситалар ва номоддий активлар учун қолдиқ нархи) орасидаги фарқ киритилади.

Бундан ташқари, корхонанинг асосий фаолиятига тааллуқли бўлмаган молиявий фаолиятдан олинган даромадларга корхонанинг доимий фаол тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромадлар киради. Буларга олинган роялтилар, фоизлар, дивидендлар, курс орасидаги фарқ ва бошқа “пассив” деб аталадиган даромадлар киради. Агарда бундай даромадлар корхонанинг доимий фаол тадбиркорлик фаолияти йўналиши билан боғлиқ бўлса, масалан, молиявий лизинг даромади, у ҳолда бундай даромадлар корхонанинг асосий фаолияти билан боғлиқ деб қаралади ва молиявий натижалар Ҳисоботининг биринчи сатрида кўрсатилади.

### **Жами даромаддан чегирмалар**

Корхоналарнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ барча харажатлари табақалаштирилган ҳолда ВМ 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли **«Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»**ги Низомида (киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга) келтирилган.

Мазкур Низомда *бухгалтерия ҳисобини юритиш* мақсадида барча харажатлар куйидаги гуруҳларга бўлинади:

- маҳсулотнинг **ишлаб чиқариш таннаригига** киритиладиган харажатлар:

- а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган устама харажатлар;

*Маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) таннархи маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган табиий ресурслар, хом-ашё, материаллар, электр энергия, асосий воситалар амортизацияси ҳамда уни ишлаб чиқариш учун кетган бошқа харажатларнинг таннархли баҳоларидан ташкил этилади.*

- ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинмайдиган ҳамда **давр харажатларига** киритилмайдиган харажатлар:

- а) сотиш харажатлари;
- б) бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар);
- в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;

Давр харажатларига тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар киради. Уларга бошқарув, тижорат ва бошқа илмий-текшириш, тажрибавий-конструкторлик ишлаб чиқаришлари кўринишидаги умумий хўжалик харажатлари ҳам киради. Бундай харажатларнинг хусусиятлари шундан иборатки, улар тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ бўлмасмай, тайёр маҳсулотни (бajarилмайдиган ишларни, кўрсатилмайдиган хизматларни) ва корхонанинг бошқа активларини сотиш билан боғлиқ бўлади.

Улар ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотнинг ёки товарнинг ҳажми билан боғлиқ бўлмайди, балки улар кўпроқ ўтайдиган давр билан, яъни хўжалик фаолияти юритиш даври билан боғлиқ бўлади. Ушбу харажатлар қайси даврда амалга оширилса, ўша жорий даврда ҳисобдан чиқарилади;

- хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган хўжалик юритувчи субъектнинг **молиявий фаолияти бўйича харажатлари**:

- а) фоизлар бўйича харажатлар;
- б) хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;
- в) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар;

*Молиявий фаолият бўйича харажатлар корхонанинг асосий фаолиятига кирмаганлиги учун у алоҳида гуруҳга ажратиб қўйилган.*

Улар ҳам давр харажатлари каби ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотнинг ёки товарнинг ҳажми билан боғлиқ бўлмаганлиги учун харажатлар қайси даврда содир этилган бўлса, ўша жорий даврда ҳисоботдан чиқариб ташланади.

- **Фавқулодда зарарлар**, у даромад (фойда)дан олинмайдиган солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмади.

Солиқ солиш мақсадида юқоридан бошқача усуллар қўлланилади, бунда

барча чегирмаларни шартли равишда қуйидаги учта гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Солиқ солиш даромадини камайтирувчи харажатлар, яъни солиқ қонунчилигига мувофиқ рухсат этилган чегирмалар. Ушбу чегирмалар (давлат нуқтаи назаридан) тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарурдир.

2. Солиқ солиш даромадини камайтирмайдиган харажатлар, яъни солиқ қонунчилигига мувофиқ рухсат этилмаган чегирмалар. Ушбу чегирмалар (давлат нуқтаи назаридан) тадбиркорлик фаолияти юритиш учун зарур эмас. Бундай харажатларга ҳар қандай ҳайрия жамғармаларига ажратмаси, ҳомийлик ёрдами, текинга мол-мулкни бериш, ишчи ва хизматчиларга рағбатлантириш тўловлари, уларга дам олишлари учун йўлланмалар, озиқ-овқатлари ва йўлқиралари учун харажатлар, моддий ёрдам, ижтимоий ва маданий тадбирлар учун йўналтирилган маблағлар. Ушбу гуруҳга яна корхонанинг айби билан ҳосил бўлган харажатлар, қачонки корхона агарда ишни яхши ташкил этганда бундай харажатларга йўл қилмаслиги мумкин бўлар эди. Масалан, товарларни (ишлар, хизматлар) ва мол-мулкни сотиш натижасидаги зарар; корхона томонидан тўланадиган суд чиқимлари, жарима, пеня, боқиманда суммалар; товар-моддий бойликларини бузилиши, ўғирланиши ва камомади натижасида айбдор шахсларни аниқланмаслиги. Бундан ташқари, давлат нуқтаи назаридан тадбиркорлик фаолияти учун шарт бўлмаган харажатлар, яъни хизмат автомобилларига кетган харажат, уяли телефонни ишлатиш билан боғлиқ харажатлар, шу билан бирга меъёридан юқори харажатлар.

Солиққа тортиш мақсадида харажатларни бўлиш

Солиққа тортиш даромадини (СТД) камайтирувчи

Солиққа тортиш даромадини камайтирмайдиган

Меъёри белгиланган харажатлар

СТДни камайтирмайди  
СТДни камайтиради

Давлат нуқтаи назаридан тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган харажатлар

Давлат нуқтаи назаридан зарур бўлмаган харажатлар

Меъёр чегарасида

Меъёридан юқори

Ушбу гуруҳга яна корхона томонидан қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, банкдан олинган узоқ муддатли кредитлар, кечиктирилган ва муддати ўтказиб юборилган ссудалар бўйича ишлатилган молиявий харажатларни ҳам киритиш мумкин.

3. Қонунда меъёри белгилаб берилган харажатлар, яъни меъёрдаги

харажатлар. Бундай харажатлар меъёр чегарасида бўлса, даромад солиқ солиш базасини ҳисоблашда чегириб ташланади. Уларга қуйидаги: хизмат сафари, вакиллик мақсадидаги, реклама учун, шаҳарлараро ва давлатлараро телефон алоқаси, кадрларни ўқитиш, асосий восита ва номоддий активларни амортизацияси, табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаганлик учун тўлов, ишчи-хизматчиларнинг таътиллари учун тўловлар, ижтимоий маданий объектларни сақлаш учун харажатлар, моддий бойликларни йўқотиш ва етишмаслиги натижасидаги харажатлар киради.

## МЕЪЁРДАГИ ХАРАЖАТЛАР

- асосий воситалар амортизацияси;
- вакиллик мақсадларидаги харажатлар;
- хизмат сафари харажатлари;
- шаҳарлараро ва давлатлараро телефон алоқалари харажати;
- таътил учун тўланадиган тўлов харажатлари;
- моддий бойликларни нобудгарчилиги натижасидаги харажатлар;
- атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўланадиган компенсация тўлови;
- реклама ва маркетинг харажатлари (Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун кетган харажатлар бундан мустасно);
- корхона балансида бўлган ижтимоий-маданий биноларни сақлаш учун кетган харажатлар;
- сувдан фойдаланганлик учун тўлов;
- геологик тадқиқотлар ва табиий ресурсларни қазиб олишга тайёргарлик кўриш харажатлари;
- ихтиёрий суғурта учун кетган харажатлар.

Демак, солиқ солинадиган даромадни (фойдани) аниқлашда жами даромаддан қуйидаги чегирмалар айириб ташланади:

- *қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, шунингдек божхона божлари суммалари;*

- *банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг қисқа муддатли кредитлари бўйича фойз тўловлари суммалари, тўлов муддати ўтган ва тўлов муддати узайтирилган ссудалар бўйича фойзлар бундан мустасно;*

2002 йил 28 август ПФ-3122- сонли «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғриси»ги Президент Фармонида мувофиқ лизинг берувчини солиққа тортиш чоғида у лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлар фойзи ҳамда



белгиланган бошқа тўловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташланади.

- *ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар (банкларнинг, кредит уюшмалари, сугурта ташкилотлари, видеосалонларнинг, видеокўрсатув, видео ва аудио ёзув пунктларининг, аукционлар, казиноларнинг, оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказувчи ташкилотларнинг харажатлари бундан мустасно);*

- *белгиланган тартибда киритиладиган рента тўловларининг суммаси;*

Фуқаролик кодексининг 512-моддасига асосан “рента шартномасига мувофиқ бир тараф (рента олувчи) кўчмас ёки кўчар мол-мулкни бошқа тарафга (рента тўловчига) беради, рента тўловчи эса олинган мол-мулк ўрнига рента олувчига вақти-вақти билан белгиланган пул суммаси ёки уни таъминлаш учун бошқа шаклда маблағ бериш тарзида рента тўлаш мажбуриятини олади.

Рента шартномасига мувофиқ рентани муддатсиз (доимий рента) мажбуриятини белгилашга йўл қўйилади”.

- *ижара ҳақи – ишлаб чиқариш бинолари ҳамда офис учун берилган иморатлар;*

- *асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;*

Таъмирлаш ишлари ўзининг ўтказилиш даврига қараб капитал, ўрта ва жорийларга бўлинади.

Асосий воситаларни **капитал таъмирлаш** деб бир йилдан ошиқ вақт ичида ўтказиладиган таъмирлаш ишларига айтилади ва унинг натижасида таъмирлаш объектларининг ишлаш имкониятлари яхшиланади. Капитал таъмирлаш, одатда, машина ва асбоб-ускуналарни узоқ муддатга тўхталиб туриши билан боғлиқ бўлади.

**Ўрта таъмирлаш** деганда, таъмирлашнинг мураккаблиги ва характери жиҳатидан капитал таъмирлашга ўхшашига айтилади, аммо капитал таъмирлашдан фарқли таъмирлашнинг ўтказилиш вақти бир йилдан оз бўлади.

**Жорий таъмирлашда** таъмирлаш ишларининг ўтказилиш вақти бир йилдан оз бўлади, унда машина ва асбоб-ускуналарни узоқ муддатга тўхтатилиши билан боғлиқ бўлмайди.

Асосий воситаларни пудрат ёки хўжалик йўли билан таъмирлаш мумкин. Пудрат йўли билан таъмирланган вақтда корхона таъмирловчи-қурилиш ташкилотлари билан шартнома тузади. Хўжалик йўли билан таъмирланганда эса корхона ўз кучи билан таъмирлаш ишларини амалга оширади.

Таъмирлаш давомида ишлатилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ва харажатлар корхонага қарашли бўлган ҳамда ижарада бўлган асосий воситанинг таннархига киритилади. Ижарадаги асосий воситаларни ҳар хил турдаги таъмирлаш бўйича ижара шартномасида келишиб олиш лозим, чунки

солиқ солиш даврида, асосий воситани шартномада тўлиқ таъмирлаш келишиб олинган тақдирдагина, таъмирлаш учун кетган маблағни ҳисобга олиш ҳуқуқини беради.

Асосий воситаларни таъмирлаш корxonани кенгайтириш, қайта жиҳозлаш ва техник томонидан қайта жиҳозлаш ишларидан фарқ қилади, чунки бундай ишлар таъмирлаш ишидан фарқли корxона маблағларини капиллаштириб ва бухгалтерия ҳисобининг “Капитал қўйилмалар” ҳисобварағи орқали асосий воситалар таннархига олиб борилади.

- *ташқи юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий харажатлари ва кўрсатган хизматларининг қиймати;*

Агарда ишлаб чиқариш моддий харажатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, халқ хўжалигининг ҳар бир соҳасида ишлаб чиқаришдаги моддий бойликлардан фойдаланиш меъёрлари (лимитлари) билан тартибга солинади. Бундай меъёрлар техник шартлар (ТШ), яъни ГОСТлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши лозим ва ушбу меъёрларда маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришнинг турига (хусусиятига) қараб моддий харажатлар ишлатилиши белгиланади.

Ташқи юридик ва жисмоний шахслар ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматларга маҳсулот тайёрлаш бўйича айрим операцияларни бажаришлари, хом ашё ва материалларга ишлов беришлари, истеъмол қилинаётган материал ва ашёлар сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказишлари, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилишлари, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатишлари, транспорт хизматлари, маслаҳат бериш (кунсультация) ва бошқалар тегишли бўлиши мумкин. Бундай иш ва хизматларни харажатга олиб боришнинг асосий шартларидан бири ушбу иш ва хизматларни бажариш бўйича шартнома ва бажарилган ишлар далолатномасининг мавжудлиги бўлади.

- *мажбурий тўловлар бўйича ўтказиладиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақида нисбатан ҳисобланган суммалар;*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрь №610-сонли Қарорига мувофиқ мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан 31% миқдорида ягона ижтимоий солиқ белгиланган.

- *маҳсулотни (хизматларни) сертификациялаш ишларига ҳақ тўлаш харажатлари суммалари;*

ВМнинг 1994 йил 12 август 409-сонли Қарорида сертификация шарт бўлган маҳсулотларнинг рўйхати, хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжат зарур бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтирилувчи ва уларни унинг ташқарисига олиб чиқиб кетилувчи товарларнинг сертификатлаштирилиш тартиби келтирилган. Баъзи ҳолатларда эса сертификациялаш ихтиёрий равишда ўтказилиши ҳам мумкин.

- *қонун ҳужжатларига мувофиқ меъёрлар бўйича хизмат сафари харажатлари суммалари;*

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида»ги Йўриқномасига (2003 йил 29 августда 1268-сон билан АВда рўйхатдан ўтган) мувофиқ хизмат сафарига юборилганлар учун қуйидаги компенсациялар рухсат этилади:

- хизмат сафарига юборилган ишчига турар жой ижараси;

- хизмат сафарига юборилган жойга бориш ва доимий иш жойига қайтиш билан боғлиқ бўлган йўл харажатлари, умумий фойдаланиладиган транспортни барча турларида юриш (ижарадаги ва тижоратдагилар билан бирга), таксидан ташқари, жумладан транспортда йўловчиларни мажбурий давлат суғурталаш бўйича тўловлар, йўлда юриш ҳужжатларини олдиндан сотиш бўйича, самолёт ва поездларда жойларни бронлаш хизматлари бўйича **тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда** ҳақ тўлаш қиймати қопланади, йўлда ўрин-кўрпа буюмларидан фойдаланганлик учун харажатлар эса тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмасдан ҳақ тўлашга қабул қилинади.

**Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда** корхона раҳбарига ҳар бир аниқ ҳолат бўйича хизмат сафарига юборилган ишчини йўл харажатларига ҳақ тўлаш масаласини ечиш ҳуқуқи берилади. Бунда, йўл харажати бўйича қопланадиган сумма хизмат сафарига темир йўл орқали бориш қийматидан ортиқ бўлмаслиги, лекин йўловчиларни ҳаво йўллари ёрдамида ташиш тарифларини 30%дан кўп бўлмаслиги керак;

- хизмат сафарига ва йўлда бўлган вақт учун суткалик харажатлар хизмат сафарига юборилган ишларга жамоа шартномалари, жамоа келишувлари ва меҳнат шартномаларида кўзда тутилган миқдорларда, лекин қуйидаги миқдорлардан кам бўлмаган ҳолда белгиланади (республика бўйича ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициентларда):

- Тошкент шаҳрида, шаҳар ва вилоятлар марказларида - 0,1;
- бошқа шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларда - 0,08.

Хизмат сафари жойидаги турар жойни ижарага олиш бўйича харажатлар, хизмат сафарига юборилган ишчини келиш ва кетиш кунлари бўйича ҳақиқатдаги харажатлар бўйича (люкс-номерли хоналардан ташқари), жумладан меҳмонхоналарда кўрсатиладиган қўшимча хизматлар (жойларни бронлаш, дазмолдан фойдаланиш, сақлаш камерасидан, телевизор, музлатгич, идиш-товоқ, алоқа хизматидан фойдаланиш)га ҳақ тўлаш бўйича харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда қопланади.

Хизмат сафарига юборилган ишчига шунингдек истисно тариқасида, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда, ташкилот раҳбарининг рухсати билан ҳаво, темир йўл, сув ва умумий фойдаланишдаги автомобил транспортда бағажни олиб ўтиш билан боғлиқ харажатлар қопланади.

Агар, меҳмонхоналарни люкс-номерларида (хоналарида) яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда, турар жой хонасини ижарага олиш бўйича ҳақ тўлаш ушбу номерни (хонани) қийматини 70% миқдорида амалга оширилади.

Турар жой хонасини ижарага олганликни тасдиқловчи ҳужжатлар йўқ бўлган ҳолларда, харажатлар ҳар бир сутка учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини 0,02 миқдорида қопланади.

Хизмат сафари билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар (телефонда гаплашиш, телеграф харажатлари ва бошқалар) хизмат сафарига юборилган шахсда ушбу харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда тўланади.

Хизмат сафарига юборилган ходим учун умумий фойдаланиладиган транспорт билан (таксидан ташқари) станциягача, соҳилгача (пристангача), аэропортгача етиб олиш харажатлари ҳам қоплаб берилади, агарда улар аҳоли яшайдиган ҳудуддан ташқарида жойлашган бўлса.

Ходимларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига чиққанларида хизмат сафари харажатлари меъёрлари “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларига Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби”га ва ЎЗР. Молия вазирлигининг “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларига Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартибининг 1-иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (27.03.2002 йил 932-1-сонли) буйруғига мувофиқ аниқланади.

- қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича вакиллик мақсадларидаги харажатлар суммалари (меъёрлар ВМ 09.04.1999 й. 166-сонли Қарорида келтирилган);

Вакиллик мақсадларидаги харажатлар (ЎЗР. Молия вазирлиги ва ДСҚнинг биргаликдаги 1993 йил 3 май 31/23-сонли хатига мувофиқ) – корxonанинг бошқа корхона, ташкилот ва муассасалар (чет эл корхоналари ҳам) билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ўрнатиш ва давом эттириш учун уларнинг вакиллари қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш, бундан ташқари корxonанинг (Бошқарув) Совети ва тафтиш қўмитасининг йиғилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар киради.

Вакиллик мақсадларида харажатларга вакилларни (қатнашувчиларни) расмий қабулига мўлжалланган (нонушта, тушлик ёки шунга ўхшаш бошқа тадбирлар), уларни транспорт билан таъминлаш, маданий тадбирлар ўтказиш, ўзаро музокаралар ўтказиш даврида буфет хизматини ташкил этиш, корхона штатида бўлмаган таржимонлар хизматидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради. Ушбу харажатлар Бошқарув томонидан тасдиқланган смета асосида амалга оширилади.

### Йиллик вакиллик харажатлари нормативи

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган йиллик тушум (қўшилган қиймат солиғи ҳам қўшилган ҳажми)	Смета бўйича вакиллик харажатларининг чекланган миқдорлари
энг кам иш ҳақининг 3,5 минг баравари миқдorigача *	тушум ҳажмининг 1 фоизи

энг кам иш ҳақининг 3,5 минг бараваридан 35 минг баравари миқдоригача	энг кам иш ҳақининг 3,5 минг баравари миқдоригача бўлган тушум ҳажмининг 1 фоизи + энг кам иш ҳақининг 3,5 минг баравари миқдоридан ортиқ тушум ҳажмининг 0,2 фоизи
энг кам иш ҳақининг 35 минг бараваридан ортиқ	энг кам иш ҳақининг 3,5 минг баравари миқдоригача бўлган тушум ҳажмининг 1 фоизи + энг кам иш ҳақининг 3,5 минг баравари миқдоридан ортиқ тушум ҳажмининг 0,2 фоизи + энг кам иш ҳақининг 35 минг баравари миқдоридан ортиқ тушум ҳажмининг 0,05 фоизи

\* Даромад (фойда)дан солиқ тўлайдиган савдо, таъминот ва сотиш корхоналари вакиллик харажатларининг чекланган миқдорларини ҳисоблаб чиқишда товарларни сотишдан олинган ялпи даромад кўрсаткичидан фойдаланадилар.

Даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ бўйича солиқ солинадиган базани ҳисоблаб чиқишда ҳисобот санасидаги энг кам иш ҳақи миқдоридан фойдаланилади.

- қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича реклама харажатлари суммалари.

Реклама учун харажатларнинг чекланган миқдорининг йиллик меъёри – тушум ҳажмининг 2 фоиз миқдоридан:

- савдо, таъминот ва сотиш корхоналари - олинган ялпи даромад кўрсаткичидан фойдаланадилар;

- иқтисодиётнинг қолган соҳасидаги корхоналар – маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган йиллик тушум ҳажмидан, ҚҚС билан бирга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябр 390-сонли “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчи ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ:

корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган истеъмол товарлари рекламасига харажатлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқишда солиққа тортиладиган базадан тўлиқ ҳажмда чиқариб ташланади.

- Солиқ тўловчи фаолияти ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун харажатлар суммалари;

Бундай ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектининг фаолият йўналишига тўғри келган кадрларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар чегирмага олиб бориш рухсат этилади.

Бундан ташқари махсус ўрта ва олий ўқув юртларида, фуқаронинг корхонада ишлаб бериш шарти билан тузилган контракт асосида ўқитиш учун кетган харажат чегирмага олиб борилади.

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасидаги ихтиёрий сугурта турлари бўйича харажатлар суммалари.

ВМнинг 2002 йил 27 ноябр 413-сонли Қарорига мувофиқ маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган йиллик тушумнинг 2% миқдори меъёридаги чегирма рухсат этилади.

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида

*телефонда гаплашиши бўйича харажатлар;*

Шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушган тушум йиллик ҳажмининг ҚҚСсиз 0,5 фоизи миқдорда йиллик харажатлар меъёрлари белгиланган (меъёрлар ВМ 09.04.1999 й. 166-сонли Қарорида келтирилган).

- *солиқ тўловчи балансидаги соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, болаларнинг дам олиши лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, уй-жой фондини сақлашга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасдиқлаган **меъёрларга** мувофиқ қилинадиган харажатлар суммалари, шунингдек солиқ тўловчилар санаб ўтилган муассасаларни сақлашда улуш қўшиб қатнашган ва ана шу мақсадлар учун қиладиган харажатларининг суммалари;*

- *лизинг берувчининг лизинг шартномаси бўйича лизинг тўлови таркибида тўланадиган даромади.*

Ушбу чегирма лизинг олувчига кўзда тутилган;

- *манфий курс фарқи;*

“Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида”ги (2001 йил 16 ноябр 1085-сонли) Низомга киритилган қўшимчаларга мувофиқ хўжалик субъектлари балансларидаги чет эл валютаси моддаларини ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотларига асосан паст баҳода сотишдан олинган салбий курс фарқини қуйидаги ҳисобварақларига олиб борадилар:

- "Келгуси давр харажатлари" ҳисобварағига - **жамғариш усулида;**

- "Молиявий фаолият харажатлари" - **бевосита киритиш усулида.**

Балансдаги чет эл валютаси (**жамғариш усули** фойдаланилганда) моддаларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида олинган салбий курс фарқи йиғилади ва молиявий -хўжалик фаолияти натижасига қуйидаги тартибда олиб борилади:

- чет эл валютасидаги кредитор қарз – қопланишига (ҳисобдан чиқариш) қараб;

- бошқа ҳолатларда - балансдаги валюта тегишли моддалари бўйича хўжалик операцияларини бажарилишига қараб.

Бир ҳисобот даври давридан чиқиб кетмаган ва тугалланган операциялар бўйича салбий курсдаги фарқ тўғридан-тўғри чегирмага олиб борилади.

*Масалан, асбоб-ускуна чет эл валютасига сотиб олинган, унинг валютадаги нархи 200 минг долл.*

*Миллий валютадаги нархини ҳисоблаш учун операцияни рўйхатга олиши кундаги валюта алмаштирув курси олинади. Агарда ушбу валюта курси асбоб ускуна учун тўланадиган кундагидан фарқ қилса, у ҳолда улар орасидаги фарқ даромад ёки зарар сифати кўрсатилиши лозим.*

*Асбоб-ускунани қабул қилиб олиши кунни валютанинг курси 1 долл. учун*

920 сўмга тенг бўлган, у ҳолда унинг нархи 184000 минг сўм бўлиб баҳоланади ва ушбу сумма валюта курси кўтарилганда ёки пасайганда ўзгариши керак эмас.

Аммо, тўлаш вақтида валюта курси 1 долл. учун 924 сўм бўлган, яъни бу дегани, корхона сўм кўринишида тўлаганида 184000 минг сўм ўрнига 184800 минг сўм тўлаши лозим бўлади.

Ушбу салбий курс (184000 – 184800) фарқи курслар орасидаги зарар сифатида кўрсатилади.

• қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа мажбурий тўловлар.

Бундай тўловларга йўл йиғими, сотилган маҳсулотнинг ҳажмидан Пенсия жамғармасига ажратмалар, атроф табиат муҳитни ифлослаштириш ва республика ҳудудига қолдиқларни жойлаштирганлик учун тўланадиган йиғим ва шунга ўхшаш тўловлар киради.

• Юридик шахсларнинг бошқа харажатлари.

Маҳсулотни сотиш, консултатив ва информатив хизматлар, мажбурий аудит бўйича харажатлар ва харажатлар таркиби ҳақидаги Низомда келтирилган бошқа харажатлар киради.

Агарда қилинган ҳаражат бир неча тоифадаги харажатлар туркумига киритилган бўлса, у ҳолда у жами даромаддан бир маротаба чегириб ташланади.

Юқорида назарда тутилган харажатлар ва мажбурий тўловлардан ташқари қуйидаги харажатлар ва ажратмалар ҳам жами даромаддан чегириб ташланиши лозим:

### **1) банклар бўйича:**

кредит ресурслари учун тўловлар, операция харажатлари, пул маблағлари ва бойликларни ташиш ҳамда сақлаш харажатлари;

мижозларнинг ҳисобварақлари, шу жумладан жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар;

таваккалчилик операциялари бўйича заҳира ҳисобидан ўчирилган умидсиз ссуда суммалари;

### **2) суғурта ташкилотлари бўйича:**

қайта суғурта шартномалари бўйича берилган тўлов суммалари;

амал қилиши ҳисобот йили охиригача тугамаган суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича тўлов суммалари;

суғурта ва қайта суғурта мажбуриятлари бўйича амалга оширилган ва ҳисобланган тўлов суммалари;

ўтган йиллардаги суғурта ҳодисалари бўйича тугалланмаган тўлов суммалари, шу жумладан даъво муддати доирасидаги мажбуриятлар суммалари;

суғурта ҳолатининг рўй берганлиги ҳақида маълум қилинган, лекин зарар миқдори тақдим этилмаган шартномалар бўйича суғурта суммалари;

суғурта ташкилоти суғурта ҳодисалари рўй беришини баргараф этиш ва унинг олдини олишга доир тадбирларни (превентив тадбирларни) молиялашга сарфлайдиган маблағлар суммалари;

суғурта ташкилотларининг захира фондлари бу ташкилотлар устав фондининг йигирма беш фоизига етгунига қадар суғурта ташкилотлари ўз даромадларининг йигирма фоизи миқдорида захира фондларига қиладиган ажратмалар.

- *Умидсиз қарзлар бўйича чегирмалар;*

Солиқ тўловчи (банклар ва суғурта ташкилотлари бундан мустасно) даъво муддати ўтганидан сўнг даромадлари товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) реализация қилиниши билан боғлиқ бўлган, илгари жами даромадга қўшилган умидсиз қарзлар бўйича чегирма қилиниш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан даъво муддати **3 йилни** ташкил этади.

- *Асосий воситалар, қимматли қоғозлар ва бошқа активлар реализация қилинганида кўрилган зарарлар;*

Тадбиркорлик фаолиятида **уч йилдан ортиқ** фойдаланилган асосий воситалар реализация қилинганида вужудга келган зарарлар жами даромаддан чегириб ташланади. Асосий воситалар объектларининг чиқиб кетишидан кўрилган молиявий натижани (фойда ёки зарарни) аниқлашда илгари қайта баҳоланган асосий воситалар объектларини қўшимча баҳолаш суммаси, мазкур асосий воситалар объектини илгариги қўшимча баҳолашлар суммасининг илгариги арзонлаштиришлар суммасидан ошиб кетиши резерв капиталини бир йўла камайтириш билан асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади.

**Қимматли қоғозлар** реализация қилинганида вужудга келган зарарлар жами даромаддан чегириб ташланмайди.

**Иш фаолияти давомида фойдаланиладиган хайвонлар ва кўп йиллик дарахтлардан** фойдаланганда вужудга келган зарарлар фақат ана шу активлардан фойдаланишдан олинган даромаддан чегириб ташланади.

- *Амортизация бўйича чегирмалар;*

Асосий воситани сотиб олиш ва монтаж қилиш бўйича харажатлар, номоддий активларни сотиб олиш, ҳамда бошқа капитал характерга эга бўлган харажатлар жами даромаддан кейинги даврларда **амортизация кўринишида** чегириб борилади.

Асосий воситаларнинг солиқ солинадиган давр мобайнида **белгиланган меъёрлар доирасида** ҳисобланган амортизация ажратмалари суммалари жами даромаддан чегириб ташланади.

ВМнинг 26.04.2004 й. 199-сонли Қарорига мувофиқ мулкни лизингга олувчилар солиққа тортиш даромад (фойда)ларини аниқлашда, асосий воситаларни лизингга олиш қонунчилигига мувофиқ 01.01.2009 йилгача жами йиллик даромадларидан амортизация кўринишидаги чегирмаларини,



жумладан тезлаштирилган усул билан ҳисобланган қисмини ҳам, чегириб ташлаш ҳуқуқига эгадирлар.

5-сонли БҲМСнинг 22-бандига мувофиқ «Амортизация қилинадиган қиймат фойдали ёки меъёрий хизматнинг бутун муддати давомида субъектнинг харажатларига амортизация ажратмалари кўринишида мунтазам тақсимланади»; бухгалтерия ҳисобининг стандартлари икки тушунчани – «фойдали хизмат муддати» ва «меъёрий хизмат муддати» - таклиф этди, булар ўзаро мос келмаслиги мумкин.

5-сонли БҲМСнинг 10-бандига мувофиқ «Фойдали хизмат муддати субъект томонидан активдан фойдаланадиган даврдан ёки хўжалик юритувчи субъект ана шу активдан фойдаланишдан кутаётган маҳсулот (иш ва хизмат) миқдоридан иборат». Ушбу таърифдан кўриниб турибдики (солиққа тортиш мақсадида бўлмаган ҳолда), асосий воситанинг фойдали хизмат муддати меъёрлар билан чегараланмаган ва унинг ҳақиқатда фойдаланиш муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадидагина амортизацияни ҳисоблаш қатъиян чегараланади, чунки «амортизация меъёрларини ва асосий воситанинг хизмат қилиш муддатларини аниқлашда солиққа тортиш мақсадида, Солиқ кодексининг 23-моддасига мувофиқ унда кўрсатилган меъёрлардан фойдаланилади».

2002 йил 1 январдан бошлаб амортизация ажратмалари асосий воситанинг **ҳар йили қайта баҳоланадиган қийматига** ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган нормалардан ошмаган ҳолда ҳисобланади.

Амортизация муддати тугаганидан сўнг эскириш ҳисобланмайди.

Асосий воситаларни узоқ муддатга ижарага олган юридик шахслар ҳам ўзларига қарашли, ҳам ижарага олинган асосий воситалар юзасидан амортизация ажратмаларини ҳисоблайдилар. Бу ҳолда ижарага берувчи ижарага берилган асосий воситалар учун амортизация ажратмаларини ҳисобламайди.

### **Асосий воситаларнинг амортизация меъёрлари**

Асосий воситалар гуруҳлари	Амортизация меъёри
1. Енгил автомобиллар, такси, йўлларда фойдаланиладиган автотрактор техникаси, махсус асбоб-ускуна, инвентарь ва жиҳозлар. Компьютерлар, периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари.	20 фоиз
2. Юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар ва автотиркачалар. Саноатнинг барча тармоқлари, металл қуйиш корхонаси учун машиналар ва ускуналар, темирчилик-преслаш ускуналари, қурилиш ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари. Офислар учун мебель	15 фоиз
3. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари. Кучкуват берадиган машиналар ва ускуналар: иссиқлик техника ускуналари, турбина ус-	8 фоиз

куналари, электр двигателлари ва дизель-генераторлар. Электр узатиш қурилмалари. Трубопроводлар	
4. Бинолар, иншоотлар ва иморатлар	5 фоиз
5. Бошқа гуруҳларга киритилмаган, амортизация қилинадиган активлар	10 фоиз

**Асосий воситаларнинг амортизация қилинадиган қиймати** - активнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган дастлабки (тиклаш) қийматидан кўзда тутилган (баҳоланган) тугатиш қиймати чиқариб ташланиши натижасида ҳосил бўлган суммага айтилади.

**Тугатиш қиймати** - активларнинг асосий воситаларни фойдали хизмат муддати охирида кутилаётган тугатиш чоғида кўзда тутилаётган қиймати бўлиб, ундан асосий воситани чиқариб ташлаш бўйича кутилаётган харажатлар чегирилади.

Кўпгина ҳолатларда корхоналар асосий воситаларни қайси гуруҳга киритишда қийинчиликка учрайдилар. Бу ерда «СССР халқ хўжалигида асосий фондларни қайта тўлиқ тиклашдаги амортизациянинг ягона меъёрлари тўғрисида»ги СССР ВМнинг 1990 йил 22 октябр 1072-сонли Қароридан фойдаланиш мумкин.

Тошкент вилояти Хўжалик суди қарорларининг бирида қуйидагилар келтирилган эди, яъни «Социализм давридаги ҳуқуқий ва меъерий ҳужжатлар қўлланилиши мумкин, агарда улар тўғридан-тўғри бекор қилинмаган ва ҳаракатдаги қонунчиликка зид бўлмаса».

5-сонли БХМСга мувофиқ амортизация турли усулларни қўлланиш йўли билан ҳисобланади:

- *амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш.*

Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули шундан иборатки, асосий воситаларнинг эскириши (амортизацияси) уларни фойдали ишлатиш муддати давомида асосий воситалар қийматидан бир хил улушда ҳисоблаб чиқарилади;

- *амортизацияни бажарилган ишнинг ҳажмига муносиб тарзда ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули).*

Ушбу усул ҳар бир аниқ йил давомида асосий воситани ишлаб чиқаришни ҳисобга олишга асосланган.

Эскиришнинг йиллик миқдорини ҳисоблаш учун асосий воситани фойдали ишлатишнинг бутун муддати учун умумий ишлаб чиқариш миқдорини, аниқ бир йилда қанча ишлаб чиқарилишини билиш зарур. Ишлаб чиқариш сифатида маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган бирлиги миқдорини, неча соат ишлаганини қабул қилиш мумкин.

Асосий воситалардан интенсив фойдаланилганда, шунингдек фан-техника тараққиёти асосий воситаларнинг эскиришига катта таъсир ўтказганда асосий воситаларнинг эскириши жадаллаштирилган амортизация йўли билан ифодаланади, бу эса қуйидаги усуллар:

- *амортизациянинг икки барабар кўпайтирилган меъёри билан камаядиган қолдиқ усули;*

- йиллар йигиндисиди усули (кумулятив усул).

Қолдиқнинг камайиши усули активнинг фойдали хизмат муддати давомида амортизацияланадиган сумманинг камайиб боришини билдиради.

Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, тенг маромли (тўғри чизиқли) усулидаги эскириш меъёри асосий воситанинг қолдиқ қийматига қўлланилади (қўпайтирилади).

Йиллар йигиндисиди усули (кумулятив усул) - бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир йилда амортизация меъёри амортизация муддатининг охиригача қолган амортизация қилинадиган қийматдаги улуш сифатида аниқланади. Бу улуш амортизация ажратмалари тугагунгача қолган тўлиқ йилларнинг миқдорини амортизация муддатини ташкил этувчи йилларнинг тартиб сони миқдорига тақсимлаш йўли билан аниқланади.

Асосий воситаларнинг ҳар хил турларига амортизация ҳисоблашнинг ҳар хил усулларини қўлланишга йўл қўйилади. Бунда асосий воситаларнинг бир турига фақат бир хил усулни қўлланиш лозим бўлади.

**Амортизацияни ҳисоблашнинг танлаб олинган усули ҳисоб сиёсатига қараб аниқланиши ва бир ҳисобот давридан иккинчи даврга изчиллик билан қўлланилиши йил давомида ўзгармаслиги лозим.**

Асосий воситаларга нисбатан қўлланиладиган амортизацияни ҳисоблаш усулини вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш лозим. Агар асосий воситалардан фойдаланишдан кутилаётган иқтисодий фойда анча ўзгарадиган бўлса, амортизацияни ҳисоблаш усули ўзгариб бораётган тамойилни акс эттирадиган тарзда ўзгартирилиши лозим. Агар юз берган вазият амортизация усулининг ўзгартирилишини оқлайдиган бўлса, бундай ўзгариш **ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш** сифатида акс эттирилиши ҳамда жорий ва келгуси ҳисобот даврлари учун амортизация ажратмалари қайта кўриб чиқилиши лозим.

5-сонли БҲМСга асосан қуйидаги асосий воситалар бўйича амортизация ҳисобланмайди:

- а) маҳсулдор қорамоллар;
- б) кутубхона фондлари;
- в) ҳокимиятларга бўйсунадиган ободонлаштириш иншоотлари;
- г) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган фондлар;
- д) музей қимматликлари;
- е) архитектура ва санъат ёдгорликлари;
- ж) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари;
- з) тўлиқ амортизацияланган асосий воситалар.

ВМнинг «Фойдаланилмаётган асосий воситалар, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисида»ги 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон Қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ **консервация** тушунчаси бу - асосий воситалар ёки қурилиши тугалланмаган объектларнинг тегишли қарор билан белгиланадиган даврда сақланишини

таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, бу давр тамом бўлгач улардан фойдаланилиши ёки қурилиш давом эттирилиши керак.

Қуйидагилар консервация қилиниши мумкин:

- қурилиши тугалланмаган объектлар, капитал маблағ билан таъминланмаган ёки уларнинг қурилишини давом эттириш учун бундан кейин маблағ қўйиш вақтинча ёки узил-кесил мақсадга мувофиқ эмаслиги асосланганда - қурилиш тиклангунгача бўлган ёки объект янги мулкдорга сотилгунгача бўлган даврда;

- асосий воситалар - уларнинг техник даражаси замонавий талабларга мувофиқ эмаслиги аниқланганда ёки 3 ой мобайнида улардан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш зарурати бўлмаганда - уларга бўлган талаб тиклангунгача ёки янги мулкдорга сотиш даврида, бироқ 24 ойдан ортиқ бўлмаган ҳолда.

**Солиққа тортиш мақсадида амортизация ҳисобини юритиш фақат Солиқ қонунчилигига мувофиқ олиб борилиши шарт.**

*Мисол.*

*Корхона компьютерлар бўйича амортизацияни қонунда белгиланган 20% меъёрга нисбатан 2 баробар қилиб ҳисоблаганда, эскириш суммаси йилига 200 минг сўмни (қонунда белгиланган 100 минг сўм ўрнига) ташкил этган. Бундай ҳолатларда чегирмага фақат 100 минг сўм олиб борилиши лозим, қолган 100 минг сўмни эса корхонанинг соф фойдаси ҳисобига қоплайди.*

Бу қоидадан истисно сифатида қуйидагилар:

- «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ **кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари** ишлаб чиқариш чиқимларига мўлжалланган харажатларга киритиб, асосий фондларнинг тезлаштирилган амортизациясини тегишли асосий фондлар учун белгиланган нормадан икки мартадан кўпроқ ошиб кетмайдиган миқдорда қўллашга ҳақлидирлар.

- ВМнинг 2002 йил 13 ноябр 390-сонли Қарорига мувофиқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга амортизация ажратмаларининг йиллик ҳисобдан чиқариш миқдорларини асосий воситалар хизматининг фойдали муддатидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилаш ҳуқуқи берилади. Бунда солиққа тортиш мақсадидаги амортизация ажратмаларининг йиллик миқдори Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган меъёрлардан ошмаслиги керак.

*Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амортизация ажратмалари ҳисобланган ва уч йилдан кўпроқ муддат давомида ишлатилган асосий фондларнинг дастлабки қийматидан эллик фоизига қадарини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.*

Кичик ёки хусусий корхона ишга тушган пайтдан эътиборан икки йил ўтгунга қадар тугатилган тақдирда, қўшимча равишда ҳисоблаб чиқарилган

(тезлаштирилган) амортизация суммаси кичик ёки хусусий корхонанинг баланс фойдаси кўпайиши ҳисобига қайтарилиши керак.

• *Номоддий активлар бўйича чегирмалар.*

Номоддий активларга қилинган харажатлар жами даромаддан эскириш тарзида ҳар ойда, юридик шахс томонидан уларнинг бошланғич қиймати ва улардан унумли фойдаланиш муддати (бирок юридик шахснинг фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган муддат) асосида ҳисоблаб чиқарилган меъёрлар бўйича чегириб ташланади.

Унумли фойдаланиш муддатини аниқлаб бўлмайдиган номоддий активлар бўйича амортизация меъёрлари беш йилга (бирок юридик шахснинг фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга) мўлжаллаб белгиланади.

Гудвилл учун – амортизация меъёри йигирма йил ҳисобида белгиланади (ушбу давр юридик шахснинг фаолият давридан кўп бўлмаслиги лозим).

Амортизацияни ҳисоблашда фойдаланилган усул корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши лозим.

Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган номоддий активларни эскириши таннархга олиб бориб ҳисобдан чиқарилса, бундай ҳолатда хўжалик субъектининг харажати номоддий объектларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда ишлатилаётгани ва даромад келтираётган бўлиши шарт. Бундан ташқари, маҳсулотларни (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш жараёнида номоддий объектларини қатнашишлиги технология ҳужжатларида, сметаларда, бошқа ҳисобга олиш ҳужжатларда номоддий активлар ишлатилганлиги тасдиқланган бўлиши лозим. Номоддий активларнинг ишлатилиши натижасида олинадиган иқтисодий самара бўйича ҳисоб-китоб қилинган бўлиши шарт. Акс ҳолда моддий активларни эскиришини таннархга олиб борилиши ноқонуний бўлиб ҳисобланади.

• *Геологик тадқиқотлар ва табиий ресурсларни қазиб олишга тайёргарлик кўриш харажатлари бўйича чегирмалар;*

Солиқ тўловчининг геологик тадқиқотлар ва табиий ресурсларни қазиб олишга тайёргарлик ишлари учун қилган харажатлари жами даромаддан амортизация сифатида, амортизация ажратмалари меъёри - **15% миқдорид**а чегириб ташланади.

• 2003 йил 1 апрелдан Президентнинг ПФ-3227-сонли Фармонида мувофиқ қонунчиликда белгиланган уй-жой коммунал хизматлар учун берилган имтиёзлар ўрнига киритилган *компенсация пуллик тўловлари*. Ушбу имтиёзлардан тарбияловчилар, мактаб ва олий ўқув юрти ўқитувчилари, тиббиёт ходимлари, врачлар, яқка яшайдиган пенсионерлар ва бошқалар фойдаланар эдилар.

• *лизинг объектини сотиб олиш учун олинган кредитлар фоизлари ва бошқа белгиланган тўловлар суммалари;*

Солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли бўлмаган тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлари бўйича чегирмалар қилинмайди.

*Масалан, 8 март муносабати билан байрам уюштириши ёки ишчи ва хизматчилар учун театрга патта сотиб олиши.*

Агар маданий, спорт ва бошқа тадбирлар учун харажатлар солиқ тўловчининг асосий фаолияти доирасида ўтказиладиган бўлса, ушбу модданинг қоидалари унга нисбатан қўлланилмайди.

• *Давлатга қарашли бўлмаган пенсия жамғармаларига ажратмалар жами даромаддан чегириб ташланмайди.*

## **Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзлар**

Қуйидаги юридик шахслар даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинади:

*а) протез-ортопедия буюмларини ва инвентари ишлаб чиқаришга, шунингдек ногиронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашганлар - асосий фаолият тури бўйича;*

*б) ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар мустасно.*

Ушбу имтиёз фақат ногиронлар жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилари уюшмаси мулки бўлган юридик шахсларгагина қўлланилади.

Кўрсатилган имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаш чоғида ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган корхона ходимлари, шу жумладан ўриндошлик бўйича ишловчилар, шунингдек корхона штатида турмаган шахслар (пудрат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалар бўйича иш бажарадиган) киритилади.

*в) даволаш муассасалари қошидаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари;*

*г) жазони ижро этиш муассасалари;*

*д) нотижорат ташкилотлари.*

Солиққа тортиш мақсадларида нотижорат ташкилотлари деганда қуйидагилар тушунилади:

• бутунлай давлат бюджети маблағлари ҳисобидан маблағлар билан таъминланадиган, харажатларини қоплаш учун тасдиқланган сметалар доирасида дотациялар оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

• хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва жамғармалари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар;

• жамоатчилик-хайрия ёки бошқа мақсадлар учун ташкил этилган, таъсис ҳужжатларида айтиб ўтилганидек тадбиркорлик фаолиятдан даромадлар олишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаганлари;

• молиявий ва бошқа маблағларини ходимлар, муассислар ёки ушбу ташкилот аъзоларининг шахсий мақсадларида тақсимламайдиган ва инвестиция қилмайдиганлари (қонунда белгиланган тартибда меҳнатни рағбатлантиришдан ташқари).

Бунда тадбиркорлик фаолиятдан даромад (фойда) олган нотижорат ташкилотлари ушбу фаолиятдан солиқни умумбелгиланган тартибда тўлайди.

*е) шаҳар йўловчилар транспорти (таксидан, шу жумладан жўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиши билан боғлиқ хизматлари бўйича;*

*ж) тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган даромадлар (фойдалар) бўйича;*

*и) давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қозғозлари бўйича дивидендлар ва фоизлар бўйича;*

*м) Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағлар сарфлайдиган, хорижий инвестиция иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари - рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан дастлабки етти йил давомида;*

*н) кўрғонлар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудида барпо этилган янги ташкил этилган корхоналар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчиларидан ташқари) рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб биринчи йилда даромад (фойда) солигини тўлашдан озод этиладилар, иккинчи йили белгиланган ставканинг 25 фоизи миқдоридан ва учинчи йили 50 фоизи миқдоридан солиқ тўлайдилар. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.*

Бунда, мазкур имтиёз рўйхатдан ўтказилган ҳамда фаолиятни бевосита кўрғонлар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудида амалга оширадиган янги ташкил этилган корхоналарга татбиқ этилади.

*Бошқа янги ташкил этилган корхоналар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчиларидан ташқари) рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан биринчи йили белгиланган ставканинг 25 фоизи миқдоридан ва иккинчи йил 50 фоизи миқдоридан солиқ тўлайдилар. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.*

Мазкур кичик бандда назарда тутилган юридик шахслар тугатилган ҳолларда, белгиланган имтиёзли даврдан кейин йил тугашига қадар солиқ суммаси улар фаолиятининг бутун даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Мазкур имтиёзлар илгари фаолият кўрсатган юридик шахслар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмалари базасида ташкил этилган юридик шахсларга (хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан ташқари), шунингдек корхоналар ҳузурида ташкил этилган юридик шахсларга, башарти

улар корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишласалар, татбик этилмайд.

*р) ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари;*

*т) гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия олганлари;*

*у) юридик шахслар томонидан дивидендлар кўринишида олган ва уларни юридик шахснинг устав сармояси (фонди)га йўналтирилган даромадлар.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июн «Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3267-сонли Фармониға мувофиқ 2003 йилнинг 1 июлидан то 2005 йилнинг 1 январига қадар тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойафзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармоя иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари бюджетға тўланадиган қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча турдаги солиқ ва йиғимлардан озод қилинадилар.

Тайёр кийимларни (тикув, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқ ва оёқ кийимларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш ва бўшаётган маблағлардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисида Низомға (АВ 2003 йил 5 августда 1264-сон рўйхатға олинган) мувофиқ имтиёзлар кўзда тутилган корхоналар қуйидаги солиқлар ва йиғимларни бюджетға тўлашдан озод этиладилар:

*Солиққа тортишининг умумўрнатилган тизими қўлланилганда:*

божхона божларидан;

акциз солиғидан;

даромад (фойда)ға солинадиган солиқдан;

экология солиғидан;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан;

мулк солиғидан;

ер солиғидан;

инфратузилмани ривожлантириш учун солиқдан;

савдо ҳуқуқи учун йиғимдан.

*Солиққа тортишининг соддалаштирилган тизими қўлланилганда:*

божхона божларидан;

акциз солиғидан;

ягона солиқдан;

савдо ҳуқуқи учун йиғимдан.

Юқорида номи келтирилган имтиёзлардан фойдаланиш натижасида бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш, янги турдаги тайёр маҳсулотларни ўзлаштиришға, ўзининг айланма маблағларини тўлдиришға, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришға сарфланади.



ВМнинг 2004 йил 14 январ «2004-2005 йиллар давомида маҳаллий хом-ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 18-сонли Қарорига мувофиқ тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар 2004 йил 1 январдан бошлаб беш йил муддатга:

- четдан олиб келинаётган технология асбоб-ускуналари ва уларга эҳтиёт қисмлар, шунингдек республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган материаллар ва компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

- маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларига мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаётган субъектлар учун);

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинди.

ВМнинг 31.05.2004 й. 251-сонли Қарорига мувофиқ Республика товар хом-ашё биржаси уч йилга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилди, солиқ тўлашдан озод бўлган маблағларни техник модернизация қилиш ва ягона электрон савдо тизимининг дастурий комплексини яратиш мақсадига йўллантириш белгилаб қўйилди.

ЎзР. Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 25 июнда 1155-сон билан рўйхатдан ўтган “Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ даромад (фойда) солиғидан берилган имтиёз натижасида бўшаган маблағларни мақсадли фойдалинишини ҳисобга олиш қуйидаги кўринишда олиб борилади.

Даромад (фойда) солиғи умумий тартибда ҳисобланади, аммо ҳисобланган сумма бюджетга тўланмайди ва “мақсадли тушумлар” ҳисобварақга олиб борилади.

Ҳисобланган солиқ суммаси Молиявий натижалар ҳисоботининг (2-шакл) 180 сатрига ёки янги шаклнинг 250-сатрига олиб борилиши лозим.

Агарда имтиёз бериш давр кўрсатилган бўлса, мақсадли тушумлар ҳисоби ҳисобварақда ҳисобга олинмайдиган солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшаган маблағлар суммаси имтиёз берилган давр тугагунга қадар, бошқа ҳолларда эса ҳар йилда қуйидаги тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланганлигини тасдиқлаш учун хўжалик субъектлари ҳар йили молиявий ҳисобот билан бирга солиқ органларига мазкур Низомга илова қилинган шаклга биноан солиқлар, божхона ва бюджетга мажбурий

тўловларни тўлашдан озод этилиши натижасида бўшаган маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоб-китобларни тақдим қиладилар.

Солиқлар, божхона ва бюджетга мажбурий тўловлардан озод этиш натижасида бўшаган маблағлардан фойдаланиш тўғрисида

### ҲИСОБ-КИТОБ

(мақсадли тушумлар ҳисоби ҳисобварағида акс эттириладиган)

йил

(ҳисобот даври)

Тўловларнинг номи	Сумма	Асос, имтиёз даври
Суммага жами		
Берилган мақсадларга йўналтирилган маблағлар - жами		
Жумладан, қуйидаги мақсадларга:		

Агар имтиёз берилган давр тугагунга қадар солиқ солишдан озод этилиши натижасида бўшаган маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланган ҳолларда, қонунда белгиланган тартибда мақсадсиз фойдаланилган маблағлар суммаси, санкциялар қўлланилиб ва пенялар ҳисобланган ҳолда бюджет ҳисобига ундирилади.

Мақсадли фойдаланиш кўзда тутилмаган вақтинчалик солиқ имтиёзи берилган ҳолларда солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшайдиган маблағлар бўйича тегишли тарзда бухгалтерия ҳисобини юритишни таъминлаш мақсадида, бюджетга тўланадиган тўловларнинг ҳар бири бўйича "Вақтинчалик солиқ имтиёзлари" номли балансдан ташқари алоҳида ҳисобварақлар очилади.

Бундай ҳолатларда ҳисобланган солиқ суммаси Молиявий натижалар ҳисоботида (2-шакл) акс эттирилмайди ва молиявий натижаларни ташкил этилишига таъсир этмайди.

Имтиёз берилган давр тугаганидан сўнг, "Вақтинчалик солиқ имтиёзлари" номли балансдан ташқари ҳисобварақнинг дебетида ҳисобга олинадиган, солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшаган маблағлар суммаси ушбу ҳисобварақларнинг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Бунда ҳисобдан чиқарилгандан сўнг, бўшаган маблағлар тўғрисидаги маълумот, имтиёз берилган давр тугаши билан беш йил мобайнида корхонанинг ўзида сақланиши керак.

**Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромад (фойда) қуйидаги суммага камайтирилади:**

•экология, саломатлик ва хайрия жамғармалари, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига бадаллар суммасига, бироқ **солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг бир фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;**

**Мисол.**

*Корхонанинг солиқ солинадиган базаси – 250 минг сўми ташиқил этади. Ҳисобот даврида хайрия жамғармасига 10 минг сўм миқдорда бадал суммаси ажратилган.*

*Корхона солиқ солинадиган базасини камайтириши мумкин:  $250 \times 1\% = 2,5$  минг сўм, демак солиқ солинадиган база 247,5 (250 – 2,5) минг сўми ташиқил этади.*

*Хайрия жамғармасига қилинган бадал (10 минг сўм) ва солиқ солинадиган базани камайтириши мумкин бўлган суммалар (2,5 минг сўм) орасидаги фарқ 7,5 минг сўм корхонанинг соф даромади ҳисобига қопланади.*

•инвестицияларга (асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача муассасалар қурилишига), шунингдек инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган харажатлар суммасига, ҳисобланган эскиришдан тўлиқ фойдаланиш шарти билан, бироқ **солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;**

Инвестициялар деганда:

•янги қурилиш шаклидаги капитал қурилишга, шунингдек ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантиришга;

•**ишлаб чиқариш эҳтиёжлари** учун бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа алоҳида объектларни (ёки уларнинг қисмларини) харид қилишга йўналтирилган ўз харажатлари тушунилади.

Кўрсатилган имтиёз қуйидагилар ҳисобига инвестициялар амалга оширилганида тақдим этилади:

• ўз воситалари ҳисобига (бундай ҳолатда имтиёз ҳақиқатда қилинган харажатлар доирасида инвестицияларга берилади);

• банк кредитлари ҳисобидан - банк кредитларини ҳақиқатда сўндириш суммаси доирасида, банк хизматларига хизмат кўрсатиш харажатларидан ташқари.

**Мисол.**

*Корхона ҳисобот даврида ишлаб чиқаришини реконструкция қилиш учун 2500 минг сўм сарф қилган. Ҳисобот даврида асосий воситалар учун ҳисобланган эскириш - 1800 минг сўми, солиқ солинадиган даромад – 1200 минг сўми ташиқил этган.*

*Корхона имтиёздан фойдалана олади, қачонки тўлиқ ҳисобланган*

эскиришдан фойдаланган бўлса. Бу дегани, имтиёзли сумма  $(2500 - 1800) = 700$  минг сўмни ташкил этади.

Имтиёздан фойдаланишнинг кейинги шарти: имтиёз суммаси **солиқ солинадиган даромаднинг ўттиз фоизини** ташкил этиши лозим. Бизнинг ҳолатда  $30\% \times 1200 = 360$  минг сўмни ташкил этади.

Демак, солиқ солинадиган даромадни 360 минг сўмгагина камайтира оламиз, ваҳоланки, корхона ишлаб чиқаришни реконструкция қилиши учун 2500 минг сўм сарф қилган.

• диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкида бўлган корхоналар даромади (фойдаси)дан шу бирлашмалар ва жамғармаларнинг **уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига;**

Кўрсатиб ўтилган имтиёз фақат **нотижорат ташкилотлар** мулки бўлган, яъни устав сармояси 100 фоиз миқдорда ушбу жамғармалар ва жамиятлар томонидан шакллантирилган корхоналарга ва бошқа тузилмаларга татбиқ этилади.

Агар **нотижорат ташкилотлар** корхона ва бошқа тузилмаларнинг муассисларидан бири бўлган тақдирда, яъни ташкил этилаётган корхонанинг устав сармояси **нотижорат ташкилотлар** маблағлари ҳисобига тўлиқ шакллантирилмаган бўлса, у ҳолда бундай корхоналарга ва бошқа тузилмаларга юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёз татбиқ этилмайди. Корхоналарнинг мазкур тоифасига, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солинади.

• Ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи суммаси қуйидаги тарзда: белгиланган меъёрдан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига даромад (фойда) солиғи 1 фоиз камайтирилади.

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланадиган корхоналар учун даромад (фойда) солиғининг шартли ҳисоб-китоби

Ходимларнинг умумий сони	25 киши
Шу жумладан: ногиронлар	7 киши
Ходимларнинг умумий сонидан ногиронлар фоизи	28 фоиз
Ишга жойлаштирилган ногиронларнинг белгиланган меъёрдан ортиқ	3 фоиз
Белгиланган меъёрдан ошиш (28%-3%)	25 фоиз

	Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси	100 минг сўм
	Имтиёзни ҳисобга олганда солиқ суммаси $100 - ((100 \times 25) / 100)$	75 минг сўм

- "Умид" жамғармаси дастурларини молиялашга йўналтириладиган маблағлар суммасига.

ВМнинг 2003 йил 12 сентябр 395-сонли Қарорига мувофиқ 2006 йил 1 январгача бўлган даврда пудрат қурилиш ташкилотларининг улар томонидан қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналар сотиб олишга йўналтириладиган маблағлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базадан чиқарилиб ташланади.

- ЎЗР. Президентининг 21.05.2004 й. ПФ-3431-сонли Фармойишига мувофиқ хўжалик фаолиятини юритувчи субъектлар 2004-2009 йиллар давомида мақсадли равишда мактаб таълимини ривожлантириш Дастурини молиялаштириш учун бадаллар ажратса, у ҳолда улар даромад (фойда) солиғининг солиққа тортиш базаси ушбу суммага қисқартирилади.

Даромад (фойда) солиғининг солиққа тортиш базасини қисқартириш бўйича имтиёз қўлланилиши учун корхона томонидан мактаб таълимини ривожлантириш Дастурини молиялаштириш учун йўналтирилган бадаллар ҳақида маълумотнома тақдим этиши лозим.

- Юридик шахсларнинг сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш ва уни қўллаб қувватлаш бўйича сарф қилинган инвестиция суммаси даромад (фойда) солиғининг солиққа тортиш базасини қонунда белгиланган тартибда қисқартиради (ВМнинг 22.07.2004 й. 349-сонли Қарори).

### **Даромад (фойда) солиғи ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари.**

#### **Даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисобот ва унинг ҳисоб-китоблари**

*Барча даромад солиғи тўловчи юридик шахслар, бундан чет эл корхоналари мустасно, тўланадиган даромад солиғи суммаси бўйича ҳисоб-китобларни ўсиб боровчи яқун билан рўйхатдан ўтган солиқ органига чорак (йиллик) молиявий ҳисоботлар топшириладиган муддатларда топширадилар.*

Жорий тўловларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш учун солиқ тўловчилар тегишли чорак учун тахмин қилинган даромаддан (фойда) келиб чиқиб, жорий чорак биринчи ойининг 5 кунига (яъни 5 январ, 5 апрел, 5 июл, 5 октябр) қадар давлат солиқ хизмати органларига жорий тўловлар бўйича маълумотнома тақдим этадилар.

200 \_\_ йил " \_\_ " чорагига тахмин қилинаётган даромад (фойда)дан келиб чиққан ҳолда бюджетга солиқнинг жорий тўловлари тўғрисида маълумотнома

	Кўрсаткич номи	минг сўм
	Чорак учун даромад (фойда)нинг таҳлил қилинаётган суммаси	
	Солиқ ставкаси	
	Бюджетга тўланадиган даромад (фойда) солиғи суммаси	

Юқоридаги маълумотга асосан ҳисобот чорагида маҳсулотни сотишдан энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда даромад (фойда) олган юридик шахслар жорий тўловларни **ҳар бир ойнинг 15-кунидан кечиктирмай** тенг улушлар билан, даромад (фойда) солиғи чораклик суммасининг учдан бири миқдорда амалга оширилади.

Йил давомида кирим қилинган даромад солиғини тўлаш суммалари солиқ тўловчига тегишли ҳисобот йили учун ҳисоблаб ёзилган солиқ ҳисобига ўтказилади.

Даромад солиғи суммасини тўловчилар чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш учун белгиланган беш кун давомида бюджет даромадига ўтказадилар.

### Даромад (фойда) солиғининг ҳисоб-китоби 200 \_\_ йил \_\_\_\_\_ учун

	Кўрсаткичлар	Сатр N	Сумма
	Фойда солиғи тўланишигача молиявий натижа (« <i>Молиявий натижалар ҳисоботи</i> » 2-шаклнинг 240 сатри)	010	
	Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга кўра солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар (1- илова)	020	
	Мазкур ҳисобот даври учун солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланмайдиган харажатлар (« <i>...харажатларнинг таркиби ...</i> » Низомнинг 2-иловасига асосан 9440 ҳисобварақда ҳисобга олинган харажатлар )	030	
	Мазкур ҳисобот даври учун солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланадиган, илгари қилинган харажатлар (010-баланс орти ҳисобварақ бўйича махсус ҳисоб-китоб илова қилинади)	040	
	Солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар (сатр.030-Сатр.040)	050	
	Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидентлар	060	
	Солиқ солинадиган даромад (фойда) (сатр 010+сатр 020+сатр 050- - сатр 060)	070	
	Солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг камайиши (имтиёз бўйича маълумот илова қилинади)	080	
	Имтиёзларни ҳисобга олганда солиқ солинадиган даромад (фойда) (сатр 070 – сатр 080)	090	
	Даромад (фойда) солиғининг белгиланган ставкаси	100	

	Даромад (фойда) солиғининг тузатилган ставкаси (ҳисоб-китоб илова қилинади)	110	
	Бюджетга тўланадиган даромад (фойда) солиғи суммаси: (сатр 090 x сатр 110/100%)	120	
	Бюджетга ҳисоблаб ёзилди	130	
	Муддат бўйича қўшимча ҳисоблаб ёзилди	140	
	Камайтиришга	150	

Ушбу солиқни ҳисоблаш жадвални тўлдиришда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- Даромад(фойда) солиғини тўлашдан аввал молиявий натижага – 2-шакл 240-сатр – солиқ қонунчилигига асосан солиқ солиш базасидан чиқарилиб ташланмайдиган харажатларни қўшиш лозим; «...харажатларнинг таркиби ...» Низомининг 1 ва 2 –иловаларига асосан;

- Дивиденд ва фоизларни солиқ солиш даромадидан чиқариб ташлаш лозим, чунки бундай даромадлар бўйича даромад солиғи тўлов манбаида ушлаб қолинган;

- ҳисоблаб аниқланган солиқ солиш даромадига солиқ солиш базасини камайтириш учун белгиланган имтиёзларни (хайрия ва шунга ўхшаш жамғармаларга, инвестициялар ва бошқалар) қўллаш;

- Имтиёзларни ҳисобга олиб аниқланган солиқ солиш даромадига белгиланган ёки тўғриланган солиқ ставкаси қўлланилади. Тўғриланган солиқ ставкаси имтиёз сифатида қўлланилади, масалан, корхона рўйхатдан ўтганига биринчи икки йил бўлган бўлса, экспорт билан шуғулланадиган корхона бўлса ва кўпгина бошқа ҳолатлар.

*Мисол.*

*Корхона 2004 йил (корхона иккинчи йил фаолият кўрсатмоқда) солиқ тўлашдан аввалги даромади – 420 минг сўм.*

- «...харажатларнинг таркиби...» Низомининг 1-иловасига асосан солиқ солиш базасига қўшиладиган **харажатлар**:

- хизматчиларга кўрсатилган моддий ёрдам – 80 минг сўм;

- уяли алоқа учун – 45 минг сўм;

- меъёридан юқори хизмат сафарига сарф қилинган маблағ – 18 минг сўм;

- хайрия жамғармасига йўналтирилган – 15 минг сўм.

*Жами: 158 минг сўм.*

- Ушбу ҳисобот даврида солиқ солиш базасидан чиқариб ташланмайдиган харажатлар («...харажатларнинг таркиби ...» Низомининг 2-иловасига асосан 9440 ҳисобварақда ҳисобга олинган харажатлар);

- товар-моддий захирасини (ТМЗ) баҳолаш билан боғлиқ бўлган харажатлар, икки нархдан, яъни таннарх асосида ёки бозор нархи билан баҳоланган нархларнинг энг кичигини танлаш усули асосида – 48 минг сўм.

- Солиқ солиш базасидан ушбу ҳисобот даврида чиқариб

*ташланадиган аввал қилинган харажатлар:*

- 2003 йилда янги оммавий маҳсулотни ишлаб чиқариш учун корхона харажат қилган – 3000 минг сўм;

«...харажатларнинг таркиби...» Низомининг 2-иловасига асосан бундай кўринишдаги харажатлар солиқ солиши мақсадида қайтадан солиқ слинадиган даромадга қўшилади, бундан сўнг барча қилинган харажатларнинг фойда келтириш даврида ёки 10 йил давомида чегириб борилади, бунда қайси давр қисқароқ бўлса ўша давр олинади (даврий фарқ).

2003 йилда 3000 минг сўм янги кўринишдаги оммавий маҳсулотни ишлаб чиқариш учун корхона томонидан харажат қилинлиги учун, қонунчиликда белгиланган тартибга асосан, шу йилнинг ўзида солиқ солиши базасидан чегириб ташланмаган. Энди корхона ҳар йили 10 йил давомида 300 минг сўмдан солиқ солиши базасини камайтириб боради. Демак, 2005 йил учун корхона солиқ солиши базасини 300 минг сўмга камайтира олади. Бунда ушбу харажатни аста-секин чегириб бориш бўйича ҳисоб-китобни илова қилиш лозим.

- Корхона 150 минг сўмлик **дивиденд** олган, у бўйича солиқ даромад тўлов манбаида ушлаб қолинган.

Демак, даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китоб шаклини тўлдиршида асос сифатида «Молиявий натижалар ҳисоботи» 2-шаклнинг 240 сатрида келтирилган маълумот олинади – 420 минг сўм – у ўз вақтида 010 сатрга ёзиб қўйилади;

020 сатрда 1-иловада келтирилган солиқ солинадиган даромадга қайтадан қўшиладиган харажатлар – 158 минг сўм кўрсатилади;

030 сатрда ҳисобот даврида солиқ солиши базасидан чиқариб ташланмайдиган («...харажатларнинг таркиби ...» Низомининг 2-иловасига асосан 9440 ҳисобварақда ҳисобга олинган харажатлар), солиқ солинадиган даромадни оширишига олиб келадиган сумма – 48 минг сўм;

040 сатр аввал қилинган харажат бўлиб, ҳозирги ҳисобот даврида солиқ солиши базасидан чегириб ташланади – 300 минг сўм (солиқ солинадиган даромадни камайтиради);

050 сатрда 030 ва 040 сатрларнинг фарқи кўрсатилади, яъни бу ҳолатда  $(48 - 300) = - 252$  минг сўм;

060 сатрда олинган дивиденд ва фоизлар келтирилади – 150 минг сўм, бу сумма солиқ солинадиган даромаддан чиқариб ташланади, агарда солиқ даромад тўлов манбаида ушлаб қолинганлиги ҳақида маълумот бўлса.

070 сатрда солиқ солиши базасига қайтадан қўшилган харажатларни ва ундан чиқариб ташланган даромад тўлов манбаида солиқ ушлаб қолинган дивиденд ва фоизлар чегириб ташланган солиқ солинадиган даромад ёзилади. Бу сумма 176 минг сўмни ташкил этади.

080 сатрда солиқ солиши базасини камайтиришига олиб келувчи имтиёзлар келтирилади. Кўрилатган ҳолатда корхона битта имтиёзга эга, яъни ҳайрия мақсадида йўналтирилган маблағ (бу эса солиқ солиши



базасининг бир фоизидан ортиши мумкин эмас)  $(1\% \times 176) = 1,76$  минг сўм. Бу ерда ҳайрия жамғармасига ҳақиқатда маблағ ўтказилганлиги ҳисоб-китоб ва тегишли ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

090 сатрда имтиёзларни ҳисобга олинган ҳолдаги солиқ солинадиган даромад (фойда)  $(070 \text{ сатр} - 080 \text{ сатр}) = 174,24$  минг сўм келтирилади.

100 сатрда белгиланган даромад солиғи ставкаси – 15% келтирилади; 110 сатрда эса тўғриланган даромад солиғи ставкаси (корхона иккинчи йил фаолият кўрсатаётган бўлганлиги учун белгиланган солиқ ставкасининг 50% олинади), яъни 7,5%.

120 сатрда бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси келтирилади  $(7,5\% \times 174,24) = 13,068$  минг сўм.

Солиқ йил бошидан ўсиб бориш усули билан ҳисобланган бўлганлиги учун 130 сатрда аввалги чоракда ҳисобланган солиқ суммаси, 140 ва 150 сатрларда эса аввалги чоракка нисбатан қўшимча ҳисобланган (ёки камайтирилган) солиқ суммаси кўрсатилади. Масалан, 2004 йил III-чорагида 12 минг сўм даромад солиғи ҳисобланган бўлса, у ҳолда 140 сатрда унга қўшимча ҳисобланган  $(13,068 - 12,0) = 1,068$  минг сўмни кўрсатилади.

Демак, корхона бюджетга 1,068 минг сўм тўлаши лозим.

Юридик шахс тугатилган тақдирда солиқ органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисоботлар, даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиши мумкин бўлади, ушбу хабарномада бунинг сабаби ва ҳисоботлар, даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китоблар қачон ва қайси давр учун тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилади.

Белгиланган тартибда юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда тугатиш комиссияси (тугатувчи) беш кун ичида бу ҳақда давлат солиқ хизмати органларига ёзма равишда хабар қилади.

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан сўнг ўн беш кун давомида солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органларига даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни тақдим этиши шарт.

### **Даромад (фойда) солиғи ставкалари**

Юридик шахснинг солиққа тортиш даромади (фойдаси) энг юқори ўттиз беш фоиз солиқ ставкасида солиққа тортилиши лозим.

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат бюджети тасдиқланаётган вақтда юридик шахсларнинг даромадларидан ундириладиган даромад (фойда) солиғи ставкаси энг юқори солиқ ставкасидан юқори бўлмаган ставкада белгиланади.

1. Юридик шахсларнинг аукционлар ва гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланишига лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни,

шунингдек норезидентларни жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан олган даромади (фойдаси)га 35 фоиз ставкаси бўйича солиқ солинади.

2. Юридик шахснинг даромади (фойдаси)га белгиланган *умумий тартибдаги* ставкаси (хорижий инвестициялар билан тузилган корхоналар ҳам) – **15 (ўн беш) фоиз.**

3. *Хорижий инвестициялар иштирокидаги*, устав фондида хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан кўп бўлган устав фондининг ҳажми 1 млн АҚШ долларига қадар ва ундан юқори эквивалентга эга бўлган ишлаб чиқариш корхоналарининг даромади (фойдаси)га белгиланган ставка - 15 фоиз миқдорида солиқ солинади.

4. Болалар ассортиментидан товарлар, аёллар гигиенаси буюмлари ва бадий хунармандчилик маҳсулотлари ва болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар бюджетга **10 %** ставкаси бўйича даромад (фойда) солиғини тўлайдилар.

Ихтисослашган корхоналарга ишлаб чиқариладиган товарларнинг умумий ҳажмида болалар учун товарлар, аёллар гигиенаси буюмлари ва бадий хунармандчилик маҳсулотлари камида 60 (олтмиш) фоизни ташкил этадиган корхоналар киради.

ЎзР ВМ 1999 йил 14 июл 327-Ф-сонли Фармойишда болалар учун товарлар ва аёллар гигиена буюмлари рўйхати тасдиқланган.

5. Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилиш улуши *бўлган экспорт қилувчи корхоналар:*

- сотишнинг умумий ҳажмида 15 дан 30 фоизга қадарни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун белгиланган ставка 30 фоизга пасайтирилади;

- сотишнинг умумий ҳажмида 30 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса белгиланган ставка улар учун 2 баробарга камайтирилади.

Мазкур имтиёзлар ЎзР. ВМ 31.12.2001 й. 490-сонли Қарори билан 2002 йил 1 январдан бошлаб киритилган ва савдо-воситачилик ташкилотларига, шунингдек қуйида келтирилган хом ашё товарларини экспорт қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ этилмайди.

### **Имтиёзлар татбиқ этилмайдиган экспорт хом ашё товарларининг РЎЙХАТИ**

<b>Товарлар номи</b>	<b>ТИФ ТИ бўйича коди</b>
Пахта толаси	5201 , 5203
Ип калава	5205, 5206
Пахта линти	1404 20 000

	Хом нефть, газ конденсати, нефть махсулотлари	270900, 270900100, 2710 (271000330, 271000590 дан ташқари)
	Табиий газ	2711 21 000
	Электр энергия	271600000
	Қимматбаҳо металлар	7106,7108,7110,7112
	Рангли металлар, рангли прокати, рангли металлар парчалари ва синиқлари	7401, 7402, 7404-7406, 7501-7504, (7601-7603 760120900 дан ташқари), 7801-7802 (780110000 дан ташқари), 780420000, 7902-7903, 8001-8002, 810191900, 810291900, 810310-810310900, 810411000-810430000, 810510-810510900, 810600100, 810710000, 810810-810810900, 810910-810910900, 811000-811000190, 81 1100-811100190, 811211000, 811220-811220390, 811230-811230100, 811240-811240190, 811291
	Қора металлар, қора металл прокати ва синиқлари	7201-7213 ( 721310000, 721331000 дан ташқари), 7214 (721420000, 721440), 7215, 7216 дан ташқари), (721610000, 721621000, 721622000, 721650100дан ташқари), 7217-7229

6. Юридик шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизларга тўлаш манбаида **15 фоиз ставкаси** бўйича солиқ солинади.

Бунда солиқ солиш мақсадида дивидендларга акциялар бўйича ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектнинг устав сармоясида улушбай иштирокидан келадиган даромадлар киради.

Фоизларга депозит қўйилмалар, қарз мажбуриятлари ва бошқа қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар киради.

Олдин Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида солиқ солинган дивиденд ва фоизлар олган юридик шахс - резидент тўлов манбаида солиқ тўланганини тасдиқлайдиган ҳужжатлари мавжуд бўлса, уларни жами даромаддан чегиртириш ҳуқуқига эгадир.

Банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари - резидентларга тўланадиган фоизларга тўлаш манбаида солиқ солинмайди, балки белгиланган тартибда банкда ва бошқа молия-кредит ташкилотида солиқ солиниши керак.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябр “Бозорларни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 390-сонли Қарорига мувофиқ:

а) Ишлаб чиқарувчи корхоналар:

- истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан

даромад (фойда) солиғини амалдаги ставкадан **20 фоизга камайтирилган ставка** бўйича тўлайдилар;

- болалар учун товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар болалар учун товарлар ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солиғини **7 фоизли ставка** бўйича тўлайдилар.

б) Ишлаб чиқариш корхоналарининг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш табиий ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига олинган даромадлари (фойдаси) даромад (фойда) солиғи тўлашдан **озод қилинади**:

Ушбу 390-сонли ВМ қарорда назарда тутилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар корхоналар томонидан фақат ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг ассортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошлилигини ошириш билан боғлиқ тадбирларга йўналтирилади.

Солиққа тортишдан бўшаган маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланилган ҳолларда ушбу маблағлар, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарима жазоларини ҳисобга олган ҳолда, тўлиқ ҳажмда бюджетга ўтказилади.

Товарнинг аниқ «истеъмол» товарлари гуруҳига киришини аниқлашда **Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон қарорининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган солиқ имтиёзлари жорий этиладиган истеъмол товарлари рўйхатидан фойдаланиш зарур** (ВМнинг 2003 й. 31 март 164-сонли Қарорига илова).

### **Даромад (фойда) солиғини тўлов манбаида ушлаб қолиш**

Даромад (фойда) солиғини тўлов манбаида ушлаб қолишни қуйидаги юридик шахслар амалга ошириши шарт:

- юридик шахсларга дивидендлар ва фоизлар тўланганда;
- норезидент юридик шахсларга доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромад олган тўловларни амалга оширилганда.

Даромад (фойда) солиғини ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун даромад тўловчи юридик шахс жавобгардир.

Солиқ суммаси ушлаб қолинмаганда даромад тўловчи юридик шахс ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарима ва пеняларни бюджетга тўлаши шарт.

Даромад (фойда) солиғини тўлов манбаида ушлаб қоладиган юридик шахслар қуйидагиларни амалга оширадилар:

- солиқни тўлов амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичида бюджетга ўтказишлари;

- ушбу шахсларнинг идентификация рақами, уларнинг номи, даромадининг умумий суммаси ва ҳисобот йилида ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси акс эттириладиган маълумотномани молия йили

тугаганидан сўнг 30 кун ичида давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишлари, шунингдек даромад олувчи юридик шахсларга уларнинг талабига кўра юборишлари шарт.

### **Солиққа тортиш даромадини аниқлаш**

Солиққа тортиш даромадини аниқлашда 1999 йил 5 февралдаги **“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом** асосида олиб борилади ва мазкур Низом маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосларини белгилайди.

Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тафовутнинг бўлишига асосий сабаб, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлилигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларини аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ҳисобланади. Солиқ органларини одатда, корхонанинг бухгалтерия ҳисоби натижасида олган даромади эмас, балки уларни солиқ солинадиган даромад (фойда) хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг айрим моддаларини солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ солиқ солинадиган базага киритиш йўли билан аниқлаш қизиқтиради.

**1-иловада** ҳисобот давридаги соф фойдани ҳисоблаб чиқишда корхона даромадларидан чиқариб ташланадиган, бироқ солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ даромад (фойда)дан олиннадиган солиқни ҳисоблаб чиқишда хўжалик юритувчи субъектнинг солиқ солинадиган базасига киритиладиган харажатлар моддалари келтирилган. Булар одатда доимий фарқ деб аталади.



**2-иловада** улар пайдо бўлган пайтда солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланмайдиган, бироқ кейинги ёки анча кейинги даврларда (**вақтдаги тафовут ёки вақт орасида фарқ**) чиқариб ташланадиган харажатлар рўйхати берилди.

1 ва 2 – иловалар **бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш мақсадида харажатларни ҳисоблашда пайдо бўладиган фарқларни** акс эттиради.

Яъни солиққа тортиш учун қандай харажатларни корхона ҳақиқий таннархга ва давр харажатларига олиб боришлиги катта аҳамиятга эга эмас. Бу ерда фақат солиққа тортиш мақсадида таннархни ҳисобга олиш тартиби ва харажатлар тартибга солинади.

Демак, ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисоби икки функцияни бажармоқда: бир томондан – корхона фаолияти давомида умумий молиявий натижани аниқлаш учун маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг таннархини аниқлаб

бериш, иккинчи томондан – даромад (фойда) солиғининг солиққа тортиш базасини тўғри ҳисоблаш мақсадида таннархнинг ҳисобини таъминлаш.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бирламчи ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар асос бўлади. Шундай қилиб, ҳар хил кўрсатилган хизматлар учун кетган харажатлар, тўланганлиги ҳақида тасдиқ бўлишидан қатъий назар, уларни бажарилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар олиниши билан ўша ҳисобот даврида кўрсатилади ва шу даврдаги харажатларга олиб борилиб, ҳисобдан чиқарилади.

Шу билан бирга, бирламчи ҳисобот ҳужжатлари ҳисоботга киритилади, агарда улар «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунида (9-модда) белгиланган шаклда ва тегишли реквизитларни ўз ичига олган бўлса ҳисобга олиниши мумкин.

Бирламчи ҳисобот ҳужжатини тузиш операция амалга оширилаётган вақтда, агарда бунинг иложи бўлмаса, унинг тамом бўлиши билан тузилиши лозим.

Ҳужжатлар билан тасдиқланмаган харажатларни маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) таннархига олиб бориш мумкин эмас. Яъни ҳужжатларнинг йўқлиги ёки тўғри расмийлаштирилмагани қилинган харажатларни маҳсулот таннархига олиб бориш учун етарлича асос бўла олмайди деб ҳисобланади.

Ҳисобот даврида корхонанинг барча даромадлар ва харажатларни таққослаш ва фаолиятидаги охириги молиявий натижаларни аниқлаш молиявий натижалар тўғрисидаги Ҳисоботида акс эттирилади (бухгалтерия ҳисоботи 2-шакл).

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ - 2-сонли шакл

(2004 йил 1 январдан амалиётга киритилган)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	010		х		х
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	020	х		х	
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020)	<b>030</b>				
Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080), шу жумладан:	<b>040</b>	х		х	

Сотиш харажатлари	050	x		x	
Маъмурий харажатлар	060	x		x	
Бошқа операцион харажатлар	070	x		x	
Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари	080	x		x	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090		x		x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)	<b>100</b>				
Молиявий фаолиятнинг даромадлари (сатр.120+130+140+150+160), шу жумладан:	<b>110</b>		x		x
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120		x		x
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130		x		x
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) дан даромадлар	140		x		x
Валюта курси фарқидан даромадлар	150		x		x
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		x		x
Молиявий фаолият бўйича (сатр.180+190+200+210), шу жумладан:	<b>170</b>	x		x	
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180	x		x	
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190	x		x	
Валюта курси фарқидан зарарлар	200	x		x	
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	x		x	
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (сатр.100+110-170)	<b>220</b>				
Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	230				
Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230)	<b>240</b>				
Даромад (фойда) солиғи	250	x		x	
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	260	x		x	
ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр.240-250-260)	<b>270</b>				



“Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум” моддаси бўйича (010-сатр) маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган, харидорлар ва буюртмачилар тўлайдиган тушум кўрсатилади, бунда солиқлар (кўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи) ҳамда қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотнинг қиймати, харидорнинг сотиш нархларидан чегирмалари чегирилади.

010-сатр асосий фаолиятдан даромадларни ҳисобга олиш маълумотлари бўйича тўлдирилади.

Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага (лизингга) бериш ҳисобланган корхоналар 010-сатр бўйича ҳисоблаб ёзилган ижара ҳақи (лизинг тўлови) суммасини акс эттирадилар.

Воситачи корхоналар 010-сатрда комиссия ҳақлар суммасини акс эттирадилар.

“Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи” моддаси бўйича (020-сатр) сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархининг суммаси кўрсатилади.

Савдо корхоналари ушбу сатр бўйича сотилган товарларнинг харид қийматини акс эттирадилар. Товар айланмасида (товарларни қабул қилиш ва сотишда) иштирок этмасдан, хизматлар учун ҳақ кўринишида даромад оладиган воситачи ташкилотлар ушбу сатрни тўлдирмайдилар.

“Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)” (030-сатр) маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум билан сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи ўртасидаги фарқ (010-сатр-020-сатр) сифатида аниқланади.

“Давр харажатлари, жами” моддаси бўйича (040-сатр) 050, 060, 070, 080-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

“Реализация харажатлари” моддаси бўйича (050-сатр) маҳсулотни реализация қилиш харажатлари, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиш, транспорт воситаларига ортиш билан боғлиқ харажатлар, маркетинг билан шуғулланадиган бўлимлар ва ходимларнинг харажатлари ва ҳоказолар акс эттирилади.

“Маъмурий харажатлар” моддаси бўйича (060-сатр) ҳисоби корхонани бошқариш харажатлари, бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, умуммаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги хоналарнинг ижара ҳақи ва бошқа маъмурий харажатлар акс эттирилади.

“Бошқа операцион харажатлар” моддаси бўйича (070-сатр) ҳисоби кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборот, аудиторлик ва маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари, компенсация ва рағбатлантирадиган хусусиятдаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблаб ёзишда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, банк ва депозитарий хизматларига ҳақ, зарарлар, жарималар, пенялар ва операцион фаолият жараёнида юзага келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият

билан боғланмаган ва харажатларнинг фавқулодда моддалари сифатларига эга бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади.

“Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари” моддаси бўйича (080-сатр) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низомнинг 2.4-бўлимида келтирилган, келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари акс эттирилади.

“Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар” моддаси бўйича (090-сатр) ҳисоби асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда, ундирилган жарималар, пеня ва неустойкалар, ўтган йиллар фойдаси, қисқа муддатли ижарадан даромадлар, кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари, текин молиявий ёрдам ва бошқа операцион даромадлар кўрсатилади.

“Асосий фаолиятдан фойда (зарар)” моддаси бўйича (100-сатр) корхона асосий фаолиятининг молиявий натижалари кўрсатилади, улар маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)дан (030-сатр) давр харажатлари суммасини (040-сатр) айириш ҳамда асосий фаолиятдан бошқа даромадлар суммасини (090-сатр) қўшиш йўли билан аниқланади.

“Молиявий фаолиятдан даромадлар, жами” моддаси бўйича (110-сатр) 120, 130, 140, 150, 160-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

“Дивидендлар кўринишида даромадлар” моддаси бўйича (120-сатр) ҳисоби Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятида улушбай иштирок этишдан олинган даромадлар, корхона эгалигида бўлган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар акс эттирилади.

“Фоизлар кўринишида даромадлар” моддаси бўйича (130-сатр) ҳисоби узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар кўринишида даромадлар кўрсатилади.

“Узоқ муддатли ижарадан даромадлар (молиявий лизинг)” моддаси бўйича (140-сатр) ҳисоби мол-мулкни юридик ва жисмоний шахсларга узоқ муддатли ижарага беришдан даромадлар акс эттирилади.

“Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар” моддаси бўйича (150-сатр) ҳисоби, шу жумладан балансни тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан, валюта операциялари бўйича мусбат курслардаги фарқлардан даромадлар акс эттирилади.

“Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар” моддаси бўйича (160-сатр) ҳисоби қимматли қоғозларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар, роялти кўринишида даромадлар ва молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар кўрсатилади.

“Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами” моддаси бўйича (170-сатр) 180, 190, 200, 210-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

“Фоизлар кўринишида харажатлар” моддаси бўйича (180-сатр) ҳисоби банклар кредитлари ва қарзлар бўйича фоизларни тўлаш харажатлари кўрсатилади.

“Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар кўринишида харажатлар” моддаси бўйича (190-сатр) ҳисоби узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари акс эттирилади.

“Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар” моддаси бўйича (200-сатр) ҳисоби валюта операциялари бўйича ва баланс тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан манфий курслардаги фарқлар акс эттирилади.

“Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” моддаси бўйича (210-сатр) ҳисоби қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлар акс эттирилади.

“Умумхўжалик фаолиятдан фойда (зарар)” моддаси бўйича (220-сатр) корхонанинг умумхўжалик фаолиятига доир, асосий фаолиятдан фойда (зарар) суммасига (100-сатр) молиявий фаолиятдан даромадлар суммасини (110-сатр) қўшиш ва молиявий фаолият бўйича харажатлар суммасини (170-сатр) айириш йўли билан белгиланадиган молиявий натижалар кўрсатилади.

“Фавқулодда фойда ва зарарлар” моддаси бўйича (230-сатр) фавқулодда воқеалар натижалари кўрсатилади.

“Даромад (фойда) солиғини тўлашга қадар фойда (зарар)” моддаси бўйича (240-сатр) +/- белгисини ҳисобга олган ҳолда 220 ва 230-сатрларни қўшиш натижалари акс эттирилади. Ушбу сатр натижаси даромад (фойда) солиғининг ҳисоб-китоби чоғида асос бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг даромад (фойда) солиғи бўйича солиқ солинадиган база қуйидагича ҳисоблаб чиқарилади:

**Даромад** (фойда) солиғи тўлангунгача бўлган даромад

**плюс** 1-иловада келтирилган бухгалтериядаги фойда билан солиқ солинадиган фойда ўртасидаги доимий тафовутлар

**плюс ёки минус** 2-иловада келтирилган сарфланган харажатларни солиқ солинадиган базадан чегириб ташлаш вақтидаги тафовутлар.

**минус** олинган дивиденд ва фоизлар (агарда дивиденд ва фоизлар тўлаш чоғида даромад манбаида солиқ ушланганлигини исботловчи маълумот бўлса)

имтиёзни ҳисоблаш учун солиққа тортиш базасини аниқлаймиз

**минус** Қонунчиликка мувофиқ солиқлар бўйича имтиёзлар

**тенг бўлади** - Даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш бўйича солиқ солинадиган база.

Даромад (фойда) солиғи солиққа тортиш базасини аниқлаш ва солиқни ҳисоблаш юқоридаги даромад (фойда) солиғи ҳисоблаш шаклини тўлдириш

бўйича келтирилган мисолда берилган.

“Даромад (фойда) солиғи” моддасида (250-сатр) ҳисобот даври бошидан ҳисоблаб ёзилган, бюджетга тўланадиган суммалар кўрсатилади.

“Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар” моддасида (260-сатр) йил бошидан ҳисоблаб ёзилган, корхона фойда ҳисобига тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар суммаси акс эттирилади.

Улар учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солишнинг махсус тартиби назарда тутилган корхоналар 260-сатр бўйича ҳисоблаб ёзилган ягона солиқ, ялпи тушумдан солиқ, белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ, ягона ер солиғи суммасини акс эттирадilar.

“Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)” моддасида (270-сатр) ҳисобот даврининг пировард молиявий натижаси кўрсатилади, у 240-250-260-сатрлар айирмаси сифатида белгиланган.

*Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, корхона барча солиқларини тўлагандан сўнг соф даромаддан дивиденд тўлайди, агарда маъқул топса, резерв жамғармасига ажратма қилади. Аммо ушбу маълумот бошқа кўринишдаги ҳисоботда, яъни хусусий капиталнинг ҳаракати ҳисоботида кўрсатиб ўтилади, чунки бу моддалар корхонанинг харажатларига кирмасдан, балки соф даромаднинг қандай ишлатилганини кўрсатади.*

*Кўшма корхона, акциядорлик жамияти ва бошқа кўринишдаги корхоналарни тузиш учун йўналтирилган тўловлар ҳам 2-шаклда харажат сифатида кўрсатилмасдан, корхона балансида инвестиция сифатида ҳисобга олинади.*

*Узоқ муддатга мўлжалланган активларни сотиб олишга кетган маблағ ҳам молиявий натижалар ҳисоботида харажатлар сифатида ҳисобга олинмайди, улар бухгалтериянинг капитал қўйилма ҳисоб рақамида ҳисобга олинади ва корхонанинг балансида кўрсатилади.*

1995 йилдан бошлаб корхоналар учун махсус жамғармалар (ижтимоий ривожланиш жамғармаси, моддий рағбатлантириш жамғармаси, ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармаси ва ҳ.к.) тузиш кўзда тутилмаган, бунда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўшма корхоналар, суғурта компаниялари ва акциядорлик жамиятлари учун резерв жамғармасини тузиш бундан мустасно.

Корхонанинг айланма маблағларининг ортиши унинг соф даромади ёки шахсий капитали ва займларининг ортиши ҳисобига амалга оширилади.

Хўжалик субъектининг моддий ёрдам беришга, бир маротабалик мукофот пулларини тўлашга, рағбатлантиришга, пенсияга қўшимча тўловларга ва шунга ўхшаш харажатларга маблағи мавжуд бўлган ҳолда тўласа, ушбу маблағ қаердан олинганлиги кўрсатиб ўтилмайди. Аммо ушбу тўловлар қайтадан солиқ солинадиган базага қўшилади ва даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда ҳисобга олинади.

## **Масалалар**

Ишлаб чиқариш корхонаси иккинчи йил фаолият юритмоқда, унинг фойда солиғи тўлагунгача бўлган даромади (№2, 170-сатр) 150 минг сўм бўлган.

Ҳисобот даври учун қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- Хокимиятга ҳомийлик ёрдами кўрсатилган – 15 минг сўм;
- Қариялар уйига ёрдам кўрсатиш учун – 12 минг сўм;
- Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун - 250 минг сўм (йил давомида тўпланган эскириш – 280 минг сўм).

**Савол.** Ҳисобот даври учун корхона тўлаши лозим бўлган даромад солиғи неча сўмга тенг?

**Ечим:**

□омийлик ёрдами ва қариялар уйига ёрдам кўрсатиш учун йўналтирилган маблағлар даромад (фойда) солиғи солиқ солиш базасига қўшиладиган харажатлар туркумига кирази ва уларни 1-Иловага киритилади.

Солиқ солинадиган даромади:  $150 + 12 + 15 = 177$  минг сўм.

Солиқ солинадиган даромадини камайтириш:

- қариялар уйига ёрдам кўрсатиш учун йўналтирилган маблағ (солиқ солинадиган даромаднинг 1фоизигача) –  $1\% \times 177 = 1,77$  минг сўм.
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун йўналтирилган маблағ (250 м.с.) – имтиёздан фойдаланиб бўлмайди, чунки эскиришдан тўлиқ фойдаланилмаган (280 м.с.).

Имтиёзларни ҳисобга олганда солиқ солинадиган даромад:  $177 - 1,77 = 175,23$  минг сўм.

Иккинчи йил фаолият кўрсатганда солиқ ставкаси  $50\% \times 15 = 7,5\%$ .

Даромад солиғи суммаси =  $7,5\% \times 175,23 = 13,14$  минг сўм.

## **2- масала. Мустақил ечиш учун масала**

Ишлаб чиқарувчи ҚҚС ва даромад (фойда) солиқлари тўловчиси корхона 2005 йил ҳисобот даври учун қуйидаги кўрсаткичларга эга:

- Ички бозорда маҳсулотни сотишдан тушган тушум – 12600 минг сўм;
- Чет эл валютасига сотилган маҳсулот – 12 минг АҚШ доллари миқдориди (юк ортилган вақтда 1\$ - 935 сўм).
- омборхоналарини ижарага беришдан олинган соф даромад – 2900 минг сўм;
- ускуналарни ўз вақтида олиб келиб ўрнатилмагани учун сотувчи корхонадан тушган жарима ва шартномада кўрсатилган қўшимча тўлов – 1000 минг сўм;
- ёрдамчи корхонадан олинган дивидендлар (дивиденддан ундирилган солиқ ҳақидаги маълумот мавжуд) – 1340 минг сўм.

«Райхон» фирмаси томонидан кадрлар бўлимига тегишли 1750 минг сўмлик компьютер дастури яратилган ва текинга ўрнатиб берилган.

2003 йилда қонунчиликка асосан чегирмага олиб борилган 3000 минг сўмлик сотилган маҳсулотнинг пули келиб тушган.

Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннарни - 11380 минг сўм, шу жумладан - ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий воситаларнинг эскириши белгиланган меъёрга нисбатан 2 коэффициент қўлланилган бўлиб, 2100 минг сўмни ташкил этган.

Ўтган давр учун қуйидаги харажатлар амалга оширилган:

- меъёр чегарасида ўзининг маҳсулотини реклама қилиш учун – 120 минг сўм сарфланган;
- бошқарувда ишловчилар учун иш ҳақи бўйича харажат – 4500 минг сўм;
- хизмат сафари харажатлари, меъёрдагиси – 395 минг сўм, меъёрдан юқори – 82 минг сўм;
- хизмат автомобили сақлаш учун харажатлар – 150 минг сўм;
- уяли телефон – 1340 минг сўм;
- ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган асосий воситалар эскириши – 900 минг сўм.

Ҳисобот даврида ҳисобварақлар бўйича олинган ҚҚС – 920 минг сўм.

#### **Аниқланг**

1. Ҳисобот даврида бюджетга тўланиши лозим бўлган даромад (фойда) солиғи суммасини.
2. Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС.
3. Корхонанинг Молиявий натижалари бўйича ҳисоботини (2-шакл) тузинг.
4. Ҳисобот даври учун даромад (фойда) солиғининг шаклини тўлдилинг.

Масалани ечиш даврида мол-мулк солиғи, ер солиғи, ҳамда бошқа солиқлар ва мажбурий тўловларни аҳамият бермасликка рухсат этилади.

### **1.4. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ**

Аҳолини солиққа тортиш тизимида марказий бўлиб жисмоний шахсларни даромадларини солиққа тортиш ҳисобланади. Юртимиз ва чет давлатларининг иқтисодини тарихий ривожланишида ушбу солиқ кўпдан буён анъанавий солиқ бўлиб келмоқда. Даромад солиғи ставкасининг пасайиши (максимал солиқ ставкаси 45 % дан то 30 %гача туширилди)

доимий равишда солиққа тортиш базасининг кенгайиши билан олиб борилмоқда ва бу қаторда солиқ тўлаш манбасига тўлиқ асосли равишда фақат ишчи ва хизматчилардан ундириладиган даромад солиғигина эмас, балки у билан бирга мулкӣ даромадлар ва тадбиркорлик фаолияти даромадлари ҳам кирмоқда.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларни солиққа тортиш ЎзР. Солиқ кодекси, “Жисмоний шахсларни даромад солиқларини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида”ги 2002 йил 14 март 1110-сонли Йўриқнома, “Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги (03.04.2003 й. 1230-сонли) Низомга ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Ушбу ҳужжатларга асосан молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни тўловчилари ҳисобланади.

Барча жисмоний шахслар **солиққа тортиш мақсадида** икки тоифага бўлинади: **Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари.**

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилида бошланадиган ёхуд тугайдиган ўн икки ойгача бўлган исталган давр мобайнида **183 кун ёки ундан кўпроқ** муддатда Ўзбекистонда турган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб қаралади.

**Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахсларга уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек ундан ташқаридаги фаолияти манбаларидан олинган даромадлари бўйича солиқ солинади.**

Ўзбекистон Республикасининг **резиденти бўлмаган** жисмоний шахсларга **Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги манбалардан олинган даромадлар** бўйича солиқ солинади.

Агар Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси ҳисобланган халқаро шартномалар билан жисмоний шахслар даромадига солиқ солишнинг Йўриқномадагидан фарқланадиган бошқача қоидалари белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартномалар қоидалари қўлланилади.

### **Солиқ солиш объекти**

**Жами йиллик даромад** солиқ солиш объекти ҳисобланади.

**Жисмоний шахсининг жами йиллик даромади**

Иш ҳақи кўринишидаги даромад

Мулкӣ даромад

Тадбиркорлик фаолиятидан олинган

		даромад
-меҳнат шартномаси бўйича қилинган ишлардан ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича олинган даромадлар; -иш берувчи томонидан ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, ходимларнинг чиқимларини қоплаш учун қилинган харажатлар, унинг бевосита ёки билвосита даромадларини ташкил этадиган бошқа харажатлари; -иш берувчининг жисмоний шахсдан ушлаб қолиниши керак бўлган тўловлар юзасидан тўлаган барча суммалари	-дивидендлар кўринишидаги даромадлар; -фоизлар кўринишидаги даромадлар; -мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромад.	-қонунда рухсат этилган фаолият тури билан шуғулланиб ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар) ва бошқаларни сотишдан олинган даромад

**Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига** солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар, шундан:

- 1. меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган даромадлар;**
- 2. жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромади;**
- 3. жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромад киради.**

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган даромадларга жисмоний шахсларнинг меҳнат шартномаси бўйича қилинган ишлардан ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича олинган даромадлари киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган даромадларга қуйидагилар ҳам киради:

*а) ходимларга сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати билан бундай товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш нархи ёки уларнинг таннархи ўртасидаги манфӣ фарқ;*

Масалан, корхона томонидан 8500 сўмга товар сотиб олинган ва ишчисига ушбу товар 5000 сўмдан сотилган, шунда улар орасидаги фарқ  $(5000 - 8500) = - 3000$  сўм ишчи учун даромад ҳисобланади.

*б) юридик шахс (иш берувчи) томонидан ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, ходимларнинг чиқимларини қоплаш учун қилинган харажатлар.* Масалан, корхона ишчисининг шахсий уяли телефони учун алоқа харажатларини тўлаб берса;

*в) ходим иш берувчига тўлаши керак бўлган, иш берувчининг қарори билан ҳисобдан чиқарилган қарз суммалари;*



Масалан, ходим корхона кассасига 30000 сўм тўлаши лозим эди (ортиқча тўланган иш ҳақи, хизмат сафари учун берилган маблағ, ёки бошқа қарз). Корхона раҳбарининг буйруғига асосан (маълум бир сабабларга кўра) ушбу қарз корхонанинг харажатлари сифатида кечиб юборилади, бундай ҳолатда 30000 сўм ходимнинг жами даромадига кўшилади.

*г) иш берувчи ўз ходимларининг ҳаёти ёки соғлиғини ихтиёрий суғурталаш бадалларини тўлаш учун қилган харажатлар;*

Маълумки, мажбурий суғурта бўйича харажатлар корхона томонидан амалга оширилади. Мажбурий бўлмаган (ихтиёрий) суғуртани ишчининг ўзи тўлаши лозим, аммо агарда мажбурий бўлмаган суғуртани корхона томонидан тўлаб берилса, у ҳолда у сумма ишчининг даромади ҳисобланади.

*д) иш берувчининг жисмоний шахсдан ушлаб қолиниши керак бўлган тўловлар юзасидан тўлаган суммаси;*

Масалан, ишчи маъмурий жавобгарликка тортилган ҳолатда, унинг учун ушбу суммани корхона тўлаб берса, у ҳолда бу тўлов жисмоний шахс учун даромад ҳисобланади.

*е) иш берувчининг ўз ходимларининг бевосита ёки билвосита даромадларини ташкил этадиган бошқа харажатлари.*

Бундай харажатларга юридик шахснинг ўз ходими тўлаши лозим бўлган, аммо ушбу юридик шахс томонидан тўланган маблағлар киради.

Масалан, коммунал хизматлар, турар-жой учун тўлов, давлат пенсиясига кўшимча тўлов, йўл чипталари қиймати (хизмат сафарлари учун фойдаланиладиган йўл қарточкаларидан ташқари) ва шунга ўхшаш харажатлар.

Бунда ишлари транспортларда доимий равишда юриш билан боғлиқ бўлган ва ушбу мақсадларда уларга бир ойлик йўл қарточкалари сотиб олиб бериладиган ходимлар рўйхати, уларнинг фаолият тури, уларнинг харид қилиш мақсадлари иш берувчининг буйруғига мувофиқ белгиланади.

**Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадига олинган фоишлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар киради.**

**Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадга** товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан, қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган, яқка тартибда амалга ошириладиган бошқа фаолиятдан келадиган барча тушумлар ушбу даромадни топиш билан боғлиқ харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмалар чегириб ташланган ҳолда киради.

Юридик шахсни ташкил этмасдан яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ва солиққа тортишда қатъий солиқ кўринишида даромад солиғини тўловчи жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан белгиланган жами йиллик даромадни аниқлаш тартиби ва ундаги руҳсат этилган чегирмалар қўлланилмайди.

*Бундан фарқли – мол-мулкни ижарага бериш (уларга кетган*

харажатлар, яъни уй-жой тўлови, коммунал хизмат учун тўлов ва бошқа харажатлар) ҳамда акцияларни олди-сотди натижасида олинган (бунда харажатлар хужжат билан тасдиқланган бўлиши лозим, яъни буларга акцияларни сотиб олиш, сотиш, қимматбаҳо қозғозларни сақлаш ва бошқа харажатлар кириши мумкин) даромадлар бўлиши мумкин.

Қилинган харажатларни чегирмага олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ҳозирги кунда у ишлаб чиқилмаган.

### **Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари**

2004 йил январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадлари суммаларидан солиқ (агар бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, ушбу ҳолатларни қуйида кўриб чиқамиз) қуйидаги миқдорда ундирилади:

<b>Жами даромад миқдори</b>	<b>Солиқ суммаси</b>
Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоригача	Даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ + беш бараваридан ошадиган сумманинг 21 фоизи
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдоридан	Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ + ўн баравардан ошадиган сумманинг 30 фоизи

Солиқ солиш мақсадлари учун энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан эътиборан ортиб борувчи якун тарзида ҳисобланади (йил бошидан тегишли давр учун энг кам иш ҳақининг ойлик миқдорлари суммаси).

2005 йил 1 августдан бошлаб энг кам иш ҳақи **6530** сўмни (2004 йил 1 августга қадар **5440** сўм), 2005 йил 1 майдан – **7835** сўмни ташкил этади.

ВМнинг 21.12.2004 й. «ЎЗР. «Фуқароларни пенсия жамғармалари билан таъминлаш ҳақида»ги Қонуннинг бажарилиши бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 595-сонли Қарорига мувофиқ ҳозирги кундаги солиқ ставкаларида ҳисобланган бюджетга ундирилиши лозим бўлган солиқ ҳар ойда фуқароларнинг индивидуал йиғиб бориладиган жамғармаларига йўналтириладиган ажратмаларга (ишчи-хизматчининг ҳисобланган иш ҳақидан (даромадидан 1% миқдорида) камайтирилади.

Фуқаронинг асосий иш жойи бўлиб меҳнат дафтарчаси юритиладиган корхона, муассаса ва ташкилот ҳисобланади.

**Жисмоний шахсларнинг баъзи бир даромадларини солиққа тортишда махсус шартлар мавжуд:**

- Жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизларга 15 фоизлик ставка бўйича тўлов манбаида солиқ солинади.

Бунда солиқ солиш мақсадида:

**дивидендларга** акциялар бўйича ҳамда ташкилий-хукукий шаклидан

қатъи назар хўжалик юритувчи субъектнинг устав сармоясида улушбай иштирокидан келадиган даромадлар киради.

**фоизларга** депозит қўйилмалар, қарз мажбуриятлари ва бошқа қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар киради.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган **Ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-сон рўйхатларига киритилган ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларини солиққа тортиш келтирилган.**

Бунда юқорида айтиб ўтилган фуқаролар тоифаларидан **даромад солиғи олиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим.**

Бундай ишчи ва хизматчиларнинг даромадлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 март 72-сонли “Меҳнат қилиш шароитлари ғоят оғир ва зарарли, ўта оғир ишлаб чиқаришларда ишлайдиган фуқароларнинг айрим тоифалари даромадларидан имтиёзли солиқ олиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ имтиёзли солиққа тортилади.

Ушбу тоифадаги фуқароларнинг даромадларини солиққа тортиш қуйидагича амалга оширади:

1) солиқ умумий белгиланган тартибда ҳисобланади (йил бошидан ҳисобот даври учун);

2) йил бошидан умумий даромадга нисбатан ҳисобланган даромад солиғининг қисми аниқланади:

*(ҳисобланган даромад солиғининг суммаси)/(йил бошидан умумий даромад суммаси) x 100 фоиз;*

3) агар ҳисобланган солиқ суммасининг қисми 25 фоиздан ортмаса, у ҳолда даромад солиғи қиймати ўзгаришсиз қолади (яъни 1-банда ҳисобланганлигича).

Агарда ҳисобланган даромад солиғининг қисми 25 фоиздан ошиқ бўлса, у ҳолда 25 фоиздан ортган қисми ҳисобланган солиқ суммасидан чегириб ташланади (яъни имтиёзли шароитда меҳнат қилиб топган даромаддан ундириладиган солиқ умумий даромаднинг 25 фоиз қийматидан ошмаслиги лозим). Солиқ ундириш вақтида аввал ундирилган солиқ суммаси чегириб ташланади (аввалги давр учун).

*Солиқ ҳисоблаш бўйича мисол ушбу бобнинг охиридаги иловада келтирилган.*

Бундай турдаги солиқ тўловчилар учун имтиёзли солиқ солиш иш жойининг шароитидан келиб чиқиб, аттестация асосида белгиланади. Аттестациядан ўтказиш тартиби Меҳнат ва ЎзР аҳолисини ижтимоий химоялаш вазирлиги томонидан ўрнатилади.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 май 250-сонли қарори билан тасдиқланган 1-сон рўйхатнинг 3-қисми ҳамда 2-сон рўйхатнинг 1-қисмида қайд этилган **ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир**

шароитли ишларда банд бўлган ишлар, ҳунарлар ва лавозимларда банд бўлган аёлларнинг даромадидан солиқ солиш.

Бундай турдаги аёлларнинг даромадларига солиқ солиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 март 117-сонли “Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида”ги Қарорига асосан 1999 йил 1 апрелдан бошлаб қўлланила бошлаган.

Ушбу тартибга асосан солиқ солиш худди юқорида келтирилгани каби амалга оширилади, аммо унинг солиқ ундириш даражаси **20 фоиздан ошмаслиги лозим.**

*Солиқ ҳисоблаш бўйича мисол иловада келтирилган.*

• **Ноқулай табиий-иқлим шароитлари билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловлар (иш стажига устамалар, баланд тоғлик, дашт ва сувсиз туманлардаги ишлар учун белгиланган коэффицентлар бўйича тўловларга).**

Бундай ҳолатда солиқ **13 фоизлик** ставка бўйича ундирилади.

*Мисол.*

*Ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаган ишчининг йил давомида даромади 540 минг сўмни ташкил этган. Ноқулай табиий-иқлим шароитлари билан боғлиқ ва белгиланган коэффицентлар бўйича бўлган иш ҳақиға қўшимча тўлов 128 минг сўмни ташкил этган.*

*Иш ҳақиға даромад солиғи умумий белгиланган тартибда солиқ шкаласини қўллаган ҳолда ҳисобланади ва йил учун 142 минг сўмдан иборат бўлади.*

*Ноқулай табиий-иқлим шароитлари билан боғлиқ ва белгиланган коэффицентлар бўйича бўлган иш ҳақиға қўшимча тўлов 13 фоизлик солиқ ставкаси бўйича ундирилади ва у қуйидагини ташкил этади:*

*(128000 x 13%) = 16,6 минг сўм.*

*Шундай қилиб, умумий даромад солиғи = 142 + 16,6 = 158,6 минг сўм.*

**Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда дивидендлар ва фоизлар бўйича даромадлар, шунингдек қонунда белгиланган ноқулай табиий-иқлим шароитлари билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловлар (иш стажига устамалар, баланд тоғлик, дашт ва сувсиз туманлардаги ишлар учун белгиланган коэффицентлар бўйича тўловларга) жами даромад таркибидан ҳисобдан чиқарилади, чунки улар умумий солиқ ставкаси бўйича солиққа тортилмайди, ва дивиденд ва фоизлар бўйича эса даромад солиғи тўлов манбаида ушланиб қолинади.**

• **Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар учун қатъий солиқ суммасини белгилаш йўли билан алоҳида солиқ солиш тартиби белгиланган.**

**Солиқ солинадиган даромадга қуйидагилар киритилмайди:**


а) меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган, энг кам иш ҳақининг ўн икки баробари миқдори доирасидаги ишдан бўшатиш нафақаси, давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақалари бундан мустасно), шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан фуқароларга пул ва натура шаклида бериладиган нафақалар ва бошқа ёрдам турлари;

Бу ерда шуни эсдан чиқармаслик керакки, вақтинчалик иш қобилиятига эга бўлмай касаллик варақасига асосан тўланадиган тўлов жисмоний шахснинг солиқ солинадиган базасига қўшилади.

б) олинадиган алиментлар;

Алиментлар тўланаётган вақтда соф даромаддан тўланганлиги учун улардан яна алимент олувчи жисмоний шахснинг даромадига қўшиши мумкин эмас.


в) олий ўқув юртлири ва ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника ўқув юртлири ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес мактаблари, шу жумладан олий ва ўрта диний ўқув юртлири томонидан ўз талабаларига ва ўқувчиларига тайинланадиган стипендиялар, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан таъсис этиладиган стипендиялар;



ставкада      ставкада      ставкада

солиқ олиш      солиқ олиш      турига қа-  
даражаси 25%      даражаси 20%      раб қать-  
дан ортмайди      дан ортмайди      ий белги-  
ланган солиқ  
ставкаси

ДСҚнинг тушунтириш хатига асосан олий ва ўрта махсус ўқув юртлирига, техникумларга, коллежларга талабаларни ўқиш учун ўтказилган маблағларга қуйидагича солиқ солинади (30.10.1998 йил 517-сонли хат):  
“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва



кўрсатмаларига асосан “Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус ўқув юртлирига, техникум ва коллежларига маълум бир ўқув йили учун тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабаларнинг ўқишлари учун тўғридан-тўғри ўқув юрти ва корхона ўртасидаги шартнома асосида корхона томонидан ўтказилган маблағ жисмоний шахснинг умумий даромадига қўшилмайди ва солиққа тортилмайди.

Мутахассиснинг ўқиши учун юқорида келтирилган ўқув юртларига корхона билан унинг олий ва ўрта махсус ўқув юрти, техникум ва коллежни тугатгандан сўнг ишлаб бериш шарти билан тузилган шартнома асосида ўтказилган маблағ корхонанинг кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатларига олиб борилади ва корхонанинг даромад (фойда) солиғи ҳисоблашда солиқ солиш базасига киритилмайди”;

г) *давлат пенсиялари, шунингдек уларга устамалар;*

Аммо, корхона ўзининг ишчисига қўшимча равишда ўзининг маблағларидан пенсия тўлайдиган бўлса, у ҳолда бундай тўланган пенсия умумий тартибда солиққа тортилади.

д) *шахслар қон топширганлик учун, донорликнинг бошқа турлари учун, она сути топширганлик учун оладиган суммалар, шунингдек тиббиёт муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топширганликлари учун оладиган суммалар;*

е) *майиб бўлиш ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши билан боғлиқ ҳолда, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан кўрилган зарарни қоплаш юзасидан олинадиган суммалар;*

з) *фуқароларнинг хорижда ишлашга юборилиши муносабати билан давлат бюджетидан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларидан чет эл валютасида оладиган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;*

и) *жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи асосида ўзларига қарашли бўлган мол-мулкни сотиш натижасида оладиган суммалари, тадбиркорлик фаолияти доирасида амалга ошириладиган мол-мулкни сотиш натижасида оладиган даромадлардан ташқари;*

*Юридик шахслар ҳамда чет эл ваколатхоналари юқорида келтирилган жисмоний шахсларга улар томонидан сотилган товар учун тўланган маблағлар ҳақидаги маълумотни ҳар чоракда ўзлари жойлашган давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишлари лозим.*

Жисмоний шахс томонидан қилинган операциянинг турига ва ҳажмига қараб, *у яшайдиган давлат солиқ хизмати органи* фуқаронинг умумий даромадини ҳисобга олган ҳолда қўшимча солиқ ҳисоблаш ҳақидаги саволни ҳал қилади.

к) *шахсларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирган қорамол, қуён, нутрия, балиқ, паррандаларни ҳам тирик ҳолатда, ҳам уларни сўйиб маҳсулотларини хом ва қайта ишланган ҳолда, шунингдек асаларичилик маҳсулотларини ва бундай хўжаликда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган дехқончилик маҳсулотларини сотишдан олган даромадлари суммаси.*

Фуқарода шахсий ёрдамчи хўжалик мавжудлиги *маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси* билан тасдиқланади;

*Ушбу бандга гулларни етиштириш кирмайди.*

л) бир йил мобайнида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваригача бўлган суммадаги қимматли совғалар қиймати, шунингдек халқаро ҳамда республика танлов ва мусобақаларида олинган соврин буюмлар қийматининг суммаси;

Агарда йил давомида юридик шахслардан *олинган қимматли совғалар нархи энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваридан ортиқ бўлса*, у ҳолда ундан ортиган қисми жисмоний шахснинг солиқ солинадиган даромадига кўшилади.

Бу ерда яна шуни эсдан чиқармаслик керак-ки, имтиёз фақат **қимматли совғалар** учун берилади, пул кўринишидаги берилган компенсация бунга кирмайди.

м) *мерос қилиб қолдириш ва ҳадя қилиш натижасида* олинган суммалар ва мол-мулк қиймати, фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) оладиган муаллифлик ҳақи суммалари бундан мустасно;

н) *давлат заёмларининг облигациялари ва лотереялар бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қозғазлари бўйича фоизлар*;

о) фуқароларнинг *суғурта бўйича* оладиган суммалари;

п) бир йил мобайнида берилган моддий ёрдам суммалари:

- *табиий офатлар*, бошқа фавқулудда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари - тўлалигича;

- *вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари* - энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

- бошқа ҳолларда – бир йил мобайнида *енг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда*;

р) *депозит сертификатлар бўйича даромадлар*, банклардаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ва ютуқлар;

с) фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкани сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олиш, "Ўзуйжойжамғармабанк"нинг шахси кўрсатилган уй-жой облигацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга йўналтирилган суммалари, шунингдек дивидендлар тариқасида олинган ҳамда дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (капиталига) йўналтирилган даромадлар.

Мазкур мол-мулк сотилганида (Ўзуйжойжамғармабанкнинг шахси кўрсатилган уй-жой облигациялари бўйича олинган уй-жойдан ташқари) илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга *умумий асосларда солиқ солинади*;

Агарда Ўзуйжойжамғармабанкнинг шахси кўрсатилган уй-жой облигациялари бўйича олинган уй-жой сотилганда ёки бошқа тарзда



берилган ҳолда, шунингдек харид кунидан бошлаб беш йил муддатга ижарага берилганда, у ҳолда жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ бўйича *имтиёзлар бекор қилинади* ва сотиш ёки бошқа тарзда бериш кунда амал қилган ставкалар бўйича тўлиқ миқдорда солиқ ушлаб қолинади;

*Жисмоний шахсларнинг дивиденд кўринишида олган даромадлари ҳам йиллик жами даромадга қўшилмайди, агарда олинган дивиденд корхонанинг Устав капиталига (жамғармасига) йўналтирилса.*

Бу ерда яна шуни таъкидлаш лозимки, «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ хусусий корхонанинг барча солиқ ва мажбурий тўловларни тўлагандан сўнг қолган соф даромади хусусий корхона эгасининг ихтиёрида қолади ва солиққа тортилмайди.

т) патент эгаси бўлган жисмоний шахснинг (лицензиарнинг) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан ёки фойдаланиш бошланган санадан эътиборан амал қилиш муддати доирасида уларга лицензиялар сотишдан, шунингдек лицензиат саноат мулки объектларидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан ушбу фойдаланишдан олган даромади суммаси:

- ихтиролар ва селекция ютуғидан патент бўйича - беш йил давомида;

- ихтиролардан дастлабки патент бўйича фойдаланишдан - уч йил давомида;

- селекция ютуғидан гувоҳнома бўйича - уч йил давомида;

Бу ерда қўшимча қилиб шуни айтиш лозимки, рационализаторлик таклифлари учун тақдирлашга бериладиган мукофот суммалари ушбу бандга кирмайди ва умумий тартибда солиққа тортилади.

у) *болалар лагерлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларига, оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасаларига бориш учун болалар ва ўсмирларга бериладиган йўлланмалар қийматини, шунингдек ўз ходимларининг амбулатория ёки стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қийматини тўлиқ ёки қисман компенсациялаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ходимларига ёки улар учун тўлаган суммалар.*

Кўрсатиб ўтилган тўловлар жумласига ногиронларнинг соғломлаштириш ва санаторий-курорт муассасаларига берилган йўлланмалари қийматини, даволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида техника воситалари сотиб олиш учун ҳамда ногиронларнинг саломатлигини тиклаш учун қилинган харажатларни тўлиқ ёки қисман тўлаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тўлаган суммалар ҳам киради;

ф) амалдаги қонун ҳужжатларида (хизмат сафари кунлик харажатларига ўхшаш) назарда тутилган *нормалар доирасидаги товон тўловлари*, меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида фойдаланилмаган таътил учун бериладиган товон пуллари бундан мустасно.

Агарда хизмат сафари тўловлари суммаси корхона раҳбарининг қарорига биноан қонунчиликда белгиланган меъёр чегарасидан юқори бўлса, у ҳолда чегарадан юқори қисми жисмоний шахснинг солиқ солинадиган даромадига қўшилади.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида фойдаланилмаган таътил учун бериладиган товон пуллари умумий белгиланган тартибда даромад солиғига тортилади.

*Худди шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш жамғармаси томонидан тўланадиган 2 ойлик ишдан бўшатганда тўланадиган нафақа ҳам даромад солиғига тортилмайди.*

Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун фойдаланганлик учун компенсация тўлаш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтсак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрел 154-сонли қарорига биноан компенсация тўлаш бўйича қуйидаги тартиб ўрнатилган.

Компенсация, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш фаолияти мунтазам транспортда юриш (хизмат сафарларидан ташқари) зарурияти билан боғлиқ бўлган ва ушбу мақсадлар учун ўз шахсий енгил автомобилларидан фойдаланадиган ходимларига тўланади.

Компенсация тўлаш харажатлари хизмат енгил автомобилларини сақлаш учун назарда тутилган маблағлар суммасининг 30 фоизи доирасида амалга оширилади.

Бунда хўжалик ҳисобидаги корхоналар (бирлашмалар)да ва ташкилотларда компенсация тўлаш хизмат енгил автомобилларини сақлаш учун фойдани тақсимлаш сметаларида назарда тутилган, корхоналар ва ташкилотлар ихтиёрида қолдириладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Компенция автомобилларнинг русумларига қараб қуйидаги миқдорларда тўланади:

Автомобиль русуми	Бир ой учун компенсациянинг чекланган миқдори энг кам ойлик иш ҳақиға барабар миқдорида
ГАЗ-24, 31	6
ВАЗ, НЕКСИЯ, Москвич	5
ТИКО	3
Бошқа хорижий русумлардаги машиналар	4

Компенсация миқдори ходимға фақат хизмат мақсадлари учун

фойдаланиладиган автомобилни ишлатиш юзасидан қилинадиган харажатларни қоплашни ҳисобга олган ҳолда белгиланган.

Корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарининг буйруғи хизмат мақсадлари учун ўзларининг енгил автомобилларидан фойдаланувчи ходимларга компенсация тўлаш учун асос бўлади. Корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари ишлатиш шароитларига қараб компенсациянинг чекланган миқдорини кўпи билан 10 фоизга оширишга ҳақлидир.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан компенсацияни тўлаш юқори ташкилотнинг рухсати билан амалга оширилади.

Компенсация олиш учун ходимлар корхона, муассаса ва ташкилот бухгалтериясига шахсий автомобиль техник паспортининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этадилар.

Компенсация ойига бир марта, календар кунларнинг сонидан қатъи назар, ойнинг иккинчи ярми учун иш ҳақи билан бир вақтда тўланади.

Ходим таътилда, хизмат сафарида бўлган, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли, шунингдек, у бошқа сабабларга кўра ишга чиқмаган, шахсий автомобилдан фойдаланмаган вақтлар учун компенсация тўланмайди.

Шунингдек, қонунчиликда **компенсация пул тўловлари** ҳам кўзда тутилган, ушбу тўловлар Президентнинг ПФ-3227-сонли Фармойишига мувофиқ 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қонунчилик асосида бериладиган имтиёзлар ўрнига жорий этилди. Ушбу имтиёзлардан аввал тарбияловчилар, ўқитувчилар, олий мактаб ўқитувчилари, врачлар, медицина ходимлари, яқка яшайдиган нафақахўрлар ва бошқалар фойдаланар эдилар.

Ҳозирги кунда бундай тоифадаги фуқароларга ҳар ойда асосий иш жойларида уй-жой-коммунал хизматлар учун берилган имтиёзлар ўрнига энг кам иш ҳақининг 45% миқдорида компенсация пул тўлови тўланади.

Компенсация тўлови ҳар ойда ҳар бир ишчининг асосий иш жойида, агарда корхонанинг штатида бўлса (худди шунингдек ишловчи нафақахўрларга ҳам), ишламайдиган нафақахўрларга, болалигидан ногиронларга, ишга нолойиқ қари фуқароларга, иш стажига эга бўлмаган фуқароларга – нафақа (пенсия) тўланадиган жойда тўлаб берилади.

Бир неча жойда ўриндош кўринишида ишлайдиган фуқароларга эса компенсация тўлови асосий иш жойида тўланади.

Компенсация тўловлари давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар ҳар ойда бюджет харажатлари сметасининг бажарилиши тўғрисидаги, ушбу корхонада ишловчи нафақахўр ходимлар сони ва тўланган компенсация тўловларининг қийматлари кўрсатилган ҳисоботни топшириб борадилар.

**□укумат қарорлари асосида тўланадиган нафақалар солиққа тортилмайди ва ўртача иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.**

х) вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, башарти бундай ишлар *Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2003й. ПФ-3202-сонли Фармониға мувофиқ *жисмоний шахсларнинг хусусийлаштирилган корхоналар негизида барпо этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг акциялари (улушлари) бўйича дивидендлар ҳолида олган даромадлари беш йил муддатға солиқдан озод қилинди.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.03.2002 й. 88-сонли «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишиға доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 2002 йил 1 апрелдан бошлаб мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотларнинг **иш ҳақини товарлар билан натура шаклида тўлаши таъқиқланган**, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган, ходимларнинг ёзма аризасига кўра шартномавий нархларда бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бундан мустасно.

Қарорда тижорат банклари учун қуйидагилар кўрсатилган:

- «Тегишли кафолат билан, шу жумладан юқори ликвидли мол-мулк гарови асосида (корхоналар ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектлари, транспорт воситалари ҳамда бошқа ликвидли активлари ҳам шулар жумласига киради) иш ҳақи тўлаш учун хўжалик юритувчи субъектларға кредитлар берсинлар. Белгилансинки, кўрсатиб ўтилган кредитлар ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда гаровға қўйилган мол-мулк, қарз олувчининг розилигидан қатъи назар, кейинчалик белгиланган тартибда уни сотиш ҳуқуқи билан тижорат банкининг мулкиға ўтиши;

- тегишли равишда банкоматлар тармоғини кўпайтирган ҳолда электрон пластик карточкалар воситасида иш ҳақи тўлашға доир банк хизматлари ҳажмини кенгайтириш кўрсатилган.»;

ц) хусусий корхона томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин хусусий корхона мулкдори ихтиёриға келиб тушадиган фойда суммаси;

ч) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган пул мукофотлари ёки шунға тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати;

ш) Олимпия ўйинларида ва бошқа халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофотлари.

**Жисмоний шахсларнинг даромадиға солинадиган солиқни тўлашдан қуйидагилар тўлалигича озод қилинадилар:**

а) *хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари ҳамда консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирға яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон*

*Республикаси фуқароси бўлмаса,- Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;*

*б) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса,- Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;*

*в) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса,- ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;*

*г) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса,- ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;*

*д) ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари - агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича;*

*е) Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ва божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига мансуб шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йигинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар - хизматни ўташ (хизмат вазифасини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўлов суммалари бўйича;*

*ж) гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар - гастроль-концерт фаолиятдан олинган даромадлари бўйича;*

*з) мансаб даражалари мавжуд бўлган прокуратура органлари ходимлари.*

**Қуйидаги солиқ тўловчиларнинг даромадлари жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорига тўлашдан озод этилади:**

*а) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд 1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёки шикастланиш оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган*

*ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, собиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар.*

Юқорида айтиб ўтилган имтиёзлар учун "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонлари китобчалари, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланганларнинг орден китобчаси, Улуғ Ватан уруши ногиронларининг "Улуғ Ватан уруши ногирони гувоҳномаси" ёки ҳарбий комиссариатдан берилган маълумотномаси, бошқа ногиронларнинг "Имтиёзга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги ногирон гувоҳномаси" асос ҳисобланади;

*б) хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, фуқаролар уруши ва 1941-1945 йиллардаги уруш, собиқ СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар опера-цияларнинг қатнашчилари, 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари.*

Имтиёз "Уруш қатнашчиси гувоҳномаси" асосида, Улуғ Ватан уруши даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари учун "Имтиёзларга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома" ёки меҳнат ва ижтимоий таъминот органларининг маълумотномаси асосида тақдим этилади;

*в) Ленинград қамали пайтида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача бўлган даврда Ленинград шахрида ишлаган фуқаролар.*

Имтиёз қамал пайтида Ленинград шахридаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мазкур шахсларнинг ишлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тақдим этилади;

*г) ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ва шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолганлар.*

"Имтиёзга бўлган ҳуқуқи тўғрисида ногирон гувоҳномаси" имтиёз тақдим этиш учун асос ҳисобланади;

*д) болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари.*

Пенсия гувоҳномаси ёки шифокорлик-меҳнат экспертиза комиссиясининг маълумотномаси асосида имтиёз тақдим этилади;

*е) қаҳрамон оналар, ўн ва ундан ортиқ боласи бўлган аёллар.*

"Қаҳрамон она дафтарчаси" ёхуд болаларнинг мавжудлигини тасдиқловчи фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг маълумотномаси имтиёз тақдим этишда асос бўлади;

*ж) собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёхуд шикастланиш оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик*

*туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларининг ота-оналари ва рафиқалари.*

"Ҳалок бўлган жангчининг беваси (онаси, отаси)" штампи босилган ёки пенсия гувоҳномасини берган муассаса муҳри ва раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган тегишли ёзув қайд этилган пенсия гувоҳномаси асосида имтиёз тақдим этилади.

Агар ушбу шахслар пенсионер бўлмасалар, уларга собиқ СССРнинг Мудофаа вазирлиги, ДХҚ ёки ИИВ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, МХХ ёки ИИВнинг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ҳалок бўлгани тўғрисидаги маълумотнома асосида имтиёз берилади.

Собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг рафиқаларига фақат улар иккинчи марта турмуш қурмаган тақдирда, имтиёз тақдим этилади;

*з) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар.*

"Имтиёз ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида гувоҳнома" ёки собиқ СССРнинг Мудофаа вазирлиги, ДХҚ ёки ИИВга қарашли корхоналар, муассасалар ёки ташкилотлар, шаҳар (туман) ҳарбий комиссариати, ҳарбий қисм, ҳарбий-ўқув билим юрти, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, МХХ ёки ИИВ томонидан берилган маълумотнома имтиёз тақдим этилиши учун асос ҳисобланади;

*и) Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатида жабр кўрган шахслар.*

Тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек имтиёз тақдим этилишида асос ҳисобланадиган бошқа ваколатли органлар томонидан берилган ҳужжатлар асосида имтиёз берилади;

*к) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар.*

Меҳнат ва ижтимоий таъминот органлари томонидан бериладиган "Ёлғиз онанинг шахсий дафтарчаси" асосида имтиёз берилади;

*л) икки ва ундан ортиқ боласи бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар.*

Турмуш ўртоғи (аёли) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва болаларининг мавжудлигини ҳамда қайта никоҳдан ўтмаганлигини тасдиқловчи паспорт, боқувчисини йўқотганлиги туфайли пенсиясининг тайинланмаганлиги тўғрисида меҳнат ва ижтимоий таъминот органларининг маълумотномаси имтиёз берилишида асос ҳисобланади;

*м) болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришини талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онасидан бири.*

Пенсия гувоҳномаси ёки доимий парвариш талаб этилишини тасдиқловчи соғлиқни сақлаш муассасасининг тиббий маълумотномаси, бирга яшашлиги ҳақида - фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида имтиёз тақдим этилади;

*н) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан қишлоқ хўжалик ишларига юборилган фуқаролар - ушбу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари бўйича.*

Қишлоқ хўжалик корхонасининг тегишли қарори ёки раҳбар буйруғи имтиёзни қўллаш учун асос бўлади.

**Жисмоний шахсларнинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи улар ҳисобот йили учун тегишли ҳужжатларни тақдим этганида вужудга келади.**

**Ҳисобот йили учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги имтиёзга эга бўлган ҳуқуқ юзага келган ой бошидан тақдим этилади.**

Энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги имтиёз ("н" кичик бандида кўрсатилганлардан ташқари) жисмоний шахсларнинг асосий иш жойида, агар асосий иш жойи мавжуд бўлмаса, унда яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқ ҳисоблаб чиқаришда қўлланилади.

*Ушбу имтиёзни қўллаш бўйича мисол.*

*II-гурӯҳ инвалидига 2002 йил апрел ойи учун 18000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисобланди.*

*Даромад солиғи ҳисоблашда аввал ушбу ҳисобланган иш ҳақига энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги (4 x 3945 сўм) = 15780 сўм имтиёз қўлланилади ва ундан чиққан фарқ (18000 – 15780) = 2220 сўм инвалид жисмоний шахснинг солиқ солинадиган даромад ҳисобланади.*

*Фуқаро имтиёзларга бўлган ҳуқуқни йўқотганлигини 15 кундан кечиктирмай, ундан солиқ ушлаб қоладиган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек жисмоний шахсларни ёхуд солиқ органини (агар мазкур орган ҳисоб-китобни амалга оширса) маълум қилиши лозим.*

**Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида тўлашдан озод этилиши бўйича берилган имтиёз фоизлар ва дивидендлар кўринишида олинган жисмоний шахсларнинг даромадига, шунингдек мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадларга нисбатан қўлланилади.**

Бунда агар фоизлар ва дивидендлар асосий иш жойидан ҳисоблаб ёзилса, у ҳолда имтиёз асосий иш жойида қўлланилади.

Агарда фоизлар ва дивидендлар асосий иш жойидан ҳисоблаб ёзилмаса, жисмоний шахснинг турар жойи бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида жисмоний шахслар даромадига солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида имтиёз қўлланилади.



## Жисмоний шахсларнинг даромадига олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Асосий иш жойидан олинадиган меҳнат ҳақи тўловлари ва бошқа тўловлардан жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш йил бошидан ўсиб борувчи яқун билан солиқ солинадиган жами даромад суммасидан ҳар ойда тақвим йили бошидан амалга оширилади.

Фуқаро бир йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойини ўзгартирса, у янги иш жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи олғунига қадар жорий йилда тўланган даромадлар ҳамда ушлаб қолинган солиқ суммаси ҳақидаги маълумотномани тақдим этиши шарт.

Янги иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича солиқни ҳисоблаб чиқариш тақвим йили бошидан илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Аввалги иш жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ҳолларда солиқ солинадиган даромаддан энг юқори ставка, яъни **30 фоиз бўйича солиқ ундирилади**. Маълумотнома кейинроқ тақдим этилса, у ҳолда умумбелгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Яна шундай ҳолатларни кўрсатиб ўтиш лозимки, масалан, ишчи ишхонада йил давомида ишламасдан маълум бир ойлarda ишлайди, ваҳоланки, қолган даврда у ҳеч қаерда ишламаган. *Масалан, ёш мутахассис ўқиш даргоҳини тугатгандан сўнг ишга тушди, ёки она боласига қараши учун таътилда бўлган.*

**Ишчининг қайси давр учун даромад солиғига тортилишидан қатъи назар, ш давр учун ҳаракатда бўлган солиқ шкаласи бўйича ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилиши лозим, яъни август ойида ишлаган - август ойининг шкаласи, сентябр ойида- сентябр ойининг шкаласи билан ҳисобланиши лозим.**

Аввалги асосий иш жойидаги меҳнат мажбуриятларининг ходим томонидан бажарилиши билан боғлиқ мукофот ва бошқа тўловлар унга ишдан бўшатилигандан сўнг тўланган бўлса, мазкур мукофот ва тўловлар умумбелгиланган тартибда, имтиёзлар қўлланмасдан (агарда қонунда белгиланган бўлса ҳам), уларни тўлаш чоғида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиққа тортилади.

Бунга корхонада ишламайдиган пенсионерларга моддий ёрдам кўрсатилган ҳолатлар ҳам киради.

Бу фуқароларга тўланган даромаднинг ҳамда ушлаб қолинган солиқнинг суммаси ҳақида корхона, муассаса, ташкилот *бир ой муддатда* истиқомат жойидаги давлат солиқ хизмати органига маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан олинган меҳнат ҳақи тўловлари ва бошқа тўловлардан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб

чиқариш йил бошидан ўсиб боровчи якун билан солиқ солинадиган жами даромад суммасидан ҳар ойда тақвим йили бошидан, имтиёزلарни қўллашларсиз, умумий белгиланган (13% - 30%) ставкалар бўйича (агар бундай даромадлар тўланган бўлса) даромадларнинг тўлов манбаида амалга оширилади.

Агар асосий бўлмаган иш жойидаги меҳнат тўлови бўйича даромад олувчи *жисмоний шахс бухгалтерияга энг юқори ставка 30 фоизлик бўйича даромадидан солиқ ушлаб қолиниши ҳақида ариза топширса*, даромадларни тўловчи юридик шахслар солиқ тўловчининг аризасига кўра солиқни ушлаб қоладилар.

Асосий иш жойидан ташқарида даромад олган жисмоний шахсларнинг даромадларидан охириги ундирилиши (қайтариллиши) лозим солиқ суммаларини солиқ хизмати органлари томонидан ушбу фуқаронинг олган даромади, қилган харажатлари ва аввал ушланган даромад солиқлари ҳақидаги солиқ декларациясини топширгандан сўнг ҳисоблаб берилади.

Резидент - жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида (шу жумладан асосий иш жойидан) олган даромадларидан даромад солиғи якуний суммасини ҳисоблаб чиқариш худди шундай тартибда амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ЎЗР. ВМнинг «Пул маблағларининг банкдан ташқарида муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 2002 йил 1 октябрдан бошлаб мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағларнинг давлат томонидан тартибга солиниши бекор қилинди ва юридик шахслар бундан буён ёлланиб ишловчиларга меҳнатга ҳақ тўлаш сифатида ҳисобланган ва амалда тўланган суммалар ҳамда бошқа даромадлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ушбу даромадлардан солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар чоракда тақдим этишлари шарт.

**Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлов манбаида ушлаб қолиниши** қуйидаги юридик шахслар амалга ошириши шарт:

- *ишлайдиган жисмоний шахсларга меҳнат шартномалари ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича тўловларни амалга оширадиганлар;*

- *нодавлат пенсия тўловларини тўлайдиганлар;*

- *жисмоний шахсларга дивидендлар ва фоизлар тўлайдиганлар;*

- *асосий иш жойи билан боғлиқ бўлмаган норезидентларга тўловларни амалга оширадиган.*

**Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун даромад тўловчи юридик шахс жавобгардир.**

Солиқ суммаси ушлаб қолинмаганда даромад тўловчи юридик шахс ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарима ва пеняларни бюджетга тўлаши шарт.

Даромад солиғи ушлаб қолаётган юридик шахслар қуйидагиларни бажариши шарт:

- иш ҳақини тўлаш чоғида жисмоний шахсга унинг талабига кўра унга даромади суммаси ва тури, шунингдек ушлаб қолинган солиқ суммаси ҳақида (агар солиқ ушлаб қолинган бўлса) маълумотномани бериш;

- жисмоний шахснинг идентификация рақами ёки паспорт маълумотлари, фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, ҳисобот йилида қилган даромадининг умумий суммаси ва ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси кўрсатилган асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотномани молия йили тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида солиқ органларига тақдим этиш;

- йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 15 санасидан кечикмай, юридик шахс солиқ тўлаш бўйича рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ органларига ёлланиб ишловчиларга иш ҳақи ва бошқа даромадлар кўринишида ҳисобланган ва ҳақиқатда тўланган суммалар тўғрисида, шунингдек қуйида келтирилган шаклга биноан ушбу даромадларга солинадаган солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиш.

**Ёлланиб ишловчиларга меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа даромадлар кўринишида ҳисоблаб ёзилган ва ҳақиқатда тўланган суммалар, шунингдек жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ суммалари тўғрисида МАЪЛУМОТ**

**20\_\_ йилнинг \_\_\_\_\_ чораги учун**

N	Кўрсаткичлар	Сатрлар	Ўлчов бирлиги	Тўловчининг маълумотлари
1	Йил бошидан даромад олган жисмоний сони, жами	01	Киши	
	Жумладан: ўриндош сифатида ишлаш бўйича	02	Киши	
	Пудрат шартномаси бўйича ишларни бажарувчилар	03	Киши	
	01-сатрдан хорижий жисмоний шахслар	04	Киши	
2	Ҳисобот даврининг бошига ишчиларга даромадларни тўлаш бўйича қарз (солиқлар ва мажбурий ажратмалар чегирилган ҳолда):	05	Сўм	
3	Ҳисобот даврининг бошига жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқни тўлаш бўйича қарз	06	Сўм	

	Бундан ходимларга тўланган даромад суммаларига нисбатан даромадга солинадиган солиқ бўйича кам (ортиқча) тўланган сумма	07	Сўм	
4*)	Ҳисобот даври учун ҳисоблаб ёзилган:			
	Ишчиларга берилиши лозим бўлган даромад суммаси (солиқлар ва мажбурий ажратмалар чегирилган ҳолда):			
	_____ ой учун	08	Сўм	
	_____ ой учун	09	Сўм	
	_____ ой учун	010	Сўм	
	Даромад бўйича имтиёзлар суммаси:			
	_____ ой учун	011	Сўм	
	_____ ой учун	012	Сўм	
	_____ ой учун	013	Сўм	
	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ суммаси			
	_____ ой учун	014	Сўм	
	_____ ой учун	015	Сўм	
	_____ ой учун	016	Сўм	
	Ҳисобот даври давомида тўланган			
Ишчиларга тўланган даромад суммаси (солиқлар ва мажбурий ажратмалар чегирилган ҳолда):				
_____ ой учун	017	Сўм		
_____ ой учун	018	Сўм		
_____ ой учун	019	Сўм		
5**	Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ суммаси:			
	_____ ой учун	020	Сўм	
	_____ ой учун	021	Сўм	
	_____ ой учун	022	Сўм	
6	Ҳисобот даврининг охирига ишчиларга даромадларни тўлаш бўйича қарз (солиқлар ва мажбурий ажратмалар чегирилган ҳолда)	023	Сўм	
7	Ҳисобот даврининг охирига даромадга солинадиган солиқни тўлаш бўйича қарз	024	Сўм	
8***)	Ҳисобот даврининг охирига ишчиларга даромад суммасига нисбатан даромадга солинадиган солиқ бўйича кам (ортиқча) сумма	025	Сўм	
9	Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ўз вақтида тўламаганлик учун корхона томонидан ҳисобланган пеня суммаси	026	Сўм	

\*) 05, 08-010, 017-019 ва 023-сатрларда маълумотлар, жисмоний шахслар даромадидан (алимент, жарима, кредитни сўндириш ва бошқа) ушлаб қолинган тўловлар, шунингдек иш берувчи томонидан ўз маблағлари ҳисобига жисмоний шахслар шахсий харажатларини қоплаш (даволанишга, мол-мулк сотиб олишга, маданий тадбирларга ва бошқа) учун ўтказилган суммалар киритилган ҳолда кўрсатилади.

\*\*) Тўланган даромад ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқнинг бюджетга тўланган санаси ва суммаси кўрсатилган расшифровка ҳар бир ой учун Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2а-сон иловасига мувофиқ шаклда илова қилинади.

\*\*\*) 025-сатрдаги маълумотлар, ижро тўлов ҳужжатлари бўйича юридик шахсларнинг банкдаги ҳисобрақамларидан пул маблағларини мутаносиб ҳолда ҳисобдан чиқариш тартибига биноан давлат солиқ органлари томонидан белгиланади ва тўлдирилади.

### Декларация тақдим этиш тартиби

Жами йиллик даромад ҳақидаги декларация қуйидаги ҳолларда топширилади:

**а) асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) даромад олган жисмоний шахслар томонидан, асосий бўлмаган иш жойидаги меҳнат тўлови бўйича даромад олувчи жисмоний шахс бухгалтерияга энг юқори ставка 30 фоизлик бўйича даромадидан солиқ ушлаб қолиниши ҳақида ариза топширган ҳолат бундан мустасно;**

**б) резидент - чет эллик жисмоний шахслар томонидан;**

**в) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи резидент - жисмоний шахслар томонидан.**

Жисмоний шахслар доимий истиқомат жойидаги давлат солиқ хизмати органларига жами йиллик даромад ҳақида декларацияни қуйидаги муддатларда тақдим этишлари керак:

- асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) даромад олган резидент - жисмоний шахслар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай;

- резидент - чет эллик жисмоний шахслар назарда тутилаётган даромадлар ҳақида - Ўзбекистон Республикасига келган кундан бошлаб бир ой мобайнида.

Чет эллик жисмоний шахсларнинг фаолияти тақвимий йил мобайнида тўхтаган ва у Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетадиган бўлса, амалда олинган даромадлар ҳақида жўнаб кетишдан камида бир ой олдин

декларация тақдим этилиши керак. Якуний декларация эса ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

- *юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар* - шундай даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой ўтганидан кейин беш кун муддатда. Йил бўйича - ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 январигача. Декларацияда фаолиятнинг дастлабки ойида олинган даромад миқдори ҳамда жорий йил якунигача назарда тутилаётган даромад миқдори кўрсатилади.

ЎзР. Президентининг 2002 йил 5 сентябр «Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3127-сонли Фармонига мувофиқ 2002-2005 йиллардаги даврда Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялашнинг халқаро меъёрларга мос келадиган тизимини босқичма-босқич жорий этиш юзасидан тайёргарлик чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириш кўзда тутилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозим-ки, ҳозирги кунда барча юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳам даромадлари ҳақидаги декларацияни топширмайдилар. Ҳозирги кунда фақат мол-мулкларини ижарага берган, қимматбаҳо қоғозларни сотиш билан шуғулланувчи ва бир маротабалик декларация асосида фаолият юритувчи тадбиркор шахсларгина даромадлари ҳақидаги декларацияни топширадилар.

Ўзбекистон Республикасидаги жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолияти тўхтатилган тақдирда, солиқ органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисоботлар, солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиши мумкин бўлиб, хабарномада бунинг сабаби ва ҳисоботлар, солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда жами йиллик даромад ва қилинган чегирмалар тўғрисидаги декларация қачон ва қайси давр учун тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилади.

Жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиши ҳақида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда солиқ тўловчи беш кунлик муддатда бу ҳақда давлат солиқ хизмати органини ёзма равишда хабардор қилади.

Жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинганидан сўнг солиқ тўловчи ўн беш кун ичида давлат солиқ хизмати органига даромадлар ҳақидаги декларацияни тақдим этиши шарт.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ тўлов манбаида ушлаб қолинганда қонунчилик томонидан ушлаб қолиниши юклатилган субъектлар томонидан даромад солиғи **даромад тўланаётган бир вақтда** ундирилиши ва бюджетга ўтказиб берилиши лозим.

Банкда ҳисобрақамига эга бўлган юридик шахслар томонидан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни тўлаш санаси солиқ тўловчи

ҳисобрақамидан маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун, бошқалар, шу жумладан жисмоний шахслар учун эса - маблағлар кредит муассасасининг кассасига ўтказилган кун ҳисобланади.

Тўловни натура ҳолида юридик шахслар томонидан, ушлаб қолинган солиқ суммаси тўлов амалга оширилган ой туганидан кейин 5 кун ичида бюджетга ўтказилади.

*Даромад солиғи тўлов манбаида ундирилмайдиган ҳолатларда даромад солиғи солиқ тўловчи томонидан **мустақил равишда ҳисобланади ва бюджетга тўланади** (масалан, мол-мулкни ижарага берганлар).*

Жами йиллик даромад ҳақидаги декларация маълумотлари бўйича кўшимча ҳисобланган даромад солиқлари қуйидаги муддатларда тўланади:

- ҳисобот йилидан кейинги йилнинг **1 июнидан кечикмай**;
- йил мобайнида қайта ҳисобланганда эса,- декларация давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган кундан эътиборан бир ой ичида.

### **Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларни солиққа тортиш хусусиятлари**

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинadиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ қатъий белгиланган солиқ тўловчисига ҳисобланади:

**- Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар.**

Ушбу тартиб қуйидаги соҳаларда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланаётган жисмоний шахсларга **татбиқ этилмайди**:

- бильярдхоналар;
- болаларнинг ўйин автоматлари;
- ўйин автоматлари, шу жумладан таваккалчиликка асосланган, пул (буюм) ютуқли ўйин автоматлари залларини ташкил этишга доир фаолият.

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинadиган қатъий белгиланган солиқ суммаси ЎзР. ВМнинг қарори билан тасдиқланади. Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларининг аниқ миқдорларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятлари тадбиркорлик фаолиятининг тури ва фаолият жойига (вилоятлардаги шаҳарлар, туманлар, шу жумладан қишлоқ жойларга) боғлиқ равишда белгилайди.

Бунда фаолиятнинг турли хиллари учун табақалаштирилган ёндашувни таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятлари томонидан маҳаллий шароитлар ва бошқа мезонларни ҳисобга олган ҳолда қатъий белгиланган миқдорларда даромад солиғи ставкалари белгиланиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмаган жойида амалга ошираётган жисмоний шахслар солиқ ставкалари орасидаги мусбат фарқни ҳисобга олган ҳолда тўлайдилар. Бунда мусбат фарқ жисмоний шахснинг рўйхатдан ўтган жойида ундирилади.

*Якка тартибдаги тадбиркор ўзи мустақил равишда фаолият юритиб, у ўзига ишчини ёллаш ҳуқуқига эга эмас, чунки «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ «Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги Тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ негизида мустақил равишда амалга оширилади».*

Шу билан бир вақтнинг ўзида (ушбу қонуннинг 7-моддасига мувофиқ) жисмоний шахс юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва ҳ.к кўринишида олиб бориши мумкин.

Масалан, икки ва ундан ортиқ якка тадбиркорлар юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда улар биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномаси тарафлари бўлишлари мумкин (биргаликда фаолият юритиш шартномаси асосида). Аммо, уларнинг ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида (ЎЗР. ФК 53-моддаси) келтирилган шартларга жавоб берилиши лозим.

Бунда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари билан хизмат муносабатлари орасидаги ҳуқуқий муносабатни тўғри аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Агарда хусусий (якка) тадбиркор билан бошқа жисмоний шахслар орасидаги муносабат *фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларига жавоб берса*, у ҳолда тадбиркор ўзининг фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан юритиши мумкин.

Агарда хусусий (якка) тадбиркор билан бошқа жисмоний шахслар орасидаги ҳуқуқий муносабатлар меҳнат шартномасига асосан (иш берувчи билан ишчи ўртасида ҳуқуқий муносабат) тузилса, у ҳолда тадбиркор юридик мақомга эга бўлган корхона шаклида рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.

**Жисмоний шахс фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланса, солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун алоҳида тўлайди.**

Қатъий белгиланган миқдорлардаги даромад солиғини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳар ойда, мустақил равишда фаолият амалга ошириладиган ойнинг 1-кунигача тўлайдилар. Масалан, март ойи учун солиқ улар томонидан 1 мартга қадар тўланиши лозим.



Агарда жисмоний шахс солиқ суммасини ўзининг банкдаги ҳисоб рақамидан тўлайдиган бўлса, у ҳолда унинг ҳисоб рақамидан маблағ кўчирилган кун солиқ тўланган кун ҳисобланади.

Қатъий белгиланган солиқ тўловчилар, шунингдек қонунда белгиланган тартибда:

ижтимоий суғурта бадалларини;

экспорт-импорт операцияларини бажарганда - ягона божхона тўлови ва қонунда назарда тутилган бошқа тўловларни;

савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимни;

тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқи учун лицензия йиғимини;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғимни;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни - тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда сувдан фойдаланилса;

бозорларда фаолиятни амалга оширишда савдо жойи учун тўловни (патта);

давлат божларини;

шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган бошқа солиқлар, йиғимлар ва тўловларни тўлайдилар.

Бунда мулкида хона, иншоот ва бошқа иморатлар, шунингдек ер участкалари бор, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, жисмоний шахслар учун белгиланган тартибга мувофиқ мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлайдилар.

**Жисмоний шахс тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган ускуна ва хонада, шу жумладан ишончнома бўйича транспортда амалга оширса, ижарага берувчилар (шу жумладан транспорт воситасининг эгаси) тўғрисида яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига маълумотнома (ахборот) тақдим этиши керак, унда ижарага берувчининг (шу жумладан транспорт воситаси эгасининг) фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт маълумотлари, шунингдек ижара тўловининг суммаси ва ижара муддати кўрсатилади.**

Мазкур маълумотнома (ахборот) ижарага олинган ускуна ва хонада, шу жумладан ишончнома бўйича транспортда **фаолиятни амалга оширишга қадар** тақдим этилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадлари, бундан автотранспорт воситалари мустасно, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 55-моддасига биноан жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиққа тортилади.

Автотранспорт воситаларини шу жумладан бирлашмалар, уюшмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ижарага топширадиган жисмоний шахслар қатъий белгиланган солиқни жисмоний шахслар учун йўловчилар ва

юкларни автомобиль транспортида ташиш бўйича хизматларни амалга оширишдан келиб чиқиб белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Агарда жисмоний шахс импорт товарлари сотиш учун республика ҳудудида олиб келса, у ҳолда улар:

- юридик шахс бўлмаган якка тартибда тадбиркори сифатида рўйхатдан ўтиши:

- (1) жисмоний шахснинг турар жойидаги туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларида (ўзи келган ҳолда);

- (2) ташқи иқтисодий алоқалар Агентлигида;

- (3) божхона органларида – ташқи иқтисодий фаолият юритувчи сифатида.

- тижорат бинкларида ҳисоб рақамини очиш;

- экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдо-сотик билан шуғулланиши учун рухсатнома расмийлаштириши;

- солиқ органидан импорт операциялари субъекти сифатида ҳисобга олиш картасини олишлиги.

Давлат рўйхатидан ўтганлик учун энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдоридан йиғим ундирилади.

Жисмоний шахс томонидан импорт истеъмол моллари сотилаётганда, у республикага товарнинг божхона чегарасидан кесиб ўтганда рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Агарда юқорида келтирилган ҳужжатларни тақдим эта олмаса, у ҳолда импорт истеъмол моллари тегишли тартиб олиб қўйилади.

**Алоҳида тадбиркорлик фаолият турлари билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг бошқача вариантлари ҳам мавжуд.**

Молия вазирлиги ва ДСҚ томонидан тасдиқланган «Алоҳида турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ **қатъий белгиланган солиқ тўловчиларига** қуйидагилар киради:

қуйидаги соҳаларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар ҳисобланадилар:

- *бильярд ўйнаш хоналари хизматлари;*

- *болалар ўйин автоматлари;*

- *пул (буюм) ютуқли таваккалчиликка асосланган ўйин автоматлари, шу жумладан ўйин автоматлари залларини ташкил этиш бўйича фаолият.*

Қатъий белгиланган солиқ солиш объекти бўлиб, даромад олиш билан боғлиқ бўлган, фаолиятнинг аниқ турини тавсифлайдиган **табиий кўрсаткичлар**: жиҳозланган жойлар сони (бирлик), банд қилинган (эгаллаб олинган) майдон ҳисобланади. Солиққа тортиш худди юқорида номлари келтирилган фаолият турлари билан шуғулланувчи юридик шахсларни солиққа тортиш каби тортилади.

Фаолиятнинг алоҳида турлари билан шуғулланувчи якка тадбиркор жисмоний шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқ фаолият юритиладиган ҳар ойнинг 1-санасигача қадар тўланади.

**Жисмоний шахслар бир маротабалик декларация асосида ишлаш ҳуқуқига эгадирлар.**

*Агарда жисмоний шахслар даромад олиш мақсадида (олди-сотди, ишлар, хизматлар) бир маротабалик операцияларни амалга оширса, унга маҳаллий бошқарув органларида якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркор шахс сифатида рўйхатдан ўтмасдан солиқ органларига бир маротабалик даромади ҳақида декларация топшириш ҳуқуқи берилади.*

Бундай декларация ўтказилиши мумкин бўлган операциянинг амалга оширилишидан аввал олиниши мумкин бўлган даромад кўрсатилган ҳолда ДСИга топширилади, унинг асосида солиқ органи ходими фуқарога тўланиши лозим бўлган даромад солиғи суммасини ҳисоблайди ва тўлов хабарномани топширади. Солиқ суммаси тўлангандан сўнг жисмоний шахсга декларация тақдим этилади.

Солиқ тўловчи солиқ декларациясини:

- ёки жисмоний шахс яшайдиган ҳудуддаги;
- ёки фаолият юритадиган ҳудуддаги солиқ инспекциясига топшириши мумкин.

Бир маротабалик декларация асосида даромад солиғини ҳисоблаш Солиқ кодексининг 55-моддасида кўзда тутилган, яъни 13-30% ставкаларда ундирилади, аммо бунда:

- даромад солиғи бир маротабалик декларация қайси ойда топширилган бўлса, ўша ойнинг солиқ шкаласи бўйича ҳисобланади;
- бир маротабалик декларацияда олиниши мумкин бўлган даромад ҳақидаги маълумотни ўз ичига олиши лозим, шунинг учун бир маротабалик декларацияни топширган фуқаролар йил якунига асосан кейинги йилнинг 1 апрелига қадар йиллик жами даромадлари ҳақидаги декларацияни солиқ органига топширишлари шарт.

Агарда бир маротабалик декларация топширган фуқаро олган даромади бўйича бюджетга солиқ тўлагандан сўнг, ўзининг фаолиятини давом эттириш истагини билдирса, у ҳолда у *албатта юридик шахс кўринишида бўлмаган хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб фаолиятини давом эттириши шарт.*

Солиқ кодексининг 62-моддасига асосан солиқ органининг талабига мувофиқ жисмоний шахслар ҳисоботлар, солиқ ҳисоби ва олинган даромадлар бўйича декларацияни белгиланган кўринишда ва тартибда топширишлари шарт.

ЎзР. ВМнинг 2002 йил 5 ноябр 380-сонли ва 2002 йил 30 декабр 455-сонли Қарорларида якка тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлмаган фаолият турларига аниқлик киритилиб, ундан улгуржи савдо ва умумий овқатланиш соҳасида хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам чиқариб ташланди.

Тадбиркорлик субъектлари - фақат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари  
**РЎЙХАТИ**

Т/р	Фаолият турининг номи
1.	Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни ёхуд бундай материаллар қўлланилган буюмларни сотиб олиш ва сотиш
2.	Мухр ва штамплар тайёрлаш
3.	Меҳмонхоналар, отеллар ва кемпинглар ташкил этиш
4.	Юридик шахсларга капитал қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари бўйича хизматлар кўрсатиш
5.	Лойиҳа, лойиҳа-конструкторлик фаолияти ҳамда лойиҳалар ва сметаларни экспертизадан ўтказиш
6.	Нефть маҳсулотларининг барча турларини сотиш
7.	Улгуржи савдо ва умумий овқатланиш соҳасида хизмат кўрсатиш
8.	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни, радиоэлектрон прецизион аппаратларни ва дастурий рақамли бошқарувдаги станокли асбобларни автоматлаштирилган бошқарув тизимларини техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш
9.	Телеэшиттиришларни тармоқ орқали тарқатиш (трансляция қилиш) бўйича техник хизмат кўрсатиш – теледастурларни кабел тармоқлари орқали қайта трансляция қилиш ҳамда телекоммуникацияларни эксплуатация қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш.
10.	Биржалардаги брокерлик фаолияти

### **Мустақил ечиш учун мисол**

Корхона ишчисига ҳисобот даври учун 84000 сўм миқдоридида иш ҳақи ҳисоблаган, юбилей кунига 35000 сўмлик қимматбаҳо совға берилган, араб тилини ўрганиш учун ўқишига 25000 сўм тўланган.

Энг кам иш ҳақи 6530 сўмни ташкил этади.

Ҳисобот даври учун ишчи солиқ солинадиган даромадини аниқланг.

### **Мустақил ечиш учун мисол.**

2004 йил учун жисмоний шахс қуйидаги кўрсаткичларга эга:

- асосий иш жойида ҳисобланган иш ҳақи – 1490 минг сўм;
- касаллик варақаси бўйича тўланган – 53 минг сўм;
- таътилга чиқиш муносабати билан моддий ёрдам кўрсатилган –86

минг сўм;

- акциялар бўйича олинган дивидендлар – 123 минг сўм;
- банк қўйилган маблағ ҳисобига олинган фоизлар – 40 минг сўм;
- ДКО орқали олинган даромад – 32 минг сўм;
- хусусийлаштирилаётган корхонанинг акциясини олиш учун йўналтирилган маблағ – 160 минг сўм;
- меъёр чегарасида хусусий автомобилни ишлаб чиқаришда ишлатилганлиги учун олинган компенсация – 180 минг сўм;
- йил давомида олинган кунлик харажат учун маблағ:  
меъёр чегарасида – 23 минг сўм;  
меъёрдан юқори - 7 минг сўм.

Декабр ойида ишчи ишхонада иш қисқартирилиши муносабати билан бўшашига 45 минг сўм ишдан бўшатиш нафақаси берилган.

Савол: жисмоний шахснинг даромад солиғини ҳисобланг?

Энг кам иш ҳақи 6530 сўмни ташкил этади.

***ИЛОВА***

### **Ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига солиқ солиш ТАРТИБИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги "Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида" 250-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-сон рўйхатларига киритилган ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 13-бандида қайд этилган ставкалар бўйича умумбелгиланган тартибда солиқ солинади. Бунда юқорида айтиб ўтилган фуқаролар тоифаларидан даромад солиғи олиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим, бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатиб ўтилган қарори билан тасдиқланган 1-сон рўйхатнинг 3-қисми ҳамда 2-сон рўйхатнинг 1-қисмида қайд этилган ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадидан солиқ олиш даражаси, шундай шароитли ишларда олинган даромаднинг 20 фоиздан ошмаслиги лозим.

I. Ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадига солиқ солиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Ишчи аёл бир вақтнинг ўзида оддий меҳнат шароитида (А), зарарли ва

оғир меҳнат шароитида (В), бунда даромад солиғи олиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим, ҳамда ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида (С), бунда аёллардан даромад солиғи олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим, даромад олди.

(В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) ва (С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) умумбелгиланган тартибда олдиндан ҳисоб-китоб қилинади.

**Св** - зарарли ва оғир меҳнат шароитида (В) олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

**Сс** - ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида (С) олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ.

Бунда, агар:

1) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошса (яъни  $C_v > 25\% (B)$ ), ва (С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) суммаси даромаднинг 20%идан ошса (яъни  $C_v > 20\% (C)$ ), унда жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{ж} = CA + 0,25 (B) + 0,20(C),$$

Бунда: Сж - жами даромаддан солиқ;

**СА** - оддий меҳнат шароитида олинган (А) даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

**0,25(B)** - (В) меҳнат шароитида олинган даромаднинг 25%и;

**0,20(C)** - (С) меҳнат шароитида олинган даромаднинг 20%и.

Якуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқ чегирилган ҳолда ундирилади;

2) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошмаса (яъни  $C_v < 25\% (B)$ ) ва (С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) суммаси даромаднинг 20%идан ошса (яъни  $C_v > 20\% (C)$ ), унда жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{ж} = C(A+B) + 0,20(C),$$

Бунда: Сж - жами даромаддан солиқ;

**C(A+B)** - (А) ва (В) меҳнат шароитларида олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

**0,20(C)** - (С) меҳнат шароитида олинган даромаднинг 20%и.

Бунда, ушлаб қолинган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошмаслиги лозим. Агар ҳисобланган солиқ суммаси (1)-

банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошса, унда (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ушлаб қолинади.

Якуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқлар чегирилган ҳолда ундирилади;

3) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошса (яъни  $C_v > 25 \% (B)$ ) ва (С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) суммаси даромаднинг 20%идан ошмаса (яъни  $C_v < 20 \% (C)$ ), жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланилади:

$$C_{ж} = C(A+C) + 0,25(B),$$

Бунда: **Сж** - жами даромаддан солиқ;

**C(A+C)** - (А) ва (С) меҳнат шароитларида олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

**0,25(B)** - (В) меҳнат шароитида олинган даромаднинг 25%и.

Бунда, ушлаб қолинадиган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошмаслиги лозим. Агар ҳисобланган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошса, унда (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ушлаб қолинади.

Якуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқлар чегирилган ҳолда ундирилади;

4) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошмаса (яъни  $C_v < 25 \% (B)$ ), ва (С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) суммаси даромаднинг 20%идан ошмаса (яъни  $C_v < 20 \% (C)$ ), жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{ж} = C(A+B+C),$$

Бунда: **Сж** - жами даромаддан солиқ;

**C(A+B+C)** - (А), (В) ва (С) меҳнат шароитларида олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

Бунда, ушлаб қолинадиган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошмаслиги лозим. Агар ҳисобланган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошса, унда (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ушлаб қолинади.

Якуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқлар чегирилган ҳолда ундирилади.

Жами даромаддан солиқ ҳисоблаб чиқаришнинг мазкур тартиби турли меҳнат шароитларига татбиқ қилган ҳолда солиқни ҳисоблаб чиқариш учун

асос бўлиб ҳисобланади.

II. Ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-сон рўйхатларига киритилган ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига солиқ солиш (1-рўйхатнинг 3-қисмида ҳамда 2-рўйхатнинг 1-қисмида кўрсатилган ишларда банд бўлган аёллардан ташқари) қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Ходим бир вақтнинг ўзида оддий меҳнат шароитида (А), ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир меҳнат шароитида (В) даромад олди, бунда даромад солиғи олиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим.

(В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) умумбелгиланган тартибда олдиндан ҳисоб-китоб қилинади.

**Св** - (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ.

Бунда, агар:

1) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошса (яъни  $C_v > 25\% (B)$ ), жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{ж} = C_A + 0,25(B),$$

Бунда: **Сж** - жами даромаддан солиқ;

**С<sub>А</sub>** - оддий меҳнат шароитида (А) олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

**0,25(В)** - (В) меҳнат шароитида олинган даромаднинг 25%и;

Яқуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқ чегирилган ҳолда ундирилади;

2) (В) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Св) суммаси даромаднинг 25%идан ошмаса (яъни  $C_v < 25\% (B)$ ), жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{ж} = C(A+B),$$

Бунда: **Сж** - жами даромаддан солиқ;

**С(А+В)** - (А) ва (В) меҳнат шароитларида олинган даромаддан умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқ;

Бунда, ушлаб қолинган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошмаслиги лозим. Агар ҳисобланган солиқ суммаси (1)-банд бўйича ҳисобланган солиқ суммасидан ошса, унда (1)-банд бўйича



ҳисобланган солиқ суммаси ушлаб қолинади.

Якуний солиқ суммаси илгари ушлаб қолинган солиқлар чегирилган ҳолда ундирилади.

### Солиқни ҳисоблаш бўйича шартли мисоллар

1-вариант. Ходима 2003 йилнинг январиди бир вақтнинг ўзида оддий меҳнат шароитида (А) 50 минг сўм, зарарли ва оғир меҳнат шароитида (В), бунда даромад солиғи олиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим, 40 минг сўм ҳамда ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида (С), бунда даромад солиғи олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим, 23 минг сўм даромад олди.

Ҳисоб-китоб қуйидаги тартибда қилинади:

(В) меҳнат шароитидаги даромаддан солиқ (Св) аниқланади:

$$Св = 2947,75 + (40000 - 22675) \times 22 \% = 6759 \text{ сўм.}$$

Солиқ улуши аниқланади:

$$Св = 6759 : 40000 \times 100 \% = 16,9 \%, \text{ яъни } Св < 25\%.$$

(С) меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ (Сс) аниқланади:

$$Сс = 2947,75 + (23000 - 22675) \times 22 \% = 3019 \text{ сўм.}$$

Солиқ улуши аниқланади:

$$Сс = 3019 : 23000 \times 100 \% = 13,1 \%, \text{ яъни } Сс < 20\%.$$

Св < 25%, Сс < 20% бўлганлиги сабабли солиқ жами даромаддан қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Сж = С(А+В+С)$$

50000 + 40000 + 23000 = 113000 сўм, - солиққа тортиладиган даромад.

Солиқ ҳисоб-китоб қилинади:

$$7936 + (113000 - 45351) \times 32 \% = 29584 \text{ сўм.}$$

Сж = 29584 сўм - жами даромаддан солиқ суммаси.

Бунда олинган солиқ суммаси

$$Сж = СА + 0,25 (В) + 0,20 (С)га$$

тенг бўлган суммадан ошмаслиги лозим.

Бунда: СА = 7936 + (50000-45351) x 32% = 9424 сўм - оддий меҳнат шароитида солиқ суммаси.

$$0,25(В) = 40000 \times 0,25 = 10000 \text{ сўм.}$$

$$0,20(С) = 23000 \times 0,20 = 4600 \text{ сўм.}$$

Жами даромаддан солиқ ҳисоб-китоб қилинади:

$$Сж = 9424 + 10000 + 4600 = 24024 \text{ сўм.}$$

29584 сўм 24024 сўмдан ошганлиги сабабли ундирилиши лозим бўлган солиқ суммаси 24024 сўм бўлади.

2-вариант. Ходим 2003 йилнинг январиди бир вақтнинг ўзида оддий меҳнат шароитида 50 минг сўм ҳамда ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида 40 минг сўм даромад олди.

Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида олинган даромаддан солиқ  $S_v = 6759$  сўмни, 16,9 % ташкил этади.

$S_v < 25$  % бўлганлиги сабабли жами даромаддан солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{ж} = C(A+B).$$

$50000 + 40000 = 90000$  сўм - солиққа тортиладиган даромад.

Солиқ ҳисоб-китоб қилинади:

$7936 + (90000 - 45361) \times 32\% = 22224$  сўм - жами даромаддан солиқ.

Бунда олинган солиқ суммаси қуйидаги суммадан ошмаслиги лозим:

$C_{ж} = C_A + 0,25(B) = 9424 + 10000 = 19424$  сўм.

22224 сўм 19424 сўмдан ошганлиги сабабли ундирилиши лозим бўлган солиқ суммаси бўлиб 19424 сўм қабул қилинади.

## **I.5. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ**

### **Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи**

Юридик шахсларининг мол-мулкларини солиққа тортиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва «Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби ҳақида»ги Йўриқномага (2002 йил 11 марта 1107-сон билан АВ рўйхатдан ўтган) асосан олиб борилади.

### **Солиқ тўловчилар**

Солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар мол-мулк солиғи тўловчилардир, бунда қуйидагилар солиқ тўловчилар қаторига кирмайди:

- ягона солиқ тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар;
- ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар – асосий фаолияти бўйича;
- қатъий солиқ тўлаш белгиланган тадбиркорлик фаолиятининг турларинигина амалга оширувчи юридик шахслар.

• лотереялар, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар – асосий фаолият бўйича.

Агарда махсус солиққа тортиш тартиби ўрнатилган юридик шахслар асосий фаолияти билан бирга қўшимча равишда бошқа фаолият турлари билан шуғулланса, у ҳолда улар ушбу фаолият тури бўйича алоҳида ҳисобот юритиб, қонунда белгиланган тартибда мол-мулк солиғини тўлашлари шарт.

2002 йилдан бошлаб ягона солиқ тўловчилар мол-мулкларини ижарага берсалар (асосий восита ва номоддий активлар бўйича), у ҳолда ушбу мол-мулк бўйича мол-мулк солиғи тўлайдилар.

Солиққа тортиш мақсадида юридик шахсларга шунингдек ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, мустақил баланс ёки сметага эга бўлган алоҳида бўлинмаларга ҳам айтилади.

### Мол-мулк солиғининг ҳисоблаш механизми ва уни тўлаш

Юридик шахслар учун асосий воситаларнинг (қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ернинг қиймати бундан мустасно) ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати, шунингдек белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектлари солиқ солиш объекти ҳисобланади.  
Солиқ солиш объекти бўлиб, шунингдек, меъёردаги муддатларида ўрнатилмаган ускуналарнинг қиймати ҳисобланади.

Мол-мулки ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳисобот йилининг 1 январидаги ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидаги мол-мулк қолдиқ қийматининг ярмини қўшишдан олинган суммани ҳамда ҳисобот даври қолган барча ойлари ҳар бир дастлабки кундаги мол-мулк қолдиқ қиймати суммасини 12 га бўлишдан олинган сон сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\begin{array}{r} \text{Ўртача йиллик} \\ \text{қиймати} \end{array} = \frac{\begin{array}{r} \text{1 янв.га} \\ \text{-----} \\ 2 \end{array} + 1 \text{ фев.га} + \dots + 1 \text{ дек.га} \quad \begin{array}{r} \text{1 янв.га} \\ \text{-----} \\ 2 \end{array}}{12}$$

*Агар мол-мулк ойнинг биринчи ярмида фойдаланишга топширилган бўлса, мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматини ҳисоблаб чиқаришда киритиш оғи тўлиқ ой деб қабул қилинади.*

*Масалан, асосий восита 12 апрелда сотиб олинган.*

*Бундай ҳолатда, унинг ўртача йиллик қиймати 1 апрелдан бошлаб ҳисобланади.*

Агар мол-мулк ойнинг иккинчи ярмида амалга киритилган бўлса, ўртача йиллик қолдиқ қиймати амалга киритиш ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб ҳисобланади.

*Масалан, асосий восита 23 октябрда сотиб олинган.*

*Бундай ҳолатда, унинг ўртача йиллик қиймати 1 ноябрдан бошлаб ҳисобланади.*

Солиқ солинадиган базани аниқлаш учун бухгалтерия ҳисобининг куйидаги ҳисобварақлари бўйича суммалар қабул қилинади (эскириши чегириб ташланган ҳолда):

асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари;

узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари;

номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари;

тугалланмаган қурилишни ҳисобга олиш ҳисобварақлари - белгиланган муддатларда қурилиши тугалланмаган объект қисмида;

ўрнатишга мўлжалланган ускунани ҳисобга олиш ҳисобварақлари - меъёр муддатларида ўрнатилмаган ускуна қисмида.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан 2003 йил 1 январдан солиқ солиш объектига ўрнатилмаган (фойдаланилмаган) ускуналар, шу билан бирга белгиланган нормадаги муддатларда қурилиши якунланмаган иншоотлар ҳам киради. Бунда норматив муддатларда ўрнатилмаган (ишлатилмаган) ускуналар бўйича мол-мулк солиғи икки баробар ставка бўйича тўланади.

Мол-мулк солиғи суммаси асосий воситалар ва номоддий активларнинг **қолдиқ** қийматига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлганлиги учун уни тўғри аниқлаш катта аҳамиятга эга бўлади. Қолдиқ қиймат ўз вақтида жамғарилган амортизация қийматига боғлиқ бўлгани учун эскириш меъёрларини тўғри қўлланилиши тўғрисидаги савол пайдо бўлади. Шу ерда таъкидлаш лозимки, агарда корхона ўзининг ҳисоб сиёсатида Солиқ кодексига белгиланган (тўғри чизикли тенг маромли) усулдан фарқли усулдан фойдаланса, у ҳолда ЎзР. СКнинг 23-моддасига мувофиқ солиққа тортиш мақсадида амортизацияни тўғри чизикли тенг маромли усулда қайта ҳисоблаши лозим бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, агарда корхона эскириш бўйича ҳисоб сиёсатини тўғри чизикли тенг маромли усулдан бошқа усулда олиб бораётган бўлса, у ҳолда у амортизацияни икки мартаба ҳисоблашига тўғри келади: биринчисида – бухгалтерия ҳисоби учун корхонада тасдиқланган бухгалтерия ҳисоби усулида, иккинчи бошқа ҳолатда - солиқ ҳисоботи учун - тўғри чизикли тенг маромли усулда.

Номоддий активлар бўйича амортизацияни ҳисоблашда ЎзР. СК 24-моддасида келтирилган тартибни эсдан чиқариш керак эмас, унга асосан у ҳар ойда юридик шахс томонидан номоддий активларнинг бошланғич қиймати ва улардан унумли фойдаланиш муддати (бирок юридик шахснинг



Ҳисобот даври учун солиқни  
ҳисоблаб чиқаришга мол-мулк  
нинг ўртача қолдиқ қиймати

Ҳисобот даври биринчи ойнинг биринчи кунига ва  
ҳисобот даври барча қолган ойларининг биринчи  
кунига мол-мулк қолдиқ қиймати ярми, шунингдек  
ҳисобот давридан кейинги ойнинг биринчи кунига  
мол-мулк қолдиқ қиймати ярмининг суммаси

12 ой

Мол-мулк солиғининг ҳисоби билан биргаликда корхоналар солиқ  
солинмайдиган мол-мулк рўйхатини уларнинг нархлари ва имтиёз берилган  
муддатларини кўрсатган ҳолда қуйидаги кўринишда тақдим этишлари лозим

(минг сўм)

№	Солиқ солинмайдиган мол- мулк	Мол- мулкнинг қолдиқ қиймати
А	Уй- жой коммунал ва ижтимоий- маданий соҳа мол- мулки	
Б	Табиатни муҳофаза қилиш, санитария- тозалаш мақсадида ва ёнғинга қарши хавфсизлик учун фойдаланиладиган мол- мулк	
В	Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган мол- мулк	
Г	Алоқа йўллари, алоқа ва энергия узатиш линиялари	
Д	Алоқа йўлдошлари	
Е	Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган	
Ж	Шаҳар йўловчи транспорти (таксидан, шу жумладан йўналишли ташқари), шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти.	
З	Йўл хўжалиги корхоналарининг автомобиль йўлларини таъмирлаш ва қуриш ишларида банд бўлган транспорт воситалари	
И	Давлат дастурлари бўйича ЎзР ҚК учун кадрлар тайёрлашда транспорт воситалари	
К	Лизинг учун олинган мол-мулк, лизинг шартномасида келтирилган муддатга	
	Жами	

Мол-мулк солиғи ҳисоблаб чиқарилаётганида солиқ солинадиган база юқорида келтирилган мол-мулкларнинг қийматига камайтирилади.

#### Эслатма

Объектларни табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун фойдаланилаётганлар тоифасига киритиш табиатни муҳофаза қилиш органларининг муайян объектлардан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланилиши тўғрисидаги маълумотномасига мувофиқ амалга оширилади.

Санитария-тозалаш мақсадида фойдаланиладиган объектлар қаторига тозалагич иншоотлари киради.

Ёнгиндан сақлаш объектларига ўт ўчириш деполари, ўт ўчириш учун махсус қурилган сув ҳавзалари, ўт ўчириш жиҳозлари ўрнатилган тахталар киради.

Маҳсулот ўтказгичларга қуйидагилар киради:

нефть, нефть маҳсулотлари, конденсат қувурлари ва қувур транспортининг бошқа турлари, насос, компрессор ҳамда тақсимлаш станциялари билан бирга;

уй-жой-коммунал объектлари бўлмаган минтақавий газ, буғ қувурлари, иссиқлик трассалари, сув қувурлари, канализация коллекторлари;

бухгалтерия ҳисоботида алоҳида объектлар сифатида ҳисобга олинмаган алоҳида жойлашган цехлар, конлар ва карьерларнинг айрим участкалари орасидаги маҳсулотларни ҳаракатлантириш учун ишлатиладиган ер ости, ер усти ва ҳавода жойлаштирилган ҳар хил кўринишдаги қувурлар ва транспортёрлар.

Алоқа линияларига ҳаво алоқа линиялари, уларга илиб қўйилган симлар ва алоқа кабеллари, устунли радиофикация алоқа линиялари, уларни белгилайдиган сигнал ва ўлчов устунлари (қозиқлари), радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализацияси, ер усти ва ер остидаги уларга хизмат қилинмайдиган кучайтириш (регенерация қилиш) пунктлари, тақсимловчи шкафлар, қутилар, ерга уланган сим контурлари ва бошқа алоқа иншоотлари киради.

Энергия узатиш линияларига ҳаво ва кабелли электр узатиш линиялари киради.

Солиқ солиш мақсадида уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотларга устунлар, табиий ва сунъий тўсиқлардан ўтишлар ва бошқа муҳофаза иншоотлари киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.09.2004 йил «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри сида»ги Қарорига мувофиқ 2005 йил 1 январдан бошлаб тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг марказини банкоматлар, терминаллар, коммуникация ва бошқа асбоб-ускуналар, ҳамда тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширишда ишлатиладиган дастурлар бўйича мол-мулк солиғидан 3 йил муддатга озод қилинди.

### **Мол-мулк солиғи ставкалари**

***Корхоналарнинг мол-мулки 3,5 фоиз ставкаси бўйича солиқ солинади.***

Солиқ ставкаси мол-мулкнинг қайта баҳолаш натижасидаги қолдиқ нархига қўлланилади.

*Ташилотларнинг асосий фондларини қайта баҳолашдан асосий мақсад уларни ҳозирги кундаги қийматларга мослаштиришдир.*

Ҳисобот йилининг биринчи сана ҳолати бўйича асосий фондларни қайта

баҳолаш натижалари молиявий ҳисоботда асосий воситаларни қайта баҳолаш амалга оширилган жорий давр учун акс эттирилади. Бунда йил бошидаги маълумот аввалги йил охиридаги маълумотга тўғри келмаслиги асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши натижаси сифатида кўрилади, ва бу ҳолат молиявий давр учун берилган ҳисобот вақтида тушунтириш хати орқали кўрсатилади.

«1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан АВ рўйхатдан ўтган) биноан қайта баҳолаш мақсадида ташкилотларнинг асосий фондлари деганда қуйидагилар тушунилади:

а) ўзининг асосий воситалари;

б) ўрнатиладиган ускуналар;

в) тугалланмаган қурилиш объектлари;

г) узоқ муддатга ижарага олинadиган, шу жумладан узоқ муддатли лизинг бўйича олинган асосий воситалар.

Асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш ҳар йили (жорий йилнинг 1 февралигача) 1 январь ҳолати бўйича қайта баҳолашни ўтказиш даврида нархлар даражасидан келиб чиқиб ўтказилади.

Қайта баҳолаш чоғида асосий фондларнинг тўлиқ тикланиш қиймати, яъни улар худди шундай янги объектларга тўлиқ алмаштирилган тақдирда ташкилот амалга ошириши керак бўлган харажатларнинг тўлиқ қиймати қайта баҳолаш санасида мавжуд бўлган бозор нархлари (тарифлари) бўйича аниқланади, бунга объектларни харид қилиш (қурилиш), ташиш, ўрнатиш (монтаж қилиш) харажатлари, импорт қилинадиган объектлар учун эса - шунингдек божхона тўловлари ва ҳоказолар киритилади.

Асосий фондларнинг тўлиқ тикланиш қиймати ташкилотнинг ҳоҳишига қараб қайта баҳолашни ўтказиш даврида 1 январга шаклланган, баҳоланаётганларига айнан ўхшаш бўлган янги объектларга ҳужжатлар асосида тасдиқланган бозор нархлари бўйича алоҳида объектлар қийматини бевосита ҳисоблаш йўли (бевосита қайта баҳолаш усули) билан ёки асосий фондлар турлари бўйича ва уларни харид қилиш давларига боғлиқликда табақаланган асосий фондлар қийматини ўзгартириш индексларини қўллаган ҳолда айрим объектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматини индекслаш йўли билан аниқланади.

Бунда асосий фондларнинг бир турдаги объектлари (маркалари, хиллари ва ҳоказо) бўйича ягона усул қўлланилади.

Қайта баҳолашни ташкилот мустақил равишда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган мутахассислар - экспертларни жалб этган ҳолда амалга оширилади.

Ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектларининг қиймати қайта баҳоланмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, қайта баҳолаш натижасида «+» белгиси билан бирга «-» белгиси ҳам бўлиши мумкин, яъни бунда асосий восита ва



номоддий активлар объектларига нисбатан бозор нархи тушиб кетиши ва маънавий эскириши мумкин, у ҳолда уларнинг нархини тушириш лозим бўлади.

Белгиланган мол-мулк солиғи ставкаси камаяди:

- **Корхона маҳсулотлари (ишлар, хизматлар)нинг умумий сотувида экспорт улуши 15 фоиздан 25 фоизгача бўлганда - белгиланган ставка 30 фоизга камаяди;**

- **экспорт улуши 25 фоиздан 50 фоизгача бўлганда - белгиланган ставка 50 фоизга камаяди.** Бунда экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарадиган ва уни мустақил равишда ёки ихтисослашган ташқи савдо бирлашмалари ва фирмалари орқали сотадиган барча кўринишдаги корхоналар ушбу имтиёздан фойдаланишлари мумкин.

*Кўрсатилган имтиёз савдо-воситачи корхоналарга, шунингдек эркин алмаштириладиган валютага хом ашё товарлари - пахта толаси, ип газлама, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металлларни экспорт қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ этилмайди.*

Экспортчи корхоналар экспорт улуши 15 дан 50 фоизгача бўлганда ҳисоб-китоб шаклида «солиқ ставкаси»нинг устунида каср чизиғи орқали кўрсатадилар. Экспортчи корхоналар экспорт улуши 15 дан 30 фоизгача бўлганда - 3,5%/2,45%, экспорт улуши 30% юқори бўлганда - 3,5%/1,75%.

**200 \_\_\_ йилнинг \_\_\_\_\_ бўйича  
мол-мулк солиғи суммасининг  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

№	Кўрсаткичлар	Тўловчининг маълумотлари бўйича
1	Асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҳисобот даври ўртача қолдиқ қиймати, минг сўм	
2	Солиқ ставкаси, %	
3	Асосий воситалар ва номоддий активлар учун солиқ суммаси (2-сатр : 100) сўм	
4	Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ускуналарнинг ўртача қиймати, минг сўм	
5	Солиқ ставкаси, % *)	7%
6	Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун солиқ суммаси (4-сатр x 5-сатр : 100), сўм	
7	Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектлари ўртача йиллик ҳажми, минг сўм	
8	Солиқ ставкаси, % *)	3,5%
9	Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объекти учун солиқ суммаси (7-сатр x 8-сатр : 100), сўм	
10	Солиқнинг умумий суммаси (3-сатр + 6-сатр + 9-сатр), сўм	
11	Ўтган даврлар учун ҳисобланган солиқ суммаси, сўм	

12	Қўшимча тўланади, сўм	
13	Камайтирилади, сўм	

\*) Солиқ ставкаси экспорт қиладиган корхоналар учун берилган имтиёзларни ҳисобга олмасдан қўлланади.

Яна шуни эсдан чиқариш керак эмас-ки, мол-мулк солиғи бўйича барча ҳисоботлар ўсиб боровчи якун билан топширилади ва экспорт билан шуғулланадиган корхона йил давомида белгиланган шартни бажарган ҳолда экспорт улушини камайтирмаслиги лозим, ушбу шартни бажаргандагина корхонага имтиёз берилади. Агарда бирон бир чорак якунига асосан корхона имтиёз берилиш шартини бажарса - ю, умуман йил бўйича бажармаса, у ҳолда корхона бутун йил учун имтиёздан фойдалана олмайди.

*Масалан, 1-ярим йил якунига биноан корхонанинг ишлаб чиқарган маҳсулотининг умумий сотилган қисмида экспортнинг улуши 18 фоизни ташкил этиши натижасида корхонага имтиёзни қўллаш, яъни солиқ ставкасини 2.45% қилиб қўллаш имкониятини берди. Аммо, йил якунига асосан экспортнинг улуши 13%га тушиб кетган. Бундай ҳолатда корхона бюджетга тўлаши лозим бўлган мол-мулк солигини қайта ҳисоблаб, йил учун тўлиқ ставка бўйича тўлайди.*

Маҳсулот экспортини амалга оширадиган экспорт қилувчи корхоналар мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини тақдим этаётганларида экспорт қилинадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)га доир маълумотномани тақдим этадилар.

«ЎзР. ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ товарларни экспорти деганда товарни ЎзР. божхона худудидан уларни қайтадан олиб кирмаслик шарти билан олиб чиқиб кетишга айтилади, агарда қонун ҳужжатларида бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса.

Бажарилган ишни, кўрсатилган хизматни чет давлат юридик ёки жисмоний шахсига Ўзбекистон Республикаси юридик ёки жисмоний шахси томонидан жойидан қатъи назар бажарилса (кўрсатилса), у ҳолда ишлар (хизматлар)нинг экспорти дейилади.

200 \_\_\_\_\_ учун

экспорт қилинадиган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми тўғрисида Маълумотнома

Кўрсаткичлар	Сатр №	Даромад (с	Харажат (зарар)
Сотишдан олинган соф тушум (2-шаклдаги "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"нинг 050-сатри), минг сўм	10		
Шу жумладан экспорт маҳсулоти (ишлари, хизматлари), минг сўм	20		
Экспорт маҳсулотларининг сотишдан олинган соф тушумдаги улуши (2-сатр : 1-сатр x 100%)	30		

*Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ва ишлатилмаган ускуна учун мол-мулк солиғи корхона томонидан **икки баравар кўпайтирилган** ставка бўйича тўланади.*

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилишида тасдиқланган қурилиш муддати ва тайёрлаб қўйилган захиралар меъёрига мувофиқ ҳар бир объект бўйича технологик ёки бошқа ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш жадвали белгиланган бўлиши лозим.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш жадвалида қуйидаги муддатларда топшириш ҳисобга олинади:

*- **йирик технология ва энергетика ускуналари - уларни номма-ном рўйхатлари бўйича монтаж қилиш ва етказиб бериш жадвалларининг режадаги муддати ўтиб кетгандан кейин;***

*- **технология ускуналари, технология линиялари, қурилмалар ва бошқа умумзавад ускуналари - ускуналарни монтажга топширишнинг режадаги муддати ўтгандан кейин, лекин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда;***

*- **комплект импорт ускуналари - уларни монтажга топширишнинг режадаги муддати ўтиб кетгандан кейин, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга, агар техник шарт-шароитларига кўра ускунани қисмлар бўйича монтаж қилиш мумкин бўлмаса, уларни монтажга топшириш муддати ускуналар бутун комплектининг келиб тушиши пайтидан ҳисобланади;***

*- **қисмларга ажратилган импорт ускуналари, шунингдек кабель маҳсулотлари, симлар ва трослар - уларни монтажга топширишнинг режадаги муддати ўтгандан кейин, лекин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда.***

Ускуналарни монтаж қилиш ва ўрнатиш учун меъёрлар ва жадваллар бўлмаганида солиқ қуйидаги муддатларда тўланади:

*- **ишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган ускуналарнинг ўрнатилмаганлиги учун - **сотиб олинганига бир йиллик муддат тўлганидан кейинги ойдан бошлаб;*****

*- **ноишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар бўйича - **сотиб олинганига олти ой тугагандан кейин;*****

*- **монтажни талаб қилмайдиган хўжалик инвентарлари ва ускуналари бўйича - **сотиб олинган кундан бошлаб.*****

Ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилишнинг юқорида кўрсатилган муддатларини бузганлиги учун корхона ва ташкилотлар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, мол-мулк солиғини икки баравар кўпайтирилган ставка бўйича тўлайдилар.

Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объекти учун мол-мулк солиғини тўловчилар бўлиб қурилишни амалга оширувчи юридик

шахслар-буюртмачилар ҳисобланади.

Солиқ солиш объекти бўлиб белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектининг қиймати (сметалар, смета-молия ҳисоб-китоблари ва капитал қурилиш титуллари рўйхатида кўзда тутилган бино ва иншоотларни қуриш, ускуналар, асбоблар, асбоб-ускуналарни ва бошқа предметларни сотиб олиш харажатлари (қурилиш пудрат ёки хўжалик усули билан қурилишидан қатъи назар), яъни буюртмачи томонидан ф-3 шаклида (бажарилган ишлар ва харажатлар ҳажми тўғрисида маълумотнома) расмийлаштирилган статистика ҳисобига объект бўйича киритилган ва тугалланмаган қурилиш ҳисобварағида ҳисобланадиган ҳамма ишлар ва харажатлар (белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектлари қисмида) ҳажми ҳисобланади.

Қурилишнинг белгиланган муддати деб қурилишни ташкил қилиш лойиҳаси (ҚТҚЛ) таркибида 1.04.03-85-сон ҚМҚ “Корхоналар, бинолар ва иншоотларни қуриш муддати меъёрлари”га мувофиқ лойиҳалаш ташкилоти томонидан аниқланадиган объект қурилишининг меъёрий муддати ҳисобланади.

Лойиҳалаш ташкилотлари лойиҳа-смета ҳужжатларида тайёрлаш муддатларини ажратган ҳолда қурилиш муддати меъёрини кўрсатишлари шарт. Лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилиш муддати меъёри кўрсатилмаган тақдирда, буюртмачи лойиҳалаш ташкилотидан муайян объект бўйича қурилиш муддатининг меъёри тўғрисида хулоса олишга мажбур.

### **Солиқ бўйича имтиёзлар**

Қуйидаги юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солинмайди:

а) *нотижорат ташкилотларнинг мол-мулкига, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулдан ташқари;*

б) *халқ таълими ва маданият муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулкка;*

в) *уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалигининг мол-мулкига;*

г) *қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириши, уларнинг селекцияси ва уларни сақлаш, балиқ етиштириши, овлаш ва уни қайта ишлаш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турига;*

д) *ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмасининг мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиганлари бундан мустасно;*

е) *янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан икки йил мобайнида.*

Мазкур имтиёз тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар, уларнинг

филиаллари ва таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек корхоналар ҳузурида ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар ана шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар, қўлланилмайди;

*ж) хорижий кредит ҳисобига харид қилинган асбоб-ускуналарга, ушбу кредитни сўндириш муддатига, лекин у беш йилдан ортиқ бўлмаслиги керак.*

Бунда мазкур имтиёз қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

- юқорида кўрсатилган имтиёз амалга киритилишига қадар харид қилинган асбоб-ускуналарга ҳам, башарти имтиёзни жорий этиш пайтида кредитни сўндириш муддати тугамаган бўлса. Мазкур имтиёзнинг муддати тугамаган тақдирда, имтиёз у жорий этилган пайдан бошлаб кредитни сўндиришнинг қолган муддатига татбиқ этилади, лекин у **беш йилдан ошмаслиги керак;**

- кредит битими (шартномаси)да кўзда тутилган муддатга мувофиқ кредит бўйича асосий қарзнигина сўндириш даврига, лекин у **беш йилдан ошмаслиги керак;**

- бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўловчининг балансида қайд этилган етказиб бериш, монтаж қилиш ва ишга тушириш-созлаш харажатларини ўз ичига оладиган асбоб-ускуналарнинг бутун қийматига;

Бу ерда асбоб-ускуна деганда корхонанинг асосий технологик фаолиятида ишлатиладиган асосий воситаларга айтилади.

ВМнинг 2002 йил 13 ноябр 390-сонли Қарорига мувофиқ мулк солиғини истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун махсуслашган корхоналар кредитлар ҳисобига, кредитни қоплаш муддатида, лекин 7 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда сотиб олинган асбоб-ускуналар қийматига камайтирилган солиққа тортиладиган базадан келиб чиққан ҳолда тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари (ўз ҳудудида мол-мулк жойлашган солиқ тўловчиларга нисбатан) томонидан қўшимча имтиёзлар берилиши мумкин.

Солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

Мол-мулк солиғи бўйича берилган имтиёзлар бўйича саволлар кўпгина ҳолатларда нотижорат ташкилотлар, халқ таълими ва маданият муассасалари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган ҳолларда пайдо бўлади.

*Агарда тадбиркорлик фаолияти натижасида даромад олиш учун ишлатилган мулкни аниқлашнинг иложи бўлмаса, у ҳолда тадбиркорлик даромадига пропорционал равишда солиқ ҳисобланади.*

*Масалан, ташилотга 8 млн сўм келиб тушган, шу жумладан давлат*

субсидиялари бўйича – 3,2 млн сўм, товар реализация қилиш натижасида – 4,8 млн сўм. Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад барча тушган пул маблағларининг  $(4,8 : 8,0) \times 100\% = 60\%$  ни ташкил этади, демак, мол-мулк солигини корхонага қарашли бўлган мулкларнинг ўртача йиллик қолдиқ суммасининг 60%га ҳисоблаш лозим.

Фараз қилайлик, корхонага қарашли мол-мулкларнинг ўртача йиллик қолдиқ суммаси 900 минг сўмни ташкил этади. Бунда мол-мулк солиғи  $3,5\% \times (60\% \times 900) = 18,9$  минг сўмга тенг бўлади..

### Масала

2004 йил 1 январ ҳолатига мол-мулк солиғи тўловчи корхонада асосий восита ва номоддий активлари бўлмаган. 13 январда корхона 580 минг сўмга компьютер, 25 мартда эса 220 минг сўмга принтер сотиб олган.

2004 йил I-чорак учун мол-мулк солиғини ҳисобланг.

### Ечим

Асосий воситанинг 1 январ ҳолатига бошланғич (унинг ўзи қолдиқ) қиймати 580 минг сўмни ташкил этади (чунки компьютер январ ойининг биринчи ярмида сотиб олинган, шунинг учун ушбу ой учун тўлиқ қиймати олинади).

25 мартда сотиб олинган принтер, йўриқномада белгиланган тартибга асосан, 1 апрелдан ҳисобга киритилади.

Амортизацияни ҳисоблаш асосий воситанинг ишлатила бошлаган ойнинг кейинги ойидан бошлаш лозим. Шунинг учун компьютер учун феврал ойидан, принтер учун апрел ойидан бошлаб эскириш ҳисоблана бошланади.

Солиқ кодексининг 23 моддасига асосан эскириш нормаси – 20%.

Шундай қилиб, 01.01. ва 01.02.ларда эскириш ҳисобланмаган.

01.03. да (яъни феврал ойи учун эскириш) –  $20\% \times 580/12$  ой = 9,67 м.с.

01.04. да (яъни феврал ва март ойлари учун эскириш) –  $9,67 \times 2 = 19,34$

м.с.

	01.01.	01.02.	01.03.	01.04.
Бошланғич қиймати	580	580	580	580
Эскириш	-	-	9,67	19,34
Қолдиқ қиймати	580	580	570,33	780,66

$$\begin{aligned} \text{Ўртача} & \quad 580/2 + 580 + 570,33 + 780,66/2 & \quad 1830,66 \\ \text{қолиқ} & = & \\ \text{қиймати} & \quad \frac{\quad}{12 \text{ ой}} & \quad \frac{\quad}{12} = 152,56 \text{ минг сўм} \end{aligned}$$

Мол-мулк солиғи =  $3,5\% \times 152,66 = 5,33$  минг сўм.

### Мустақил ечиш учун масала

Корхона мол-мулкининг ўртача қолдиқ қиймати 8074 минг сўмни ташкил этади, бундан:

- меъёрий муддатларда тугатилмаган қурилишнинг қиймати – 2120 минг сўм;

- 1688 минг сўмлиги ЎзР. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан консервация қилинган.

Жорий давр учун умумий тушум 25300 минг сўм, бундан 5200 минг сўмлиги корхона ўз маҳсулотини эркин валютага сотган.

**Савол:** жорий давр учун мол-мулк солиғи неча сўмни ташкил этади?

### **Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ**

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш Солиқ кодексига ва «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 5.03.2002 й. N 1103) Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган жисмоний шахслар **мол-мулк солиғини тўловчилар** ҳисобланади.

#### **Солиқ солиш объеклари:**

Жисмоний шахслар учун уларнинг мулки бўлган уй-жойлар, квартиралар, чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

ЎзР. ВМнинг 2001 йил 31 декабр 490-сонли Қарорига мувофиқ Йўриқноманинг аввалги нашрига қуйидаги ўзгартиришлар киритилди: жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғининг транспорт воситалари қисми бўйича тўланадиган солиқнинг ўрнига транспорт воситалари учун ишлатиладиган бензин, дизел ёқилғиси ва газдан ундириладиган солиқ киритилди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулклари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилган ставкаларда солиққа тортилади. Ушбу ставкалар ҳар йили ЎзР. ВМнинг ««Ўзбекистон Республикасининг ... йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори билан индексацияланиб туради.

2005 йил учун жисмоний шахсларни мол-мулкига солиқ ставкалари қуйида келтирилган:

Солиққа тортиш объекти	Солиқ ставкаси (% да)
------------------------	--------------------------

Тураржойлар, квартиралар, дала ховли ва боғ уйчалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар уларнинг қийматидан келиб чиқиб*	
01.01.1998 йилда қайта баҳоланган	0,5
Қайта баҳоланмаган	7,0

### **Изоҳ:**

*\*) Жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш бўйича органларнинг баҳоси бўлмаса солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 1800,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда - 800,0 минг сўм миқдоридан мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади., сўнгра улар қайта баҳоланганидан кейин қайта ҳисоб-китоб қилинади.*

Жисмоний шахсларнинг мол-мулклари техник инвентаризациялаш бюроси (ТИБ) ходимлари томонидан баҳоланади.

*Мисол.*

2-хонали (қайта баҳоланган) квартиранинг баҳоси 334200 сўмни ташкил этади. Мол-мулк солиғи  $0,5\% \times 334200 = 1671$  сўмга тенг.

### **Солиқ бўйича имтиёзлар**

Куйидагиларнинг мулкида бўлган иморатлари, бинолари ва иншоотларига солиқ солинмайди:

*а) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг;*

*б) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлари, уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркибидан хизмат қилган шахсларнинг, ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахслар, Ленинград шаҳри қамалида бўлганларнинг ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибидан ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йигинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг;*

*в) қаҳрамон оналар, шунингдек ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг;*

*г) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқароларнинг (шу жумладан, у ерга вақтинча ёки хизмат сафарига юборилган фуқароларнинг);*

*д) пенсионерларнинг, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларининг;*



е) муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларининг - хизматни ўташ даврида;

ж) ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёки фронтда бўлиш туфайли орттирилган касаллик оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва бошқа турмуш қурмаган рафиқаларининг (эрларининг);

з) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари жумласидан бўлган ногиронларнинг, ички ишлар органларининг хизмат вазифаларини адо этаётганда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ногирон бўлиб қолган бошлиқлар ва оддий хизматчилар жумласидан бўлган шахсларнинг.

Мазкур бўлимда назарда тутилган **имтиёзлар мол-мулк эгасининг танлашига биноан**, имтиёз олиш ҳуқуқини берувчи зарурий ҳужжатлар тақдим этилганда, мол-мулкнинг **фақат бир объектига тааллуқли бўлади**.

Бунда имтиёзлар мол-мулк имтиёз олувчининг **мулки бўлган ҳоллардагина** тақдим этилади.

*Йил давомида тўловчиларда мол-мулк солиғи бўйича имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда улар кўрсатилган тўловлардан ана шу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб озод этиладилар.*

*Йил ўртасида мол-мулк солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқини йўқотганда солиқ солиш ушбу ҳуқуқ йўқолган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.*

### **Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби**

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Мол-мулк солиғини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномалари тўловчиларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан **ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади**.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчилари ҳисоби давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар бир йилнинг 1 январидаги ҳолат бўйича шаҳар ва туманлар бўйича, техник инвентаризациялаш ҳудудий кадастр бюросида мавжуд бўлган иморатлар эгалари тўғрисидаги маълумотларга биноан ўтказилади.

Жисмоний шахслар томонидан солиқ тенг улушларда икки муддатда – <b>15 июнь ва 15 декабрдан кечиктирмай тўланади</b> .
---

Агар солиқ тўловчи томонидан ортиқча суммалар тўланган бўлса, солиқ ва йиғимлар бўйича қарзлар мавжуд бўлмаса, ушбу суммалар унинг ёзма

аризасига кўра ўттиз кун ичида солиқ тўловчига қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади.

**Иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи** уларнинг ҳар йил 1 январдаги ҳолати юзасидан техник инвентаризациялашнинг худудий кадастр бюрolari тақдим этадиган инвентаризация қийматига доир маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқарилади, бундай маълумотлар бўлмаган тақдирда эса - қайта баҳоланганидан кейин қайта ҳисоб-китоб қилинган мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Бир неча мулкдорнинг улушбай асосидаги умумий мулки бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи ҳар бир мулкдор томонидан ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади. Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича солиқ улар барпо этилган ёки олинган йилдан кейинги йилнинг бошидан эътиборан тўланади.

**Мерос бўйича ўтган мол-мулкдан солиқ** меросхўрлардан мерос очилган пайтдан бошлаб ундирилади. Мол-мулк йўқ қилинган, бутунлай вайрон бўлган ҳолларда мол-мулк солиғи ундириш улар йўқ қилинган ёки бутунлай вайрон бўлган ойдан эътиборан тўхтатилади.

**Мол-мулкка мулк ҳуқуқи тақвимий йил давомида бир мулкдордан бошқасига ўтганда солиқни** биринчи мулкдор ўша йилнинг 1 январидан бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошигача тўлайди, янги мулкдор эса - мулк ҳуқуқини қўлга киритган ойдан эътиборан тўлайди.

**Тақвимий йил давомида имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда** мол-мулк солиғи ана шундай ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан қайта ҳисоблаб чиқилади.

Агарда жисмоний шахс ўзига қарашли бўлган мулкдан тадбиркорлик (даромад олиш) мақсадларида фойдаланса, у ҳолда у мол-мулк солиғи жисмоний шахслар учун белгиланган солиқ ставкаларида тўлайди. Ер солиғи бўйича эса агарда жисмоний шахс ер участкасидан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланса, у ҳолда ер солиғини корхоналар учун белгиланган ставкаларда тўлайди.

## **I.6. ЕР СОЛИҒИ**

Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1) **қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар** - қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар ва тоқзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;

2) **аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли**

пунктларининг) ерлари - шаҳарлар ва посёлкалар, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар;

3) **саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар** - кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар;

4) **табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар** - алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланиладиган ерлар;

5) **тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар** - тарихий-маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар;

6) **ўрмон фонди ерлари** - ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар;

7) **сув фонди ерлари** - сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;

8) **захира ерлар.**

**Ерлар асосий фойдаланиш мақсадига қараб ер фонди тоифаларига бўлинади.**

Ерлардан асосий фойдаланиш мақсади - ерлардан ер-кадастр ҳужжатларида акс эттириладиган аниқ мақсадларни кўзлаб фойдаланишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ва шартларидир.
---

*Ерларни ер фондининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда амалга оширилади.*

Ерларни ер фонди тоифаларига бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш ерни эгалик қилишга ва фойдаланишга бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан амалга оширилади (Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, шаҳар, туман давлат бошқарув органлари).

Ер фондининг тоифаси ерни эгалик қилишга ва фойдаланишга бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан қабул қилинадиган ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарорларда, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳномаларда, шартномаларда, бошқа ҳужжатларда, давлат ер кадастри ҳужжатларида, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ҳужжатларида кўрсатилади.

Ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш бундай ўтказиш фактларини ғайриқонуний деб ва улар асосида тузилган ер участкаларига доир битимларни ҳақиқий эмас деб топишга, шунингдек ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этишга асос бўлади.

Ер участкаси - ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг давлат ер кадастрида ва давлат рўйхатига олиш ҳужжатларида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир.

**Юридик шахслар** доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

**Жисмоний шахслар** мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига асосан ер давлат мулки - умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келиши қуйидаги ҳолатларда амалга оширилиши мумкин:

- Юридик ва жисмоний шахсларнинг **ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи** савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади.

- Дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг **ер участкаларига мулк ҳуқуқи** уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан ваколатхона бошлиғининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

- Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг - дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг **ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи** уларга уй-жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

**Ер участкаларига доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилиш** ҳамда улардан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги юритиш учун, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа

мақсадлар учун ҳам доимий эгалик қилишга берилади.

**Доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланиш** учун ер участкалари тақдим этилади:

- Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига;
- саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига;
- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга;
- чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

**Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқи Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.**

Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Ер участкаларига эгалик қилиш, фойдаланиш, ижарага олиш ва уларга мулк ҳуқуқини бериш (сотиш) ер участкаларини ажратиш тартибда амалга оширилади.

Ер участкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонунда белгиланган тартибда ажратилади.

Эгалик ҳуқуқидаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва уларда мулк ҳуқуқидаги бўлган ер участкаларини ажратишдан (сотишдан) аввал ер участкаларини белгиланган тартибда олиб қўйилгандан (қайта сотиб олингандан) кейингина амалга ошириш мумкин.

---

Саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа ва электр узатиш линиялари қуриш, магистрал ўтказувчи қувурлар ётқизиш учун, шунингдек қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари берилади (реализация қилинади). Ўрмон фондига қарашли ерлардан мазкур мақсадлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) асосан ўрмон билан қопланмаган майдонлар ёки бута ва арзонбаҳо дов-дарахтлар билан қопланган майдонлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ер тузиш хизмати органлари томонидан берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегараларини натурада (жойнинг ўзида) белгилагуларига ва ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилгунига қадар ана шу участкага эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш таъқиқланади.

Ер участкаларига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш) тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер участкаларидан муддатли фойдаланиш қуйидагича бўлиши мумкин:

- қисқа муддатли - уч йилгача;
- узоқ муддатли - уч йилдан ўн йилгача;

Ййлов чорвачилиги учун ер участкалари қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ййигирма беш ййилгача муддатга берилиши мумкин.

Корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки уларни оператив бошқариш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ана шу объектлар билан биргаликда мазкур объектлар жойлашган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Юридик ва жисмоний шахсларга ер участкасига нисбатан ҳуқуқ ваколат берилган органлар қарорлари асосида ер майдонининг чегараси, ернинг плани, ер участкаси тузилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлари расмийлаштирилгандан сўнг берилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқни Давлат рўйхатидан ўтказиш ваколат берилган органлар томонидан аризани (ер участкасига эгалик ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда) тақдим этилгандан сўнг **ўн кун муддат ичида** амалга оширилади (ЎЗР. Ер кодексининг 35-моддаси).

**Ер участкасининг ижараси** ер участкасига ижара шартномаси шартлари асосида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишдан иборатдир.

Ер участкасини шартнома асосида қуйидагилар ижарага берадилар:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига - туман ва шаҳар ҳокимлари;
- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

*Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини ички хўжалик ижараси тартибида фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ижарачиларга бириктириб қўйиши мумкин. Улар ўзларининг ер участкаларини бошқа юридик шахсларга ижарага бериш ҳуқуқига эга эмаслар.*

Ижарага берилган ер участкаси ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш тақиқланади, қонунда рухсат этилган ҳолатлар бундан истисно.

Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

*Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитларни олиш учун гаровга қўйиши мумкин. Ижарачи фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ер участкасига бўлган ўзининг ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга ҳақлидир.*

Ер участкалари ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига биноан белгиланади ва шартномада мустақкамлаб қўйилади.

*Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарага 50 йилгача бўлган, бироқ 30 йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши мумкин.*

Ижара ҳақи тўлаш мажбурияти фуқаролик-ҳуқуқий характерга эга бўлган шартномалардан ва унинг бюджетга тўланиши эса ернинг давлат мулки бўлганлигидан келиб чиқади. Ижара ҳақини бюджетга (савдо-сотик корхоналаридан ташқари) ер участкаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат органларининг қарорларига асосан ижарага олган шахслар тўлайди. ВМнинг 2000 йил 242-сонли Қарорига мувофиқ савдо-сотик корхоналари ер учун ижара ҳақидан озод этилганлар.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкалари ижарага берилганда тўланадиган ижара ҳақи бюджетга эмас, балки ер участкалари эгаларига тўланади.

Ижара муносабатлари Тошкент шаҳрида жуда ҳам ривожланган. Ер участкаларини ижарага олган юридик шахслар Тошкент шаҳри ҳокимияти ер муносабатларини тартибга солиб турувчи ва кўчмас мулк кадастри бош бошқармаси билан уларни ижара олиш бўйича шартнома тузадилар. Бундай ҳолатларда ер учун ижара ҳақларини тўлаш Солиқ кодекси билан эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан тартибга солинади. Юридик шахслар қандай солиққа тортиш тизими қабул қилинганлигидан қатъи назар ер участкаси бўйича шартнома тузиб, ўзларига унинг асосида ижарага олинган ер участкалари учун ҳақ тўлаш мажбуриятини оладилар.

## Ер учун ҳақ тўлаш

Ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади.

Ер учун ҳақ икки кўринишда ундирилади:

1. Ўз эгалигида ва фойдаланишида ҳамда мулкида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер учун ҳақ тўлайдилар. Ер учун ҳақ **ҳар йили тўланадиган ер солиғи** шаклида олинади, унинг миқдори ер участкасининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади.

2. Ер участкалари ижарага берилганда ер учун ҳақ **ижара ҳақи шаклида** олинади, унинг миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади, лекин у ер солиғи ставкасининг **бир бараваридан кам ва уч бараваридан кўп бўлмаслиги керак**, ердан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда ер солиғи ставкасининг **бир баравари миқдорида бўлади**.

Белгиланган тартибда тақдим этилган ер участкалари учун **ер участкасининг фойдаланишлигидан қатъи назар ер солиғи тўланади**.

Ер солиғи, солиқ тўловчининг жойлашган еридан қатъи назар, ҳудудида ер участкаси жойлашган туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади. Агар ер участкаси ҳам туман, ҳам шаҳар ҳудудида жойлашган бўлса, солиқ худди шу тартибда тўланади.

*Масалан, Тошкент шаҳрининг маъмурий чегараси корхона ерларининг ўртасидан ўтган ва унинг ерлари бир қисми Тошкент шаҳри Акмал Икромов туманининг ҳудудида, бошқа қисми эса Тошкент вилояти Зангиота туманининг ҳудудида бўлиб қолса, корхона шаҳар ҳудудида жойлашган ер қисми учун ер солиғини шаҳар учун ставкалар бўйича ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоб-китобни Акмал Икромов тумани Давлат солиқ инспекциясига топширади ҳамда солиқни шаҳар бюджетига тўлайди. Зангиота тумани ҳудудида жойлашган ер қисми учун ҳисоб-китоб Тошкент вилоятининг қишлоқ жойлари учун ставкалар бўйича амалга оширилади, ҳисоб-китоб туман Давлат солиқ инспекциясига топширилади ва ушбу туман бюджетига солиқ тўланади.*

Ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби “Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома (2002 йил 27 март 1118-сон билан АВ рўйхатдан ўтган) асосида олиб борилади.

### **Ер солиғи тўловчилари**

Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи тўловчилардир.

Қуйида келтирилганлар ер солиғи тўловчиси ҳисобланмайдилар:

ягона солиқ тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар;

ҳамда қуйидаги юридик шахслар асосий фаолият тури бўйича:

- савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;

- ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари;

- тадбиркорлик фаолиятининг қатъий солиқ тўловчилари бўлган фаолият турлари билан шуғулланувчилар.

- лотереялар, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ялпи тушумдан ундириладиган ягона солиқ тўловчилари.

### **Юридик шахсларни солиққа тортиш**

Юридик шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

2) қишлоқ ёки ўрмон хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга берилган ер участкалари;



3) *корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриши учун ёки қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиши учун берилган ер участкалари;*

4) *корхоналар, бинолар ёки иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтиши билан бирга эгалик қилиши ва фойдаланиши ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари.*

Йил давомида юридик ва жисмоний шахсларда ер участкаларига мулк ҳуқуқи, ерга эгалик қилиш ҳуқуқи, ердан фойдаланиш ҳуқуқи вужудга келган (бекор бўлган) тақдирда, шунингдек улар фойдаланаётган ер майдони кенгайган (камайган) ёки ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари тўхтатиб қўйилган (пайдо бўлган) ҳолларда улар ер участкаси ажратилган (олиб қўйилган) ёки имтиёзлар тўхтатилган (пайдо бўлган) кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай давлат солиқ органларига ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишлари шарт.

### **Ер солиғи ставкалари**

*Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.*

Ернинг асосий фойдаланиш мақсадига ва солиқ тўловчиларнинг категориясига қараб ер солиғининг ставкалари бир неча турларга бўлинади:

- *жамоа қишлоқ хўжалик суғориладиган ерларидан фойдаланганлик учун;*

- *лалмикор экинзорлар, бўз ерлар ва кўп йиллик кўчатзорлардан фойдаланганлик учун;*

- *суғорилмайдиган ҳашакзорлар ва яйловлардан фойдаланганлик учун;*

- *қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган бошқа ерлардан фойдаланганлик учун;*

- *Тошкент шаҳар ер участкаларидан фойдаланганлик учун;*

- *шаҳар ва кўрғонларда ер участкаларидан фойдаланганлик учун;*

- *корхона, муассасалар ва ташкилотлардан қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун;*

- *(фуқаролардан) қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун.*

*Корхоналар ва фуқаролар учун ер солиғи ставкаси алоҳида-алоҳида ўрнатилади.*

Солиқ ставкасининг энг юқори қиймати шаҳарларда корхона ва ташкилотлар жойлашган ер участкаларига тўғри келади. *Масалан, Тошкент шаҳрида 1 гектар ер участкасига 1 686 013 -18 410 535 сўм, Самарқанд шаҳрида – 1 370 620 -1 690 941 сўм чегарасида унинг жойлашган ҳудудига қараб солиқ суммалари белгиланган.*

*Таққослаш учун: фуқароларга яқка тартибда уй-жой қуриши учун*

*ажратилган ер участкаларининг солиқ ставкалари юқорида келтирилганларга нисбатан анча оз қийматга эга. Масалан, Тошкент шаҳрида 1 кв. метр ер участкаси учун солиқ ставкаси 16,6 сўмдан 72,2 сўмгача, Самарқанд шаҳрида – 12,5 сўмдан 15,2 сўмгача қилиб зоналарга боғлиқ ҳолда белгиланган.*

Ер солиғи ставкаси ер зоналарига қараб белгиланади. Масалан, Тошкент шаҳри 14 зонага бўлинган, йирик ва катта шаҳарлар худудлари – 4 зонага, кичик шаҳарлар- 3 зонага ва поселкалар – 2 зонага.

Жамоаларнинг суғориладиган қишлоқ хўжалик ер участкаларининг солиқ ставкаси жуда ҳам паст бўлиб, улар ернинг сифатига ва балл-бонитетига боғлиқ бўлади.

Масалан, Тошкент вилоятида энг юқори ер солиғи ставкалари Зангиота туманида ўрнатилган: 1882,5 сўмдан (0-10 баллгача) то 32950,7 сўмгача (91-100 баллгача) 1 гектар ер участкаси учун, яъни солиқ ставкасининг кўрсаткичи ернинг сифатига қараб 17 баробарга фарқ қилади.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, **ер солиғи ернинг сифати ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.**

**Шаҳарлар ва шаҳар кўрғонларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида ундирилади.**

*Масалан, Тошкент шаҳрида жойлашган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ер участкасининг сифати 41-50 балл қилиб белгиланган, бундай ҳолатларда яқин атрофда жойлашган худди шундай баллга эга бўлган қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ер участкасига белгиланган солиқ ставкаси – 1 гектар учун 7425,2 сўм икки баробарга кўпайтирилиб олинади. Демак, ушбу 1 гектар ер участкаси учун 14850,4 сўм ставкани қабул қилиш лозим.*

Суғорилмайдиган пичанзор ва яйловлар учун олинандиган ер солиғи ставкалари энг паст қилиб белгиланган солиқ ставкаларидир.

Қуйида (2005 йил учун) қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ундириладиган ер солиғи ставкалари келтирилган.

Қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ундириладиган ер солиғи ставкалари (2005 йил учун)

1 га учун ер солиғи ставкалари, сўмларда
--

Республика, вилоят	корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар банд қилган ерлар учун, зоналар бўйича			кон ва карьерлар банд қилган ерлар учун, зоналар бўйича	
	Суғориладиган		Лалмикор ерлар	Суғориладиган	Лалмикор яйлов
	аҳоли пунктларида	аҳоли яшамайдиган пунктларда			
Қорақалпоғистон Республикаси					
шимолий зона	439218	407791	19910	115185	3908
марказий зона	487877	453379	24640	128129	6153
Жанубий зона	542084	503884	27109	141660	7391
Андижон	554407	515603	27729	158321	8017
Бухоро	535919	503283	27108	141675	7394
Жиззах	498958	471853	25263	103489	4928
Қашқадарё	498958	471853	25263	99788	4928
Навоий	517444	489715	25867	123201	6154
Наманган	508814	486638	24640	150309	7394
Самарқанд	585199	537157	29569	187266	9234
Сурхондарё	640645	579047	32035	242701	12322
Сирдарё	498958	475558	25263	104715	5550
Тошкент	585199	535919	29569	185426	9234
Фарғона	535919	501423	27108	139211	6767
Хоразм	542084	503887	27108	142292	7394

Маъмурий ва саноат марказларига нисбатан олганда ер участкаларининг жойлашиш жойига боғлиқ ҳолда қишлоқ жойлари учун белгиланган ер солиғи ставкаларига (қишлоқ хўжалик корхоналаридан бундан мустасно) куйидаги коэффициентлар қўлланади:

*Тошкент шаҳри атрофида 20 километрлик айланада - 1,30;*

*Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 километрлик айланада - 1,20;*

*туман марказлари атрофида 10 километрлик айланада - 1,15;*

*бошқа шаҳарлар атрофида 5 километрлик айланада - 1,10.*

Ер участкаларигача масофа шаҳарлар ва туман марказларининг маъмурий чегараларидан бошлаб автомобиль йўллари бўйлаб белгиланади. Ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган тақдирда шаҳарнинг

*юқориноқ функционал вазифасига мувофиқ келадиган коэффициент қабул қилинади.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сонли “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига биноан истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ишлаб чиқариш корхоналари ер солиғини белгиланган тартибда амалдаги ставкалар бўйича, лекин тегишли шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг ўрта зонаси учун белгиланган ставкадан ортиқ бўлмаган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Бир кишлоқ аҳоли пункти доирасида ягона ставкаларни белгилаш мақсадида солиқ тўловчиларга берилган ерлар, *ерларнинг қандай қисми ушбу зонага киришига боғлиқ ҳолда, бутунлай шаҳар атрофи зонасига киритилади ёки ушбу зонадан бутунлай чиқарилади.*

Мисол.

*Ташкилотнинг ер участкаси Самарқанд шаҳридан 12 км нарида лалмикор ерларда жойлашган. Ер солиғи ставкаси қуйидагича ҳисобланади: келтирилган жадвалдан Самарқанд вилояти лалмикор ерлари учун солиқ ставкасини 1 гектар учун 29569 сўм қийматни оламиз ва уни 1,2 коэффициентига кўпайтирамиз, чунки ер участкаси шаҳар атрофидаги 15 км доирасига киради, шундай қилиб 1 гектар учун  $29569 \times 1,2 = 35482,8$  сўм.*

Дехқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида ер солиғи ставкаларига, ер сифатига боғлиқ ҳолда, қуйидаги коэффициентлар қўлланилади:

- *тупроқ бонитети 40 баллгача бўлса - 0,75;*
- *тупроқ бонитети 41 дан 70 баллгача бўлса - 1,0;*
- *тупроқ бонитети 70 баллдан ортиқ бўлса - 1,25.*

Шаҳар ва қўрғонларнинг маъмурий чегараларида жойлашган кон ва карьерлар банд этган ерлар учун солиқ **корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун белгиланган ставкаларга 0,1 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади.**

Юридик шахслар фойдаланадиган, давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча ер участкалари (шу жумладан, ер солиғини тўлашдан озод этилган) учун **ер солиғи 2,0 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади.**

*Масалан, агар корхонага 0,5 гектар ер участкасидан фойдаланиш рухсат этилган бўлса-ю, аммо у 0,6 гектар ер участкасида фаолият юритаётган бўлса, у ҳолда 0,1 гектар ер (ҳокимият органлари томонидан ажратилган ердан ошиғи) участкаси учун корхона ер солиғини 2,0 коэффициентини қўллаган ҳолда тўлайди.*

Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча фойдаланиладиган ерлар учун юқорида кўрсатилган коэффициентни қўллаган ҳолда ер солиғи тўланмаган тақдирда солиқ тўловчиларга нисбатан

Солиқ кодексининг 135 моддасига мувофиқ молиявий жазо чоралари қўлланади, «яширилган солиққа тортиш объекти» бўйича солиқ суммаси ундирилади ва шу қийматдаги суммада жаримага тортилади.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган ер участкалари майдони ер бериш тўғрисида давлат ҳокимият органларининг қарори, ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқи учун давлат далолатномаси, ерни ижарага олиш шартномаси, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларга кўра белгиланади. Ер участкасига нисбатан мулк, эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, **солиқ бутун майдон учун юқорида кўрсатилган ошириш коэффицентларини қўллаган ҳолда тўланади.**

*Мисол.*

*«Грани» (масъулияти чекланган жамият туридаги) корхонасининг таъсисчиси жамиятнинг устав жамғармасига ўзига қарашли бўлган бинони ер участкаси билан киритди.*

*ЎзР. Ер кодексига биноан «Грани» корхонасига бино билан биргаликда у жойлашган ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилди.*

*Аммо, жамият ер участкасига бўлган ҳуқуқни, эътиборсизлик натижасида, белгиланган тартибда тасдиқлаб олмади. Бундай ҳолатда «Грани» корхонаси ер участкасидан ноқонуний равишда фойдаланган бўлади ва ер солигини юқорида келтирилган 2,0 коэффицентини қўллаган ҳолда, бундан ташқари ўтган давр учун жарима (пеня) ҳамда маъмурий жарима тўлаши лозим бўлади.*

Алоҳида турадиган объектлар қурилиши учун ер участкалари майдонлари ер участкасига доир ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатларда кўрсатилган майдондан ошиб кетган тақдирда ҳам ошириш коэффицентлари қўлланади.

Ушбу тартиб янги йўриқномага асосан барча юридик шахсларга, бунга ер солиғи тўлашдан озод қилинган, ҳатто соддалаштирилган солиқ тўлаш системасига ўтиб солиқдан озод қилинган корхоналарга ҳам тааллуқли бўлади.

## **Юридик шахслар томонидан ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби**

*Ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолатга қараб мустақил ҳисоблаб чиқарилади.*

*Ер солиғи бўйича ҳисоб-китоблар ер участкаси жойлашган ҳудуддаги давлат солиқ органига жорий йилнинг 1 февралигача алоҳида иккита шакл кўринишида тақдим этилади:*

- қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлмаган ерлар учун;
- қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун.

*Бўшатиб олинаётган маблағлардан муайян мақсадлар учун фойдаланиш шарти билан имтиёзлар олган юридик шахслар солиқ тўловчилар учун белгиланган шакл бўйича ва муддатларда ер солиғи ҳисоб-китобини тақдим этадилар.*

Юридик шахс ҳисобланган деҳқон хўжаликлари ҳисоблаб ёзилган ер солиғи умумий суммасининг 95%ини бюджетга, 5%ини эса Деҳқон ва фермер хўжалиklarини кўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлайдилар. Ҳисоб-китобларда Жамғармага тўланадиган сумма алоҳида сатрда акс эттирилади.

**Фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун фойдаланиладиган ерлар,** шу жумладан очиқ усулда қазиб олинadиган, бўш ва балансдан ташқари жинслар уюмлари банд этган ёки улар учун мўлжалланган ерлар учун солиқни ҳисоблаб чиқариш уларнинг жойлашган ерини ҳисобга олган ҳолда **кон ва карьерлар учун ставкалар** бўйича амалга оширилади.

**Фойдали қазилмаларни қайта ишлаш ёки улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш** билан боғлиқ ер участкалари учун, шу жумладан охириги омборлар ва тиндиргичлар, шунингдек маъмурий, ёрдамчи бинолар ва иншоотлар банд этган ерлар учун солиқ **корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун белгиланган ставкалар** бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ер участкаси **ҳақиқатда эгаллаган майдондан** келиб чиқиб амалга оширилади.

Ер участкаларининг умумий майдонлари тўғрисидаги маълумотлар **ер участкасига бўлган эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар ёки ерларни инвентаризациялаш** далолатномалари бўйича қабул қилинади.

*Ҳисобот йили давомида ер мулклари таркибида ўзгаришлар юз берган юридик шахслар давлат солиқ органларига ер солиғи тўланадиган ҳисобот йилининг 1 ноябрига қадар ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этадилар.*

Ер участкаси йил давомида ажратилса, у ҳолда солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлана бошланади.

*Масалан, агарда ҳокимият қарорига асосан ер участкаси 15 августга қадар ажратилган бўлса, у ҳолда ер солиғи 1 сентябрдан бошлаб тўлай бошлайди.*

Агарда ер участкасини олиб қўйилса (қисқартирилса), сотиб олинса, сотиб юборилса, у ҳолда ер солиғини тўлаш ер участкасини олиб қўйилган, сотиб олинса, сотиб юборилган ойдан бошлаб тўланмайди.

*Масалан, агарда ҳокимият қарорига асосан корхонанинг ер участкасининг бир қисми 25 августда олиб қўйилса, у ҳолда корхона ушбу қисми учун тўланадиган ер солиғини тўлашни 1 августдан бошлаб тўхтатади..*

Алоҳида бинолар ёки хоналар бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ижарага берилганида ер солиғини балансида ушбу бино бўлган юридик шахс тўлайди.
--

Агар алоҳида бино бир неча юридик шахснинг балансида бўлса, ер солиғини ҳар бир юридик шахс алоҳида, эгаллаган ишлаб чиқариш хоналарига мутаносиб равишда тўлайди.

Кўп қаватли тураржойларнинг бир қисмини эгаллаган юридик шахслар ер солиғини тураржой эгаллаган умумий майдондан ва мазкур юридик шахс томонидан фойдаланиладиган ишлаб чиқариш хоналарининг хиссасидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарадилар.

*Юридик шахслар* (қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари) солиқни ҳар чоракда, чорак иккинчи ойининг 15-кунига (15 феврал, 15 май, 15 август, 15 ноябр) қадар тенг улушлар билан тўлайдилар.

Агар юридик шахс ер участкасини ҳисобот чораги учун тўлаш муддати тугаганидан кейин олган бўлса, ушбу давр учун солиқни тўлаш муддати бўлиб кейинги чорак учун солиқ тўлаш муддати ҳисобланади.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солиғини йилда бир маротаба, ҳисобот йилининг 15 декабригача тўлайди.

### **Юридик шахслар учун имтиёзлар**

Солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуйидаги ерлар киради:

А) шаҳарлар, шаҳар кўрғонлари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (*майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, ариқ тармоқлари, соҳил бўйлари ва ҳоказо; маданий-маиший эҳтиёжларни қондириши ва аҳолининг дам олиши учун фойдаланадиган ерлар; қабристонлар, чиқиндиларни зарарсизлантириши ва улардан фойдаланиши жойлари ва ҳоказо*);

Б) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигининг, жамоа гаражларининг **умумий фойдаланишдаги ерлари**.

Аммо, фуқароларга жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги учун ажратилган ер участкаларидан ер солиғи умумий тартибда ундирилади.

В) табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар (*давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, ов қилишга мўлжалланганлари бундан мустасно, табиат ёдгорликлари*), корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда махсус мақсадлар учун берилган, ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

Г) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (*тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, сағаналар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар*);

Д) сув фонди ерлари (*дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, денгизлар, музликлар, ботқоқликлар, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги*

иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув ҳавзалари соҳилидаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар);

Е) электр узатиш линиялари, подстанциялар, умумдавлат алоқа линиялари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

Янги электр узатиш ҳаво ва кабель линияларини қуриш учун ерлар вақтинча фойдаланиш учун қурилиш даврига ажратилади, электр узатиш линияларидан доимий ишлатиш учун фойдаланишга эса фақат кучланиши 1000 В дан юқори электр узатиш линияларининг таянчлари, электр узатиш кабель линияларининг ер устидаги иншоотлари, кучланишни пасайтирувчи подстанциялар, тақсимлаш ва секциялаштириш пунктлари эгаллаган ер участкасигина ажратилади.

Шу муносабат билан ер солигини тўлашдан қурилиш даврида бутун ажратилган ер участкаси, фойдаланиш даврида эса - фақат кучланиши 1000 В дан юқори электр узатиш линиялари таянчлари, улардаги иншоотлар ва подстанциялар эгаллаган ерларгина озод этилади.

Умумдавлат алоқа линиялари ва улардаги иншоотларга ҳаво алоқа линиялари, уларга илиб қўйилган симлар ва алоқа кабеллари, устунли алоқа ва радиофикация линиялари, уларни белгилайдиган сигнал ва ўлчов устунлари (қозиқлари), радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон каналлашмаси, ер усти ва ер остидаги хизмат қилинмайдиган кучайтириш (регенерация қилиш) пунктлари, тақсимловчи шкафлар, қутилар, ерга уланган сим контурлари ва бошқа алоқа иншоотлари киради.

Ж) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган тартибда уларнинг индекслари ва тартиб рақамларини кўрсатган ҳолда тегишли рўйхатларга киритилган автомобиль йўллари тааллуқлидир.

Автомобиль йўлларининг иншоотларига кўприклар, йўл четидидаги ариқлар, ён томондаги захира ерлар, кўтарма ортидаги ариқлар ва кўтармалар, тоғдаги сув ажратиш каналлари, ариқ ортидаги бермалар ва қияликларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш бермалари, автобус бекатлари, тушишлар, трактор йўллари, пиёдалар ва велосипед йўлкалари, ўпирилиш, сел, кўчкига қариш ва автомобиль йўллари учун ажратилган ерларда жойлаштирилган бошқа ҳимоя иншоотлари киради;

З) темир йўлларнинг умумий тармоғи ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

Солиқ тўлашдан озод этиладиган ер участкаларига темир йўл станциялари ҳудудидан бош, станция ва саралаш темир йўл линиялари эгаллаган ерлар ҳам киради.

Саноат ва бошқа корхоналарга ўтказилган темир йўллар эгаллаган ерлар учун солиқ белгиланган тартибда тўланади.



*Темир йўлларнинг иншоотлари таркибига захиралар, тупроқтепалар, йўлдаги сув ажратиши, мустаҳкамлаш ва тутиб туриши иншоотлари, йўллар бўйлаб қордан ҳимоялаш ва қумни мустаҳкамлаш полосалари, тортиши подстанциялари, тоннеллар ва шу сингари сунъий иншоотлар ва йўл қурилмалари киради;*

И) умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари (шу жумладан, метрополитен бекатлари эгаллаган ерлар) ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

Мазкур имтиёз трамвай йўллари ва троллейбус линиялари, метрополитен линиялари, трамвай ва троллейбус бекатлари, шу жумладан диспетчерлик пунктлари, метрополитен бекатлари ва шаҳар электр транспорти йўлларидаги бошқа иншоотлар эгаллаган ерларга татбиқ этилади.

*Маъмурий ва бошқа ёрдамчи бинолар, деполар (депо ҳудудида жойлашган электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари эгаллаган ерлардан ташқари), қурилиш ва таъмирлаш объектлари эгаллаган ерлар учун солиқ белгиланган тартибда тўланади;*

К) спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш хавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

Л) магистрал сув қувурлари, магистрал канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, шунингдек сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар эгаллаган ерлар.

*Сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар таркибига аҳоли пунктларида сув қузури ва канализация тармогидаги насос станциялари, кузатиш қудуқлари ва дюкерлар, сув миноралари ва шу сингари иншоотлар киради;*

М) магистрал газ ва нефть қувурлари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

*Иншоотлар таркибига ёнгин ва авариялардан сақлаш иншоотлари, қувурларни катодли ҳимоялаш станциялари, уланиш тугунлари билан бирга насос ва компрессор станциялари, қувурларни тозалаш қурилмалари ва ҳоказолар киради;*

Н) магистрал иссиқлик трассалари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

*Иссиқлик трассаларининг иншоотларига насос станциялари (кучайтирувчи, пасайтирувчи, аралаштирувчи, дренаж), иссиқликни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлар, иссиқ сув таъминотининг циркуляция насослари киради;*

О) самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, шу жумладан уларни ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари жойлашган

ерлар;

П) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар - қурилишнинг меъёрий муддати даврига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилган объектлар эгаллаган ерлар.

*Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилишининг меъёрий муддати тугагач, шунингдек тўхтатиб қўйилган объектларни қуриш давом этилган ёки улар фаолият кўрсата бошлаган ҳолларда ер солиғи қурилишнинг меъёрий муддати тугашидан ёки объект қурилиши ёхуд ундан фойдаланиш бошланганидан кейинги ойдан бошлаб тўлана бошлайди.*

Мазкур кичик бандга кўра Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилишига ажратилган ер участкаларига солиқ солинмайди. Агар Инвестиция дастурига кўра корхона, унинг алоҳида цехларини таъмирлаш ёки қайта жиҳозлаш назарда тутилган бўлса, бундай ҳолларда мазкур имтиёз қўлланмайди;

Р) гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

С) илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжалиklarининг бевосита илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари.

*Мазкур кичик бандга мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навлар селекциясини амалга ошириш ҳамда мавзу доираси тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ва кўчатлар эгаллаган ер участкалари солиқ тўлашдан озод этилади;*

Т) янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар - лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга.

*Ушбу кичик бандга мувофиқ ер солиғини тўлашдан янги ўзлаштирилаётган ва суғориладиган ерлар, шунингдек капитал текислаш, суғориш тармоғини таъмирлаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ёхуд суғорилаётган ерларни комплекс таъмирлаш бўйича мелиоратив ишлар амалга ошириладиган суғорилаётган қишлоқ хўжалик ерлари озод қилинади.*

Агар лойиҳада ерларни ўзлаштириш ва мелиоратив ишларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилмаган бўлса ёки ер участкаси бошқа муддатларда ишга туширилган бўлса, бундай ҳолда мелиоратив ишлар ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари бажарилган йиллар учун, лекин 5 йилдан кўп бўлмаган муддатда, ер участкасига солиқ тўланмайди;

У) захирадаги ерлар (эгаллик қилиш, фойдаланиш ва ижарага берилмаган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга мулк учун сотилмаган ерлар. Уларга эгаллик қилиш ва фойдаланиш, ижара ҳуқуқи ва мулк ҳуқуқи қонун

*хужжатларига мувофиқ бекор қилинган ерлар ҳам киради);*

*Ф) рекреацион аҳамиятга молик ерлар (аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасаларга берилган ерлар: ўрмон боғлари, боғлар, хиёбонлар, пляжлар ва ҳоказолар).*

*Бунда муассаса деганда мулкдор томонидан бошқариш, ижтимоий-маданий ёки нотижорат тусидаги бошқа функцияларни бажариш учун ташкил этилган ҳолда у томонидан тўлиқ ёки қисман молияланадиган ташкилот тан олинади;*

*Х) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (касалликларнинг олдини олиш ва одамларни даволаш ишини ташкил этиш учун қулай табиий омилларга эга бўлган ерлар);*

*Ц) якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун (фермер хўжаликлари) қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ерлар-ер участкалари берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;*

*Ч) қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларининг ўрмонлар ва ихотазорлар, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари, шунингдек спорт иншоотлари эгаллаган ерлари;*

*Ш) қишлоқ хўжалик корхоналарининг янги ўтқазилган боғ ва узумзорлари - улар мева қилиш даврига киришигача, қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун қатор ораларидан фойдаланилишидан қатъи назар.*

*Янги тут кўчатлари ўтқазилган ер участкалари - қатор ораларидан қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, 3 йил муддатга. Шу муносабат билан баҳорда ўтқазилган тут кўчатлари солиқ тўлашдан уч йилга озод қилинади, бунга кўчат ўтқазилган йил ҳам киради. Кузда ўтқазилган кўчатлар ўтқазилган йилдан кейинги йилдан бошлаб уч йилга солиқ тўлашдан озод қилинади;*

*Щ) солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар эгаллаган ерлар. Фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар эгаллаган ерлар майдони ҳақиқатда эгаллаган майдондан келиб чиқиб қабул қилинади.*

**Ерлардан бевосита мақсадга кўра фойдаланилмаган тақдирда юқорида келтирилган имтиёзлар қўлланилмайди.**

Солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

Агар солиқ солинмайдиган ер участкаси мақсадга кўра фойдаланилмаса, ушбу майдон учун ер солиғи белгиланган тартибда тўланади. Бундай ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатларни парваришлаш учун фойдаланилса, солиқ қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ставкалар бўйича тўланади.

Ер ости муҳандислик коммуникациялари (иншоотлари) ер юзасини эгалламайди (ер юзасида жойлашган айрим иншоотлардан ташқари) ва улар устидаги ер участкаларидан ушбу коммуникацияларни қўриқлаш қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш шарт ва улар учун ер солиғи белгиланган тартибда тўланади. Қурилиш даврида улар эгаллаган ер участкалари солиқ солинадиган майдонлардан чиқарилади. Қурилиш тугалланганидан кейин ер участкаси қурилишни амалга оширган корхоналар ва ташкилотлар томонидан яроқли ҳолатга келтирилиши ва аввалги ердан фойдаланувчиларга қайтарилиши керак. Шу вақтдан бошлаб ҳудудда барпо этилган ер ости коммуникациялари ўтадиган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғини белгиланган тартибда тўлай бошлайдилар.

Магистрал каналлар ва коллекторлар, сув омборлари, электр узатиш линиялари ва умумдавлат алоқа линиялари, магистрал қувурлар ва сув олиш иншоотларини қўриқлаш зонасида жойлашган ер участкаларидан юридик ва жисмоний шахслар тегишли муҳандислик коммуникацияларини қўриқлаш қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланадилар ва ушбу ерлар учун солиқ белгиланган тартибда тўланади.

#### **Қуйидаги юридик шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:**

а) тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, ер участкаларидан тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганларидан ташқари.

Агар ер участкаларидан нотижорат ташкилотлар бевосита тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдалансалар (ижарага берилса, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилса ва ҳоказо), бундай ер участкалари учун солиқ белгиланган тартибда тўланади.

Солиқ солиш мақсадида нотижорат ташкилотлар деганда қуйидаги юридик шахслар тушунилади:

фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, харажатларни қоплашга бюджетдан тасдиқланган сметалар доирасида дотация оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва жамғармалари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар:

1) ижтимоий-хайрия ёки таъсис ҳужжатларида қайд этилганидек, тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишни назарда тутмайдиган бошқа мақсадлар учун барпо этилган юридик шахслар;

2) молиявий ва бошқа маблағларни мазкур ташкилот ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари йўлида тақсимламайдиган ва инвестицияламайдиган юридик шахслар (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат учун ҳақлардан ташқари);

б) маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, қайси идорага бўйсунушидан қатъи назар, улар зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун ажратилган ер

участкалари учун.

Уларга қуйидагилар киради:

1) маданият ва санъат муассасалари (кутубхоналар, фильмотека ва фонотекалар, музейлар, кўрғазмалар, клуб муассасалари, мактабгача тарбия муассасалари, халқ университетлари, маданият ва истироҳат боғлари, ботаника боғлари ва ҳайвонот боғлари, телевидение ва радиоэшиттириш тахририятлари, китоб палаталари, театрлар, кинотеатрлар, концерт ташкилотлари ва жамоалари, цирklar, тасвирий санъат студиялари ва бадиий безатиш ташкилотлари, киностудиялар ва овоз ёзиш студиялари, аҳолининг буюртмасига кўра иш ва хизматларсиз кинофильмлар тайёрлаш, овоз ёзиш, ҳаваскорлик кинофильмларини тайёрлаш, овоз ёзиш хизматлари, кинофильмлар ижараси, маданият ва санъат хўжалигини бошқариш);

2) маориф муассасалари (олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш, ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш, ишчилар ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, умумий таълим болалар мактаблари, ишчи ёшлар учун умумий таълим мактаблари, мактабгача тарбия, ота-оналар қаровисиз қолган болаларни тарбиялаш муассасалари);

3) соғлиқни сақлаш муассасалари (касалхона муассасалари, моховхоналар, диспансерлар, амбулатория-поликлиника муассасалари, тез ва шошилиш тиббий ёрдам ҳамда қон қуйиш муассасалари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари, санатория-курорт муассасалари, санитария-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиология муассасалари, санитария маорифи муассасалари, суд-тиббий экспертиза муассасалари);

4) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари (врачлик-меҳнат экспертиза комиссиялари, қариялар ва ногиронлар учун интернат уйлар).

Ер участкалари (хоналар)дан уларнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун (ижарага бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ҳоказо) фойдаланадиган маданият, маориф, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари ер солиғининг тегишли ҳиссасини тўлайдилар;

в) деҳқон хўжаликлари - давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

г) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмаси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно.

Ходимларнинг умумий сонига корхона штатида бўлган, шу жумладан ўриндошлик бўйича ишловчилар, шунингдек корхона штатида бўлмаган (пудрат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалар

бўйича ишларни бажарадиган) ходимлар киритилади;

Мазкур банднинг "в" кичик бандида кўрсатилган юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунига қадар, яъни корхона рўйхатдан ўтказилганидан кейин уч йиллик давр тугашига қадар тугатилган тақдирда, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

### **Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи**

**Жисмоний шахслар** мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқига қуйидаги ҳолатларда эга бўладилар:

- деҳқон хўжалиги юритиш учун;
- якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун;
- жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Фуқароларнинг ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи Давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

**Жисмоний шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект** ҳисобланади:

1) *тураржойлар этагида ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;*

2) *якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;*

3) *жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва поллизчилигини юритиш учун берилган ер участкалари;*

4) *хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерлар;*

5) *мерос бўйича, ҳада қилиниши ёки сотиб олинниши натижасида уй-жой, дала ҳовли билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;*

6) *қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;*

7) *тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.*

**Жисмоний шахслар учун ер солиғини давлат солиқ органлари ҳисоблаб чиқаради. Шунинг учун фуқаролар ер солиғи суммасининг нотўғри ҳисобланиши бўйича жавобгарликка тортилмайдилар.**

Солиқ тўланиши тўғрисидаги тўлов хабарномалари жисмоний

шахсларга давлат солиқ органлари томонидан ҳар йили, жорий йилнинг 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Ер участкаларининг мулкдорлари, ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилар ёки ижарачилар бўлган жисмоний шахслар давлат солиқ органлари томонидан ҳар йили 1 январдаги ҳолат бўйича ҳисобга олинадилар.

Ер солиғи ҳисоблашда ер участкасини барча майдони ҳисобга олинган ҳолда, бунда уй-жойлар, ёрдамчи хўжалик, ҳовли эгалланган ҳамда қурилиш объекти атрофидаги ер майдонларини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади.

**Жисмоний шахслар ер солиғини** тенг улушларда икки муддатда - 15 июлдан ва 15 декабрдан кечиктирмай **тўлайдилар.**

*Деҳқон хўжаликлари (юримдик шахсни ташкил этмаганлари) ҳисоблаб ёзилган ер солиғи умумий суммасининг 95%ини бюджетга ва 5%ини Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлайдилар. Шу муносабат билан давлат солиқ органлари деҳқон хўжаликларига ёзиладиган тўлов хабарномаларида бюджетга тўланадиган ер солиғи суммаси ва Жамғармага тўланадиган ер солиғи суммасини алоҳида кўрсатадилар.*

Жисмоний шахсларга қишлоқ жойларда шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиғи) юритиш учун берилган ер участкалари томорқа ерлардан ва жамоат ерларида қўшимча ажратилган ер участкаларидан иборат бўлиши мумкин. Бундай ҳолда томорқа ерлар майдони ер кадастри маълумотлари бўйича қабул қилиниб, юз берган ўзгаришлар ҳар йили натурада аниқлаштирилади. Жамоат ерларида қўшимча ажратилган ер участкалари майдони хўжаликларнинг маълумотлари бўйича ҳисобга олиниб, ҳар йили аниқлаштирилади.

Фуқаролар рўйхати ва уларга жамоа боғдорчилиғи ва узумчилиғини юритиш учун берилган ер участкалари майдони, шунингдек шахсий гаражлар эгаллаган майдонлар ушбу ташкилотлар бошқарувларининг маълумотлари бўйича қабул қилинади.

Хизмат чек ерларининг майдони ўз ходимларига ер участкаларини берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маълумотлари бўйича қабул қилиниб, улар жойнинг ўзида аниқлаштирилади.

### **Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи ставкаси**

Ер солиғи ставкалари ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ер участкасининг фойдаланиш мақсадлари ва жойлашган жойига қараб белгиланади.

Шаҳар ҳудудларида жойлашган ер участкалари учун ер солиқлари ставкаси худди юридик шахсларга белгиланган принципларга асосланган ҳолда зоналарга бўлиш билан белгиланади. Масалан, Тошкент шаҳри 14 та, кичик шаҳарлар – 3та и поселкалар – 2та зоналарга бўлинади.

Шаҳар шароитида яшайдиган фуқаролардан якка тартибда уй-жой қуришга ажратилган ер участкалари учун ер солиғи ернинг мавқеига ва шаҳардаги жойлашган жойига ҳамда сифатига қараб белгиланади: Масалан, зонасига қараб Тошкентда – 1 кв. метрга 12,8 сўмдан 55,5 сўмгача, Учқудуқда – 1 кв. метрга 4,4 сўмдан 6.5 сўмгача белгиланган.

Қишлоқ жойларида жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун энг юқори солиқ ставкалари деҳқон хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкаларига белгиланган.

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида *ер солиғи ставкаларига, ер сифатига боғлиқ ҳолда, ернинг бонитетига боғлиқ равишда қуйидаги коэффициентлар қўлланилади:*

тупроқ бонитети 40 баллгача бўлса - 0,75;

тупроқ бонитети 41 дан 70 баллгача бўлса - 1,0;

тупроқ бонитети 70 баллдан ортиқ бўлса - 1,25.

Жисмоний шахсларга асосий фондларни сотиб олиш ва эгалик ҳуқуқини бериш билан ажратилган жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритишга берилган ер участкаларидан ер солиғи қишлоқ хўжалик юритиш учун белгиланган солиқ ставкаларида ундирилади.

*Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солиқ корхоналар, муассасалар ва ташиқлотлар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.*

*Масалан, жисмоний шахслар ер участкаларини дўконлар, оиҳоналар, устахоналар ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган бошқа объектлар учун фойдаланадиган бўлсалар.*

**Берилган ерлардан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи уч баравар миқдорида ундирилади.**

*Қандай ҳолатларда ердан фойдаланилмайди ?*

*Масалан,*

*агарда ер участкаси томорқа қишлоқ хўжалиги учун берилсада ва шу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмаса.*

*ёки, агарда якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси берилсада, аммо у ерда уйни қуриш бўйича ишлари бошланмаган бўлса.*

Жисмоний шахслар фойдаланадиган (шу жумладан, ер солиғини тўлашдан озод этилган), давлат ҳокимияти органлари томонидан **ажратилган майдонлардан ортиқча ер участкалари учун ер солиғи 1,5 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади.**

*Масалан, жисмоний шахс учун шахсий томорқа юритиш учун ер 0,25 га участкаси ажратилган, аммо унинг ҳақиқатда фойдаланаётган ери 0.40 гани ташиқил этади, у ҳолда фуқаро ошиқча 0,15 га (ҳукумат органлари томонидан ажратган ер участкасига нисбатан ошиқча қисми) учун ер солиғи 1,5 коэффициент қўллаган ҳолда тўлаши шарт.*



Жамоа ва шахсий гаражлар банд этган ер участкалари учун жисмоний шахслардан солиқ якка тартибдаги уй-жой қурилиши ерлари учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади

Агар жисмоний шахс якка тартибда уй-жой қурилиши ёки шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиш учун берилган ер участкасида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланса ёки ердан мақсадли фойдаланишни ўзгартирмасдан ўз уйини офис сифатида расмийлаштиради, бунда ундан ер солиғи якка тартибда уй-жой қурилиши ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерлар учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

**Кўп хонадонли тураржойларда яшайдиган жисмоний шахслардан ер солиғи ундирилмайди.**

Кўп қаватли уйларни хусусийлаштиришда ушбу уйлар атрофидаги ер участкалари унда яшайдиган фуқароларга фойдаланиш учун ажратилмаган. Бу ерлар умумий фойдаланиш ерлари ҳисобланади.

Хонадондан ёки кўп хонадонли тураржойларнинг бир қисмидан одамларнинг яшаши билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланилганда, белгиланган тартибда хонадоннинг умумий майдонидан келиб чиқиб, ер солигининг тегишли ҳиссаси ундирилади.

Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низомга (ЎзР ВМ 2000 йил 24 январдаги 22-сон қарори) мувофиқ кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойларда жойлаштиришга рухсат берилган фаолият турларининг қуйидаги рўйхати келтирилган:

1. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан савдо қилиш (дўконлар, киоскалар, дўкончалар ва бошқалар).

2. Умумий овқатланиш (ресторанлар, кафе, кафетерийлар, музқаймоқ; ва чанқовбосди ичимликлар, барлар, газакхоналар ва бошқалар).

3. Маиший хизмат кўрсатиш (сартарошхоналар, пойабзал таъмирлаш, соат созлаш устахоналари, ателье ва бошқалар).

4. Банк хизматлари кўрсатиш (банкларнинг бўлимлари ва валюта алмаштириш пунктлари).

5. Алоқа хизматлари кўрсатиш (почта бўлими).

6. Қуйидагилар;

уй-жой ва таъмирлаш-фойдаланиш органларининг;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг;

маданият, халқ таълими, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш муассасаларининг;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг;

милиция пунктларининг;

прокуратура, суд органлари ва фуқаролик ҳолатини қайд қилиш бўлимининг;

адвокатура, нотариатнинг;  
тадбиркорларнинг офислари ва идораларининг;  
суғурта ташкилотларининг;  
рассомлар ва ҳайкалтарошлар ижодий устахоналарининг;  
маъмурий-бошқарув функциялари билан боғлиқ бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари турли ташкилотларининг фаолияти.

**Изоҳ:** Уй-жойлар (аввалги квартиралар)дан белгиланган тартибда яшаш учун мўлжалланмаган жойларга ўтказилган жойларда ва қайта жиҳозланган ертўлалар ва ярим ертўлаларда улардан фойдаланиш ҳудуднинг ва жонли муҳит ҳавосининг физик ва кимёвий ифлосланишига, уйда яшовчи шахсларнинг ҳаёт фаолияти нормал шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган объектларни, шу жумладан, корхоналар ва ташкилотларнинг қўйидаги турларини жойлаштиришига йўл қўйилмайди:

а) уйни қуришда ўтириладиган жойлари сони лойиҳа ҳужжатларида назарда тутилмаган, шунингдек, соат 23.00 дан кейин ҳам ишлайдиган умумий овқатланиш корхоналари (ресторанлар, кафе, тунги клублар ва барлар, дискотекалар);

б) кимёвий товарлар, сабзавот ва балиқ маҳсулотлари дўконлари, шунингдек, портлайдиган моддалар ва материаллар бор бўлган маҳсулотларни сотувчи дўконлар;

в) ўз ишлаб чиқаришида тез алангаланадиган моддаларни қўлловчи кимёвий тозалаш хоналари;

г) пойабзал тузатиш бўйича 10 тадан ортиқ иш ўрнига эга бўлган устахоналар;

д) ҳаммомлар, сауналар;

е) АТС, шаҳарлараро алоқанинг кеча-кундуз фойдаланиладиган сўзлашув пунктлари ва телеграф;

ж) жамоат ҳожатхоналари;

з) маросимлар билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш муассасалари;

и) саноат корхоналари.

Ер участкаларининг майдони ўзгарганда ва йил давомида имтиёз ҳуқуқи пайдо бўлганда (бекор қилинганда) давлат солиқ органлари бир ой давомида солиқни қайта ҳисоб-китоб қилишлари ва солиқ тўловчига тўлаш муддатлари ўзгарганини ҳисобга олган ҳолда янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини тақдим этишлари шарт.

**Қўйидаги жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:**

а) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилкибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

б) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва катнашчилари.

*Мазкур имтиёз "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиши тўғрисида гувоҳнома; Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси, уруш қатнашчиси гувоҳномаси, имтиёзларга ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома асосида тақдим этилади;*

в) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган кўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар.

*Мазкур имтиёз имтиёзларга ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома асосида тақдим этилади;*

г) ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари - хизмат муддатига.

*Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар учун уларни чақириши санаси туман ва шаҳар ҳокимиятларининг мудофаа ишлари бўлими маълумотларига кўра қабул қилинади. Хизматдан қайтган фуқаронинг мудофаа ишлари бўлими томонидан ҳисобга қўйилган куни ҳарбий хизматнинг тугаши санаси деб қабул қилинади. Муқобил хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга мазкур кичик банд томонидан белгиланган имтиёзлар татбиқ этилмайди;*

д) I ва II гуруҳ ногиронлари.

*Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида тақдим этилади;*

е) ёлғиз пенсионерлар.

*Солиқ солиши мақсадлари учун ёлғиз пенсионерлар деганда бир ўзлари ёки вояга етмаган болалари ёки ногирон боласи билан биргаликда алоҳида уйда, квартира ёки ётоқхонада яшайдиган пенсионерлар тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида тақдим этилади;*

ж) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар.

*Солиқ солиши мақсадларида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар деганда ота-онадан бири ёки иккаласи вафот этган ҳамда оилада 16 ёшга етмаган 5 ва ундан ортиқ бола бўлган оилалар тушунилади.*

з) концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар.

*Мазкур имтиёз имтиёзларга ҳуқуқлар тўғрисида гувоҳнома ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида тақдим этилади;*

и) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича - ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилга;

к) илгари шахсий пенсия тайинланган шахслар;

*Юқорида кўрсатилган имтиёзлар ер участкалари якка тартибда уй-жой қурилиши ва шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиши учун*

қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёрлар доирасида тақдим этилган жисмоний шахсларгагина татбиқ этилади.

Ушбу меъёрлар шаҳар ва поселкаларда бир оила учун қуйидагиларни ташкил этади:

- *якка тартибда уй-жой қуриш учун – 0,06 га;*
- *шахсий томорқа хўжалигини юритиш учун – 0,25 га (сугориладиган ерлардан) ва 0,50 га (лалмикор ерлардан).*

Агарда жисмоний шахс ер солиғи тўлашдан озод бўлиб, меъеридан ошиқча ер участкасига эга бўлса, у ҳолда бу меъеридан ошиқча ер участкаси учун бир ставка миқдорида ер солиғини тўлайди.

Юқорида келтирилган имтиёзлар томорқа участкалари ва хизмат учун ажратилган ерларга тааллуқли бўлмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мол-мулк солиғидан фарқли, имтиёз ҳуқуқи ер солиғини тўлашдан озод этилган шахслар яшайдиган ва биргаликда хўжалик юритадиган бутун оилага татбиқ этилади.

Жисмоний шахсларга қонунчиликда белгиланган меъёр чегарасида якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилган ер участкаларига **ер участкаларининг берилган муддатидан бошлаб икки йил муддатига ер солиғи тўлашдан озод этилади.**

## **Мустақил ечиш учун масала**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар 1999 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтган, ушбу корхонага 2000 йил 15 март қабул олиш далолатномасига асосан ўзбек томони корхонанинг устав жамғармасига жамғарма сифатида ишлаб чиқариш цехини берган.

**Савол.** Ишлаб чиқариш цехи эгаллаган ер участкаси учун қайси даврдан бошлаб ва ким томонидан ер солиғи тўлана бошланиши керак?

## **1.7. БОШҚА УМУМДАВЛАТ СОЛИҚЛАРИ**

Бошқа умумдавлат солиқларига қуйидаги солиқлар киради:

1. Экология солиғи.
2. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ.
3. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдавлат солиқларининг тўловчилари бўлиб умумий белгиланган солиқ тартибидаги хўжалик субъеклари ҳисобланади.

**Умумий белгиланган тартибдаги солиқлар тўловчилар қаторига Солиқ кодекси билан қўзда тутилган махсус солиққа тортиш тартиби қўлланиладиган юридик шахслар кирмайдиган:**

- ягона солиқ тўловчи бўлган микрофирма ва кичик корхоналар (ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ);
- савдо ва умумий овқатланиш корхоналари – асосий фаолият тури бўйича;
- ягона ер солиғи тўловчиси бўлган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари –асосий фаолият тури бўйича;
- тадбиркорлик фаолиятининг фақат қатъий белгиланган солиқ тўловчилари турига кирувчи юридик шахслар;
- лотереялар, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар – асосий фаолият бўйича.

Агарда махсус солиққа тортиш тартибига ўтган юридик шахслар асосий фаолият туридан ташқари бошқа турдаги фаолиятлар билан шуғулланса, у ҳолда бундай юридик шахслар улар бўйича алоҳида ҳисобот юритиши ва ушбу фаолиятларидан келиб чиққан ҳолда солиқ тўлашлари шарт.

### **Экология солиғи**

Экология солиғини тўлашда “Экология солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномадан (ЎЗР. АВда 2003 йил 18 февралда 1219-сон билан рўйхатга олинган) фойдаланиш лозим.

Товарлар ишлаб чиқарадиган, ишларни бажарадиган, хизматлар кўрсатадиган юридик шахслар **экология солиғини тўловчилардир.**

*Экология солиғи бўйича солиқ солиш объекти бўлиб:*

бюджетга тўланадиган мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва мақсадли давлат жамғармаларининг махсус ҳисобварағига ажратмалардан ташқари, ишлаб чиқариш ва давр харажатлари ҳисобланади.

Бунда:

- *қурилиш, қурилиш-монтаж, ремонт-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун* солиқ солиш объекти бўлиб ўз кучлари билан бажарилган ишлар бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ва бюджетга тўланадиган мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалардан ташқари давр харажатлари ҳисобланади;

- *суғурта ташкилотлари учун* солиқ солиш объекти бўлиб кўрсатилган хизматлар бўйича жами харажатлар ва бюджетга тўланадиган мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалардан ташқари давр харажатлари ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадида экология солиғини ҳисоблашда маҳсулотнинг (ишлар, хизмат) ишлаб чиқариш харажатлари деганда корхона ичидаги айланмасиз ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинмаган - 2010 ҳисобварақ "Асосий ишлаб

чиқариш" ва 2310 ҳисобварақ "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида четга кўрсатилган хизматлар қисмида ялпи харажатлар суммалари тушунилади. Бунда давр харажатлари деганда – бюджетга тўланадиган мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва мақсадли давлат жамғармаларининг ажратмалардан (9410, 9420, 9430 ҳисобварақларидаги маъмурий харажатлар ва бошқа операция харажатлари) ташқари корхонанинг барча харажатлари киради.

Чет элда ўзларининг таркибий бўлинмалари бўлган корхоналар ва ташкилотлар солиқ солиш базасида фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган харажатларинигина ҳисобга олишлари керак, яъни Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган таркибий бўлинмаларнинг харажатлари солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланмайди.

Экология солиғи солиқ базасидан – **1%** ставка бўйича тўланади.

Экология солиғи солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда ҳисоблаб чиқарилади.

Экология солиғи бўйича ҳисоб-китоблар ҳар чорақда ўсиб борувчи яқун билан, қуйида келтирилган шакл бўйича, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича - йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатида, рўйхатдан ўтган жойи бўйича давлат солиқ органларига тақдим этилади. Экология солиғи йилнинг ҳар чорагида унга доир ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмасдан тўланади.

**200\_\_йил \_\_\_\_\_ чораги учун экология солиғи суммаси бўйича  
ҳисоб-китоб**

N	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Суммаси
1.	Бюджетга тўланадиган мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва мақсадли давлат жамғармаларининг махсус ҳисобварағига ажратмаларидан ташқари ишлаб чиқариш ва давр харажатлари	сум	
2.	Солиқ ставкаси	%	
3.	Солиқ суммаси (сатр.1 x сатр. 2 : 100)	сум	
4.	Аввалги даврлар учун ҳисобланган солиқ суммаси	сум	
5.	Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси (сатр.3 - сатр. 4)	сум	

**Ҳар хил турдаги фаолият билан шуғулланадиган, экология солиғига тортилган ёки тортилмайдиган (масалан, маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва савдо-сотик фаолияти), юридик шахслар ушбу фаолият турлари бўйича давр харажатларини солиққа тортиш мақсадида алоҳида – алоҳида ажратишлари лозим ва экология солиғини фақат солиққа тортила-**

диган фаолият тури бўйича тўлашлари керак.

Умумий хўжалик бўйича харажатларни ажратиш, корхонада умумий ўрнатилган тартибга биноан, **фаолиятининг турига қараб сотувдан олинган тушумнинг умумий ҳажмига мутаносиб равишда амалга оширилади.**

*Масала.*

*Ишлаб чиқариш корхонасининг бильярдхонаси мавжуд. Корхона ундан олган даромади бўйича белгиланган тартибда қатъий солиқ тўлайди. Жорий давр учун тушум: ишлаб чиқариш маҳсулотини сотишдан – 600 м.с., бильярдхонани ишлатишдан – 400 м.с.*

*Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи – 320 м.с., давр харажатлари (солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисобга олмаганда) – 410 м.с.; уларни фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида бўлиб ёзишнинг иложи йўқ.*

*Ишлаб чиқариш фаолияти бўйича экология солиғи ҳисоблашда, биринчидан, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ва, иккинчидан, давр харажатларининг фақат ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган қисми (юқорида келтирилганидек, қатъий белгиланган солиқ тўланганда экология солиғи ундирилмайди) олинади.*

*Давр харажатларининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ қисмини ажратиб олиш учун тушум ҳажмини пропорционал бўлиш лозим.*

*Тушумнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ қисми:  $600/(600 + 400) = 60\%$ ни ташкил этади.*

*Шундай қилиб, давр харажатларининг экология солиғи солиққа тортиши базасига қўшиладиган қисми:*

$$60\% \times 410 = 246 \text{ минг сўм.}$$

$$\text{У ҳолда жами экология солиғи: } 1\% \times (320 + 246) = 5,66 \text{ минг сўм.}$$

Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда экология солиғини шу фаолият билан боғлиқ бўлган харажатлардан келиб чиқиб тўлайдилар. Улар тадбиркорлик фаолияти бўйича харажатларнинг алоҳида ҳисобини юритишлари керак. Давр харажатларининг бўлиниши асосий ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган тушум умумий ҳажмига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Экология солиғи жорий чоракнинг давр харажатларида ҳисобга олиниб, экология солиғи солиқ солиш базасига кирмай.

Экология солиғини тўлашдан қўйидагилар озод қилинади:

а) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, “Нуроний” жамғармаси ва “Ўзбекистон чернобилчилари” уюшмаси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қиладиган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно;

б) гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи

*лицензияси бўлган* юридик шахслар.

### **Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ**

Солиққа тортиш мақсадида ер ости бойликлари деганда ер қобиғининг юқори қисмини қамраб оладиган ҳамда фойдали қазилмаларни тадқиқ қилиш ва қазиб олиш мумкин бўлган макон, фойдали қазилмалар деганда - иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига эга геологик ҳосилалар қаралади.

**Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилари** «Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага (2002 йил 15 февралда 1098-сон билан ЎзР. АВ рўйхатдан ўтган) асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги:

- *фойдали қазилмаларни қазиб олиш;*
- *техноген ҳосилалардан фойдаланиш;*
- *чақноқ тошлар хом ашёси намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларини йиғиш*

фаолиятларини юритаётган юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар.

Қуйидагилар ушбу солиқ тўловчиси бўлиб ҳисобланмайди:

- ягона солиқни тўловчи бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналари;
- фаолиятнинг асосий тури бўйича савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;

- ягона ер солиғини тўловчи бўлган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари – асосий фаолият тури бўйича;

- тадбиркорлик фаолиятининг уларга доир қатъий белгиланган солиқни тўлаш турлари билангина шуғулланадиган юридик шахслар;

- лотереялар, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар – асосий фаолият бўйича.

2004 йил 1 январдан ер ости бойликларини қазиб олувчи микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин, агарда улар ер остидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқни белгиланган тартибда тўласалар.

*Таркибида рангли, нодир, асл, қора металллар ва бошқа минерал хом ашё бўлган рудаларни бир корхона қазиб олиб, уни қайта ишлаш учун бошқа корхоналарга берса (экспорт бундан мустасно), қазиб олинмаган рудани қайта ишлайдиган ва солиқ ставкаси белгиланган **тайёр маҳсулот чиқарадиган корхона солиқ тўловчи ҳисобланади.***

Масалан, мис қазиб олиш корхонаси таркибида мис бўлган, қазиб олинган рудани бойитиш фабрикасига беради, фабрика бойитилган рудани бошқа корхонага мис эритиш заводига топширади. Комбинат тайёр маҳсулот - тозаланган мис чиқаради, солиқ ставкаси ҳам унга белгиланган.



Мазкур ҳолатда рудани қазиб олувчи корхона эмас, балки тозаланган мисни олганлик учун комбинат солиқ тўловчи ҳисобланади.

Руда қайта ишлаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юклаб жўнатилган ёки экспорт қилинган тақдирда **рудани қазиб олган корхона солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади.**

Қуйидагилар ер остидан фойдаланганлик учун солиққа тортиш объектлари ҳисобланади:

- **фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажми** (шу жумладан йўл-йўлакай олинадиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар) уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотнинг **ҳақиқатда сотилиш қиймати бўйича**, кўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда.

- **Қазиб олинган руда таркибидан, асосий фойдали қазилмадан ташқари**, унга доир ставкалар белгиланган бошқа хом ашё ажратиб олинган тақдирда йўл-йўлакай олинадиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар солиққа тортиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Қазиб олинган фойдали қазилма ёки унинг бир қисми корхона томонидан бошқа материалларни ишлаб чиқариш ёки тайёрлаш учун хом ашё ҳисобланган тақдирда солиқ ушбу хом ашёни қазиб олишнинг ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиқиб, тасдиқланган ставкалар бўйича тўланади.

Ҳисобот ойда қазиб олинган, лекин тўлалигича ёки қисман сотилмаган фойдали қазилмалар ҳажми учун солиқ сотилган маҳсулотнинг ҳисобот ойи ёки сотиш амалга оширилган бундан олдинги ой учун ўртача ҳисобланган қийматидан келиб чиқиб тўланади;

- **техноген ҳосилалар ҳажми** (минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш чиқиндилари) ажратиб олинган асосий фойдали қазилманинг қонун ҳужжатларига мувофиқ **ҳақиқий сотилиш қиймати бўйича**, бунда кўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилади.

Техноген ҳосилаларга шу жумладан технологик ёки бошқа сабабларга кўра вақтинча ишлатилмаётган минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш чиқиндилари киради;

- **тўпланган чакноқ тош хом ашёси** намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларининг ҳисоб қиймати.

Йиғиш деганда чакноқ тош хом ашёси намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларини табиий очик жойлар, табиий ер ости бўшлиқлари (ғорлар), ишлатиб бўлинган карьерлар, кон қазилма саноати уюмлари, дарё қайирларида кончилик ва бошқа махсус иш турларини бажармасдан, ер остининг бир бутунлигини бузмасдан олиб тўплаш тушунилади.

*2001 йилдан бошлаб фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларидан фойдаланиш ва уларни қуриш ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун ундириладиган солиқдан озод.*

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди ва индексация қилиб

борилади.

**Қуйидагилар ер остидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашдан озод этиладилар:**

• *ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганувчи юридик ва жисмоний шахслар;*

• *геологик, минералогик ва бошқа алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларда илмий иш олиб борувчи юридик ва жисмоний шахслар;*

• *ҳамма жойда тарқалган фойдали қазилмаларни уларга берилган ер участкалари доирасида белгиланган тартибда, ўз хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун қазиб олишни амалга оширувчи ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар.*

Мазкур кичик бандга мувофиқ ер остидан фойдаланганлик учун солиқдан қуйидалар озод қилинади:

• юридик ва жисмоний шахслар томонидан **тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун ўз ҳудудида қазиб олинган ва ишлатиладиган кенг тарқалган фойдали қазилмалар ҳажми ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун.**

*Бундай ҳолатларда жисмоний шахсларда ҳокимият томонидан хусусий қурилиш ишлари олиб борилаётгани ҳақидаги маълумотнома бўлиши шарт.*

Агарда фойдали қазилма бойликлари четга сотилгани аниқланса, у ҳолда ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ тўланиши лозим.

**Ўзбекистон Республикасининг кенг тарқалган фойдали қазилмалари рўйхати.**

- Қум (қолиплаш, шиша, чинни-фаянс, оловга чидамли ва цемент саноати учун ишлатиладиганларидан ташқари).
- Шағал.
- Майда шағал-тош.
- Лой (ўтга чидамли, қийин эрийдиган, қолиплаш, чинни-фаянс ва цемент саноати учун ишлатиладиган, оқартирувчи, бўёвчи, бентонит, кислотага чидамли ва каолиндан ташқари).
- Қумоқ тупроқ (цемент саноати учун қумоқ тупроқдан ташқари).
- Харсанг тошлар.
- Қумтош (битуминоз, пардозлаш, динас қумтошлари ва шиша саноати учун ишлатиладиганларидан ташқари).
- Кварцит (динас, флюс, пардозлаш, кремний карбиди ишлаб чиқариш учун темирли, кристалли кремний ва ферроқотишмалардан ташқари).
- Доломит (арраланадиган, пардозланадиган, металлургия, кимё ва шиша саноати учун ишлатиладиганларидан ташқари).
- Мергель (битуминоз ва цемент саноати учун ишлатиладиганларидан ташқари).
- Оҳактош (битуминоз, пардозлаш, арраланадиган, цемент, металлургия, кимё, шиша, целлюлоза-қоғоз ва қанд-шакар саноати, шунингдек

глинозём ишлаб чиқариш учун ишлатиладиганларидан ташқари).

- Чиғаноқтош.
- Сланец (иссиқ ва томга ёпиладиганларидан ташқари).
- Аргиллит ва алевролитлар (цемент саноатида ишлатиш учун яроқлиларидан ташқари).
- Магматик, вулқон ҳосил қилувчи ва метаморфик жинслар (пардозлаш, декоратив, оловга чидамли ва кислотага чидамли материаллар ишлаб чиқариш, тош қўйма ва минерал пахталар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган, шунингдек цемент саноатида ишлатиш учун яроқлиларидан ташқари).

### **Ер остидан фойдаланганлик учун солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби**

Юридик ва жисмоний шахслар ер остидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларни солиқ органларига ўсиб борувчи якун бўйича, солиқ тўлаш учун белгиланган муддатларда тақдим этадилар.

Юридик шахслар ер остидан фойдаланганлик учун солиқни:

а) фойдали қазилмалар қазиб олганлик учун ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун - *ҳар ойда*, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг йигирманчи кунигача;

б) *қолган ҳолларда - йилнинг ҳар чорагида, йил чорақлари бўйича ва йиллик ҳисоботларни топшириш муддатларида тўлайдилар.*

*Юридик шахслар ер остидан фойдаланганлик учун тўланган солиқ суммасини давр харажатларига олиб борадилар.*

Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар йилига бир мартаба, кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай, давлат солиқ хизмати органларининг хабарномаси бўйича ҳисоб-китобни уларга тақдим этадилар ва ер остидан фойдаланганлик учун солиқни тўлайдилар.

### **Ер остидан фойдаланганлик учун солиқнинг**

**200\_\_ йил \_\_\_\_\_ учун ҳисоб-китоби**

Ер ости бойликлари -нинг номи	Қазиб олиш ҳажми, т, куб. м		Нархи, сўмда	Солиқ ставкаси, %, сўм	Солиқ суммаси, сўм		Чорак ҳисобот даврида аванс тўловлари суммаси, сўм	Тўлаш учун лозим, сўм
	йил бошидан	чорак ҳисобот даврида			йил бошидан	за чорак ҳисобот даврида		

**Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ 2005 йил ставкалари**

Солиқ солинадиган объектлар номи	Қазилмалар ҳажмига нисбатан солиқ ставкаси
<b>1. Асосий ва қўшимча фойдали қазилмалар олинishi ставкалари</b>	
<b>Энергия ташувчилар:</b>	
Табиий газ	58,0
Ер остидан қазиб олинган газ	2,6
Ностабил газ конденсати	32,0
Нефть	35,0
Кўмир	3,8
<b>Рангли ва нодир металлар:</b>	
Тозаланган мис	8,1
Молибденли саноат маҳсулоти	1,3
Концентратланган кўрғошин	1,3
Металл рух	1,3
Вольфрам концентрати	10,4
<b>Асл металлар:</b>	
Олтин	5,0
Кумуш	8,0
Қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва зеб-зийнат учун тошлар хом ашёси	24,0
<b>Қора металлар:</b>	
Темир	3,0
<b>Кон-кимё хом ашёси:</b>	
Тош туз (овқатга ишлатиладиган)	1,7
Калий тузи	0,4
Натрий сульфат	0,4
Фосфоритлар (графитларга)	4,8
Карбонат хом ашёси (оҳактошлар, доломитлар)	3,3
Глауконит	3,3
Минерал пигментлар	4,8
<b>Кон-руда хом ашёси:</b>	
Плавик шпати концентрат	21,2
Табиий графит	7,8

Иккиламчи бойитилмаган кулранг каолин	7,9
Кварц-дала шпати хом ашёси	6,5
Шиша хом ашёси	1,8
Бентонитли гил	4,8
Тальк ва тальк тоши	3,9
Талькомагнезит	3,9
Минерал бўёқлар	5,7
Воллостанит	3,9
Асбест	3,9
Минерал тола ишлаб чиқариш учун базальт	2,3 2,0
<b>Металлургия учун норуда хом ашё:</b>	
Ўтга чидамли, қийин эрувчан, қолиплаш гилмояс	3,3
Оҳактошлар, доломитлар	3,9
Кварц ва кварцитлар	6,5
Қолиплаш кумлари	1,8
<b>Норуда қурилиш материаллари:</b>	
Цемент хом ашёси	2,0
Табиий безактошдан блоклар	1,8
Мармар ушоғи	3,8
Гипс тоши, ганч	5,3
Керамзит хом ашёси	3,0
Ғишт-черепица хом ашёси (қумоксимон, лёссимо жинслар, зичловчи сифатида лёсслар, кумлар ва бошқалар)	3,1
Гипс ва ангидрид	3,8
Эговланадиган, харсангтош ва шағал учун тошла	3,8
Қурилиш кумлари	3,0
Тош-шағал аралашмаси, шағал аралашмаси, майд тошлар, шағал	3,8
Қумтошлар	1,6
Чиғанок	3,8
Сланецлар	3,8
Аглопорит	2,5
Бошқа кенг тарқалган фойдали қазилмалар (мергел аргелитлар, амвритлар ва бошқалар)	1,6
2. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал ашёни қайта ишлаш жараёнида олинган техноген бирикмалардан фойдаланганлик ҳуқуқи учун	Асосий фойдали қазилма бойлигини қазиб олганлик ставкасидан 30%и

3. Рангли тош хом ашёси, палеонтологик қолдиқ бошқа геологик коллекция материаллари намуна йиққанлик учун	Улар ҳисоб-китоб қийматидан 5%и
---	---------------------------------

### Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

*Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар:*

- ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар;
- деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган);
- тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилардир.

«Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага (2002 йил 15 феврал ЎзР АВ 1097-сон билан рўйхатдан ўтган) асосан ушбу солиқни тўламайдилар:

- ягона солиқ тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар;
- фаолиятнинг асосий тури бўйича ялпи даромад солиғини тўловчи савдо ва умумий овқатланиш корхоналар;
- ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар – асосий фаолият тури бўйича;
- қатъий солиқ тўлаш белгиланган тадбиркорлик фаолиятининг турларинигина амалга оширувчи юридик шахслар;
- лотереялар, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар – асосий фаолият бўйича.

Бунда агарда махсус солиққа тортиш тартибига ўтган юридик шахслар асосий фаолият туридан ташқари бошқа турдаги фаолиятлар билан шуғуллансалар, у ҳолда улар бўйича алоҳида ҳисобот юритиши ва ушбу фаолиятларидан ва фаолият давомида фойдаланган сув ҳажмидан келиб чиқиб сув ресурсларидан фойдаланган учун солиқни тўлаши шарт.

Юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни **сувдан фойдаланиш жойида** тўлайдилар, бунда уларнинг давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга олиниш жойлари аҳамиятга эга бўлмайди. Солиқни бундай тўлашдан асосий мақсад, кўпгина корхоналар ер участкаларига эга, демак улар асосий офисларидан узоқда жойлашган сувдан фойдаланишнинг ҳар хил объектларига эга. Сувдан фойдаланиш бўйича лимитлар сув хўжалигининг регионал бўлинмалар томонидан белгиланган бўлганлиги учун сувдан фойдаланганлик учун солиқни сувдан фойдаланиш жойида тўлагани маъқул.

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб берувчи юридик шахслар ўз фаолиятида ишлатиладиган сув учунгина солиқ тўловчилар ҳисобланади.

**Ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланиладиган сув ресурсларининг ҳажми солиқ солиш объекти ҳисобланади.**

Ер усти манбаларига қуйидагилар киради: дарёлар, кўллар, сув омборлари, ер юзасидаги бошқа ҳавзалар ва сув манбалари, турли хил канал ва ҳовузлар.

Ер ости манбаларига қуйидагилар киради: артезиан қудуқлар ва скважиналар, вертикал ва горизонтал зовур тармоғи.

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун 2005 йилга  
солиқ ставкалари**

Тўловчилар	1 куб. метр учун ставка (тийин)	
	ер усти сув ресурслари манбалари	ер ости сув ресурслари манбалари
1. Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар (2, 3, 4-бандларда кўрсатилган ташқари)	640,0	820,0
2. Электростанциялар	183,0	273,0
4. Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	351,0	455,0
4. Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар) ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сувдан фойдаланиладиган жисмоний шахслар	31,0	39,0

Сувдан қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатларини суғориш учун фойдаланиладиган ёрдамчи хўжаликларга эга юридик шахслар, шунингдек илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг ўқув-тажриба хўжаликлари солиқни қишлоқ хўжалик корхоналари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

**Солиқ бўйича имтиёзлар**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан куйидагилар озод этилади:

- *нотижорат ташкилотлари*, ана шу фаолиятда ишлатилган сув ҳажмидан келиб чиқиб, сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланувчилардан ташқари.

- ер ости минерал сувларидан даволаш мақсадларида фойдаланадиган *соғлиқни сақлаш муассасалари*, улар минерал сувлардан савдо тармоғида сотиш учун фойдаланадиган ҳоллар бундан мустасно;

- *фармацевтика фаолияти билан шуғулланадиган* ва сувдан доривор воситалар тайёрлашда фойдаланадиганлар;

- *атроф муҳитга зарарли таъсири олдини олиш мақсадида чиқариб ташланадиган ер ости сувлари учун* (ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ишлатиладиган сув ҳажмларидан ташқари). Масалан, сизот сувларнинг сатҳини пасайтириш мақсадида чиқариб ташланадиган зовур сувлари;

- агрегатлар ишлаши учун сувдан фойдаланганлик учун *гидроэлектростанциялар*;

- *бирламчи фойдаланганлик учун ҳақ тўланган сувдан иккиламчи фойдаланувчилар*. Масалан, суғориш учун коллектор-зовур тармоғидаги сувдан фойдаланиш;

- *фаолиятнинг асосий тури бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулоти этиштирувчилар* шўрланган ерларни суғоришга сувдан фойдаланганлик учун. Мазкур имтиёз ёрдамчи қишлоқ хўжалигига эга юридик шахсларга ҳам татбиқ этилади;

- *умумий ишловчиларининг камида эллик фоизи ногиронлар бўлган, ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмаси* мулкида бўлганлари, савдо-сотиқ, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслардан ташқари.

### **Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар томонидан мустақил равишда (деҳқон хўжаликлари бундан мустасно), тасдиқланган ставкалар бўйича амалда олинган солиққа тортиладиган сув ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ деҳқон хўжаликлари учун давлат солиқ органлари томонидан ўтган йил давомида бутун хўжалик учун 1 гектар ерни суғориш учун кетган сув ҳажмидан келиб чиқиб солиқ суммасини ҳисоблаб берадилар.

Солиқ бўйича ҳисоб-китоблар:

юридик шахслар (ҳисоб-китобни ҳисобот йилининг 15 декабригача топширадиган қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари) ҳисоб-



китобларни солиқ органларига ўсиб боровчи яқун бўйича, солиқ тўлаш учун белгиланган муддатларда тақдим этадилар;

якка тадбиркорлар (деҳқон хўжаликларидан ташқари) томонидан мустақил амалга оширилади ва давлат солиқ хизмати органларига шу солиқни тўлаш учун белгиланган муддатда (ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15 кунигача) тақдим этилади.

Деҳқон хўжаликлари учун солиқ суммаси кўрсатилган тўлов хабарномани давлат солиқ органлари томонидан жорий йилнинг 1 майга қадар топширилади.

Сувни марказлаштирилган водопровод тармоғидан оладиган юридик шахслар "Сувоқава" тизими корхоналари билан солиштириш жараёнида олинган сув ҳажмини аниқлаштириш чоғида сув ҳажмидаги фарқни солиштириш амалга оширилган давр учун ҳисоб-китобларда акс эттириладилар.

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ  
суммасининг  
ҲИСОБ- КИТОБИ**

**200\_\_ йил \_\_\_\_\_ учун**

	Ҳажм					
	Юзадаги манбалар		Ер ости манбалари		Жами	
	Йил боши дан	Ҳисо бот чораги учун	Йил боши дан	Ҳисо бот чораги учун	Йил боши дан	Ҳисо бот чораги учун
1. Ҳисобот даври учун олинган сувнинг умумий ҳажми куб. м						
2. Солиқ солинадиган базадан чиқариладиган сув ҳажми куб. м						
Шу жумладан фойдаланиш турлари бўйича:						
3. Ҳисобот даври учун солиқ солинадиган сув ҳажми (1- сатр 2- сатр) куб. м						
4. 1 куб. м, учун солиқ ставкалари, тийин						
5. Ҳисобот даври учун тўланадиган солиқ суммаси сўм						
6. Ҳисобот даври учун бюджетга олдин тўланган солиқ суммаси						
7. Ҳисобот даври учун тўланиши керак						

--	--	--	--	--	--	--

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўланади:

Юридик шахслар томонидан (деҳқон хўжаликлари бундан мустасно) - ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунигача.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан - ҳар чорақда, ҳисобот чораги тугаган ойдан кейинги ойнинг 15-кунигача.

Йил чораги давомида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлайдиган солиғининг умумий суммаси энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлган корхоналар солиқни йилнинг **ҳар чорагида бир марта**, йил чорақлари бўйича молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда тўлайдилар.

Қолган корхоналар (қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни амалда олинган сув ҳажмидан келиб чиқиб, ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунига қадар тўлайдилар.

Солиқ тўловчилар (қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқари) жорий йилнинг **15 январига қадар сувдан фойдаланиш** жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқни белгиланган лимитдан келиб чиқиб ёки сув етказиб бериш шартномасига кўра ҳар ойда ёки ҳар чорақда тўлашлари тўғрисида **билдирувнома** юборадилар.

**Қишлоқ хўжалик корхоналари** сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни йилда бир марта - ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар тўлайдилар.

*Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари бошқа юридик ва жисмоний шахслар фойдаланган сув ҳажмини олинган сувнинг умумий ҳажмидан чиқариб ташлайдилар, бунда 1 гектар сугориладиган ерни сугоришга сув сарфининг умуман хўжалик бўйича ўртача миқдоридан келиб чиқилади (бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг сугориладиган ерлари ҳам кирди).*

Сув ер ости ва ер юзасидаги манбалардан келиб тушадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдаланилганда, солиқ мос равишда манбалар бўйича белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланади.

*Давлат солиқ хизмати органлари сув етказиб берувчи корхоналардан маълумотларни олади ва солиқ тўловчиларга етказиб беради.*

*Масалан, Тошкент шаҳар «Сувоқава» трестининг берган маълумотида кўра шаҳар водопровод тармоғига сув 72% ер юзадаги ва 28 % ер ости манбалардан келиб тушади. Фараз қилайлик, корхона бир ой давомида 10 минг куб м. сув олган.*

*У ҳолда олинган сувдан  $10000 \times 72 / 100 = 7200$  куб м. ҳажми ер юзасидаги сув,  $10000 - 7200 = 2800$  куб м. ҳажми ер ости сув дан олинган.*

*2005 йил учун ишлаб чиқариш корхоналарига солиқ ставкалар ер*

юзасидан олинган сув учун – 640,0 тийин ва ер ости сув учун – 820,0 тийин қилиб белгиланган.

*Умумий солиқ суммаси  $(7200 \times 640,0) + (2800 \times 820,0) = 69040,0$  сўм.*

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бинолар бир қисми, айрим хоналар бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ижарага топширилганида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни "Сувоқава" тизими корхоналари ёки сув хўжалиги органлари ёхуд бошқа корхоналар билан сув етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган ижарага берувчилар тўлайдилар.

Бино (хона)ни ижарага олган ва ўзлари сув етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни мустақил равишда тўлайдилар.

Амалдаги корхоналар ва ташкилотлар ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажарадиган юридик шахслар ушбу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун солиқ тўламайдилар.

*Таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида фойдаланиладиган сув ҳажми учун солиқни улар учун ушбу ишлар бажариладиган корхона ва ташкилотлар тўлайдилар.*

*Янги қурилиш майдончасида қурилиш ишларини бажариш чоғида қурилиш пайтида фойдаланиладиган сув ҳажми (қурилишда ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар) учун солиқни қурилиш ташкилоти тўлайди.*

Мулкчилик ва бўйсунуш шаклидан қатъи назар иссиқ сув ва буғ узатувчи корхоналар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни улар томонидан юзадаги ва ер ости манбаларидан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ишлатилган сув ресурслари ҳажми учун тўлайдилар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳисобланган солиқ давр харажатларига олиб борилади.

## **1.8. БОШҚА МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚ ВА ЙИҒИМЛАР**

Солиқ кодекси ва «Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномасига (ЎЗР АВ томонидан 16.02.2003 й.да 1217-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради:

- 1) мол-мулк солиғи;
- 2) ер солиғи;
- 3) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш солиғи;
- 4) транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинадиган солиқ;
- 5) савдо-сотик ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим товар турлари билан савдо қилиш ҳуқуқига лицензион йиғимлар;

б) юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим.

Автотранспортни қисқа муддатга сақлаш учун тўхташ жойларидан белгиланган солиқ ундирилиши 2002 йил 1 январдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳамда мулкчилик шаклларида қатъи назар юридик шахсларга (бюджетдаги ташкилотлардан ташқари) бириктириб қўйилган ҳудудда жойлашган барча автотранспортни қисқа муддатга сақлаш учун пулли тўхташ жойларига жорий этилди (ЎЗР. ВМнинг 2002 йил 31 декабр 490-сонли Қарори).

Маҳаллий солиқлардан мол-мулк ва ер солиқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан жорий этилади ва унинг бутун ҳудудида ундирилади.

Ушбу солиқлар ставкаларининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мол-мулк солиғи, ер солиғи, инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинadиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби алоҳида йўриқномалар билан тартибга солинади.

Қолган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари кенгашлари томонидан жорий этилади, ушбу солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг энг юқори миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

ЎЗР. ВМнинг "... йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ҳар йили тасдиқланган маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг энг юқори ставкалари белгиланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг миқдорлари, уларни ундириш тартиби, улар бўйича қўшимча имтиёзлар тақдим этиш Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

## **ЖОЙЛАРДАГИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ МАҲАЛЛИЙ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЭТИЛАДИГАН МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР**

### **Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига ундириладиган солиқ**

Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ истеъмолига олинadиган **солиқ тўловчилари** бўлиб, жисмоний шахсларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ сотадиган,

мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади.

Бунда уларнинг жойлашган жойидан қатъи назар автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга сотилган ўзи ишлаб чиқарган ҳамда четдан харид қилинган бензин, дизель ёнилғиси ва газнинг натурал ҳажми **солиқ солиш объекти** ҳисобланади.

Бензин, дизель ёнилғиси ва газни сотиш деганда уларни жисмоний шахсларга амалда бериш тушунилади.

Солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, унинг миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона ҳисобланади.

**Солиқ суммаси чакана нархга қўшимча равишда белгиланади ва жисмоний шахс - харидорга бериладиган чекда алоҳида сатр билан кўрсатилади.**

Солиқ суммаси жисмоний шахсларга сотиладиган бензин, дизель ёнилғиси ва газ учун маблағ тўланиши билан бир вақтда ундирилади.

Солиқ суммаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$N = V \times St,$$

**бу ерда:** **N** - ҳисоблаб ёзилган солиқ; **V** - жисмоний шахсларга сотилаётган бензин, дизель ёнилғиси ёки газнинг натурал ифодадаги ҳажми; **St** - солиқ ставкаси.

Ҳисоблаб чиқарилган ва ушланган солиқ суммаси хўжалик юритувчи субъектлар учун тушум деб ҳисобланмайди ҳамда бошқа тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ солиш объекти бўлмайди.

Бюджетга солиқ тўловчилар сотилган бензин, дизель ёнилғиси, газ ҳисоби ҳамда ҳисобланган солиқ суммалари ҳисобини алоҳида юритадилар.

Солиқ банк муассасалари орқали ҳар ўн кунда, бензин, дизель ёнилғиси ва газ жисмоний шахсларга сотилган ой ўн кунлиги тугаганидан сўнг учинчи кундан кечиктирмай тўланади.

Жорий ўн кунлик тўловлар ҳисобга олинган солиқ бўйича ҳисоб-китоб автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчалари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Ёқилғи истеъмоли солиғи ставкаси

Истеъмол (ёқилғи) солиғи		
Транспорт воситаси учун бензин, дизель ёнилғиси	сўм	1 л учун 50

### **Савдо-сотик ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан товарларнинг айрим турларини сотиш ҳуқуқи учун лицензион йиғимлар**

Савдо-сотик ҳуқуқи учун йиғим ва товарларнинг айрим турларини, шу жумладан алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи учун лицензион йиғим тўловчилари бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда савдо-сотикни амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркорлар (алкоғолли маҳсулотлар сотишдан ташқари) ва юридик шахслар ҳисобланади.

Йиғим савдо-сотикни амалга ошириш ҳуқуқи учун тўланади. Савдо-сотик ҳуқуқи руҳсат гувоҳномаси билан тасдиқланади.

Товарларнинг айрим турлари, шу жумладан алкоғолли ва тамаки маҳсулотини сотиш ҳуқуқи учун лицензион йиғим алоҳида тўланади.

Савдо-сотик ҳуқуқига руҳсат гувоҳномаси ариза берувчининг (юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг) аризасида кўрсатилган, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган муддатдан кўп бўлмаган, муддатга берилади (улгуржи савдо билан шуғулланувчи корхоналар учун – 3 йил, чакана савдо билан шуғулланувчи корхона ва хусусий тадбиркорлар учун – 2 йил).

Савдо-сотик ҳуқуқига руҳсат гувоҳномаси жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан берилади.

Улгуржи савдо билан шуғулланадиган юридик шахслар томонидан йиғим ҳар ойда давлат рўйхатидан ўтказилган жойлар бўйича тўланади.

Чакана савдо билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан, йиғим ҳар ойда, ҳар бир савдо шохобчаси учун савдо фаолиятини амалга ошириш жойи.

Йиғимларни ундириш тасдиқланган ставкаларда шу кун учун белгиланган минимал иш ҳақининг қаррали қийматига қўлланилган ҳолда ундирилади.

2005 йил учун энг юқори ставкалар:

• Савдо-сотик ҳуқуқи учун йиғим – **савдо-сотик билан шуғулланган ойда 3,5 ойлик энг кам иш ҳақи қийматида;**

• алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи учун лицензион йиғим - **савдо-сотик билан шуғулланган ойда 5 ойлик энг кам иш ҳақи қийматида.**

**Юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим**

Тўловчилар бўлиб:

янги барпо этилаётган юридик шахслар;

юридик шахсни ташкил этмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рухсат этилган тадбиркорлик фаолияти турлари билан шуғулланиш хоҳишини билдирган жисмоний шахслар ҳисобланади.

Янги барпо этилаётган юридик шахс учун йиғимни уларнинг муассислари (юридик ва жисмоний шахслар) тўлаши мумкин.

Йиғим юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳаллий бюджетга банк муассасалари орқали тўланади.

Йиғим рўйхатдан ўтказишга ариза берилгунга қадар тўланади.

Давлат мол-мулки негизида барпо этиладиган акциядорлик жамиятлари, шунингдек деҳқон хўжаликлари мазкур йиғимни тўлашдан озод этиладилар.

Тошкент шаҳри ҳокимининг қарорига асосан 1998 йил 1 июлдан бошлаб аҳолига хизмат кўрсатувчи ва товар ишлаб чиқарувчи янги тузилаётган корхоналар бир йил муддатга қуйидаги маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўлашдан озод этиладилар:

а) Юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғимидан;

б) ободлаштириш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш учун солиқдан.

### **Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ**

Юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги юридик шахслар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчи ҳисобланадилар.

Солиқ кодекси билан кўзда тутилган махсус солиққа тортиш тартиби қўлланиладиган юридик шахслар ушбу солиқни тўловчилари қаторига кирмайдилар:

- ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига

- фаолиятнинг асосий тури бўйича ялпи даромад солиғини тўловчи савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига,

- ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар;

- қатъий солиқ тўлаш белгиланган тадбиркорлик фаолиятининг турларинигина амалга оширувчи юридик шахсларга.

• лотереялар, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар – асосий фаолият бўйича.

Бунда агарда махсус солиққа тортиш тартибига ўтган солиқ тўловчилар асосий фаолият туридан ташқари бошқа турдаги, умумий тартибда солиққа тортиш тизими қўлланиладиган фаолиятлар билан шуғуллансалар, у ҳолда улар бўйича алоҳида ҳисобот юритиши ва бюджетга ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашлари шарт.

Барча солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан кейин корхоналар тасарруфида қоладиган фойда (даромад) - соф фойда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида **солиқ солиш объекти** ҳисобланади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг **энг юқори ставкаси** солиқ солиш объектининг 8 фоизи миқдорида белгиланган.

Ижтимоий инфратузилма объектларини бюджет маблағлари ҳисобига молиялашга босқичма-босқич ўтишни амалга ошираётган корхоналар учун, ЎзР. ВМнинг 1997 йил 26 сентябрдаги "Идораларга қарашли ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида" 453-сон қарорининг 1-3-сон иловаларига кўра, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи қуйидаги тартибда тўланади:

- бюджет маблағлари ҳисобига молиялашнинг ҳиссаси харажатларнинг умумий миқдоридаги фоизларда 100 фоизни ташкил этган тақдирда, яъни давлат ҳокимияти органлари балансига топшириладиган объектлар бутунлай бюджет маблағлари ҳисобига молияланадиган бўлса, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкаси бундай корхоналар учун мазкур минтақа учун белгиланган ставка миқдорида белгиланади;

- давлат маблағлари ҳисобига молиялашнинг ҳиссаси харажатлар умумий миқдоридаги фоизларда 100 фоиздан камни ташкил этган тақдирда, яъни харажатларнинг бир қисми корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига молияланса, тўловчилар учун топшириладиган ижтимоий объектларни улушбай молиялаш миқдорида боғлиқ ҳолда табақалаштирилган ставкалар белгиланади.

Табақалаштирилган ставкаларни белгилаш учун қуйидагиларни белгилаб олиш лозим:

а) ЎзР. ВМнинг 1997 йил 26 сентябрдаги "Идораларга қарашли ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида" 453-сон қарорининг 1-3-сон иловаларига биноан, бюджетдан молиялашнинг ҳиссасидан келиб чиқиб, топшириладиган ижтимоий инфратузилма объектларини ўз маблағлари ҳисобига тутиб туриш харажатлари суммасини;



б) ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатларини амалга оширувчи корхоналар учун солиқ солиш базасини, у қуйидаги формулага кўра белгиланади:

$$Сф + Хис + С,$$

бу ерда: **Сф** - барча солиқлар тўланганидан кейин корхоналар тасарруфида қоладиган фойда (соф фойда); **Хис** - ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳани тутиб туриш харажатлари; **С** - даромад (фойда) солиғининг ҳисоб-китоб қилинган суммаси, у даромад (фойда) солиғининг белгиланган ставкасидан ва ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатлари суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади ( $Хис \times \text{даромад (фойда) солиғи ставкаси} : 100$ );

в) мазкур банднинг "б" кичик бандига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинган солиқ солиш базасидан келиб чиқиб мазкур минтақа учун белгиланган ставка бўйича ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасини.

Агар харажатлар суммаси (мазкур банднинг "а" кичик банди) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасидан (мазкур банднинг "в" кичик банди) ошиб кетса, корхона ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўламайди.

Агар харажатлар суммаси (мазкур банднинг "а" кичик банди) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасидан (мазкур банднинг "в" кичик банди) кам бўлса, корхона ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини энг юқори ставка бўйича ҳисобланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг суммаси билан ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида белгилайди.

Ушбу тартибнинг маъноси шундан иборатки, корхона аввал ҳисоблаш йўли билан агарда балансида ижтимоий объект йўқ деб фараз қилинганда бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини ҳисоблаб чиқаради.

Ҳисоблаб чиқарилган тўланиши лозим бўлган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси ҳақиқатда корхона ўзининг ижтимоий объектларини сақлаш учун сарф қилган суммаси билан таққосланади.

Агарда сарф қилинган сумма тўланиши лозим бўлган солиқ суммасидан кўп бўлса, бюджетга солиқ тўланмайди, акс ҳолда улар орасида фарқ ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи қўрилишида бюджетга тўлаб қўйилади.

*Мисол.*

*Жорий давр ичида болалар боғчасини сақлаб туриши учун корхона томонидан қилинган харажатлар 1500 минг сўмни ташкил этган.*

*Солиқ тўлангунга қадар даромад – 4500 минг сўм.*

*Ҳисобланган даромад солиғи (15% ставка қўлланилганда) 840 минг сўмни ташкил этган.*

*Даромад солиғи тўлангандан кейинги даромади –  $(4500 - 840) = 3660$  минг сўм.*

*Ундан сўнг корхона болалар боғчани сақлаш учун сарфлаган харажати ҳисобига даромад солиғи қанча суммага қисқарганлигини аниқлаймиз:  $1500 \times 15\% = 225$  минг сўм.*

*Энди агар корхона балансида болалар боғчаси бўлмаган тақдирда тўланиши лозим бўлган даромад солиғи суммасини аниқлаймиз:*

*3660 минг сўм (даромад солиғи тўлангандан кейинги фойда)*

*+ 1500 минг сўм (болалар боғчаси учун кетган харажат)*

*+ 225 минг сўм (ушбу харажатлар тўғри келадиган даромад солиғи) =*

*5385 минг сўм.*

*- агарда корхона балансида болалар боғчаси бўлмаган тақдирда ободонлаштириши ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириши солиғининг солиққа тортиши базаси шу суммага тенг бўлар эди.*

*Ва бундай ҳолатда солиқ суммаси:  $8\% \times 5385 = 430,8$  минг сўмни ташкил этган бўлар эди.*

*Яъни корхона бюджетга 430,8 минг сўм тўлаган бўлар эди, аммо ижтимоий соҳага қарашли бўлган объектни сақлаб туриши ҳақиқатда кетган харажатлар ушбу суммадан анча кўп бўлиб, 1500 минг сўмни ташкил этади, демак ушбу корхона ободонлаштириши ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириши солиғини тўламайди.*

*Агарда ҳисобланган солиқ суммаси 1500 минг сўмдан кўп бўлганда эди, у ҳолда корхона улар орасидаги фарқни давлат бюджетига тўлаган бўлар эди.*

*Чорак давомида барча тўловчилар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг бюджетга жорий тўловларини амалга оширадилар. Жорий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш учун солиқ тўловчилар аввалги чорак учун ҳисоб-китоб бўйича ҳақиқатда ҳисоблаб ёзилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасидан келиб чиқадилар. Жорий тўловлар ҳар бир ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, солиқ чораклик суммасининг учдан бир қисми ҳажмида амалга оширилади.*

*Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳисоб-китоблар рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар чоракда ўсиб боровчи яқун билан ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида ҳақиқатда шаклланган солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб тақдим этилади.*

Ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасини тўловчилар бюджетга ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатлари белгиланган кундан бошлаб 5 кун давомида тўлайдилар.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи маҳаллий бюджетга тўланади.

### **Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҲИСОБ-КИТОБИ**

	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Сумма</b>
1.	Бюджетдан молиялашнинг белгиланган ҳиссасидан келиб чиқиб, топширилаётган ижтимоий инфратузилма объектларини ўз маблағлари ҳисобига тутиб туриш харажатлари.	
2.	Солиқ солинадиган база - жами	
	Шу жумладан:	
	А) барча солиқлар тўлангандан сўнг корхоналар тасарруфида қоладиган фойда	
	б) ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий инфратузилма объектларини тутиб туриш харажатлари (1- сатр)	
	в) белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган фойда солиғининг ҳисоб-китоб қилинган суммаси (6- сатр х солиқ ставкаси) : 100 *)	
3.	Белгиланган солиқ ставкаси (% да)	
4.	Белгиланган ставка бўйича ҳисобланган солиқ суммаси (2- сатр.х 3-сатр)	
5.	Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси (4-сатр - 1-сатр)	
6.	Ҳисобланган (жамланган) солиқ ставкаси (5-сатр : 2-сатр) : 100 (% да)	
7.	Бюджетга ҳисоблаб ёзилди	
8.	Қўшимча қилиб ёзишга	
9.	Камайтиришга	

\*) Агарда харажатлар (1 сатр) солиқ суммасидан кўп бўлса (4 сатр), у ҳолда корхона ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўламайди.

#### **Мустақил ечиш учун масала**

1. Ишлаб чиқариш (ХХТУТ коди бўйича) корхонаси оргтехникаларни таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатиш ва савдо-сотик фаолияти билан шуғулланади. Жорий даврда реализациядан тушган соф тушум қуйидагини ташкил этди: ишлаб чиқариш маҳсулотларини – 45200 минг сўм, таъмирлаш бўйича хизматлардан – 5400 минг сўм, товарлардан – 38400 минг сўм. Жорий давр учун харажатлар суммаси: «Ишлаб чиқариш» – 39800 минг сўм, «Давр

харажатлари» ҳисобварақда – 15600 минг сўм.; келтирилган суммалар ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловларни чегирган ҳолда берилган.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган экология солиғини **аниқланг** ?

### **Мустақил ечиш учун масала**

Барча умумдавлат ва маҳаллий солиқларни тўловчи юридик шахсда даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойдаси 490 минг сўмни ташкил этади. Корхона ҳеч қандай имтиёзларга эга эмас; харажатлар таркибига кирувчи Илова №1 ва Илова №2 харажатлар йўқ.

**Аниқлаш лозим:** Жорий 2005 йил учун инфратузилмаларни ривожлантириш солиғини ҳисобланг.

## **2. НОРЕЗИДЕНТЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ**

### **2.1. Норезидент юридик шахсларни солиққа тортиш**

Норезидент юридик шахсларни солиққа тортишда ЎЗР. Солиқ кодекси, 2004 йил 5 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида хорижий юридик шахслар даромади (фойдаси)дан солиқ олиш тартиби тўғрисида»ги 1416-сонли Йўриқномаси ва икки ёқламали солиққа тортишдан қочиш тўғрисидаги халқаро Шартномаларга асосланилади.

**Норезидентни солиққа тортишнинг асосий принциплари қуйидагилар:**

1. Хорижий юридик шахслар – норезидентларни солиққа тортишда уларнинг Ўзбекистон Республикасида **доимий муассасалари** борми ёки республика ҳудуди манбаларидан олган даромадларини **доимий муассаса тузмаган ҳолда** олганларига боғлиқ равишда солиққа тортиладилар.

2. Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса асосида фаолият юритаётган **норезидентлар республика ҳудуди манбаларидан олган даромадларидан** даромад (фойда) солиғи тўловчиси ҳисобланиб, худди бизнинг резидентлар каби солиққа тортиладилар ва **жами даромадларини аниқлаш йўли** билан чегирмаларни ҳисобга олган ҳолда, **35% солиқ ставкаси қўлланилади.**

3. Норезидентларнинг даромадлари **доимий муассасага боғлиқ бўлмаса**, у ҳолда улар даромад манбаида солиққа тортилиб, агарда даромад (фойда) манбаи **Ўзбекистон республикаси ҳудудида жойлашган бўлса**, уларнинг жами даромадларидан **чегирмаларни ҳисобга олмаган ҳолда** солиққа тортиладилар.

4. Хорижий юридик шахслар билан битим тузиш чоғида бундай битим шартларига солиқ тўловчилар ва Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи ўзга шахслар хорижий юридик шахсларнинг солиқлар ва йиғимлар

тўлови бўйича харажатларини зиммасига олишни киритишга рухсат этилмайди.

5. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро Шартномасида (битимида) бизнинг давлатимиздаги солиқ қонунчилигидаги қоидаларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда **халқаро Шартнома (битим) қоидалари қўлланилади.**

### **Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали ўз фаолиятини амалга оширадиган норезидентни солиққа тортиш**

Солиқ олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси хорижий юридик шахснинг доимий муассасаси деганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги даромад олиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай актив фаолият жойи, шунингдек хорижий юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида вакиллик вазифаларини бажаришга ваколат берилган ҳар қандай ташкилот ва жисмоний шахслар тушунилади.

"Доимий муассаса" атамаси фақат хорижий юридик шахснинг солиқ мақомини белгилаш учун қўлланилади ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлмайди.

1416-сонли Йўриқномага мувофиқ доимий муассаса, жумладан, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, комплектация қилиш, жамлаш, идишларга жойлаш, етказиб бериш, товарни реализация қилиш билан боғлиқ бўлган барча фаолият жойи;
- норезидентнинг ихтиёрий бошқарув жойи, филиал, бўлинма, вакиллик, бюро, идора, офис, хона, агентлик, фабрика, устахона, цех, лаборатория, дўкон, омбор;
- табиат ресурслари қазиб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фаолият юритиш жойи: шахта, руда қазиб олиш жойи, нефть ёки газ қудуғи, тош кони;
- трубопровод, газопровод, разведка ва (ёки) табиат ресурсларини излаш билан боғлиқ бўлган барча фаолият юритиш жойлари (шу билан бирга текшириш ва назорат қилиш фаолияти), асбоб ускуналарни ўрнатиш, монтаж қилиш, йиғиш, тузатиш, ишга тушириш ва (ёки) уларга хизмат кўрсатиш;
- ўйин автоматларини (приставкаларни ҳам) эксплуатация қилиш, компьютер тармоқлари ва алоқа каналлари, аттракционлар, транспорт ва бошқа инфратузилмалар билан боғлиқ ихтиёрий фаолият олиб бориш жойлари.

*Доимий муассаса* тушунчаси қурилиш майдони, қурилиш, монтаж ёки йиғим объектини ёхуд техник назорат бўйича фаолиятларни ҳам ўз ичига олади. Агарда норезидент бош пудратчи сифатида бўлиб, ишнинг маълум бир қисмини бошқа шахсга – норезидентга топширса, у ҳолда

субпудратчининг ушбу курилиш майдонидаги фаолияти субпудратчи учун доимий муассаса ҳосил қилувчи деб қаралади.

Агарда норезидент Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият жойига эга бўлмасдан туриб мол-мулкни ижарага берса, у ҳолда бундай мол-мулк ижарага берувчи учун доимий муассаса ҳосил қилмайди, агарда ижарага бериш шартномаси оддий ижара бўлса. Аммо, норезидент томонидан юборилган персонал асбоб-ускунага хизмат кўрсатиш учун юборилган бўлиб, у асбоб ускунадан фойдаланиб баъзи бир ишларни амалга оширса, яъни ижарага берувчининг фаолияти оддий ижарага беришдан иборатгина бўлмаса, бу ҳолда бундай фаолият норезидент учун доимий муассаса ҳосил бўлишига олиб келади.

Доимий муассаса талабларига жавоб берган норезидент даромадларини (фойдани) тақвим йилининг **183 кунидан ошиқ фаолият юритиш натижасида олган бўлса**, у ҳолда норезидентнинг хоҳишига мувофиқ даромадни *тўлаш манбаида (харажатларни чегирмаган ҳолда) ёки доимий муассаса орқали (харажатларни чегириб ташлаган ҳолда) солиққа тортилиши мумкин.*

Доимий муассаса ташкил этилган кун деб унинг иш бошлаган кунини белгилаш мумкин бўлади, агарда иш фаолиятини аниқ бошлаган кунини аниқлашнинг иложи бўлса. Агарда иш фаолиятини аниқ белгилашнинг иложи бўлмаса, у ҳолда доимий муассасанинг ташкил этилган кун деб унинг фаолияти учун олинган лицензияга мувофиқ аниқ бир шартнома бўйича бирон-бир иш (кўрсатилган хизмат)га ҳисобварақнинг биринчи тўлов учун кўйилган кунига айтилади.

Хорижий юридик шахснинг *нотижорат мақсадларида* Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этган жойига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида *даромадлар (фойда)дан солиқ тўланадиган "доимий муассаса" деб қаралмайди.*

Қуйидаги ҳолатлар доимий муассаса ҳосил қилмайди деб қаралади.

а) норезидент ЎЗР. ҳудудида тайёрлов ва ёрдамчи тусдаги бўлган фаолиятлар билан шуғулланилса. Бундай тайёрлов ва ёрдамчи характерга эга бўлган фаолиятларга қуйидагилар киради:

- хорижий юридик шахсга қаршли иншоотлардан фақат хорижий юридик шахсга тегишли товарларни сақлаш, намойиш қилиш ёки етказиб бериш учун фойдаланиш;

- норезидентга тегишли товарлар захирасини фақат сақлаш, намойиш этиш ва (ёки) сотишгача бўлган давр ичида тўплаб бориш мақсадида ушлаб туриш;

- ушбу норезидент томонидан доимий фаолият жойини фақат товарларни сотиб олиш учун фойданилса;

- норезидентнинг доимий фаолият жойини фақат ахборот тўплаш, қайта ишлаш ва (ёки) маълумотларини (сотиш ҳуқуқи бўлмаган ҳолда) тарқатиш, маркетинг, реклама ёки товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича бозорни

ўрганиш мақсадида фойдаланилса, агарда ушбу фаолият унинг асосий фаолият тури бўлмаса.

б) ЎзР. қонунчилиги асосида рўйхатга олинган корхоналарнинг устав жамғармасида қатнашиш, бундай корхоналар чет эл сармояси (жумладан, 100% улуши бўлиши ҳам мумкин) билан тузилган бўлса.

Аммо, агарда бундай корхоналарга вакиллик функциялари юклатилган бўлса, у ҳолда бундай корхоналар солиққа тортиш мақсадида норезидентнинг доимий муассасаси деб қаралади;

с) норезидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзининг фаолиятини ушбу норезидент номидан имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлмаган мустақил даллол (брокер ва (ёки) топшириқ бериш, комиссия ва консигнация ёки шунга ўхшаш шартномалар асосида фаолият юритувчи бошқа мустақил агент) ёрдамида олиб борса, у ҳолда бундай фаолият доимий муассаса ташкил этмайди деб қаралади.

Бунда мустақил даллол деганда ўзининг оддий (асосий) фаолияти чегарасида ҳаракат қилувчи ва норезидентдан ҳуқуқий, ҳамда иқтисодий жиҳатдан боғлиқ бўлмаган шахс тушунилади;

*Масалан, хорижий юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланган корхона билан биржа контрактини тузилиши хорижий юридик шахс учун доимий муассаса ташкил этилишига олиб келади деб қаралмайди.*

Аммо, хорижий корхона ўзининг фаолиятини доимий муассаса орқали олиб бораётгани деб қаралади, агарда, у фаолиятини шундай шахс орқали олиб борсаки, ушбу шахс хорижий корхона билан тузилган ўзаро шартномага мувофиқ унинг манфаатларини Ўзбекистон Республикасида ҳимоя қилса, ҳамда доимий равишда унинг номидан шартномалар тузиш ҳуқуқидан фойдаланса ва ушбу ҳолат ўз вақтида хорижий корхона учун ҳуқуқий оқибатларга олиб келса.

д) норезидент томонидан ўзбек корхоналарининг қимматбаҳо қоғозларига ёки улар капиталларининг қисмига эгалик қилиши;

е) норезидент томонидан ЎзР. чегарасидан товар олиб чиқиб кетиши ва унинг ҳудудига олиб кириши каби операцияларни бажарилиши, жумладан ташқи савдо контрактлари асосида бўлса ҳам.

Хорижий юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга оширувчи **доимий муассасалари**, уларнинг фаолияти кейинчалик Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро битимлар (шартномалар)га мувофиқ равишда давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ олинадиган муассаса ёки солиқ олинмайдиган муассаса деб эътироф этилишидан қатъи назар, ўзларининг фаолиятларини бошлаган кундан бошлаб **10 кун ичида давлат солиқ хизмати органларида** ҳисобга туришлари шарт.

Давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришига асос бўлиб, норезидентнинг Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятини бошлаганлиги хизмат қилади.

Агар хорижий юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасида бир неча доимий муассасаси бўлса, ҳар бир доимий муассаса ўзи турган жойдаги тегишли давлат хизмати органида ҳисобга туриши шарт.

Турган жойи бўйича давлат солиқ хизмати органида ҳисобга олиш чоғида хорижий юридик шахснинг **ҳар бир доимий муассасасига солиқ тўловчининг битта рўйхатга олиш (идентификация) рақами берилади.**

Бир неча доимий муассасаларга эга бўлган битта хорижий юридик шахснинг биргаликда жамланган ҳисоботлари ва солиқ ҳисоб-китобларини топшириш рухсат этилмайди.

Доимий муассаса солиқ органида ҳисобда туришдан бўйин товласа, хорижий юридик шахсга унинг мухтор вакили орқали, яъни доимий муассаса орқали Ўзбекистон Республикаси қонунида белгилаб қўйилган тартибда жазо - жарима чоралари кўрилади.

Доимий муассасалар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ солиққа тортиладиган базани аниқлаш учун олинadиган ялпи даромадни ва шу даромадлар бўйича тегишли чегирмаларни ҳисобга олишга имкон берадиган бухгалтерия ҳисобини юритишлари зарур.

Чет эл валютасида амалга оширилган хўжалик операциялари улар амалга оширилган вақтдаги ЎЗР. МБнинг курсига мувофиқ миллий валютада қайта ҳисобланади.

Доимий муассасанинг даромадлари (фойда)ни солиққа тортишда, уларнинг ЎЗР. Солиқ кодексига мувофиқ равишда ҳисобланган ялпи даромади билан хорижий юридик шахснинг ЎЗР. фаолиятни амалга ошириши билан боғлиқ бўлган шу даромадлар бўйича чегирмалар орасидаги айирма олиниши лозим.

**Норезидент юридик шахснинг даромадларига** доимий муассасанинг ЎЗР. ҳудудидаги фаолияти билан боғлиқ бўлган барча турдаги даромадлар киради.

**Харажат бўйича чегирмаларга** норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассаса орқали амалга оширилган барча фаолиятлари билан боғлиқ равишда олинган даромадларига қилинган харажатлар киради, бунда ушбу харажатлар Ўзбекистон Республикасида қилинган-ми ёки йўқ-ми бунинг фарқи бўлмайди.

Чегирмалар, харажатлар ва ажратмаларни аниқлаш тартиби «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби... тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Норезидентнинг солиққа тортиладиган даромад (фойдаси)ини ҳисоблашда, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан боғлиқ равишда юритган фаолияти натижасида топган даромади (фойдаси)нинг қисминигина ҳисобга олиш лозимдир.

Ҳисобланган даромад (фойда) солиғи суммасига қўшимча равишда норезидентнинг доимий муассасаси томонидан чет элга ўтказиладиган ҳар



бир суммасидан 10% миқдорида солиқни ҳисоблаши ва бюджетга тўлаши шарт.

Агарда *ЎЗР. резиденти томонидан маблағ бевосита тўғридан-тўғри норезидентга ўтказилган бўлса*, хорижга ўтказилган маблағ даромадидан 10% миқдорида солиқ ҳисобланмайди ва тўланмайди.

### **Норезидентнинг доимий муассасаси томонидан ҳисоботларни тақдим этиш ва солиқ тўлаш муддатлари**

Норезидент томонидан ҳисоботлар чет эл сармояси билан ташкил этилган корхоналарнинг йиллик бухгалтерия ҳисоботини топшириш учун белгиланган муддатларида доимий муассаса жойлашган еридаги давлат солиқ хизмати органига ЎЗР.даги фаолиятининг характери тўғрисида (эркин шаклда) ҳисобот, шунингдек даромадлари тўғрисида 1416-сонли Йўриқномада келтирилган шаклда ҳисоб-китоб топширилади.

Солиқ органи хизмати хорижий юридик шахсга даромад (фойда) солиғини ҳисоблайди ва ҳисоб-китоб топширган кундан 10 кун мобайнида тўлов хабарнома ёзиб беради. Тўлов хабарномасида солиқ тўлашнинг муддатини унинг ёзиб берилган ой билан бир ойда кўрсатилган ҳолда тақдим этилади.

Доимий муассаса даромад (фойда) солиғини бир йилда бир маротаба жорий тўловларни тўламаган ҳолда тўлайди. Солиқ доимий муассаса ёки хорижий юридик шахснинг ўзи томонидан сўм кўринишида тўлов хабарномада кўрсатилган муддатларда пул кўчириш йўли билан тўланади.

### **Хорижий юридик шахсларнинг манбаи доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадларини солиққа тортиш**

Хорижий юридик шахсга даромад тўлаётган резидент, ҳамда (доимий муассаса орқали фаолият юритаётган) норезидент даромад (фойда) солиғини даромад манбаида ушлаб қолиш учун масъулдир.

Агарда даромад тўлаётган юридик шахс солиқни ундирмаса, у ҳолда у бюджетга ушлаб қолинмаган солиқни ва у билан боғлиқ жарима ва пеняни ўтказишга мажбурдир.

Доимий муассаса талабларига жавоб берадиган норезидентларнинг тақвим йилида 183 кундан ошиқ фаолият юритган ҳолатда даромад (фойда)лари манбаида солиққа тортилади (чегирмаларни амалга оширмаган ҳолда) (ёки норезидентнинг ихтиёрига мувофиқ доимий муассаса орқали - чегирмаларни ҳисобга олган ҳолда).

Хорижий юридик шахсларга даромад тўлаётган резидентлар, ҳамда норезидентлар (доимий муассаса орқали фаолият юритаётган) қуйидагиларга роя қилишга мажбурдирлар:

- йўриқномада келтирилган шакл кўринишида ҳисоб-китоб тақдим этиши ва тўлов амалга оширилган ой тугаганидан сўнг беш кун ичида солиқни бюджетга ўтказиш;

- молиявий йил тугаганидан сўнг ўттиз кун давомида рўйхатга олинган жойдаги солиқ органларига, шунингдек даромад олувчи юридик шахсларга уларнинг талабига биноан шу шахсларнинг рўйхатга олиш рақами, уларнинг номи, даромадларнинг умумий миқдори ва ҳисобот йилига ушлаб қолинган солиқнинг умумий миқдори кўрсатилган маълумотномани жўнатиш.

Солиқ бюджетга сўмларда ундирилади ва ҳисобга олинади.

Хорижий юридик шахсларнинг даромад манбаида солиққа тортиладиган даромадларини қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикасига инвестиция билан боғлиқ бўлган даромадлар, яъни **«пассив» даромадлар** (дивидендлар, фоизлар, лицензия тўловлари, лизингдан олинган даромадлар ва шунга ўхшаш бошқа даромадлар);

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар ҳисобига олинган даромадлар (**«актив» даромадлар**), агарда улар маълум бир вазиятларга мувофиқ хорижий юридик шахс учун доимий муассаса ҳосил бўлишига олиб келмаса.

Норезидентнинг **доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган** манбалардан олган даромади бўйича чегирмаларни амалга оширмай **даромад манбаида** қуйидаги ставкалар бўйича солиққа тортилади:

Дивидендлар ва фоизлар	15 %
Хатарни суғурталаш ва қайта суғурталашга тўланган суғурта мукофотлари	10 %
Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасидаги ҳаракатлар чоғида халқаро алоқалар учун телекоммуникация ёки транспорт хизмати (транспорт воситаларини ижарага беришдан бошқа даромадлар)	6 %
Роялти, ижара даромадлари, хизмат кўрсатиш, жумладан бошқарув, маслаҳат бериш ва бошқа хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлар, даромад (фойда) солиғи тўланган даромадлардан бошқа даромадлар	20 %

Икки ёқлама солиққа тортишдан қочиш бўйича шартномалардаги қоидалари бўйича пасайтирилган ставкалар, ҳаттоки «нол» ставкагача қўлланилмаса юқорида келтирилган ставкалар қўлланилади.

Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасида харид қилиш билан боғлиқ бўлган ва ушбу хорижий юридик шахс номидангина амалга оширилган ташқи савдо операциялари бўйича олган ва Ўзбекистон Республикасига экспорт қилинган товарлар билан боғлиқ даромадлари даромад манбаида

солиққа тортилмайди, агарда товарни сотиб олувчи ушбу товарларни Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини кесиб ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатлари мавжуд бўлса ва уларни мажбурий тартибда солиқ органининг талабига мувофиқ тақдим эта олса.

Товарларни Ўзбекистонда сотиш учун давлат чегарасини кесиб ўтганлиги ҳақидаги хорижий юридик шахснинг ҳужжатлари мавжуд бўлмаса, у ҳолда топилган даромад манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди деб қаралади ва хорижий юридик шахсга сотилган товар учун тўланган сумма ялпи тушум деб ҳисобланади.

Шу билан бирга, товарларни сотиш норезидентга қарашли бўлган ёки ижарага олинган Ўзбекистон ҳудудида жойлашган омборхоналар орқали амалга оширилса, у ҳолда бундай фаолият доимий муассасани вужудга келишига олиб келади, бундай товарларни сотиш йўли билан топилган даромад ушбу Ўзбекистондаги хорижий юридик шахсга доимий муассаса орқали топилган даромадлар туркумига киради.

ЎзР. СК 2-модда 3-сўз бошида куйидагилар кўзда тутилган «агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Кодексдагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади». Шунинг учун норезидентларнинг даромадларини солиққа тортишда биринчи галда икки ёқлама солиққа тортишдан қочиш бўйича халқаро шартномалар танишиб чиқиш шарт, агарда улар Ўзбекистон Республикаси ва норезидентнинг давлати ўртасида имзоланган бўлса.

Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро шартномаларни фақат Олий Мажлис томонидан ратификация қилингандан сўнггина қўллаш мумкин бўлади.

Барча халқаро шартномалар одатда бир хил йўналишда тузилган бўлади ва улар бир хилдаги солиқларни, яъни даромад ва капиталга нисбатан олинадиган солиқларни ўз ичига олади.

Норезидентнинг даромадларини солиққа тортишнинг асосий тартибини «Қирғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматлари ўртасидаги икки ёқлама солиққа тортишдан қочиш ва даромад ва фойда солиқларидан қочишни олдини олиш тўғрисида»ги Шартнома мисолида кўриб чиқамиз (2000 йил 17 мартда кучга кирган).

Ушбу ҳужжатнинг 2-моддасида куйидагилар ёзилган: ушбу шартнома Келишилаётган ҳар иккала Давлатларнинг қонунчилигига мувофиқ қандай усулда ундирилишидан қатъи назар ундириладиган даромад ва фойда солиқларига қўлланилади.

7-моддага асосан: Келишилган Давлат корхонасининг топган даромади **фақат ушбу Давлатда солиққа тортилади**, агар бундай корхона бошқа Келишилган Давлатда **тадбиркорлик фаолиятини ўзининг у ерда жойлашган доимий муассасаси орқали юритмаса**. Агарда юқорида келтирилган ҳолатда фаолият юритса, у ҳолда корхонанинг топган даромади айtilган бошқа Давлатда ҳам солиққа тортилади, фақат **доимий муассаса орқали** топган даромадигина тортилади холос.

Доимий муассасанинг фойдасини ҳисоблашда доимий муассаса учун ҳамда бошқарув ва умумий маъмурий харажатлар доимий муассаса жойлашган давлатда ёки унинг ташқарисида харажат қилинганлигидан қатъи назар чегириб ташлаш рухсат этилади. Бунда корхона томонидан асосий корхонаси ёки ихтиёрий бошқа муассасаси учун тўланган, яъни турли кўринишдаги патент ва бошқа ҳуқуқдан фойдаланганлик учун тўлов, ёки хизмат кўрсатганлик ва бошқарувда қатнашганлик учун тўлов, ёки гонорар тўлови, ёки доимий муассасага ссудага берилган маблағ учун фоиз тўловларига кетган харажатлар бундан мустасно.

Доимий муассаса томонидан корхона учун оддий товар ёки маҳсулотларни сотиб олиши ушбу доимий муассасага ҳеч қандай даромад бўлиб ҳисобланмайди.

*Бошқача қилиб айтганда, қирғизистонлик (умуман барча норезидентлар учун) норезидентларни Ўзбекистонда фақат уларнинг доимий муассаса орқали топган даромадларигина солиққа тортилади.*

Бошқача кўринишда топган даромадлари (дивидендлар, фоизлар, роялти ва ҳ.к.) қуйидаги кўринишда даромад солиғига тортилади:

«Келишилган Давлатнинг резиденти бўлган компания томонидан бошқа Келишилган Давлатнинг резидентига тўланаётган дивидендлар ушбу бошқа давлатда солиққа тортилади.

Аммо, дивиденд тўловчи компания резидент бўлганда бундай дивидендлар Келишилган Давлатда ҳам ушбу давлатнинг қонунчилигига мувофиқ солиққа тортилиши ҳам мумкин, фақат агарда дивиденд эгаси бошқа Келишилган Давлатнинг резиденти бўлса, у ҳолда бундай ундирилаётган солиқ умумий дивиденд суммасининг 5 % ортмаслиги лозим».

Яъни дивиденд кўринишида даромад олаётган норезидентнинг давлати бундай даромадларни солиққа тортишда устувор ҳуқуққа эга. Норезидентга дивиденд тўлаётган давлат бундай ҳолатларда чегараланган ҳуқуққа эга бўлади, бу ҳолат, унинг пасайтирилган ставкаларда солиққа тортишида намоён бўлади; ушбу ҳолатда – 5 фоизгача.

Касбий хизмат кўрсатиш ва бошқа шунга ўхшаш мустақил характерга эга бўлган фаолият натижасида Келишилган Давлат резиденти томонидан олинган даромад ушбу давлатда солиққа тортилади, бунда у бундай фаолиятни юритиш учун бошқа Келишилган Давлатда жойлашган доимий базадан фойдаланиш имконияти бўлган ҳолатлар бундан истисно. Агарда у доимий базадан фойдаланиш имконияти бўлган ҳолатларда топилган даромад бошқа давлатда солиққа тортилса, бунга фақат ўша доимий базага тааллуқли қисмигина қиради».

Яъни норезидентларнинг даромадларини солиққа тортиш тартиби тўғридан-тўғри даромадлар доимий муассаса орқали топилдими ёки бошқа кўринишда топилганлиги катта аҳамиятга эга. Агарда улар «доимий муассаса» орқали топилган бўлса, у ҳолда Ўзбекистон ҳудудида солиққа тортилади.

Шундай қилиб, «доимий муассаса» тушунчасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

1. Шартномага асосан «доимий муассаса» тушунчаси биринчи Келишилган Давлат корхонасининг тўлиқлайин ёки қисман тадбиркорлик фаолиятини бошқа Келишилган Давлатда доимий фаолият юритиш жойини билдиради.

2. «Доимий муассаса» тушунчаси хусусан қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) бошқарув жойи;

б) бўлим;

в) идора;

г) фабрика;

д) устахона;

ф) шахта, нефть ёки газ қудуғи, тош кони ёки фойдали қазилмалар (табиат ресурслари) қазиб чиқариладиган ҳар қандай жой.

3. "Доимий муассаса" тушунчаси қуйидагиларни ҳам ўз ичига олади:

а) қурилиш майдони, қурилиш, монтаж ёки йиғим объекти ёхуд техник назорат бўйича хизматларни ўз ичига олади, агарда бундай майдон ёки объект 12 ойдан ошиқ турса, ёки 12 ойдан ошиқ муддат давомида бундай хизмат кўрсатилса.

б) қишлоқ хўжалиги, яйловлар ёки ўрмон мулки, агарда бундай кўринишдаги мулклар 24 ойдан ошиқ муддат турса.

в) ер ости бойликларини қидиришда ишлатиладиган асбоб ускуна ёки қурилмалар ёки бу борада бажарилаётган ишларни назорат қилиш хизматлари, ёки ер ости бойликлари қидиришда ишлатиладиган қидирув ускунаси ёки кема, агарда бундай фойдаланиш фақат 24 ойдан ошиқ давом этса ёки бундай хизматлар 24 ойдан ошиқ муддат давомида кўрсатилса.

г) резидентлар томонидан хизматлар, жумладан маслаҳат хизматини кўрсатиш учун ёлланган хизматчилари ёки бошқа персонал орқали хизмат кўрсатиш, агарда фақат бундай характердаги (бундай ёки шунга ўхшаш лойиҳалар бўйича) фаолият давлат ичида 12 ойдан ошиқ муддатда давом этса.

4. "Доимий муассаса" тушунчаси ўз ичига олмайди:

а) иншоот ва асбоб-ускуналардан фақат корхонага қарашли бўлган товар ва маҳсулотларни сақлаш, намоиш қилиш ёки етказиб бериш учун фойдаланиш;

б) корхонага қарашли бўлган товар ва маҳсулотлар захираларини сотиш ҳуқуқи бўлмаган ҳолда фақат сақлаш ва намоиш этиш мақсадида ушлаб туриш;

в) корхонага қарашли бўлган товар ва маҳсулотлар захираларини фақат бошқа корхона томонидан қайта ишлаш учун сақлаб туриш;

г) доимий фаолият жойини фақат товар ва маҳсулотларни сотиб олиш ва/ёки корхона учун ахборот тўплаш мақсадида сақлаб туриш;

д) корхона манфаатларини кўзлаб доимий фаолият жойини фақат корхона фаолияти учун тайёргарлик ёки ёрдамчи тусдаги ишларни бажариш учун сақлаб туриш.

Халқаро шартномаларнинг миллий солиқ қонунчилигимизга нисбатан аниқлигини кўриш мумкин, яъни «доимий муассаса» мақомини кўрганимизда унда фаолиятнинг аниқ мезонлари ва давр чегаралари келтирилган. Бунинг учун, халқаро шартномаларга биноан фаолият жойи аниқ доимийлик даражасига эга бўлиб, вақтинчалик характерга эга бўлиши керак эмас. Бунда норезидентнинг бизнинг резидентимизга ҳар доим хизмат кўрсатиш ва ишлар бажариш ҳисобига доимий равишда даромад манбаига эга бўлиши шарт.

Юқорида айтиб ўтилгандек, актив даромадлар билан биргаликда норезидент томонидан доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда топилган пассив даромадлар (дивидендлар, фоизлар, роялти ва бошқалар) ҳам мавжуд.

Аммо, бундай «пассив даромадлар» хорижий юридик шахснинг «доимий муассаса»си фаолияти билан боғлиқ бўлса, у ҳолда улар «доимий муассаса»нинг жами йиллик даромадига реализациядан ташқари топилган даромади сифатида қўшилади ва даромад (фойда) солиғи ставкасида солиққа тортилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, агарда халқаро Шартномалар бўйича ўрнатилган тартиб Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида кўзда тутилганларидан фарқ қилса, у ҳолда халқаро Шартномадаги тартиб қўлланилади.

Ўзбекистонда шартномадаги тартибларни қўллаш бўйича қуйидагича механизм ишлаб чиқилган: солиққа тортиш бўйича имтиёзга эга бўлган хорижий юридик шахс фаолият юритиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига мазкур шахснинг Ўзбекистон Республикаси солиқ масалаларида халқаро Битим тузган мамлакатда доимий туришини тасдиқловчи расмий ҳужжатни тақдим этиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари бўлган ва тўлов манбаида хорижий юридик шахсга даромад тўлайдиган корхоналар шуни ёдда тутишлари лозимки, халқаро Шартномаларга мувофиқ норезидентнинг Ўзбекистонда солиқдан озод бўлиши учун хорижий юридик шахс томонидан давлат солиқ хизмати органига ариза берган бўлиши лозим. Агарда тўлаш манбаида норезидент томонидан тегишли тартибда солиқдан озод бўлиши (қисман ёки тўлиқ) учун ариза тўлдирилмаган бўлса, у ҳолда Ўзбекистон солиқ қонунчилиги бўйича солиқ ундирилиши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси билан икки ёқлама солиққа тортишдан қочиш бўйича шартнома тузган давлатлар

### **Р Ў Й Х А Т И**

маълумот 01.01.2003 й.га келтирилган

Давлат номи	Имзо кўйилган сана	Кучга кирган сана
1. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги	15.10.93 й.	10.06.94 й.
2. Хиндистон Республикаси	29.07.93 й.	25.01.94 й.
3. Россия Федерацияси	02.03.94 й.	27.07.95 й.
4. Украина	10.11.94 й.	13.07.95 й.
5. Беларусь Республикаси	22.12.94 й.	11.01.97 й.
6. Польша Республикаси	11.01.95 й.	29.04.95 й.
7. Молдова Республикаси	30.03.95 й.	28.11.95 й.
8. Покистон Ислом Республикаси	22.05.95 й.	12.09.96 й.
9. Туркманистон	16.01.96 й.	27.11.96 й.
10. Вьетнам Социалистик Республикаси	28.03.96 й.	16.08.96 й.
11. Франция Республикаси	22.04.96 й.	
12. Туркия Республикаси	08.05.96 й.	30.09.97 й.
13. Озарбайжон Республикаси	27.05.96 й.	02.11.96 й.
14. Грузия	28.05.96 й.	20.10.97 й.
15. Қозоғистон Республикаси	12.06.96 й.	21.10.97 й.
16. Руминия	06.06.96 й.	17.10.97 й.
17. Хитой Халқ Республикаси	03.07.96 й.	03.07.96 й.
18. Индонезия Республикаси	27.08.96 й.	11.11.98 й.
19. Белгия Қироллиги	14.11.96 й.	08.07.99 й.
20. Қирғизистон Республикаси	24.12.96 й.	17.03.00 й.
21. Греция Республикаси	01.04.97 й.	15.01.99 й.
22. Люксембург Буюк Герцоглиги	02.07.97 й.	02.09.00 й.
23. Малайзия	06.10.97 й.	10.08.99 й.
24. Корея Республикаси	11.02.98 й.	25.12.98 й.
25. Финляндия Республикаси	09.04.98 й.	07.02.99 й.
26. Латвия Республикаси	03.07.98 й.	23.10.98 й.
27. Исроил	15.09.98 й.	09.03.99 й.
28. Таиланд Республикаси	23.04.99 й.	21.07.99 й.
29. Германия Федератив Республикаси	07.09.99 й.	14.12.01 й.
30. Миср Араб Республикаси	21.09.99 й.	
31. Канада	17.06.99 й.	14.09.00 й.
32. Чехия Республикаси	02.03.00 й.	15.01.01 й.
33. Австрия Республикаси	14.06.00 й.	01.08.01 й.
34. Италия Республикаси	21.11.00 й.	
35. Португалия Республикаси	14.09.01 й.	
36. Нидерландия Қироллиги	18.11.01 й.	27.05.02 й.
37. Япония (СССР Шартномаси)	18.01.86 й.	27.11.86 й.
38. Литва Республикаси	18.02.02 й.	11.11.02 й.
39. Эран Ислом Республикаси	26.04.02 й.	

40.Швейцария Конфедерацияси	03.04.02 й.	
41.Мўғулистон		
42.Словакия	23.04.03 й.	20.10.03 й.

## МАСАЛА

Ўзбек корхонаси (меҳмонхона) хорижий юридик шахс билан меҳмонхонани бошқариш бўйича хизмат кўрсатиш учун шартнома тузган. Ушбу бошқарув бўйича хизматлар хорижий юридик шахснинг доимий Ўзбекистон ҳудудида турадиган менеджер – норезидент томонидан амалга оширилади. Келишилган шартномага мувофиқ бошқарув бўйича кўрсатилган хизматлар учун хорижий юридик шахс - норезидентга йилига 120000 АҚШ доллари миқдорида даромад олиши лозим.

**Савол.** Норезидент томонидан олинган даромад Ўзбекистонда солиққа тортилади-ми?

Ечим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошқарув бўйича кўрсатилган хизматлар «доимий муассаса» ташкил этишга олиб келади, чунки 1416-сонли Йўриқномага асосан ушбу термин деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида даромад олиш мақсадида актив фаолият юритиш жойига тушунилади.

«Доимий муассаса» орқали олинган даромадга 35 фоизлик ставка қўлланилади. Ўзбекистонда «доимий муассаса» орқали даромад олган норезидент фақат шу даромадни олишга кетган харажатларини (масалан, менеджернинг иш ҳақи бўйича) чегириб ташлаш ҳуқуқига эга.

Агарда Ўзбекистон Республикаси ва норезидентнинг яшайдиган давлатлар ўртасида икки ёқлама солиққа тортишдан қочиб бўйича Шартнома имзоланган бўлса, у ҳолда норезидентнинг Ўзбекистонда ушбу даромадни олиш учун тўлаган даромад солиғи норезидентнинг хорижий давлатда солиқ тўлаган вақтида ҳисобга олинади.

Демак, норезидентнинг 120000 долл. суммаси миқдоридаги олган даромади Ўзбекистонда ушбу даромадни олиш билан боғлиқ равишда қилган харажатларини чегириб ташлаган ҳолда солиққа тортилади.

Агарда норезидент Ўзбекистонда йил давомида 183 кундан кам фаолият юритган бўлса, у ҳолда у (ўзининг хоҳишига мувофиқ) даромадни *тўлаш манбаида солиққа тортиши (харажатларни чегириб ташламаган ҳолда)* тартибини танлаши мумкин.

**Мустақил ишлаш учун масала**



Ўзбекистон резиденти бўлган корхона АҚШда ўзининг бўлинмасини очиш пайтида Американинг юридик компанияси билан юридик хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузган.

Америка юридик компанияси 8000 АҚШ доллари миқдоридан юридик хизмат кўрсатган. Иш бажарилганлиги ҳақидаги далолатнома имзоланаётган вақтда курс 1\$ = 931 сўм миқдоридан белгиланган.

**Савол.** Юридик компаниядан олинган даромади бўйича солиқ ундирилиши лозим-ми?

## **2.2. ЖИСМОНИЙ ШАХС – НОРЕЗИДЕНТЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ**

Хорижий жисмоний шахслар икки тоифага бўлинади: Ўзбекистон Республикаси резиденти ва норезиденти.

**Резидент** - чет эллик жисмоний шахсдан (яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 183 кундан ошиқ яшаган) барча олинган, яъни Ўзбекистонда ва унинг ташқарисидан олинган даромадларидан, бир хил ставкаларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси сингари жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ундирилади.

Резидент - чет эллик жисмоний шахслар даромадидан назарда тутилаётган даромадлар ҳақида топширилган дастлабки декларациядаги маълумотлар бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан даромад солиғи ҳисоблаб чиқарилади.

*Жорий йил учун дастлабки декларация топширилмаган ва аввалдан кетиши ҳақида маълумот бўлмаса, у ҳолда ўтган йил якуний декларацияда келтирилган маълумотлар жорий йил учун аванс тўловларини ҳисоблаш учун қабул қилиш мумкин бўлади.*

Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси ҳисобланган халқаро шартномалар ёки битимларга мувофиқ жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасида солиқ тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод этилиш ҳуқуқига эгадир, у бу ҳақида ариза топшириши мумкин.

Халқаро Битимга (шартномага) асосан имтиёзга эга бўлган хорижий шахс давлат солиқ хизмати органига ҳақиқатда Ўзбекистон Республикаси билан солиқ масалаларида Халқаро битимга (шартномага) эга бўлган давлатдан ҳақиқатда доимий туриш жойидан расмий тасдиқланган ҳужжат тақдим этиши лозим.

Ариза даромад олувчи томонидан берилмасдан, балки унинг вакили томонидан ҳам берилиши мумкин. Бундай ҳолатда ариза берувчи вакиллик берилганлиги ҳақидаги тегишли тартибда тузилган ваколатномани тақдим этиши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасида даромад тўланадиган жойдаги давлат солиқ хизмати органига уч нусхада ариза тақдим этилади. Давлат солиқ хизмати органи аризада кўрсатиб ўтилган мамлакатлар билан халқаро шартномалар ва

битимлар қоидаларига мувофиқлигини текшириб чиқиб, тегишли белгини кайд этиб, аризанинг икки нусхасини ариза берувчига қайтариб беради. Ариза берувчи бу нусхалардан бирини Ўзбекистон Республикасида унга даромад тўлайдиган корхона, муассаса ёки ташкилотга тақдим этади. Бунинг асосида солиқ тўловчи Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқдан тўлиқ ёхуд қисман озод қилинади.

Хорижий шерикларига даромадни манбаида тўловчи ўзбек корхоналари норезидентларнинг даромадларини халқаро шартномаларга асосан Ўзбекистонда солиққа тортишда хорижий шахснинг даромад солиғидан озод қилиш бўйича тақдим этган аризаларига асосангина амалга оширилиши кераклигини эсда тутишлари лозим. Агарда даромад манбаи бўлган корхонада норезидент томонидан даромадига солинадиган солиқдан (тўлиқ ёхуд қисман) озод қилиш тўғрисидаги ариза бўлмаса, у ҳолда солиқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ундирилади.

Чет эллик жисмоний шахслар билан битимлар тузиш чоғида, бундай битимларнинг шартларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга оширадиган солиқ тўловчилар ҳамда бошқа шахслар чет эллик жисмоний шахсларнинг солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича харажатларини ўз зиммасига олишини назарда тутадиган солиқ ҳақидаги изоҳларнинг киритилишига рухсат берилмайди.

Хорижий жисмоний шахсга иш берувчи томонидан унинг иш ҳақида Ўзбекистон Республикасида ҳар бир кун турганлиги учун қўшимча равишда тўланган пул маблағи хизмат сафари бўйича тўланадиган компенсация тўлови деб қаралмайди, бунда хорижий жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ташқарида юриши билан боғлиқ бўлган харажатлар бундан мустасно. *Бундай харажатлар шахснинг иш ҳақи га қўшимча тўлов деб қаралади ва солиққа тортиш даромадига қўшилади.*

Чет эллик жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундириш тегишли чет давлатда Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсларига нисбатан ҳам худди шундай чора-тадбирлар кўрилган ҳолларда ўзаро келишув асосида тўхтатилиши ёки чекланиши мумкин.

*Норезидент - чет эллик жисмоний шахслардан тўланган жойидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ундирилади.*

Солиқ солиш мақсадида *норезидент жисмоний шахслар:*

- Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширадиган норезидент сифатида;
- доимий муассаса билан боғлиқликда бўлмаган норезидент шахс сифатида қаралади.

Солиқ солиш мақсадида доимий муассаса деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида даромад олиш учун, *шу жумладан Ўзбекистон Республикасида вакиллик вазифаларини амалга оширувчи **исталган юридик шахслар орқали** (агарда Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган халқаро шартнома ва битимларда бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса) фаолият юритишига тушунилади.*

Юқорида келтирилган «доимий муассаса» тушунчасидан кўриниб турибдики, у юридик шахслар учун келтирилгандан маъно жиҳатдан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширадиган норезидент жисмоний шахс доимий муассаса билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари бўйича солиқ тўловчи ҳисобланади. Бунда 183 кундан ортиқ бўлмаган муддатга эга бўлган вақтинчалик иш фаолияти тушунилади.

*Масалан, қўшма корхонада маош олувчи унинг техника бўйича маслаҳатчиси ўзаро шартномага мувофиқ олти ойдан ошиқ муддатга Ўзбекистонда бўлмайди.*

*Бундай шахсларнинг даромадлари Ўзбекистон фуқароларининг даромадлари қандай солиққа тортилса, уларники ҳам худди шундай ставкаларда тортилади.*

Норезидент жисмоний шахсларнинг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги манбадан олган даромадларига уларни тўлаш манбаида чегирмаларсиз, қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

Дивидендлар ва фоизлар	15 %
Хатарни суғурталаш ва қайта суғурталашга тўланган суғурта мукофотлари	10 %
Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасидаги ҳаракатлар чоғида халқаро алоқалар учун телекоммуникация ёки транспорт хизмати (транспорт воситаларини ижарага беришдан бошқа даромадлар)	6 %
Роялти, ижара даромадлари, хизмат кўрсатиш, жумладан бошқарув, маслаҳат бериш ва бошқа хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлар, даромад (фойда) солиғи тўланган даромадлардан бошқа даромадлар	20 %

*Тўлов манбаида солиқ солиш, тўлов Ўзбекистон Республикаси ичида ёки ундан ташқарида амалга оширилганидан қатъи назар, қўлланилади.*

*Бундай норезидентлар гуруҳига бир маротабалик шартнома (масалан, юрист консультацияси), фуқаролик-ҳуқуқий характерга эга бўлган шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пассив даромадлар (фоизлар, дивидендлар, роялти ва ҳ.к.) киради.*

## Мустақил ишлаш учун масала

Австралия фуқароси бўлган жисмоний шахс архитектура бўйича мутахассис Ўзбекистон архитекторлари уюшмасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига икки ой муддатга маърузалар қилиш учун таклиф этилган. Ушбу давр ичида келишилган шартномага мувофиқ унга 800 000 сўм миқдорида даромад тўланиши мўлжалланган.

**Савол.** Бундай ҳолатда хорижий жисмоний шахснинг даромадидан солиқ ушланиши лозим-ми, агарда ушланса қандай ставкаларда?

## 4. МАХСУС СОЛИҚ ТАРТИБЛАРИ

Махсус (алоҳида) солиқ тартиблари қуйидагиларга тааллуқли бўлади:

1. Ягона солиқ тўловчи бўлган кичик бизнес субъектларига.
2. Савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш корхоналарига.
3. Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларга.
4. Қатъий солиқ тўлаш белгиланган тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларинигина амалга оширувчи юридик шахсларга.
5. Лотарейя ўйинларини, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга.
6. Кончилик саноати тармоқлари корхоналарини устама фойда солиғи бўйича солиққа тортиш.

Келтирилган солиқ тартиблари умумий хусусиятларга эга, масалан:

- умумдават солиққа тортиш тизимидагидан фарқли кўпгина солиқ объектлари ўрнига ягона солиққа тортиш объекти ўрнатилган: булар ялпи тушум, ер участкасининг майдони, жиҳозланган жой бўлиши мумкин;
- асосий фаолият тури келтирилган объект бўйича солиққа тортилади, ушбу корхона бошқа фаолият турлари билан шуғулланса, у ҳолда бошқа солиққа тортиш тизимига асосан (ягона солиқ тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар бундан истисно) солиққа тортилади;
- ушбу солиққа тортиш тизимлари одатда имтиёз ва чегараларга эга эмас, агарда имтиёзи бўлса ҳам чегараланган ҳолатлардагина;
- келтирилган тартибда фаолият юритадиган корхоналар божхона тўловларини, давлат божларини, рўйхатдан ўтганлик учун тўловни, лицензия йиғимларини, бюджетдан ташқари жамғармаларга ундириладиган ажратмаларни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги учун компенсация тўловларини тўлашдан озод қилинмаганлар;
- бу солиққа тортиш тизимидаги корхоналарни солиққа тортиш уларнинг молиявий-хўжалик юритиш натижаларига боғлиқ бўлмайди, чунки улар даромад (фойда) солиғига тортилмасдан тушум ва х.к.ларга тортилади;

- уларга нисбатан соддалаштирилган ҳисоблаш усули, ҳисобот топшириш ва солиқ тўлаш (бўнак тўловларсиз) кўзда тутилган.

Аммо, кўпгина ўхшашлик томонлари бўлишига қарамасдан, уларнинг ҳар бирини солиқ базасини аниқлашда, ҳамда бошқа элементлари, масалан солиқ тўлаш муддатлари, солиқ бўйича ҳисоботларнинг шакллари ва ҳ.қ.лари ўзига ярашур махсус хусусиятларга ва бир-бирига ўхшамаган томонларга эга.

#### 4.1. МИКРОФИРМА ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИ

Соддалаштирилган солиққа тортиш тизимини қўллаш бўйича тартиб ЎзР. ВМ 1998 йил 15 апрелдаги 159-сонли Қарорида Солиқ кодексига мос равишда унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан келтирилган.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими умумдават солиқлари йиғиндиси, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жорий этадиган, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига, юридик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим бундан мустасно, ягона солиқнинг тўланишини назарда тутди.

Солиққа тортиш тизимини танлаш ҳуқуқи микрофирма ва кичик корхоналар ихтиёрига қўйиб қўйилган қуйида келтирилган микрофирма ва кичик корхоналар бундан мустасно:

- савдо-сотик ва умумий овқатланиш соҳалари;
- қатъий солиқ тўлаш белгиланган тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турлари;
- ягона ер солиғи тўловчиси бўлган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар;
- маҳсулотни бўлиш шартномаси бўйича ишларни бажараётган қатнашувчилар;
- лотарея ўйинларини, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этувчилар.

Соддалаштирилган солиққа тортиш тизимига фаолият турига қараб ўртача **ходимлар сони маълум мезонга** жавоб берадиган барча кўринишдаги эгалик ҳуқуқидаги юридик шахслар ўтиши мумкин, бунда **солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими учун фаолият тури Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси белгилаган код бўйича аниқланади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги «1998 йил 9 апрелдаги "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида»ги ПФ-3305-сонли Фармонига мувофиқ:

2004 йилнинг 1 январидан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига қуйидагилар киради:

якка тартибдаги тадбиркорлар;

ходимларининг ўртача йиллик сони банд бўлган *микрофирмалар*:

- ишлаб чиқариш тармоқларида - 20 кишидан;

-хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда - 10 кишидан;

-улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида - 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;

қуйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони:

- енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноати - 100 кишидан;

- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари - 50 кишидан;

- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар - 25 кишидан ошмаган *кичик корхоналар*.

Юқорида кўрсатиб ўтилган микрофирма ва кичик корхоналарга амалдаги қонунчилик билан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференциялари татбиқ этилади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар юқорида санаб ўтилган тижорат ташкилотларига улар томонидан ваколатли ташкилотларга (давлат солиқ, божхона хизмати органлари, давлат статистика органлари, банклар ва бошқаларга) имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар хусусиятидан келиб чиқиб, кичик тадбиркорлик субъектлари эканлиги ҳақида хабарнома тақдим этган ҳолда қилинган мурожаатлар асосида берилади. Хабарноманинг тўғрилиги учун жавобгарлик хабарномани тақдим этган субъектлар зиммасига юклатилади.

Микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун ва кейинги уч ойга улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ўртача йиллик ходимлари сонини аниқлашда шўъба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарда ишловчи ходимлар сони ҳам ҳисобга олинади.

Соддалаштирилган солиққа тортиш тизимини қўллайдиган микрофирма ва кичик корхоналар импорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ундириладиган божхона божларини, акциз солиғини ва қўшилган қиймат

солиғини, ҳамда давлат божларини, лицензия йиғимларини, бюджетдан ташқари жамғармаларга ундириладиган ажратмаларни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги учун компенсация тўловларини тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Ягона солиқни тўловчи бўлган корхоналар сотиб олинган товар ва хом ашё (материаллар) қийматидаги тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини бу товарлар (консигнацион товардан ташқари, бунда келтирилган материаллар, кўрсатилган хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи давр харажатларига киритилади) ва хом ашё (материал) қийматига киритади. Етказиб берувчига иш ва хизматлар учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси бажарилган ишлар, хизматлар қиймати билан бирга харажатларга киритилади.

Акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар белгиланган тартибда акциз солиғини солиқни тўлаган тақдирда ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин.

*Бундай ҳолатда ягона солиқнинг солиқ базасига акциз товарларини сотишдан тушган (акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда) тушум ҳам киритилади.*

2004 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган фойдали қазилмаларни қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаган тақдирда ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин.

Агар ягона солиқни тўловчи бўлган корхоналар асосий воситалар ва номоддий активларни ижарага берсалар, унда улар ижарага берилган (молиявий лизингдан ташқари) бу активлар қийматидан мол-мулк солиғини умумбелгиланган тартибда тўлайдилар.

Бунда ушбу корхоналарга экспорт қилувчи корхоналар учун мол-мулк солиғи бўйича берилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

*Ягона солиқ тўлайдиганлар қуйидаги имтиёзларга эга:*

1) Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўлловчи ва ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмасининг мулки бўлган, ишловчилар умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўлашдан озод этилади.

Мазкур имтиёз савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарга жорий этилмайди.

2) ЎзР ВМсининг «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчи ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 13 ноябр 390-сонли Қарорига мувофиқ ишлаб чиқарувчи микрофирма ва кичик корхоналарнинг олган тушумларидан:

- микрофирмалар ва кичик корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан ягона солиқни амалдаги ставкадан *25 фоизга камайтирилган ставка* бўйича тўлайдилар;

- ишлаб чиқариш корхоналарининг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш табиий ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига олинган даромадлари (фойдаси) даромад (фойда) солиғи ва *ягона солиқ тўлашдан озод қилинади*.

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 8 январдаги ПФ-3376-сон Фармонида мувофиқ экспорт қилувчи корхоналар учун умумий савдо-сотик ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти улушига қараб даромад (фойда) солиғи ҳамда мулк солиғи тўлашнинг қуйидаги тартиби ўрнатилди:

- экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида – ягона солиқ ставкаси 30 фоизга камайтирилади;

экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида - белгиланган ягона солиқ ставкаси 2 баравар камайтирилади.

Ягона солиқ солиш объектига қуйидагилар киритилмайди:

- *давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қозғозлари бўйича даромадлар*;

- *дивидендлар ва фоизлар, тўлов манбаида солиқ тўланганлиги тўғрисида тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлганда*;

- *дивидендлар тарзида олинган ва улар олинган юридик шахснинг устав капитали (фонди)га йўналтирилган даромадлар*.

Қуйидагилар ягона солиққа тортиш объектлари ҳисобланади:

харид, таъминот-сотиш корхоналари, воситачилик ҳақи - ялпи даромад шартномаси бўйича хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар, ҳамда брокер фирмалари учун - **ялпи даромад**;

халқ хўжалигининг қолган тармоқлари корхоналари учун - **ялпи тушум**.

Бунда, қурилиш, қурилиш-монтаж, тузатиш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун **ўз кучлари билан** бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ялпи тушум таркибига қуйидагилар киради:

- *маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган тушум суммаси*;

- *бошқа сотишлардан олинган даромадлар (ВМнинг 28.12.2004й. 610-сонли Қарори 32-илова)*

- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар.

Бунда баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан даромад бўлиб, мусбат ва манфий курс фарқлари ўртасидаги сальдо ҳисобланади. Агар манфий курс фарқининг суммаси мусбат фарқниқидан ошиб кетса, ошиб кетган сумма ягона солиқни ҳисоблаб чиқараётганда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.



- *Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ белгиладиган бошқа даромадлар.*

Ялпи даромад таркибига қуйидагилар киради:

- *товарнинг харид ва сотиш қийматлари ўртасидаги фарқ;*
- *молиявий фаолиятдан олинган даромадлар.*

Бунда баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан даромад бўлиб, мусбат ва манфий курс фарқлари ўртасидаги сальдо ҳисобланади. Манфий курс фарқининг суммаси мусбат фарқниқидан ошиб кетса, ошиб кетган сумма ягона солиқни ҳисоблаб чиқараётганда солиқ солинадиган базани камайтирмайди;

- *бошқа сотишдан олинган даромадлар;*

- *Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ белгиладиган бошқа даромадлар.*

Солиқ қонунчилигига мувофиқ молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларга қуйидагилар киради:

- олинган роялти;

- *Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;*

- мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш);

- валюта ҳисобварақлари, шунингдек, чет эл валюталаридаги операциялар бўйича ижобий курс тафовутлари;

- сарфланган (қимматли қоғозларга, шуъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар;

- молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Бошқа сотувдан тушган даромадларга қуйидагилар киради:

- асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал, товар-моддий бойликларни ва хўжалик субъектининг бошқа мулкларини сотишдан келадиган даромад.

Бошқа даромадларга қуйидаги кўринишдаги даромадлар киради:

- ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари, шунингдек, етказилган зарарларни ундириш бўйича даромадлар;

- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда;

- ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан рента даромади, хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сифатидаги бошқа даромадлар;

- хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фондларини ва бошқа мол-мулкларини сотишдан олинган даромадлар;
- даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;
- товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш;
- холисона молиявий ёрдам;
- бошқа операцион даромадлар.

*Курслар орасидаги фарқни ҳисобга олиш бўйича масала.*

*Агарда жорий даврда валютанинг мусбат курсдаги фарқ 240 минг сўм, манфий курсдагиси эса 220 минг сўм бўлган бўлса, у ҳолда ялпи даромадни (ялпи тушумни) қуйидаги  $(240 - 220) = 20$  минг сўм мусбат сальдони ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш лозим бўлади.*

*Агарда жорий даврда валютанинг мусбат курсдаги фарқ 240 минг сўм, манфий курсдагиси эса 260 минг сўм бўлган бўлса, у ҳолда манфий курсдан юқори бўлган фарқ (20 минг сўм) ягона солиқни ҳисоблашда солиққа тортиш базасини камайтирмайди.*

### Ягона солиқ ставкалари

Тўловчилар	Товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажмидан фоизларда
1. Харид, таъминот-сотув корхоналари, брокерлик фирмалари, воситачилик ҳақи - ялпи даромад шартномаси бўйича хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар	30*
2. Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шунингдек норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи корхоналар	35
3. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар	50
4. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, ягона ер солиғи тўловчилари бўлиб ҳисобланадиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан ташқари**	6
5. иктисодиётнинг бошқа соҳаларидаги корхоналар	12**

\*) ялпи даромадга нисбатан фоизларда.

\*\*\*) лизинг компаниялари учун лизинг берувчининг (маржа) даромадига нисбатан фоизларда.

Ягона солиқ суммаси маҳаллий бюджетга ундирилади.

Бир неча фаолият турларини амалга оширадиган ягона солиқни тўловчилар фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича солиққа тортиш

объектининг алоҳида ҳисобини юритиши ва муайян фаолият турининг солиқ солинадиган объекти ва унга мувофиқ келадиган ягона солиқ ставкаси асосида ягона солиқнинг ҳисоб-китобини амалга ошириши керак.

*Мисол*

*Таъминот-сотув корхонаси маҳсулот ишлаб чиқариши билан ҳам шуғулланади. Бунда корхона тушган даромадини алоҳида ҳисобини юритиши ва таъминотчилик фаолиятдан олинган ялпи даромадни (товарларнинг сотиб олинган ва сотилган нархлари ўртасидаги фарқ) 30%, ишлаб чиқариши фаолиятдан тушган ялпи тушумни 12% солиққа тортиши лозим бўлади.*

Операциялар кўринишидаги ва молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадларга асосий фаолият турида кўрсатилган ставка қўлланилади.

*Мисол.*

*Ишлаб чиқариши корхонаси мусбат курс кўринишида 100 минг сўм фарқга эга бўлган даромад олган.*

*Бундай ҳолатда ушбу даромад корхонанинг ялпи тушумига қўшилади, ва бу даромадга нисбатан 12 фоизлик ставка қўлланилади, чунки корхонанинг коди –ишлаб чиқариши. Ушбу даромадга нисбатан ягона солиқ суммаси  $100,0 \times 12\% = 12,0$  минг сўмни ташкил этади.*

*Агар мусбат курс кўринишида фарқга эга бўлган даромад таъминотчи корхона томонидан олинса, у ялпи даромадига қўшилади ва 30% ставкада солиққа тортилади. Бундай ҳолатда мусбат курс кўринишидаги фарқга нисбатан ягона солиқ суммаси  $100,0 \times 30\% = 30,0$  минг сўмни ташкил этади.*

Корхоналар солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтиши учун улар рўйхатдан ўтган жойидаги давлат солиқ хизмати органларига чорак бошлангунига қадар бир ой қолишидан кечиктирмасдан ёзма ариза бериши зарур.

*Корхонанинг солиққа тортиши соддалаштирилган тизимига ўтиши ҳақидаги қарор ёки далилланган рад жавоби давлат солиқ хизмати органи томонидан корхонанинг ариза берган кунидан бошлаб ўн кун давомида чиқарилади.*

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтишда корхоналарнинг бундан олдинги давр учун ўша даврда амал қилиб турган солиққа тортиш тизими асосида солиқларни тўлашга доир мажбуриятлари сақлаб қолинади.

Масалан, корхона II-чоракдан ягона солиқ тўлаш тизимига ўтилса, I-чорак учун тўланиши белгиланган барча солиқларни тўлаши шарт. Одатда, агар юридик шахс ягона солиқ тизимига ўтгунга қадар қўшилган қиймат солиғидан манфий сальдога эга бўлса, ёки молларнинг баъзи бирлари ишлатилмаган, аммо лекин улар бўйича ҚҚС аввал ҳисобга киритилган (ишлаб чиқаришда ишлатилган) бўлса, у ҳолда қийинчилик туғдирадиган ҳолат пайдо бўлади. Бундай ҳолатларда I-чорак учун берилган қўшилган қиймат солиғи бўйича охириги ҳисоботга тузатиш киритиш лозим бўлади,

ишлатилмай қолган моллар бўйича аввал ҳисобга киритилган ҚҚСни ишлаб чиқариш харажатлари (айланмасига), таъминотчи, тайёрловчи корхоналар бўйича – товарнинг сотиб олиниш нархига киритилади.

*Масалан, таъминотчи ташилот жорий йилнинг март ойида ҚҚС тўловчи бўлиб турган вақтида 12000 минг сўмга товар қабул қилиб олган ва тўланган қўшилган қиймат солигини 2000 минг сўмни  $(12000 : 120\% \times 20\%)$  шу заҳоти ҳисобга киритган. Март ойи давомида мавжуд товарлардан бир қисми, яъни таннархи 4000 минг сўм бўлган товарлар сотилган, қолган қисми – таннархи 6000 минг сўм бўлган қисми сотилмасдан қолган. 1 апрелдан ташилот солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган ва қолган товарларни ҚҚСсиз реализация қилган. Бундай ҳолатда 1 апрелдан кейин сотилган товарлар бўйича аввал ҳисобга киритилган қўшилган қиймат солигини ҚҚС ҳисобининг 1-устунида тузатиши киритилиши ва қайта ҳисобланган ҚҚСни солиқ инспекциясига топширилиши шарт. Ушбу сумма қуйидагини ташилот этади:  $(20\% \times 6000) = 1200$  минг сўмни солиқ бўйича ошиқча тўланган қисми мавжуд бўлмаса, бюджетга тўлаб қўйилиши лозим.*

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўлланишдан воз кечиш ва солиққа тортишнинг белгиланмаган тизимига қайтиш навбатдаги тақвимий йил бошидан бошлаб давлат солиқ хизмати органига тегишли аризани тақвимий йил тугалланишига 15 кун қолишидан кечиктирмасдан берган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ягона солиқни тўлашдан солиққа тортишнинг бундан олдинги тизимига ўтиш йил давомида амалга оширилмайди.

Рўйхатга олинган пайтданоқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллашга қарор қилган янги ташкил этилган корхоналар, рўйхатдан ўтган жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ёзма ариза берадилар. Бунда солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллашга рухсатнома талаб қилинмайди.

### **Ягона солиқни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари**

Ягона солиқ тўловчилар томонидан мустақил равишда солиқ солинадиган оборот ва тасдиқланган ставкалар асосида ҳисоблаб чиқилади.

Ягона солиқ бўйича ҳисоб-китоблар давлат солиқ хизмати органларига чораклик ва йиллик ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

### **Кичик тадбиркор субъектлари ягона солиғининг ҲИСОБ-КИТОБИ**

Т/р	Кўрсаткичлар	Солиқ тўловчининг маълумотлари бўйича
-----	--------------	---------------------------------------

1.	Ялпи тушум (ялпи даромад) - жами	
2.	Ягона солиқ ставкаси (фоизларда)	
3.	Ягона солиқ суммаси	
4.	Бюджетга олдинги ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган ягона солиқ	
5.	Тўланиши лозим, жами (3сатр - 4-сатр)	
6.	Камайтирилади, жами (3сатр - 4-сатр)	

Ягона солиқ бюджетга йилнинг ҳар чорагида ўсиб боровчи яқун бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмасдан тўланади.

Ягона солиқ ҳисобланган миқдорининг 7 фоизини Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги (ЎзР. ВМсининг 2001 йил 30 майдаги 240-сон Қарори) Низомга мувофиқ:

Ягона солиқ тўловчиси ҳисобланадиган ва Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси маҳаллий бўлимлари билан ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисида шартномалар тузган кичик бизнес корхоналари (савдо корхоналаридан ташқари) ягона солиқ ҳисобланган миқдорининг 7 фоизини Жамғармага ўтказадилар.

Кичик бизнес корхоналари томонидан ягона солиқ ҳисобланган миқдорининг 7 фоизини ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги шартномалар асосида Жамғармага ўтказиш давлат бюджетига мажбурий тўловларга тенглаштирилади.

Ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисида шартномалар тузишган кичик бизнес корхоналари ягона солиқни тўлаётганда иккита тўлов топшириқномасини расмийлаштирадилар:

бюджетга - ягона солиқ ҳисобланган миқдорининг 93 фоизи миқдорида;

Жамғармага - ягона солиқ ҳисобланган миқдорининг 7 фоизи миқдорида.

Кичик бизнес корхоналари ягона солиқ миқдоридан маблағлар ўтказишни амалга оширганда ўзлари ҳисобда турган жойдаги солиқ органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

"Камолот" ҳаракати ижро этувчи органи билан ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги шартнома нусхаси;

ҳисобот даврида ҳисобланган ва тўланган ягона солиқ миқдори ҳисоб-китоби.

Ягона солиқнинг ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги шартномалар асосида Жамғармага тегишли бўлган қисмини ўтказиш муддатлари кичик бизнес субъектлари томонидан бузилган тақдирда улардан қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат бюджетига ўтказиладиган пеня ундирилади.

## **Масала**

Ягона ер солиғи тўловчи ишлаб чиқарувчи (фаолият коди бўйича)

корхона жорий йилда куйидаги кўрсаткичларга эга:

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш натижасидаги тушум – 6500 минг сўм;
- ноликвид материалларни таннархи 85 сўм бўлганда, уларни 153 минг сўмдан сотилди;
- давлат қимматбаҳо қоғозларидан олинган даромад – 35 минг сўм;
- мусбат курслардаги фарқ – 52 минг сўм;
- манфий курслардаги фарқ – 45 минг сўм;
- суд томонидан ушбу корхонага берилган жарима – 368 минг сўм;
- даъво қилиш муддати ўтган кредитор қарз – 550 минг сўм;
- Текинга мулк олинган – 280 минг сўм.

**Савол:** Жорий давр учун ягона солиқнинг суммасини ҳисобланг.

**Ечим:**

Аввал солиқ солиш базасини аниқласак. Унга давлат қимматбаҳо қоғозларидан олинган - 35 минг сўм кирмайди. Курслар орасидаги фарқнинг сальдоси олинади, яъни  $(52 - 45) = 7$  минг сўм. қолган ҳамма даромадларни кўшиб, асосий фаолияти турига тўғри келадиган 12% ставка қўлланилади. Ўтмай қолган (ноликвид) молларни сотиш бошқа активларни сотиш сифатида кўрилиб, савдо фаолияти сифатида кўрилмайди.

Солиқ солиш базаси:  $6500 + 68 + 7 + 368 + 550 + 280 = 7773$  минг сўм.

Ягона солиқ суммаси :  $7773 * 12\% = 932,76$  минг сўм.

## 3.2. САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

### Умумий тартиб

ЎзР. ВМ.нинг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида»ги 2002 йил 26 ноябрдаги қарорига мувофиқ 2002 йил 1 декабрдан тартиб ўрнатилган бўлиб, унга асосан *улгуржи савдо билан юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар* улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи **рухсат гувоҳномаси** олган тақдирдагина шуғулланишлари мумкин бўлади.

**Рухсат гувоҳномаси** юридик шахсларга фақат улгуржи савдони амалга ошириш учун моддий-техник базаси (товарларнинг сақланишини, туркумланишини, навларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи ўз омборхоналари ва асбоб-анжомлари) мавжуд бўлганида ва рўйхатдан ўтиш вақтида энг кам ойлик иш ҳақининг камида 4600 баравари, шундан пул маблағлари - энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1530 баравари миқдоридаги устав жамғармасини шакллантирганларга берилиши мумкин.

Рухсат гувоҳномаси улгуржи савдо билан шуғулланувчи субъект

томонидан берилган аризада кўрсатилган, бироқ уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан улгуржи савдони амалга ошириш қоидалари бузилганлиги аниқланган тақдирда рухсат гувоҳномаси давлат солиқ хизмати органи тақдимномасига кўра уни берган туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан қайтариб олиниши мумкин.

Рухсат гувоҳномасининг амал қилиши ой мобайнида савдо айланмаси мавжуд бўлмаганда давлат солиқ хизмати органи тақдимномасига кўра, хизмат кўрсатувчи банк ахбороти асосида тўхтатиб турилиши мумкин. Рухсатномани берган туман (шаҳар) ҳокимлиги корхонанинг товарлар сотиб олиш ва сотиш юзасидан шартномалар, шунингдек ушбу товарларни сотиб олиш учун пул маблағлари манбаи мавжуд бўлган тақдирда рухсат гувоҳномасининг амал қилишини тиклаши мумкин.

Товарлар фақат тузилган шартномалар асосида ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида қуйида келтирилганларга улгуржи сотилиши мумкин:

- *назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо тармоғига эга бўлган юридик шахсларга;*

- *махсус истеъмолчиларга, давлат таъминоти муассасаларига, давлат таъминоти муассасаларини таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган савдо фирмаларига;*

- *юридик шахсларга ўзининг хўжалик фаолиятида ишлаб чиқаришлари учун;*

- *юридик шахс бўлмасдан тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ва назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун чакана савдо учун шарт-шароитлари мавжуд бўлган жисмоний шахсларга - фақат кичик туркумлар билан.*

Чакана савдо билан шуғулланувчи юридик шахслар улгуржи савдо қилсалар, у ҳолда шартномага рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг турғун савдо шохобчаси мавжудлиги ва назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотнома илова қилиниши шарт.

Товарларни кичик туркумларда турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга сотилган тақдирда шартномага сотиб олувчи рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг турғун савдо шохобчаси мавжудлиги ва назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси илова қилиниши шарт.

Юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар чакана савдо билан фақат турғун чакана савдо шохобчаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимликларида чакана савдони амалга оширишга **рухсат гувоҳномаси** олган тақдирда шуғулланиши мумкин.

**Рухсат гувоҳномаси** юридик шахсларга фақат товарларнинг

сақланишини, туркумланишини, навларга ажратилишини ва чакана сотиш учун қадоқланишини таъминловчи савдо асбоб-анжомлари, шунингдек назорат-касса машиналари билан жиҳозланган ўзининг ёки бошқа юридик шахслардан ижарага олинган чакана савдо объектлари мавжуд бўлганда берилиши мумкин. Бунда рухсат гувоҳномаси ҳар бир турғун чакана савдо шохобчасига аризада кўрсатилган, бироқ икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

Тошкент шаҳри, вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларнинг турғун савдо шохобчаларида **чакана савдо** билан шуғулланувчиларга **рухсат гувоҳномаси** берилишида савдо зали майдони 150 квадрат метрдан ошиқ бўлса, у ҳолда улар тўловларни **пластик карточкалар билан** қабул қилиш терминаллари билан жиҳозланган бўлиши шарт (ВМнинг 24.09.2004 йилдаги қарори).

Чакана савдони амалга ошириш қоидалари хўжалик юритувчи субъект томонидан бузилганлиги аниқланган тақдирда рухсат гувоҳномаси уни берган туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан давлат солиқ хизмати органлари тақдимномасига кўра қайтариб олиниши мумкин.

Рухсат гувоҳномасининг амал қилиши ҳафта мобайнида савдо айланмаси мавжуд бўлмаган ёки нақд пул тушумини инкассация қилиш қоидалари бузилган тақдирда давлат солиқ хизмати органи тақдимномасига кўра, хизмат кўрсатувчи банк ахбороти асосида тўхтатиб турилиши мумкин. Рухсатномани берган туман (шаҳар) ҳокимлиги рухсат гувоҳномасининг амал қилишини, товарларни сотиб олиш ва сотиш юзасидан шартномалар, шунингдек ушбу товарларни сотиб олишга пул маблағлари манбалари мавжуд бўлган тақдирда тиклаши мумкин.

Таъмирлаш ишлари ўтказилиши муносабати билан, шунингдек бошқа шунга ўхшаш ҳолларда фаолият вақтинчалик тўхтатиб турилган тақдирда, юридик шахс рухсат гувоҳномаси берган тегишли органи ва давлат солиқ хизмати органини ёзма равишда хабардор қилиши керак.

Товарларни *чакана сотувчи* юридик шахслар томонидан *фақат турғун савдо шохобчалари орқали, назорат-касса машиналарини мажбурий қўлланган ҳолда амалга оширилиши мумкин*. Чакана савдони кўчма равишда (дўкончаларда) амалга оширишга йўл қўйилмайди, салқин ичимликлар ва музқаймоқлар сотиш бундан мустасно.

Кўчма савдони фақат юридик шахслар томонидан жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг савдони амалга оширишнинг аниқ муддатлари ва жойлари кўрсатилган ҳолдаги рухсатномалари асосида, шунингдек тантаналар кунларида, савдо хизмати кўрсатиш юзасидан юридик шахслар билан тузилган шартномалар асосида, шартномада кўчма савдога қўйиладиган товарлар турлари ва миқдорини кўрсатган ҳолда амалга оширишга йўл қўйилади.

Чакана савдони амалга оширувчи юридик шахслар товарларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга, қонун ҳужжатларида белгиланган



ҳолда сотиш жойларида сотилаётган товарларнинг мувофиқлик сертификатларига эга бўлишлари шарт (агарда қонун ҳужжатларида белгиланган бўлса). Сотиладиган товарлар витриналарга қўйилган бўлиши ва келиб чиққан мамлакати, ишлаб чиқарувчиси ва нархи кўрсатилган нархномаларга эга бўлиши керак. Яроқлилик муддатига эга бўлган товарларни сотиш чоғида нархномаларда яроқлилик муддати ҳам кўрсатилган бўлиши керак.

Ҳозирги кундаги қонун ҳужжатларида савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиққа тортиш тизимини танлаш ҳуқуқи кўзда тутилмаган; улар **корхонада неча ишчи ишлашидан қатъи назар** фақат ялпи даромад солиғи тўловчиси бўладилар.

2003 йил 1 январдан бошлаб умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. *Хусусий тадбиркорлар ушбу фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмаслар.* Ушбу тартиб умумий овқатланиш соҳасида уй шароитларида ёки давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қилмасдан доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш бўйича хизматлар кўрсатишга татбиқ этилмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, халқ истеъмол товарларини сотиш ЎЗР. ВМнинг 1999 йил 19 март «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 125-сонли Қарорига мувофиқ тартибга солинади, унинг асосий қоидалари қуйида келтирилган.

«1999 йил 1 апрелдан белгилансин:

улгуржи савдо билан шуғулланиш ҳуқуқига моддий-техника базасига эга бўлган, товарларни чакана савдо корхоналарига бериш учун уларнинг туркумлари сақланиши, танланиши, навларга ажратилиши ва туркумланишини таъминлайдиган юридик шахслар эга бўладилар;

юридик шахслар (ишлаб чиқарувчи ва улгуржи-таъминотчи корхоналар) томонидан товарларни улгуржи савдо қилиш белгиланган намунадаги назорат-касса машиналари билан жиҳозланган, турғун улгуржи ёки чакана савдо қилиш шохобчаларига эга бўлган юридик шахсларга, шунингдек махсус истеъмолчиларга, давлат таъминоти муассасаларига, давлат таъминоти муассасаларини таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган савдо фирмаларига ва улардан ўз ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланувчи корхоналарга **фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича** амалга оширилади;

жисмоний шахсларга товарлар улар юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик сифатида рўйхатдан ўтган ва турғун чакана савдо қилиш учун шарт-шароитлар мавжуд бўлган тақдирда, майда туркумлар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилган ҳолда сотилади;

товарларни улгуржи савдо корхоналаридан, шунингдек, улгуржи-чакана

савдо корхоналарининг бевосита улгуржи савдо базалари ва омборларидан чакана сотишга йўл қўйилмайди;

улгуржи-чакана савдо корхоналари товарларни белгиланган намунадаги касса аппаратлари билан жиҳозланган ўзларининг турғун чакана савдо шохобчалари орқали сотиш ҳуқуқига эга бўладилар;

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, чакана савдо корхоналари товарларни улгуржи сотиш, шу жумладан, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилган ҳолда сотиш ҳуқуқига эга эмаслар.

*Аммо, ВМнинг 24.09.2004 йилдаги 445-сонли Қарорига мувофиқ «чакана савдо корхоналарига юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича товарларни ойлик товар айланиши ҳажмида сотувлар улуши чекланмаган ҳолда сотишга рухсат берилди»;*

истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарларни ўз дўконлари орқали фақат белгиланган намунадаги назорат-касса аппаратларидан фойдаланган ҳолда чакана сотишлари мумкин.

Юридик шахслар томонидан улгуржи савдони амалга ошириш тартиби бузилса, юқорида номи келтирилган 125-сонли ВМнинг Қарорига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектларнинг шу фаолиятдан топган барча даромад (фойда)лари, худди шунча миқдорда жарима ундирилади ва мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ушбу жавобгарлик чоралари ЎзР. ВМнинг 2002 йил 5 август «Пул маблағларининг банкдан ташқарида муомаласини қисқартириш чоратadbирлари тўғрисидаги»ги 280-сонли Қарорида келтирилган.

Бундан ташқари, Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг (АВда 2003 йил 21 июлда 1260-сон билан рўйхатга олинган) 2 банд 7 сўз бошида ўрнатилган тартибни келтириш мумкин. Бунга асосан агар, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги корхоналар (яъни савдо фаолиятидаги соҳада бўлмасалар) асосий фаолият туридан ташқари чакана ёки улгуржи савдо билан шуғуллансалар, улар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисобот юритишлари, солиқ ва йиғимларни тўлашлари шарт, бундан ташқари белгиланган тартибда савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлишлари учун рухсат гувоҳномасига ва савдо қоидаларига риоя қилишлари лозим.

Агарда юридик шахслар асосий фаолиятларидан ташқари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини юридик шахснинг балансида турган **фирма дўконлари** орқали сотишни амалга оширсалар, у ҳолда бундай юридик шахслар ушбу тоифадаги солиқ тўловчилар тўлайдиган барча солиқ, йиғим ва мажбурий тўловларни тўлашлари лозим.

*Масалан:*

*Ишлаб чиқариш корхонасининг балансида фирма дўкони мавжуд бўлиб, у орқали корхона ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотади. Маҳсулотни чакана сотиш орқали тушган тушум корхонанинг жами даромадларида ҳисобга олинади ва корхона тоифасига боғлиқ равишда солиққа тортилади, агарда кичик корхона бўлса, у ҳолда -ягона солиқ, агарда умумбелгиланган тартибдаги солиққа тортиш тизимида бўлса, у ҳолда - бошқа солиқларни тўлайди. Бунда у тушган тушум ҳисобини алоҳида юритмайди.*

Шундай қилиб, ҳозирги кунда қонун ҳужжатларининг юқорида келтирилган тартибларидан келиб чиқиб, асосий фаолият тури бўлмаган, масалан лойиҳалаш, лойиҳа-изланиш, изланиш ишлари билан шуғулланувчи юридик шахслар улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасини олишлари учун ЎзР. ВМ 407-сонли қарорида келтирилган ва ушбу савдо фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга ўрнатилган қуйида келтирилган талабларига жавоб бериши лозим:

1) энг кам ойлик иш ҳақининг камида 4600 баравари, шундан пул маблағлари - энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1530 баравари миқдоридagi устав жамғармасига эга бўлишлари лозим;

2) товарларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини таъминловчи моддий-техник базаси (ўз омборхоналари ва асбоб-анжомлари) мавжуд бўлиши;

3) юридик шахслар солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур:

- ариза;
- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- уставнинг "улгуржи савдо" фаолият тури кўрсатилган, нотариал тасдиқланган нусхаси;
- юридик шахсда тегишли моддий-техник базанинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;
- аризада кўрсатилган муддат мобайнида улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси;
- устав жамғармасининг 407-сонли қарорда талаб қилинган пул маблағлари тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси.

Рухсат гувоҳномасиз улгуржи савдо фаолиятини юритиш тақиқланади, рухсатномасиз фаолият юритиш эса ҳуқуқбузарлик деб қаралади ва субъектга нисбатан белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари кўрилади.

### **Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш**

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низомга (ЎзР АВ томонидан 2003 йил 21 июл 1260-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур Низомнинг амал қилиши улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига, шу жумладан микрофирма ва кичик корхоналарга татбиқ этилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи тушумдан ягона солиқ ва белгиланган даромаддан олинadиган ягона солиқ ўрнига бюджетга ялпи даромад солиғини ва мол-мулк солиғини тўлайдилар.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ҳамда товарлар сотиш ва хизмат кўрсатишдан олинadиган нақд пул тушумини инкассация қилишда белгиланган қоидаларга риоя этиш ялпи даромад солиғини тўлашга ўтишнинг мажбурий шарти ҳисобланади. Бунда мазкур тартиб ўз фирма дўконлари орқали нақд ҳисоб-китобга майда улгуржи ва чакана савдони амалга оширадиган улгуржи савдо корхоналарига татбиқ этилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун:

божхона тўловлари (божхона божлари ва йиғимлари, акциз солиғи ва товарларни (ишлар, хизматларни) импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи);

давлат божлари;

савдо ҳуқуқини берувчи йиғимлар, шу жумладан товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш ҳуқуқига лицензия йиғимлари;

юримдик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим;

давлат мақсадли фондларига ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақланиб қолади.

Мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби амалдаги умумбелгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари асосий фаолият тури (савдо ёки умумий овқатланиш) билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, улар ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисоб юритиши ва қонун ҳужжатларида мазкур тоифадаги корхоналар учун белгиланган солиқлар, йиғимлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловларни тўлаши лозим.

Чунончи, чакана ёки улгуржи савдо ёхуд умумий овқатланиш соҳасидаги кичик корхона асосий фаолият туридан ташқари бошқа фаолият турлари билан шуғулланса (масалан, ишлаб чиқариш фаолияти билан), у ҳолда у ушбу фаолият тури бўйича алоҳида ҳисоб юритиши ва солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган тартибда ягона солиқ тўлаши ёки умумбелгиланган тартибда солиқларни тўлаши лозим.

Агар, чакана ёки улгуржи савдо ёхуд умумий овқатланиш соҳасидаги корхона микрофирмалар ёки кичик корхоналар қаторига кирмаса, бошқа фаолият турлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган барча солиқлар тўланади.

Ялпи даромад солиғи тўловчиларига солиқ солишнинг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқи татбиқ этилмайди.

### **Ялпи даромад солиғи тўловчилари**

Улгуржи ва чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар) ялпи даромад солиғини тўловчилар бўлиб ҳисобланади (бундан буён - корхоналар).

Ялпи даромад солиғи тўловчисини аниқлашда асосий мезон бўлиб юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган корхона фаолиятининг коди ҳисобланади.

Бунда корхонанинг ихтисосланиши ХХТУТ асосий кодига тўғри келиши керак. Агар корхонанинг фаолияти ХХТУТ кодига тўғри келмаса, у ўз фаолияти кодини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистика органларида қайта рўйхатдан ўтказишга ва ушбу тоифадаги корхоналар (фаолият турлари) учун белгиланган тегишли солиқларни тўлашга мажбур.

Агар, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги корхоналар асосий фаолият туридан ташқари савдо билан шуғуллиансалар, улар белгиланган тартибда савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига руҳсат гувоҳномасига эга бўлишлари ва савдо қоидаларига риоя қилишлари лозим.

### **Солиқ солиш объекти**

Ялпи даромад солиғи объекти бўлиб корхонанинг ялпи даромади ҳисобланади. Ялпи даромад таркибига қуйидагилар киради:

реализация қилинган товарларнинг харид ва сотиш баҳолари ўртасидаги фарқ;

асосий фаолиятдан бошқа даромадлар (операцион даромадлар);

молиявий фаолиятдан даромадлар. Бунда баланс валюта моддаларини қайта баҳолашдан даромад бўлиб, мусбат ва манфий курс фарқлари ўртасидаги сальдо манфий курс фарқи суммаси мусбат фарқниқидан ошиб кетган тақдирда ошиб кетган сумма ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқараётганда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган бошқа даромадлар.

Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар тўғрисидаги маълумот «Микрофирма ва кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими» бобида келтирилган.

*Молиявий фаолиятдан олинган даромад ва харажат ҳисобини юритиши бўйича мисол.*

*Ялпи даромаддан солиқ тўловчи бўлган савдо-сотиқ корхонаси молиявий фаолиятдан қуйидаги кўрсаткичларга эга:*

- олинган роялти – 200 минг сўм.*
- мусбат курс кўринишидаги фарқ – 32 минг сўм.*
- манфий курс кўринишидаги фарқ – 24 минг сўм.*
- олинган займлар фоизларини тўлаш бўйича харажатлар – 45 минг сўм.*

*Ялпи даромадлар таркибига роялти кўринишидаги даромад ҳамда курслар орасидаги даромад ва харажатларнинг мусбат сальдоси киради: (200 + 32 – 24) = 208 минг сўм. Олинган займлар фоизларини тўлаш бўйича харажатлар ялпи даромадни камайтирмайди.*

Товарнинг сотиб олиниш нархини аниқлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим.

Олинган товар-моддий заҳиралар қиймати "Товар-моддий заҳиралар" номли 4-сон БҲМСга биноан (ЎзР. АВ томонидан 1998 йил 28 августда 486-сон билан рўйхатга олинган) товар-моддий заҳираларни сотиб олиш, уларни жойлашган ерига етказиш ва тегишли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бўлган транспорт тайёрлов харажатларини барчасини ўз ичига олади.

Товар-моддий заҳираларни сотиб олиш бўйича харажатлар ўз ичига сотиб олиш қийматини, импорт бўйича божхона божлари ва йиғимларини, маҳсулот сертификацияси бўйича харажатларни, таъминловчи, воситачи ташкилотларга тўланган комиссия мукофотларни, солиқларни (корхона келгусида масалан қўшилган қиймат солиғи кўринишида оладиганлардан ташқари) шунингдек, транспорт-тайёрлов харажатлари, хизмат кўрсатиш ва заҳираларни бевосита сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни олади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 сентябрда 1411-сон билан рўйхатга олинган Низомнинг 14-бандига мувофиқ импорт қилинган товар-моддий қимматликлар ва бошқа активларни қиймати (консигнация, шартномалари бўйича импорт қилинган товарлардан ташқари) қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Қ = Кқ + Б + Бх.,$$

бунда, **Қ** - импорт қилинган товар-моддий қимматликлар ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш қиймати **Кқ** - божхона юк декларацияси тўлдирилган санадаги Марказий банк курсидан келиб чиққан ҳолда импорт қилинган товар-моддий қимматликлар ва асбоб-ускуналарнинг контракт қиймати; **Б** - божхона тўлови; **Бх** - "... харажатларининг таркиби ... тўғрисида Низом"нинг 1.1.12-бандига ва "Товар-моддий заҳиралар" номли 4-сонли БҲМСга мувофиқ шакллантириладиган, сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Консигнация шартномалари бўйича импорт қилинган товарларнинг сотиб олиш қиймати товар инвойси бўйича консигнация товарининг қиймати ва сотиш санасидаги Марказий банкнинг курси бўйича БЮД қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда сотиб олиш қийматига консигнатор томонидан тўланган ҚҚС суммаси ва бошқа божхона тўловлари қўшилмайди ва ялпи даромадга солиқ ҳисобланганда, божхона тўловлари суммаси (божхона божи, акциз, ҚҚС) сотилган товарга улушларда солиқ солиш объектдан (ялпи даромадга солиқ) чиқариб ташланади.

*Масалан, консигнация шартномаси бўйича 12300 минг сўмлик товар олинган. ҚҚС ва импорт божи бўйича олинган сумма 3 075 минг сўмни ташкил этади. Жорий даврда 6 648,6 минг сўмлик товарлар сотилган, уларнинг таннари 4 920 минг сўмни, ялпи даромад – 1 728,6 минг сўмни ташкил этган.*

*Ялпи даромад солиғини ҳисоблашда ялпи даромаддан сотилган товарга тўғри келадиган божхона тўловлари суммаси қисмини чиқариб ташланади.*

*Сотилган товарлар қисми:  $4920 : 12300 : 100\% = 40\%$ .*

*Худди шу қисмга тўғри келадиган тўланган божхона тўловларини (40%) ялпи даромаддан чиқариб ташланади. У сумма кўринишида қуйидагини ташкил этади:  $40\% \times 3\,075 = 1230$  сўм.*

*Шундай қилиб, жорий давр учун ялпи даромад =  $1728,6 - 1230 = 498,6$  минг сўм.*

Дивидендлар ва фоизлар шаклида олинган даромадлар солиқни тўлов манбаи бўйича тўланганини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда ялпи даромаддан чегирилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан тўланадиган дивидендлар ва фоизлар (банк кредити бўйича фоизлардан ташқари) умумбелгиланган тартибда 15% ставкада солиққа тортилади.

ВМнинг 2003 йил 1 июлдаги 296-сон қарори билан тасдиқланган «Нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг чекланган устамаларини шакллантириш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, агарда автомобил ёқилғи қуёвчи шахобчаларда (АЁҚШ) белгиланган чекланган устамасидан ортиқ бўлган, маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган чакана нарх билан сотиб олиш нархи ўртасидаги тафовут ялпи даромадга солиқни ҳисоблаб чиқишда солиқ солиш объектига киритилмайди.

### **Ялпи даромад солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби**

Ялпи даромад солиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўзига хос хусусиятларга, жойлашган жойга ва бошқа ўзига хос хусусиятларга боғлиқ ҳолда белгиланадиган ставкалар бўйича тўланади.

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи даромадига  
табақалаштирилган солиқ ставкалари**

Тўловчилар	Қуйидаги ҳудудларда жойлашган корхоналар учун солиқ ставкалари (ялпи даромадга нисбатан фоизда)		
	Тошкент шаҳри ва шаҳарларда	Қишлоқ жойларда	Бориш қийин бўлган тоғли туманларда
Савдо ва чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари	20	18	16
Улардан:			
Умумтаълим мактабларига, мактаб-интернатларга, ўрта-махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш корхоналари	16	14	12

Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган товар айланмаси бўйича ялпи даромаддан амалдаги ставкадан 20 фоизга пасайтирилган ставка бўйича ялпи даромад солиғини тўлайдилар.

Мазкур имтиёзни қўллаш учун чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳисобот даври учун ялпи даромад солиғи бўйича ҳисоб-китобга қуйида келтирилган шаклга мувофиқ хизмат қилувчи тижорат банки томонидан тасдиқланган Маълумотномани илова қиладилар.

**Товар айланмаси ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда  
олинган ялпи даромад ҳажмлари бўйича  
МАЪЛУМОТНОМА**

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
1.	Умумий товар айланмаси	
	Шу жумладан:	
1.1.	Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган	
2.	Ялпи даромад - жами	
	Шу жумладан:	



2.1.	Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган	
------	--	--

Масалан, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда товар айланмаси 15%ни, ялпи даромад умуман корхона бўйича – 120 минг сўмни ташкил этган. Бундай ҳолатда пластик карточкани фойдаланиб олинган ялпи даромад айланмаси 18 минг сўмни (120 x 15 x 100) ташкил этади.

Ялпи даромад солиғи суммаси корхоналар томонидан ҳисобланган ялпи даромад миқдоридан ва белгиланган ставкалардан келиб чиқиб аниқланади. Бунда ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ўсиб борувчи якун билан олиб борилади.

Ялпи даромад солиғи бўйича ҳисоб-китоб корхоналар томонидан улар рўйхатдан ўтган жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15 кунидан кечикмасдан тақдим этилади. Ялпи даромад солиғини ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмасдан тўлайдилар.

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари  
ялпи даромад солиғининг  
ҲИСОБ-КИТОБИ\***

		<i>Минг сўм</i>
<b>Т/р</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Сумма</b>
1.	Солиқ солинадиган ялпи даромад - жами	
	Шу жумладан:	
1.1.	Белгиланган ставка бўйича солиққа тортиладиган	
1.2.	Пластик карточкалардан фойдаланганлик учун имтиёзли ставка бўйича солиққа тортиладиган	
2.	Ялпи даромад белгиланган солиқ ставкаси, %-да	
3.	Пластик карточкалардан фойдаланганлик учун олинган товар айланмасига боғлиқ ҳолда ялпи даромадга тузатилган солиқ ставкаси, %-да (2-сатр x 20/100)	
4.	Ҳисобот даври учун ялпи даромад солиғи - жами:	
4.1.	Белгиланган ставка бўйича (1.1 сатр x 2 сатр/100)	
4.2.	Пластик карточкалардан фойдаланганлик учун имтиёзли ставка бўйича (1.2 сатр x 3 сатр/100)	
5.	Олдинги ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган ялпи даромад солиғи	
6.	Бюджетга тўлаш лозим бўлган ялпи	

	даромад солиғи суммаси (4сатр - 5-сатр)	
--	---	--

Пластик карточкалардан фойдаланганлик учун имтиёзли ставка қўлланилганда ҳисоб-китобга товар айланмаси ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган ялпи даромад ҳажмлари бўйича маълумотнома илова қилинади.

## МАСАЛА

Тошкент шаҳрида жойлашган акциядорлик жамияти бўлган савдо корхонаси жорий давр учун қуйидаги кўрсаткичларга эга:

- сотилган товарлар – 32000 минг сўмлик.
- сотилган товарларнинг сотиб олиш нархи – 27100 минг сўм.
- хўжалик шартномаларнинг шартларини бузганлик учун олинган жарима – 460 минг сўм.
- корхонага қарашли сотиб олинган акцияларни сотишдан – 550 минг сўм (акцияларни сотиб олишда кетган маблағ, яъни уларнинг номинал қиймати – 510 минг сўм).

**Савол.** Ялпи даромад солиғини ҳисобланг.

### **Ечим.**

Ялпи даромад қуйидагиларни ўз ичига олади:

- сотилган товарнинг сотиб олиш нархи билан сотилиш нархлари орасидаги фарқ  $(32000 - 27100) = 4900$  минг сўм.
- тушган операцион даромадлар – 460 минг сўм.
- молиявий фаолиятдан олинган даромад –  $(550 - 510) = 40$  минг сўм.

Жами ялпи даромад:  $4900 + 460 + 40 = 5400$  минг сўм.

Ялпи даромад солиғи ставкаси - 20%.

Ялпи даромад солиғи суммаси – 1 080 минг сўм.

## Мустақил ечиш учун масала

Жорий даврдаги қуйида келтирилган кўрсаткичлари бўйича Тошкент шаҳрида жойлашган савдо корхонасининг **ялпи даромад солиғини ҳисобланг** (млн сўмда):

- сотиш учун товар олинган – 490, 0;
- уни етказиб бериш учун транспорт харажатлари – 11,0;
- ортиш – тушириш ишлари учун кетган харажат – 1,9;
- сотиб олинган барча товарнинг сотилган нархи – 620,0;
- товарни етказиб бериш учун кетган транспорт харажатлари қайтариб берилмайдиган қисми – 8,0;
- қолдиқ нархи бўйича сотилган мол-мулк – 200,0;

- даъво қилиш муддати тугаган дебитор қарзларининг кечилган қисми – 8,5;
- мусбат курслардаги фарқ – 40,0;
- манфий курслардаги фарқ – 42,0;
- хўжалик шартномаларини бузилиши натижасида ҳисоб рақамга келиб тушган жарима суммалари – 22,0.

### **3.4. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРИ УЧУН ЯГОНА ЕР СОЛИҒИ**

Кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланадиган ягона ер солиғи бўйича Тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябр ПФ-2086-сонли Фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабр 539-сонли қарорига биноан ишлаб чиқилган бўлиб, унда ягона ер солиғи тўловчилари бўлган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг бюджет билан ҳисоблашиш механизми келтирилган.

□озирги кунда 2002 йил 5 мартдаги «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги 1102-сонли Йўриқномага асосан ишланмоқда.

Ягона ер солиғи барча қуйида келтирилган умумдавлат (акциз солиғи бундан мустасно) ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига киритилган:

- даромад (фойда) солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи (товарлар (ишлар, хизматлар)нинг импорт қилиниши бундан мустасно);
- экология солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Ягона ер солиғини тўловчи ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун божхона божлари, давлат божлари, лицензия йиғимлари, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмаларни, ҳамда акциз солиғини тўлашнинг амалдаги тартиби сақланади.

**Ягона ер солиғини** қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат)лари, фермер хўжаликлари, агрофирмалар, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи бошқа шахслар **тўлайди**:

Агарда ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар,

улар алоҳида ҳисоб олиб боришлари ва шу тоифадаги тўловчилар учун амалдаги қонун ҳужжатлари билан кўзда тутилган солиқларни тўлашга мажбурдирлар.

Ягона ер солиғини:

- *ўрмон, балиқчилик, овчилик хўжаликларига;*
- *мустақил юридик шахслар ҳисобланмаган ёрдамчи қишлоқ хўжаликларига;*
- *деҳқон хўжаликларига татбиқ этилмайди.*

2004 йил 1 январдан илмий-тадқиқот ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликлари, илмий-текшириш ва илмий ташкилотлар ҳам ягона ер солиғи режимига ўтилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарга танлаш ҳуқуқи берилган, улар бюджетга тўланадиган - ягона солиқ - кичик корхоналар каби ёки ягона ер солиғи - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун белгиланган тизимга ўтишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгаллик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси майдони ягона ер солиғи солиш объекти ҳисобланади.

Бунда қишлоқ хўжалиги ер майдонлари сифати ва уларнинг жойлашиши ер кадастри маълумотлари бўйича қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича қишлоқ хўжалиги ерлари учун ягона ер солиғининг базавий ставкалари, маъмурий туманлар ва шаҳарлар бўйича суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ягона ер солиғининг базавий ставкалари, шунингдек ягона ер солиғининг базавий ставкаларига тузатиш коэффициентлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

### **Ягона ер солиғи бўйича имтиёзлар**

Солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуйидаги ерлар киради:

- қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари;
- ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;
- спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сув ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;
- янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар - лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга;

- таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари банд этган ерлар;
- янги тут кўчатлари экилган ерлар, қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга;
- илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари. Мазкур кичик бандга мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навлар селекциясини амалга ошириш ҳамда мавзу доираси тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ва кўчатлар эгаллаган ер участкалари солиқ тўлашдан озод этилади;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солинмайдиган бошқа ерлар.

#### **Ягона ер солиғини тўлашдан озод этиладилар:**

- *янги барпо этилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан фермер хўжаликлари, давлат рўйхатида олинган пайтдан бошлаб икки йил муддатга;*
- *даромад (фойда) солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод этилган бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари.*

### **Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби**

Ягона ер солиғини тўловчилар мустақил равишда, ер мулклари, базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентларидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарадилар.

Ерларнинг ҳар бир тури бўйича ягона ер солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$C = Sey \times Cc \times Kt,$$

бу ерда:  $C$  - ягона ер солиғи суммаси, сўмларда,  $Sey$  - ер участкаси майдони, гектарларда,  $Cc$  - солиқнинг базавий ставкаси, 1 гектар учун сўмларда,  $Kt$  - тузатиш коэффициенти.

Қишлоқ хўжалиги ерлари учун ягона ер солиғининг базавий ставкалари сифатида қабул қилинган:

- суғориладиган ерлар бўйича - 1 тоифадаги ерлар (бонитет балли 10 гача);
- лалмикор ерлар бўйича - текислик зонаси ерлари;
- пичанзорлар ва ўтлоқлар бўйича - "Чўл" минтақаси ерлари.

Ерларнинг қаерда жойлашгани ва сифати (балл-бонитетга) боғлиқ равишда базавий ставкалар тегишли тузатиш коэффициентларига

тузатилади.

**Балл-бонитет** – бу ернинг сифатини қатламининг унумдорлигини, жойлашган жойини, сув билан таъминланганлигини ва йўл қатновига қулай жойлашганлигини ҳисобга олган ҳолдаги баҳоси.

**Ягона ер солиғининг базавий ставкалари**  
2005 йил учун

(1 га учун - сўмларда)

<b>Минтақалар</b>	<b>Суғориладиган ерлар (1 тоифа)</b>	<b>Лалмикор ерлар (текислик зонаси)</b>	<b>Пичанзор ва яйловлар ("Чўл" минтақаси)</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1737,8	-	49,4
Андижон вилояти	2637,2	316,9	66,6
Бухоро вилояти	2286,1	-	66,6
Жиззах вилояти	1990,6	299,5	61,6
Қашқадарё вилояти	1926,2	331,0	79,2
Навоий вилояти	1853,3	299,5	66,6
Наманган вилояти	2718,3	-	66,6
Самарқанд вилояти	1589,6	299,5	61,6
Сурхондарё вилояти	2450,4	-	61,6
Сирдарё вилояти	2112,9	-	49,4
Тошкент вилояти	6816,4	-	-
Фарғона вилояти	1737,8	-	49,4
Хоразм вилояти	2637,2	316,9	66,6
Тошкент шаҳри	2286,1	-	66,6

\* Суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари учун базавий ставкалар алоҳида жадвалларда туман ва шаҳарлар бўйича келтирилган.

Лалмикор ерлар, пичанзор ва яйловлар бўйича эса юқорида келтирилган жадвалдан фойдаланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ўртача базавий ставка қиймати олинаваради.

Жамоат бинолари, сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар, шу билан биргаликда ишлатилмайдиган бошқа қишлоқ хўжалиги ерлари учун базавий ставка сифатида мос равишда туманлар ва шаҳарлар суғориладиган ерлар учун келтирилган базавий ставкалари олинади.

*Эслатма.* Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари 2004 йил 1 январдан бошлаб, тажриба

тариқасида, ягона ер солигини қишлоқ хўжалиги ерларининг меъерий қийматидан келиб чиқиб 2% ставкада солиқ тўлашга ўтказилдилар («Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида вақтинчалик Низом» (ЎзР. АВ томонидан 2004й. 15 март 1324-сон билан рўйхатга олинган)).

Ягона ер солигининг солиқ солиш объекти бўлиб қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг меъерий қиймати ҳисобланади. Солиқ солиш мақсадида жамоат иморатлари деганда ушбу иморатлар билан бутун бирлик ташкил этадиган ёнғинга қарши ва санитария оралиқларини қўшган ҳолда қурилмалар мажмуи тушунилади.

Бюджетга тўланадиган ягона ер солигининг суммаси қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг умумий майдонига ҳисобланган солиқ суммасидан солиқ тўланмайдиган ерларга (амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўланмайдиган ерлар) ҳисобланган солиқ суммасининг фарқи сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C = C1 - C2 ,$$

бунда: C - бюджетга тўланадиган ягона ер солигининг суммаси; C1 - қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг умумий майдонига ҳисобланган солиқ суммаси; C2 - солиқ тўланмайдиган ерларга тўғри келадиган солиқ суммаси.

### Ягона ер солигининг базавий ставкаларига тузатиш коэффицентлари

Кўрсаткичлар	Коэффициентлар
<b>Суғориладиган ерлар</b>	
0-10 балл- бониненти	(базавий ставка)
11-20	1,50
21-30	2,25
31-40	3,29
41-50	4,67
51-60	6,54
61-70	9,00
71-80	11,68
81-90	14,55
91-100	17,50
Баҳоланмаган ерлар	4,67
<b>Лалмикор ерлар</b>	

Текислик зонаси	(базавий ставка)
Текислик- тепалик зонаси	1,19
Тоғолди ва тоғ зонаси	1,67
<b>Пичанзор ва яйловлар</b>	
"Чўл" минтақаси	(базавий ставка)
"Адир" минтақаси	1,51
"Тоғ" минтақаси	2,05
<b>Жамоат бинолари ва ҳовлиларини банд қилган ерлар</b>	
Суғориладиган ерлар ставкаси (1 тоифа)- базавий	20,44
<b>Сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар билан банд ерлар</b>	
Суғориладиган ерлар ставкаси (1 тоифа)- базавий	0,04
<b>Қишлоқ хўжалигида фойданилмайдиган бошқа ерлар</b>	
Суғориладиган ерлар ставкаси (1 тоифа)- базавий	0,004

Ягона ер солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси ер участкаси жойлашган ердаги маҳаллий бюджетга тўланади. Бунда солиқ суммаси қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчининг хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда тўланади.

Йил давомида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ажратилган ер участкалари учун солиқ *ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб* тўланади.

Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), сотиб олинган, сотилган тақдирда солиқ олиш ер участкаси *олиб қўйилган (камайтирилган), сотиб олинган, сотилган ойдан бошлаб тўхтатилади (қисқартирилади)*.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ер солиғи бўйича *имтиёзлар белгиланганда улар солиқни ушбу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб тўлашни тўхтатадилар*.

Ер солиғи бўйича имтиёзларга ҳуқуқлар бекор қилинган тақдирда улар ер солиғини *ушбу ҳуқуқ бекор қилинган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлашни бошлайдилар*.

**Балиқчилик корхоналари** ҳам ягона ер солиғи тўловчиси бўла оладилар.

**Балиқчилик корхоналари** – булар сунъий ҳавзалар-ҳовузларда балиқ урчитиш, етиштириш ва овлаш билан шуғулланадиган хўжаликлардир. Улардан ундириладиган ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқаришда:

- **сунъий балиқ урчитиш ҳовузлари** банд этган ерлар учун суғориладиган ерлар сифатида тегишли тузатиш коэффициентини қўлланилади, сифати (бонитет баллари) белгиланмаган ерлар учун эса баҳоланмаган ерлар сифатида коэффициент қўлланилади;

- **дамбалар ва жарлар** банд этган ерлар учун қишлоқ



хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар сифатида тузатиш коэффициенти кўлланилади;

- **каналлар, коллекторлар, йўллар ва сув хўжалиги аҳамиятидаги бошқа ерлар банд этган ерлар** учун сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар банд этган ерлар сифатида тузатиш коэффициенти кўлланилади.

Ягона ер солиғи тўлашга фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи (ва балиқчилик хўжалиги), базавий ставкалари тасдиқланган ва **қишлоқ хўжалик ер участкалари мавжуд бўлган** корхоналаргина ўтиши мумкин.  
Бундан ташқари қатор корхоналар мавжудки, уларга ҳукумат қарорлари билан қишлоқ хўжалиги корхонаси мавқеи берилган (масалан, машина трактор парклари). Бундай корхоналар ягона ер солиғи режимига ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари тўлайдиган барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайдилар. Аммо, ушбу корхоналар ягона ер солиғи тўлаш режимига ўта олмайдилар.

Солиқ тўловчилар ягона ер солиғи суммасини мазкур ҳисоблаб чиқадиладар ва давлат солиқ органларига ҳисоб-китобни жорий йилнинг 1 февралигача тақдим этадилар (худди ер солиғи каби).

Ягона ер солиғи йилига уч марта қуйидаги тартибда тўланади:

- *ҳисобот йилининг 1 июлигача - йиллик солиқ суммасининг камида 20 фоизини;*

- *ҳисобот йилининг 1 сентябригача - йиллик солиқ суммасининг камида 30 фоизини;*

- *ҳисобот йилининг 1 декабригача - солиқ суммасининг қолган қисмини.*

Йил давомида ер мулклари таркиби ва майдони ўзгарган тақдирда солиқ тўловчи давлат солиқ органларига ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар ягона ер солиғининг янги ҳисоб-китобини топширади, солиқнинг қолган қисми уни ҳисобга олган ҳолда тўланади.

**200 \_\_\_\_ йилнинг 1 январи ҳолатига қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари тўлайдиган ягона ер солиғининг  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

<b>Қишлоқ хўжалиги ерлари ту</b>	<b>Майдон,га</b>	<b>Солиқнинг 1 га ерга базавий ставкалари, сўм</b>	<b>Тузатиш коэффициентлари</b>	<b>Солиқ суммаси</b>
1	2	3	4	5
1. Суғориладиган жамoa қишлоқ хўжалиги ерлари:				
1-тоифа (0-10 балл)				
2-тоифа (11-20 балл)				
3-тоифа (21-30 балл)				
4-тоифа (31-40 балл)				
5-тоифа (41-50 балл)				
6-тоифа (51-60 балл)				

7-тоифа (61-70 балл)				
8-тоифа (71-80 балл)				
9-тоифа (81-90 балл)				
10-тоифа (91-100 балл)				
Баҳоланмаган ерлар				
Жами		x	x	
2. Лалми ва бўз ерлар, суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар:				
текислик (ёғингарчиликлар билан таъминланмаган) зонада				
текислик-тепалик (ёғингарчиликлар билан қисман таъминланган) зонада				
тоғ олди ва тоғ (ёғингарчиликлар билан таъминланган) зоналарда				
Жами		x	x	
3. Суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар:				
"Чўл" минтақасида				
"Адир" минтақасида				
"Тоғ" минтақасида				
Жами		x	x	
4. Сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар банд қилган ерлар				
5. Ижтимоий иморатлар ва ҳовлилар				
6. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар				
Солиқ солинадиган жами ерлар		x	x	
Жумладан, тўлаш муддатлари бўйича:				
1 июлгача (20%)	X	x	x	
1 сентябргача (30%)	X	x	x	
1 декабргача (50%)	X	x	x	
Фермер хўжаликлари умумий ягона ер солиғининг:				
97,5 фоизини бюджетга тўлайдилар	X	x	x	
2,5 фоизини Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлайдилар	X	x	x	
7. Солиқ солинмайдиган ерлар (қишлоқ хўжалиги ерларининг турлари ва майдонлари мазкур Йўриқноманинг 9-бандига мувофиқ келтирилади)				
		x	x	x
Жами солиқ солинмайдиган ерлар		x	x	x
Ерларнинг ҳаммаси				

Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси давр харажатларида ҳисобга олинади.

*Ҳисоблаш учун мисол.*

*Фермер хўжалигига фойдаланиш учун 80 гектар ер участкаси берилган. Ер участкаси Жиззах вилояти Арнасой туманининг суғориладиган ерларида жойлашган бўлиб, сифати жиҳатдан балл-бонитети 61-70 га тўғри келади.*

*Солиқнинг базавий ставкаси бир гектар учун 1476,2 сўм. 61-70 балл-*

бонитет учун коэффициент 9,00 га тенг.

Шундай қилиб, ягона ер солиғи:  $80 \times 1476,2 \times 9,00 = 1\,062\,864$  сўм бўлиб, хўжаликнинг фаолияти натижасига боғлиқ бўлмаган ҳолда тўлаши шарт.

#### **3.4. ҚАТЪИЙ СОЛИҚ БЕЛГИЛАНГАН АЛОҲИДА ТУРДАГИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ**

Бундай тоифадаги шахсларни солиққа тортиш алоҳида турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низомга (ЎзР. АВ 2003 йил 16 февралда 1218-сон билан рўйхатдан ўтган) асосан амалга оширилади.

**Қатъий белгиланган солиқнинг тўловчилари** бўлиб, қуйидаги соҳаларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ҳисобланадилар:

- бильярд ўйнаш хоналари хизматлари;
- автотранспортни қисқа муддатга сақлаш хизматлари кўрсатиш (юридик шахслар);
- болалар ўйин автоматлари;
- ўйин автоматларини ташкил этиш, шу жумладан пул (буюм) ютуқли таваккалчиликка асосланган ўйин автоматлари бўйича фаолият.

Ушбу турдаги қатъий белгиланган солиқ тўловчиларига бошқа тизимга тааллуқли бўлган солиққа тортиш тизимига ўтиш ҳуқуқи берилмаган.

**Қатъий белгиланган солиқ солиш объекти** бўлиб, даромад олиш билан боғлиқ бўлган, фаолиятнинг аниқ турини тавсифлайдиган табиий кўрсаткичлар: **жиҳозланган жойлар сони, банд қилинган майдон ҳисобланади.**

*Масалан, агар тадбиркорлик субъекти 4 та болалар ўйин автоматига ва 2 та ютуқли ўйин автоматларига эга. Бунда ҳар бир жиҳозланган жой солиқ солиш объекти ҳисобланади.*

Юқорида келтирилган соҳаларда фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар аризани, солиқни тўлаш бўйича белгиланган муддатгача тақдим қилиш орқали қатъий белгиланган солиқ тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтказиладиган жойдаги давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришлари шарт. Ушбу аризага солиқ суммасининг ҳисоб-китоби қуйида келтирилган иловага мувофиқ тақдим этишлари лозим.

Тўланиши лозим бўлган қатъий солиқнинг ҳисоб-китоби

Фаолият	Тадбиркорлик	Табиий кўрсаткичлар	Қатъий солиқ	Бюджетга
---------	--------------	---------------------	--------------	----------

турлари	субъектининг жойлаш- ган жойи	Номи	Ўлчов бир- лиги	Жиҳозлашган жой- ларнинг умумий сони (бирлиги), эгалаган майдон	ставкаси (кар- рали мин. иш ҳақига нисб.)	тўланиши лозим бўлган катъий солиқ суммаси (сўм
жами	х	х		х	х	х

Давлат солиқ хизмати органлари қатъий белгиланган солиқ тўловчиси сифатида тадбиркорлик субъектини ҳисобга қўйиш бўйича аризани олгандан сўнг, ушбу аризани бир иш куни мобайнида ҳисоб-китобда келтирилган маълумотлар асосида ҳисобланган солиқ суммаси тўғри акс эттирилганлигини текширган ҳолда кўриб чиқиши шарт.

Солиқ солинувчи объектнинг ҳисоб-китобида кўрсатилган маълумотлар (жиҳозланган жойлар сони (бирлик), банд қилинган (эгаллаб олинган) майдон), энг кам иш ҳақи миқдорининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда солиқ ставкалари ва бошқа кўрсаткичлар ўзгарган тақдирда, тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига ўзгарган шароитларда фаолиятни амалга оширишни бошлагунга қадар ўзгарган ҳисоб-китобларни тақдим қилишлари шарт.

Қатъий белгиланган солиқ жами умумдавлат солиқлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан киритиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига тўланади. Уларга қуйидагилар тўланишининг амалдаги тартиби сақлаб қолинади:

*Импорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ундириладиган божхона божлари, акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи;*

*давлат божлари;*

*давлат мақсадли жамғармаларига ундириладиган ажратмалар;*

*рўйхатдан ўтказиш учун йиғим.*

Агар тадбиркорлик субъекти бир вақтнинг ўзида фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланса, у ҳолда у ҳар бир фаолият тури бўйича алоҳида – алоҳида солиқ тўлайди.

Агар тадбиркорлик субъекти бўлиб ҳисобланган юридик шахслар, қатъий белгиланган солиқ тўланадиган фаолият билан бир қаторда фаолиятнинг бошқа турлари билан ҳам шуғуллансалар, улар *алоҳида ҳисоб олиб боришлари* ва фаолиятнинг бошқа турлари бўйича тўловчиларнинг ушбу тоифаси учун қонун ҳужжатларида кўзда тутилган солиқлар ва йиғимларни тўлашлари шарт.

Қатъий белгиланган солиқ базавий ставкаларининг миқдорлари, табиий кўрсаткичлар, шунингдек базавий кўрсаткичларга нисбатан қўлланиладиган тузатиш коэффициентлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Қатъий белгиланган солиқ ставкаларининг аниқ миқдорлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари томонидан белгиланади.

Тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турлари учун қатъий белгиланган солиқ СТАВКИЛАРИ

№	Фаолият турлари	Солиқ тўловчи	Фаолият турини характерловчи табиий кўрсаткичлар *	Битта табиий кўрсаткичга нисбатан ойлик қатъий белгиланган солиқнинг ставкаси (каррали энг кам иш ҳақига нисбатан) **		
				Тошкент ш.	Вилоятлардаги шаҳарлар	Туманлар, бунга қишлоқлар ҳам қиради
1	Қисқа муддатли автотранспорт воситаларини сақлаш жойлари	Юридик шахслар	Эгаллаган майдони (1 кв. метр)	0,1	0,09	0,06
2	Болалар ўйин автоматлари	Юридик ва жисмоний шахслар	Жиҳозланган жойлар сони (бирлик)	3,0	2,0	1,0
3	Ўйин автоматларини, шу жумладан пул (буюм) ютуқли таваккалчиликка асосланган ўйин автоматлари залини ташкил этиш фаолияти	Юридик шахслар	Жиҳозланган жойлар сони, столлар (бирлик)	35,0	35,0	35,0
4	Бильярд ўйинлари	Юридик ва жисмоний шахслар	Жиҳозланган жойлар сони, столлар (бирлик)	14,0	12,0	10,0

**Эслатма.**

*\*) Агарда тақдим этилган қатъий солиқ бўйича ҳисоб-китобларда, ҳисобга киритилмаган табиий кўрсаткичлар аниқланса, у ҳолда бундай ҳолат солиққа тортиш объектини беркитиш деб ҳисобланади.*

*\*\*\*) Белгиланган солиқ ставкаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятлари маҳаллий шароитдан келиб чиқиб юқорироқ қилиб белгилашлари мумкин.*

Қатъий белгиланган солиқ суммаси давр харажатларига олиб борилади ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Bc = Tk \times C,$$

Бунда: **Бс** - қатъий белгиланган солиқ суммаси, **Тк** - табиий кўрсаткичлар (жиҳозланган жойларнинг умумий сони, эгалланган олинган майдон, **С** - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари томонидан қатъий белгиланган солиқнинг аниқ ставкаси.

Қатъий белгиланган солиқ ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15 санасигача тўланади ва солиқ маҳаллий бюджет ҳисобига тушади.

*Мисол.*

*Юридик шахс Тошкент шаҳрида 500 кв. метрлик автомобилларни қисқа муддатга сақлаш жойига ва 4та болалар ўйнайдиган автоматлари мавжуд бўлган ўйин автоматлари залига эга.*

*Минимал иш ҳақининг қиймати – 6530 сўм.*

*Қатъий белгиланган солиқ автомобил сақлаш жойи ва болалар ўйин автоматлари бўйича алоҳида ҳисобланади.*

*Автомобил сақлаш жойи:*

*- солиқнинг база ставкаси - 1 кв.м. учун мин. иш ҳақининг 0,1 қиймати (0,1 x 6530 = 653 сўм);*

*Қатъий белгиланган солиқ = 500 x 653 = 326 500 сўм.*

*Болалар ўйин автоматлари:*

*- солиқнинг база ставкаси - ҳар бир автомат учун ҳар ойда 3,0 мин. иш ҳақи (3,0 x 6530 = 19 590 сўм);*

*Қатъий белгиланган солиқ = 4 x 19590 = 78 360 сўм.*

*Жами корхона бўйича тўланадиган қатъий белгиланган солиқ: 326500 + 78360 = 404 860 сўм.*

### **3.5. ЛОТЕРЕЯЛАР ВА ТАВАККАЛЧИЛИККА АСОСЛАНГАН БОШҚА ЎЙИНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ**

Ўз.Р ВМнинг 2002 йил 15 ноябрдаги 396-сонли Қарори билан лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш билан шуғулланувчиларни солиққа тортиш бўйича янги тартиби киритилди.

2003 йил 1 январдан бошлаб бундай тоифадаги юридик шахслар даромад (фойда) солиғи, мол-мулк солиғи, экология солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ тўлаш ўрнига ялпи тушумдан **20 фоиз миқдоридаги** ставкада ягона солиқ тўлайдилар.

Агар лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан берилган лицензияга мувофиқ амалга оширувчи юридик шахслар бундай фаолият билан бир қаторда фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланса, улар ушбу фаолият бўйича алоҳида ҳисоб юритиши ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни тўлаши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги минтақавий лотереяларни ташкил этиш бўйича **ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобидаги тузилмалар** бўшаётган маблағларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорларига кўра минтақавий ижтимоий дастурлар ва тадбирларни амалга оширишга мақсадли йўналтирган ҳолда лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этишга оид ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ тўлашдан озод қилинадилар.

Ушбу Қарор билан лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг устав фондининг миқдори ҳам белгилаб берилган бўлиб, у энг кам миқдори учун камида 100 млн. сўм миқдорида белгиланиши ҳамда устав фондининг кўрсатиб ўтилган энг кам миқдори юқорида кўрсатилган фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олишга ариза бериш вақтигача шакллантирилиши керак.

Ушбу субъектларни солиққа тортиш лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ (ЎзР. АВ 2003 йил 21 апрелда 1234-сон билан рўйхатдан ўтган) аниқланади.

Корхонанинг лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш фаолиятдан олган ялпи тушуми унинг учун ялпи тушумдан ягона **солиққа тортиш объекти** ҳисобланади (Пул (буюм) ютуқли, таваккалчилик асосидаги қўйилмаларга асосланган ўйин автоматлари залларини ташкил этишга доир фаолиятдан олинган тушумни чегирган ҳолда. Бундай фаолият ҳар бир жиҳозланган жой, стол учун ойига

энг кам иш ҳақининг 3,5 миқдорида қатъий белгиланган солиқ ставкасида солиққа тортилади.

Солиқ солиш мақсадида ялпи тушум деб ўйин билетлари (карточка, купон, квитанция, жетон ёки бошқа хилдаги ахборот манбаи)ни уларда кўрсатилган нархда тарқатишдан тушган тушум, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги "Пул-буюм лотереялари ўтказишни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 396-сон қарори билан тасдиқланган Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низоми билан белгиланган ютуқлар (совринлар) фондининг энг кичик миқдори, бироқ тарқатилган билетларга чиққан ютуқлар (совринлар) умумий суммасидан кўп бўлмаган миқдорда чегирган ҳолда, тушунилади.

Ўйинларнинг ютуқ (мукофот) фондлари қуйидаги миқдорларда белгиланиши керак:

- тиражли ва лаҳзали лотереялар учун - лотерея билетларини тарқатишдан олинган пул маблағлари суммасидан қатъи назар, чиқарилган лотереялар ҳажмининг камида 40 фоизи миқдорида;

- лотереяларнинг бошқа турлари учун - тарқатилган лотерея билетлари (ёки қабул қилинган ставкалар, танланган комбинациялар) умумий суммасининг камида 40 фоизи миқдорида;

- тотализаторлар учун - қабул қилинган ставкалар суммасининг камида 50 фоизи миқдорида, бунда оддий ставкалар бўйича ютуқларнинг энг кам тўлови амалга оширилган ютуқли ставкалар суммасининг 10 фоизидан кам бўлмаслиги керак;

- ўйин автоматлари учун - қабул қилинган ставкалар суммасининг камида 60 фоизи миқдорида.

Агар корхона турли шаклдаги ўйинларни (тиражли лотереялар, лаҳзали лотереялар, рақамли лотереялар, тотализаторлар ва ҳоказо) ўтказса, унда у солиқ солиш базасини аниқлаш мақсадида алоҳида ҳисоб юритиши шарт.

Ялпи тушумдан ягона солиқ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$N = (V - \text{ФКМ}) \times C,$$

бунда: **N** - ялпи тушумдан ягона солиқ суммаси; **V** - ўйин билетларини тарқатишдан тушган тушум; **ФКМ** - ютуқлар (совринлар) фондининг энг кичик миқдори; **C** - ялпи тушумдан олинган ягона солиқ ставкаси.

Ялпи тушумдан ягона солиқ ҳисоб-китоби корхоналар томонидан рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар чоракда, ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 15-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Тиражли ва лаҳзали лотереяларни ташкил этувчи корхоналар, тираж ўтказилгандан (тираж лотереялари бўйича) ёки сотиш тугагандан (лаҳзали



лотереялар бўйича) сўнг 10 кун мобайнида рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ялпи тушумдан ягона солиқнинг якуний ҳисоб-китобини тақдим қиладилар.

### **3.6. КОНЧИЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАЛАРИНИ УСТАМА ФОЙДА СОЛИҒИ БЎЙИЧА СОЛИҚҚА ТОРТИШ**

ВМнинг 01.06.2004 йил 252-сонли Қарорига мувофиқ кончилик саноати тармоқларининг айрим корхоналари учун 2004 йил 1 июлдан бошлаб устама фойда солиғи тўланиши кўзда тутилди. Устама фойда солиғи тўланиши кўзда тутилган корхоналар рўйхати ва солиқ ставкалари ЎзР. ВМ томонидан белгиланади.

Ҳозирги кунда Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати учун устама фойда солиғи ставкалари белгиланган бўлиб, устама фойда солиғи миснинг дунё бозоридаги нархларидан келиб чиқиб қуйидаги ставкаларда тўланиши лозим:

<b>Солиққа тортиш базаси қиймати</b>	<b>Устама фойда солиғи ставкаси</b>
Бир тонна мис учун 1901 дан то 2100 АҚШ долларигача	30 %
Бир тонна мис учун 2100 АҚШ доллар ва ундан қиммат	50 %

Устама фойда солиғини тўлагандан сўнг корхона ихтиёрида қолаётган ҳар бир тонна мис учун 1,9 минг АҚШ долларидан ошиқ суммага тенг бўлган маблағлар ЎзР. Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлатиш мақсадида ОАЖ «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати»нинг махсус ҳисоб рақамига инвестиция лойиҳаларида ишлатиш учун йиғиб борилади.

Агар махсус ҳисоб рақамига йиғиб борилган маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланган ҳолларда, қонунда белгиланган тартибда мақсадсиз фойдаланилган маблағлар суммаси тўлиқ ҳажмда, шунинг билан қонун ҳужжатларида белгиланган санкциялар қўлланилиб, давлат бюджети ҳисобига ундирилади.

## **4. БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ**

### **4.1. ОЛИБ КИРИЛАЁТГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНАДАГИ НАРХИ ВА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ**

Кўпгина давлатларда олиб кирилаётган (импорт қилинаётган) товарлар уларнинг божхона чегарасини кесиб ўтаётган вақтда божхона тўловлари бўйича солиққа тортилади. Бу ўз вақтида олиб кириш учун тўлов

ҳисобланиб, импорт қилинаётган товарнинг нархига таъсир этувчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Туркумланиш белгилари жиҳатидан божхона тўловлари билвосита солиқлар гуруҳига киради, чунки уларни тўлаш бўйича харажатлар импортерлар томонидан импорт қилинган товарларнинг нархига олиб бориб қўшадилар (импорт қилинган товарларга қўлланиладиган ҚҚСга, ушбу солиқ тўловчилари бундан истисно, чунки улар бу солиқни ҳисобга киритадилар).

Божхона тўловларининг иқтисодий маъноси – ҳукуматнинг миллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширишидир; уларни яна ташқи савдо фаолиятини тартибга солиб туришнинг бир шакли сифатида кўриш мумкин.

Товарларни импорт қилинганда қуйидаги асосий божхона тўловлари ундирилади:

- божхона божи;
- импорт қилинган товарларга қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи (акцизланган товарларга нисбатан).

Товар сифатида олиб кирилаётган товар ва автотранспорт воситаларининг божхона баҳоси **божхона тўловларини ҳисоблаш учун асос бўлади.**

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарларнинг божхона қийматини аниқлашда тарифлар ва савдо бўйича Бош келишувдаги (ТСБК) асосий принципларга асосланилади.

“Бож тарифи тўғрисида”ги Қонунига асосланган ва фақат божхона тўловларини ҳисоблаш учун ишлатиладиган товарнинг баҳоси – **божхона баҳоси деб аталади.**

Божхона нархи қонунда белгиланган тартибга ва шартларга асосан божхона органига декларант томонидан расмийлаштирилади. Баъзи ҳолларда божхона нархи товарнинг декларант томонидан расмийлаштирилган битим нархига мос келмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда декларант томонидан расмийлаштирилган нарх ҳужжатлар асосида исботини топмайди ёки ишончли бўлмайди.

Бундай ҳолларда божхона органи «Бож тарифи тўғрисида»ги қонунга мувофиқ товарнинг *божхона нархини* тўғри аниқлаш учун ҳар хил усулларни қўллаши мумкин, чунки аниқланадиган сумма божхона тўловларини ҳисоблаш учун асос бўлади. Божхона нархини аниқлашда ишончли ва ҳужжатлар асосидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳисобланиши лозим.

Божхона нархи – бу қонунчилик билан белгилаб қўйилган Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарларнинг божхона қийматини аниқлашда ишлатиладиган усуллар тизимига айтилади.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилган товарлар учун божхона қийматини аниқлашда божхона органлари қуйидаги усуллар қўллайдилар:

- Олиб кирилаётган товарларни битим қийматига қараб баҳолаш;
- айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш;
- ўхшаш товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш;
- қийматларни чегириб ташлаш асосида;
- қийматларни қўшиш асосида;
- резерв усул.

***Олиб кирилаётган товар юзасидан тузилган битимнинг қийматига қараб баҳолаш товарнинг божхона баҳосини чиқаришнинг асосий усулидир.***

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарнинг божхона қиймати битим қийматидан, яъни олиб кирилаётган товар учун Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтиш вақтида амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган баҳодан иборатдир, башарти:

- божхона қийматини эълон қилиш вақтида декларант фойдаланган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланган ва тўғри бўлса;

- харидорнинг товарларни тасарруф этиши ёки улардан фойдаланишига тааллуқли чекловлар бўлмаса, қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлар бундан мустасно;

- товарларнинг сотилиши ёки нархи баҳоланаётган товарларнинг божхона қиймати аниқлаб бўлмайдиган ҳолга олиб келадиган қандайдир шартлар ёки фикрларга сабаб бўлмаса;

- харидор товарни кейинчалик қайта сотиши, тасарруф этиши ёки ундан фойдаланишидан келган тушумнинг бирон-бир қисми бевосита ёки билвосита сотувчига ўтмаса, фақат агар ушбу модда иккинчи қисмининг қоидаларига мувофиқ тегишли тузатишлар киритиш мумкин бўлмаса;

- харидор ва сотувчи бир-бирига боғлиқ шахслар бўлмаса, бундай ўзаро боғлиқлик битим қийматига таъсир этмаганлиги декларант томонидан исбот қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Божхона қийматини аниқлашда олиб кирилаётган товар учун амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган баҳога қуйидаги харажатлар қўшилади, башарти улар мазкур баҳога киритилмаган бўлса:

1) товарни божхона ҳудудига олиб кириладиган жойга етказиб келтиргунга қадар қилинган харажатлар: ташиш қиймати; юклаш, тушириш, қайта юклаш ва бошқа жойга тўкиш билан боғлиқ харажатлар; суғурта суммаси;

2) харидор томонидан қилинган харажатлар: воситачилик ва брокерлик ҳақлари, товарни сотиб олиш чоғидаги воситачилик харажатлари бундан мустасно; контейнерлар ва (ёки) кўп марта ишлатиладиган бошқа идишлар қиймати, агар улар баҳоланаётган товар билан бир бутун деб ҳисобланса; ўраш қиймати, бунга ўраш материаллари қиймати ва ўраш ҳақи киради;

3) хизматларнинг ҳамда сотувчи харидорга текинга ёки арзон нархда бевосита ёхуд билвосита берадиган бошқа товарларнинг қиймати;

4) интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун харидор

баҳоланаётган товарларни сотиш шарти сифатида бевосита ёки билвосита тўлаши шарт бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар;

5) олиб кирилган товарни кейинчалик қайта сотиш, тасарруф этиш ёки ундан фойдаланишдан келган тушумнинг бевосита ёки билвосита сотувчига тегиши керак бўлган исталган қисмининг қиймати.

Товарнинг божхона қийматини аниқлаш учун олиб кирилатган товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб божхона баҳосини чиқариш усулидан фойдаланиш мумкин эмас, башарти:

-харидорнинг баҳоланаётган товарга бўлган ҳуқуқлари чекланган бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлар ва товар баҳосига жиддий таъсир қилмайдиган чекловлар бундан мустасно;

-товарни сотиш ва битим қиймати таъсирини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган шартларга риоя этилишига боғлиқ бўлса;

-божхона қийматини эълон қилиш вақтида декларант фойдаланган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланмаган бўлса ёки улар нотўғри бўлса;

-битим қатнашчилари бир-бирига боғлиқ шахслар бўлса, уларнинг ўзаро боғлиқлиги битим баҳосига таъсир этмаган ва бу нарса декларант томонидан исбот қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Бир-бирига боғлиқ шахслар дейилганда қуйида келтирилган белгиларнинг ақалли биттасига мос келадиган кишилар тушунилади:

-битим қатнашчиларидан биттаси (жисмоний шахс) ёки битим қатнашчиларидан бирининг мансабдор шахси айни бир вақтда битимда қатнашаётган бошқа шахснинг мансабдор шахси бўлса;

-битим қатнашчилари корхонага биргаликда эгалик қилувчи шахслар бўлса;

-битим қатнашчилари меҳнат муносабатлари орқали ўзаро боғлиқ бўлса;

-битим қатнашчиларидан бири битимда қатнашаётган бошқа шахс устав капиталининг овоз ҳуқуқини берувчи камида беш фоизига тенг бўлган улуш (пай) ёки акция эгаси бўлса;

-битимнинг ҳар иккала қатнашчиси бевосита ёки билвосита учинчи шахс назорати остида бўлса;

-битим қатнашчилари биргаликда бевосита ёки билвосита учинчи шахсни назорат қилсалар;

-битим қатнашчиларидан бири битимда қатнашаётган бошқа шахснинг бевосита ёки билвосита назорати остида бўлса;

-битим қатнашчилари ёки уларнинг мансабдор шахслари қариндош бўлсалар.

*Агар асосий усулдан фойдаланиб бўлмаса, божхона баҳосини чиқаришнинг юқорида келтирилган усуллар бирин-кетин қўлланилади.*

Аввалги усулни қўллаш билан импорт божи аниқлашнинг иложи бўлмагандаги кейинги келтирилган усул қўлланилади. Декларантнинг

аризасига биноан қийматларни чегириб ташлаш ва қўшиш асосида усулларнинг кетма-кетлигини ўзгартириш мумкин.

**Айнан бир хил** товар дейилганида ҳар жиҳатдан, шу жумладан: физикавий хусусиятлари; сифати ва бозордаги қадри; қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги; ишлаб чиқарувчиси каби белгилари жиҳатидан баҳоланаётган товар билан бир хил бўлган товар тушунилади.

Товарнинг ташқи кўринишидаги жузъий фарқлар, агар у бошқа жиҳатлари билан ушбу модданинг биринчи қисми талабларига мос бўлса, уни айнан бир хил эмас, деб ҳисоблаш учун асос бўла олмайди.

Айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қиймати бож қийматини белгилаш учун асос қилиб олинади, агар бу товар:

баҳоланаётган товар олиб кирилгунга қадар кўпи билан 90 кун олдин Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш учун сотилган бўлса;

тахминан ўшанча миқдорда ва (ёки) ўшандай тижорат шартларида олиб кирилган бўлса. Агар айнан бир хил товар кўп ёки кам миқдорда ва (ёки) бошқа тижорат шартларида олиб кирилган бўлса, баҳоланаётган товарнинг божхона қийматига ана шу фарқларни ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилади, башарти, бу тузатишларнинг асосли эканлигини божхона органига ҳужжатлар билан тасдиқлаб бериш мумкин бўлса.

**Ўхшаш** товар дейилганида ҳар жиҳатдан бир хил бўлмаса-да, ўхшаш хусусиятларга эга бўлганлиги ва таркибий жиҳатдан ўхшашлиги туфайли баҳоланаётган товар билан бир хил вазифаларни бажара оладиган ва тижорат нуқтаи назаридан унинг ўрнини боса оладиган товар тушунилади.

Товарнинг ўхшашлигини аниқлашда унинг қуйидаги белгилари: сифати, товар белгисининг мавжудлиги ва бозордаги қадри; қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги; ишлаб чиқарувчиси ҳисобга олинади.

Ўхшаш товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб божхона баҳосини чиқариш усулидан фойдаланганда айнан бир хил товар учун қўлланилган тартиб ишлатилади.

Бунда:

-агар товар баҳоланаётган товар ишлаб чиқарилган мамлакатда ишлаб чиқарилмаган бўлса, у баҳоланаётган товар билан айнан бир хил ёки ўхшаш ҳисобланмайди;

-баҳоланаётган товарнинг ишлаб чиқарувчиси томонидан эмас, балки бошқа шахс томонидан ишлаб чиқарилган товар, баҳоланаётган товарни ишлаб чиқарган шахс томонидан ишлаб чиқарилган айнан бир хил товар ҳам, ўхшаш товар ҳам бўлмаган тақдирдагина эътиборга олинади;

-агар товарни лойиҳалаш, унинг устидаги тажриба-конструкторлик ишлари, унинг бадий безаги, дизайни, эскизи, чизмалари ва бошқа шунга ўхшаш ишлар Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган бўлса, бундай товар айнан ёки бир хил ўхшаш ҳисобланмайди.

**Қийматларни чегириб ташлаш** асосида божхона баҳосини чиқариш

усули қўлланилади агарда баҳоланаётган, айнан бир хил ёки ўхшаш товарлар ўзининг дастлабки ҳолати ўзгармаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилса, қийматларни чегириб ташлаш асосида божхона баҳосини чиқариш амалга оширилади.

Қийматларни чегириб ташлаш асосида божхона баҳосини чиқариш усулидан божхона қийматини аниқлаш учун асос сифатида фойдаланилганда товар бирлигининг баҳоланаётган, айнан ёки бир хил ўхшаш товарлар олиб келинган вақтдан бошлаб камида 90 кундан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида катта туркумларда битимнинг сотувчи билан ўзаро боғлиқ бўлмаган иштирокчисига сотилган баҳоси қўлланилади.

Товар бирлигининг баҳосидан қуйидаги харажатлар чегириб ташланади:

-воситачилик ҳақи тўлашга қилинган харажатлар, фойдага қўйиладиган одатдаги устамалар ва олиб келинган бир хил тоифадаги ва турдаги товарларни Ўзбекистон Республикасида сотиш билан боғлиқ умумий харажатлар;

-товарлар олиб кириш ёки сотиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасида тўланиши лозим бўлган импорт божлари, солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар суммаси;

-Ўзбекистон Республикасида транспортда ташиш, суғурталаш, юклаш ва тушириш учун қилинган харажатлар.

Олиб кирилаётган вақтда қандай ҳолатда бўлса, шу ҳолатда баҳоланган, айнан бир хил бўлган ёки ўхшаш товарлар сотилган ҳоллар мавжуд бўлмаса, декларантнинг илтимосига биноан ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари қоидаларига риоя этган ҳолда ҳамда қўшилган қийматга тузатиш киритилиб, қайта ишланган товар бирлигининг баҳосидан фойдаланиш мумкин.

**Қийматларни қўшиш** асосида божхона баҳосини чиқариш усулидан фойдаланилганда, товарнинг божхона баҳосини аниқлашда қўшиш йўли билан ҳисобланган нархи асос бўлиб хизмат қилади:

-баҳоланаётган товарни ишлаб чиқариш муносабати билан тайёрловчи томонидан сарфланган материаллар қийматини ва бошқа харажатларни;

-айни бир турдаги товарларни олиб чиқилаётган мамлакатдан Ўзбекистон Республикасига сотишга хос бўлган умумий харажатларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтиш жойигача транспортда ташиб келтириш, юклаш ва тушириш, суғурталаш харажатларини;

-айнан ёки бир хил ўхшаш товарларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш натижасида экспортёр томонидан одатда олинадиган фойдани қўшган ҳолда чиқариладиган баҳоси божхона қийматини белгилаш учун асос сифатида қабул қилинади.

Агарда товарнинг божхона қийматини юқорида келтирилган усуллар ёрдамида аниқлаш мумкин бўлмаса, баҳоланаётган товарларнинг божхона

қиймати божхона органида мавжуд бўлган нархларга доир ахборот асосида белгиланади, яъни **резерв усул ёрдамида**. Бунда товарнинг божхона қийматини белгилашда қуйидагиларга асосланиш мумкин эмас:

-Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ўхшаш товарнинг сотув нархига;

-икки ва ундан ортиқ муқобил қийматларнинг энг юқорисига;

-товарнинг олиб чиқилган (экспорт қилинган) мамлакат ички бозоридаги баҳосига;

-олиб чиқилган (экспорт қилинган) мамлакатдан учинчи мамлакатларга етказиб берилган товарнинг баҳосига;

-энг паст божхона қийматларига, шунингдек товарларнинг ўзбошимчалик билан қўйилган ёки ўз тасдиғини топмаган сохта қийматларига.

“Бож тарифи тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ **божхона баҳоси фақат импорт қилинган товарларнинг божхона божини ҳисоблаш учун қўлланилади**. Бу ўз вақтида божхона божи, йиғимлар ва бошқа тўлов учун ҳисоблашда ишлатиладиган импорт қилинган товарнинг нархи бўйича реал базани аниқлашга ёрдам беради. Импорт қилувчи корхона учун олиб келинган товарнинг таннархи бўлиб, импорт қилинган товарларнинг битим қиймати асос бўлади.

Божхона тўловлари ва солиқлар божхона декларация қабул қилинган кун ёки ундан аввал тўланади.

Жисмоний шахслар томонидан товарларни Ўзбекистон Республикаси чегарасидан олиб ўтганларида божхона тўловлари ва солиқлар божхона декларациясини божхона органларига топширган вақтда тўланади.

Белгиланган муддатларда божхона декларацияси тақдим этилмаса, у ҳолда божхона божи ва солиқларни тўлаш муддати божхона декларациясини топшириш вақтига кўчирилади. Бундай ҳолатларда божхона божи декларация топширилган вақтда ҳисобланади.

Божхона органининг қарорига кўра тўловчига божхона қонунчилигида белгиланган тартибда Божхона тўловларини тўлашни кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича йўриқномага (ЎзР. АВдаги рўйхат рақами 697-сонли, 8 апрель 1999 йил) мувофиқ қўшилган қиймат солиғи тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Божхона органлари томонидан тўлаш муддатини узайтириш ёки кечиктириш имтиёзи берилганлиги учун ЎзР. МБ белгилаган қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдоридан тўлов ундирилади.

*Қайта молиялаш – бу Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатини юритиш бўйича олиб бориладиган қурол бўлиб, банкларнинг иккинчи даражада ликвид ҳолатларини қўллаб қувватлаш учун йўналтирилган.*

*«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳақида»ги Қонунга асосланиб ва пул-кредит сиёсатини юритишнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, Марказий банк тижорат банкларига кредитларни*

жойлаштириши (сотиши) ва жалб этиши (сотиб олиши) йўли билан уларни қайта молиялаш операцияларини амалга ошириши мумкин.

Тижорат банкларининг ликвид ҳолатини қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган қайта молиялаш кредитларининг қиймати ҳамда қайта молиялаш ставкаси пул-кредит масалаларининг ва Марказий банкнинг жорий даврдаги пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларидаги мақсадларидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда қайта молиялаш ставкаси инфляция даражасига қараб ўзгариб туриши мумкин. **2004 йил 21 декабрдан қайта молиялаш ставкаси 16% ташкил этади.**

Муддатни узайтириши ёки кечиктириши тўлов миқдоридан қатъи назар, божхона юк декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб **икки ойдан ошмаслиги керак**, бунда экспорт маҳсулотини ишлаб чиқариш учун моддий-техника ресурсларини импорт қилишни амалга оширувчи ишлаб чиқарувчи корхоналардан ташқари. Бундай корхоналарга қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича божхона юк декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб 90 кунга узайтирилган муддат берилади.

Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга, фермер ва деҳқон хўжаликларига божхона тўловлари тўлашни фоиз ундирилмаган ҳолда тўқсон кунлик муддатга кечиктириш имконияти берилади.

Узайтириш имтиёзини берадиган божхона органи божхона тўловлари бўлими томонидан узайтириш имтиёзини бериши пайтида тўловчи билан биргаликда божхона тўловларини тўлаш жадвали тузилади, унда божхона тўловларини қисман тўлаш муддати (вақти-вақти билан тўлаш) ва уларнинг ҳар бир тўлашдаги миқдори кўрсатилади.

*Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорига асосан кечиктирилган ва бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган тақдирда фоиз ундирилмайди.*

Импорт бўйича олиб келинадиган дори-дармонлар ва тиббий аҳамиятдаги буюмлар сотиб олган хўжалик субъектларидан божхона тўловлари бўйича муддатни узайтириш ёки кечиктириш имтиёзи берилганлиги учун қайта молиялаш ставкасининг 0,1 фоиз миқдорида тўлов ундирилади

Божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаётган шахсларга божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилмайди.

Божхона тўловларни тўлашни кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича қарорни божхона органи бошлиғи қабул қилади.

Божхона тўловларни тўлашни **кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб тўлаш** учун божхона ҳужжатлари расмийлаштирилаётган ҳудуддаги божхона органига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- божхона органи бошлиғи номига ушбу корхона бошлиғи ва бош бухгалтери томонидан имзоланган, корхона муҳри босилган белгиланган тартибда корхона махсус бланкасидаги хат тақдим этилади ва унда бюджет билан охириги ҳисоблашишининг муддати кўрсатилади;



- божхона тўловларини тўлашни таъминлашни тасдиқловчи хужжат (бунда гаровга берилган товар ёки автомобиль воситаси, банкнинг ёки учинчи шахснинг тўловларни тўлаб беришлиги ҳақидаги кафиллиги);

- ваколатли банкнинг солиқ тўловчининг ҳисоб рақами, жумладан депозит ва валюта ҳисоб рақамларида ҳам маблағ йўқлиги ҳақидаги банк бошқарувчиси ёки унинг ўринбосари имзоси қўйилган маълумот;

- шартнома ва тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг ҳисоб китобларининг нусхаси.

*Божхона тўловларни тўлашни кечиктириши ёки уни бўлиб-бўлиб тўлаши уни тўлашни бажариши шартли қабул қилингандагина берилади.*

Божхона божи ва солиқларни тўлашни таъминлаш товар ва автомобиль воситаларини гаровга қолдириш йўли билан ёки вакил банкнинг тегишли кафолати асосида амалга оширилади.

Гаровга берилган ҳолларда унга қўйилган ашёлар гаров берувчида қолиши мумкин, агарда божхона органининг бошқа қарори бўлмаса.

Гаров берувчи божхона органининг рухсатсиз гаровга берилган ашёдан фойдалана олмайди.

Тўловчи божхона тўловлари бўйича қарзини кечиктирилган ва бўлиб-бўлиб тўлашнинг охириги кунига тўлаши шарт.

ВМнинг 2002 йил 13 ноябр “Бозорларни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 390-сонли Қарорига биноан истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган (истеъмол товарлари ҳажми ишлаб чиқариладиган товарлар умумий ҳажмида камида 60 фоизни ташкил қиладиган) корхоналар 2003-2005 йилларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар импорти бўйича божхонада расмийлаштиришдан кейин 60 кундан кечиктирмай, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун эса 90 кундан кечиктирмай божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) тўлайдилар. Бунда улуш қўшиш асосида (толлинг бўйича) истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун келтириладиган хом ашё божхона тўловларидан озод қилинади, божхонада расмийлаштириш учун йиғимлар бундан мустасно.

Ушбу 390-сонли ВМнинг қароридан назарда тутилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар корхоналар томонидан фақат ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг ассортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошлилигини ошириш билан боғлиқ тадбирларга йўналтирилади.

Солиққа тортишдан бўшаган маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланилган ҳолларда ушбу маблағлар, амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган жарима жазоларини ҳисобга олган ҳолда, тўлиқ ҳажмда бюджетга ўтказилади.

Ортиқча келиб тушган тўловлар суммаси қайтарилиши ёки келгуси тўловлар ҳисобига киритилиши қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- қўшилган қиймат солиғи нотўғри ҳисобланган, шу билан бирга товарларнинг божхона қиймати ўзгартирилган ҳолларда;
- божхона органлари томонидан аввал ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммасини божхона тартибини ўзгариши муносабати билан.

Тўловчи ортиқча тўланган ёки ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммаларини қайтаришни талаб қилиб, улар тўланган ёки ундирилган пайтдан бошлаб *бир йил давомида* мурожаат қилиши мумкин.

**Ортиқча тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаларини** қайтариш учун божхона органларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганда амалга оширилади:

- тўловчининг ёзма аризаси, унда ортиқча тўлаш ёки ундиришнинг сабаблари кўрсатилади, шунингдек пул маблағлари қайтарилиши керак бўлган тўловчининг банк реквизитлари берилади;
- унга мувофиқ қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқарилган ва ундирилган божхона юк декларацияси;
- ижро этилиши тўғрисида ваколатли банк белгиси қўйилган, тегишли қўшилган қиймат солиғи суммаларини тўлашга доир тўлов ҳужжати;
- товарларнинг чегарадан ҳақиқатда олиб ўтилгани тўғрисида чегара божхонасининг белгиси қўйилган (зарур ҳолларда) товарларга илова қилинувчи ҳужжатлар.

Юқорида келтирилган ҳужжатлар солиқ тўловчида бўлмаган тақдирда, у ҳолда божхонада мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида ортиқча тўланган солиқ қайтариб берилади.

Агарда солиқ тўловчи қўшилган қиймат солиғини ортиқча тўлаб юборса, у ҳолда ушбу ошиқча ундирилган солиқ суммаси солиқ тўловчига унинг аризасига биноан ўтгиз кун ичида қайтарилиши ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилиши керак.

Қонун ҳужжатлари билан қуйидаги божхона тўловлари кўзда тутилган:

**Ягона божхона тўлови** - жисмоний шахслар томонидан тижорат қилиш мақсадларида (ЎзР ВМнинг 2002 йил 6 май 154-сонли Қарори билан киритилган) истеъмол товарлари импорт қилганда ундириладиган божхона божи, ҚҚС ва йиғим ўрнига киритилди ва улар қуйидаги ставкаларга эга:

- озик-овқат товарлари бўйича - 40 фоиз (ун маҳсулотидан ташқари);
- ноозик-овқат товарлари бўйича - 70 фоиз (ёғоч-тахта материаллари ва ёғочдан ташқари);
- ун бўйича - 20 фоиз;
- ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч бўйича – 0 фоиз.

Учинчи мамлакатда ишлаб чиқарилган ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун чегарадош давлатлардан Ўзбекистон Республикасига **қайта экспорт қилинаётган ноозик-овқат**

**истеъмол товарлари импорти** учун божхона йиғими **20 фоиз** миқдорида (ЎЗР ВМнинг 2002 йил 4 декабр 425-сонли Қарори билан 2003 йил 1 январдан киритилган) белгиланган.

Божхона қонунчилигида юқорида келтирилганлардан ташқари куйидагиларни тўлаш кўзда тутилган:

1) божхона йиғимлари:

-божхонада расмийлаштириш учун ундириладиган йиғим;

-сақлаш учун божхона йиғими;

- божхона кузатуви учун божхона йиғими.

2) бошқа кўринишдаги йиғимлар:

- божхона органлари томонидан берилладиган лицензия учун йиғим;

- божхонада расмийлаштириш билан шуғулланувчи мутахассиснинг билим савиясини аттестация қилишда ундириладиган йиғим;

3) аввалдан чиқарилган қарор учун тўлов.

### **Божхона тўловларини ундириш ва жавобгарликка тортиш**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун куйидаги жазолар белгиланган:

1) жарима;

2) Божхона Кодексида назарда тутилган айрим фаолият турларини амалга ошириш учун божхона органи томонидан берилган лицензиянинг ёки малака шаходатномасининг амал қилишини тугатиш;

3) божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишини содир этиш курули ёки бевосита ашёси ҳисобланган товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш.

Товарлар ва транспорт воситаларининг қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилладиган *жарима миқдорини аниқлаш чоғида*, бундай қиймат деб *уларнинг ҳуқуқбузарлик аниқланган кундаги эркин (бозор)* нархи тушунилади.

Юридик шахс ёки юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахс божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бир неча бор бузган тақдирда, **ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида жарима солинади.**

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жазо берилиши жавобгарликка тортиладиган шахсларни бож тўловларини тўлаш ва Божхона кодексида назарда тутилган бошқа талабларни бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

Божхона кодексида божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини турли хилда бузганлик учун кўпгина ҳар хил кўринишдаги жазо турлари кўзда тутилган.

Масалан, божхона декларацияси ва бошқа ҳужжатларда божхона тўловларидан озод қилиш ёки уларнинг миқдорини камайтириш учун асос

бўладиган нотўғри маълумотларни кўрсатиш, агар жиноят аломатлари бўлмаса, –

**лицензиянинг амал қилишини тугатиб ёки тугатмай, бож имтиёзлари берилиши муносабати билан тўланмаган божхона тўловлари суммасининг 100 фоизидан 300 фоизигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

Божхона тўловларини белгиланган муддатларда тўламаслик, агар жиноят аломатлари бўлмаса, -

**лицензиянинг амал қилишини тугатиб ёки тугатмай, тўланмаган божхона тўловлари суммасининг юз фоизидан икки юз фоизигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 10 ноябр ПФ-3159-сонли Фармонида мувофиқ 2002 йилнинг 10 ноябридан бошлаб божхона қонунчилигини бузган ҳолда кўп ва жуда кўп миқдордаги товарлар олиб ўтилган тақдирда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган товарлар ҳамда шундай мақсадларда фойдаланилган транспорт воситалари **«Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида»**ги Низомига (ЎзР. ВМнинг 2004 йил 25 мартдаги 140-сонли қарори) асосан давлат фойдасига мусодара қилинади.

2002 йил 11 август «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ-3105 – сонли Президент Фармонида мувофиқ 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб истеъмол товарларини олиб келиш чоғида юридик шахслар томонидан божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар бекор қилинади, иловада кўрсатилган товарлар бундан мустаснодир (куйига қаранг).

Импорт қилинганида амалдаги қонунчиликка мувофиқ юридик шахслар томонидан божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар сақланиб қоладиган истеъмол товарлари Рўйхати

№	Товарларнинг номи	Божхона тўлови тури
1.	Импорт бўйича олиб келинадиган дори-дармонлар ва тиббий аҳамиятдаги буюмлар	ҚҚС
2.	Инсонпарварлик ёрдами сифатида ва беғараз техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида олиб келинадиган товарлар	ҚҚС, акциз солиғи, божхона божи, божхонада расмийлаштириш учун йиғим
3.	Олиб келинадиган компьютер техникаси ва унинг қисмлари, дастурий воситалар	ҚҚС, акциз солиғи ва божхона Божи
4.	Эркин савдо режими ўрнатилган давлатларда ишлаб чиқарилган ва олиб келинадиган товарлар	Божхона божи
5.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан ёки унинг қафолати остида тузилган ҳукуматлараро ва кредит битимлари бўйича етказиб бериладиган товарлар	Божхона божи
6.	Кўргазмалар учун экспонатлар, реклама ва тақди-	Божхона божи

	мотлар сифатида олиб келинадиган товарлар	
7.	Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ёки халқаро шартномалари асосида божсиз олиб келиш ҳуқуқига эга бўлган хорижий давлатлар вакиллари, жисмоний шахслар томонидан расмий ёки шахсий фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб келинадиган товарлар	Божхона божи
8.	Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ва божхона қонунчилигига мувофиқ ишлаб чиқариш ёки ўзгача тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган товарлар	Божхона божи

Олиб кирилган товарлардан қайси бирлари «истеъмол товарлари» қаторига кириши ва уларга нисбатан импорт қилинган товарларга нисбатан қўлланиладиган имтиёзларнинг қўлланила олмаслигини аниқлашда **Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарлари Рўйхатидан** (ЎзР АВда 2003 йил 21 май 1242-сон билан рўйхатга олинган) фойдаланиш лозим бўлади.

## 4.2. БОЖХОНА БОЖИ

### Божхона божининг иқтисодий аҳамияти

**Божхона божи** – божхона органлари томонидан товарни божхона ҳудудига олиб кирилаётганда ёки ушбу ҳудуддан олиб чиқиб кетилаётганида ундириладиган тўлов бўлиб, товарларнинг олиб киришда ва олиб чиқиб кетишдаги ажралмас шартидир.

Савдогарлар учун кўрсатилган хизмат (почта биноларидан, омборхоналардан, бинолардан, товарларни ўлчашда фойдаланиш) учун тўлов сифатида кўпгина асрлар аввал пайдо бўлган божхона божлари капитализм даврига келиб, ички бозорни ҳимоя қилишда ва баъзи турдаги миллий ишлаб чиқариш товарларни чет эл товарлари рақобатидан сақлаш учун фойдаланиладиган қуролга айланди.

Божхона божи олиб чиқиш (экспорт), олиб кириш (импорт) ва транзит божлари турларига бўлади.

Олиб чиқиб кетиш учун қўлланиладиган божлар Европада XV – XVII асрларда жуда кўп тарқалиб, улар асосан қатъий суммалар кўринишда ундирилган ва давлат хазинасини тўлдириш учун асосий манба бўлиб хизмат қилган. XIX-аср охирларига келиб, ташқи савдода қўлланишдан умуман олиб ташланди, чунки улар миллий ишлаб чиқаришни ва экспортни оёққа туришига қаршилик кўрсатди ва уни ўсишига йўл бермади. Ўзбекистон Республикасида *экспорт учун бож 1997 йил 1 октябрдан бекор қилинган.*

Транзит божхона божлари барча европа давлатларида XVI – XVIII асрларда қўлланилган, аммо XX асрга келиб ўзининг маъносини йўқотган.

Ҳозирги шароитда товарларни давлат ҳудудига олиб киришда ундириладиган божлар кўпроқ қўлланилади, улар давлат томонидан ўзларининг миллий иқтисодиётини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ишлатилади, бунда аҳамиятга молик йўналишларда импортни қўллаб қувватлаш ва барча бошқа йўналишларда эса юқори ставкалар қўлланилади.

Бугун дунё тенденцияси - бу божхона божларининг фискал аҳамиятининг тушиб боришидир.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан кесиб ўтган товарлар учун ҳам республика божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона божи ундирилади.

*Ўзбекистон Республикаси Бож тарифи* - давлат божхона чегарасидан олиб ўтиладиган, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг Товар номенклатураси принциплари ва қоидаларига мувофиқ ҳолда табақалаштирилган ва бир тизимга солинган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож ставкаларининг тўпламидир.

*Товарлар олиб чиқилгандаги ва олиб кирилгандаги божхона божининг ставкалари* ташқи савдонинг унумдорлик кўрсаткичига, дунё бозорининг конъюктурасига ва халқаро шартномаларга мувофиқ равишда белгиланади.

Божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳимоя чораси сифатида қўлланиладиган *махсус кўринишдаги божлар*: антидемпинг ва компенсация божлари, улар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида олиб кирилувчи товарларга нисбатан қўлланилади, улар тадбиркорлар ёки тадбиркорлар иттифоқларининг аризаларига мувофиқ махсус шунга ваколат берилган органлар томонидан киритилади.

«Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ муҳофаза чораларига товар импорти кўпайишини чеклаш бўйича товар импортининг миқдори ва (ёки) қийматига (импорт квотаси) нисбатан чеклов тариқасида, импорт божидан ташқари ундириладиган махсус бож тариқасида қўлланиладиган чоралар ёки товар импорти кўпайишини чеклашга қаратилган бошқа чоралар киради.

Демпинг нархларидаги товар импорти учун импорт божидан ташқари ундириладиган бож **антидемпинг божидир**. Бунда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига экспорт нархи ўзининг нормал қийматидан паст бўлган товар импорти демпинг нархларидаги товар импортидир.

Экспорт қилувчи мамлакатнинг ички бозорида истеъмол қилиш учун мўлжалланган ўхшаш товарнинг одатдаги савдо жараёнидаги нархи ёхуд ўхшаш товар экспорт қилувчи мамлакат бозорида сотилмаётган бўлса ёки бошқа сабабларга кўра лозим даражада таққослашни ўтказиш имконияти бўлмаса, товар келиб чиққан мамлакатдаги ишлаб чиқариш харажатлари асосида оқилона чиқимларни ва фойдани қўшган ҳолда ёхуд Ўзбекистон Республикаси билан бир хил шароитдаги учинчи мамлакатга экспорт

қилинадиган ўхшаш товарларнинг нархлари асосида одатдаги савдо жараёнида аниқланадиган нархи товарнинг нормал қийматидир.

Агар демпинг нархларидаги товар импорти иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказаётганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфини туғдираётганлиги ваколатли органнинг текшируви натижалари асосида аниқланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан антидемпинг божи қўлланилади. Бунда антидемпинг божи демпинг нархларидаги товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини бартараф этиш учун зарур бўлган миқдорда ва муддатда қўлланилади.

Субсидия билан таъминланган товар импорти учун импорт божидан ташқари ундириладиган бож **компенсация божидир**. Бунда ишлаб чиқариш, экспорт қилиш ёки ташиш пайтида чет давлатнинг субсидиясидан фойдаланилган товарнинг Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорти субсидия билан таъминланган товар импортидир.

Компенсация божи субсидия билан таъминланган товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиш хавфини бартараф этиш учун зарур миқдорда ва муддатга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан қўлланилади.

Компенсация божининг ставкаси субсидия билан таъминланган товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилишда шу товарнинг бирлиги ҳисобига чет давлат субсидиясининг текширувда аниқланган миқдоридан ошмаслиги лозим.

Битта товарга нисбатан бир вақтнинг ўзида компенсация ва антидемпинг божи қўлланилишига йўл қўйилмайди.

**Бож ставкалари** бож ундириладиган товарларнинг божхона қийматига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган (*адвалор*) ва бож ундириладиган товарлар бирлиги учун белгиланган миқдорда ҳисобланадиган (*«алоҳида» - хос ставкалар*) ставкаларга ажратилади.

Булардан ташқари, *аралаш* ставкалар ҳам мавжуд. Аралаш ставкаларни қўллаш деганда адвалор ҳамда хос (ёки алоҳида) ставкалардан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш кўзда тутилади ва бунда ҳисоблаш натижасида қайси бирида божнинг суммаси катта бўлса, шуниси қўлланилади.

**Божларнинг ставкалари** (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда) божхона юк декларациясини қабул қилинган кун ва товарларни келиб чиққан мамлакатлардан боғлиқ равишда ҳар хил ўрнатилади, бунда ставкалар ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча иштирокчилари учун ягона бўлиб ҳисобланади\*.

Белгиланган ставкалар ҳажмидаги божларни товарнинг жўнатувчи мамлакатдан ва экспортчидан қатъи назар, *Ўзбекистон Республикаси савдо-иқтисодий муносабатларда мумкин қадар қулайликни яратиб берувчи режимни қўллайдиган мамлакатлардан келиб чиққан товарларга нисбатан*

қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси эркин савдо зонасини барпо этиш тўғрисидаги келишувга эга бўлган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан божлар:

- **қўлланилмайди**, агар товар мазкур Келишув иштирокчиси бўлган давлатлардан бирининг резиденти томонидан экспорт қилинса ва мазкур Келишув иштирокчиси бўлган давлат резиденти томонидан Келишув

-----

\* Жисмоний шахслар божларни улар томонидан бож тўламасдан олиб киришнинг белгиланган меъёридан ортиқ бўлган товарларнинг олиб кирилиши чоғида тўлайдилар.

иштирокчиси бўлган бошқа давлатнинг божхона ҳудудидан олиб кирилса (олиб қўйишлар тўғрисидаги баённомаларга киритилган товарлардан ташқари). Бунда резидент дейилганда ушбу давлат ҳудудида ташкил этилган ташкилот ёки ушбу давлат ҳудудида доимо яшовчи жисмоний шахс тушунилади;

- **белгиланган ставкалар миқдорида қўлланилади** - бошқа ҳолларда.

Савдо иқтисодий ҳамкорликнинг мумкин қадар қулайликлар яратиб бериш бўйича шартномаси имзоланган мамлакатлар рўйхати:

1. Австрия	12. Исроил	23. Люксембург	35. Франция
2. Бангладеш	13. Иордания	24. Мальта	36. Чехия
3. Бельгия	13. <input type="checkbox"/> индистон	25. Голландия	37. Швейцария
4. Болгария	14. Иордания	26. Португалия	38. Швеция
5. Буюк Британия	15. Ирландия	27. Покистон	39. Эстония
6. Венгрия	16. Испания	28. Польша	40. Япония
7. Вьетнам	17. Италия	29. Руминия	41. Саудия Арабистони
8. Германия	18. Кипр	30. Словакия	42. Малайзия
9. Греция	19. Корея	31. Словения	
10. Дания	20. Хитой	32. АҚШ	
11. Миср	21. Латвия	33. Туркия	
	22. Литва	34. Финляндия	

Эркин савдо режими қўлланилиши бўйича шартнома имзоланган мамлакатлар рўйхати:

1. Беларусь Республикаси	6. Россия Федерацияси
2. Грузия Республикаси	7. Туркменистон
3. Қозоғистон Республикаси	8. Украина
4. Қирғизстон Республикаси	9. Тожикистон
5. Молдова Республикаси	10. Озарбайжон

Икки томонлама шартномаларга асосан ўзаро келишилган товарларга



импорт божхона божлари қўлланилмайди\*\*.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси миллий преференция тизимидан фойдаланувчи ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан бож тўлашдан озод қилиш, бож ставкаларини камайтириш ёки преференциал тартибда товар олиб киришга (олиб чиқишга) тариф квоталари белгилаш каби преференциялар йўл қўйилади.

*Қолган мамлакатларда ишлаб чиқарилган, шунингдек, божхона расмийлаштириши чоғида келиб чиқиш мамлакати аниқ белгиланмаган -----*

-----  
\*\* Эркин савдо зонаси ва режим ва мумкин қадар қулайликлар яратиб бериш режими бериладиган келишувларга имзоланган мамлакатлар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

Товарнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси божхона органлари Қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ **товарнинг келиб чиқиш сертификати тақдим** этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Катта бўлмаган туркумлардаги (фактура қиймати 5000 АҚШ долларигача бўлган) товарларнинг келиб чиқишини тасдиқлашда экспортчи товарнинг келиб чиқиш мамлакатини ҳисобварақ-фактурада ёки товарларга илова қилинган бошқа ҳужжатларда кўрсатиши мумкин.

Божхона расмийлаштириши чоғида келиб чиқиш мамлакати аниқ белгиланмаган товарларга нисбатан мумкин қадар қулайлик яратиб берувчи режим ёки уларнинг келиб чиқиш сертификатининг божхона расмийлаштириши амалга оширилган санадан бошлаб бир йилдан кечиктирилмаган ҳолда олиниши шарти билан эркин савдо режими ўрнатилиши мумкин.

### **Олиб киришда тўланадиган божхона божини ҳисоблаш**

• Республика ташқаридан олиб келинувчи товарлар учун ҳисобланадиган импорт божини аниқлашда божнинг адвалор ставкаси қўлланилса қуйидаги формулага асосланилади:

$$B = kb \times C,$$


бу ерда **B** – олиб келинадиган импорт божи қиймати; **kb**- товарнинг божхона баҳоси; **C** – божхона баҳосига нисбатан фоизларда ўрнатилган импорт божининг ставкаси.

• Республика ташқарисидан олиб келинувчи товарлар учун ҳисобланадиган импорт божини аниқлашда божнинг хос ставкаси қўлланилган ҳолатда эса қуйидаги формулага асосланилади:

$$B = T_c \times C,$$

бу ерда **B** - олиб келинувчи импорт божи қиймати; **T<sub>c</sub>** –товарлар сони; **C** - товарлар бирлиги учун белгиланган миқдордаги ўрнатилган импорт божининг ставкаси.

• Товарларни олиб кириш вақтида тўланадиган божлар ҳисоблашда аралаш ставкалар қўлланилса, у бир неча этапларга бўлинади. Олиб келинган товар учун божнинг қийматини ҳисоблашда аввал адвалор ставка қўлланилади, ундан сўнг товар бирлигига Евро ёки АҚШ долларарида хос ставкада ҳисобланади. Тўланиши лозим бўлган божнинг қийматини аниқлаш учун ҳисобланган суммалардан энг каттаси олинади.



Қуйида жўнатишдан олдин мажбурий тартибда назоратдан ўтказилиб импорт қилинадиган товарлар рўйхати келтирилади

Товар гуруҳ рақами	ТИФ ТН ДС бўйича товар гуруҳининг қисқача номи	ТИФ ТН бўйича товар коди
02	Гўшт ва қўшимча гўшт маҳсулотлари	0201-0210
04	Сут маҳсулотлари	0401-0402, 0404-0406
12	Мойли уруғлар ва мевалар	1201 00
22	Алкоголли ва алкогольсиз ичимликлар	2203 00, 2204, 2207, 2208

24	Тамаки маҳсулотлари	2402 20, 2402 90 000
84	Асбоб-ускуналар ва механик қурилмалар	8402-8406, 8415, 8418-8419, 8422, 8438-8448 8450-8453, 8457-8466, 8471-8472, 8477-8479
85	Электр машиналар ва асбоб-ускуналар	8502, 8504, 8517, 8525-8527, 8535-8537

### Божларни тўлаш бўйича имтиёзлар

Бож ундиришдан қуйидагилар озод қилинади:

- *халқаро йўналишида юklar, багаж ва йўловчилар ташийдиган транспорт воситалари, шунингдек уларнинг йўлда, оралиқ тўхташ жойларида бир маромда ишлаши учун зарур бўлган ёки транспорт воситаларида юз берган ҳалокатларга (носозликларга) барҳам бериш учун чет элларда сотиб олинган моддий-техника таъминоти буюмлари ва асбоб-анжомлари, ёнилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа мол-мулк;*

- *қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг валютаси, чет эл валютаси (нумизматика учун ишлатиладиган валюта бундан мустасно), шунингдек қимматли қоғозлар;*

- *денгизда ов билан банд бўлган Ўзбекистон Республикаси кемаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан ижарага олинган (фрахт қилинган) кемаларни таъминлаш мақсадида божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган моддий-техника таъминоти буюмлари ва анжомлар, ёнилғи, озиқ-овқат ва бошқа мол-мулк, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган ов маҳсулотлари;*

- *қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат мулкига айлантирилиши лозим бўлган товарлар;*

- *чет давлатлар вакилларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки халқаро шартномаларига мувофиқ бож тўламасдан буларни олиб кириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларнинг расмий ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланишига мўлжаллаб божхона ҳудудига олиб кириладиган ёки бу ҳудуддан олиб чиқиладиган буюмлар;*

- *табиий офатлар, қуролли можаролар, бахтсиз ҳодисалар ёки фалокатлар юз берганида ёрдам кўрсатиши учун инсонпарварлик ёрдами ва безараз техник қўмак сифатида Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар, шунингдек, давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташилотлар томонидан хайрия мақсадларида олиб кириладиган товарлар;*

- *бепоул ўқув, даволаш ва мактабгача тарбия болалар муассасалари учун мўлжалланган ўқув қўлланмалари;*

- *учинчи давлатлар учун мўлжалланган ва божхона назорати остида Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан транзит тартибидан олиб ўтиладиган товарлар;*

- *божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахслар томонидан*

божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ва ишлаб чиқариш ёки бошқа тижорат фаолиятини олиб бориш учун мўлжалланмаган товарлар;

Божхона божлари жисмоний шахслар томонидан қуйида келтирилган олиб кирилган товарлар учун қўлланилмайди:

-1000 АҚШ долларга ўзининг ихтиёжи учун олиб кирилган товарларга (товарларга нисбатан божсиз олиб кириш меъёрлари 50 АҚШ долларигача ўрнатилганда, уларни чегарадош давлатлар ҳудудидан олиб кириш бундан мустасно);

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан божхона тўловларни тўлашда махсус тартиб (ягона божхона тўловларини тўлаш) ўрнатилган тижорат фаолияти турлари.

- *компьютер техникаси ва унинг бутловчи қисмлари, дастурий воситалар;*

- *Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан ёки унинг кафолатлари остида тузилган ҳукуматлараро ва кредит келишувлари асосида етказиб бериладиган товарлар;*

- *эркин савдо режими ўрнатилган давлатларда ишлаб чиқарилган ва улардан олиб келинадиган товарлар;*

- *Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига умумий суммаси 50 млн АҚШ долларида зиёд бўлган тўғридан-тўғри инвестицияни амалга оширган чет эллик юридик шахслар томонидан олиб кириладиган товарлар, башарти олиб кириладиган товарлар уларнинг ўз ишлаб чиқариши маҳсулоти бўлса;*

- *кўرғазмалар, рекламалар ва тақдимот маросимлари учун экспонатлар сифатида олиб кириладиган;*

- *қайта ишлов учун олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва улардан олиб чиқиб кетиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар.*

- *маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишлар олиб бориш учун мўлжалланган ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришда қатнашаётган чет эллик инвестор ёки бошқа шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарлар, ишлар ва хизматлар, шунингдек инвестор томонидан олиб кириладиган, маҳсулот тақсимотига оид битимга мувофиқ инвесторга тегишли бўлган маҳсулот;*

- *бюджетдан таъминладиган ташкилотлар томонидан (ёки уларнинг буюртмалари бўйича) бюджет маблағлари ҳисобидан ўз эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарлар;*

- *Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган технологик жиҳозлар:*

- *чет эл кредиторлари ҳисобидан ҳукумат кафолати остида молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун;*

- *янги қурилаётган ва қайта қурилаётган, халқ истеъмоли товарлари*

ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар учун;

- чет эл инвестицияларига асосланган корхоналарнинг устав капиталига чет эллик инвесторлар томонидан улуш сифатида;

- ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи бўлган тақдирда, белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, ишлаб турган ишлаб чиқаришларни замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун;

- ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи бўлган тақдирда, лизингга топшириш учун;

- кичик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан ўзлари ташкил этаётган ишлаб чиқаришлар учун;

- Синов лабораториялари томонидан четдан олиб келинадиган, маҳсулотларни лабораторияда текшириш ва тест синовидан ўтказиш учун фойдаланиладиган технология асбоб-ускуналари (ВМнинг 22.07.2004й. 349-сонли Қарори).

«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож тўлови олинмайди.

Божхона кодексига мувофиқ: «Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси божхона тарифини қуйидаги товарларга нисбатан бож тўлашдан озод қилиш, бож ставкаларини камайтириш ёки преференциал тартибда товар олиб киришга (олиб чиқишга) тариф квоталари белгилаш каби преференциялар йўл қўйилади:

• Ўзбекистон Республикаси билан бирга эркин савдо зонаси ёки божхона иттифоқини ташкил қилган ёхуд шундай зона ёки иттифоқ тузиш мақсадини кўзловчи битимни имзолаган давлатларда ишлаб чиқарилган товарларга;

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган Ўзбекистон Республикаси миллий преференция тизимидан фойдаланувчи ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган»;

• ВМ, ДСҚ, Божхона қўмиталари Қарорига (АВ 24.05.2004й. 1366-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ халқаро молия институтлари займлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида импорт қилинаётган товарлар божхона божини тўламайдилар;

• ЎзР. Вазирлар Маҳкамасининг 004 йил 24 сентябрь «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорига мувофиқ пластик карточкалар, сарфланадиган материаллар, график ва электрон шахслаштириш курилмалари, терминаллар, банкоматлар ва пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналарни импорт қилишда 2007 йил 1 январгача божхона тўловлари

тўлашдан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) озод қилинди.

### Масала

Бирлашган Араб Амирликларидан 8 минг долларга соатлар партияси олинди.

**Савол.** Агарда божхона декларациясини тўлдирилган вақтда доллар курси 1 долл. учун 662 сўмни ташкил этган ва импорт божхона божининг ставкаси 30% бўлса, у ҳолда у неча сўмга тенг бўлади?

#### Ечим

Олиб кирилган товарнинг сўмдаги божхона қийматида:  $8000 \times 662 = 5296000$  сўм.

Олиб кирилган товар Ўзбекистон Республикаси билан олди-сотди бўйича шартнома имзоланмаган мамлакатдан бўлганлиги учун импорт божхона божининг ставкаси икки баробарга ортади ва 60 фоизни ташкил этади.

Импорт божхона божининг қиймати:  $60\% \times 5\,296\,000 = 3\,177\,600$  сўм.

### 4.3. ИМПОРТ ҚИЛИНАДИГАН ТОВАРЛАРГА НИСБАТАН ҚҚС

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган объект бўлиб Ўзбекистон Республикасининг божхона ва солиқ қонунларига биноан белгиланган божхона режимларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарлар (шу жумладан МДХ мамлакатларидан импорт қилинадиган товарлар) ҳисобланади.

Импорт қилинган товарлар бўйича 2002 йил 25 апрелдан бошлаб «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага (15.04.2002 й. 1124-сон билан рўйхатга олинган) асосан олиб борилади.

*Импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғи тўловчилари:*

- ушбу товарларни импорт қиладиган юридик шахслар;  
- бож тўламасдан ўз эҳтиёжлари учун меъеридан ортиқча товарлар олиб қирадиган жисмоний шахслар ҳисобланади (яъни 1000 АҚШ долларидан юқори миқдорда).

Жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида олиб кирилган товарлар ҚҚСга тортилмайди, улар *ягона божхона тўлови* бўйича солиққа тортиладилар.

Қўшилган қиймат солиғини бевосита декларант ёки исталган

манфаатдор шахс томонидан тўланиши мумкин, агарда қонун ҳужжатларида ўзга ҳол назарда тутилмаган бўлса.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган товарларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 13 январ рўйхатдан ўтган 390-сонли йўриқномага мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати ҳисобланади.**

Товарлар импорти бўйича солиқ солинадиган оборот ҳажмига божхона қиймати билан бир қаторда божхона божи суммаси ва акциз солиғи суммаси (акциз тўланадиган товарлар бўйича) киритилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$Сққс = (Сб+Бб+Ас) \times С/100,$$

бу ерда: **С ққс** - қўшилган қиймат солиғи суммаси; **Сб** - импорт қилинадиган товарнинг божхона қиймати; **Бб** - божхона божи суммаси; **Ас** - акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи суммаси; **С** - қўшилган қиймат солиғининг фоизлардаги ставкаси.

*Мисол.*

*Импорт бўйича 100 АҚШ долларлик хом-ашё олинди.*

*Божхона декларациясини расмийлаштириш даврида долларнинг курси 1 АҚШ долларига 310 сўм тўғри келган. Божхона божи – 20%, акциз солиғи ставкаси – 10%.*

*Олинган хом-ашёнинг сўмдаги нархи = 100 x 310 = 31000 сўм.*

*Божхона божининг суммаси = 31000 x 20% = 6200 сўм.*

*Акциз солиғи суммаси = 31000 x 10% = 3100 сўм.*

*ҚҚС солиқ солиш базаси = (31000 + 6200 + 3100) = 40300 сўм.*

*Импорт бўйича ҚҚС суммаси = 40300 x 20% = 8060 сўм.*

### **Импорт қилинган товарлар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича имтиёзлар**

а) хорижий дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар расмий фойдаланиши учун мўлжалланган товарлар;

б) дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар дипломатик ходимларининг, шунингдек улар билан бирга яшайдиган ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлмаган оила аъзоларининг шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган товарлар, шу жумладан энг зарур уй-рўзғор товарлари;

в) хорижий дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган

ваколатхоналарнинг маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан улар билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмасалар ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамасалар, олиб кирадиган энг зарур уй-рўзғор товарлари;

е) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига белгиланган тартибга мувофиқ табиий офатлар, қуролли ихтилофлар, бахтсиз ҳодисалар ёки авариялар юз берганда ёрдам кўрсатиш учун олиб кириладиган мол-мулк, гуманитар ёрдами, текинга техник кўрсатиш сифатида олиб кириладиган товарлар ҳамда давлатлар, ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар томонидан инсонпарварлик ёрдам кўринишидаги товарлар;

д) жисмоний шахслар бож тўламасдан олиб кириш меъёрлари доирасида импорт қиладиган товарлар;

ж) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қуйидаги мақсадларда олиб кириладиган технологик ускуналар:

- инвестиция дастурига киритилган устувор объектларни жиҳозлаш учун;

- ҳукумат кафолати билан хорижий кредитлар ҳисобига молияланадиган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун;

- янгидан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган корхоналар учун;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг устав сармоясига уларнинг улуши сифатида хорижий инвесторлар томонидан олиб кириладиган технологик ускуналар;

- республика нефть-газ тармоғи объектлари учун турли кўринишдаги қувурлар;

- белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, агар ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлса, янги ишлаб чиқаришларни барпо этишга, шунингдек ишлаб турганларини замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга олиб кириладиган технологик ускуналар;

- ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлганида, лизингга берилган ҳолларда;

- хусусийлаштирилаётган корхоналар учун хорижий инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари ҳисобига олиб кирилаётганлар;

- Синов лабораториялари томонидан маҳсулотларни лабораторияда текшириш ва тест синовидан ўтказиш учун фойдаланиладиган технология асбоб-ускуналари (ВМнинг 22.07.2004й. 349-сонли Қарори).

з) юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган шартномалар (келишувлар) бўйича халқаро ва хорижий ҳукумат молиявий ва иқтисодий ташкилотлари тақдим этган қарзлар ва грантлар ҳисобига олиб келадиган ускуналар, материаллар;



к) хорижий инвестициялар иштирокидаги, болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқаришида ишлатиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келадиган хом ашё, материаллар ва тайёрлов буюмлари;

л) импорт бўйича олиб келинадиган дори-дармонлар ва тиббий буюмлар;

м) олиб кирилаётган компьютер техникаси, уларга қўшимча қисмлар ва дастурий маҳсуллар.

Ушбу имтиёзлар юридик шахслар томонидан олиб кирилаётган истеъмол товари учун қўлланилмайди, бунда «а», «б», «в», «е», «ж», «з», «к», «л» бандлари кўрсатилган товарлар бундан истисно.

ЎЗР. ВМ 02.11.2000 й.424-сонли Қарорига биноан:

машина-трактор парклари тажриба ўтказиш тариқасида 2000-2005 йиллар давомида қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишларини амалга оширилганлари учун тўланадиган қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди, бунда имтиёздан фойдаланиш натижасида бўшайдиган маблағларни дала ишларини бажаришдаги тўловларнинг тариф ва нархларини тушириш мақсадига йўналтириши шарт.

Шу билан бирга 2000-2005 йилларга "Ўзқишлоқхўжалик-таъминоттаъмир" корхоналари озод қилинади:

- ҳукумат қарорига асосан олиб кирилаётган қишлоқ хўжалик техникаси, унга қўшимча қисмлар учун импорт қилинаётгандаги божхона тўловларидан (бундан божхона ҳужжатларини расмийлаштирилгани учун ундириладиган йиғим мустасно);

- қишлоқ хўжалик корхоналарига ва машина-трактор паркларига сотиб олинган қишлоқ хўжалик техникасини ва унга қўшимча қисмларни сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва ундириш;

- ВМ, ДСҚ, Божхона қўмиталари Қарорига (АВ 24.05.2004й. 1366-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ халқаро молия институтлари займлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида импорт қилинаётган товарлар қҚСга тортилмайди;

- ЎЗР. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрь «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорига мувофиқ пластик карточкалар, сарфланадиган материаллар, график ва электрон шахслаштириш қурилмалари, терминаллар, банкоматлар ва пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналарни импорт қилишда 2007 йил 1 январгача қҚСни тўлашдан озод қилинди.

### **Қўшилган қиймат солиғини тўлаш тартиби ва муддатлари**

Товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинишида

қўшилган қиймат солиғи божхона декларацияси қабул қилинишига қадар ёки у билан бир вақтда тўланади.

Агар божхона декларацияси Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида белгиланган муддатда топширилмаса, қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатлари божхона декларациясини топшириш муддати тугаган кундан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади.

Импорт қилинаётган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи товарларни расмийлаштирилаётган божхона органида тўланади.

Қўшилган қиймат солиғи миллий валюта - сўмда тўланади.

Жисмоний шахслар солиқни нақд пул билан божхона органи ёки пости кассасига белгиланган тартибда тўлашлари мумкин.

Қўшилган қиймат солиғини бюджетга тўғри ундирилишини назорат қилиш божхона органларига юклатилган.

### **Импорт қилинган товарлар бўйича ҚҚСни ҳисобга киритиш**

Импорт қилинган товарлар бўйича ҚҚСни ҳисобга киритишда божхона декларация (ДБД) ҳамда божхона нархи декларацияси (БНД), божхона нархига ўзгартириш (БНЎ) ва қўшилган қиймат солиғини ҳақиқатда тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари хизмат қилиши мумкин.

Импорт қилинган товарлар бўйича ҳисобга киритиладиган қўшилган қиймат солиғи белгиланган тартибда товарнинг божхона қиймати, яъни импортёр томонидан баён қилинган (контракт нархи) ва кейинчалик сотишда айланма оборотларини аниқлашда фойдаланиладиган қийматдан келиб чиқиб ҳисобланиладиган солиқ суммаси олинади.

Агарда товарларни олиб киришда қўшилган қиймат солиғи импортёр томонидан акс эттирилган қийматларда эмас, балки божхона органи томонидан божхона тўловларини тўлаш учун ҳисоблаш йўли билан аниқланган бўлса, у ҳолда божхонада расмийлаштириш вақтида ҳақиқатда тўланган ва ҳисобга киритиш лозим бўлган солиқлар орасидаги фарқ импорт қилинган товарнинг нархига олиб борилади.

*Мисол.*

*Импортёр томонидан олиб қилинган товарнинг акс эттирилган божхона қиймати 100 млн сўмни ташкил этади. Божхона тўловларини тўлаш мақсадида импорт товарлар учун божхона органлари томонидан ҳисобланган божхона қиймати 200 млн сўм қийматида аниқланган. Божхонада расмийлаштириш вақтида ҳисобланган божхона тўловларининг суммалари: божхона божси (30%) – 60 млн сўм, акциз (20%) – 40 млн сўм, ҚҚС (20%) – 60 млн сўм =  $((200 + 60 + 40) \times 20 : 100)$ .*

*Ҳисобга киритилиши лозим бўлган ҚҚС суммаси – 40 млн сўм =  $\{100$  (импортёр томонидан акс эттирилган қиймат) + 60 (божхона божси) + 40 (акциз) $\} \times 20 : 100$ .*

*20 млн сўм кўринишидаги фарқ (60 – 40) импорт қилинган товарнинг*

*сотиб олиш нархига олиб борилади.*

## МАСАЛА

Савдо-сотик билан шуғулланадиган корхона битим қиймати 800 АҚШ долл. бўлган товарни Германиядан олди. Божхона органи томонидан ушбу товарнинг бојхона баҳоси аниқлашда товарнинг баҳосини 960 АҚШ долл. қилиб баҳоланган. Божхона декларациясини расмийлаштириш вақтида 1 \$ - 916 сўм, бојхона боји ставкаси – 10%, импорт бўйича ҚҚС ставкаси – 20%, бојхона расмийлаштириши учун ундириладиган йиғим – 0,2%.

**Савол.** Олинган товарнинг ҳақиқий таннархини аниқланг.

### Ечим

Божхона тўловларини ҳисоблашда асос бўлиб товарнинг бојхона нархи ҳисобланади –  $(960 \times 916) = 879360$  сўм.

Германия билан савдо иқтисодий ҳамкорликнинг мумкин қадар қулайликлар яратиб бериш бўйича шартномаси имзоланган бўлганлиги учун бојхона боји бир ставка ҳисобида ҳисобланади. Божхона боји суммаси –  $(879360 \times 10\%) = 87936$  сўм.

Божхона боји бојхона қиймати билан биргаликда импорт қилинган товарлар бўйича ҚҚСни ҳисоблаш учун ҳам база бўлади (акциз товарлар учун эса ушбу базага қўшимча равишда акциз солиғи ҳам қўшилади).

ҚҚС –  $(879360 + 87936) \times 20\% = 193459,2$  сўм.

Божхона расмийлаштириши учун ундириладиган йиғим –  $(879360 \times 0,2\%) = 1758,7$  сўм. Ҳисобланган йиғимнинг суммаси энг кам иш ҳақидан кам бўлганлиги учун бојхона декларациясини қайд қилиш куни охиригиси, яъни 5440 сўм олинади.

Бошқа ҳисоблаш учун харажат бўлмаганлиги учун олинган товарнинг ҳақиқий таннархини аниқлаймиз. Бунинг учун товарнинг битим баҳосини аниқлаш лозим, яъни –  $(800 \times 916) = 732800$  сўм.

Жами олинган товарнинг таннархи -  $(732800 + 87936 + 193459,2 + 5440) = 1\ 019\ 635,2$  сўм.

## 4.4. ИМПОРТ АКЦИЗ ТОВАРЛАРИ БЎЙИЧА АКЦИЗ СОЛИҒИ

Товарлар импорт қилинганда акциз солиғи **ставкалари** бојхона юк декларацияларида кўрсатилган товарнинг натурал кўринишидаги ҳар бир ўлчамига қатъий суммада белгиланади (*махсус ставкалар*) ёки товар нархи нисбатан фоизларда белгиланади (*адвалор*).

- Ўзбекистон Республикаси бојхона ҳудудига қатъий акциз солиғи ставкаси қўлланиладиган товарлар олиб кирилса, у ҳолда импорт

қилинаётган товарлар бўйича солиқ базаси акциз товарларининг натура кўринишидаги ҳажмига боғлиқ равишда ундирилади.

- Адвалор солиқ ставкаси қўлланиладиган акциз товарлари импорт қилинадиган бўлса, у ҳолда бундай акциз товарлари учун солиқ солиш базаси Ўзбекистон Республикаси божхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга биноан импорт товарларининг божхонадаги қийматларига асосан аниқланади.

- Бундан ташқари аралаш ставкалар номи билан аталган ставкалар ҳам мавжуд. Аралаш ставкаларни қўллашда махсус ҳамда адвалор ставкалардан фойдаланиш кўзда тутилган; бунда акциз солиғи суммасининг энг катта қийматини белгилаб берувчи усулдан фойдаланилади.

«Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисида»ги 2002 йил 5 мартда 1101 –сон билан Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтган Йўриқномага асосан юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарларга ЎЗР. ВМнинг қарорларида келтирилган рўйхатлар ва ставкалар бўйича акциз солиғи солинади.

Шундай қилиб, акциз солиғи тўланадиган товарлар олиб кирувчи, мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслар, шунингдек жисмоний шахслар **акциз солиғини тўловчилар ҳисобланади**. Бунда, агар қонун ҳужжатларида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, исталган манфаатдор шахс тўловчи учун божхона тўловларини тўлашга ҳақлидир.

Жисмоний шахслар томонидан олиб кирилаётган товарларнинг сони белгиланганидан ошиқча бўлса, у ҳолда ортиқча товарлар учун акциз солиғи ундирилади..

Жисмоний шахслар томонидан акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб киришнинг чекланган меъёрлари (рўйхат рақами 412, 1998 йил 13 март) қуйида келтирилган:

Товарнинг	Товарларнинг номи	ТИФ ТН бўйича товарнинг коди	Акциз солиғисиз олиб кирилиши мумкин товарнинг меъёри (бир киши учун)
1	2	3	4
09	Қовурилган ёки қовурилмаган, кофеинли ёки кофе	0901	2 кг
16	Осетр икриси	160430100	0,5 кг
15	икра ўрнини босувчилар	160430900	1 кг
17	Қандолат маҳсулотлари	1704	5 кг
18	Плиткадаги шоколад ва брикетлар 2 кг юқори	180620	5 кг
17	Бошоқли ўсимликлар донлари, ун, крахмал ва тайёрланган қандолат маҳсулотлари	19	10 кг
19	Сабзавот, мева, ёнғоқ ёки бошқа ўсимлик қисм қайта ишлаш маҳсулотлари	200110-20019020 2006-2009	5 кг
21	Турли озиқ-овқат маҳсулотлари	21	2 кг
22	Пиво	2203	2 л
	Алкоголсиз ичимликлар, соқлар (цитрусларда)	2202,	2 л

		220950-220980	
	Барча турдаги алкоголь маҳсулотлари (пиводан	2204-2206, 2208	2 л
24	Этил спирти*	2207	-
	Барча турдаги тамаки маҳсулотлари	240210000 24022 240290000	10 пачка миқдоридagi сигареталар, сигаралар, папирослар
	Бензин	271000250	40 л ёки автотранспорт воситасини ишлаб чиқарувчин бензобакка сиғиши мумкин қолган қисми
33	Парфюмерия	33	хар бир турдагидан товардан
34	Автокосметика	34	хар бир турдагидан товардан
35	Юувчи ва тозаловчи воситалар	3402	5 кг
42	Табиий ва сунъий чармдан тайёрланган буюм ўқувчисининг портфеллари мустасно	420212 420310000	хар бир турдагидан товардан донадан, аммо уч донагача.
	Табиий ва сунъий мўйна; улардан тайёрланган	4203	хар бир турдаги товардан 2 донадан, аммо уч донагача.
43	Табиий мўйнадан тайёрланган кийимлар ва бо	43	хар бир турдагидан товардан донадан, аммо уч донагача.
57	Гилам ва гилам маҳсулотлари	5701-5705	15 кв.м
	Машинада ва тўқилган трикотаж маҳсулотлар	61	хар бир турдаги товардан 2 д
63	кўрпа-ёстик жилдлари	6302	5 комплект
69	Керамик буюмлар	6904, 6905, 6907, 6910, 6911, 6913,	1 комплект, 24 донагача
70	Хрусталдан қилинган идиш-товоқлар	701321	1 комплект, 12 донагача
71	Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлард заргарлик буюмлари	71	5 та буюм, умумий оғирлиги граммгача
	Бижутерия буюмлари	7117	0,5 кг гача
82	Ошхона анжомлари, пичоқлар, қошиқлар, сангасл бўлмаган металллардан тайёрланган, шу жу қимматбаҳо металллар билан қопланган бошқа	8211, 8215	1 комплект, 24 донагача
85	Видео- и аудиоаппаратуралар	8528, 8521, 8520	хар бир турдагидан товардан донадан, аммо уч донагача.
87	Енгил автомобиллар (аввал ишлатилганлари х	8703	-
91	Барча турдаги соатлар	91	2 дона
94	Мебель (тиббиётникидан ташқари)*	94(9402дан ташқари)	-
	Қандиллар, ёритгич асбоб-ускуналари	940510	2 дона

\*) автомобиллар, мебель и этил спиртига акцизсиз олиб киришга меъерий чегара ўрнатилмаган.

**Изоҳ.** Товарнинг номи ёки тури деганда жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган товарларнинг миқдори ёки предмети тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган товарларнинг акциз солиғига тортилмайдиганлари белгиланган меъери барча жисмоний шахсларга, яъни Ўзбекистон Республикаси резидентларига ҳамда норезидентларига ҳам тааллуқли. Бундан Ўзбекистон Республикаси ташқарисидан фуқаролар номига келган товарлар мустасно (халқаро почта орқали юборилганларидан ташқари).

Агарда жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасидан бошқа давлатга

доимий яшаш учун кўчиб кетаётган вақтда улар олиб кетаётган бўлса, бундай товарларга (автомобиллардан ташқари) акциз солиғи ставкаси ва меъёрий чегаралар қўлланилмайди.

Бундан ташқари акциз солиғи қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

- Юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига гуманитар ёрдам кўрсатиш ва текинга техник кўмак бериш мақсадида олиб кириладиган товарларга;

- Олиб кириладиган компьютер техникаси, уни ташкил этувчиларига ва дастурий маҳсулларига;

- Синов лабораториялари томонидан маҳсулотларни лабораторияда текшириш ва тест синовидан ўтказиш учун фойдаланиладиган технология асбоб-ускуналари (ВМнинг 22.07.2004й. 349-сонли Қарори);

- ВМ, ДСҚ, Божхона қўмиталари Қарорига (АВ 24.05.2004й. 1366-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ халқаро молия институтлари займлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида импорт қилинадиган товарларга.

### **Солиқ солиш объекти ва акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш тартиби**

Товарлар импорт қилинганда уч хил кўринишдаги акциз солиғи мавжуд:

**1. Пиво, алкогольли ва тамаки маҳсулотларига** акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган оборот қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$O = \text{қб} \times 100 / (100 - A),$$

бу ерда: O - солиқ солинадиган оборот; қб - божхона қиймати; A - акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$O \times A / 100,$$

бу ерда: O - солиқ солинадиган оборот; A - акциз солиғи ставкаси.

Яъни ҳисоблаш ишлари худди республика ҳудудида ишлаб чиқарилган акциз товарларига қандай ҳисобланса, худди шунингдек ҳисобланади.

Бунда олиб кирилган товарларнинг божхона қийматини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш тўғрисидаги Йўриқномадан (ЎЗР. АВда 1998 йил 13 январ 390-сон билан рўйхатга олинган) фойдаланилади.

Олиб кириладиган алоҳида турдаги акциз товарлар бўйича акциз солиғи суммаси товарнинг божхона қийматидан фоизларда ёки бирлик ўлчови учун АҚШ долларида белгиланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солиш объекти бўлиб божхона юк декларациясининг 45-устунида кўрсатилган, товарнинг божхона расмийлаштируви пайтида Ўзбекистон

Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўмларда қайта ҳисобланган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

2. Божхона қийматига нисбатан фоизларда акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{қб} \times \text{А}/100,$$

бу ерда: қб - божхона қиймати; А - акциз солиғи ставкаси.

3. Махсус усулда ҳисобланадиган товарларга нисбатан акциз солиғи қуйидаги формулага асосан ҳисобланади:

$$\text{Тс} \times \text{А}/100,$$

бу ерда: Тс – товарлар сони, А – акциз солиғининг ҳар бир товар учун ставкаси.

Аралаш акциз солиғи ставкалари ҳам қўлланилади (худди божхона божларини ҳисобланганда қўлланилгани каби).

#### **Акциз солиғини ҳисоблашда адвалор ставкасини қўллаш**

*Олиб кирилатган атир бўйича акциз солиғини ҳисоблашга мисол.*

*Бир донасининг сўмдаги божхона қиймати – 13080 сўм.*

*Бунда адвалор ставка қўлланилиб, акциз солиғи ставкаси – 15 %.*

*Акциз солиғи суммаси =  $13080 \times 15 : 100 = 1962$  сўм.*

#### **Акциз солиғини ҳисоблашда махсус ставкасини қўллаш**

**Акциз солиғининг қатъий ставкаси асосан импорт қилинаётган транспорт воситаларига нисбатан қўлланилади ва двигател ҳажмидан келиб чиқиб ўрнатилади.**

Масалан, агарда олиб кирилатган енгил автомобил (Россия Федерациясида ишлаб чиқилган ва у ердан олиб келинаётганидан ташқари) 1200 куб.см двигател ҳажмига эга, акциз солиғи ставкаси 2,5 АҚШ долл./куб.см. га тенг.

Акциз солиғи суммаси –  $1200 \times 2,5 = 3000$  АҚШ долл. бўлиб, уни автомобилни божхонада расмийлаштириш вақтида сўмдаги курси бўйича тўланади.

#### **Акциз солиғини ҳисоблашда аралаш ставкасини қўллаш**

*Тамаки маҳсулоти бўйича акциз солиғининг ҳисоблашга мисол.*

*Минг донасининг сўмдаги божхона қиймати – 8 минг сўм.*

*Божхона қийматига, юкни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, ортиш, тушириш, ўлчаиш ва сугурта қилиш ва бошқа суммаларни ўз ичига олади.*

Бу ҳолатда аралаш ставка қўлланилган, акциз солиғи ставкаси – 50%, аммо 1000 донасига 7 АҚШ долларидан кам бўлмаслиги лозим.

Аралаш ставкаларни қўллашда махсус ҳамда адвалор ставкалардан фойдаланиш кўзда тутилган, бунда акциз солиғи суммасининг энг катта

қийматини белгилаб берувчи усулдан фойдаланилади.

Солиқ ставкаси акцизни ўз ичига олган оборотга нисбатан қўлланилади.

Солиқ солинадиган оборот =  $(8000 \times 100) / (100 - 50) = 16000$  сўм.

Акциз солиғи =  $16000 \times 50 : 100 = 8000$  сўм.

Ушбу сумма 7 АҚШ долларидан кўп, чунки юкни божхонада расмийлаштириш вақтидаги курси:  $1\$ = 982$  сўм. Шунинг учун тўланиши лозим бўлган акциз солиғи суммаси 8000 сўмни ташкил этади.

2005 йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан келтириладиган акцизланадиган товарлардан акциз солиғи ставкалари

Товар гуруҳининг рақами	Товарларнинг номи	ТИФ ТН бўйича товарнинг коди	Ўлчов бирлиги учун божхона қийматидан фоизларда ёки АҚШ долларид
02	гўшт, уй паррандаларидан қилинган истеъмол маҳсулотлари	0207	50
04	Пахта, йиғилиб қолган сут ва сливка, йогурт, кефир	0403	20
	Пишлоқ ва творог	0406	25
	Табиий асал	40900000	10
09	Қовурилган ёки қовурилмаган, кофеинли ёки кофеинсиз кофе; кофе шулхаси ва кофе уруғи дончалари; таркибида турли мутаносибликда кофе бўлган кофе ўрнини босувчилар	0901	20
	Хушбўй таъмли қўшимчалар қўшилган ёки қўшилмаган чой	0902	10
10	Гуруч	1006 (100610100 дан ташқари)	40
15	Ўсимлик ва мол ёғи; тайёр озиқ-овқат ёғлари	1501-1517(150100110,1502001,150300110, 150300300, 1505001,150710100,150790100, 508101,150890100,151110100,1511901,151211100,151219100,1512211,151229100,151311100,1513191,151321,151329300,151411100,151419,151491100,151499100,151519,151521100,151529100,151530,151550110, 151550910, 151590,151620950 дан ташқари)	15
15	пахта ёғи ва унинг ташкил этувчилари	151221-151229	50
16	Гўшт, балиқ ёки қисқичбақасимонлар, моллик бошқа сувда кўпаядиган умуртқасизлардан тайёрланган тайёр маҳсулотлар	1601-1602 (160210001 дан ташқари)	10
	Осетр икраси; икра ўрнини босувчилар	160430	30



17	Қаттиқ ҳолатдаги шакарқамиш ёки қанд лавл шакари ва кимёвий тоза сахароза	170191000, 170199	20
	Таркибида какао бўлмаган, шакардан тайёрланган кандолат маҳсулотлари (шу жумладан, оқ шоколад)	1704	30
	Сақич маҳсулоти	170410110-17410990	70
18	Таркибида какао бўлган шоколад ва бошқа ташқари овқат маҳсулотлари	180620-180690	30
19	Бошқоқли ўсимликлар донлари, ун, крахмал ёки тайёрланган тайёр маҳсулотлар, хамирдан тайёрланган кандолат маҳсулотлари	1901 - 1905 (190110000, 190190990* дан ташқари)	20
20	Сабзавот, мева, ёнғоқ ёки бошқа ўсимлик қишлоқ қайта ишлаш маҳсулотлари 2001 (200190910 дан ташқари), 2002, 2004, 2005	(200510001 дан ташқари), 2006 (200600350, 200600910 дан ташқари), 2007 (200799930, 200710101 дан ташқари)	30
	мева ва сабзавот шарбатлари	2009 (2009911-2009949, 200990410, 200990490, 200990710, 200990730, 200990790 дан ташқари)	70%, лекин литри 1 АҚШ долл. кам эмас
21	Турли озиқ-овқат маҳсулотлари	2021-2104 (210420001 дан ташқари), 2106	20
	Музқаймоқ ва бошқа кўринишдаги истеъмол яхлари	210500	100
22	Таркибига шакар ёки бошқа ширин таъм берувчи хушбўй таъмли моддалар қўшилган ёки қўшилмаган, табиий ва сунъий минералли, газланган сувлар; муз ва қор ҳамда бошқа алкоғолсиз ичимликлар, мева ва сабзавотли ичимликлардан ташқари	2201, 2202	100%, лекин литри 0,2 АҚШ долл. кам эмас
	Солод пивоси	220300	30%**, лекин литри 0,5 АҚШ долл. кам эмас
	Вижиллайдиган ва шампан винолари	220410	70%**, лекин литри 6,0 АҚШ долл. кам эмас
	Винолар	220421, 220429, 2205	70%**, лекин литри 5,0 АҚШ долл. кам эмас
	Ҳажмида спиртнинг таркиби 10 фоизга қадар бўлган кучсиз алкоғолли ичимликлар	220600, 220890	70%**, лекин литри 1,0 АҚШ долл. кам эмас
	Ҳажмида этил спиртининг таркиби 10дан 30 фоизгача бўлган бошқа узум ва мева-сабзавотдан тайёрланган ичимликлар	220600, 220890	70%**, лекин литри 1,5 АҚШ долл. кам эмас
	Этил спирти (ставка фақат транзит пайти да гаров тўловларини ҳисоблаш учун қўлланилади)	2207	40%**

	Ҳажмида этил спиртининг таркиби 30 фойздан юқори бўлган бошқа алкоғолли маҳсулотлар, бунга кирмайди:	2208 (220820120, 220820620, ташқари)	73%**, лекин литри 2,0 АҚШ долл. кам эмас
	Коньяк	220820120, 220820620	82%**, лекин литри 14,5 АҚШ долл. кам эмас
	Ароқ	220860	85%**, лекин литри 3,5 АҚШ эмас
23	мушук ва кучуклар учун чакана савдо учун мўлжалланган овқат	230910	70
24	тамаки ёки унинг ўрнини босувчилардан тай сигаралар ва сигареталар	2402	50%**, лекин 1000 дона учун 7,0 АҚШ долл. кам эмас
	Сигаралар, кесма учли сигаралар	2402	1 донаси учун 0,3 АҚШ долл.
25	Қурилиш ва бошқа штакатуралар	252020100-252020900	30
27	Бутиминоз жинслардан олинган нефть ва неф маҳсулотлари	2710 (271011, 271019 дан ташқари)	20
	енгил дистиллятлар	271011	30
	ўрта ва оғир дистиллятлар	271019	30
32	сунъий синтетика ёки сув ва сувсиз мухитаги дисперсия ва ёйилувчан табиий полимерларни модификация қилиш натижасидаги химикатлар асосидаги краскалар ва лаклар	3208,3209	10
	ойна ва боғ замаскалари, смолянли цемент, таркибида йиғувчи хусусиятли мастика, бўёқли ишлар учун шпатлевка	3214	10
33	парфюмерия, косметика ва туалет воситалари	330300-3304	50
		3305-3307 (330510000-330610000 дан ташқари)	15
34	Совунлар; совун тариқасида фойдаланилад тўртбурчак, кесма шакллардаги ёки шаклдо кўринишида қолипланган фаол таъсир кўрс таркибида совун бўлган ёки бўлмаган органик ва воситалар; терини ювиш учун фаол таъсир к органик моддалар ва воситалар	3401, (340120100 дан ташқари) 3402, 3404 - 3407	20
36	Фейерверклар, сигнал ракеталари, ёмғир ракета туманга қарши сигналлар ва бошқа пиротехника воситалари	3604	20
38	Тормоз суюқликлари ва бошқа суюқликлар	381900000-382000000	10
39	Поливинилхлордан тайёрланган симлар, стерженлар ва профиллар	391620100	30
	Пластмассадан тайёрланган пол учун қопламалар, шунингдек ўраш ва жойлаш учун анжомлар	3918,392321000,392329***	10

	пластмассадан тайёрланган ванналар, душлар, раковиналар ва шунга ўхшаш санитар-техник воситалар-	3922	30
	пластмассадан тайёрланган ошхона анжомлари ва уй-рўзгор буюмлари, қуйидагидан ташқари	3924 (392410000, 392490900 дан ташқари)	20
	ошхона ва столовой буюмларидан	392410000,392490900	50
40	Балата, гуттаперча, гвалюла, чикл ва шунга ўхшаш табиий смолалар	400130000	40
	Пневматик резинали янги шина ва покришкалар	4011	10
	Пневматик, резинали шина ва покришкалар, таъмирланганлари ёки ишлатилганлари; яхлирчим пневматик шина ва покришкалар, шина протекторлари ва резинали чамбарак тасмалари	4012	20
	чармдан тайёрланган канцелярия товарлари	401692000	15
42	Чармдан тайёрланган буюмлар: қайиш-эгар буюган, йўл анжомлари, аёллар сумкалари ва шунга ўхшаш товарлар, шунингдек кийим-кечаклар буюмлар	4200100000-4203, 420500000	20
43	Табиий ва сунъий мўйна; улардан тайёрланган буюмлар	4303, 430400000	25
44	бошқа тахтадан ясалган буюмлар	4421 (гугурт ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган чўпдан ташқари)	30
47	ўтин массаси ёки бошқа толали целлюлоза материаллари	4707	30
48	Таркибида қоғоз концелярия наборлари бўлган қоғоздан ёки картондан тайёрланган канцелярия товарлари	4817,482010 (482010500 дан ташқари) 482030000,482040, 482050000	15
49	Нашр ёки иллюстрация қилинган почта откриткалари, табрик сўзлари, таклифномалар ёки эълонлар ёзилмаган карточкалар, ҳар хил кўринишдаги, жумладан йиртиладиган календарлар	4909,49100000	15
50	Ипак иплар ёки ипак чиқиндилардан тайёрланган газламалар	5007	20
51	Чакана савдо учун ўрамларга жойланган, аппретированган жун ва ҳайвонлар жунларидан тайёрланган калава	5109	10
52	Пахта толаси, пахта толасининг чиқиндилари ип калавалар	5201-5206	10
	Чакана савдо учун ўралган ип калава	5207	30
	200 г/м <sup>2</sup> дан катта юзали, 85 мас.% ёки ундан бўлган пахта толали ип газламалар	5208	10
	Ип газламалар	5209-5212	30

56	Пахта, наMAT ёки наMATсимон ва нотўқима махсус калава; тизимча, чилвир, аркон ва трохамда улардан тайёрланган буюмлар	5601-560900000	20
57	Гиламлар ва полга тўшаладиган бошқа тўқима махсулотлари	5701 -570500	90
58	Махсус матолар; тафта тўқимачилик материаллари; гобеленлар; безаш материаллари; кашталар	5801 - 581100000	20
59	Линолеум	5904-10000	10
60	Машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж буюмлари	6001 - 6006	20
61	Кийимлар ва унга тегишли бўлган трикотажлар		
62	Кийимлар ва унга тегишли бўлган махсулотлар, трикотаждан ташқари		
63	Бошқа тайёр тўқимачилик махсулотлари; кўп жылдлари; кийимлар ва тўқимачилик махсулотлари ишлатилганлари, эскилари	6301 - 6310	20
67	Гуллар, барглр ва сунъий мевалари ва уларнинг қисмлар, сунъий гуллар, барглр ёки унинг мевалари		
68	Тош, гипс, цемент, асбест, шаффоф минерал ёки шунга ўхшаш материаллардан ясалган буюмлар	6801 - 6803, 6805 - 6811, 6815	20
69	керамик плиткалар	6907,6908	20
	Чиннидан ясалган ошхона учун идиш-товоклар, ҳайкалчалар ва бошқа чинни ва сопол буюмлар	6911, 6913, 6914	20
70	Биллур идишлар	701321, 701331, 701391	30
	Бошқа нормаллаштирилган ойна, хавфдан сақлаш ойналари, бунга мустаҳкамланган (қиздирилган) ёки кўп қатламлик ойналар ҳам қиради.	700529250,700529350, 700529800,700711100, 700719200	30
71	Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллардан ёки уларнинг қимматбаҳо металллар билан бирга эритилган қимматбаҳо қисмлари	7113	140
	Тилладан ёки қумушдан ясалган устанинг буюмлар, табиий ва сунъий маданийлаштирилган садафдан ясалган буюмлар	7114, 7116	90
	Жўн тақинчоқлар	7117	50
73	Ошхона анжомлари, қора металдан ясалган ошхона ва оила учун керак бўлган буюмлар	7323-7324 (732410100, 732490100 дан ташқари)	
82	Ошхона анжомлари, пичоқлар, қошиқлар, сақлаш ёки асбоб бўлмаган металллардан тайёрланган, шу жумла қимматбаҳо металллар билан қопланган бошқа буюмлар	8211, 8215	20
84	□ авони тозалаш учун асбоблар, двигател ва ҳаво намлигини ўлчаш асбоблари билан жиҳозланган асбоб-ускуналар	8415(84151100,841581901, 841582100,841583100, 841590100)	20
	□ ар хил Музлаткичлар, эшиклар ташқари бўлиниб очиладиган музхоналар	841810 (841810100 дан ташқари)	30
	Хонадонда ишлатиладиган музлаткичлар	841821-841829000	30

	□ажми 900 гача бўлган вертикал тоифадаги музлатгич шкафлар	841840 (841840100 дан ташқари)	30
85	Магнитофонлар ва бошқа овоз ёзиш аппаратлари, видеоёзувчи ва видеочикарувчи аппаратуралар, чўнтак радиои кассетали плейерлар	8520, 8521 (852110100 дан ташқари), 852712,852713,852721, 852731	45
	Телевизион алоқа учун қабул аппаратлари	852812100-852812890	60
	Изоляцияланган симлар, коаксиал кабеллар бошқа электр ўтказгичлар	854411-854419900,854420000, 854441100, 854441900, 854449200,854449800, 854451100,854451900, 854459100,854459200, 854459800	50
87	Россия Федерациясида ишлаб чиқариладиган келинадиган янги транспорт воситалари (тибмақсадларга мўлжалланганлари бундан мустақил)	8703	5
	Двигателининг ҳажми қуйидагича бўлган ички ўт олиш двигателига эга бўлган транспорт воситалари (шу жумладан ишлатилганлари):		
	1000 куб.см дан ошмайдиган	870321 (870321101, 87032190 ташқари)	1 куб.см. учун 2,4 АҚШ долл.
	1000 куб.см дан ортиқ, 1500 куб.см дан ошмайдиган	870322 (870322101, 87032290 ташқари)	1 куб.см. учун 2,5 АҚШ долл.
	1500 куб.см дан ортиқ, лекин 1800 куб.см дан ошмайдиган	870323 (870323199, 87032390 ташқари)	1 куб.см. учун 2,6 АҚШ долл.
	1800 куб.см дан ортиқ, лекин 3000 куб.см дан ошмайдиган	870323 (870323199, 87032390 ташқари)	1 куб.см. учун 2,9 АҚШ долл.
	3000 куб.см дан юқори	870324 ( 870324101, 87032490 ташқари)	1 куб.см учун 3,1 АҚШ долл.
	Двигатели ҳажми қуйидагича бўлган, сиқилган алангаланиб ўт оладиган (дизель ёки ярим дизел билан) поршенли двигателга эга бўлган транспорт воситалари(шу жумладан ишлатилганлари):		
	1500 куб.см дан ошмайдиган	870331 (870331101, 87033190 дан ташқари)	1 куб.см учун 2,5 АҚШ долл.
	1500 куб.см дан ортиқ, лекин 2500 куб.см дан ошмайдиган	870332 (870332191, 87033290 ташқари)	1 куб.см учун 2,9 АҚШ долл.
	2500 куб.см дан юқори	870333 (870333191, 87033390 ташқари)	1 куб.см учун 3,1 АҚШ долл.
	Ҳайдовчи билан бирга 10 кишини ташишга мўлжалланган, двигателининг ҳажми 2500 куб.см дан ортиқ бўлган автомобиллар	870210119, 870210199	70
	Двигателининг ҳажми 2500 куб.см дан ортиқ автомобиллари	870421310, 870421390	70
8702, 8704 товар позицияларида таснифланган автомобиллар учун двигателли шассилар	8706 0011	70	
Енгил автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар	8708	10	

90	Қуёшдан ҳимоя қилувчи кўзойнақлар	9004 10	30
91	□ар хил кўринишдаги соатлар	9101-9105	5
94	Мебель	940130 - 940180000, 940310 - 940380000 (940320100, 940370100 дан ташқари)	50
	Қандиллар, ёритиш жиҳозлари	940510	10
96	шарик ручкалари, ручкалар ва маркерлар, авторучкалар, нусха олувчи перьялар, итариб чиқариладиган ва сирғарувчан қаламлар	9608	15

-----  
**Изоҳ:**

\* - Фақат болалар овқатларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган аралашма-компонентлар учун

\*\* - Ставкилар акциз солиғини ўз ичига оладиган божхона қийматида белгиланган

\*\*\* - Инфузион эритмаларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган маҳсулотлардан ташқари

Мажбурий равишда маркаланадиган, олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга акциз солиғини тўловчилар акциз маркаларини харид қилиш чоғида контракт (баёнот берилган) қийматидан ҳисобланган акциз солиғи суммасининг 100 фоизини тўлайдилар, бунда акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиғи суммасидан **ортиқ** миқдорда тўланади, маблағлар белгиланган тартибга кўра республика бюджетига кирим қилинади.

Маркаланган, акциз тўланадиган товарлар олиб кирилганда акциз солиғи суммаси божхона қийматидан келиб чиқиб қайта ҳисобланади.

**Акциз солиғини тўлаш тартиби ва муддатлари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш бошқа божхона тўловларини тўлашдан олдин ёки у билан бир вақтда амалга оширилади.

Тўлдирилган БЮД билан бирга тақдим этилган, тўлашга қабул қилинганлиги тўғрисида банк белгиси бўлган тўлов топшириқномаси тўловчи томонидан акциз солиғи тўланганини тасдиқлайди.

Олиб кириладиган ва чиқиб кетиладиган акциз товарлари бўйича бюджетга ундирилиши лозим бўлган акциз солиғини тушишини назорат қилиш божхона органларига юклатилган.

**Мустақил ечиш учун масала**

1. Импорт қилинаётган 1 л ароқнинг (Германияда ишлаб чиқарилган) божхона қиймати – 720 сўм.

*Божхона қийматига, юкни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, ортиш, тушириш, ўлчаш ва сугурта қилиш ва бошқа суммаларни ўз ичига олади.*

**Савол.** Импорт қилувчи корхонанинг фирма дўконида бир бутилка ароқ неча сўмдан сотилади, агарда корхонанинг қўшимча харажатлари ароқни омборга олиб келишга ва бошқа зарур харажатлар (сертификация қилиш ва ҳ.к.) олинган товарнинг ҳақиқий таннархига, яъни божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган (акциз ва ҚҚС ларини ҳисобга олган ҳолда), нисбатан тахминан 12 % (ушбу харажатларни ҳисобга олмаган ҳолда), савдо устамаси – 15%.

Ушбу масалани ечишда божхона божлари ҳисобга олинмайди.

### **Мустақил ечиш учун масала**

Улгуржи савдо билан шуғулланувчи корхона шартнома бўйича контракт қиймати 400 минг АҚШ доллар бўлган шоколад қандолат маҳсулотни импорт бўйича олди.

Олинган товарнинг божхонадаги қиймати 460 минг долл.

Божхона декларациясини расмийлаштириш вақтидаги курси 1\$ = 969 сўм.

Импорт божхона божининг ставкаси 10%, божхона ҳужжатларини расмийлаштирилгани учун ундириладиган йиғим – 0,2%, Товар муайян бир мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги бўйича келиб чиқишига доир сертификат билан тасдиқланмаган.

#### **Саволлар:**

1. Импорт божхона божининг қиймати неча сўмга тенг?
2. Олинган товар партиясининг ҳақиқий таннархини аниқланг.
3. Улгуржи савдо билан шуғулланувчи корхонада тўланган ҚҚС унинг ҳисоботида қандай акс этирилади?

### **Мустақил ечиш учун масала**

ҚҚС тўловчи бўлган корхона божхонадаги нархи 340 АҚШ доллари бўлган асбоб-ускунани импорт қилди.

Божхона декларациясини тўлдириш вақтидаги АҚШ долларининг курси 1 долларга 910 сўмни ташкил этади. Божхона божи – 30%, Акциз солиғининг ставкаси – 10%, божхонада расмийлаштириш учун ундириладиган йиғим божхона қонунчилигида белгиланган тартибда ҳисобланган.

Аниқланг.

1. Импорт қилинган товарлар учун ҚҚС.

## 2. Асбоб-ускунанинг ҳақиқатдаги таннархини аниқланг.

Илова

### Божхона йиғимлари ставкалари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги 204-сон қарорига илова

Т/р	Божхона йиғими тури	Йиғим ставкаси
1.	Куйидагиларни боғхонада расмийлаштирганлик учун:	
	товарлар ва транспорт воситаларини тегишли боғхона режимида расмийлаштирганлик учун, транзит, давлат фойдасига воз кечиш, вақтинча сақлаш боғхона режим лари бундан мустасно	Боғхона қийматининг 0,2 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақидан кам эмас
	олиб кириладган бурдой (ТИФ ТН коди 1001), қанд-шакар (ТИФ ТН коди 1701)ни, кўриладган ишлаб чиқариш объектлари учун туркумланган асбоб-ускуналарни боғхонада расмийлаштирганлик учун	Боғхона қийматининг 0,05 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақидан кам эмас
2.	Транзит боғхона режимида боғхонада расмийлаштирганлик учун:	
	юкнинг боғхона декларациясининг асосий варағи учун	10 еврога тенг миқдорда
	ҳар бир қўшимча варақ учун	5 еврога тенг миқдорда
3.	Эгаси боғхона органи бўлган товарларни боғхона омборида сақлаганлик учун, суткалар учун:	
	дастлабки ўн сутка мобайнида (тўлик, тўлик бўлмаган)	боғхона қийматининг 0,1 фоизи миқдорида
	ҳар бир кейинги суткалар учун (тўлик, тўлик бўлмаган)	боғхона қийматининг 0,2 фоизи миқдорида
4.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида битта транспорт воситасини боғхона томонидан куйидаги масофаларга кузатиб борганлик учун: 200 км. гача 200 км. дан ортик (ЎзР ВМ 20.05.2004 й. 239-сон Қарори таҳриридаги банд), (Олдинги таҳририга қаранг)	50 еврога тенг миқдорда 120 еврога тенг миқдорда (ЎзР ВМ 20.05.2004 й. 239-сон Қарори таҳриридаги банд), (Олдинги таҳририга қаранг)
5.	Дастлабки қарор қабул қилганлик учун	50 еврога тенг миқдорда
6.	Боғхона расмийлаштируви бўйича мута- хассисга малака аттестати берганлик учун	150 еврога тенг миқдорда
7.	Боғхона расмийлаштируви бўйича мута- хассис малака аттестатининг амал қилишини қайта рўйхатдан ўтказганлик учун	150 еврога тенг миқдорда
8.	Боғхона расмийлаштируви бўйича мутахассис малака аттестатининг амал қилишини тиклаганлик учун	300 еврога тенг миқдорда
9.	Боғхона брокери сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия) берганлик учун	500 еврога тенг миқдорда
10.	Боғхона брокери сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия) нинг амал қилишини қайта рўйхатдан ўтказганлик учун	500 еврога тенг миқдорда
11.	Боғхона брокери сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия) нинг амал қилишини тиклаганлик учун	1000 еврога тенг миқдорда
ЎзР ВМ 20.11.2003 й. 523-сон Қарорига мувофиқ 12-14 бандлар ўз кучини йўқотган		
12.	Бож олинмайдиган савдо дўкони таъсис этиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия) берганлик учун	5000 еврога тенг миқдорда
13.	Бож олинмайдиган савдо дўкони таъсис этиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия) нинг амал қилишини қайта рўйхатдан ўтказганлик учун	5000 еврога тенг миқдорда
14.	Бож олинмайдиган савдо дўкони таъсис этиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия) нинг амал қилишини тиклаганлик учун	10000 еврога тенг миқдорда
15.	Товарларни боғхонада қайта ишлашга рухсатнома (лицензия) берганлик	150 еврога тенг



	учун	миқдорда
16.	Товарларни божхона назорати остида қайта ишлашга рухсатнома (лицензия) берганлик учун	150 еврога тенг миқдорда
17.	Товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлашга рухсатнома (лицензия) берганлик учун	150 еврога тенг миқдорда
ЎзР ВМ 20.11.2003 й. 523-сон Қарорига мувофиқ 18-21 бандлар ўз кучини йўқотган		
18.	Умумий майдони қўйидагича бўлган эркин омбор таъсис этиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия) берганлик учун:	
	500 кв. метргача	1000 еврога тенг миқдорда
	1000 кв. метргача	2000 еврога тенг миқдорда
	1500 кв. метргача	3000 еврога тенг миқдорда
	1500 кв. метрдан ортиқ	4000 еврога тенг миқдорда
19.	Эркин омбор ёки божхона омбори таъсис этиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия)нинг амал қилишини қайта рўйхатдан ўтказганлик учун:	
	500 кв. метргача	1000 еврога тенг миқдорда
	1000 еврога тенг миқдорда	2000 еврога тенг миқдорда
	1500 еврога тенг миқдорда	3000 еврога тенг миқдорда
	1500 кв. Метрдан ортиқ	4000 еврога тенг миқдорда
20.	Эркин омбор ёки божхона омбори таъсис этиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия)нинг амал қилишини тиклаганлик учун:	
	500 кв. метргача	2000 еврога тенг миқдорда
	1000 еврога тенг миқдорда	4000 еврога тенг миқдорда
	1500 еврога тенг миқдорда	6000 еврога тенг миқдорда
	1500 кв. Метрдан ортиқ	8000 еврога тенг миқдорда
21.	Божхона омбори таъсис этиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия) берганлик учун:	
	500 кв. метргача	1000 еврога тенг миқдорда
	1000 кв. метргача	2000 еврога тенг миқдорда
	1500 кв. метргача	3000 еврога тенг миқдорда
	1500 кв. метрдан ортиқ	4000 еврога тенг миқдорда
	ёпиқ турдаги умумий майдони:	
	500 кв. метргача	1000 еврога тенг миқдорда
	1000 кв. метргача	2000 еврога тенг миқдорда
	1500 кв. метргача	3000 еврога тенг миқдорда
	1500 кв. метрдан ортиқ	4000 еврога тенг миқдорда
22.	Божхона ташувчиси сифатида фаолиятни амалга оширишга рухсатнома (лицензия) берганлик учун	5000 еврога тенг миқдорда
23.	Божхона ташувчиси сифатида фаолиятни амалга оширишга рухсатнома	5000 еврога тенг

	(лицензия)нинг амал қилишини қайта рўйхатдан ўтказганлик учун	миқдорда
24.	Божхона ташувчиси сифатида фаолиятни амалга оширишга рухсатнома (лицензия)нинг амал қилишини қайта тиклаганлик учун	10000 еврога тенг миқдорда
25.	Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни ўқитганлик учун	100 еврога тенг миқдорда
26.	Ходим томонидан товарни белгиланган жойдан ташқарида божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун, битта ходимнинг бир соатлик иши учун:	
	кундузги (соат 9.00-18.00) иш вақтида	5 еврога тенг миқдорда
	иш вақтидан ташқари пайтларда (соат 18.00-9.00), дам олиш, байрам кунлари	20 еврога тенг миқдорда
27.	Олиб келинаётган транспорт воситалари (шу жумладан, вақтинча олиб келинаётганлар)ни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига гувоҳномалар берганлик учун:	
	енгил автомобиллар:	20 еврога тенг миқдорда
	юк автомобиллари, микроавтобуслар ва автобуслар	25 еврога тенг миқдорда
	моторсиз транспорт воситалари (тиркамалар, ярим тиркамалар ва бошқалар)	10 еврога тенг миқдорда
	мотоцикллар, мотороллёрлар, мопедлар	5 еврога тенг миқдорда
28.	Юридик шахслар томонидан олиб келинаётган нақд чет эл валютасини божхонада расмийлаштирганлик учун йиғимлар	нақд чет эл валютасининг бир туркуми учун 50 еврога тенг миқдорда

## 5. Барча юридик шахслар томонидан тўланадиган тўловлар

### 5.1. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий бадаллар ва ажратмалар

ЎзР. ВМнинг 2003 йил 25 декабр 567-сонли Қарорига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларини тўлашнинг ўрнига (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат фонди, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши) ягона ижтимоий солиқ киритилди. Ягона ижтимоий тўловнинг ставкаси юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 31 фоиз миқдорда, фуқаролар иш ҳақларидан Пенсия жамғармасига ундириладиган мажбурий ижтимоий суғурталаш бадалларининг ставкаси 2,5 фоизлигича сақланган.

Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг мажбурий ижтимоий суғурталаш бадаллари давлат солиқ ва йиғимларга тенглаштирилади ва «Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида»ги Низомига (ЎзР. АВ томонидан 2004 йил 6 апрель 1333-сон билан тасдиқланган) мувофиқ мулкчилик шаклидан қатъи назар барча юридик шахслар томонидан тўланади.

Ягона ижтимоий тўлов ва фуқаролар мажбурий суғурта бадалларининг ҳисоблаб ёзилиши ижтимоий суғурталаш татбиқ этиладиган барча тоифадаги ходимларга ҳақиқатда ҳисоблаб ёзилган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (даромад) ва иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари молиялаш манбаларидан қатъи назар, **солиқ ушланмаларини ҳисобга олишларсиз**, барча иш ҳақи (даромад) турларига ҳисобланади, бундан куйида кўрсатиб ўтилган тўловлар мустасно.

Доимий равишда хорижда истиқомат қилувчи, мулкчилик шаклларида қатъи назар Ўзбекистон Республикаси корхоналари (ташкilotлари, муассасалари)да фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишловчи хорижий давлатлар фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг даромадларидан ягона ижтимоий тўлов ва давлат ижтимоий суғуртасига оид мажбурий суғурта бадаллари **ҳисобланмайди**.

Юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов Давлат мақсадли жамғармалари ва Касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида куйидаги кўринишда тақсимланади (фоизда):

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига	30,0
Давлат бандликка кўмаклашиш фондига	0,5
Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига	0,5

### **Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ижтимоий суғурталашга оид мажбурий бадаллар бўйича имтиёзлар**

Баъзи бир тоифадаги меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ижтимоий суғурталашга оид мажбурий бадаллари тўловчилари учун куйидаги пастрок ставкалар белгиланган:

- ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахслар учун ижтимоий суғурталашга мажбурий бадалларнинг миқдори ногиронлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан 4,7%ни ташкил қилади;

- “SOS - Ўзбекистондаги болалар маҳаллалари” уюшмаси учун ижтимоий суғурталашга мажбурий бадаллар миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 7%ни ташкил қилади.

- Адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан - 25%ни ташкил қилади.

### ***Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари ҳисоблаб ёзилмайдиган тўловлар турлари***

1. Фойдаланилмаган таътил учун компенсация.

2. Ишдан бўшаш пайтида ишдан бўшаш нафақаси.
3. Моддий ёрдам сифатида бериладиган турли хил пул нафақалари.
4. Компенсация тўловлари (хизмат сафарлари бўйича суткалик пуллар ва суткалик пуллар ўрнига тўловлар, меҳнаткашларга шикастланиш ёки улар иши билан боғлиқ ҳолда соғлиқнинг бошқача шикастланиш билан етказилган зарарни қоплашга тўловлар).
5. Ходимларнинг баъзи бир тоифаларига бепул тақдим этиладиган хонадонлар, коммунал хизматлар, ёқилғи, йўл чипталари қиймати ёки уларни қоплаш қиймати.
6. Берилган махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибдаги химоянинг бошқа воситалари, совун, ёғсизлантирувчи воситалар, сут ва даволаш-профилактика овқатланишининг қиймати.
7. Бепул овқатланиш қиймати.
8. Тушликка дотациялар, санаторий-курортларда даволанишга, дам олиш уйларига йўлланмалар қиймати, стационар ва амбулаторияларда даволанишга тўланадиган ҳақ.
9. Бошқа жойдаги ишга ўтказишда ёки кўчиб ўтишда кўчиб бориш, мол-мулкни олиб ўтиш ва турар жой ижараси бўйича харажатларни қоплаш.
10. Доимий иш йўлда ўтадиган ёки сайёр тусда бўлган ҳолларда ёхуд хизмат сафарлари муносабати билан суткалик пуллар ўрнига иш ҳақига кўшимча ва устама ҳақлар.
11. Тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларига ўтказиладиган, меҳнат учун ҳақ олмасдан ишлаш кунлари (шанбаликлар, якшанбаликлар ва ҳоказо) учун иш ҳақи.
12. Юбилей саналари, таваллуд кунлари муносабати билан, узоқ йиллик ва бенуқсон меҳнат фаолияти, фаол жамоатчилик иши учун ва иш ҳақи фонди (меҳнатга ҳақ тўлаш фонди) ҳисобига ўтказиладиган бошқа шу сингари ҳолларда рағбатлантириш тўловлари (шу жумладан мукофотлар).
13. Мусобақалар, кўриклар, танловлар ва ҳоказоларда совринли ўринлар учун бериладиган пул мукофотлари.
14. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга юборилган талабаларга корхона ва ташкилотлар томонидан тўланадиган стипендиялар.
15. Корхоналар, муассаса ва ташкилотлар ҳисобидан ёш мутахассисларга олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тугатганидан кейин таътил вақти учун тўланадиган нафақалар.
16. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар.

*1-Мисол: Корхонанинг «Тақдирлаш тўғрисида»ги Тартибига асосан ишчи ва хизматчиларни касбий байрам билан тақдирлаш мақсадида уларга мукофот пули ҳисобланди. Бундай мукофот пулига суғурта ажаратмалари тўланади-ми?*

*2-Мисол: Ишчига унинг юбилеи муносабати билан бир маротабалик мукофот пули ҳисобланган. Бундай мукофот пулига суғурта ажаратмалари*

*тўланади-ми?*

### **Мажбурий суғурта бадалларини ҳисоблаб ёзиш, ҳисоботларни топшириш ва тўлаш тартиби**

Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб ёзиш тўловчи томонидан мустақил равишда, ҳисобот оyi учун ҳисоблаб ёзилган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва тасдиқланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Тўловчилар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларининг тўланиши тегишли давр учун банк бўлинмаларидан иш ҳақи учун нақд пул маблағларининг оlinиши чоғида, бироқ ҳисобот ойидан кейинги оyнинг 10-кунидан кечиктирмаган ҳолда, маблағларни тўловчиларнинг тўлов топшириқномалари асосида ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахслар томонидан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, бола туғилиши муносабати билан, дафнга нафақалар тўланиши (бундан кейин - нафақалар), уй-жой-коммунал хизматлари бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига тўланадиган компенсация пул тўловлари (бундан кейин компенсациялар), ишловчи пенсионерларга пенсиялар (бундан кейин - пенсиялар), 16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ота-оналарига қўшимча дам олиш кунларига ҳақ тўлаш, болалар соғломлаштириш лагерлари ва санаторий-профилакторийларнинг тутиб турилишига бирор-бир чегиришларсиз ҳисоблаб ёзилган сумманинг тўлиқ ҳажмида ўтказилади.

Бунда юридик шахслар туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига 2004 йилнинг 1 январь ойидан бошлаб бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларни ўз ичига олувчи буюртманомаларни тақдим этадилар. Юридик шахслар солиқ органларига ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатларида, бироқ ҳисобот ойидан кейинги оyнинг 10-кунидан кечиктирмасдан туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига юридик шахслар харажатларини тўлашга бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан маблағларни олиш учун буюртманомаларни тақдим этадилар.

Юридик шахсларнинг тақдим этилган буюртманомаларда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича маълум давр учун бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича ҳисоблаб ёзилган суммалардан ортиқ бўлган харажатлар суммаларини кўрсатишлари тақиқланади.

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларни тўлаш учун олинган маблағлар қатъий назоратда бўлиши ва фақатгина буюртманомада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин. Ҳисоб-китобларда керакли суммаларни атайлаб бузиб кўрсатишга ва улардан мақсадга номувофиқ фойдаланишга йўл қўйган мансабдор шахслар меҳнат, маъмурий

ва жиноят қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўлов интизомига риоя қилганлик учун шахсан жавобгар бўладилар.

Юридик шахслар (бундан бюджет ташкилотлари мустасно) ўз маблағлари мавжуд бўлган ҳолларда, кейинчалик тўланган суммаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш эвазига пенсиялар, компенсациялар ва нафақаларни иш ҳақини тўлаш кунида ўз маблағлари ҳисобидан тўлашни амалга ошириш ҳуқуқига эгалар. Юридик шахслар томонидан тўланган суммаларнинг қопланиши бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан олинган маблағларнинг иккиламчи депозит ҳисобварағидан харажатлар тўлаб юборилган уларнинг асосий ҳисобрақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### **Юридик шахс мақомига эга бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжалик аъзолари томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси суғурта бадалларини ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш тартиби**

Юридик шахсни ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилиш чоғида бир вақтнинг ўзида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг суғурта бадаллари тўловчилари бўладилар.

Деҳқон хўжалигининг давлат ижтимоий суғуртасига тегишли шахс бўлиш истагини билдирган аъзоси белгиланган тартибда туман (шаҳар) солиқ органларида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси суғурта бадалларининг тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтиши керак.

Юридик шахсни ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга, деҳқон хўжаликлари аъзоларига солиқ тўловчининг идентификация рақамлари берилади.

Юридик шахсни ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорини мустақил равишда белгилайдилар. Бунда тадбиркор ва деҳқон хўжалиги аъзосининг суғурта бадали миқдори битта энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги, ёшга доир пенсия ҳуқуқига эга бўлган, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари бўлиб ҳисобланувчи тадбиркорлар учун эса суғурта бадали миқдори Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг камида эллик фоизини ташкил қилиши керак.

Суғурта бадаллари тўловчилар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғини тўлаш учун белгиланган муддатларда тўланади.

Суғурта бадаллари нақдсиз ҳисоб-китоблар йўли орқали ёки нақд пуллар билан бевосита бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобварақларига тўланади.

Тўлов топшириқномасида (кирим ордерида) албатта СТИР ва тўлов кирим қилинаётган давр кўрсатилиши керак. Давр кўрсатилмаган ҳолларда тўлов у амалга оширилган ой учун кирим қилинган деб ҳисобланади.

Юридик шахсни ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари томонидан тўланган суғурта бадаллари қайтарилмайди.

### **Корхоналар томонидан нафақаларни тўлаш тартиби**

ЎзР. ВМ 2002 йил 28 февраль «Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 71-сонли Қарорига мувофиқ вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар:

- иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бўлган ходимларга, байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар учун - 18 ёш) тўлмаган уч нафар ва ундан кўп фарзанди бўлган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга, Чернобил АЭСдаги ҳалокат натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга, ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга, шунингдек ходим ишда шикастланиш ва касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганда ойлик иш ҳақининг тўлиқ миқдориди.

- ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар бўйича ҳисобда турувчи ходимларга, улар томонидан давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар тўлаб келиниши муддатига (умумий иш стажига) қараб ойлик иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача миқдорда;

- қолган ҳолларда, улар томонидан давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар тўлаб келиниши муддатига (умумий иш стажига) қараб ойлик иш ҳақининг 60 фоизидан 80 фоизигача миқдорда тўланади.

- бола туғилиши муносабати билан тўланадиган нафақа иш ҳақининг 100% миқдориди тўланади.

### **Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунининг 12-моддаси “б” - “ж” бандларига биноан тайинланган пенсияларни тўлашга бўлган харажатларни амалга ошириш**

Мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар юридик шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган маблағлардан бюджетдан

ташқари Пенсия жамғармасига Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни 12-моддаси “б” - “ж”-бандларига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлашга бўлган харажатларни қопловчи тўловларни кирим қиладилар (Мазкур Низомга 4-сон илова).

Пенсияларни тўлашга оид харажатларни амалга ошириш қуйидаги тартибда бажарилади:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни 12-моддаси “б” - “ж”-бандларида назарда тутилган тасдиқланган штат жадвалига биноан ишчи ўринларига эга юридик шахслар ана шундай ишчи ўринлари рўйхатини, касблар, лавозимлар номларини ва ушбу ишчи ўринларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сонини белгилайдилар;

б) мазкур йил давомида имтиёзли шартларда ушбу ишчи ўринларидан пенсияга чиқувчи ходимлар сони уларнинг ўртача йиллик сонидан 3% миқдорида қабул қилинади;

в) уларга тўланиши керак бўлган пенсия миқдорининг аниқланиши учун кўрсатиб ўтилган ишчи ўринларида банд бўлган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ўтган йил маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилади. Пенсия миқдори кўрсатилган ўртача ойлик иш ҳақининг 60%и миқдорида қабул қилинади;

г) юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни 12-моддаси “б” - “ж”-бандларига мувофиқ пенсияларни тўлаш учун харажатларнинг амалга оширилишига маблағлар суммасини тўлаш ҳисобот йили яқунлари асосида амалга оширилади ва ҳисоб-китоб туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига мазкур Низомга 5-сон иловага биноан шакл бўйича ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 январига қадар тақдим этилади.

Илова

### **Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат Пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси «б» – «ж» бандларига мувофиқ**

Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи охирги иш жойидан қатъи назар, қуйидагилар пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

б) меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (3-сонли рўйхат, I қисм):

- эркаклар - иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;



- аёллар - иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда.

Ер ости ишларидаги меҳнат стажи эркакларда 10 йилдан кам ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан кам бўлган ҳолларда ходимларга бу ишлардаги ҳар бир тўлик йил учун юқорида номи келтирилган Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши 1 йилга қисқартирилади.

Меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда - эркаклар камида 6 йилу 3 ой, аёллар камида 5 йил - ишлаган ходимларга пенсия Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат Пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши эркакларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йилу 6 ойи учун ва аёлларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йили учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади;

в) қишлоқ хўжалиги ходимларининг айрим тоифалари (3-сонли рўйхат, II қисм):

- эркаклар - умумий иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

- аёллар - умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

г) тракторчи-машинист, тракторлар ва экскаваторлар негизида йиғилган курилиш, йўлсозлик ва юк ортиш-тушириш машиналарининг машинисти бўлиб ишлаган аёллар - умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда (3-сонли рўйхат, III қисм);

д) авиация муҳандис-техниклари таркибининг ходимлари (3-сонли рўйхат, IV қисм):

- эркаклар - авиациядаги умумий иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган вазифаларга тўғри келган тақдирда;

- аёллар - авиациядаги умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган вазифаларга тўғри келган тақдирда;

е) тўқимачилик ишлаб чиқариши дастгоҳлари ва машиналарида ишлаган аёллар - кўрсатиб ўтилган ишдаги стажи камида 20 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, V қисм);

ж) шаҳар йўловчилар ташиш транспорти ҳайдовчилари (3-сонли рўйхат, VI қисм):

- эркаклар - камида 25 йил иш стажига эга бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган ишга тўғри келган тақдирда;

- аёллар - камида 20 йил иш стажига эга бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишга тўғри келган тақдирда.

## **5.2. СОТИЛГАН МАҲСУЛОТ (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИНГ ҲАҚИҚАТДАГИ ҲАЖМИДАН БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИГА МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАР**

«Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида»ги Низомга (АВ томонидан 06.04.2004 йил. 1333-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқатдаги ҳажмидан ажратмаларнинг тўловчилари бўлиб юридик шахслар ҳисобланади.

ҚҚС ва акциз солиғини тўловчи юридик шахслар сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқатдаги ҳажмидан ажратмаларни кўрсатилган солиқ суммаларини чегирган ҳолда амалга оширадилар.

Мажбурий ажратмаларга **тортиш объекти** бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) ҳисобот даврида (ойида) сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқий ҳажми - саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги корхоналари учун;

б) корхоналарни комиссия тақдирлаш суммалари - воситачилик хизматларини кўрсатувчи дилерлар ва корхоналар учун;

в) ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми - қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа - қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун;

г) товар айланмаси, бажарилган ишлар, хизматлар, ҳажми - умумий овқатланиш, таъминот-сотиш ташкилотлари билан бирга тайёрлов, савдо корхоналари учун;

д) ялпи даромад - улгуржи ва чакана дорихона муассасалари учун;

е) сотилган маҳсулотнинг бутун ҳажми, бунга консигнация товари қиймати ҳам киради - консигнация шартномалари бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар учун;

ж) ҳисобот даврида олинган ҳақиқатдаги даромад - банклар, суғурта ташкилотлари ва уларнинг муассасалари учун;

з) тадбиркорлик фаолиятдан олинган тушум суммалари - тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи нотижорат, бюджет ташкилотлари учун.

Сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқатдаги ҳажмидан мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб ёзиш тўловчи томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқатдаги ҳажмидан мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби тўловчилар томонидан солиқ органига **ҳисобот** ойдан кейинги ойнинг **10-кунигача** ҳар ойда ўсиб боровчи яқун билан тақдим этилади.

Сотилган маҳсулот ҳақиқий ҳажмидан ажратмалар бўйича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўловлар юридик шахслар томонидан ҳар ой ҳисобот ойдан **кейинги ойнинг 10 санасига қадар тўланиши** лозим.

### Масала

2004 йил январ ойи учун ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан Пенсия жамғармасига ажратиладиган ягона ижтимоий солиқ

суммасини аниқланг, агарда қуйидаги маълумотлар берилган бўлса:

- иш ҳақи ҳисобланган – 3 600 минг сўм;
  - моддий ёрдам ажратилган – 400 минг сўм;
  - ишчи ва хизматчиларнинг йўл патталарига ажратилган харажатлар – 180 минг сўм;
  - ишчи ва хизматчиларнинг тушлик овқатларига – 360 минг сўм;
  - кунлик харажатлар берилган:
    - меъёр чегарасида – 7 890 минг сўм;
    - меъёрдан юқори – 4 000 минг сўм;
  - ярим йил якунига асосан мукофот пули ҳисобланган – 300 минг сўм.
- Энг кам иш ҳақи қиймати 6530 сўм.

## 5.5. ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИГА АЖРАТМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 19 август ПФ-3292-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 август «Ўзавтойўл давлат акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 361-сонли Қарорига мувофиқ:

- Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик концернини Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш Давлат-акциядорлик компанияси ("Ўзавтойўл" ДАК) этиб қайта ташкил қилинди;

- 2003 йилнинг 1 октябридан бошлаб йўл хўжалигини бошқариш тузилмасидаги Республика, вилоят ва маҳаллий йўл жамғармалари тугатилди ва уларнинг ўрнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика йўл жамғармаси тузилди;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига маблағларни йиғиш ва тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ ва Давлат божхона қўмиталари зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 6-иловасига (ЎЗР. ВМ 2003 й. 21 август 361-сонли Қарори) мувофиқ Жамғарманинг даромадларини қуйидагилар ташкил этади:

а) корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар томонидан (мазкур банднинг «а-1», "б", "в", "в1", "г", "д", "ж" кичик бандларида кўрсатилганлардан ташқари) қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чиқариб ташланган ҳолда **махсулот (ишлар, хизматлар) сотиш ҳажмидан – 1,5% миқдорида.**

Бунга юридик шахслар, яъни асосий фаолияти товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган

корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик субъектлари маблағ тўловчилар ҳисобланади. Улар бўйича тўланадиган айланмага шунингдек фаолиятнинг бошқа турлари бўйича маҳсулотлар сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳажми ҳам киритилади.

а-1) коммунал хўжалиги тизими корхоналари томонидан маблағлардан мажбурий ажратмалар – сотиб олиш қийматини чегирган ҳолда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)- тегишли равишда иссиқлик таъминоти корхоналари учун – сувни, газни сотиш ҳажмидан;

б) ажратма маблағлари:

- тайёрлов, воситачи, таъминот-сотиш ташкилотлари томонидан қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда **товар айланмасидан – 1% миқдорида;**

- савдо корхоналари, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари томонидан **товар айланмасидан**, –улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари томонидан эса - ялпи даромаддан - **1% миқдорида;**

в) банклар (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан ташқари), суғурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатув пунктлари), ким ошди савдолари, казинолар, видео ва аудиоманбаларни кўпайтиришдан, улар прокатидан, пул ютуқли автоматлардан фойдаланишдан, лотерея ўйинлари ўтказишдан ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлардан, шунингдек оммавий концерт-томоша тадбирларидан даромад олувчи корхоналар томонидан **даромаддан – 1,5% миқдорида;**

в-1) асосий фаолияти мол-мулкни лизингга бериш билан шуғулланувчи корхоналар мажбурий ажратмаларни – лизинг берувчи (маржа) даромадидан;

г) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмидан, қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда – 1,5% миқдорида;

д) автотранспорт корхоналари томонидан маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажмидан, қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда 2,5% миқдорида.

Бунда юридик шахслар - асосий фаолияти тегишли тўлов эвазига юклар ва йўловчиларни ташиш билан боғлиқ бўлган автомобиль транспорти корхоналари маблағ тўловчилар ҳисобланади. Ушбу корхоналар тўланадиган айланмага шунингдек фаолиятнинг бошқа турлари бўйича маҳсулотларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳажми ҳам киритилади;

е) *сотиб олинган ва вақтинча олиб келинадиган автотранспорт воситалари қийматидан, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ушбу воситалар эгалари (фойдаланувчилари) томонидан - сотиб олинган ва вақтинча олиб келинган транспорт воситалари (енгил автомобиллар, автобуслар, микроавтобуслар, юк автотранспорт воситалари ва махсус автомобиллар)нинг баҳосидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Ички*

ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказишдаги тўланадиган йиғимлар ҳисобига шаклланади:

- *автотранспорт корхоналари томонидан ажратиладиган маблағлар-маҳсулотлар сотиши* (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ҳажмидан, кўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда - **2,5 фоиз миқдорида**;

- *сотиб олинган енгил автомобиль нархидан* - **6 фоиз миқдорида**;

- *бошқа автотранспорт воситалари*: юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар нархидан - **20 фоиз миқдорида**;

Автотранспорт воситаларини сотиб олишга ёки қайта сотишга ва вақтинча олиб чиқиб кетишга йиғим тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат кўрсатилмасдан автотранспорт воситалари рўйхатдан ўтказилмайди, қайта рўйхатдан ўтказилмайди ёки техник кўриқдан ўтказилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказиладиган сотиб олинган ва вақтинча олиб чиқиб кетиладиган автотранспорт воситалари қийматидан йиғимлар суммаси тўловчи (фойдаланувчи) корхоналар томонидан маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибига, бюджет ташкилотлари томонидан эса - таъминот сарф-харажатлари сметасига киритилади;

з) "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси корхоналари ва ташкилотлари мол-мулкани сотишдан бюджетга тушиши керак бўлган маблағлар умумий суммасининг - **50 % миқдорида**;

и) хорижий давлатларнинг автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, чиқиши ва транзит учун йиғимлар - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир автоташувчи учун белгиланган миқдорда;

к) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар, шу жумладан ихтиёрий бадаллар, хорижий инвестициялар ва кредитлар маблағлари ҳисобига шакллантирилади.

Агар ушбу банднинг «а», «а-1», «б», «в», «в-1» ва «г» кичик бандларида кўрсатилган хўжалик юритувчи субъект фаолиятнинг бир неча турлари билан шуғулланса, у ҳолда у алоҳида ҳисоб-китоб юритиши ҳамда тўловларни Жамғармага фаолиятнинг ушбу турлари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлаши керак.

Тўловчилар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай рўйхатдан ўтказиш жойи бўйича солиқ органларига Жамғармага маблағ ажратилиши бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар ва худди шу ойнинг 20-кунигача тўланиши керак бўлган тўловларни Жамғармага ўтказадилар.

Мажбурий ажратмаларнинг ортиқча тўланган суммаси солиқ органларининг ортиқча тўлаганлик тўғрисидаги хулосаси бўйича, тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кун муддатда бўлажак тўловлар ҳисобига ўтказилади ёки Республика йўл жамғармаси томонидан тўловчига қайтарилади.

Тўлов, субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти натижаларидан қатъи

назар, амалга оширилади.

Йўл жамғармаси маблағларни ва ажратмаларни ўз вақтида тўлашдан **бош тортган вақтда** туман автомобиль йўллари бошқармалари, давлат ҳудудий акционерлик бирлашмалари, "Ўзавтойўл" концерни маблағларни йўл жамғармаларига **шак-шубҳасиз ундириб олинади**.

Муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг **0,07 фоизи миқдорида пеня тўланади**.

«Республика Йўл жамғармасини ташкил этилиши ва ундан фойдаланиш» Тартибининг 29-бандига асосан қуйидаги корхоналар ва хўжалик ташкилотлари йўл жамғармаларига маблағ ажратишдан **озод қилинади**:

Қуйидагилар Жамғармага "а", "б", "в" ва "г" кичик бандларида назарда тутилган мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилади:

- давлат бюджетидаги ташкилотлар ва муассасалар (шу жумладан фаолият ихтисослиги бўйича ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан, фойдаланилмаётган биноларни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича, хомийлик ёрдамидан, пулли-контракт асосида ўқитиш учун тушумдан);

- бюджетдан дотация олувчи томоша кўрсатиш билан боғлиқ корхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари ва пансионатлар;

- йўл хўжалиги ташкилотлари - умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича ишларни бажаришдан олинган даромадлар бўйича;

- уй-жой-фойдаланиш идоралари, уй бошқармалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва мулкчилик шаклларида қатъи назар уй-жой фондини бошқариш, сақлаш ва улардан фойдаланишни бевосита амалга оширувчи бошқа ташкилотлар;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқни қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш жамғармаси;

- давлат ташкилотларини бошқариш республика ва маҳаллий органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар тижорат ва хўжалик фаолияти бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар ва тушумлар бўйича;

- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг корхоналари ва ташкилотлари, уларга бўйсунувчи хўжалик ҳисобидаги хўжалик ташкилотлари бундан мустасно.

Қуйидаги автомобиль транспорти корхоналари Жамғармага "д" кичик бандида назарда тутилган мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилади:

- давлат бюджетидаги автокорхоналар;

- "Ўрта Осие Транс" халқаро автоташиш давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзташқитранс" давлат-акциядорлик компанияси;

- умумий фойдаланилишдаги автомобиль йўллари сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуришни амалга оширувчи йўл хўжалиги пудрат таъминлаш - фойдаланиш корхоналари;

Куйидагилар сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматидан йиғим тўлашдан озод қилинади:

- мотоараваларга ва автомобилларга эга бўлган ва уларни сотиб олган барча гуруҳларга тегишли бўлган ногиронлар;

- ихтисослаштирилган тармоқдан "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган янги автомобилларни сотиб олаётган фуқаролар, шунингдек ҳада шартномаси асосида яқин қариндошлардан (оталар, болалар, ака-укалар, опа-сингиллар, эр, хотин) автомобиллар ва мотоаравачалар олувчи фуқаролар;

- умумий фойдаланилишдаги автомобиль йўллари сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуришни амалга оширувчи йўл хўжалиги пудрат таъминлаш - фойдаланиш корхоналари;

- юридик шахслар – фаолиятининг асосий тури йўловчилар ташиш бўлган, қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчилар ташиш учун белгиланган намунадаги лицензияларга эга бўлган автотранспорт корхоналари - йўловчилар ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари бўйича (енгил автомобиллар ва йўналишли таксилардан ташқари);

- 40 тоннадан ортиқ юк кўтарадиган конларда ишлатиладиган автосамосвалларни сотиб олаётган корхоналар;

- ҳомийлик (беғараз) ёрдами сифатида автомобиль олган юридик шахслар - болалар уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, кексалар ва кичик ёшдаги ногиронлар учун интернат-уйлар, шунингдек давлат бюджетидан таъминланадиган тиббиёт муассасалари;

- юридик шахслар - автотранспорт воситаларини битта тизим (вазирлик, идора, хўжалик бирлашмаси) ичида балансдан балансга бепул беришда;

- лизинг ёки лизинг берувчи - Ўзбекистон Республикаси резиденти билан сублизинг шартномаси бўйича лизинг олувчилар – бундай шартномада автотранспорт воситаларга эгалик қилиш ҳуқуқининг сотиб олиш қийматини тўламасдан ўтиши назарда тутилган ва барча лизинг тўловлари тўланган тақдирда.

Жамғармага тушумлар тўлиқ тушиши таъминланиши учун:

юридик шахслар - мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан Жамғармага мажбурий ажратмаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушиши учун - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари кирганлиги учун тўловнинг тўлиқ тушиши учун - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари;

автотранспорт воситалари сотиб олинганлиги ёки қайта сотилганлиги учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўлов тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатсиз рўйхатдан ўтказилишига, қайта рўйхатдан ўтказилишига ёки техник кўрикдан ўтказилишига йўл қўйилмаслиги учун - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Ҳаракат хавфсизлиги давлат хизмати органлари) ва унинг жойлардаги органлари жавоб берадилар.

Мажбурий ажратмалар ва йиғимлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгарлик тўловчилар зиммасига юкланади, улар:

белгиланган тартибда ва муддатларда йиғимлар ва тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва ўз вақтида тўланишини таъминлашга;

тўлов ҳужжатларида йиғим ва ажратма турини кўрсатишга;

тўланган йиғимлар ва мажбурий ажратмалар суммаси ҳисобини юритишга;

Жамғармага йиғимлар ва мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилишини ва тўланишини текшириш учун давлат солиқ хизмати органлари ходимларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўйишга, уларнинг талабига қўра ушбу йиғимлар ва мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги  
Республика йўл жамғармасига \_\_\_\_\_ фаолияти бўйича  
200 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ учун мажбурий ажратмалар  
**ҲИСОБ-КИТОБИ**

(минг. сўм.)

Сатр коди	Кўрсаткичлар	Сумма
010	Республика йўл жамғармасига ажратмалар ҳисоб-китоби учун база	
020	Мажбурий ажратма бўйича имтиёзли объект	
030	Имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда Республика йўл жамғармасига ажратмалар ҳисоб-китоблари учун база (010-сатр 020-сатр)	
040	Мажбурий ажратманинг белгиланган ставкаси	%
050	Ҳисобот даври учун мажбурий ажратмалар ҳисоблаб ёзилди (030-сатр х 040/100-сатр)	
060	Аввалги ҳисобот даври учун Республика йўл жамғармасига ҳисоблаб ёзилган тўловлар суммаси	
070	Ҳисобот даври бошидан мажбурий ажратмалар (050-сатр 060-сатр)	
	- қўшимча тўлашга	
	- камайтиришга	



### Мустақил ечиш учун масала

Улгуржи савдо билан шуғулланувчи корхона ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғулланади. 2003 йилнинг ҳисобот даври учун товар сотишдан тушган тушум – 6000 м.с., корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиш натижасида тушган тушум – 3600 м. с. Енгил автомобил сотиб олинган – 5900 м.с.

Савол: Йўл жамғармасига тўланиши лозим бўлган суммани аниқланг?

### 5.4. МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги Фармонида мувофиқ мактаб таълимини 2004-2009 йиллар давомида ривожлантириш мақсадида бюджетдан ташқари мактаб таълими Жамғармаси ташкил этилди.

ЎзР. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабр 610-сонли Қарорига мувофиқ барча корхона ва ташкилотлар, жумладан махсус солиққа тортиш тизимидаги корхоналар ҳам, 2005 йил 1 январдан бошлаб 1% миқдорида мактаб таълимини ривожлантириш мажбурий тўловларни қуйида келтирилган жадвал кўрсаткичлари қийматидан тўлашлари лозим:

Мактаб таълимини ривожлантириш мажбурий  
тўловларнинг солиққа тортиш объекти

№	Тўловчилар	Солиққа тортиш объекти
1	Улгуржи ва чакана савдо қилувчи аптека ташкилотлари	Ялпи даромад
2	Дилерлар ва далоллик хизматини кўрсатувчи корхоналар	Комиссион тақдирлаш суммасидан
3	қурилиш, қурилиш-монтаж, қурилиш-таъмирлаш, лойиҳа қилиш изланиш ва илмий-текшириш ташкилотлари	Ўз кучлари билан амалга оширган иш ҳажмидан
4	Тижорат банклари, кредит иттифоқлари, сугурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатув шохобчалари), аукционлар, казино, нусха олиш ҳисобига даромад оладиган корхоналар, видео- ва аудио кассеталарини ижарага берувчилар, пуллик ютуқлар ўтказадиган ўйин автоматларини эксплуатация қилувчилар, лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ҳамда <i>оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказувчилар</i>	даромаддан

	чи ташкилотлар	
5	Лизинг компаниялари	Лизингга берувчининг даромади (маржа)
6	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, тайёрлов, таъминлов-савдо ташкилотлари	товар обороти ҳажмидан
7	коммунал хўжалигининг иссиқлик,- сув,- газ – таъминлаш системалари корхоналари	Маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажмидан, бунда иссиқлик таъминловчи корхоналар иссиқлик энергияси, сув таъминловчи-сув, газ бил таъминловчи – табиий газ сотиб олиш нархи чегири ташланади.
8	Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги корхоналар	Реализация қилинган маҳсулотлар (ишлар, хиз ҳажмидан, бунда ҚҚС ва акциз солиғи чегириб ташланади.

Мақтаб таълимини ривожлантириш мажбурий тўлови мақтаб таълимини ривожлантириш 2004-2009 йиллар Давлат умуммиллий дастурига киритилди ва улар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилган.

### **5.5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ □УДУДИДА АТРОФ ТАБИЙ МУҲИТ ИФЛОСЛАНТИРИЛГАНЛИГИ ВА ЧИҚИНДИЛАР ЖОЙЛАШТИРИЛГАНЛИГИ УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомга (ЎзР. ВМ 2003 йил 1 майдаги 199-сон қарорига 5-илова) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва

чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари тўловчилар, идоравий мансублигидан, мулкчилик шакллари ва хўжалик фаолияти ташкил этилишидан катъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташловчи (оқова оқизувчи) ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар ҳисобланади.

Ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташлаш, оқова оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг норматив ва нормативдан ортиқча (лимитдан ортиқча), шунингдек ҳалокатли ва зарбли масса компенсация тўловлари объекти ҳисобланади ва у ўз ичига қуйидагиларни олади:

турғун ва кўчма манбалардан ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш массаси;

ифлослантирувчи моддаларни сув объектларига ва жойларнинг рельефига оқизиш массаси;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жойлаштириладиган заҳарли ва заҳарли бўлмаган чиқиндилар массаси.

Кейинчалик қайта ишланмайдиган ва ҳар хил турдаги махсус жиҳозланган тўпланадиган жойларга жойлаштириладиган норматив ва нормативдан ортиқча (лимитдан ортиқча) ишлаб чиқариш чиқиндилари учун компенсация тўлови мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ифлослантирувчи моддалар чиқиндилар сақланадиган ёки тўпланадиган жойлардан сув объектларига ёки жойларнинг рельефига оқиб чиққан ҳолларда ифлослантирувчи моддалар массаси учун компенсация тўлови сув объектларига ва жой рельефига аварияли чиқариб ташлаш сифатида тўланади.

Конлар чегарасидан ташқаридаги вақтинча ажратилган майдонларга жойлаштириладиган норматив ва нормативдан ортиқча (лимитдан ортиқча) юза очилгандаги (бўш) жинслар уюми қазиб олувчи саноатнинг заҳарли бўлмаган чиқиндилари ҳисобланади ва улар жойланганлиги учун компенсация тўлови тўланади.

Қуйидагилар компенсация тўлови объектлари ҳисобланмайди:

а) махсус сақланаётган ва ҳар хил турдаги махсус жиҳозланган тўплаш жойларида жойлаштириладиган хом ашё ресурслари разрядига тегишли бўлган баланسدан ташқари рудалар;

б) вақтинча (олти ойгача) махсус ажратилган майдонларда жойлаштириладиган ва сўнгра иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш чиқиндилари;

в) табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишув бўйича техника экинлари ва дов-дарахтларни суғориш учун фойдаланиладиган тозаланган оқова сувлар;

г) олдиндан конларнинг ташқарисига жойлаштирилмайдиган конлар ичида жойлаштириладиган юзаси очилган жинслар уюмлари;

д) ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташлаш, оқизиш ва жойлаштириладиган чиқиндиларнинг норматив (лимитли) массаси, улар бўйича бир йилда ҳисоблаб чиқилган компенсация тўловлари суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг камида беш баравари миқдорини ташкил этади.

Ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг норматив ва нормативдан ортиқча (лимитдан ортиқча)си учун компенсация тўловлари суммаси компенсация тўловларининг тасдиқланган миқдорига ва табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан белгиланган ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг нормативларига (лимитларига) мувофиқ тўловчилар томонидан мустақил ҳисоблаб чиқилади.

Юридик шахсларда (тўловчиларда) ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг тасдиқланган нормативлари (лимитлари) мавжуд бўлмаган тақдирда ёки уларнинг амал қилиш муддати тамом бўлганда, шунингдек ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташлаш, оқизишга ва чиқиндиларни жойлаштиришга рухсатномалар мавжуд бўлмаган тақдирда компенсация тўловлари компенсация тўловларининг белгиланган миқдорларига 10 коэффициент қўлланган ҳолда ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташланиши, оқизилиши ва чиқиндилар жойлаштирилишининг бутун амалдаги массаси учун тўланади.

Ифлослантирувчи моддалар атроф табиий муҳитга чиқариб ташланганлиги, оқизилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилишининг амалдаги массаси юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариш ва бирламчи ҳисобга олишнинг технология тартиб-қоидадан келиб чиқиб белгиланади.

Тўловчилар атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун ҳар ойда аванс компенсация тўловларини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунигача тўлайдилар. Аванс компенсация тўловлари олдинги йил чораги маълумотлари бўйича ифлослантирувчи моддалар атроф табиий муҳитга чиқариб ташланиши, оқизилиши ва чиқиндилар жойлаштирилишининг норматив ва нормативдан ортиқча (лимитдан ортиқча) амалдаги ўртача ойлик массасидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Йилнинг бир чораги учун ҳисоблаб чиқилган компенсация тўлови суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан камни ташкил этган ҳолларда компенсация тўлови ҳисобот бериладиган йил чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача бир чорада бир марта тўланади, ушбу ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг норматив ва нормативдан ортиқча (лимитдан ортиқча) массаси ҳисоб-китоби молиявий

ҳисоботни тақдим этиш учун белгиланган муддатларда бир йилда бир марта табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишилади.

Атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўлови суммаси ҳисоб-китоби мазкур Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича икки нусхада тузилади. Унинг бир нусхаси молиявий ҳисоботни тақдим этиш учун белгиланган муддатларда йил чорагида бир марта тўловчи жойлашган жой бўйича табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий органларига тақдим этилади. Текшириб чиқилган ҳисоб-китобнинг иккинчи нусхаси тўловчида қолади.

Маблағлар ўз вақтида ўтказилмаган тақдирда муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун компенсация тўлови бўйича қарздорлик суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ қарздорлик умумий суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида, пеня ундирилади.

Атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўлови суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$T=(M_n \times R) + (M_{сн} \times R \times K_{кр}),$$

Бунда  $T$  - атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун сўмлардаги компенсация тўлови миқдори;  $M_n$  - тонна ёки килограммларда нормалар доирасида ифлослантирувчи моддалар табиий муҳитга чиқариб ташланиши (оқизилиши) ва чиқиндилар жойлаштирилиши массаси;  $M_{сн}$  - тонна ёки килограммларда нормадан ортиқча ифлослантирувчи моддалар табиий муҳитга чиқариб ташланиши (оқизилиши) ва чиқиндилар жойлаштирилиши массаси;  $R$  - 1 тонна ифлослантирувчи модда табиий муҳитга чиқариб ташланганлиги (оқизилганлиги) ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун сўмларда компенсация тўлови миқдорлари;  $K_{кр}$  - ифлослантирувчи моддалар атроф табиий муҳитга чиқариб ташланиши, оқизилишига ва чиқиндилар жойлаштирилишига тасдиқланган нормативлар (лимитлар) кўпайтирилганлиги (камайтирилганлиги) учун бараварлик коэффиенти.  $K_{кр}$  ифлослантирувчи моддалар атроф муҳитга чиқариб ташланганлиги, оқизилиши ва чиқиндилар нормативлар (лимитлар)га кўра жойлаштирилиши массаси кўпайтирилиши (камайтирилиши)га қараб табақалаштириб аниқланади.

Ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташланганлиги, оқизилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилишининг амалдаги массаси қисқартириш ҳисобига ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришга тасдиқланган нормативлар (лимитлар)дан кам бўлган ҳолларда атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўлови суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$T=(M_n \times R):K_{кр},$$

Бунда  $K_{кр}$  қуйидаги боғлиқликда аниқланади:

Т/р	Ифлослантирувчи моддаларни атроф муҳитга чиқариб ташлаш (оқизиш) ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг тасдиқланган нормативлар (лимитлар)дан ортиқ бўлган (қискартирувчи) ҳажми (баравар)	Ифлослантирувчи моддалар атроф табиий муҳитга чиқариб ташланиши, оқизилиши ва чиқиндилар жойлаштирилишига тасдиқланган нормативлар (лимитлар) кўпайтирилганлиги (камайтирилганлиги) учун бараварлик коэффициентлари ( $K_{кр}$ )
1.	1,05 дан 1,059 гача	1,1
2.	1,06 дан 1,1 гача	1,25
3.	1,11 дан 1,2 гача	1,7
4.	1,21 дан 1,3 гача	2,2
5.	1,31 дан 1,5 гача	3,0
6.	1,51 дан 2,0 гача	4,0
7.	2,1 ва ундан юқори	5,0

Ифлослантирувчи моддалар атроф табиий муҳитга чиқариб ташланиши, оқизилиши ва чиқиндилар жойлаштирилишига тасдиқланган нормативлар (лимитлар) кўпайтирилганлиги (камайтирилганлиги) учун бараварлик коэффициенти ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташланиши (оқизилиши) ва чиқиндилар жойлаштирилиши амалдаги массасининг ҳар бир модда бўйича алоҳида тасдиқланган нормативларга нисбати сифатида белгиланади.

Ифлослантирувчи моддалар атроф табиий муҳитга аварияли чиқариб ташланиши, оқизилиши ва чиқиндилар жойлаштирилиши ҳолларида уларнинг массаси ишлаб чиқаришнинг технология тартиб-қоидадан келиб чиқиб асбоблар билан ўлчаш ёки ҳисоб-китобли усул йўли билан аниқланади. Компенсация тўловлари ҳалокат (бараварига чиқариб ташлаш, ифлослантирувчи моддаларни оқизиш) пайдо бўлган пайтдан бошлаб у бартараф этилгунгача бўлган давр учун ҳар бир модда бўйича компенсация тўловларининг белгиланган миқдорларига ўн баравар миқдорда тўланади. Компенсация тўлови ҳисоб-китобидан ҳалокатни бартараф этиш ва унинг оқибатлари даврида зарарсизлантириш ёки кейинчалик ишлаб чиқаришга жалб этиш учун корхонага қайтариладиган ифлослантирувчи моддалар массаси чиқариб ташланмайди.

Компенсация тўлови суммаси ҳисоб-китоби учун ифлослантирувчи моддаларни табиий муҳитга чиқариб ташлаш (оқизиш) ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг бирламчи ҳисоби бўйича уларнинг турларига кўра белгиланган шаклдаги давлат статистика ҳисоботининг нормативлари (лимитлари), расмий маълумотлар асосида ифлослантирувчи моддалар

табiiй муҳитга чиқариб ташланиши (оқизилиши) ва чиқиндилар жойлаштирилиши массасининг амалдаги маълумотлари қўлланилади. Ҳисобот давридаги ифлослантирувчи моддалар табiiй муҳитга чиқариб ташланиши (оқизилиши) ва чиқиндилар жойлаштирилишининг амалдаги массасини аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда уларнинг массаси ишлаб чиқаришнинг технология тартиб-қоидаси бўйича кутилаётган йил массасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Мотор ёнилғисини ёқишда ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига норматив чиқаришлар учун компенсация тўлови ҳисоб-китоби уларни турларга ажратмасдан ифлослантирувчи моддаларнинг бутун массаси учун компенсация тўлови миқдорларига мувофиқ амалга оширилади. Ифлослантирувчи моддаларнинг амалдаги массаси қўйида келтирилган жадвалга (Низомга А-иловасига) мувофиқ қабул қилинади. Агар юридик шахснинг ёки табиатни муҳофаза қилиш органларининг асбоблар билан ўлчаши асосида белгиланган нормативлардан ортиқча эканлиги аниқланса, у ҳолда ушбу масса учун нормативдан ортиқча чиқарганлик эвазига компенсация тўлови тўланади.

Бир тонна мотор ёқилғисини ёқишда чиқариб  
ташланадиган ифлослантирувчи моддалар массаси

Ёқилғи турлари	Ифлослантирувчи моддалар массаси, кг
Этиланган автобензин	788,3
Этиланмаган автобензин	788,0
Автомобиль дизел ёнилғиси	208,5
Тепловозлар учун дизел ёнилғиси	120,5
Сиқилган табiiй газ	274,0
Суюлтирилган нефть газы	584,8
Реактив ёнилғи	178,5
Авиация бензини	169,8
Сув транспорти учун ёнилғи (флот мазути)	198,4

Атроф табiiй муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари тўловчи томонидан тегишли банк муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маҳаллий органларининг табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Юридик шахслар компенсация тўловларини атроф табiiй муҳитни ифлослантирувчи моддалар чиқиндилари, оқовалари ҳосил бўлган жой бўйича тўлайдилар.

Юридик шахсларнинг турли худудларда жойлашган бўлинмалари ва филиаллари юридик шахс бўлмаса ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлишмаса атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини юридик шахслар тўлайди. Компенсация тўловлари корхоналарнинг кўрсатиб ўтилган бўлинмалари ва филиаллари жойлашган худудларнинг табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига йўналтирилади.

Юридик шахс компенсация тўловларини тўлашдан бош тортган тақдирда уларни, шунингдек пеняни ундириш хўжалик суди орқали мажбурий тартибда амалга оширилади.

Атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини тўлаш тўловчиларни ушбу чиқиндиларни ташлаганлик, оқоваларни оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик туфайли етказилган зарарни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

200\_\_ йил \_\_ чорагида атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари суммаси

### **ҲИСОБ-КИТОБИ**

Компенсация тўлови объектлари	Массаси (т, кг, куб. м)			1т, кг, куб. м учун компенсация тўлови миқдори (сўм)	Кўпайтирилган (камайтирилган) учун ёки ҳалок бўлганда барабар коэффициентлар (бирлик)	Компенсация тўлови суммаси (2ус.х4ус.х + 3ус.х4ус.х)
	Норматив	Норматив ортиқ	ҳалок бўлган			
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>
1. Атмосферани ифлослантилганликни чиқариш:						
<b>Жами</b>						
2. Мелиорация ёки ифлослантилганликни чиқариш:						
3. Ҳудуд ва рельефини						



ифлослант чи моддал чиқариш:						
<b>Жами</b>						
4. И чиқариш чиқиндила						
<b>Жами</b>						
<b>Ҳаммаси</b>						
Компенсация бўйича тўлов						
Тўланиши керак						
Пеня						
Тўланиши керак						

## МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Қуйида келтирилган таърифларнинг қайси бири солиқларнинг тўлиқ маъносини очиб беради?**

А) Солиқлар – товар маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни белгилаб беради;

Б) Солиқлар – бу умумдавлат ва маҳаллий бюджетларга юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонунчиликда белгиланган муддатларда мажбуран қатъий кўринишда тўланадиган ажратмадир;

В) Солиқлар – бу шундай тўлов бўлиб, давлат харажатларини ва транспорт тўловларини амалга ошириш учун жамланган тўловлардир;

Г) Солиқлар – бу, давлат томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг тўловлари ҳисобига ташкил этиладиган қатъий белгиланган жамғармадир.

**2. Солиқ тизими бу:**

А) давлат томонидан ўрнатилган барча солиқлар, йиғимлар ва бошқа бюджетга ундириладиган мажбурий тўловлар мажмуаси бўлиб, уларнинг шакл ва тузилиш методларини ташкил этади;

Б) Давлат солиқ хизмати органлар;

В) ;ами солиқлар, солиқ органи хизмати ва солиқ муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий меъёрлар;

Г) солиққа тортишнинг шакли ва усуллари.

**3. «Бож» сўзининг энг тўғри таърифни танланг.**

А) мажбурий, эквиваленти бўлмаган, ўзининг аниқ фойдаланиш йўналиши бўлмаган тўловдир;

Б) бож бу юридик ва жисмоний шахслардан махсус ваколат берилган органлар томонидан маълум бир ҳолатни белгилаш ёки юридик кучга эга бўлган ҳужжатни бериш учун тўланадиган тўлов;

В) солиқ тўловчига давлат томонидан кўрсатилган хизмат учун тўланадиган мақсадли тўловдир;

Г) маҳаллий ва республика бюджетига қатъий белгиланган ажратма.

**4. Билвосита солиқлар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги кўринишда акс эттирилади:**

А) маҳсулотнинг (ишнинг, хизматнинг) ишлаб чиқариш таннархига кўшилади;

Б) корхонанинг даромади ҳисобига тўланади;

В) маҳсулотнинг (ишнинг, хизматнинг) нархига кўшилади;

Г) давр харажатларига олиб борилади.

**5. Реал солиқлар – шундай солиқлар бўлиб, улар:**

А) солиқ тўловчининг молиявий ҳолатини ҳисобга олади;

Б) солиқ тўловчининг реал олган даромади ҳисобига тўланади;

В) фаолияти ёки мол-мулки солиққа тортилади;

Г) ўз ихтиёри ва ҳоҳиши билан тўланади.

**6. Солиққа тортишда «тенг тақсимлаш» принципи қуйидагидан иборат:**

А) ҳар қандай солиқ солиқ тўловчи учун энг қулай вақтда ва усулда ундирилиши шарт;

Б) солиқлар солиқ йили давомида тенг қисмларга бўлинган ҳолда тўланиши лозим;

В) солиқлар солиқ тўловчининг даромадини ҳисобга олган ҳолда тўланиши лозим;

Г) солиқлар солиқ тўловчининг давлатдан олган манфаатидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим.

**7. ЎзР. солиқ қонунчилиги таркибига нималар кирази (тўлиқроқ жавобни белгиланг)?**

А) ЎзР. Конституцияси, ЎзР. Солиқ кодекси;

Б) ЎзР. Солиқ кодекси, ЎзР. Фуқаролик кодекси, ЎзР. Молия вазирлиги далолатномалари;

В) ЎзР. Солиқ кодекси, ЎзР. Солиқ кодексига кўзда тутилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

Г) ЎзР. Солиқ кодекси, Вазирликлар ва муассасалар йўриқномалари, ЎзР. ҳукумати қарорлари.

**8. Солиқ тўловчига маъмурий жарима ким томонидан қўлланиши мумкин (тўлиқроқ жавобни белгиланг)?**

- А) суд;
- Б) солиқ хизмати органлари;
- В) солиқ хизмати органлари, прокуратура органлари ва суд;
- Г) прокуратура органлари.

**9. Юридик шахсни ташкил этиш ва рўйхатдан ўтишда солиқ тўловчининг асосий мажбурияти?**

А) белгиланган тартибда солиқ органларидан рўйхатдан ўтиш, юридик манзил ўзгарганда ёки қайта рўйхатдан ўтилган ўн кун муддат ичида уларга хабар қилиш;

Б) тўланиши лозим бўлган солиқ ва йиғимларни ўз вақтида ва тўлиқлайин тўлаш;

В) қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ҳужжатларини юритиш;

Г) қонунчиликда белгиланган тартибда молиявий ҳисоботларни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромад ҳақидаги декларацияни солиқ органларини тақдим этиш.

**10. Солиқ бўйича мажбуриятни ўз вақтида бажармасликнинг бажартиришнинг асосий усули нимадан иборат (тўлиқроқ жавобни белгиланг)?**

А) банк ҳисобварақларининг харажат операцияларини тўхтатиш, банк ҳисобварақларидаги маблағларни ундириш бўйича ишлар олиб бориш;

Б) банк ҳисобварақларининг харажат операцияларини тўхтатиш, мол-мулкдан фойдаланишга чегара қўйиш, қўшимча равишда мажбурий акциялар эмиссиясини қўллаш;

В) пеня ҳисоблаш, мол-мулкдан фойдаланишга чегара қўйиш, харажат операцияларини тўхтатиш;

Г) пеня ҳисоблаш, ҳужжатларни олиб қўйиш.

**11. Солиқ ва йиғимлар бюджетга қуйидаги кетма-кетликда ҳисобга олинади:**

А) асосий сумма, ҳисобланган пеня, жарима суммалари;

Б) ҳисобланган пеня, асосий сумма, жарима суммалари;

В) жарима суммалари, ҳисобланган пеня, асосий сумма;

Г) асосий сумма, жарима суммалари, ҳисобланган пеня.

**12. Солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш:**

- А) солиқ ва тўловларни тўлаш мажбуриятидан озод этмайди;
- Б) солиқ ва тўловларни тўлаш мажбуриятидан озод этади;
- В) солиқ ва тўловларни тўлаш мажбуриятидан қисман озод этади;
- Г) солиқ ва тўловларни тўлаш мажбуриятидан вақтинча озод этади.

**13. Акциз солиғи:**

- А) тўғри солиқ.
- Б) билвосита солиқ.
- В) аралаш солиқ.

Г) мулкый солиқ.

**14. Божхона тўловларини қанчалик энг катта муддатга кечиктириш мумкин:**

- А) беш ойгача бўлган муддатга;
- Б) уч ойгача бўлган муддатга;
- В) икки ойдан кўп бўлмаган муддатга;
- Г) божхона декларацияси қабул қилинган кундан 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга.

**15. Корхона ёпилаётган вақтда мол-мулкни таъсисчилар ўртасида бўлинишидаги оборотлар:**

- А) ҚҚС тортилмайди;
- Б) қисман ҚҚС тортилади;
- В) 20 фоизлик ҚҚС тортилади;
- Г) нол ставкалик ҚҚС тортилади.

**16. Хўжалик йўли билан амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми:**

- А) ҚҚС тортилмайди;
- Б) 20 фоизлик ҚҚС тортилади;
- В) қисман ҚҚС тортилади;
- Г) нол ставкалик ҚҚС тортилади.

**17. Маҳсулотни сотиш натижасида 240 минг сўм, ҚҚС ҳисобга олган ҳолда, тушум тушган, аммо маҳсулотнинг таннарни ҚҚС ҳисобга олган ҳолда 250 минг сўмни ташкил этади. Бюджетга ундирилиши лозим бўлган ҚҚС суммаси неча сўмга тенг?**

- А) 40 минг сўм;
- Б) 48 минг сўм;
- В) 50 минг сўм;
- Г) бошқа сумма.

**18. ЎзР. ишлаб чиқарилган ва акциз маркази билан марказланган товар учун ишлатилган акциз марказининг номинал қиймати:**

- А) акциз солиғининг ҳисобига тўланган деб ҳисобланади;
- Б) акциз солиғининг ҳисобига тўланмаган деб ҳисобланади;
- В) аввал акциз солиғининг ҳисобига тўланган деб ҳисобланади ва ундан сўнг чегириб ташланади;
- Г) қисман акциз солиғининг ҳисобига тўланган деб ҳисобланади.

**19. Ҳисобот даврида корхонанинг сотувдан ҚҚСга тортиладиган обороти 1500 минг сўмни ташкил этган, тортилмайдигани – 375 минг сўм, ҳисобварақ-фактураси бўйича олинган сумма – 180 минг сўм. Бунда ҳисобга киритилладиган ҚҚС суммаси:**

- А) 180 минг сўмни ташкил этади;
- Б) 36 минг сўмни ташкил этади;
- В) 0;
- Г) 144 минг сўмни ташкил этади.

**20. Импорт қилинган товарнинг контракт қиймати – 6000 долл., унинг божхона қиймати (божхона хизмати ходимлари томонидан аниқланган) – 8000 долл. Товарнинг келганлиги ҳақида хабарнома олинганда курс – 1 долл. учун 810 сўмни, божхона декларацияси тўлдирилганда курс – 1 долл. учун 812 сўмни ташкил этган. Божхона божи ставкаси – 30%. Импорт қилинган товар бўйича ҚҚС суммаси неча сўмни ташкил этади?**

- А) 1 266 720 сўм;
- Б) 974 400 сўм;
- В) 1 688 960 сўм;
- Г) 1 684 800 сўм.

**21. ҚҚС тўловчиси асосий воситани 300 минг сўмга сотди, бошланғич нархи -480 минг сўм, тўпланган эскириш – 240 минг сўм. Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси ташкил этади:**

- А) 48 минг сўмни;
- Б) 60 минг сўмни;
- В) 12 минг сўмни;
- Г) 10 минг сўм.

**22. ЎзР. ҳудудида қандай товарлар акциз солиғига тортилади?**

- А) фақат ЎзР. ҳудудида ишлаб чиқарилган;
- Б) фақат ЎзР. ҳудудига импорт қилинган;
- В) ЎзР. ҳудудида ишлаб чиқарилган ва ЎзР. ҳудудига импорт қилинган;
- Г) ЎзР. ҳудудида ишлаб чиқарилган ҳамда импорт ва экспорт қилинган.

**23. Биргаликда фаолият юритган юридик шахсинг ҳар бирининг олган даромади:**

А) даромад бўлингандан сўнг ҳар бирининг умумий даромадига қўшилади ва умумий белгиланган тартибда солиққа тортилади;

Б) манбаида 20% ставка билан солиқ солинади;

В) умуман солиққа тортилмайди;

Г) аввал умумий тартибда солиққа тортилади ва ундан сўнг иштирокчилар орасида бўлинади.

**24. Илм ва фан соҳасига хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг қайси бирлари солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллай оладиган кичик корхоналар туркумига кира олади, агарда:**

А) ўртача йиллик ишчилар сони 10 кишигача бўлса;

Б) ўртача йиллик ишчилар сони 25 кишигача бўлса;

В) ўртача йиллик ишчилар сони 20 кишигача бўлса;

Г) ўртача йиллик ишчилар сони 40 кишигача бўлса.

**25. 2005 йил ягона солиқ тўловчи қишлоқ хўжалик корхоналарига қандай солиқ ставкаси белгиланган:**

А) 5 %;

Б) 10 %;

В) 25 %;

Г) 6 %.

**26. Қандай шаклдаги корхоналар учун соддалаштирилган солиққа тортиш тизимини қўллаш мумкин:**

А) фақат хусусий корхоналарга;

Б) барча эгалик шаклига эга бўлган корхоналарга;

В) нодавлат эгалик шаклига эга бўлган барча корхоналарга;

Г) қўшма корхоналардан ташқари барча эгалик шаклига эга бўлган корхоналарга.

**27. Ҳисобот даврида солиқ солинадиган даромади 1200 минг сўмни ташкил этган, чет эл инвестицияси иштирокида тузилган, устав жамғармасида 600 минг долл. бўлиб, унда чет эл таъсисчисининг улуши 51 % бўлган ва баланснинг «Резерв капитали» ҳисобварағида сальдо бўлмаган корхона ҳисобот даврида резерв жамғармасига 230 минг сўм ажратма қилган ҳолатда солиқ солинадиган даромадни ўзгаришини аниқланг.**

А) 230 минг сўмга камаяди;

Б) 240 минг сўмга камаяди;

В) 900 минг сўмга камаяди;

Г) ўзгармайди.

**28. ҚҚС тўловчиси бўлган ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобот даврида қуйидаги кўрсаткичларга эга: ички бозорга ишлаб чиқарган маҳсулотини сотишдан тушган тушум – 2400 минг сўм, эркин муомаладаги валютага экспорт қилинган маҳсулотини сотишдан тушган тушум – 600 минг сўм, ўзининг ишчиларига сотилган маҳсулот 360 минг сўмни ташкил этган. Сотув оборотидан ҳисобланиши лозим бўлган ҚҚСнинг суммаси нечага тенг?**

- А) 560 м. сўм
- Б) 400 м. сўм
- В) 500 м. сўм
- Г) 460 м. сўм

29. Улгуржи савдо билан шуғулланувчи корхонанинг 2004 йил ҳисобот даври учун товар айланмаси 3600 минг сўмни, таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатишдан тушум – 120 минг сўмни, манфий курслар орасидаги фарқ – 72 минг сўмни, мусбат курслар орасидаги фарқ – 82 минг сўмни, келиб тушган жарималар – 30 минг сўмни ташкил этган. Сотилган товарнинг сотиб олиниш нархи – 2800 минг сўм. Ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим булган ялпи даромад солиғи суммасини аниқланг?

- А) 188 минг сўм
- Б) 190 минг сўм
- В) 166 минг сўм
- Г) 210 минг сўм

30. Жисмоний шахслар томонидан дивиденд кўринишидаги даромадлари қандай солиққа тортилади?

- А) Даромад солиғи ҳисоблаш бўйича жадвалини қўллаш йўли билан.
- Б) Даромад тўланиши манбаида 15 % ставка бўйича.
- В) Умумий олинган даромадга нисбатан ҳар ой махсус қатъий ставка қўллаш йўли билан.
- Г) Даромадларни декларация асосида солиқ ҳисоблаш жадвалини қўллаш усули билан.

**31. Жисмоний шахслар томонидан рационализаторлик таклифига берилган тақдирлаш мукофот суммалари қандай солиққа тортилади?**

- А) Солиққа тортилмайди.
- Б) Қатъий солиқ ставкаларида даромад тўлаш манбаида солиққа тортилади.
- В) 15 фоизлик ставкада солиққа тортилади.
- Г) Жами бошқа даромадлар билан бирга солиққа тортилади.

**32. Жисмоний шахсларнинг қандай даромадлари мулкӣ даромадларга киради:**

А) Фоизлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромад.

Б) Фоизлар и дивидендлар.

В) меросга қолган мулк.

Г) Текинга олинган мулк.

**33. Корхона томонидан жисмоний шахсга берилган туристик йўлланмага тўланган маблағ кўринишидаги даромади солиққа тортиладими:**

А) Солиққа тортилмайди.

Б) Солиққа тортилади.

В) Қисман солиққа тортилади.

Г) Аввалдан келишилган меъёрда солиққа тортилади.

**34. Жисмоний шахс томонидан олинган алимент умумий йиллик даромадга киритилладими:**

А) Киритиллади..

Б) Киритилмайди.

В) 50 фоизи киритиллади.

Г) Битта фарзанд учун берилган алимент суммасигина киритилмайди.

**35. Жисмоний шахсларнинг қуйидаги келтирилган қайси даромадларидан солиқ тўлов манбаида ушлаб қолинмайди:**

А) Олинган дивидендлардан.

Б) Нодавлат пенсия тўловларидан.

В) Олинган фоизлардан.

Г) Бошқа жисмоний шахсларга мулкларини ижарага бериб олган даромадларидан.

**36. Иккинчи йил фаолият кўрсатаётган (2004 й) даромад (фойда) солиғи тўловчиси бўлган ишлаб чиқариш корхонасининг фойда солиғи тўлагунга қадар бўлган даромади 540 минг сўми ташкил этган, жумладан келиб тушган дивидендлар – 100 минг сўм, Илова №1 га қўшиладиган харажатлар – 98 минг сўм бўлган.**

**Бюджетга тўланиши лозим бўлган даромад (фойда) солиғининг суммаси неча сўмга тенг?**

А) 48,4 минг сўм;

Б) 96,8 минг сўм;

В) 53,8 минг сўм;

Г) тўғри жавоб йўқ.



37. Корхона истеъмол товарларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. 2004 йилда солиққа тортиладиган даромад – 610 минг сўмни, умумий сотилгандан 51% экспорт улушини ташкил этади. Белгиланган солиқ ставкаси 18% бўлганда, даромад (фойда) солиғини ҳисобланг.

- А) 43,9 минг сўм;
- Б) 87,8 минг сўм;
- В) 54,9 минг сўм;
- Г) 109,8 минг сўм.

38. 2004 йилда даромад (фойда) солиғи тўловчиси бўлган ишлаб чиқариш корхонасининг фойда солиғи тўлагунга қадар бўлган даромади 540 минг сўмни ташкил этган, Илова №1 га қўшиладиган сумма – 103 минг сўм, жумладан хайрия жамғармасига ўтказилган сумма – 30 минг сўм бўлган.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган даромад (фойда) солиғининг суммаси неча сўмга тенг?

- А) 114,58 минг сўм;
- Б) 110,34 минг сўм;
- В) 102,6 минг сўм;
- Г) 51,3 минг сўм.

39. Қишлоқ хўжалик корхоналари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлайдилар:

- А) Йилига икки маротаба – 15 май и 15 декабр.
- Б) Йилига бир маротаба– 15 декабр.
- В) Ҳар чоракда.
- Г) Ҳар ойда.

40. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг солиқ солиш объектларидан бири бўлиб қазиб олиш фойдали қазилмаларнинг ҳажми ҳисобланади:

А) уларни қайта ишлаш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг нархидан;

Б) уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотнинг ҳақиқатда сотилиш қиймати бўйича, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда;

В) ҳақиқатда қазиб чиқариш таннаридан;

Г) тўғри жавоб йўқ.

41. Саноат корхоналарининг 2004 йил учун Республика Йўл жамғармасига ажратмалари қандай ўлчамда белгиланган:

А) ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидан (ишлар, хизматлар) - 1 фоиз миқдоридан;

Б) ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидан (ишлар, хизматлар) – 1,5 фоиз миқдорда;

В) ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидан (ишлар, хизматлар) – 0,7 фоиз миқдорда;

Г) маҳсулотлар сотиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ҳажмидан, қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда - 1,5 фоиз миқдорда.

**42. 2004 йил учун тамаки маҳсулотларини сотиш учун белгиланган лицензия йиғимининг ставкаси:**

А) бир ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 5 баробари.

Б) бир ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 3 баробари.

В) бир ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 3,5 баробари.

Г) бир ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 10 баробари.

**43. Қуйида келтирилганлардан қайси бирлари мол-мулк солиғига тортилмайди?**

А) корхонанинг хусусий транспорт воситалари;

Б) ижарага берилган корхонанинг хусусий транспорт воситалари;

В) давлат дастурига асосан ҳарбий қўшинлар учун кадр тайёрлашда қатнашаётган корхонанинг хусусий транспорт воситалари;

Г) ҳалокат натижасида кераксиз ҳолатга келган корхонанинг хусусий транспорт воситалари.

**44. Ижарага берилган ер участкасини субижарага бериш мумкинми?**

А) мумкин;

Б) мумкин эмас;

В) мумкин, фақат давлат корхоналарига;

Г) мумкин, фақат ер участкасининг бир қисмини.

**45. Жисмоний шахслар томонидан ер солиғи бюджетга тўланади:**

А) тенг улушларда: 15 феврал, 15 май, 15 август, 15 ноябр;

Б) ҳисобот йилининг якуни билан;

В) тенг улушларда: 15 июн ва 15 декабрга қадар;

Г) ҳисобот йилининг 1 ноябрга қадар.

**46. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи объектига қуйидагилар киреди:**

А) уй-жойлар, хонадонлар, чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар қиймати;

Б) уй-жойлар, хонадонлар, чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар қиймати ва автомобил, моторли қайиқлар,

вертолётлар, самолётлар, ўзи юрар машина ва механизмлар ва бошқа транспорт воситаларининг двигателлари қуввати;

В) уй-жойлар, хонадонлар, чорбоғ ва боғ уйлари қиймати;

Г) уй-жойлар ва хонадонлар қиймати.

**47. Юридик шахснинг мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати 3540 минг сўмни ва умумий тушумнинг 48% экспорт улушини ташкил этади. Мол-мулк солиғи суммаси қуйидагига тенг:**

А) 123,9 минг сўм

Б) 61,95 минг сўм

В) 0

Г) 86,73 минг сўм

**48. 2005 йил учун инфратузилмаларни ривожлантириш солиғининг ставкаси белгиланган:**

А) 10%;

Б) 8%;

В) 6%;

Г) 3,5%

**49. Шаҳарлар ва шаҳар қўрғонларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи ундирилади:**

А) қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкалар миқдориди;

Б) қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдориди

В) шаҳарлар ва шаҳар қўрғонларидаги ер участкаларидан фойдаланганлик учун белгиланган ставкаларда;

Г) юқорида келтирилган барча жавоблар тўғри.

**50. Юридик шахслар фойдаланадиган, давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча ер участкалари учун ер солиғи тўланади:**

А) ушбу категориядаги ерлар учун қўлланиладиган энг юқори ставкаларда;

Б) 2 коэффицентини қўллаган ҳолда;

В) 3 коэффицентини қўллаган ҳолда;

Г) одатдаги ҳолатлар каби.

**51. Иморатни бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ижара берганда ер солиғи тўловчиси ҳисобланади:**

А) ижарага берувчи;

Б) ижара шартномасига асосан мажбурият юклатилган шахс томонидан;

- В) иморат балансида бўлган шахс томонидан;
- Г) ижарага берувчи ва олувчи ўртасидаги келишувга асосан.

**52. Қуйида келтирилган ер солиғи тўловчиларнинг қайси бирлари рўйхатдан ўтказилган пайдан эътиборан икки йил мобайнида ер солиғи тўлашдан озод этилади:**

- А) нотижорат ташкилотлар, агарда улар ер участкаларидан тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланмасалар;
- Б) чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари;
- В) деҳқон хўжаликлари;
- Г) барча жавоблар тўғри.

**53. «Балл бонитет»нинг энг тўлиқ таърифини беринг:**

- А) ер солиғи ставкаси;
- Б) ернинг сонли баҳолаш қийматини;
- В) ер участкаси майдонининг кўрсаткичи;
- Г) ернинг табиий унумдорлиги ва сифатининг баҳоси.

**54. 2005 йил учун мол-мулк солиғи ставкаси:**

- А) 4 %;
- Б) 5 %;
- В) 3 %;
- Г) 3,5 %.

**55. Юридик шахслар учун экология солиғи қайси муддатларда тўланади:**

- А) Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15 санасигача.
- Б) Ҳар чоракда чорак ва йиллик ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатида.
- В) Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелигача.
- Г) Ҳар ойнинг 20 санасига қадар.

**56. Ишлаб чиқариш корхонасининг ҳисобот давридаги солиққа тортиладиган даромади – 720 минг сўмни ташкил этган; ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг умумий сотилганидан 32% чет эл валютасига сотилганини ташкил этади. Бюджетга тўланадиган даромад (фойда) солигининг суммаси қуйидагини ташкил этади:**

- А) 72 минг сўм;
- Б) 144 минг сўм;
- В) 129,6 минг сўм;
- Г) 64,8 минг сўм.

**57. Қишлоқда жойлашган савдо (ХХТУТ (ОКОНХ) коди бўйича) корхонаси 7300 минг сўмга товар сотган; сотилган товарнинг таннархи**

**5800** минг сўмни ташкил этади. Асосий восита объекти қолдиқ нархи бўйича сотилган – **120** минг сўм. **250** минг сўмлик даъво қилиш муддати ўтган кредиторлик қарзи кечиб юборилган. Ялпи даромад солиғи суммаси қуйидагини ташкил этади:

- А) 350 минг сўм;
- Б) 336,6 минг сўм;
- В) 315 минг сўм;
- Г) 374 минг сўм.

**58.** Тошкент шаҳрида жойлашган савдо (ХХТУТ коди бўйича) корхонаси **7300** минг сўмга товар сотган; сотилган товарнинг таннархи **5800** минг сўмни ташкил этади. Асосий восита объекти қолдиқ нархи бўйича сотилган – **120** минг сўм. **250** минг сўмлик даъво қилиш муддати ўтган кредиторлик қарзи кечиб юборилган. Ялпи даромад солиғи суммаси қуйидагини ташкил этади:

- А) 350 минг сўм;
- Б) 336,6 минг сўм;
- В) 315 минг сўм;
- Г) 374 минг сўм.

**59.** Ягона солиқ тўловчи ишлаб чиқариш (ХХТУТ коди бўйича) корхонаси **2004** йили ўзи ишлаб чиқарган товарнинг **7300** минг сўмлигини сотган; сотилган товарнинг таннархи **5800** минг сўмни ташкил этади. Асосий восита объекти қолдиқ нархи бўйича сотилган – **120** минг сўм. **250** минг сўмлик даъво қилиш муддати ўтган кредиторлик қарзи кечиб юборилган. Ялпи даромад солиғи суммаси қуйидагини ташкил этади:

- А) 350 минг сўм;
- Б) 336,6 минг сўм;
- В) 315 минг сўм;
- Г) 37 минг сўм.

**60.** Ягона солиқ тўловчи таъминот-сотувчи (ХХТУТ коди бўйича) корхона **2004** йили **7300** минг сўмлик товар сотган; сотилган товарнинг таннархи **5800** минг сўмни ташкил этади. Асосий восита объекти қолдиқ нархи бўйича сотилган – **120** минг сўм. **250** минг сўмлик даъво қилиш муддати ўтган кредиторлик қарзи кечиб юборилган. Ялпи даромад солиғи суммаси қуйидагини ташкил этади:

- А) 561 минг сўм;
- Б) 997,1 минг сўм;
- В) 981,5 минг сўм;
- Г) 525 минг сўм.

**61. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган акциз товарларнинг шартномавий нархларининг қайси таркибий қисмидан акциз солиғининг суммаси аниқланади.**

- А) ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда суммаларидан;
- Б) савдо-сотик корхонаси томонидан белгиланган улгуржи нархидан;
- В) тўлиқ ишлаб чиқариш таннархи, корхона фойдаси, акциз солиғини ҳисобга олган ҳолдаги сотув нархидан;
- Г) ишлаб чиқариш харажатлари ва фойдасидан, кўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда.

**62. Харидорлар томонидан ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича ҳақини тўлаганларидан сўнг товарларни қайтарган ҳолатларида товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш бўйича айланмаларга шундай операциялар бўйича ҚҚСи суммаси миқдорида ўзгариш киритилади, агарда:**

- А) даъво қилиш уч йиллик муддатга риоя қилинган бўлса;
- Б) даъво қилиш бир йиллик муддатига риоя қилинган бўлса;
- В) даъво қилиш уч ойлик муддатига риоя қилинган бўлса;
- Г) бунда даъво муддати аҳамиятга эга эмас.

### **Фойдаланиш учун ва қўшимча адабиётлар рўйхати**

Евстигнеев Е.И. Налоги ва налогообложение. – М., Инфра-М, 2001.

Идрисов Э.К. Налоговое регулирование предпринимательской деятельности в сфере малого и среднего бизнеса. – Алматы, Каржи-Каражат, 1999.

Дубов В.В. Действующая налоговая система и пути ее совершенствования. – М.; Финансы, 1997.

Миляков Н.В. Налоги ва налогообложение / Курс лекций. – М., Инфра-М, 2000.

Оспанов М.Т. Налоговая реформа и гармонизация налоговых отношений. – Алматы, 1997.

Ресакова И.Г., Кашина В.А. Налоги и налогообложение. – М., 1998.

Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. – Тошкент, Консаудитинформ. 2001.

Юткина Т.Ф. Налоги ва налогообложение. – М., Инфра-М, 1999.

